



M.B. MIKRO

MIKRO

Гозис
of科学院
1988年 5.

Соринов
АСОИ
1995г.

У.

М. В. ФЁДОРОВ

МИКРО- БИОЛОГИЯ

СССР Фанлар академиясининг
корреспондент аъзоси
Е. Н. Мишустин таҳрири остида
1963 йилда чиққан
русча 7-нашридан таржима

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг
қишлоқ хўжалиги олий ва ўрта таълим
бошқармаси қишлоқ хўжалиги институтларининг
агрономия факультетлари студентлари учун
дарслик сифатида тавсия этган

БИБЛИОТЕКА
Тармоқларга
Господинституту

„ЎҚИТУВЧИ“ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ-1966

СҮЗ БОШИ

Партиянынг XXII съездда қабул қилинган Программасида фаннинг құлланилиши жамият ишлаб чиқарувчи күчларининг жуда тез үсишида ҳал құлувчи фактор булиб борағанлығы күрсатыб үтилди. Мамлакатимизда коммунизм қурилиши қишлоқ хұжалиғи маңсулотлари ишлаб чиқаришни шундай даражага күтаришни күзде тутадики, булар саноат ва ақолининг барча талабларини тұлық таминлаши ҳамда тақсимлашнинг коммунистик формасига үтиш имкониятими бериши керак.

Қишлоқ хұжалигиди интенсивлаштиришда микробиология фаны әришган ютуқлардан фойдаланиш, шубхасиз, катта роль үйнаши керак. Бу үсімлікшүсілікка ҳам, чорвачиликка ҳам тааллуқлады. Үғитлардан, жумладан минерал үғитлардан, рационал фойдаланиш, ерни азот билан бойитиш, ерга тұғыр ишлов беріш усулларини топиш, ем-хашакларни тұғри сақлаш ва қоказолар микробиологияни көнг құлланыш билан чамбарчас болықдир.

Юқорида баён этилгандарнинг ҳаммаси қишлоқ хұжалиғи олий үқув юртларда микробиология программаси ва курсини құнт билан үрганиб чиқиши талаб этади.

Профессор М. В. Фёдоровнинг «Микробиология» китоби фаннинг мана шу соҳасидаги энг яхши дарсліктерден биридір. Орамиздан бевақт кетған автор дарсліктердин олтінчи русча нашарини тайёрлашда күп меңнат сарф қилды. Китоб редактори текстларға бирор мұхым үзгартыш кириптади ва ғақат ферментлар систематикасы ҳамда микроорганизмларнинг чиринді моддалар ҳосил қилишига оид бирмунча әскірган бўлимларни қайта ишлади.

СССР Фанлар академиясінинг корреспондент аъзоси *E. N. Мишустин*

6-НАШРИГА СҮЗ БОШИ

Автор дарсликнинг мазкур нашрини тайёрлашда микроорганизмлар түғрисидаги фаннинг янги ютуқларини ҳисобга олди ва китобнинг текстига зарур қўшимча ҳамда тузатишлар киритди. Бундан ташқари, китобхонларнинг китобда материалларнинг жойланиши тартиби, ҳажми ва баён этилиш тартибининг тушунарли бўлишига оид таклиф ва истаклари ҳам ҳисобга олинди. Буларнинг ҳаммаси китобни қайта ишлашни, айрим ҳолларда эса текстни қайтадан ёзишни талаб этар эди. Бироқ автор китобнинг бу нашри тузилишига ҳам муҳим ўзгартиришлар киритгани йўқ. Ҳамма бўлимларда материаллар шундай танланганки, бунда студентлар микроорганизмларнинг морфологик хусусиятлари билангина эмас, балки улар иштирокида борадиган биохимиявий процессларнинг характеристери ҳақида ҳам аниқ тасаввурга эга бўладилар. Лекин бу процесслар ҳаддан ташқари хилма-хил. Бу ҳол микроорганизмларни тупроқда турли хил органик ва минерал моддаларнинг ўзгариб туришида муҳим иштирокчи қилиб қўяди. Бу процесслар маълум бир йўналишда бўлса, тупроқда ўсимликларнинг яхши ўсишини (ҳосил бериш томонга) таъминлайдиган шароит яратиш мумкин. Шунинг учун агротехника усулларини янада такомиллаштиришда тупроқ микроорганизмларининг ҳаёт фаолиятини ҳисобга олиш зарур, чунки булар фаолияти натижасида тупроқда ўсимликлар учун зарур озиқ моддалар тўпланади. Шундай экан, бу процессларнинг йўналиши ҳар хил бўлиши мумкин. Шуниси жуда муҳимки, бунда агротехниканинг мувофиқ келадиган усуллари қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилини оширишга ва тупроқнинг ҳосилдорлигини сақташга ёрдам беради.

Тупроқдаги микробиологик процессларни бундай регуляция қилишга фақат қишлоқ ҳўжалиги мутахассислари микробиологиядан етарли билимга эга бўлганларидагина эришиш мумкин.

Мазкур китобда микроорганизмларнинг хусусиятлари ва уларнинг тупроқда кечадиган биохимиявий процесслардаги

ролини ҳар томонлама ёритувчи ҳозирги замон маълумотлари қисқача баён этилган.

Қишлоқ хұжалиғи маҳсулотларини дастлабки ишлашда, уларни сақлашда ва консервалашда мұхим ақамиятга эга бүлгән микробиологик процессларға ҳам катта әзтибор берилді. Бу ерда мазкур процессларни мақсадға мувофиқ йұналишда бошқариш мүмкінлиги күрсатилади.

Китоб агрономия, шунингдек агрохимия ва тупроқшunoслик факультеттарининг студентлариға мүлжалланған. Агрономия факультеттарининг программасыга кириtilган масалаларни ёритувчи асосий текст корпус (йирик ҳарфлар) билан, микробиологик процессларниң химизми билан боелиқ бүлгән айрым қисмлар эса петит (майда ҳарфлар) билан берилған. Материалнинг бу қисми агрономия факультеттарининг студентлари учун зарур. Чунки уларда бу предмет учун күпроқ үқув соати ажратылған, бундан ташқари, улар бирмунча жиғддий химиявий тай-әргарликка эга. Ұз-ұзидан тушунарлықи, агрономия факультеттарининг микробиологияны бирмунча чуқур урганишга қизиқувчи студентлари ҳам бундан құшимча материал сифатида фойдаланishi мүмкін.

Автор

КИРИШ

1. МИКРОБИОЛОГИЯ ФАНИ ВА УНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ

Майды (күзгэ күринмайдиган) организмлар — микроблар, уларнинг тузилиши ва ҳаёт фаолиятини ўрганадиган фан *микробиология* дейилади. Микробиология — грекча бўлиб, Михрөн — майда, Віос — ҳаёт ва Лоғос — фан демакдир.

Организмларнинг бу группасига оддий бўлинниш йули билан кўпаядиган бактериялар, энг майдада вируслар ва бактериофаглар, шунингдек бактерияларга яқин турувчи микроорганизмларнинг айрим вакиллари (актиномицетлар ва баъзи замбуруғлар) киради. Морфологик хусусиятлари бирмунча хилма-хил бўлган бундай организмларни битта группага бирлаштиришга уларнинг фақат морфологик жиҳатдан яқинлиги эмас, балки ўстириш ва текшириш усулларининг умумийлиги ҳам сабаб бўлган.

Микробиология микроорганизмларнинг морфологиясини (цитологияси билан бирга), систематикаси ва физиологиясини ўрганиди. Уларнинг ҳаёт фаолияти кечадиган умумий шароитни текширади ҳамда бизни ўраб турган табиатда турли хил моддаларнинг ўзгаришида микроорганизмларнинг ролини тушунириб беради. Тупроқда ва табиатда борадиган биохимиявий ўзгаришларнинг кўп қисми умуман мана шу майдада организмлар иштирокида бўлади. Тупроқда борадиган қайси бир процессни олмайлик, албатта тупроқ микрофлораси билан чамбарчас боғлиқ. Микроорганизмлар табиий тупроқ ҳосил бўлиш процессида, экин экиладиган ерларда, ерни ишлатиш ва ўғит солиш ёки бошқа ҳамма агротехника тадбирлари (суфориш, зах ерлар сувини қочириш ва бошқалар) билан боғлиқ бўлган процессларда ва органик ўғитлар тайёрлаш, уларни сақлаш ҳамда ишлатиш процессларида ҳам жуда катта аҳамиятга эга.

Ҳозир тупроқ ҳолати ва унинг микрофлораси ўртасидаги мустаҳкам алоқа қатъий белгиланган. Шунинг учун, тупроқни ўргапнаётганда ундаги микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятини эътиборга олиш керак. Чунки тупроқ микроорганизмларининг хусусиятини уларнинг тупроқдаги ҳаёт фаолиятини ҳисобга олмаган ҳолда ўрганиб бўлмайди. Шунинг учун микробиология тупроқшунослик фани билан чамбарчас боғланган.

Бундай алоқани микробиология фани билан органик ва минерал ўғитларнинг ўзгаришини ўрганувчи агрохимия фанлари ўртасида ҳам ўрнатиш мумкин. Ерга солинган органик ўғитлар тупроқ микроблари туфайли содир бўладиган процесслар натижасида ўзгарғандан кейингина ўсимликлар ўзлаштира оладиган ҳолга келиши ҳаммага маълум. Бошқа бир факт, ерга солинган минерал ўғитлар айни вақтнинг ўзида вужудга келган шароитда микроорганизмлар томонидан дастлаб ўзлаштирилмаган ва улар ҳосил қиласиган органик бирикмаларга айлантирилмагандагина бу минерал ўғитлар ўсимликлар илдизи орқали сингдирилиши мумкинлиги ҳам ҳаммага маълум эди.

Бу ерда микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятини ва ерга солинадиган ўғитлар тупроқда қандай шароитга дуч келишини билиш ҳамда уларнинг тупроқда кейинги ўзгаришини олдиндан кўра билиш агрономия учун биринчи даражали аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, ўсимликларнинг илдиз системаси жуда хилма-хил микрофлора билан тўлиқ қопланган бўлиб, булар ўсимликлар илдизи ажратган маҳсулотни ўзлаштиради ва илдиз атрофида турли хил органик ҳамда минерал моддаларни ўзгартириб, ўсимликларнинг ўсиши ва озиқланишига катта таъсир кўрсатади. Бу микроорганизмлар, асосан бактериялар ва микроскопик замбуруғлар, «ризосфера» микрофлораси деб аталади. Ризосфера бактерия ва замбуруғларининг баъзилари, ҳатто ўсимлик илдизининг ичига кириб олиб, илдиз билан мустаҳкам алоқада бўлиши мумкин. Шу билан бирга, уларнинг баъзилари, масалан, тугунак бактериялари, дуккакли ўсимликлар билан симбиоз ҳолатда яшаб, уларнинг азот билан озиқланишини (атмосфера азотидан фойдаланиб) яхшилади ва катта фойда келтиради. Бошқалари эса, масалан, фитопатоген бактериялар ва замбуруғлар илдиз ҳужайраларини бузади ва ўсимликларнинг нормал ўсишига тўқсинглик қилиб, уларга катта зарар келтиради. Ризосфера замбуруғлари ўртасида симбиоз организмлар ҳам, паразит организмлар ҳам бор. Симбиоз замбуруғлар ўсимликнинг илдизи билан бирга микориза (замбуруғ илдиз) ҳосил қиласиди. Бу замбуруғ илдиз ўсимликнинг озиқланишига ёрдам беради. Паразит фитопатоген замбуруғлар ўсимликларда турли хил касалликларни ҳосил қиласиди. Бу замбуруғларнинг характерли хусусиятларини ёки бошқа микроорганизмларнинг ва улар қишлоқ ҳужалигига фойда ёки зарар келтира оладиган шароитни

билиш агрономия учун жуда катта аҳамиятга эга. Агроном бу группага киравчи организмларнинг хусусиятлари тұғрисида тұ-лиқ билимга эга бўлгандағина микроорганизмлар ҳаёт фаолияти-ни фойдалы томснга, яъни қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳо-силини оширишга йўналтира олиши мумкин.

Агар ҳар гектар ердан таркибида 80 минг тонна атмосфера азот тутган ҳаво күтарилиб туришини ҳисобга олсак, бу азот ўсимликларга кам деганда миллион йилга етади. Буни ўсимликларга кўпинча азот етишмаслик факти билан солиштирсан, микроорганизмлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида нақа-дар катта аҳамиятга эга эканлиги равшан бўлиб қолади. Атмос-ферадаги азот молекуляр ҳолда бўлганлигидан ўсимлик уни озиқ сифатида ўзлаштиришга қодир эмас. Бунинг оқибатида атмос-ферадаги азот миқдори билан ўсимликлар ўзлаштира оладиган азот миқдори ўртасида фарқ вужудга келади. Фақат баъзи бир тупроқ микроорганизмларигина бундай хусусиятга эга. Микроор-ганизмлар нобуд бўлгандан кейин тупроқда bogланган азот би-рикмаларини қолдириб, ерни ўсимликлар учун муҳим бўлган элементга бойитади.

Агар боғланган азот запаси чимли-подзол тупроқли ерларда гектарига 5—6 тонна ва қора тупроқли (30 см чуқурликда ҳай-далган) ерларда гектарига 18—20 тонна борлигини ҳисобга ол-сак, чимли-подзол тупроқли ерларда ўсуви қишлоқ хўжалиги экинларининг кўпи азот етишмаганлигидан кам ҳосил беради. Мўл ҳосил олиш учун эса ҳар гектар ерга 100 кг га етказиб азот солиш керак. Бундан маълумки, боғланган азотнинг барча фор-маларини ўсимликлар ўзлаштира олмас экан. Ўсимликлар тупроқ чириндиси таркибиға киравчи, тупроқдаги боғланган азот запасининг 99% га яқинини ўзида тутувчи мураккаб азот бирик-маларини умуман ўзлаштирамайди. Сапрофит бактериялар ва замбуруғларнинг минераллаштириш фаолияти натижасидагина мураккаб органик азот комплекси бирмунча содда бирикмаларга парчаланиб, мавжуд азот запаси секин-аста ўсимликлар ўзлаштира оладиган ҳолга келади. К. А. Тимиризев, ўсимликлар қуёш энергияси ҳисобига карбонат ангидридни ўзлаштириб ва ўз танасининг органик моддаларини синтезлаб, космик функцияни бажаришини ўз вақтида аниқ исботлаб берди. Сапрофит микроорганизмлар ҳам нобуд бўлган ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари-ни парчалаб, ўсимликлар ўзлаштира оладиган карбонат ангид-рид ва азот бирикмалари ҳосил қилиб жуда муҳим функцияни бажариши аниқланган. Мана шу микроскопик организмларсиз биологик жиҳатдан энг муҳим бўлган элементлар ер юзида ай-ланиб юрмаган ва ерда ҳаёт ривожланиш томонга қараб тарақ-қий этмаган бўлар эди.

Агар агроном микробиология масалаларини яхши билса ва микроорганизмлар ҳаёт фаолиятини қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини оширишга йўналтира олсагина, юқорида айтиб ўтилган

масалаларни тұғри ҳал қилиши мүмкін. Бундан, микробиология агрономия фанлари билан нақадар мустаҳкам боғлиқтегі өзіншілдіктерге бир қанча ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этишдә қандай асос әканлығы тушунарлады.

Бироқ микробиологияның ролі бу билан өзгәраламайды. Микроорганизмлар көптеген ахамияттаға зерттеуде, саноаттегі күп-түрлі тармоқтарда: нон ёпишда, пиво пиширишда, вино тайёрлашда шунингдек, саноатта ацетон, бутыл спирт, сут, лимон ва сирка кислоталар, техника жиһатдан мұхым бұлған бөшқа бир қанча маңсулотлар олишда айниқса күп ишлатылады. Микроорганизмлар ҳаёт фаолияти асосларини аниқ билиш юқорида айтиб үтилген саноаттар асосидаги технологиялық процесслардан рационал фойдаланишинде мұхым шартты әканлығы табиейдір. Бундай билим бұлмаса, микроорганизмлардан рационал фойдаланып бағытталған хүжалиғи маңсулотларини улар ёрдамида қайта ишлаб, керакли томонға йүнәлтириб бұлмайды.

Микроорганизмлар медицинада ҳам мұхым ахамияттаға зерттеуде. Үз вақтіда Пастернинг юқумли касалліклар устида олиб борган иши билан бошланған ва кейинчалик жуда күп машхур микробиологлар томонидан давом өттирилған медицина микробиологиясыда шунчалик беқісіоб материал түрлөндірілген, бу шубҳасиз, «... мана шу микроскопик, лекин шафқатсиз дүшман таъсирида бутун-бутун областлар халқларини қириб битирады да қисқа вақт ичида іюзлаб, мінглаб одамларнинг ёстиғини қорытады да хавфли эпидемия пайдо бўлишини кўрсатади. Кўринмайдиган бу дүшманга қарши кураш чораларини қидириш, қадимдан бактериология фаннинг мұхым ва қизиқарлы вазифалардан бири ҳисобланып келген. Бу соҳада эришилған ютуқлар ҳаммага маълум: булар медицина фаныда янги давр очилғанligидан да-лолат берди да жиһатдаги күпчиллик үртасыда микробиологияга қизиқиш уйғотишига ёрдамлашды. Шулар сабабли юқумли касалліктарнинг табиати аниқланды, уларга қарши кураш чоралари белгиланды, ҳозирги замон шахсий да умумий гигиенаси илмий жиһатдан мустаҳкам асосланған, хирургия эса үз маңсадарларидан дезинфекция да стериллаш методлардан фойдаланды» (В. Л. Омелянский, «Основы микробиологии», 1917).

Энг мұхым антибиотиклар — пенициллин, стрептомицин, террамицин, биомицин да бошқаларни ишлаб чиқариш ҳам тегишли микроорганизмлардан фойдаланишга асосланған.

Шу соҳадаги билимларимизнинг ҳаммасини бирма-бир айтиб үтиш қийин, чунки күн сайн уларнинг сони ортиб бормоқда. Шунинг учун бизнинг кейинги вазифамиз бу фанни ҳар томоннан да өритишденгина иборат бўлмай, балки қишлоқ хўжалиғи микробиологиясында оид бўлимларни тұла-тўқис ўрганиб чиқишидан иборат.

2. ҚИШЛОҚ ХҰЖАЛИГИ МИКРОБИОЛОГИЯСИ РИВОЖЛАНИШИННИҢ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

Микроорганизмлар аввало танасининг жуда кичиқлиги билан юқори үсімлік ва ҳайвонлардан фарқ қиласы. Микроорганизмларнинг күпі күзга мутлақо күрінмайды ва уларнинг мавжудигини биз фақат оптик асбоблар тайёрлаш техникаси маълум ривожланиш даражасыга етгандан кейингина билдік.


Микроскопик организмлар дүнёси ҳақидағи дастлабки маълумотлар фақат XVII асрнинг охирида Антон Левенгук куза-тишларидан кейин маълум бўлди. Левенгук нарсаларни 160 марта катта қилиб кўрсатадиган оддий оптик асбоблар ясашга муяссар бўлди.

Бу асбоблар фокус масофалари унча узоқ бўлмаган фокусловчи линзалардан иборат эди.

Левенгук бундай «микроскоплар» ёрдамида тиш кири, ёмғир ва қудуқ сувлари ҳамда турли хил органик моддали сувлар (настой) ни текшираётганда улар таркибида майда «тирик ҳайвончалар» борлигини кўрди. Уларнинг баъзилари, образли қилиб айтганда, «сувдаги чўртон балиқ сингари» ҳаракат қиласы эди. Бу микроорганизмларнинг расми ва таърифи 1695 йилда нашр этилган «Тайны природы, открытые Антоном Левенгуком» деган китобда берилган (1-расм).

Булар тавсифий микробиологияның кейинги ривожланиши учун хизмат қилди. Шунинг учун, микроорганизмлар қўзғатувчи баъзи бир процесслар кишиларга бирмунча илгари, эҳтимол, қадимги дунёда маълум бўлган бўлса-да, микробиология фани XVII асрнинг иккинчи ярмидан ривожлана бошлаган, деб ҳисоблайдилар.

Буни, масалан, қатиқ ивитиш, хамир ошириш ҳамда узумдан мусаллас тайёрлаш мисолида кўриш мумкин. Фақат қимиз ва кефир тайёрлаш сирининг қадим замонлардан бошлаб кўпгина халқлар орасида авлоддан-авлодга берилишигина эмас, балки тошлардаги ва қадимги миср ёдгорликларидаги вино тайёрлашнинг барча технологиясини эслатувчи расмлар ҳам бундан



1-расм. Бактерияларнинг А. Левенгук томонидан 1663 йилда чизилган биринчи расми. Бунда тиш киридан олинган бактериялар тасвириланган

далолат беради. Мана шунга асосланиб, кишилар микробиологик процесслардан ўзларининг амалий фаолиятларида фойдаланишга аллақачон ўргангандар деб ҳисоблаш керак, лекин улар кўп асрлар давомида бу процесслар қандай натижа беришини билмаганлар ва, шубҳасиз, уларни микроорганизмлар ҳаёт фаолияти билан боғламаганлар.

Микробиологиянинг биринчи ривожланиш даври, табиийки, фактли материаллар тўпланиш даври, яъни морфологик давр бўлган. Оптик асбоблар ихтиро қилингандан кейин микроорганизмларнинг шаклини ўрганиш осонлашди. Биринчи микробиологик ишлар асосан шунга қаратилди. Бироқ тадқиқотчилар бу оптик асбобларда микроскопик организмларнинг шаклини аниқлаш билангина чегараланиб қолдилар, чунки узоқ ўтмишда улар фойдаланган асбоблар ҳали такомиллашмаган эди. Шунинг учун ҳатто XVIII асрнинг биринчи ярмида ҳам микроорганизмлар тўғрисида маълумотлар жуда кам эди. Бунинг исботи учун қуидаги фактни мисол қилиб келтириш мумкин. Ўша замоннинг юкори ўсимликлар ва ҳайвонлар систематикаси билан яхши шуғулланган машҳур биологи К. Линней ҳам микроорганизмларнинг бир оз бўлса-да, кенгайтирилган систематикасини тузга олмади. У ўзининг «Система природы» деган китобида микроорганизмларни *Chaos* деган умумий бир авлодга бирлаштирган ва, ҳатто, бу организмларни чуқур ўрганиш керак эмас, деб ҳисоблаган. Бундай қараш албатта микроорганизмларни чуқур ўрганишга имкон бермаган ва шу сабабли уларни ўрганиш иши анча секин борган. Тўпланган фактлар узоқ вақтгача тарқоқ ҳолда бўлган ва ўрганилаётган организмлар, уларнинг географик жиҳатдан тарқалиш кенглиги ҳамда табий процесслардаги аҳамияти ҳақида аниқ тушунча бермаган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида машҳур рус тадқиқотчиси Мартин Матвеевич Тереховский микроорганизмларни ўрганиш ишига принципиал янгилик киритди.

Тереховский 1775 йилда Страсбург университетида „*De Chao infusorio L*“ деган темада диссертация ёқлади, у турли хил органик эритмаларда учрайдиган ва микроскопда осон кўринадиган майдага организмларнинг пайдо бўлиши ҳамда табиатини ўрганишини ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Бунда у текширишнинг экспериментал (тажриба) методини биринчи марта қўллади ва шу билан бирга фақат микробиологиянинг кейинги ривожланиши учун эмас, балки унинг амалда қўлланиши учун ҳам асос яратди.

Микроскопда текширилаётган танаачалар тирик эканлигини исботлаш учун Тереховский тажрибалар қилиб, уларга турли кучланишли электр токи, температура ва химиявий заҳарлар (сульфат кислота, сулема, нитрат кислота, афюн, ишқорлар) таъсир эттириб кўрди. У микробли эритмани ҳаво насоси жоми (колокол) остига қўйиб, микроблар нафас олиш учун ҳавога

Э́хтиёж сезганлигини аниқлады. Ниҳоят, у бу организмлар маълум чегарагача катталашиб (усиб), сунгра бўлинишини аниқлади. Бу кузатишларнинг ҳаммаси «эритмада учрайдиган тирик мавжудотлар ҳақиқий майдага ҳайвонлардир» деган холоса чиқаришга асос бўлди.

Мана шуларга асосланиб, М. М. Тереховский микробиологияда тадқиқотнинг экспериментал методидан фойдаланишга асос солди, деб тўлиқ ишонч билан айтиш мумкин. Бу атоқли олим микробиология фанининг тұнғич олимларидан ҳисобланади. Лекин Тереховскийнинг иши принципиал жиҳатдан мұхим булишига қарамай, унчалик шуҳрат қозонмади ва тавсифий микробиология узоқ вақтгача тадқиқот ишларида экспериментал методдан кенг фойдаланмаган ҳолда ривожланди.

1786 йилда биринчи марта микроорганизмлар ҳақидағи маълумотларни системага солишига уриниб кўрилди. Лекин бу уриниш тўлиқ бўлмай, система масаласини узил-кесил ҳал қилиш учун яна 50 йил вақт зарур эди. Фақат 1838 йилда Эренберг ўзининг «Инфузории как совершенные организмы» деган китобида инфузориялар синфини 22 та оиласа бўлиб, шулардан учтасини микроорганизмлар группасига киритган. Бундай систематика, албатта, олдинга ташланган қадам бўлиб, тасодифан эмас, балки табииёт фанларининг кейинги ривожланишида, айниқса Дарвиннинг «Происхождение видов» китоби босилиб чиққандан кейин мұхим ўрин тутган солиширма методни қўллаш натижасида келиб чиққан.

Микроорганизмларни, Тереховский бошлаб берганидек, экспериментал ўрганиш методи янада кенг қўллана бошладики, бу микробиологияда бутунлай тўнтаришга олиб келди. Бундай тўнтариш француз микробиологи Луи Пастернинг ишлари билан боғлиқ; унинг ишлари туфайли микробиология фани ривожланишининг иккинчи, яъни физиология даврига асос солинди. Бу вақтга келиб, микроорганизмлар бир томонлама урганилмасдан, асосий эътибор уларнинг физиологик функциясини ва бизни ўраб турган ташқи мұхитдаги ҳаёт фаолиятини ўрганишта қаратилган эди. Микробларни ўрганишга бундай ёндашиб микробиология фанининг кейинчалик ривожланишида ҳал қилювчи аҳамиятга эга бўлди ва бу фанни амалиётда кенг қўллашиб йўлига олиб чиқди. Л. Пастер микроорганизмлар фақат ташқи кўриниши билан эмас, балки моддалар алмашинув хусусиятлари билан ҳам бир-биридан фарқ қилишини ўз ишларида биринчи бўлиб кўрсатді. Моддалар алмашинувини бир-бирига солишириб ўрганиш эса ер юзида содир бўладиган турли хил химиявий процессларда микробларнинг тутган ролини тушунишга имкон беради.

Бу катта силжиш саноатнинг, айниқса, қишлоқ хужалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғининг гуриллаб ривожланиши туфайли содир бўлди. Бу вақтга келиб вино ишлаб чиқа-

риш, пиво пишириш саноати ва ипакчиликни кенг ривожлантиришда уларнинг эффективлиги ва фойдалилигини ошириш учун ишлаб чиқариш усулларини рационализациялаш талаб этилар эди. Бироқ бу ишлаб чиқаришлар технологияси асосидаги биологик факторларни билмаслик, факат ишлаб чиқаришни рационализация қилишга тұсқынлик қилмасдан, балки, күпинча, мутлақо англаң бұлмайдиган шароитнинг «тасодифий» инжиқлиги асорати остида қолдирар эди.

Шунинг учун табиийки, Луи Пастернинг биринчи ишлари саноат билан боғлиқ бұлган масалаларни үрганишга бағищланған эди. Ачиш ва уни құзғатувчилар, узум виноси (мусаллас) ва пиво «касалликлари», тут ипак құрти касалликлари ва бошқа масалалар унинг тадқиқтарида асосий масала эди. Бу тадқиқттар давомида у микроскопик құзғатувчилар бир-бираидан физиологик хусусиятлари билан фарқ қилишини ва шунинг учун уларни кейинчалик чуқур үрганиш зарурлыгини аниқлади. Буни үрганиш натижасида фақат фаннинг назарий ютуқлари белгиләніб қолмай, балки жуда күп хилма-хил амалий масалалар ҳам ҳал қилинди. Масалан, Пастернинг дастлабки ишлари вақтида винонинг табиати аниқланмаган турли хил «касалликлари» сабабли вино ишлаб чиқариш саноатида катта қийинчилекларга дуч келинар эди. Унинг текширишлари туфайли, бу касалликлар узум ширасида турушлар билан бирга ёки уларнинг үрнида ҳосил бұладиган алоқида микроорганизмлар таъсирида пайдо булиши маълум бұлды. Ишлаб чиқариш учун заарарлы бұлган ана шу микроорганизмларни фақат узум шираси олишда тегишли режимни құллаб ёки уни термик йұл билан ишлаб үйқотиш мүмкін. Пастер суюқларни термик ишлаш усулини ишлаб чиқди. Бу усул пастеризация дейилиб, спора ҳосил қилмайдиган микроорганизмларни нобуд қиласы. Пастеризация қилингандын узум ширасига туруш солингандан кейин тоза спиртли бижғиши процесси юз берган ва ҳамма вақт сифатли вино олинған.

Пастернинг бу хизматлари ҳозирги замон микробиологиясини янада ривожлантириш учун мустаҳкам база яратған ва қатор янгиликлар берган биохимиявий ишлар циклини ташкил этди. Бу ишлар асосида кейинчалик микробиологиянинг янги соҳаси саноат ёки техника микробиологияси ривожлана бошлади. Бу микробиология ҳар қандай мамлакатнинг қишлоқ хужалыги системасида катта үрин тутған бутун группа техник ишлаб чиқаришларнинг биохимиявий асосларини үрганаради.

Луи Пастер одам ва ҳайвонларнинг бир қанча касалликларини үрганиш устида ҳам кенг тадқиқт ишлари олиб борди. У айрим фактларга асосланыб, одам ва ҳайвонлар касалликларини ҳам микроорганизмлар құзғатса керак, деб фараз қилған. Буни исботлаш учун у тут ипак құрти касалликларини үргана бошлади ва тез орада бу касалликларни пайдо қилувчи микроскопик

организмларни топди. Маълум касалликнинг микробиологик табииати аниқланганча, унга қарши курашнинг рационал воситаларини ишлаб чиқишига киришиш мумкин эди. Лекин бу даврда олимлар онгида одам ва ҳайвонларда пайдо бўладиган касалликлар организмдаги қон ва сувнинг ўзгариши натижасида ҳосил булади ва қонда микроскопик қўзғатувчиларнинг ривожланиши билан ҳеч қандай боғлиқ эмас, деган фикр ҳали ҳам ҳукмронлик қиласиди.

Пастер қарашларининг ашаддий душманлари пайдо бўлди, шунинг учун, табиийки, уларни ишонтиришга аниқ далиллар топиш зарур бўлиб қолди. Бундай далиллар олиш учун у куйдирги касаллигини қўзғатувчилар устида қунт билан тажрибалар ўтказди. Асептикнинг барча қоидаларига амал қилган ҳолда, у стерилланган бульонга куйдирги касаллигидан ўлган ҳайвон қонидан бир томчи солган. Бир қанча вақтдан кейин бульон лойқаланиб қолиб, унда бактериялар борлигини аниқлаш осон бўлган. Пастер юқорида айтилган эҳтиётлик йўли билан, лойқаланиб қолган бульондан бир томчи олиб, стерилланган бульонли бошқа колбага солади. Бу колбада ҳам бактериялар ривожлангандан кейин ундан бир томчи олиб учинчи колбага солади ва ҳоказо. Бу ишни у 40 мартадан ортиқ тақрорлагандан кейин, лойқаланган бульонли охирги колбадан бир томчи суюқлик олиб, уни ҳайвон териси остига юборди ва ҳайвон куйдирги касаллигидан ўлишини кузатди. Демак, худди шу бактериялар мазкур касалликни қўзғатувчилар эканлигига ҳеч қандай шубҳа қолмайди. Бироқ Пастер бунда ҳам касаллик қон ёки бульон (суюқлик)нинг заҳарли хусусиятлари эмас, балки бактериялар туфайли ҳосил бўлишини бошқаларга узил-кесил ишонтириш учун ишни охирига етказишга ҳаракат қиласиди. У узун найчадаги бактерияли суюқликни тиндириб қўйиб, найчанинг юқори қисмидаги суюқликдан олди ва уни ҳайвон танасига юбориб, у ҳеч қандай касаллик тугдирмаслигини, найча остидаги бактерияли қўйқумнинг бир томчиси эса ҳайвонни ҳатто ўлимга маҳкум этишини исботлади. Бу тажрибалардан кейин, куйдирги касаллигини махсус бактериялар қўзғашига ҳеч кимда шубҳа қолмади.

Пастер худди шунга ўхшашиб кузатишни товуқ вабоси касаллиги устида ҳам олиб борди. У, бу касалликни алоҳида микролар қўзғатишини исботлабгина қолмай, балки лаборатория шароитида бу микроларни кўпайтириш (культураси) усулларини ҳам аниқлади. Пастер бу қўзғатувчини товуқ бульонида кўпайтириб, ҳар куни қайта-қайта кўпайтириш йўли билан уларнинг юқиш қувватини актив ҳолатда сақлаб келган. Бу микробнинг озгина дозаси соғлом товуқ терисига юборилганда, у 1—2 кундан кейин вабо касаллигидан ўлган.

Бу тадқиқотлар давомида у бир қанча вақтгача бу қўзғатувчидан муутазам равишда фойдалана олмади ва шунинг учун

ажралиб чиқди. Бу фан тупроқда органик ва минерал моддалар нинг узгаришида ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайти ишлашда юз берадиган ҳар хил процессларни ўрганади. Қишлоқ хўжалиги микробиологиясининг ривожланишида машҳур рус микробиологлари С. Н. Виноградский, В. Л. Омелянский, В. С. Буткевич, С. П. Костичев, Н. Н. Худяков ва бошқаларнинг илмий ишлари катта аҳамиятга эга бўлди.

Гупроқ микроорганизмларини ўрганиш тугунак бактерияларини урганишдан бошланди. М. С. Воронин ўзининг 1866 йилда босилиб чиқсан ишида люпин өз ольха дараҳтларининг илдизларидаги ғуддаларда мустақил ҳаракатланувчи сон-саноқсиз таёқ-часимон микроскопик таначалар борлигини кўрсатди. Булар орасида фақат таёқ-часимон ҳужайралар эмас, балки жуда шишид кетган, шохлай бошлаган формалар ҳам учраган. Воронин уларни фақат тугунакда топиш билан чекланиб қолмай, балки уларнинг мавжудлигини тугунакнинг ҳосил бўлиши билан боғлашади. Бундай хуносага келиш тупроқ микробиологиясининг ривожланшида муҳим аҳамиятга эга бўлди, чунки у биринчи бўлиб, тупроқ микроорганизмлари билан ўсимликлар орасидаги ўзаро муносабатни тадқиқ қилиш масаласини қўйди.

Тупроқ микроорганизмлари билан ўсимликларнинг бирга яшashi тасодифий ҳол эмаслиги ҳам тез орада маълум бўлди.

1880 йилда Ф. М. Каменский ўсимликларнинг микориза замбуруғлари билан бирга яшашини аниқлади. У хлорофилсиз юқори ўсимлик — вертляница илдизининг анатомик тузилишини ўрганаётганда илдизининг ҳамма учлари ўсимлик учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган замбуруғ мицелийси билан бирмунча қалин қават ҳосил қилиб қопланганлигини аниқлади.⁷

П. А. Костичев 1882 — 1885 йиллар орасидаги даврда кўпгина тупроқ замбуруғларини батафсил ўрганди. Бу замбуруғларга, улар чиринди моддалар ҳосил бўлишида иштирок этса керак, деб қарапалар эди. У ўзининг дастлабки текширишларида ёки турли тупроқларда ўсимлик қолдиқлари бир хил тезлика чиримайди ва уларнинг ҳар хил қисмлари турлича тезлика парчаланади, деган хуносага келди. П. А. Костичев ўсимлик қолдиқлари парчаланишининг биохимиявий табиатини тушунтириш учун замбуруғ ва бактериялар соғ культурасининг ўсимликларга таъсири устида тажрибалар ўтказди. Бунинг учун у ўсимлик қолдиқларини сувли колбага солиб, колбани сув ҳаммомида бир неча марта қиздириб стериллайди ва қора тупроқли ерлардан олинган микроорганизмларининг айрим культурасини колба ичига солади. Лекин бундай тажрибалар билан ҳам, шунингдек стерилланган ўсимлик қолдигига узи ажратиб чиқарган бактериялар аралашмасини юқтириш билан ҳам чиринди кислота эритмаларига ухшаш қорамтири маҳсулот ҳосил қилиб бўлмади. Фақат замбуруғнинг битта культураси тасодифан юққанда ўсимликнинг замбуруғ мицелийси ураб олган массаси қорайиб қолган. Мана шунга асосланиб,

П. А. Қостичев, тупроқда қорамтири маҳсулотларнинг ҳосил булишида тупроқ замбуруғлари фаол қатнашади, деган холосага келди. Бу батафсил үрганилган экспериментал ишларни рус олимларининг чиринди ҳосил булиш микробиологиясига бағишлиланган дастлабки ишларидан бири, деб ҳисоблаш мумкин.

Юқорида қайд қилиб үтилган ишлар тупроқ микробиологиясининг ривожланишида янги давр яратган С. Н. Виноградский нейнг кейинги ишлари учун асос бўлди. Унинг олтингугурт бактериялари (1887), сунгра темир бактериялари (1888) ва, ниҳоят, нитрификацияловчи бактериялар (1890) устида олиб борган ишлари катта илмий аҳамиятга эга бўлган натижалар берди. Виноградский нитрификацияловчи бактерияларнинг соғ культурасини олишга ва улар органик моддалар бўлмаган муҳитда ривожлана олиши мумкинлигини ҳамда карбонат кислотанинг углероди ҳисобига уз танасининг таркибий қисмларини синтез қила олишини исботлади. Бу процесс учун улар аммиакнинг оксидланиб нитрит кислотага ёки нитрит кислотанинг оксидланиб нитрат кислотага айланишида ҳосил бўладиган энергиядан фойдаланади.

Карбонат кислота ва сувдан органик модда синтезланишининг бу ўзига хос процесси хемосинтез деб аталади. Бу микроорганизмлар физиологияси соҳасида қилинган йирик кашфиётлардан бири ҳисобланади.

Тупроқ микробиологиясининг ривожланишида ҳам Виноградскийнинг ишлари катта аҳамиятга эга бўлди. У ўз ишларида тупроқда эркин ҳолда яшовчи азот тўпловчи бактериялар борлигини кўрсатди. 1894 йилда бу группадаги бактериялардан 1 г қанднинг бижғиши учун 2,5—3 мг атмосфера азотини ўзлаштирувчи анаэроб фиксатори — *Clostridium pasteurianum* ни топди.

Бу бактерия алоҳида ажратиб олингандан етти йил кейин Бейеринк тупроқ микрофлораси таркибидан атмосфера азотининг аэроб фиксатори — азотобактерни ажратиб олишга эришди. Бу бактерияларнинг тупроқда мавжудлиги агрономлар томонидан доим кузатиб борилган, лекин сабаби узоқ вақтгача аниқланмаган азот ҳосил булиш процессини изоҳлаб берди.

Кейинроқ бориб, азотли органик моддаларнинг тупроқда ўзгариш процесслари ҳам батафсил үрганилди. Бу процессларнинг химизмини аниқлашда В. С. Буткевич бир қанча муҳим тадқиқотлар қилди. У азотли органик бирикмаларнинг парчаланиши натижасида тўпланадиган аммиак муҳитда углеводларнинг мавжудлиги билан чамбарчас боғлиқ эканлигини тушунтиришга муваффақ бўлди. Агар муҳитда углеводлар бўлмаса, микроорганизмлар углерод манбай ва энергия берувчи материал сифатида оқсил моддалардан интенсив фойдаланади, оксидланган аминокислоталарнинг азотли қолдиқлари эса аммиак шаклида тўпланади. Углеводлар бўлса, оқсил моддалар камроқ сарфланади ва аммиакнинг тўпланиши кескин камайиб кетади, баъзан бутунлай

түппланмайды. Бу қонуниятларни билиш қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариши учун жуда мұхимдир, чунки бу, агар органик үгитлар ерга әкін әкилмасдан бир оз олдин солинадиган булса, ҳосилга қандай таъсир этишини олдиндан аниқлаш имкониятини беради. В. С. Буткевичнинг яна бир әнг мұхим хизмати шундаки, у микроорганизмларнинг органик кислота ҳосил қилишдаги химизми ни аниқлади.

Бу даврда ҳам ўсимлик қолдиқлары билан бирга күп миқдорда ерга тушадиган це́ллюлозанинг ўзгариши батафсил үрганилди. Рус тадқиқотчилари Л. Попов ва В. Л. Омелянскйлар тупроқда анаэроб шароитта це́ллюлозаны парчаловчи жуда күп микрофлора борлигини исботлашга муваффақ бўлдилар. В. Л. Омелянскй це́ллюлозаны бижғитувчи иккита қўзғатувчини ажратиб олиб, мазкур процесс давомида ҳосил бўладиган маҳсулотларни диққат билан химиявий текширди. Бу иш ҳозирга қадар шунга ухаш текширишлар учун намуна бўлиши мумкин. Це́ллюлозаны парчаловчи бактериялардан ташқари, у азот түпловчи бактерияларнинг физиологияси ва тарқалишини ҳамда бошқа бир қанча масалаларни ҳам үрганди. Ватанимиз микробиология фанининг ривожланишида В. Л. Омелянскйнинг 1909 йилда биринчи марта босилиб чиққан ва түққиз марта қайта нашр этилган «Основы микробиологии» деган китоби катта аҳамиятга эга бўлди. Танланган материали ва баён этилиш усулига кўра, бу китоб жаҳон адабиётида умумий микробиология соҳасидаги әнг яхши китоблардан бири, деб ҳисобланishi керак.

Це́ллюлозанинг анаэроб ва аэроб парчаланишини үрганишда А. А. Имшенецкий, В. В. Первозванский ва бошқа бир қанча совет микробиологлари кўпгина янгилик яратдилар ҳамда оригинал ишлар қўлдилар.

Шунингдек бошқа барқарор органик бирикмаларнинг, хусусан, углеводлар, ёғлар, қурум ва шуларга якын бирикмаларнинг парчаланиши ҳам батафсил үрганиб чиқилди. Бу соҳада В. О. Таусон куп ишлар қўлди. У ҳар хил тупроқдан ёғлар қатори ва ароматик қаторнинг турли-туман углеводородларини, шу билан бирга микроорганизмларга заҳарли таъсир этадиган углеводородларни бирмунча тез парчалайдиган специфик бактерияларни ажратиб олди. Булар орасида нефть, бензин, керосин, турли хил парафинларнинг углеводородлари ҳамда бензол, кси-лол, кумол, фенантрен ва бошқа кўпгина моддалар бор эди. Буларнинг ҳаммаси специфик бактериялар учун яхши углерод манба ҳисобланади.

Углеводород бактерияларини кейинги үрганиш давомида (В. С. Буткевич) уларнинг айримларидан ҳатто ёнувчи газлар ва нефть қидиришда биологик индикатор сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланди. Тупроқда кечадиган бошқа микробиологик процессларнинг боришини тушунириб беришда ҳам рус микробиологларининг хизмати мұхимдир. Жумладан, М. П. Кор-

д
о
к
к
қ
ш
т
э
д
қ
ўз
бул
ция

сакова батафсил тадқиқотлар ўтказиб, денитрификацияловчи бактериялар ёрдамида нитратларнинг қайтарилиш процесси қандай оралиқ стадиялар орқали боришини ва бу процесснинг назарий асосини аниқлашга эришди. С. П. Костичев, В. Л. Омелянский ва мазкур китоб авторининг хилма-хил ишлари туфайли атмосфера азотининг азотобактер ва бошқа тупроқ бактериялари томонидан тўпланиши химизми назариясига асос солинди.

С. П. Костичев азотобактернинг атмосфера азотини тўплаш химизмини ўрганиш билан чегараланиб қолмади. У тупроқ шароитида азотобактернинг азот тўплашини батафсил ўрганди ва бальзи тупроқларда бу микроорганизм ерни азотга бойитишдек муҳим функцияни бажаради, деган хуносага келди. Костичев мана шунга асосланиб, бу микроорганизмдан фалла ва сабзавот ўсимликлари учун бактериал ўғит сифатида фойдаланишини таклиф этди. Азотобактерин деб ном олган бу бактериал ўғит устида олиб борилган тажрибалар (Шелоумова, Миненков, Образцова ва бошқаларнинг ишлари) бу ўғит маълум шароитда маълум қишлоқ ҳўжалиги экинлари экилган ерларга солинганда ҳосил сезилларни даражада ортишини кўрсатди.

С. П. Костичев ва ўқувчиларининг тупроқ биодинамикасини ўрганиш устида олиб борган текширишлари тупроқдаги микробиологик процессларни тушунишда кўп янгиликлар берди. Улар Чекка Шимолдан то жазирама жанубугача бўлган ерлардаги турли хил тупроқларнинг ҳаммасини текширидилар. Бу текширишлар давомида турли хил тупроқларда микробиологик активлик жуда турлича булиши ва бу ҳар хиллик микроорганизмлар таркибиغا ҳамда уларнинг ҳаёт фаолияти учун шу тупроқларда ҳосил бўлган шароитга боғлиқ эканлиги аниқланди. Бирор тупроқда микроорганизмларнинг ривожланишини белгиловчи асосий факторларни аниқлаш, мана шу ерларда ҳосилдорликни оширишга ёрдам берувчи агротехника тадбирларини бундан кейин ҳам тавсия этишга имкон беради.

Чиринди моддалар ва тупроқ структурасининг ҳосил булишида тупроқ микроорганизмларининг ролини тушунтиришда бир қанча совет олимлари (И. В. Тюрин, М. М. Кононова ва бошқалар)нинг ишлари натижасида қимматли материаллар олинди.

Микробиология фанининг ривожланишида микроорганизмларнинг экологиясини ўрганиш ҳам рус олимларининг ишлари билан боғлиқдир. Бунда Б. Л. Исаченко, Е. Н. Мишустин, Н. М. Лазарев ва бошқаларнинг ишлари биринчи ўринга қўйилиши керак.

Айрим группа микроорганизмларнинг тупроқдаги ролини ўрганиш ҳам қизиқарли натижалар берди. Тупроқ актиномицетларини муфассал ўрганган А. Краинский бу ишга асос солди. Н. А. Красильников бу масалани янада мукаммал ишлаб чиқканлиги туфайли бу группа микроорганизмлар батафсил ўрганиб бўлинди, деб айтиш мумкин. А. А. Имшенецкий миксобактерия-

түпланмайды. Бу қонуниятларни билиш қишлоқ чиқарыши учун жуда мұхимдир, чунки бу, агар органик ўғитлар ерга әкін әкилмасдан бир оз олдин солинадиган бўлса, ҳосилга қанлай таъсир этилады.

лар группасини уларнинг ядро тузилишини текшириш билан бирга чуқур ўрганди.

Тупроқдаги ва ризосферадаги турли хил бактерияларнинг активигини тушунишда Н. Н. Худяков, Н. Г. Холодний, В. С. Буткевич, Н. А. Красильников, Е. Ф. Берёзова, Я. П. Худяков ва бошқа кўп олимларнинг ишлари жуда мұхим аҳамиятга эга булди. Ниҳоят, сут кислота ҳосил қилиб ачиш процесси тушунчасига А. Ф. Войткевич ва ацетон-бутил ҳамда ацетон-этил ҳосил қилувчи бактериялар туфайли содир буладиган процесслар тушунчасига В. Н. Шапошников кўп янгиликлар киритдилар (В. Н. Шапошников бу процесслар назариясини ишлаб чиқкан).

Фақат мана шу қисқа-қисқа маълумотларга асосланиб, қишлоқ хўжалиги микробиологияси кейинги 60 йил ичиде қандай ривожланганлиги ва уни такомиллаштиришда рус микробиологларининг улкан ютуқлари ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

XX асрда микробиология фанининг авж олиб ривожланиши, албатта, тасодифий эмас эди. Бу даврда саноат ва қишлоқ хўжалиги жуда ривожланган ҳамда ижтимоӣ муносабатлар соҳасида ҳам катта ўзгаришлар рўй берган эди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида олдинга сурилган янги проблемалар илмий фикрни турли йўналишда ривожлантириди, янги, бирмунча такомиллашган воситалар эса (жуда яхши конструкцияли микроскоплар, физик-химиявий анализларнинг аниқ методлари ва бошқалар) турли масалаларни тез ва аниқ ҳал қилишга имкон берди.

Мамлакатимизда фанининг ривожланиши учун ниҳоятда қулай шароит мавжудлиги туфайли, микробиологиянинг бир қанча назарий ва амалий масалалар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда янада ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшган совет микробиологлари фахрли ўринни әгаллайдилар, деб ишонч билан айтиш мумкин.

КПССнинг улуғвор Программаси томонидан бизнинг қишлоқ хўжалигимиз олдига қўйилган янги улкан вазифалар микробиология фанининг янада авж олиб ривожланишини талаб қиласи, бу эса қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган кўпгина масалаларни ҳал қилишда жуда катта аҳамиятга эга. Бироқ микробиология ҳам биология каби, умуман, фақат мичуринча йўналиш асосида, яъни табиат меҳнаткаш халқнинг манфаатларига мос равишда ижобий ўзgartирилган-дагина муваффақиятли ривожланиши мумкин.

БИРИНЧИ ҚИСМ

МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ УМУМИЙ МОРФОЛОГИЯСИ, СИСТЕМАТИКАСИ ВА УМУМИЙ ФИЗИОЛОГИЯСИ

1 боб

БАКТЕРИЯЛАР МОРФОЛОГИЯСИ

1. БАКТЕРИЯЛАР, БАКТЕРИОФАГЛАР ВА ЭНГ МАЙДА ВИРУСЛАРНИНГ УЛЧАМИ

Бир ҳужайрали микробларнинг кўпи бактериялар груп-
пасига мансубдир. Бу групга организмлар табиатда жуда кенг
тарқалган бўлиб, шаклининг соддалиги билан фарқ қиласди. Бак-
териялар одатда шарча ёки кичкина таёқча (тўғри ёки эгилган)
шаклида бўлади. Улар жуда майдага организмлардир. Масалан,
шарсимон бактериялар ҳужайрасининг диаметри 1—2 μ (μ —
микрон 0,001 мм га тенг) га яқинлашади; фақат уларнинг айрим-
лари йирикроқ бўлади, масалан, *Thiophysa volutans* ҳужайра-
сининг кўндаланг диаметри 18 μ келади.

Цилиндр шаклидаги бактериялар ҳам майдага бўлади. Кўпчи-
лик тупроқ бактериялари ҳужайрасининг узунлиги 1 дан 4 μ гача,
қалинлиги эса 0,5 μ дан 1 μ гача етади. Бактерияларнинг
бу группасида ҳам баъзан бирмунча йирик формалар учрайди.
Масалан, олтингугурт бактерияси *Beggiatoa mirabilis* ҳужай-
раларининг кўндаланг диаметри 50 μ гача етади. Жуда йирик
таёқчасимон бактериялар билан бир қаторда ҳужайрасининг
диаметри 0,3 μ га тенг бўлган ҳақиқий пигмейлар ҳам уч-
райди. Уларни ҳатто замонавий энг яхши микроскопларда ҳам
кўриш мумкин.

Табиатда ультрамикроблар деб аталувчи яна ҳам
майдага микроблар учрайди. Бу бактериялардан ёруғлик микрос-
копларида кўринмайдиган бактериофаглар ва ҳар қандай

жуда майда фильтрлардан ўта оладиган вируслар бирмунча муҳим аҳамиятга эга.

Машхур рус микробиологи *Н. Ф. Гамалея* 1898 йилда оддий, микроскопда күринадиган бактериялар қандайдир фактор таъсирида бузилишини ёки лизисга учрашини (эриб кетишини) аниқлади. 1917 йилда француз олими *Де' Эррель* бу лизис бактериофаглар деб аталувчи алоҳида «бактерия ютувчи» лар томонидан амалга ошишини аниқлади. Бактериофаглар культурага солингандан 8 соат ўтгач, бактериялар тұлиқ эриб кетади. Модомики, бактериофаглар ўз хусусиятини сақлаб қолган ҳолда қайтадан тиклана олар экан, улар ультрамикроскопик тирик мавжудотлардир, деб тахмин қилинган. Уларнинг тирик эканлиги кейинчалик негатив пластинка усули билан исботланди. Бу усулга кўра, бактерияларнинг эриган культураси фильтрати ёш дисентерия таёқчалари супензияси билан аралаштирилди ва бу аралашма термостатда 37° температурада 1, 2, 3 ва 4 соат сақлангандан кейин Петри косачасидаги озиқли агарга солинади. Бунда фильтрат бактерия супензияси билан аралаштирилган заҳотиёқ солинган агарли косачадаги бактерияли юпқа қаватда бактериясиз бир нечта очиқ жойлар қолган. Фильтрат супензияга аралаштирилгандан кейин бир соат ўтказиб солинган иккинчи агарли косачада очиқ жойлар бирмунча күпроқ, учинчи ва түртинчи агарли косачаларда эса (аралаштирилгандан кейин 2—3 соат ўтказиб солинган) жуда күп булиб, бактериялар сира күринмайди. Бу ҳодисани фақат шу билан исботлаш мумкинки, бактериофаг тирик бактериялар билан бирга 37° да сақлангanda, у тез кўпая бошлайди ва агар юзасидаги бўш жойлар сони орта боради.

Кейинги текширишлар бактериофаг асосан тирик бактериялар иштирокида кўпайишини ва жуда яшовчан эканлигини кўрсатди. Найча ичига солиниб, иккى учи кавшарланган ва қоронғи жойда сақланган бактериофаг бир неча йилгача ҳам ҳаётчанлигини йўқотмаган. У юқори ва паст температуralарга яхши чидайди.— 190° температурада ҳам яшайди, лекин 100° гача қиздирилганда нобуд бўлади. Бактериофаг нурли энергиядан ҳам таъсирланади. Микроскопда күринадиган бактерияларни нобуд қиласидиган нурлар бактериофагга ҳам таъсир этади (уни нобуд қиласиди). Бактериофаг эритмада узоқ вақт сақланса ёки эритма центрифугада айлантирилса, у пробирка остига чўкади. Шунинг учун эритма ҳамма вақт гүё тиниқ бўлиб кўринса-да, бактериофагнинг концентрацияси идиш остида идишнинг юқори қисмидагига қараганда доим юқори булади. Химиявий заҳарлар күринадиган бактерияларга қандай таъсир этса, бактериофагларга ҳам деярли шундай таъсир этади. Хусусан, эфир, ацетон, карбол ва оксалат кислоталар, формалин, антиформин ҳамда мис сульфат эритмаси бактериофагларни нобуд қиласиди.

Олтин (II)-хлорид эритмаси шимдирилган ва кейин формальдегид билан қайтарилилган препаратдаги бактериофаглар үлчанганды, уларнинг катталиги 0,035—0,1 микронга түгри келиши керак. Бунда, бактериофаглар оқсил молекулаларидан қанча катта, деган савол туғилади. Бу саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин: молекуляр оғирлиги 160 минг келадиган казеин молекуласи 0,002 микронга, бактериофагнинг молекуласи эса 0,1 микронга тенг келади. Бундан куриниб турибидики, бактериофаг таркибиға жуда күп оқсил молекулалари кириши керак.

Хозирги вақтгача күргина патоген ва сапрофит бактерияларни эритувчи (ютувчи) бактериофаглар топилған. Буларнинг айримларидан бир қанча патоген бактерияларга қарши курашда кенг фойдаланилмоқда. Бактериофаглар жуда майдада бўлғанлигидан уларнинг морфологик тузилиши кам ўрганилған. Электрон микроскопда бактериофаг бош томони бир оз йўғонлашган (диаметри 50—100 $\text{m}\mu$ га яқин), узунчоқ шаклли бўлиб (100—150 $\mu\mu$ кўринади (2- расм). У бактерия ҳужайраси юзасига сўрилиб кетиб, 15 минутдан кейин уни эритиб юборади. Бунда ҳужайранинг пўсти парчаланиб кетади ва протоплазмаси оқиб чиқади. Бу процесс натижасида бактериофаг заррачаларининг сони ўн марта кўпаяди. Актиномицетларни эритувчи актинофаг ҳам шакли жиҳатидан бактериофагга ўхшаб кетади.

Ультрамикроскопик организмларнинг бошқа бир группаси энг майдада вируслар деб аталади.

Улуғ рус ботаник олими Д. И. Ивановский 1892 йилдаёқ тамакининг мозаика касаллигини текшириб, уни энг майдада алоҳида микроблар — микроскопда кўринадиган бактерияларни тутиб қолувчи чинни фильтр ғовакларидан бемалол ўта оладиган вируслар қўзғашини аниқлади. Кейинчалик, одамда, ҳайвонларда ва ўсимликларда турли касалликларни қўзғатувчи ана шундай вируслар топилди. Хусусан, улар қутуриш, чечак, безгак, энцефалит, чўчқа вабоси, товуқларда урчуқсимон саркома ва ўсимликларда турли хил мозаика касаллигини ва бошқа күп касалликни қўзғатиши, гулларда пигмент ажралишида патологик ўз-



2- расм. Бактериофагнинг электрон микроскопда куриниши

гаришларни вужудга келтириши аниқланди. Бу касалликларнинг кечиши ва уларни тузатиш мумкин бўлган барча усуллар микроскопда қўринадиган бактериялар билан заарланган кабидир, лекин бу касаллик қўзғатувчиларнинг ўзи ёритувчи микроскопда ҳам қўринмайди. Фақат жуда синчиклаб текшириш ва электрон микроскопда кузатиш бундай вирусларнинг бир қанча морфологик ва физиологик хусусиятларини аниқлашга имкон берди. Аввало, улар икки йилгача ўз активлигини сақлаши мумкинлиги (агарда музда сақланса) аниқланди. Химиявий заҳарлар уларга турлича таъсир қиласи, лекин 50% ли спирт ҳам уларни тез нобуд қилмайди. Қўёш нури бактериялар ва бактериофагларга қандай таъсир қиласа, бу энг майдада вирусларга ҳам шундай таъсир этади. Лекин кўк, сариқ ва қизил нурлар уларга қаттиқроқ таъсир этади. Бундай вируслар паст температурада нобуд булмайди, лекин турли хил вируслар юқори температурага турлича чидайди. Шунга кўра эса юқори температура улар учун хавфлидир. Уларнинг баъзилари 55° да, бошқалари эса фақат 90° да нобуд бўлади. Бу энг майдада вируслар қуритилганда нобуд булмайди, аксинча, кейинчалик юқори температурага яхши чидайди. Бир қанча текширишларга кўра, бу микроскопик организмларнинг ўлчами қўйидагида ўзгариб туриши аниқланди (жадвалга қаранг).

Баъзи энг майдада вирусларнинг ўлчами

Вируслар	Ўлчами (m ҳисобида)
Чечак вакцинаси вируси . . .	125—200
Перипнеомония . . .	125—175
Оқар сув . . .	125—175
Энцефаломиелит . . .	70—100
Оқсил касаллиги	8—20
Тамакининг мозаика касаллиги вируси	12×400

Энг майдада вирусларнинг ўлчами 10—20 m келади. Баъзи оқсил моддаларнинг айрим молекулалари узининг ўлчамига кўра вирусларга яқин туради. Масалан, гемоцианин молекулалари (моллюскалар оқсили) нинг молекуляр оғирлиги 12 млн. бўлиб, ўлчами 22 m га teng, яъни оқсил касаллиги вирусларидан катта. Молекуляр оғирлиги 15—20 мингга teng бўлган оддий оқсилларнинг молекулалари вирусларнидан ҳам майдада. Энг майдада вирусларнинг характерли хусусияти шундаки, улар узи шикастлаган организмнинг тирик ҳужайралари ичida ўсади ва кўпаяди. Бундай ҳужайраларга жойлашиб олган вируслар тирик мавжудотнинг ҳамма хусусиятларига эга бўлади, ҳужайрадан ташқарида кўргина вируслар ҳаёти сезилмайди. Баъзи олимлар

уларни улик нарсалар деб ҳисоблаганлар. Бироқ вируслар ривожланиши мүмкин. Улар ўз хусусиятларини ўзгартира олади ва ўзгартирилган ҳолда наслдан-наслга беради. Бу хусусиятлар факат тирик организмларга хосдир. Улар хусусиятининг ўзгарувчалигига кура, асоси тирик, лекин ўзгарган ва кучи бушаштирилган вирусдан иборат вакцина (қутуриш, чечак ва бошқа вирус касаллуклари вакцинаси) ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, баъзи энг майдага вируслар сунъий озиқ муҳитида ҳам ўса олиши аниқланди. Буларга қорамол перипневмонияси вирусини, оқар сувдан ажратиб олинган энг майдага вирусларни кириши мүмкин.

Кўп вируслар «кристаллсимон» оқсилларга ўхшаб кетади. Масалан, тамакининг мозаика касаллиги вирусини кўрсатиш мүмкин. Бу касаллик билан оғрига: тамаки баргидаги ширада вируслар кристалл ҳолда учрайди. Вирусларнинг кристалл ҳолда учрашини Стенли рентгенструктура анализи йўли билан исботлади. Бунда кристаллсимон вирус оқсил хусусиятига эга бўлиб, унинг молекуляр оғирлиги 43 млн. га тенг эканлиги ҳам аниқланди. Бу вируслар молекуляр оғирлигининг шунчалик катта бўлиши модданинг алоҳида структура тузилишига эга эканлигини кўрсатади. Кристаллар гидролиз қилиб кўрилганда, таркибида турили аминокислоталар ҳамда нуклеин кислоталар борлиги аниқланди. Буларнинг мавжудлиги вирусларнинг оқсилга хос хусусияти борлигини билдиради. Бироқ бу молекулаларнинг ўлчами ҳаддан ташқари каттадир, улар молекуляр оғирлиги 30 минг келадиган ўсимлик оқсиллари молекуласидан ва молекуляр оғирлиги 30 — 75 минга тенг бўлган ферментлар молекуласидан катта.

Кристалл ҳолдаги вирусларнинг энг асосий хусусияти шундаки, улар ўзига ўхшаш маҳсулларни тез ишлаб чиқариш қобилиятига эга. Ўсимлик организмига киритилган вирус оқсили тўрт ҳафта ичиде миллион марта кўпайиб кетади. Синтез вақтидаги қандайдир химиявий процесс тирик ҳужайра протоплазмасидаги аминокислоталар, нуклеин кислоталарни ва, ҳатто, углевод ҳамда липоидларни кристалл ҳолдаги вируснинг ҳосил бўлиши ва кўпайишига тўхтовсиз сарфлаб туради. Бунда шу вирус шаклида киритилган мураккаб оқсилнинг атрофлама «кристалланишига» ўхшаш ҳодиса содир бўлади. Лекин бу кристалланиш билан тўйинган эритмадан химиявий моддаларнинг кристалланиши ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Бу ерда факат тўйинган эритмагина эмас, ҳатто, унинг бор-йўклигини анализ қилиш учун сезиларли бирор нарса йўқ. Кристалланиш процессида модда синтезланади. Кристалл ҳолдаги вирусларнинг факат тирик ҳужайра протоплазмасидагина мураккаб структуралари шаклда пайдо бўлиши жуда қизиқарлидир.

Сунъий озиқ муҳитида ёки ўсимлик-хўжайнининг майдаланган янги тўқималарида кристалл ҳолдаги вирусларнинг ҳосил бў-

лиши давом этмайди. Бу ҳолат, вирус оқсиларнинг күплаб ҳосил булиши тирик ҳужайрадаги моддалар алмашинуви билан чамбарчас боғлиқ эканлиги туғрисидаги тахминий фикрни тасдиқлайди. Бироқ вирус билан заарланган ҳужайрада моддалар алмашинуви қандай бориши ҳали етарлича аниқлангани йўқ. Вируснинг паразит ҳаёт кечириши ўз фермент системасининг йўқолишига ва моддалар алмашинувининг янги, ўзига хос формасининг пайдо булишига олиб келди, бу моддалар алмашинуви вирус шикастлаган ҳужайранинг фермент системасида содир булади.

Бактериофаг ва энг майда вирусларнинг топилиши ёритувчи микроскопда куринадиган ва оддий тирик ҳужайраларга ухшаган бактериал формалардан ташқари, ҳужайра тузилишига ўхшамаган энг майда вируслар ва бактериофаглар борлигини күрсатди. Бу кашфиётлар асосида ҳаётнинг чегараси тұғрисидаги фикр бутунлай узгариб кетди. Мавжуд ҳужайралар бу соҳада ҳаётнинг сўнгги маҳсули ҳисобланмаса керак. Фақат табиатдаги энг майда вируслар ва бактериофагларнинг мавжудлигигина эмас, балки оддий (биологик) микроскопда куринадиган бактерияларнинг микроскопда куринмайдиган — куринадиган бактерияларнинг энг майда формаларига утиши мумкинлиги бундан далолат бериб турибди. Бу ҳодиса Одюруа, Сукнев ва бошқа бир қанча тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Улар майдаланган ва бактериал фильтрдан утказилган бактерия ҳужайраларининг нобуд бўлмаслигини аниқладилар. Фильтрдан куринадиган бактерияларнинг энг майдалари, яъни аvizualь формалари утиб кетади. Бактерияларнинг энг майда формалари маълум шароитда қайтадан микроскопда куринадиган бактерияларга айланиши мумкин. Лекин бунинг учун баъзан кўп вақт сарф булади. Бунда одатда мазкур бактерияларнинг хусусияти анчагина ўзгаради, бу умумбиологик жиҳатдан қизиқарлидир.

Буларнинг ҳаммаси табиатда ҳаётнинг турли хил ҳужайрасиз формалари кенг тарқалганлигини ва уларнинг кейинчалик ўрганилиши амалий ҳамда назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлигини күрсатади.

2. БАКТЕРИЯЛАРНИНГ ТАШҚИ КУРИНИШИ

Шаклига кура бактерияларни учта асосий группага: 1) шарсимон бактериялар; 2) таёқчасимон ёки цилиндрсимон бактериялар ва 3) эгри-буғри бактерияларга булиш мумкин. Бу группалар орасида жуда кўп ва кўпинча сезилмайдиган оралиқ формалар ҳам бор.

Шарсимон бактериялар шакли жиҳатдан бирмунча содда тузилган. Улар алоҳида шариклар — коққлар (3-расм), бир-бiri билан бирикиб, занжир ҳосил қилган шариклар — стрепто-коққлар (4-расм), ва, ниҳоят, шариклар тўрттадан бўлиб би-

риккан—тетракокклар (5-расм) ҳамда шариклар саккиз-тадан булиб бириккан — сарциналар (6-расм) шаклида учрайди.

Диаметрининг узунлиги билан фарқ қилувчи цилиндрсизон бактериялар (таёқчалар) бирмунча кўп ўзгариб туради. Таёқчалар гоҳ түғри, гоҳ эгилган, баъзан иккитадан ёки бутун занжир булиб бириккан, гоҳ калта, гоҳо жуда узун булади. Бактерия-



3-расм. *Micrococcus pyogenes*. Алоҳида кокклар — чапда.
Micrococcus roseus. Коккларнинг иккитадан жуфтлашуви—
йнгда (1000 марта катталаштириб курсатилган)

ларнинг турларини аниқлашда фақат уларнинг ташқи кўринишигина ишончли восита бўла олмайди; бунинг учун бактерияларнинг бошқа морфологик хусусиятларига, хусусан ҳужайра ичидага турғун овал таначалар—споралар ҳосил қилишига ҳам эътибор бериш керак. Спора ҳосил қилмайдиган ҳамма таёқчалимон формалар бактерия (7-расм), спора ҳосил қиладиганлари эса бацилла деб аталади (8-расм). Ҳужайралар-




4-расм. *Streptococcus pyogenes*. Коккларнинг занжирсизон бирикиши
(2000 марта катталаштириб курсатилган)



5-расм. *Micrococcus tetragenes*. Шарсимон ҳужайралари тўрттадан булиб бириккан тетракокклар (900 марта катталаштириб кўрсатилган)

нинг жуфтлашиши диплобактерия ёки диплобацилла, занжир булиб бирикиши стрептобактерия ёки стрептобацилла деб аталади.

Бактерияларнинг бир оз эгилган ҳужайрали — вибронли (9-расм), жуда эгилган ҳужайрали — спириллали (10-расм) ёки узун спиралга ўхшаб кўп марта буралган ҳужайрали — спирохетали (11-расм) формалари яна ҳам кўп ўзгаради.



6- расм. *Sarcina lutea*.
Шарсимон ҳужайралари 8 та
ёки ундан купроқ булиб
кубик шаклида бириккан
(1000 марта катталашибириб
курсатилган)



7- расм. *Bacterium kilicense*.
Спорасиз таёқчасимон
бактериялар (1000 марта
катталашибириб курсатилган)



8- расм. *Bacillus subtilis*. Спора ҳосил
қилиувчи таёқчасимон бактериялар—
бациллалар. Ҳужайраларида спора-
лар куришиб турибди (1000 марта
катталашибириб курсатилган)



9- расм. *Vibrio cholerae*.
Виброннинг бир оз эгилган
хили (1000 марта
катталашибириб курсатилган)

Юқорида айтиб ўтилган бир ҳужайралы бактериялар билан бир қаторда табиатта субстратга ёпишиб яшовчи ёки суюқликда эркин сузиг юрувчи кўп ҳужайралы колонияли ипсимон формалар ҳам учрайди (12- расм). Бу группага кўпгина олтингугурт ва темир бактериялари киради.




10- расм. *Spirillum volutans*.
Спирилланинг кучли буралган
хили (800 марта катталаштириб
курсатилган)



11- расм. *Spirochaeta pallida* — жуда кучли буралган хили (1000 марта катталаштириб курсатилган)

Миксобактериялар бактерияларнинг алоҳида группасини ташкил этади. Булар ҳақиқий бактериялардан кескин фарқ қиласидиган бир қанча хусусиятларга эга. Айниқса споралар тўпланадиган алоҳида мева таналар ҳосил қилиш хусусияти улар



12- расм. *Beggiatoa mirabilis*. Ипсимон бактерия (150 марта катталаштириб курсатилган)

учун хосдир. Ниҳоят, таёқча шаклидаги ёки ён ўсимтали ипсимон бир ҳужайралы микроорганизмлар ҳам бактерияларга киради.

Булар микобактерия (13-расм) ва коринебактерия номлари билан маълумdir. Бактериялар билан замбуруғлар ўртасидаги оралиқ организмлар — актиномицетлар



13- расм. *Mycobacterium hyalinum*. Шохловчи таёқчалари (1000 марта катталаштириб курсатилган)



14- расм. *Actinomyces chromogenes*. Нурсимон замбуругнинг микроскопда кўриши (1000 марта катталаштириб курсатилган)

(14-расм) ипсимон тузилган бўлади. Микроорганизмларнинг юқорида айтиб ўтилган формалари уларнинг систематикасида тулиқ ёритилган.

3. БАКТЕРИЯ ҲУЖАЙРАСИННИГ ИЧКИ ТУЗИЛИШИ

Бактерия ҳужайраси жуда майдабулганлигидан унинг ички тузилишини ўрганишда бир қанча қийинчиликларга дучкелиниши табиийдир. Ҳақиқатан ҳам, микроскопда текшириши соҳасида катта ютуқларга эришилган бўлса-да, бактерияларнинг тузилишига оид кўпгина масалалар етарли ёритилмаганича қолмөқда. Бунинг сабаби текшириш ишлари олиб борилмаганинига деб айтиб бўлмайди. Аксинча, бу ишга жуда кўп куч сарфланган, лекин тирик дунё мана шу энг майдавакилларининг ички тузилишини аниқ ўрганишдаги техник қийинчиликлар бу масалани тўлиқ ҳал қилиш имконини бермаган.

Ҳозир аниқланишича, бактерия ҳужайраси ташки ҳужайра пўсти билан уралган протопласт ва вакуоладан ҳамда протоплазма таркибида бўладиган турли хил қўшилмалардан ва айрим ҳолларда бўлинисиб-бўлинисиб кетган ядродан иборат бўлади.

A. Ташқи пўсти


Бактерияларнинг ташқи пўсти юпқа ва рангсиз бўлиб, фақат йирик формаларидагина уни микроскопда кўриш мумкин. Қолган ҳамма формаларидаги эса уларнинг шакли доим бир хил бўл-

гани учун пусти бор, деб қарашга ёки пустни курадиган қилиш учун қайта ишлашнинг сунъий усулидан фойдаланишга тұғри келади. Бунинг учун қупинча бактериялар натрий хлориднинг 1—2% ли эритмасига солиб қўйилиб, ҳужайралари плазмолиз ҳолатга келтирилади ёки улар буялади ва химиявий қайта ишланади.

Ташқи пуст фақат электрон микроскопда аниқ кўринади (15-расм) ва протоплазманинг ташқи қаватидан осон фарқ қилинади. Капсулали формаларида, бундан ташқари, капсулани ҳам яхши кўриш мумкин.

Айрим бактерияларнинг сиртқи қаттиқ пусти бўлганлигидан уларнинг шакли ўзгармайди (16-расм).

Бактериялар ташқи пустининг химиявий таркиби бир хил бўлмайди ва юқори ўсимликлар пустидан кескин фарқ қиласи. Агар ўсимликлар пустида цеплюлоза асосий қурилиш материали бўлиб ҳисобланса, бактериялар пустида эса бу модда мутлақо йўқ, улар азотсиз ва баъзи азотли моддалардан тузилган. Пустда учрайдиган азотсиз моддалар қаторига полисахаридлар ва липоидлар, азотли моддаларга эса оқсили



15-расм. *Bacillus mycoides*. Ҳужайрасининг тузилиши. Шилимшиқ қаватдан кейинги қора чизик ҳужайра пусти, пустдан кейин цитоплазма мембрани жойлашган. Сунгра цитоплазма келади (335000 марта катталаштириб курсатилган)



16-расм. *Bacillus mycoides*. Ҳужайралар плазмолизи вақтида ташқи пустининг куриши (1000 марта катталаштириб курсатилган, А. Имшенецкийдан олинган)

моддалар, аминокислоталар ва бор-йүқлиги тұла аниқланмаган бұлса ҳам, хитин киради.

Бактериялар ұжайрасининг пўстида оқсил моддалар ва аминокислоталарнинг борлигини Қаминс ва бошқалар яқындагина (1957) исботладилар. Улар *Lactob. bifidum* ҳар хил штаммининг ұжайра пўсти гидролизатини анализ қилиб, таркибіда аланин, глутамин кислота ва лизин борлигини аниқладилар. Гидролиз маҳсулотлари орасыда аминокислоталардан ташқари, галактоза, глюкоза, глюказамин (хитин таркибига кирса керак) ва бошқа баъзи бирикмалар ҳам топилган. Мазкур бактерияларнинг айрим штаммларида оз миқдорда се-рин, глицин, треонин ва аспарагин кислоталар борлиги ҳам аниқланган. *Sarcina lutea*, *Bac. megatherium* ва *Bac. subtilis* ларнинг ұжайра пўсти хроматография усулида анализ қилиб кўрилганда ҳам юқоридагига ўхшаш натижалар олинди. Бу бактериялар пўстининг гидролизатида *d*-валин ва *d*-глутамин кислота топилган. Баъзи бактерияларнинг пўстида кўп миқдорда аминокислоталарнинг глюказаминлар билан ҳосил қилган бирикмаси


17- расм. Капсулали ұжайраларнинг куриниши. Қора фон—тушь (1000 марта катталаштириб курсатилган)

борлиги аниқланган. Бактериялар пўсти таркибига кирадиган оқсиллар молекуласи занжирининг учидаги аминокислоталар сифатида кўпинча аланин ва глицин ҳамда камроқ аспарагин ва глутамин кислоталар учрайди.

Ҳаёт фаолияти процессида, айниқса углеводлар кўп ва оқсиллар кам бўлган мұхитда, айрим бактерияларнинг пўсти бўртиши ва шилимшиқланиши мумкин. Бунда пўстнинг ташқи қавати дирилдоқ, ёпишқоқ массага айланади ва пўстда углеводга яқин бирикмаларнинг ёки гидролизланганда оқсил ва қандга парчаланиб кетадиган глюкозидларнинг доим ва бир хил тупланиши ҳисобига капсула ҳосил қиласи. Кўпинча капсулалар бактерия ұжайрасининг ўзидан катта бўлади. Шунинг учун бундай ұжайралар микроскопда қаралганда гүё нуқсонлидек бўлиб кўринади.

Бактериялар фуксин билан бўялиб, кейин тушь аралаштирилганда, капсулалар яхши кўринади. Ана шундай йўл билан тайёрланган препаратда *Azotob. chroococcum* бўлса ҳам, қора фонда ұжайралар пушти рангда ва капсулалар бир-биридан яхши фарқ қиласиган, тиниқ бўлиб кўринади (17- расм).

Шилимшиқ ва капсуланинг ҳосил бўлиш тезлиги шароитга (озиқ мұхитига, бактерия ўстириш шароитига ва бошқаларга) боғлиқ ва баъзан бу жуда тез бориши мумкин. Қанд-шакар ишлаб чиқаришда тозаланмаган кўплаб лавлаги шираси маҳсус



стрептококк *Leuconostoc mesenteroides* (18- расм) нинг шилимшиқлари түпламидан иборат қиёмга айланиб қолади.

Баъзан шилимшиқ капсула фақат ҳар бир ҳужайра яқинида алоҳида-алоҳида эмас, балки бир-бири билан боғланган туда-туда ҳужайралар атрофида ҳам ҳосил бўлади. Бактерияларнинг шилимшиқли бундай группаси зооглея деб аталади.

Ипсимон бактериялар пустининг шилимшиқланиши, эҳтимол, озиқ муҳити таркибининг ноқулай бўлишига боғлиқ бўлмас-



18-расм. *Leuconostoc mesenteroides*. Чандо — капсуласиз ҳужайралари; ўнгда — капсулали ҳужайралари (1000 марта катталаштириб курсатилган.)

дан, балки бу морфологик мосланиш ҳисобланиб, мазкур турнинг ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

Масалан, *Thiothrix* оиласига кирувчи олтингугурт бактериялари ишининг бир учидаги шилимшиқ ёстиқча ҳосил бўлиб, ана шунинг ёрдамида бактериялар сув ости буюмларига ёпишади (19- расм).

Б. Бактерия ҳужайрасининг протоплазмаси

Ташқи пуст ичидаги бактерия ҳужайрасининг протоплазмаси бўлиб, унинг устки қавати бирмунча қалин ва у ярим утказгич хусусиятига эга. Бу цитоплазматик мемранадан иборат. Мемрананинг бор-йўқлиги плазмолиз билан исботланади: Агар бактерия ҳужайраларини осмотик босими протоплазманинг осмотик боси-



19-расм. *Thiothrix nivea*, Ишининг учларида шилимшиқли ёстиқчалар кўриниб турибди (1000 марта катталаштириб курсатилган)

мидан юқори бўлган эритмага солсак, протоплазма ташқи пустдан ажралиб, сиқила бошлайди. Плазмоптиз ҳодисаси ҳам мембраннынг борлигидан дарак беради. Бунда бактерия ҳужайралари осмотик босими юқори бўлган эритмадан олиб, дистилланган сувга солинса, бактериянинг ташқи пўсти ёрилиб кетади ва протоплазма ҳужайрадан ташқарига чиқади-да, унинг бирор учидага шарсимон масса ҳосил қиласди. Ҳужайра суспензияси электр токи ўтишига қаршилик кўрсатиши учун бактерияларда цитоплазматик мембраннынг қалинлиги 30 Å, турушларда 50 Å бўлиши керак.

Модомики, мембраннынг асосий таркибий қисми йирик молекулали липоид-протеин комплексидан иборат экан, у 2—3 молекуляр қаватдан ташкил топган дейиш мумкин.


Цитоплазматик мембрана ичидаги протоплазманинг ўзи ёки, бошқача айтганда, турли қўшилмали цитоплазма жойлашган. Ёш ҳужайраларда протоплазма ёруғликни ўтказиши жиҳатдан бир хил, кейинчалик эса унда микроскопда кузатганда осон курина-диган вакуолалар пайдо бўлади. Цитоплазма физик-химиявий хусусиятига кўра, микро ва макроструктураси аниқ ифодаланган мураккаб коллоид мoddadir. Унинг сиртқи тараангланиши аниқ куриниб туради. У сув билан аралашмаганлиги учун уни кам бўртадиган коллоидларга киритиш керак. Бу коллоид системада доимий фаза сув, дисперс фаза эса турли химиявий мoddalarning зарралари ҳисобланади. Цитоплазмадаги асосий химиявий комплекс — липоид-протеин ҳисобланади. Протоплазманинг хоссалари ана шу комплекснинг химиявий ва физик-химиявий хусусиятларига боғлиқ; бу комплекс оқсил ва липоидлардан иборат.

Цитоплазманинг оқсил мoddalari таркибida аминокислоталар йиғиндисидан таркиб топган узун-узун полипептид занжирлари бор. Аминокислоталар сув ажралиши ҳисобига бир-бира билан бирикади. Бунда ҳосил бўлган занжирларнинг учи очиқ қолади, занжирларнинг ўзи эса эрги-буғри куриниша бўлади. CO ва NH группалар бу занжирнинг бошидан охиригача бир хил, радикаллар эса турли хил бўлиб, оқсил мoddalarning хилма-хил хоссалари уларнинг хусусиятига боғлиқ. Оқсилнинг кислотали ёки асосли хоссалари таркибida қушимча COOH ёки NH₂ группалар бўлган аминокислоталарга боғлиқ. Агар бу оқсил ўз таркибida кўп миқдорда иккита карбоксил групвали (аспарагин ва глутамин кислотали) аминокислоталар тутса, аминокислоталар конденсатланганда битта карбоксил группа буш қолади, натижада оқсил кислота хусусиятига эга бўлади. Агар мазкур оқсил таркибida конденсатлангандан кейин ҳам битта аминогруппаси буш қоладиган маълум миқдор диаминокислоталар бўлса, оқсил асос хусусиятига эга бўлади. Оқсил таркибida метил ёки фенил группа тутувчи аминокислоталар бўлса, у липофил хусусиятга (лейцин, фенилаланин), ён занжиррида спиртли группа тутувчи аминокислоталар бўлса, гидрофил хусусиятга (серин, тирозин) эга бўлади. Ниҳоят, оқсил таркибida олтингугурт тутувчи аминокислоталарнинг булиши уларнинг оксидловчи-қайтарувчи шароитга тез берилиши ҳамда қўшини полипептид занжиридаги олтингугурт атомлари орасида кўприкалар ҳосил бўлиш ўйли билан кейинчалик полимерланиши учун асос бўлади.

Цитоплазма химиявий комплексининг муҳим таркибий қисми липоидлар бўлиб, улар гидрофоб ҳусусиятга эга. Липоиднинг гидрофил группаларидан биттаси бўш қолиб, оқсилинг ён занжиридаги гидрофил группалар билан алоқада бўлсагина, липоидлар билан оқсилилар ўзаро осонгина химиявий боғланади. Бўш гидрофил группаси бўлмаган липоидлар фақат оқсилиларнинг ён занжиридаги липофил группалар билан бирика олади. Шунинг учун бирикиш имконияти (сони) қатъй чегараланган.

Бу маълумотларнинг ҳаммаси шуни кўрсатади, цитоплазма структура элементларининг ҳосил бўлишида ўзининг ён занжиirlари билан ўзаро ва цитоплазманинг бошқа таркибий қисмлари билан боғланган оқсили моддаларнинг полипептид занжири асос бўлади. Бунда ҳосил бўлган турлича алоқалар цитоплазмани ҳар хил ташқи факторлар таъсирига ўта сезувчан қилиб қўяди. Масалан, юқори температура липоид боғларни бузади, мұхит реакциясининг ўзгариши тузлар боғини, цитоплазмада оксидланиш-қайтарилиш шароитининг ўзгариши эса олтингугурт атомлари уртасидаги кўпrikсимон боғни бузади, цитоплазма ичига кирадиган тузлар эса иккиламчи валентли боғларга таъсири этади.

Протоплазма тирик моддага ҳосил бўлган ҳусусиятларга эга. Протоплазма озиқ моддаларни системали равишда тирик мөдданинг мураккаб ва специфик структурасига айлантириш йўли билан ўзининг ички тузилишини узлуксиз тиклаш қобилиятига эга. Химиявий таркиби маълум даражада ўзгариб туришига қарамасдан, протоплазманинг кўриниши бактерия турларида нисбатан турғун бўлади. Озиқ моддалар ассимиляцияси процессида протоплазма теварак-атроф мұхитнинг таркиби ва хоссаларига таъсири этиши мумкин, шу вақтнинг ўзида протоплазма ташқи мұхит таъсирига дуч келади ва шароитга қараб, гоҳ тез, гоҳ секин ўзини-узи тиклайди.



20- расм. *Thiophysa mastophysa*. Ҳужайраларида олтингугурт томчилари кўриниб турибди

Бактерия ҳужайрасининг протоплазмасида ҳам, асосан, запас озиқ моддалар функциясини бажарувчи турли хил қўшилмалар: гранулёза, гликоген, ёф, волютин, олтингугурт ва бошқалар учрайди. Булардан гранулёза ва гликоген азотсиз моддалар бўлиб, гидролизланганда *d*-глюкоза олинади, волютин эса азотли бирикмалар қаторига киради. Бу қўшилмаларнинг ҳаммаси турли хил микроорганизмларда кенг тарқалган.

Бактерия ҳужайраларида маълум миқдорда ёф бўлади. Баъзан ёф ҳужайра қуруқ оғирлигининг 35—50% гача тўпланади (углерод кўп, азот кам бўлған шароитда).

Ҳужайраларда қушилмалар сифатида кўпинча олтингугурт (олтингугурт бактерияларида суюқ томчи ҳолида, 20-расм) ва аморф оксалат кислота тузларининг оксалитлар деб атапувчи доначалари учрайди (21-расм). Томчи ҳолидаги олтингугурт ҳам запас озиқ моддаларга, оксалат кислотанинг тузлари эса углерод бирикмалари оксидланишининг охирги маҳсулотларига киради.



21- расм. *Chromatium Okenii*. Ҳужайраларида оксалитлар кўриниб турибди (Базаревскийдан олинган)

В. Бактерия ҳужайрасининг ядроси

Бактерия ҳужайрасининг ядроси микроскопда қидирилганда жуда камдан-кам ҳолдагина кўринади. Ҳужайра ядросини ёки ядро моддаларни топиш учун кўпинча ҳужайралар маҳсус усулда ишланади.

Ядро моддаларни топишда кўпинча Фёльгеннинг тимонуклеин кислота борлигини кўрсатувчи рангли реакциясидан фойдаланилади. Бунда агар центрифугаланган бактерия ҳужайраларини 96% ли спиртда фиксираб, кейин 60° да 1 n (нормаль) хлорид кислотада (5—10 минут) гидролиз қилинса ва кислотадан ажратиб олингандан кейин унга фёльген реактиви (фуксин-сульфит кислотанинг рангсиз эритмаси) қушилса, гидролиз натижасида ажralиб чиқсан альдегид группа билан фуксин-сульфит кислотанинг ўзаро таъсири натижасида тимонуклеин кислота иштироқида аралашма гунафша рангга киради. Реакция давомида фақат бактерия ҳужайралари бўялади, зритма эса рангизлигича қолади. Нуклеин реакция бактерияларда ҳамма вақт яхши натижка беради.

Ядро моддалар ҳужайраларда тез кўпайиш вақтида ва ҳужайрасининг қариши билан боғлиқ бўлган турли ўзгаришлар бошлиниши вақтида бўлади. Бироқ бактерия ҳужайраларида тимонуклеин кислотани топиш осон бўлса ҳам, кўпинча ядрони кўриш қийин.


А. А. Имшенецкий фикрича, турли хил бактерияларнинг яд-

ро моддалари турли ҳолатда бўлади. Баъзиларининг ядро моддалари дисперс ҳолатда бўлиб, протоплазмадан ажралиб турадиган алоҳида доначалар ҳосил қилмайди (аралашган — диффуз ядролар). Бошқа турларининг протоплазмасида эса ҳужайрада айрим структуралар (турсимон қават, ўқ ил ва бошқалар) нинг ҳосил булишида қатнашувчи алоҳида хроматин доначалар учрайди. Учинчи хилларида булинин-бўлинин кетган хромагин доначалар ҳужайранинг бир ёки бир нечта жойида тўпланади ва шу йўл билан ядро протоплазмадан ажрала бошлайди. Шундай хуносага келиш мумкини, энг содда тузилган бактерияларда ядро моддалар цитоплазмада диффуз ҳолда бўлса, анча мураккаб формаларида эса маълум структура ҳосил қиласа керак.


Имшенецкий маълумотларига қараганда, спора ҳосил қилувчи бактерияларда ядро моддалар диффуз ҳолда бўлади ва улар ҳаёт циклининг маълум стадиясида кўзга кўринадиган (яққол) структура ҳосил қилади. Яққол структуранинг ҳосил булиши спораларнинг шаклланиши ва етилиши вақтига, яъни протоплазманинг актив фаолияти ёки унинг тиним даври билан боғлиқ бўлган вақтга тўғри келади. Спириллалар ҳам алоҳида ядрога эга эмас ва улар ҳужайрасининг тузилиши бошқа бактериялар ҳужайрасининг тузилишидан фарқ қилмайди. Спора ҳосил қилмайдиган бактериялар, тузилишига кўра, спора ҳосил қилувчи бактериялар ва спириллалардан фарқ қилувчи айрим хусусиятларга эга булишига қарамай, алоҳида ядрога эга эмас. Фақат миксобактериялар групласидагина ядро маълум даражада ажрала бошлайди. Имшенецкий текширишларидан маълум булишича, бу групла айрим вакилларининг ядроси диффуз ҳолда, бошқаларини эса полиморф ва, ҳатто, тўлиқ ажралган ҳолда бўлади. Биринчи группанинг вакили *Muholosoccus* дир. Бу бактерияларнинг актив фаолияти даврида ядроси диффуз ҳолда бўлиб, тиним даврида эса ядро моддалар бирмунча ажралади (дифференцияланади). Иккинчи группанинг вакили *Polyangium* дир. Бу бактериялар ҳаёт циклининг ҳамма фазаларида ядроси дифференцияланган бўлади, лекин унинг морфологияси турғун бўлмасдан, ҳужайранинг ривожланиш процессида бирмунча ўзгариб туради (22- расм). Фақат ҳужайранинг булиниши олдидан барча хроматин доначалар бир жойга тўпланади ва дифференцияланган ядро ҳосил қилади, бу ядро кейинчалик иккига бўлинади. Учинчи группага *Sorangium* ни киритиш мумкин. Унинг дифференцияланган ядролари ҳаётининг ҳамма даврида сақланади (23- расм). У асосий бўёқларда яшил рангга буялади ва тимонукленн кислота билан аниқ реакция беради. М. А. Пешковнинг сўнгги маълумотлари, дифференцияланган ядро ҳақиқий бактериялар группасига кирувчи бир қанча формаларда ҳам булишини кўрсатди.

Ядро моддаларнинг химиявий табиати бирмунча мураккаб. Агар цитоплазма таркибининг асосий химиявий комплекси липопид-протеин бўлса, ядро таркибида эса унинг ўрнида нуkleо-

протеид комплекси бор. У иккита асосий компонентдан: 1) алоҳида оқсилдан ва 2) тимонуклеин кислотадан иборат. Бир вақтлар, ядро моддалар таркиби жуда мураккаб оқсиллар киради, деб тахмин килинган эди, лекин кейинчалик улар гистонлар деб аталувчи асосий оқсиллар группасига кириши аниқланди. Уларнинг изоэлектрик нуктаси $\text{pH} = 8,5$ га, ютиш доираси эса 2900 Å га яқинdir.




22- расм. *Polyangium fuscum*.
Полиморф ядроли хужайралари (1000 марта катталашиб тириб курсатилган,
А. Имшенецкийдан олинган)



23- расм. *Sorangium sp.*
Ядросининг негативдаги ранги (1200 марта катталашиб тириб курсатилган,
А. Имшенецкийдан олинган)

Нуклеин кислотанинг химиявий табиати ҳам яхши ўрганилган. У гидролизланганда фосфат кислотага, пентозага ва пиридин ҳамда пурин типдаги органик асосларга ажralади. Бу бирикмалардан аввал нуклеотидлар ҳосил бўлади, сунгра булардан эса тимонуклеин кислота олинади. Нуклеотидлардан бири (цитозинdezоксирибоза фосфат кислота нуклеотиди) нинг структураси қўйидаги схемада кўrsatilган:



Бактериялар ядросидаги тимонуклеин кислота таркибида турли асосли тўртта нуклеотид (аденин, гуанин, цитозин ва тимин) бўлиб, улар бир-бири билан фосфат кислота молекуласи воситасида бириккан.

Кўпчилик бактерияларда ядро аппаратининг алоҳида ҳолати ирсий хусусиятларнинг наслдан-наслга берилиши механизми би-

лан боғлиқ бўлган умумбиологик масалаларни ҳал қилиш учун ҳам қизиқарли материал беради. Кўп бактерияларда ядронинг диффуз ҳолда бўлиши¹ уларда ирсий хусусиятлар дифференцияланмаган ядроиз ҳам наслдан-наслга берилиши мумкинлигини курсатди.

4. ЗАМБУРУФ ҲУЖАЙРАЛРИНИНГ ТУЗИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Микроскопик замбуруғларга бир ҳужайрали ва кўп ҳужайрали организмлар киради. Бир ҳужайралилар группасига, хусусан, туруш (дрожжи) лар киради. Туруш ҳужайралари пуст, ипротоплазма (қўшилмалари билан) ва ядрога эга. Ҳужайраларининг ичидағи моддалар дастлаб бир хил, сўнгра эса уларнинг марказий қисмидаги вакуола ва гранулалар пайдо булади.

Туруш ҳужайраларининг протоплазмасидан центрифуга ёрдамида микросома деб аталувчи жуда кўп гранулалар ажратиб олиши мумкин. Бу гранулаларнинг катталиги 200 μ га яқинлашади. Улар таркибига оқсиллар, нуклеин кислота ва липоидлар киради. Булардан ташқари, протоплазма таркибида хондориосома деб аталувчи бирмунча йирик гранулалар ҳам учрайди. Тирик ҳужайра протоплазмасида узлуксиз давом этувчи бир қанча биохимиявий процесслар мазкур тузилмалар билан мустаҳкам боелиқdir. Бу, ҳужайра юзасининг структураси унинг физиологик активлигига муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Туруш ҳужайраларида вакуолалар ҳам яхши куринади. Тирик ҳужайра микроскопда узоқ вақт кузатилса, вакуолалар ўзининг шакли ва куринишими ўзгартириб туришини аниқлаш мумкин. Ҳужайралар булинаётгандага улар она ҳужайра вакуоласидан ажралиб чиқади ёки янгидан ҳосил булади. Вакуола суюқлиги таркибида ҳар хил тузлар, шунингдек, жуда кам дисперсланган липоидлар, гликоген ва волютин булади. Буларнинг ҳаммаси бактерия ва туруш ҳамда мөгор замбуруғлари ҳужайраларининг структура тузилишида катта фарқ борлигини кўрсатади. Туруш ва мөгор замбуруғларининг протоплазмаси тузилишида бир қанча хусусиятлар борки, улар мазкур организмларни юқори ўсимлик ҳужайраларига яқинлаштиради. Шунинг учун туруш ва мөгор замбуруғларининг ҳужайрасини ўрганаётгандага бирмунча маҳсус текшириш усулларидан фойдаланиш керак. Замбуруғ ҳужайраларининг тузилиши ҳақида бирмунча тўлиқ маълумотлар кейинроқ берилади.

5. БАКТЕРИЯЛАРДА СПОРА ҲОСИЛ БЎЛИШИ

Баъзи таёқчасимон бактериялар ривожланишининг маълум стадиясида ўз ҳужайраларида спора деб аталувчи юмалоқ ёки эллипс шаклдаги алоҳида таначалар ҳосил қилиши мумкин

¹ А. А. Имшенецкий. Строение бактерий. 1940.

(24-расм). Спора ҳосил бўлиши учун ҳужайра ичидаги ҳамма модда ёки протоплазманинг кўп қисми сарф булади. Спора ҳужайранинг А. А. Имшенецкий спороген зона деб атаган маълум бир қисмида протоплазманинг зичланиши натижасида ҳосил бўлади. Мана шу бошланғич қисмдан проспора шаклланади ва кейинчалик махсус пўстга ўралиб, спорага айланади.

Бу процессларнинг ҳам маси ярим соатдагина амалга ошади, лекин баъзида суткага ҳам чўзилади.

Спора ҳосил бўлгандан кейинги дастлабки даврларда анилин бўёқлар билан яхши бўялади, лекин етила борган сари зичлашиб, қийин бўяладиган бўлиб қолади. Бунга сабаб унда бўёқни кам ўтказувчи ташқи пўстнинг бўлишидир, деб тушунтирадилар. Бироқ бундай нуқтаи назардан қараш ҳониқарли эмас, чунки ҳужайрадан ажралиб чиқсан споралар бўялганда уларнинг ташқи пўсти яхши бўялади, лекин ҳужайранинг ички моддалари рангизилигича қолаверади. Бу қизиқарли фактга асосланиб, спора ҳосил бўлиш процессида фақат қийин ўтказувчи пўст ҳосил бўлибина қолмай, балки



24-расм. *Bacillus mycoides*. Спора ҳосил бўлиши:

a — спороген зона; *b* — проспора; *c* — етилган спора (1500 марта катталаштириб кўрсатилиган, А. Имшенецкийдан олинган)


спора протоплазмасининг физик-химиявий хоссаси ҳам кескин узгаради, деб тахмин қилиш мумкин. Қуйидагилар ҳам бундан далолат беради: *Bac. mycoides* нинг вегетатив ҳужайраларида қанча сув бўлса, спораларида ҳам шунча бўлади, лекин спораларнинг ферментатив активлиги вегетатив ҳужайраларнига нисбатан бир неча марта паст. Ферментлар активлигининг бунчалик пастилигига вегетатив ҳужайралардаги сувнинг кўп қисми эркин ҳолдалиги сабаб бўлса керак. Спораларда бу сув плазма коллоидлари билан боғланган бўлади. Шунинг учун споралар иссиққа чидамли бўлади, лекин ўзининг ферментатив активлигини йўқотади. Сувнинг кўп қисмининг боғланган ҳолатга ўтиши билан бирга, спора протоплазмасида сезиларли даражада кальций ва магний тўпланади, улар ҳам протоплазманинг иссиққа чидамлилигини оширади.

Споралар шаклланишида запас озиқ моддаларнинг бир қисми спора ҳосил бўлиш процессида сарфланадиган энергия манбаи сифатида сарфланади. Спора ҳосил қилувчи ҳужайраларда


ҳаракатланиш қобилияти сақланиб қолса-да, лекин уларнинг урчиш қобилияти йўқолади. Шунинг учун бактерия ҳужайралари спора ҳосил қилиб бўлиб тезда эмас, балки секин-аста нобуд бўлади, деб қарашиб керак.

Мавжуд маълумотларга қараганда, спораларнинг пусти прогоплазма ҳисобига ҳосил бўлади ва икки қисмга бўлинади (25-расм). Спораларнинг ташқи пусти эъзина деб аталади. Эъзина ҳимоя функциясини бажарди ва ундан сув ҳамда сувда эриган моддалар жуда кам ўтади. Спораларнинг ички пусти интина деб аталади. Интина спораларнинг кейинги усишида муҳим роль ўйнайди. Унинг асосида янги вегетатив ҳужайра пусти ҳосил бўлади (26-расм).

Спорада сувнинг алоҳида ҳолатда бўлиши ва ташқи пуст моддаларни қийин утказгандиги туфайли споралар ташқи муҳитнинг турли факторларига (турли бациллалар ўртасида бу хусусда фарқ бўлишига қарамай,



25-расм. *Bacillus asterosporus*. Спорасининг схематик кундаданг кесими (жуда катта қилиб курсатилган)



26-расм. Бактерия ҳужайраларининг спора ҳосил қилгандан кейинги куриниши:

a — вегетатив ҳужайралар; *b* — спорали ҳужайралар

жуда чидамли булади. Масалан, *Bac. cereus* нинг споралари 100° температурага $2\frac{1}{2}$ минут, *Bac. asterosporus* нинг споралари эса $7\frac{1}{2}$ минут, *Bac. subtilis* ники 180 минут, *Bac. mesentericus* нинг споралари — 380 минут, *Bac. tostus* ники ҳатто 1200 минут чидайди.

Спораларнинг индивидуал хусусиятларидан ташқари, уларнинг чидамлилиги ҳимоя функциясини бажарувчи ташқи пустнинг ҳолатига ҳам боғлиқ. Турли pH мұхитда унинг коллоидлари вазифасини бажарувчи дисперсия даражаси ҳар хил, шу сабабли пустнинг ғоваклиги ҳам турлича бұлади. Шундай экан спораларнинг термик таъсирга чидамлилиги ҳам ҳар хилдір. Қуйидаги жадвал бу қонуниятни тулиқ тасдиқлайды.

Мұхит pH турлича бұлганда *Bac. thermophilus* спораларининг юқори температурата чидамлилиги

Температура	1 мл мұхитдеги споралар сони	Спораларни нобуд қилиш учун кетадиган зарур вақт (минут ҳисобда)				
		pH=6,1	pH=5,3	pH=5	pH=4,7	pH=4,5
120	10 000	8	7	5	3	3
115	10 000	25	25	12	13	13
110	10 000	70	65	35	30	24
100	10 000	740	720	180	150	150

Bac. thermophilus спораларининг критик зонаси pH=5 га яқин бұлади. Водород ионларининг бундай концентрациясида спораларнинг чидамлилиги pH=6,1 дагига қараганда 2—4 марта кам бұлган.

Адабиётта түпленған материалларга асосланиб, спораларнинг термик таъсирга чидамлилиги улар пустіда липоид моддаларнинг бор-йүқлигіне боғлиқ әмас, деб ҳисоблаш мүмкін. Агар липоид моддалар спораларнинг температурата чидамлилигінде ақамияттаға зәға бұлса әди, споралар бензин, ацетон өки амил спирт билан экстракция қылинғанда уларнинг чидамлилиги ўзгариши керак әди. Аммо ёғызлантирилған споралар ёғызлантирилмаган споралар каби чидамлидір. Липоид моддалар фақат спораларнинг турли химиявий зақарларға чидамлилигінде ақамияттаға зәға. Споралар химиявий зақарларға ҳам вегетатив ҳужайраларға нисбатан күп марта чидамлидір. Масалан, 5% ликарбол кислотада вегетатив ҳужайралар жуда тез нобуд бұлади, споралар эса 15 кунгача чидайды.


Ферментлар активлигининг пастлиги ва ташқи пустнинг ёмон үтказувчанлиғы спораларнинг ташқи мұхит билан бұладиган моддалар алмашинувины чегаралаб қўяди ва яшаш қобилиятини сақлаган ҳолда жуда узоқ вақт—үн йиллаб, әхтимол, юз йиллаб сақланиш имконини беради. Юқоридаги ҳолат ҳамда ҳужайралар ичида фақат биттадан спора ҳосил бўлишини, бактерияларнинг ташқи мұхитнинг ноқулай шароитита мослашуви деб ва уларнинг кўпайишида спораларнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ деб қарашга асос бўлади.

Споралар фақат ноқулай шароитга чидамли бўлибина қолмай, балки улар таъсирда яхши сақланади ҳам. Масалан, битта

хұжайрадан етишган баъзи спора ҳосил қилувчи бактериялар баъзан спора бермайдын қызы колониялар беради. Бу ҳодиса протоплазма түзилишининг қандай хусусиятлари билан боғлиқ эканлиги худди *Vibrio desulfuricans* фақат 40° дан юқори температурада спора ҳосил қилиши сабаби сингари ҳозиргача ба-тафсил аниқланған әмас.

Спора қулай шароитта тушиб қолганда уна бошлады. Дастралаб у бұртади (солиширма оғирлиги камайиб кетади) ва нурни яхши синдиримайды. Бу вақт спора деярли икки марта катталашади. Спора бұртганлиги туфайли унинг ичидаги ферментлар активлашади ва ташқи пүст қысман гидролизланса ҳам керак. Кейинчалик бу пүст ёрілади ва ҳосил бұлған тешикдан үсимтада ташқарига чиқади (27- расм).

Еш үсимтада дастралаб құшымча моддалар (цитоплазматик иппар, липо-протеин танаачалар ва құтб донаачалари) бұлмайды, улар кейинроқ пайдо бўлади ва бактерия хұжайралари нормал модда алмашинувига ўтади. Спораларнинг үсиши вақтида борадиган биохимиявий процесслар ҳозиргача түлиқ ўрганилган әмас, лекин бу масала тезда ҳал бўлади. Баъзи бир бациллаларда фа-



27- расм. *Bacillus sessilis*. Бир томчи гүшт бульонидаги бешта споранинг микроскоп остида үсиши. 9 соат кузатилган. Учинчи спора үсмай қолған (1000 марта катталашириб күрсатилган)

қат ферментларгина актив ҳолатта тезда ўтмасдан, балки түлиқ шаклланған бактерия хұжайралари ҳам спорадан тез—40—50 минут ичидә ажралади.

Споралар одатда қарама-қарши учларининг биридан, баъзи қолларда иккала учидан үсади. Баъзан улар экваториал үсади, яғни үсимтада споранинг ғұртасидан узун ўқ чизикқа перпендику-

лар равища үсіб чиқади. Жуда кам ҳолларда споралар қийшиқ үсіб чиқади (28-расм). Бактерияларнинг спора ҳосил қилиш қобиляти мәзкур турнинг турғун хусусиятлари жумласига кирсада, бироқ у абсолют турғун бўлмай, ўзгариб туради. Баъзи спора ҳосил қилувчи бациллалар маълум яшаш шароитида спора



28-расм. Спораларнинг үсиш типлари:

1—*Clostridium butyricum*—бир учдан үсиши; 2—*Bacillus subtilis*— экваториал үсиши
(1000 марта катталаштириб кўрсатилган)


ҳосил қилмаслиги мумкин. Бу ҳодиса кўпинча ноқулай шароитда ва, хусусан, муҳитда заҳарли моддалар юқпайиб кетганда қузатилади. Натижада спора бермайдиган ва аспороген бактериялар деб аталадиган бутун бир авлод пайдо бўлади. Аспорогенлилик вақтинча ва доимий бўлиши мумкин. Спора ҳосил бўлиши тегишли бактерияларнинг ташқи муҳитнинг ноқулай шароитига чидашига ёрдам берса ҳам, улар спора ҳосил қилмайдиган бактерияларга нисбатан афзалликка эга эмас. Буни спора ҳосил қилувчи бактерия турларининг сони бизга маълум бўлган бактериялар турининг учдан бир қисмини ҳам ташкил этмаганинидан билиш мумкин.

6. БАКТЕРИЯЛАРНИНГ ҲАРАКАТЛАНИШИ

Ҳаракатланиш ҳамма бактериялар учун хос умумий хусусият бўлмай, фақат айрим бактерияларгина эркин ҳаракатланади. Бактериялар хивчинлар деб аталадиган маҳсус органлари ёрдамида ҳаракатланади. Фақат спирохеталар танасининг ритмик тебраниши туфайли, миксобактериялар эса танасидаги шилмшиқнинг бўртиши ҳисобига ҳаракатланади (реактив ҳаракат).

Хивчинлар узун протоплазматик иплар бўлиб, плазмолиз вақтида ҳужайранинг ичига тортилиб кетмайди. Хивчинлар жуда майдаганлигидан ва нурни муҳит билан бир хил синдириши туфайли бўялмаган ҳолда микроскопда кўринмайди. Шунинг учун уларнинг ички структурасини аниқлаш жуда қийин бўлган. Ҳозир аниқланишича, хивчинлар бошидан охиригача бир хил йуғонликда бўлиб, уларнинг диаметри бактерия ҳужайраси кундаланг диаметрининг $\frac{1}{20}$ қисмидан ошмайди ($0,02$ — $0,05$ μ га яқин). Хивчинлар электрон микроскопда яхши кўринади. Хивчинларнинг махсус структураси бўлмаса-да, улар эктоплазматик ўсимталарап эканлиги кўп текширишлар натижасида аниқланган. Баъзан хивчинлар протоплазмадан чиқиш жойида фақат икки контурли бўлишини ва найсимон тузилганлигини кузатиш мумкин.

Хивчинлар ҳужайра протоплазмаси билан буш боғланган. Ҳаракатланувчи бактерияларнинг оддий механик силкиниши натижасида ҳам хивчинлар тушиб кетиши мумкин. Агар бу бактериялар ҳужайраларининг суспензияси центрифугаланса ёки энг



29- расм. Хивчинларнинг жойланиш типи (схема):

1, 2, 4 ва 11 — монотрихалар; 5, 6, 12 ва 13 — лофотрихалар;
3, 7, 8, 9 ва 10 — перитрихалар

майдаганлигидан охиригача бир хил йуғонликда бўлиб, плазмолиз вақтида бутунлай йўқолади. Хивчинлар таркибига кирган химиявий моддаларнинг табиати кам ўрганилган, лекин улар трипсин таъсирида парчалангандигидан оқсил структурасига эга модда, деб тахмин қилиш керак.




30- расм. Препарат бўялгандан кейин хивчинларнинг кўриниши:
1 — монотрихалар; 2 — лофотрихалар;
3 — перитрихалар

Турли бактерияларда хивчинлар ҳар хил узунликда булади. Лекин уларнинг купчилигига бактерия танасининг узунлигидан ошмайди. Жуда камдан-кам ҳоллардагина хивчинларнинг узунлиги бактерия ҳужайрасининг узунлигидан ўн марта ортиқ бўлган ҳаракатланувчан формалар учрайди.

Хивчинлар жуда майда бўлганигидан ёритувчи микроскопда уларни фақат маҳсус йўл билан ишлаб фиксация қилинган препаратда кўриш мумкин. Бунинг учун бирор бактерия препарати аввал кумуш тузи билан ишланади, сунгра кумуш формальдегидда металл ҳолигача қайтарилади. Бунда хивчинлар йўғонлашиб, қора рангга киради ва микроскопда яхши кўринади (29-расм).

Бактерияларнинг хивчин ҳосил қилиш қобилияти озиқ муҳити таркибига ва культура шароитига бевосита боғлиқ. Бактерияларнинг эски культурырасида ҳаракатланувчи ҳужайралар орасида кўпинча ҳаракатсизлари ҳам учраб туради. Хивчинларининг жойланиш тартибига қараб ҳаракатланувчи ҳамма бактериялар қўйидаги уч группага: 1) монотрихалар (битта қутб хивчини бор), 2) лофотрихалар (хивчинлари ҳужайранинг бирор учida тўп бўлиб жойлашган) ва 3) перитрихалар га (хивчинлари танасининг бутун юзасида жойлашган) бўлинади (30-расм).

Бактерияларнинг ҳаракатланиш типи улар хивчинларининг жойланишига боғлиқ. Хивчинлари ҳужайрасининг учida жойлашган бактериялар ҳамма вақт



31- расм. Хивчинларнинг ҳосил булиши ва бактерияларнинг ҳаракатланиш тури (схема)

УЛЬ-



32- расм. *Bacterium proteus*. Электрон микроскопда хивчинларнинг кўриниши (17900 марта катталаштириб курсатилган, Итерсондан олинган)

туғри, фақат баъзан енгил тебранма ҳаракатланади (31-расм). Перитрихалар мутлақо бошқача—ҳамма вақт тартибсиз ва юмалаб ҳаракатланади.

Мазкур типдаги ҳаракатлар хивчинларнинг жойланишига боғлиқлигини ультрамикроскопда яхши куриш мумкин (32-расм).

Хивчинлар букилганда қисқаради ва ҳужайрани айланишига ҳамда илгарилама ҳаракатланишга мажбур этадиган механик куч ортади. Бактерияларнинг ўнгга ва чапга тебранма ҳаракати хивчинларнинг ҳужайра юзасига жойланиш бурчагининг ўзгаришига боғлиқ.

Бактерияларнинг ҳаракатчанлиги бир қанча шароитга боғлиқ. Ҳаддан ташқари юқори ёки паст температура бактерияларнинг ҳаракатини секинлаштирибтина қолмай, балки баъзан бутунлай тұхтатиб құяды. Наркотик моддалар, зақарлар ва ҳужайра ҳаёт фәолиятида ажralадиган маҳсулотлар бактерияларга юқорида айтилғандек таъсир күрсатади.

Түрли бактерияларнинг ҳаракатланиш тезлиги ҳар хил бұлади. Уларнинг айримлари құлай шароитда үз ҳужайрасининг кattалигидан деярли үн марта ортиқ масофага силжий олади.

Вабо вибриони эң ҳаракатчан форма ҳисобланади. Ҳужайрасининг узунлиги $2\text{ }\mu$ келадиган бу бактерия бир секундда $30\text{ }\mu$ га яқын силжийди. Ҳаракатланувчи бактерияларнинг күпчилиги эса бир секундда үзининг үлчамига яқын бұлган масофагагина силжийди.

Хивчинлар ҳаракатланувчи бактерияларнинг ривожланиши учун жуда зарур бұлган ҳаётій бир нарса ҳисобланмайди.

Агар озиқ муҳитига бактерияларнинг үсишига таъсир этмайдиган, лекин хивчинларни парчалаб юборадиган бир озгина антисептик модда құшилса, бактериялар нормал ривожлана берсада, хивчинлар ҳосил бўлмайди.

7. БАКТЕРИЯЛАРНИНГ ҚУПАЙИШИ

Бактериялар ҳужайраларининг оддий иккига булиниши йули билан купаяди. Одатда ҳужайранинг ўртасида тұсын пайдо бўлади. У ҳужайрани иккига ажратади ва иккита янги ҳужайра пайдо бўлади (33-расм). Фақатгина миксобактериялар юқоридағи қоидадан мустаснодир. Улар бошқача йўл билан, яъни маҳсус тұсын ҳосил қильмасдан, ипга үхшаб қайтадан чўзишиш йули билан купаяди (34-расм). Ҳақиқий бактерияларда тұсын албатта, тез эмас, балки аста-секин ривожланиш натижасида ҳосил бўлади. Аввал тусиқ ҳужайранинг деворида үсиқлар шаклида пайдо бўлади, сунгра ҳужайранинг ички томонига ҳалқасимон силжиб кириб, уни иккига ажратади. Бактериялар препарати электрон микроскопда қаралганда тусиқнинг ҳосил бўлиши яхши куринади. Ҷиплококк ва стрептококклар бундай микроскопда

қаралса, ҳатто ҳужайра пустидан иборат бўлган алоҳида ҳужайраларни бир-бири билан боғловчи кўприкчаларни кўриш мумкин. Ҳужайралар узил-кесил ажralиб бўлгандан кейин тўсиқлар батамом жислашади.

Агар таёқчасимон бактериялар бўлинганда бир хил ўлчамдаги иккита ҳужайра ҳосил бўлса, изоморф бўлиниш деб аталади. Агар қиз ҳужайралар ҳар хил ўлчамда бўлса, гетероморф бўлиниш деб аталади (35-расм). Гетероморф бўлиниш анча кам учраб, фақат озиқ кам муҳитда ўсувчи бактерияларнинг эски культурасида кузатилади.



33-расм. Бактериялар (*Bacillus mycoides*) да тўсиқнинг пайдо булиши. Электрон микрорасм (19000 марта катталаштириб курсатилган)




34-расм. *Bacillus cereus*. Ҳужайралари ингичкалашиб бориб булинишидаги кетма-кет стадиялар. Электрон микрорасм (Жонсондан олинган)


Агар ҳужайрани бўлувчи тўсиқ ҳужайра учларининг бирига яқин жойда ҳосил бўлса, культурада таёқчалар билан бирга майда ҳужайралар ҳам пайдо булади. Бу ҳужайралар тўртбурчак шаклдан овалга, сўнгра эса шарсимон шаклга ўтади. Ана шу майда шариклар алоҳида шилимшиқ иплар ёрдамида бир қанча вақтгача ҳужайраларга боғланниб туради, сўнгра улар-

дан ажралди. Кейинги 2—3 соат давомида кокксимон турлари узлуксиз узайиб, яна қайтадан мазкур организмнинг бошқа вегетатив ҳужайраларидан фарқ қилмайдиган таёқчасимон бактерияга айланади.

Шарсимон бактерияларнинг бўлининшида тўсиқларнинг кетма-кет жойлашуви ҳар хил. Улар битта, ўзаро перпендикуляр бўлган иккита ёки учта текисликда кетма-кет ҳосил бўлиши мумкин. Тўсиқлар доим битта текисликда жойлашса, занжирсимон ҳужайралар туплами (стрептококклар, 36-расм); тўсиқлар ўзаро пер-




35-расм. Бактерияларнинг гетероморф бўлининши (2000 мартта каталашириб курсатилган, (А. Имшенецкийдан олинган)




36-расм. Шарсимон бактерияларда тўсиқларнинг битта текисликда жойлашуви

перпендикуляр иккита текисликда кетма-кет жойлашса, тетракокклар (37-расм) ва, ниҳоят, мазкур тўсиқлар ўзаро перпендику-



37-расм. Шарсимон бактерияларда тўсиқларнинг узаро перпендикуляр иккита текисликда жойлашуви



38-расм. Шарсимон бактерияларда тўсиқларнинг узаро перпендикуляр учта текисликда жойлашуви

ляр учта текисликда жойлашса, пакетча ёки *цибик-багыт* (cina) шақлдаги ҳужайралар туплами ҳосил бўлади (38-расм). Бўлининшинг бундай усули деярли доимий булиб, шарсимон бактериялар систематикасида муҳим роль ўйнайди.

Цилиндрик симон бактерияларда булувчи түсиқлар, одатда узун ўққа перпендикуляр жойлашган булади. Фақат камдан-кам ҳолларда спиралсимон буралган формаларида (масалан, спирохеталарда) бундай түсиқлар узун ўқ бўйлаб жойлашиши мумкин.

Бактерияларнинг кўпайиш тезлиги бир қанча шароитга боғлиқ бўлиб, жуда турли-туман бўлиши мумкин. Агар зарур шароитнинг барчаси мавжуд бўлса, бактериялар жуда тез кўпаяди. Муҳитда мос келадиган озиқ моддалар ва турнинг ривожланиши учун мувофиқ температура мавжуд бўлса, муҳитнинг реакцияси оптималь, аэроб бактериялар учун кислород мўл бўлса ва бошқалар мавжудлигига ҳужайралар ҳар 20—30 минутда қайтадан бўлинниб туриши мумкин.

Агар бактериялар ҳар 20 минутда қайтадан бўлинниб туради, десак, ўлчами 1—2 μ ли бир дона бактерия ҳужайрасидан қисқа вақт ичидаги жуда кўп бактерия олиш мумкин. Масалан, ҳужайралар ҳар 20 минутда бўлинниб турса, 24 соатда мазкур бактериянинг 72 генерацияси (авлоди) олинган ва $2^{72} = 472 \cdot 10^{19}$ дона ҳужайра ҳосил бўлган бўлар эди. Агар 1 миллиард дона бактерия ҳужайралари 1 миллиграмм келса, $472 \cdot 10^{19}$ дона ҳужайра 4720 тоннани ташкил этади. 24 соат ичидаги шунчак кўптирик модда ҳосил бўлган бўлар эди.

Агар маълум бир неча кунда ҳосил бўлган бактериялар сонини олиб қарасак, шундай катта рақамлар ҳосил бўладики, ҳатто уларни ҳисоблаш ҳам қийин. Бироқ бу рақамларнинг ҳаммаси фақат кўргазма материал сифатида аҳамиятлидир. Улар бактериялар шунчалик тез кўпайиши мумкин эканлигини кўрсатади, холос. Ҳақиқатда эса табиатда бирор бактериянинг узоқ вақт давомида түсиқсиз кўпайиши учун шароит йўқ.


Кўпайишнинг бундай тез бориши бактериялар учун муҳим биологик аҳамиятга эга. Тез кўпайиш мазкур турнинг ер юзида сақланиб қолишига таъсир кўрсатади. Бактерияларда бирор ҳимоя мосламаси йуқлигидан улар тезда қирилиб кетиши керак эди, лекин уларнинг ҳаддан ташқари тез кўпайиши бунга йўл қўймайди. Ноқулай шароит бошланиши билан, табиийки, улар жуда кўплаб қирилиб кетади, лекин мазкур бактериянинг бирор ерда сақланиб қолган бир нечта ҳужайраси шароит яхшиланиши билан тез кўпайиб, янги ҳужайраларнинг улкан массасини ҳосил қиласди. Булар ер юзининг катта қисмига қайтадан тарқалади. Озиқ-овқатнинг этишмаслиги, моддалар алмашинуви зарарли маҳсулотларининг таъсири, уларнинг ривожланиши учун ноқулай бўлган температура ва уларнинг турли хил тубан организмларга ем бўлиши ва бошқалар бактерияларнинг кўпайишини кескин тўхтатиб қўювчи сабаблардир.

Сўнгги вақтларгача, бактериялар фақат оддий бўлинниш йўли билан кўпаяди, уларда кўпайишнинг бирмунча мураккаб процесслари бўлмайди, деб ҳисоблаб келинган. Бироқ, баъзи тадқиқотчилар бактериялар оддий жинси йўл билан ҳам кўпая-

ди, деб тахмин қиласылар. Бу оддий жинсий процесни улар конъюкция деб атадилар. Бунда алоҳида ҳужайралар ён үсімталари ёрдамида ёки бир-бидига бевосита яқиналашиш йўли билан бирикади. Конъюкциядан кейин ҳужайраларда алоҳида гонидиялар ҳосил болади, булар еки бевосита кўпайишга хизмат қиласи, ёки олдиндан эндоспораларга айланади, Бироқ бундай хулоса чиқаришига тажриба асослари жуда кам. Айрим илмий ишларда гўё конъюкциядан бўлган ҳужайраларнинг яқиналашуви курсатувчи микрорасмлар берилган. Лекин ҳужайраларнинг яқинлашуви уларнинг күшлуви деган гап эмас, шунинг учун бу расмлар кам ишонардирилар. Бир қанча бактериялар культурасида майдага ҳужайраларнинг пайдо бўлиши ҳам (жинсий кўпайиш тарафдорлари бу ҳужайраларни гонидиялар деб қабул қилганлар) уларда жинсий процеснинг мавжудлигини исботлай олмайди. Майдага ҳужайралар гетероморф бўлиниш натижасида ҳосил бўлиши мумкин ва жинсий процессга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шунинг учун бактерия ҳужайралари оддий жинсий йўл билан ҳам кўпайиши мумкинligини тан олиш учун ҳозир етарли асос йўқ. Улар ёки тўсиқ ҳосил қилиб ҳужайранинг бўлиниши йўли билан, ёки миксобактериялардаги каби, ҳужайранинг иккита қиз ҳужайрага айланиши йўли билан кўпаяди.


8. БАКТЕРИЯЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЦИКЛИ

Бактерияларнинг ривожланишида кўпинча ривожланиш цикли деган умумий тушунча асосида бир қанча стадияларни кузатиш мумкин. Мисол тариқасида пичан таёқчаси деган бактерия *Bac. subtilis* ни олиш мумкин. У ёш вақтида хивчинлари



39- расм. *Bacillus subtilis*. Ривожланиш цикли (схема)

куп, озиқли эритмада (пичан қайнатмасида) серҳаракат бўлади, сўнгра хивчинларини ташлайди ва жуда тез кўпая бошлаган ҳолда секин-аста узун занжирга айланади. Бир қанча вақтдан кейин занжир алоҳида ҳужайраларга ажралади ва бу ҳужайраларнинг ҳар бири ривожланишининг дастлабки циклини янгидан тақоррлайди (39-расм). Бундай циклнинг кўп марта тақоррланишидан кейин ҳужайралар ичидаги споралар ҳосил бўла бошлайди. Бунда ҳужайранинг пўти шилимшиқланиб йўқолиб кетади ва эркин спора қолади. Қулай шароит мавжуд бўлиши билан спора қай-




40-расм. *Bacillus acetoethylicus*. Ривожланиш цикли (схема, Чумакдан олинган)

тадан униб чиқади. У сезиларли даражада бўртади ва унинг бир томонида (бир учидаги) ёки ўртасида ёриқ ҳосил бўлиб, у ердан ўсимта чиқади. (Ўсимта ўсиб нормал ҳолатга етади (бактерия етилади) ва ривожланишининг юқорида баён этилган стадиясини ўтгандан кейин, бактерия қайтадан ҳаракатчан бўлиб қолади. *Bac. acetoethylicus* да (40-расм), ипсизмон бактерияларда (41-расм) ҳамда бошқа бактерияларда алоҳида ривожланиш циклини кузатиш мумкин.

Миксобактерияларнинг ривожланиш цикли бирмунча мураккаб. Тиним даврига кирган ҳужайра стадиясида улар овал шаклда бўлиб, бактерия спораларини эслатади. Улар қулай шароитга тушиб қолса, секин-аста чўзилади ва жуда тез бўлиниб, кўплаб таёқчасимон ҳужайралар ҳосил қиласди (42-расм). Шилимшиқ ҳосил бўлиши сабабли турли рангли (қизил, сариқ, жигар ранг ва ҳоказо) ўзига хос тузилмалар пайдо бўлади (43-расм). Булар


шилимишік замбуруғларнинг мева танасига үшшаганлиги учун мева таналар деб аталған. Шилимшиқ мева таналар ҳосил бұлаётган вақтда таёқчалар қайтадан тиним ҳолатидаги шаклга үтади. Бунда улар бўлинишдан тұхтайди, ҳужайралари



41-расм. *Cladothrix dichotoma*. Ривожланиш цикли (схема)

секин-аста қисқаради ва қалин пүст билан қопланиб, бактерия спораларига үшшаб қолади. Бу вақтда шилимшиқ қуриб қолади ва мева таналар түкилиб кетиб, тиним давридаги ҳужайралар ҳавога тарқалади. Бир қанча миксобактерияларда барча ривожланиш цикли 7—10 кунда, баъзилари (*Chondromyces*) да эса 3—5 ҳафтада үтади.

Бактерияларда ривожланиш циклининг мавжудлиги баъзи тадқиқотчиларни ҳамма бактериялар полициклик ривожланади, деган фикрга олиб келди ва циклогения деб ата-лувчи антиэволюцион назариянинг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилди.




42-расм. *Mucorales rügeri*. Ривожланиш цикли (схема)

Бу назарияга мувофиқ, ривожланиш стадиясини үтиш процессида бир-мунча содда тузилған бактерия ҳу-

жайрағынгы секин-аста такомиллашган формаларга ўтади. Циклогенистлар бактерияларнинг такомиллашган формалари ичиде гонидангия деб аталувчи жуда иирик шарсимон ҳужайралар борлигини күрсатадилар.

Бактериялар ривож анишининг энг сұнғы босқычига етганда қайтадан структураси секин-аста соддалашиб борадиган бир қанча стадиядан иборат регрессив фазага ўтади. Циклогенистлар мана шунга асосланиб, гүё бактерияларнинг үз хусусиятларини кейинги авлодда мустаҳкам сақлаб қолувчи янги группачаларини олиб бўлмайди, деб ўйлайдилар.



43-расм. Миксобактерияларнинг шилемшиқ таналари:
1 — *Polyangium*; 2 — *Chondromyces*; 3 — *Polyangium fuscum*; 4 — *Myxococcus*

Уларнинг фикрича, ташқи факторлар бактерияларнинг ирсий хусусиятларини ўзgartира олмайди. Ташқи факторлар фақат уларнинг бир босқычдан иккичи босқычга ўтиши учун шароит яратиб беради. Агар шундай нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бактерияларнинг тури ўзгармайди ва эволюция йўқ, деб тан олишга тўғри келади. Бактерияларнинг ўзгарувчанингига бундай ёндашиб фанга хилофdir. Биологиядаги мичуринча назария ташқи муҳитнинг турили хил факторлари таъсирида организмлар ҳар хил хусусиятларининг ўзгаришига жуда кўп мисоллар келтиради, бу хусусиятлар эса ирсий жиҳатдан янада мустаҳкамланади ҳамда турғун ҳолда кейинги авлодга берилади.

Бундан ташқари, циклли стадия мутлақо исботланмаган, деб ҳисоблаш керак. Бактерияларнинг жуда йирик ҳужайралари кўпая олиб, мустақил формалар сифатида яшаб кетган ҳоллар микробиологияда учрамаган. Шунинг учун циклогенистларнинг бактериялар тури ўзгармас, деган идеялари эволюция принципига хилоф бўлиб, мутлақо асосиздир. Бу фикрлар ҳақиқатга тури келмаганлиги ва микробиологиядаги идеалистик концепциялардан бири бўлганлиги учун таг-томирни билан тугатилиши керак.

А. Имшенецкийнинг таркибида юқори концентрацияли тузлар бўлган озиқ муҳитида ҳосил бўладиган энг йирик ҳужайралар тузилишини ўрганиш юзасидан олиб борган чуқур текширишлари бундай ҳужайраларнинг ҳосил бўлиши бактерияларнинг ҳаёт цикли билан боғлиқ эмаслигини кўрсатди. Кўпинча улар дегенератив характерга эга бўлиб, кўпгина бошқа тадқиқотчиларнинг кўрсатишига қараганда ҳам, турили хил ноқулай шароит таъсирида пайдо бўлади. Бунда структуранинг прогрессив мураккаблашуви кузатилмайди. Шунинг учун, айрим циклли стадия алоҳида яшай олиши мумкин,

дайишига ҳеч қандай асос йўқ. Юқорида айтилганлар ва бошқа кўп фактлар циклогения назариясини илмий жиҳатдан рад этади, чунки бу назария охирда бактерияларнинг ёпиқ доирада ривожланишига асосланади, бунда ўзгарувчаликка ўрни қолмайди. Шубҳасизки, бактериялардаги ўзгарувчанлик ҳодисасида биз организмларнинг умумий табиатини кузатамиз, бу нарса организмларнинг эволюция процессида доим такомиллашиб бориши ва ташқи муҳит шароитига боғлиқлигига намоён бўлади.

II боб

БАКТЕРИЯЛАР СИСТЕМАТИКАСИ

1. БАКТЕРИЯЛАРНИНГ ОРГАНИЗМЛАР СИСТЕМАСИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ

Бактерияларнинг морфологик тузилиши ва физиологик хусусиятлари ҳақида жуда кўп маълумотлар булишига қарамай, уларнинг организмлар системасида тутган ўрни аниқ бёлгиланган деб бўлмайди. Бу ноаниқлик шундан келиб чиқадики, бактерияларнинг турига характеристика бериш жуда қийин булиб, бунда фақатгина уларнинг морфологик белгиларига асосланаб бўлмайди. Бундан ташқари, бактериялар орасида мустақил турларнинг булиши масаласининг ўзи микробиология ривожланишининг тури даврларида турлича ҳал қилинган. Ўтган асрнинг 70-йилларида, масалан, иккита йўналиш маълум эди. Уларнинг биттаси мономорфизм деб аталди. Мономорфизм бактерияларнинг доимишлиги билан фарқ қиливчи ва бирбиридан аниқ ажралган турлари бор, деган тушунчага асосланади. Иккинчи йўналиш — плеоморфизм, яъни полиморфизм бактериялар турининг бир-биридан шунчалик кескин фарқ қилишини ҳисобга олмади. Полиморфизм тарафдорлари, культура шароитига кўра, бактериялар ўзининг морфологик ва физиологик хусусиятларини кескин ўзгартириши мумкин, деб тахмин қилганлар. Бу масалани ҳал қилиш учун тадқиқотчилар турли хил тажрибалар қилиб кўрдилар, лекин ҳар икки йўналиш тарафдорлари ўзларининг фикрлари билан ҳақсиз бўлсалар-да (чунки улар тур масаласини унинг пайдо бўлишидаги тарихий шароитдан ажратиб қўйганлар), бу фаннинг кейинги ривожланишига ёрдам берди. Тажрибалар натижаларининг ҳар хил булиши бу вақтда текшириш методининг мукаммалашмаганлигига боғлиқ. Шаҳа вақтда битта ҳужайрадан бактерияларнинг тоза культурасини олиш методи ҳали номаълум эди. Тадқиқотчилар тўла ишончли бўлмаган материалдан фойдаланиб, ўз тажрибаларидан нотўғри хulosалар олдилар. Натижада бактериялар бир формадан иккинчи формага осонгина ўтади (ҳатто бу ҳодиса мутлақо содир бўлмаса ҳам), деган

таассурот пайдо бўлди. Фақат Р. Коҳ томонидан қаттиқ муҳитда бактерияларнинг тоза культурасини олиш усули ишлаб чиқилгандан кейингина анча ишончли маълумотлар олина бошлади.

Бактерияларнинг тоза культурасини қунт билан ўрганиш натижасида, улар орасида ҳам бир-биридан аниқ фарқ қилувчи турлар борлиги маълум бўлди. Шу сабабли ҳужайра шаклининг ёки физиологик функциясининг нормал ҳолатдан бир оз бошқачалиги мономорфистларнинг янги тур ёки тур хилини аниқлаши учун етарли асос бўлган. Шунга асосан, купинча бир турнинг ичида жуда кўп тур хиллари бўлган (масалан, ичак таёқчаси бактерияларининг 240 га яқин тур хили борлиги баён этилган). Буларнинг ҳаммаси турларни фақат стабиллаштирибгина қолмай, балки уларнинг ўзгармаслиги тўғрисидаги тушунчанинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бироқ бундай тушунча ҳақиқатга тўғри келмас эди. Бактериялар озиқ муҳити таркибига боғлиқ ҳолда ва турли хил физик, химиявий ва биологик факторлар таъсирида узининг хусусиятларини осонгина ўзгартира олиши аниқланди. Ҳаёт шароити уларда қандайдир таъсир қолдиради ва, агар улар табиатда узоқ вақт яшаб қолса, бунда микроорганизмлар унга адабтация ҳосил қиласи ҳамда янги тур ҳосил бўлиши учун шароит яратади. Масалан, иқлим факторларининг узоқ вақт таъсири натижасида микробларнинг географик групапачалар и¹ пайдо бўлади. Булар наслдан-наслга ўзгаришсиз бериладиган маълум белгилар комплексига эга бўлади. Ташқи муҳит организмга ҳар томонлама таъсир қилганидан, географик групачалар бир қанча хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиласи. Бактерияларнинг температура шароитига мослашуви айниқса осон бўлади. Масалан, шимол дengizлари ва тупроқларидаги яшовчи бактериялар 10° температурада яхши ривожланади. Бактериялар эритмаларнинг осмотик активлигига ҳам шунчалик осон мослашади. Денгиз бактериялари эритмада маълум осмотик босим ҳосил қилувчи бир оз миқдорда туз бор муҳитда яхши ривожланади. Бактериялар ташқи муҳитнинг бошқа факторларига ҳам ана шундай осон мослашади, натижада ҳосил қилган хусусиятларини наслдан-наслга барқарор берувчи янги групачалар пайдо бўлади. Бўлиниш процесси ва янги групачаларнинг ҳосил бўлиши табиий шароитда узлуксиз давом этади. Агар ҳосил бўлган янги групачалар бирмунча ҳаётчан бўлса, табиийки, сақланниб қолади ва дастлабки (бошлангич) формаларни секин-аста сиқиб чиқаради. Бактериялар организмининг хилма-хил хусусиятлари ўзгариши мумкин: ҳосил бўладиган колонияларнинг ташқи формаси ёки типигина эмас, балки ундан муҳим бўлган белгилари ҳам нисбатан осон ўзгаради. Масалан, *Vac. mycoides*.

¹ Е. М и ш у с т и н. Эколо-географическая изменчивость почвенных бактерий, 1947.

ни азот күп бўлган муҳитда ўстириб, ўз хусусиятларини кейинги авлодларда барқарор сақловчи аспороген групачалар ҳосил қилиш мумкин.

Бактериялар колонияси структурасининг ўзгарувчанлиги диссоциация деб аталади. Бу она ва қиз колонияларни бир-бирига солиштириб ўрганиш натижасида кашф этилган. Қиз колониялар қаттиқ озиқ муҳитида асосий колониядан ўсимталар кўринишида ҳосил бўлади. Бунда баъзи колонияларнинг юзаси силлиқ, бошқалариники эса ғадир-буудур бўлишини куриш мумкин. Уларнинг бу хусусиятидан диссоциация ҳодисаларини шартли белгилашда фойдаланилган. Силлиқ қолониялар шартли равишда *S* билан (инглизча *smooth* — силлиқ сўзидан олинган), бурмали колониялар эса *R* билан (инглизча *rough* — ғадир-буудур сўзидан олинган) белгиланади. Иккала вариация морфологик хусусиятлари билан ҳам, биохимиявий хоссалари билан ҳам бир-биридан фарқ қиласди.

Микроорганизмлар физиологик хоссаларининг ўзгарувчанлиги тўғрисида адабиётда жуда кўп материал тўпланган. Бу ўзгаришлар улар культурасининг ташқи фактор таъсири остида ўзгариши процессида ҳам кўринади. Масалан, бактерияларнинг муайян субстратга мослашуви процессида бир озиқ манбай иккичи озиқ манбай билан алмаштирилса, уларда янги ферментатив хусусиятлар пайдо бўлиши ҳодисаси кўп учраб туради. Бундай ўзгаришлар адаптив характерга эга бўлиб, организмнинг озиқ моддага кўрсатган реакцияси билан боғлиқ. Крахмалдан фойдаланмайдиган бактериялар крахмалли шароитда кўпайтирилса, баъзан, амилаза ҳосил қила олувчи тур хилларини етиштириш мумкин. *Bact coli* нинг сахарозани бижфитмайдиган 36 та штамми узоқ вақт сахарозали муҳитда ўстирилганда унинг тўққизта штаммини мазкур углеводни бижфитишига «ўргатиши»га эришилди. Шундай усул билан бошқа микроорганизмларнинг адаптив культураплари ҳам ҳосил қилинган. Турушларнинг тегишли формалари, масалан, галактоза, мелибиоза ва бошқа шакарларни бижфитишига ўргатилди (Курдяявцев ва бошқалар). Шунинг учун бактерия организмларнинг ирсий хусусиятлари теварак-атроф муҳити таъсирида ўзгариб туриши қатъий аниқланган деб ҳисоблаш мумкин. Бактерия организмлар бўлинади ва янги вариантлар ҳосил қиласди. Ана шу янги формалар анча мослашган формалар каби кейинчалик яшаб кетиши ва мустаҳкамланиши мумкин, айниқса бактерияларда ташқи муҳитнинг турли хил факторларига нисбатан адаптив формалар осон ҳосил бўлади. Бироқ Н. А. Красильников ишларидан маълум бўлишича, бактерияларнинг ҳар қандай биохимиявий хусусиятлари ҳам бир хил осонликда ўзгармас экан. Н. А. Красильников турли хил тупроқлардан ажратиб олинган спора ҳосил қилмайдиган бактерияларнинг 200 та штаммидан желатинани суюлтириш хоссасига эга бўлган битта

ҳам штамм ажратиб ола олмади. Бу хосса уларда илгари бұлмаган. Бундан фарқли үлароқ, бирон шакарни бижғитиши ёки нитратларни қайтариш хусусиятига зәғірелген формалар осонлик билан ҳосил қилинди (200 та культурадан 50 таси шакарларни бижғитиши хусусиятини осонгина үзгартырды).

Бактерияларнинг трупрачалари қўпинча ташқи факторнинг алоҳида таъсири натижасида ҳосил бўлади. Лекин бу қобилият ҳамма бактерияларда бир хил эмас ва у организмнинг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Ташқи факторнинг таъсири вақтида организмнинг ички қисмида ташқи мухитнинг таъсирига адэқват бўлган үзгаришлар рўй беради. Бу үзгаришлар фақат ўсиш ва кучли ассимиляция даврида содир бўлади. Бу вақтда ҳужайра проптоплазмасида янги тирик проптоплазманинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ ҳолда бирмунча тез ўтувчи биохимиявий үзгаришлар рўй беради. Бактерия ҳужайралари ўсиш ва қўпайишдан тухтаб, тиним даврига кирганда, улар хусусиятларининг үзгариши бирмунча қийинлашади.

Жуда кўп текшириш натижалари бактериялар ташқи таъсилярни жуда яхши сезишини ва, асосан, интенсив қўпайиш даврида үзгаришларга осон учрашини кўрсатди. Шунинг учун янги плазма ҳосил бўлишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай фактор одатда үзгарувчанликдан устун туради. Бу қонуниятларни билиш бактериялар табиатини хоҳлаган йўналишда үзгартириб, янги, бирмунча қимматли формаларини олиш учун құдратли восита бўлиб хизмат қиласи. Шунинг учун микробиологларнинг вазифаси микроорганизмлар табиатини мамлакатимиз халқ ҳўжалиги маңбаати йўлида тўлиқ фойдаланишга имконият берадиган йўналишда үзгартиришни ўрганишдан иборат.

Бактериялар турини аниқлашда турли хил белгилар групласидан фойдаланишга тўғри келади. Бу эса ишни мураккабластириб ва сермеҳнат қилиб юборади. Бу мазкур масалани ҳал қилиб бўлмайди, деган гап эмас, албатта. Бактерияларнинг кўп турлари етарлича тўлиқ характеристикага зәға ва яхши эътибор берилса, улар тўғри аниқлаши мумкин. Бактерияларда жинсий процесс аниқ белгиланмаган ва систематика учун ундан фойдаланиш мумкин эмас.

Ҳаммага маъқул бўлган номенклатурага кўра, бактерияларнинг ҳар бир турига икки сўздан иборат ном берилган: авлодни иш номи учун бош ҳарф билан ёзиладиган от (*Bacterium*, *Bacillus* ва бошқалар) ва туринг номи учун эса кичик ҳарф билан ёзиладиган бирор сифат (*agilis*, *chroococcum* ва бошқалар) олинади. Модомики, бактерияларда уларни тубан сув ўтлари ва тубан замбуруғлар билан яқинлаштирувчи белгилар бор экан, бактерияларнинг ҳар хил группалари турлича пайдо бўлганлиги тамомила равшандир. Лекин

бу масаланинг узил-кесил ҳал бўлиши учун янги фактлар талаб этилади. Бу соҳада совет микробиологлари (Н. А. Красильников, В. Н. Шапошников ва бошқалар) катта иш қилилар.

2. БАКТЕРИЯЛАР ТУРИНИ АНИҚЛАШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН БЕЛГИЛАР

Бактерияларнинг ташқи тузилиши соддалигидан уларни амалда соғ морфологик классификацияга ажратиш мумкин эмас. Шунинг учун морфологик белгилар билан бир қаторда бошқа белгилардан ҳам фойдаланишга тұғри келади. Булар орасыда культурада намоён булган ва физиологик белгилар муҳим аҳамиятга эга.

Морфологик белгиларидан, одатда: ҳужайранинг шакли ва ўлчами (цилиндрсімөн шаклліларда, бундан ташқари, таёқча учининг шакли), ҳаракатланишга лаёқатлығы ва хивчинланиш тури ҳамда спора ҳосил қилиш қобилиятыдан фойдаланилади. Шунингдек ҳужайра протоплазмасининг тузилиш хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда бактерияларни Грам усулида бўяш методидан ҳам фойдаланилади.


Культурада намоён бўлган белгиларидан: 1) гўшт-пептон бульонида ўсиш характеристидан (парда, лойқа, чўйма ҳосил бўлиши); 2) гўшт-пептонли агарда ўсиш характеристидан: Петри косачасидаги колонияларнинг типи (44- ва 45-расмлар), колония четларининг характеристи ва унинг тузилиши (46-расм), колониянинг ранги, шунингдек кўп агарда ўсиш характеристидан (47-расм); 3) гўшт-пептонли желатинада ўсиш характеристидан Петри косачасидаги колонияларнинг типи ва нина учидаги олиб ўтқазилганда желатинани суюлтириш қобилиятидан (48-расм) фойдаланилади.

Физиологик белгиларидан: 1) бактерияларнинг: а) углероднинг ва б) азотнинг турли хил манбаларига муносабатидан (хусусан, оқсил, пептон, аминокислоталар, аммиакли ва азотли тузлардан ҳамда атмосферадаги молекула ҳолдаги азотдан); 2) озиқ субстратида тўпланувчи алмашинув маҳсулотлари характеристидан (органик кислоталар, спиртлар, углеводородлар, газлар ва бошқалардан) фойдаланилади.


Бундан ташқари, денитрификациялаш активлиги (нитрат ва нитритлар бор озиқ муҳитида молекуляр азотни ажратиш) ва молекуляр кислородга муносабати ҳам аниқланади. Агар қаттиқ озиқ муҳитига нина учидаги олиб ўтқазилган бактериялар фаяқат юза қаватда ўсса, демек үрганилаётган бактериялар аэроп; агар улар эмланган жой бўйлаб ўсса, факультатив анаэроб; агар озиқ муҳитининг энг тагида ўсса, облигат анаэроб ҳисобланади (49-расм).




44-расм. Турли бактерияларнинг гушт-пептонли агардаги колонияси (Петри косачасида)



45-расм. 44-расмда ифодаланган Петри косачасида колония ҳосил қилған бактерияларнинг микроскопик күриниши



46-расм. Турли бактериялар ҳосил қилған колониялар. четининг тузилиши




47-расм. Күп агарда ҳар хил бактерияларнинг үсиши. I — *Bac. mycoides*; II — *Bac. vulgatus*; III — *Bact. vulgare*

пор бүшлиққа томон йұналған бұлмайди; натижада узум ғу жумига ұхшаш ҳужайралар тұдаси ҳосил бұлади.

II. *Bacteriaceae оиласи*. Бу оиласа спора ҳосил құлмайдынан цилиндрик (таёқчасимон) шаклдаги бактериялар киради. Ҳужайраларининг қалинлиги 0,5—1 μ атрофика бұлади, узунлиги эса қалинлигидан 1—6 марта катта. Ҳужайралари хивчинли (ҳаракатчан) ва хивчинсиз (ҳаракатсиз) бұлиши мүмкін. Бу оиласаңын биттегина *Bacterium* авлоди бор. Бу авлод вакилларининг ҳужайралари цилиндрик болып, спора ҳосил құлмайды. Грам усулида бүялғанда баъзи турлар натика бермайды. Спора ҳосил құлмайдынан бу бактериялар тупроқда кең тарқалған болып, унда бир қанча мұхым процессларни (нитрификация, денитрификация ва бошқаларни) вұжудға келтиради.

III. *Desmobacteriaceae оиласи* (ипсимон бактериялар). Бу оиласа киравчи микроорганизмлар одатда күп ҳужайралар болып, ҳужайралари бир-бiri билан уланиб узун ип ҳосил қилади. Иплар күпинча умумий филоф билан қолланған болып, темир бактерияларининг ана шундай филофда темир (III)-гид-



50-расм. Ипсимон бактерияларда гонидиялар ҳосил бўлиши (схема). Чандан ўнга: *Chlamydothrix*, *Grenothrix*, *Cladothrix*


роксид ёки марганец гидроксид тұпланиши мүмкін. Бу иплар шохламайды. Улардан айримларининг (олтингүргүт бактерияларининг) бир учи шилемшиқлашған ёстиқчага айланған болып, бактериялар ана шу ёстиқча ёрдамида сув ости буюмларига ёпишади (19-расмга қаранг).

Ипсимон бактериялар гонидиялар — ипининг охирги ҳужайраларидан ҳосил буладиган алоҳида овалсимон (баъзан ҳаракатчан) танаачалар ёрдамида күпаяди (50-расм). Баъзи бактерияларининг гонидияларида ён хивчинлар тұплами болып, улар

тез ҳаракатлана олади. Сув ости буюмларига ёпишиб олиб, улар ўсмайди, оддий бўлинеш йўли билан янги ип ҳосил қиласди ва ривожланишининг дастлабки циклини такрорлайди.

Бу оиласа қуидаги авлодлар киради ва уларнинг вакиллари олтингугурт ва темирнинг табиатда ўзгаришида фаол қатнашади.

1. *Beggiatoa avloidi*. Узун иплари одатда эркин сузувчи ёки сув ости буюмларига ёпишган бўлади. Ипининг ҳужайраларида дэярли ҳамма вақт суюқ олтингугурт томчилари бўлади. Булар водород сульфиднинг сульфат кислотагача оксидланишида оралиқ маҳсулот сифатида ҳосил бўлади (12-расмга қаранг).




51-расм. *Leptothrix ochraceae*. Бактерия иплари бор филофи

2. *Thiothrix avloidi*. Бу бактериянинг иплари шилимшиқлашган ёстиқчалари ёрдамида сув ости буюмларига бириккан бўлади. Бактериялар ипининг юқори қисмida ҳосил бўладиган ҳаракатчан гонидиялари билан кўпаяди. Булар ҳам водород сульфидни сульфат кислотагача оксидлайди (19-расмга қаранг).

3. *Leptothrix avloidi*. Ипининг кўп қисми сохта дихотомик шохланмаган, лекин қалингина қини бор. Булар ипининг бошқа ҳужайралари билан алоқасини йўқотган ва қиндан чиқсан охиригни ҳужайралари ёрдамида кўпаяди (51-расм). Бу авлодга кирувчи бактериялар темир (II)-оксид тузларини темир (III)-оксид тузларигача оксидлайди ва филофда кейинчалик кўлrudалари чўқиндиларини ҳосил қилувчи темир (III)-гидроксид тўплайди.

4. *Crenothrix avloidi*. Бу авлод вакиллари гонидиясининг шарсимон булиши билан олдинги авлодлардан фарқ қиласди. Гонидиялари ипининг юқориги учининг кенгайган қисмida ҳосил бўлади. Бу бактериянинг иплари бир учи билан сув ости буюмларига ёпишган бўлади. Булар ҳам темир (II)-оксидни темир (III)-гидроксидгача оксидлайди.

5. *Cladothrix* авлоди. Бу авлодга кирудчи микроорганизмлар узун ип шаклида бўлиб, ипининг йўғонлиги 1—5 μ келади. Улар соҳта дихотомик шохланади (52-расм) ва гилофи шилимшиқланганда ипининг юқори қисмидан чиқувчи ҳаракатчан гонидиялари ёрдамида кўпаяди (50-расмга қаранг). Гонидиялар суюқликда бир қанча вақт сузуб юргандан кейин, сув ости буюмларига ёпишади ва бўлинеш йўли билан яна дастлабки формага айланади. Ипсизмон бактериялар турли сув ҳавзаларида ва тупроқда кенг тарқалган.



52-расм. *Cladothrix dichotoma*. Соҳта дихотомик шохланниш

IV. *Spirillaceae* оиласи. Бу оиласа спиралга ушшаб бураган цилиндрическимон бактериялар киради, булар камдан-кам ҳолларда занжир ҳосил қилади, лекин жуфт-жуфт бўлиб бириккан ҳужайраларни учратиш мумкин. Булар асосан спора ҳосил қилмайдиган организмлардир. Улар икки авлодга бўлинади.

1. *Vibrio* авлоди. Бу авлодга кирудчи бактериялар қиска, вергулга ушшаб бир оз эгилган ҳужайрални бўлиши билан ҳаракетланади. Улар асосан, битта қутб хивчини ёрдамида ҳаракетланади.

2. *Spirillum* авлоди. Вибрионлардан фарқли ўлароқ спириллаларнинг ҳужайралари узун, бирмунча қалин ва спираль ёки штопорга ушшаб кучли эгилган бўлади. Кўпинча улар ҳужайрасининг бир уида хивчинлар тўдаси бўлади.

V. *Spirochaetaceae* оиласи. Бу оиласа жуда узун ва ингичка ҳужайрални формалар киради. Улар ҳужайраларининг узунлиги энидан 5—200 марта ортиқ. Ҳужайралари узун спиралга ушшаб кўп марта буралган. Бу оиласа, асосан касаллик қўзғатувчи бактериялар (захм, қайталама тиф ва бошқаларни қўзғатувчилар) киради.

VI. *Bacillaceae* оиласи. Бу оиласа бирмунча узун цилиндрическимон формадаги, спора ҳосил қилувчи бактериялар киради. Улар Грам бўёғида яхши бўялади. Ҳаракатчан ҳужайраларида

хивчинлар асосан перитрихиал типда жойлашган. Бу оиланинг фақат битта *Bacillus* авлоди бор. Бу авлод вакиллари ҳужайраларининг эни 1 микронга яқин. Спора ҳосил қилгандан кейин, ҳужайралари ўртасидан йуғонлашиб урчуқсимон форма (*Clostridium*) ёки учидан шишиб, ногора чупи (*Plectridium*) ҳосил қилиши мумкин. Бациллалар группаси табиатда кенг тарқалган ва азотли ҳамда азотсиз моддаларни турлича ўзгартирадиган жуда кўп бактерияларни ўз ичига олади.

Б. Мухобacteriales тартиби

Бу тартибга ривожланиш цикли анча мураккаб бўлган микроорганизмлар киради. Уларнинг айримлари эса, бундан ташқари, дифференциаллашган ядрога эга. Миксобактериялар ҳаракатчан бўлса ҳам, лекин қаттиқ озиқ мұхитида секин силжийди ва субстрат юзасида судралаётгандек туюлади. Уларнинг актив ҳаракатчанлиги реактив ҳарактерга эга. Улар ажратиб чиқарадиган шилимшиқ бўртади ва ҳужайрани олдинга итаради. Бошқа бактериялардан фарқли ўлароқ, буларда қаттиқ ташки пуст бўлмайди, шунинг учун улар плазмолизга учрамайди. Улар түсиқ ҳосил қилмасдан, балки ҳужайраларининг ингичкалашиши йўли билан кўпаяди. Бу белги ҳам уларни оддий бактериялардан фарқ қилдиради. Қаттиқ озиқ субстратида ўсаётганда улар одатда рангсиз, лекин баъзан мұхит юзасига тез тарқалиб кетувчи пушти, сарғиш ёки тўқ сариқ рангли ғубор ҳосил қиласи. Ривожланиши давомида улар миксомицетларнинг мева танасига ухшашиб алоҳида шилимшиқ ажратади. Бу бактерияларнинг турли формалари целлюлозани ва бошқа мураккаб органик биримлаларни (аэроб шароитда) жуда тез парчалайди. Миксобактерияларнинг кўпчилиги ранги, мева танасининг шакли ва ҳужайраларининг ўлчами билан бир-биридан фарқ қиласи. Булар битта оиласа бирлаштирилган.

Мухобacteriaceae оиласи. Бу оиласа кирувчи барча миксобактериялар тўртта авлодга бўлинади.

1. *Muholosoccus* авлоди. Бу авлод вакилларининг мева танаси рангсиз ёки оч пушти рангда бўлиб, катталиги 1000 μ гача боради. Унда узунлиги 4 μ дан 7 μ гача бўлган таёқчалар бўлади (53- расм).

2. *Polyangium* авлоди. Булар вакилларининг мева танаси қизил-жигар рангда бўлиб, улар 1000 μ гача каттликдаги бир хил бўлакчалар шаклида ҳосил бўлади. Бу мева таналар ичига узунлиги 3 μ дан 4. μ гача бўлган таёқчалар учрайди (54- расм).

3. *Chondromyces* авлоди. Бу авлод вакилларининг мева танаси оч сариқ рангда, диаметри 200 μ дан 1000 μ

гача булади. Цисталардаги таёқчаларининг узунлиги 2-дан 3 гача етади (55-расм).


4. *Sorangium avloidi*. Булар силлик, пушти, сарик ёки жигар рангга бўялган шилимшиқ колониялари билан характерланади. Тоза (соф) культурасида мева таналар ҳосил бўлмайди. Тирик ҳужайраларида нурни синдирувчи йирик танача-



53-расм. *Muholosoccus rubescens*.
Вегетатив ҳужайралари (1250 марта катталаштириб курсатилган)



54-расм. *Polyangium fuscum*. Булиниш стадиясидаги ҳужайралари
(1300 марта катталаштириб курсатилган, А. Имшенецкийдан олинган)



55-расм. *Chondromyces aurantiagus*. Узун оёқчали мева таналари (120 марта катталаштириб курсатилган)

лар учрайди. Бұялған препараттарда ядро структуралари осон күрінади.

Күпчилик миксобактериялар гүнгә, чириётган ёғочда, түкілған баргларда ва тупроқда учрайди. Уларни табиатда кенг тарқалған ва бир қанча органик моддаларнинг (айникса, целлюлозанинг) парчаланишида фаол қатнашувчи бактериал орғанизмларға киритиш керак.

B. Actinomycetales тартиби

Бу тартибга шохлаш хусусиятига эга бұлған таёқчасимон ёки ипсімон ұжайрали микроорганизмлар киради. Буларнинг айримлари жуда шохланған бўлиб, споралар билан купаяди. Бу тартиб бир нечта оиласа бўлинади:

I. *Actinomycetaceae оиласи*. Бу оиласа тупроқда кенг тарқалған нурли замбуруғлар ёки актиномицетларнинг *Actinomycetes* авлоди тартибида учрайди. Актиномицетларнинг *Actinomycetes* авлоди киради.




56- расм. Актиномицетнинг мицелийси

чиқади (57- расм). Күргина актиномицетлар түрли хил пигментлар ишлаб чиқаради, шунинг учун улар пушти, қизил, оч яшил, құнғир ва қора рангга бўялған бўлади. Қаттиқ озиқ мұхитидан актиномицетлар зич колония ҳосил қиласы. Актиномицетларнинг споралари қулай озиқ субстратига тушиб қолса, ўсиб янги мицелий ҳосил қиласы (58- расм).

Күргина актиномицетлар тупроқдаги түрли хил моддаларнинг ўзгаришида фаол қатнашади. Уларнинг айримлари тупроқда запас түпланишига сабабчи бўлади. *Actinom. chromogenes* пептонли мұхитда хинон ($C_6H_4O_2$) ҳосил қиласы ва чиринди моддалар ҳосил бўлишида иштирок этиши мумкин.

Ҳамма актиномицетлар типик аэроб, яъни микроаэрофилл организмлар бўлиб, 32—37° температурада яхши ривожланади. Улар орасида бирмунча юқоригоқ температурада ўсувчи фор-



57-расм. А — актиномицетларда спора ҳосил бўлиши;
Б — споралари (1200 марта катталашиб курсатилган)

малар ҳам учрайди. Уларнинг споралари юқори температурага жуда чидамли бўлиб, 120° гача қиздиришга ҳам бардош беради.



58-расм. Актиномицетлар мицелийсининг умумий тузиш характеристики. Мицелий типлари:

а — узун гифали мицелий; в — муайян озиқ мухитининг ўзидаги қисқа гифали мицелий (синтетик агарда, 100 марта катталашиб курсатилган)

Баъзи актиномицетлар патоген хусусиятга эга бўлиб, одам ҳамда ҳайвонларда оғир касалликларни (масалан, актиномикозаларни) қўзғатади. Бу касаллик тўқима ва суякларни бутунлай

ишдан чиқаради (*Actinom. bovis* құзғатади). Актиномицетларнинг қолған групласи заарсиз булиб, табиатда кенг тарқалған. Булардан айримлари (*Actinom. griseus*) қымматбақо антибиотиклар (стрептомицин) ҳосил қиласы да медицинада ишлатылады. Антибиотик моддалар олиш учун ҳозир улардан саноатта кенг ғойдаланылмоқда.

Proactinomyces avloedi. Проактиномицетлар бир қанча белгилари билан типик актиномицетлардан фарқ қиласы. Ривожланнишининг дастлабки даврларыда уларнинг мицелийсі ипсімөн тузилишда бұлады. Бироқ кейинроқ бориб, алоқида иллери ёки барча мицелийсінинг ички құсмидасы күндаланған түсіктер ҳосил бўлади ва улар ёрдамида таёқчасимон элементларга ажрапади.

Кейинчалик таёқчасимон элементлар бир неча марта булиниши ва секин-аста коккларга айланиши мумкин.

Баъзи проактиномицетлар унча яхши ривожланмаган ҳаво мицелийсі ҳосил қиласы. Үнда мева шохчалари пайдо бўлади, улар қисмларга бўлиниш йўли билан споралар ҳосил қиласы. Актиномицетлардан фарқли үлароқ, проактиномицетлар колонияси қаттиқ озиқ муҳитида хамирсимон консистенцияга эга бўлади. Проактиномицетлар колониясининг ранги ҳам актиномицетларники сингари хилма-хилдир.

II. *Micromonosporaceae* оиласининг битта *Micromonospora avloedi* бор. У қуйидаги белгилари билан характерланади. Мазкур авлоднинг вакиллари озиқ муҳитида актиномицетларнинг мицелийсі каби яхши ривожланған мицелий ҳосил қиласы. Булар мицелийсіда түсік бўлмайди. Бироқ бу организмлар ҳаво мицелийсі ҳосил қилмайди.

Микромоноспороз юмaloқ шаклдаги споралар (конидиялар) дан қўпаяди. Споралар субстрат мицелийсі (конидиябандлар) нинг калта ўсиқлари учидаги ҳосил бўлади. Ҳар бир конидиябандда биттагина спора ҳосил бўлади. Микромоноспоралар мицелий бўлакчаларидан ҳам кўпайиши мумкин, албатта.

Микромоноспоралар колонияси актиномицетлар колониясига үхшайды ва кўпинча таркибида пигментлар бўлади.

III. *Mycobacteriaceae* оиласи иккита авлодни ўз ичига олади.

1. *Mycobacterium avloedi*. Бу бактериялар ривожланнишининг дастлабки даврларыда ҳаракатланиш органларидан айрилган типик таёқча куринишида бўлади. Оддий таёқчасимон бактериялардан фарқи шундаки, булар нотуғри, қўпинча, қийшиқ куринишига эга. Бу бактериялар бирмунча узун ёки калта занжир ҳосил қилиши мумкин, лекин ҳақиқий мицелий ҳосил қилмайди. Ёш ҳужайралари кўпинча шохлайди, бу хусусият оддий бактерияларда бўлмайди.

Микобактерияларнинг эски культурасида ҳужайралар қисқарып, коксимон шаклга киради. Бу ҳодиса таёқчаларнинг були-

ниб, коккларга айланиши натижасидир. Коксимон ҳужайралар ҳар хил группаларга бирлашиши мумкин.

Микобактериялар колониясининг қуюқлик даражаси хамирга үхшаш булади. Күпинча улар олачипор куринишда ҳам булади.

Микобактериялар фақатгина булиниб эмас, балки куртакланиб ҳам кўпая олади. Баъзи микобактериялар ҳужайраларида 2—4 тадан спора ҳосил бўлади. Лекин бу споралар ташқи ноқулай таъсиrlарга бардош бера олмайди.

2. *Mycosphaerellaceae*. Микококкларнинг ҳужайралари ҳар хил ўлчамли, нотўғри шаклли ва юмaloқdir. Бу оддий коккларда кузатилмайди. Баъзи микококклар ён ўсимтали таёқ-часимон шаклга ўтади.

Микококклар бўлиниш ва куртакланиш йўли билан кўпаяди. Булар культурада намоён бўлган белгилари билан микобактериялардан фарқ қилмайди. Микобактериялар ва микококклар тупроқда кенг тарқалган бўлиб, сапрофит микроорганизмларга киради ва турли хил органик бирикмаларнинг парчаланишида муҳим роль ўйнайди. *Mycetomonospora* авлоди вакиллари тупроқда бирмунча кам учрайди.

III боб

ТУПРОҚДА УЧРАЙДИГАН БОШҚА МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ҚИЧИК СИСТЕМАТИКАСИ

Бактериялар группаси атрофимиздаги муҳитда учрайдиган хилма-хил микроорганизмларнинг фақат бир қисминигина ўз ичига олган.

Бактериялардан ташқари, тупроқда турли хил органик ва минерал моддаларнинг ўзгаришида фаол қатнашувчи бошқа микроорганизмлар ҳам қишлоқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга. Буларга тупроқ замбуруғларининг кўп сонли вакилларини (пўланак замбуруғлари, микориза замбуруғлари, турушларни) ҳамда тупроқ *Protozoa* лари ва тупроқ сув ўтларини киритиши мумкин. Мазкур микроорганизмлар билан қисқача таништириш агрономларни биология жиҳатдан тайёрлашнинг зарур элементидир.

1. ЗАМБУРУҒЛАР (FUNGI)

Кўпчилик замбуруғларнинг характерли хусусияти шундаки, улар ги фадеб аталувчи шохланган ип шаклида ўсади. Булар замбуруғнинг мицелий деб аталувчи вегетатив танасини ҳосил қиласиди. Замбуруғ танасининг бундай тузилганлиги унинг ташқи муҳитга тегиб туриш юзасини ҳаддан ташқари ошириб юборади. Бу ҳол замбуруғни табиатдаги бир қанча органик бирикмалар-

нинг ўзгаришида актив иштирокчи қилиб құяды. Баъзи замбуруғларнинг гифалари оидия деб аталған қисқа ҳужайраларга бўлиниши мумкин. Оидиялар замбуруғларнинг вегетатив купайиши учун хизмат қиласди. Худди шундай функцияни туруш замбуруғлар группаси учун жуда характерли булган куртакланувчи мицелий ҳам бажаради (59-расм).

Замбуруғларнинг жинссиз купайиши алоҳида споралар ёки конидиялар ҳосил қилиш йўли билан бориши мумкин. Ҳосил бўлиш типига қараб, споралар эндоген спораларга (моғор замбуруғларида спорангий ичидаги ҳосил бўлади) ва экзоген споралар ёки конидияларга бўлинади. Кейингилари вертикаль стеригмалар учидаги ҳосил бўлади. Замбуруғлар жинсий йўл билан ҳам купайиши мумкин. Бунда иккита ҳужайранинг қўшилишидан зигоспоралар (моғор замбуруғларида), аскоспоралар (халтали замбуруғларда) ҳосил бўлади.



59-расм. *Endomyces*. Куртакланувчи мицелийси (Л. Курсановдан олинган)

ларда) ва базидиоспоралар (базидияли замбуруғларда) ҳосил бўлади.

Замбуруғлар бир қанча морфологик ва физиологик белгиларига кўра бешта синфга: 1) архимицетлар, 2) фикомицетлар, 3) аскомицетлар, 4) базидиомицетлар ва 5) такомиллашмаган замбуруғларга бўлинади. Бу микроорганизмларнинг ҳаммаси булиб 70 мингдан ортиқ тuri маълум.

Қишлоқ ҳўжалиги микробиологияси учун фикомицетлар, аскомицетлар ва базидиомицетларнинг айrim вакилларигина муҳимdir.

A. Phycotomycetes (фикомицетлар) синфи

Бу синфга табиатда жуда кенг тарқалган бир ҳужайрали моғор замбуруғлари (*Mucoraceae*) оиласи киради. Моғор замбуруғлари жуда тармоқланган битта ҳужайрадан иборат шохланган мицелий ҳосил қиласди, ундан учидаги спора билан тулган шарсимон спорангийли мева ҳосил қилувчи гифалар ажralиб чиқади (60-расм). Спорангий ҳосил булишида спорангий бандининг уни шарсимон булиб шишади ва тўсиқ билан ажralади. Бундан кейин спорангий протоплазмаси бир не-

ча минг овалсимон спораларга булинади, унинг пусти эса сув ва ҳатто, нам ҳаво таъсирида асосида «ёқача» қолдириб, осонгина ёйилиб кетиш хусусиятига эга. Бунда споралар пустдан ажралади ва ўсиб янги мицелий ҳосил қиласи. Фикомицетлар жинсий кўпайгандага зигоспора ҳосил бўлади.

Б. Ascomycetes (халтали замбуруғлар) синфи


Бу синф иккита тартибга:
1) *Protascales* (бошлангич халтали замбуруғлар) ва 2) *Plectascales* (мураккаб халтали замбуруғлар) га бўлинади.

Protascales тартиби. Бу тартибга туруш замбуруғлари киради. Буларнинг ҳужайралари овалсимон, бактерияларни кига нисбатан анча йирик бўлиб, кўпинча диаметри 8—10 микронга етади.

Турушлар бўлиниш ёки куртакланиш йўли билан вегетатив кўпаяди. Куртакланиб кўпайишида ҳужайранинг бирор жойида тез катталшиб борувчи шиш пайдо бўлади. Бу шишдан кейин янги ҳужайра ҳосил бўлади. Озиқланиш ва ўсиш шароити туруш учун қулай бўлаверса, бу процесс тақрорлана беради (61-расм).

Туруш замбуруғларининг айрим вакиллари куртакланмасдан, балки оддий бўлиниш йўли билан кўпаяди. Бунда ҳужайранинг уртасида пайдо бўлган тусиқ уни иккига бўлади. *Schizosaccharomyces pombe* нинг ҳужайралари калта ил ҳолида чўзилиши мумкин. Мана шу иплар кейин алоҳида тусиқлар ёрдамида бир нечта ҳужайраларга бўлиниб кетади (62-расм).

Туруш замбуруғларининг жинсий кўпайиши аскоспора ҳосил булиши билан боғлиқ. Озиқ субстрати камайиб кетганда ва муҳитнинг аэрация шароити яхши бўлганда аскоспоралар осон пайдо бўлади. Аскоспоралар юмалоқ шаклда бўлиб, силлиқ пуст билан уралган. Улар ургуланмасдан, · п а р т е н о г е н е з йўли билан ҳосил бўлади. Дастлабки жинсий процесс фақат айрим турушларда (*Saccharom. Ludwigi* ва *Saccharom. octospora*) рўй бериб, бунда ҳужайра ва ядролар бир-бирига қўшилади. Копуляция вақтида ёнма-ён турган ҳужайралар ўсимталар ҳосил қиласи. Бу ўсимталар секин-аста бир-бирига яқинлашади. Ҳужайралар қўшилганда орадаги тусиқ эриб кетади ва натижага



60-расм. *Mucor mucedo*:

a — спорангийсининг кесмаси; *в* — ўсаётган спораси; *с* — етилган спорадан ўсаётган мицелийси; *д* — спорангийли замбуруғ; *е* — зигоспораси

да ҳосил бүлган канал орқали ҳужайралар моддаси қўшилиб кетади.

Ҳужайралар қўшилгандан кейин, қанча спора ҳосил бўладиган бўлса, шунчага бўлинади. Одатда ҳужайрада 4 — 8 та спора




61-расм. *Saccharomyces*. Куртакланиши (750 марта катталаштириб курсатилган)



62-расм. *Schizosaccharomyces*. Ҳужайраларининг бўлиниши (1000 марта катталаштириб курсатилган)

ҳосил бўлади (63-расм). Бир хил ёшдаги ҳужайралар қўшилганини сабабли копуляция процесси изогамия деб аталади. Би-



63-расм. Винотурушларда аскоспоралар ҳосил булиши (1000 марта катталаштириб курсатилган)



Қулай шароитда туруш замбуруғлари споралари бир қанча тиним давридан кейин үса бошлайды. Улар халта ичидалигидәң бўртади, пўстини ёриб ташқарига чиқади ва үсиб, куртаклай бошлайды (64-расм).

Турушларнинг систематикаси уларнинг бир қанча морфологик ва физиологик белгиларига асосланаб тузилган ва қисқача қўйидаги тартибда бўлиши мумкин.

I. *Saccharomyces cereviseae* оиласи. Бу оиласа куртакланиб ёки бўлинниб кўпаявчи ва 1—4 спорали (баъзан 12 та спорали) халта ҳосил қилувчи бир ҳужайрали замбуруғлар киради.

1. *Schizosaccharomyces* авлоди. Бу турушлар бўлинниб ёки спора ҳосил қилиб кўпаяди. Халтасида копуляциядан кейин ҳосил бўлган 4—8 та спора бўлади. Споралари битта оддий пуст билан ўралган.

Колган турушлар бўлинмай, куртакланиб ва спора ҳосил қилиб кўпаяди. Уларни II та авлодга бўладилар. Булардан амалий аҳамиятга эга бўлган биттасини гина кўрсатамиз.


2. *Saccharomyces cerevisiae* авлоди. Бу авлодга турушларнинг саноатда кенг қўлланадиган энг муҳим вакиллари киради (65-расм). Қандларни бижкитишига қараб бу авлод бир нечта группага бўлинади. Биринчи группага мальтоза, сахароза ва глюкозани бижкитувчи формалар киради. Бунга техника жиҳатдан муҳим бўлган турушлар: винотуруш (*Saccharom. cerevisiae*, II группа), хамиртуруш (*Saccharom. cerevisiae*, XII группа) ва бошқалар киради.

II. *Non-saccharomyces cereviseae* оиласи. Бу турушлар куртакланиб кўпаяди, лекин спора ҳосил қилмайди.

1. *Torula* авлоди. Ҳужайралари юмалоқ шаклда бўлади (66-расм). Баъзи турлари пушки рангли (пушки рангли турушлар) ва қора рангли (қора рангли турушлар) пигмент ҳосил қилади. Бу авлоднинг турлари табиатда жуда кенг тарқалган.



65-расм. *Saccharomyces cerevisiae*



66-расм. *Torula* (1000 марта катталаштириб кўрсатилган)


2. *Mycoderma* авлоди. Озиқ муҳити юзасида пишиқ бурмали парда ҳосил қилади. Ҳужайралари чўзиқ ва тўртбурчак шаклида бўлади (67-расм).

Бу замбуруғларга турушсимон организмлар деб аталаидиган ҳамда табиатда бирмунча кенг тарқалган замбуруғлар (*Oidium*, *Monilia* ва *Endomyces*) киради. *Oidium lactis* (68-расм) анча диққатга сазовордир, чунки

у сут, қатиқ маҳсулотларида ва тузланган сабзавотларда тұхтосиз ривожла-
нади ва сут кислота билан озиқланып, уларнинг кислоталигигини пасайтиради.
Бу микроорганизм силосда ёки тузланган бодринг ва қарам сувда жуда күп
ривожланиб, ҳамма вақт улар кислоталигигининг пасайшига ва маҳсулот-
нинг бузилишига сабаб бўлади. *Oidium lactis* нинг овалсимон ҳужайралари
кортакланиб кўпайиши мумкин, бу хусусияти билан улар оддий турушларга үх-
шайди. Овалсимон ҳужайралари билан бирга уларда мицелийнинг булиниб кўпа-
ювчи узун иплари ҳосил бўлади.



67- расм. *Mycoderma vini* (800 марта катталаштириб кўрсатилган)



68- расм. *Oidium lactis* (850 марта катталаштириб кўрса-
тилган)

Бир қанча тадқиқотчилар мазкур организмларни турушларга яқин турув-
чи такомиллашмаган замбуруғларга киритадилар.


Турушлар ва турушсимон организмлар табиатда жуда кенг тарқалган
бўлиб, тупроқда, сувда, ҳавода, мева ва резавор-меваларда доимо учрайди,
ҳамма жойда бир қанча органик моддаларни минераллаштиради.

Plectascales тартиби. Бу тартибга табиатда кенг тарқалган
моғор замбуруғларининг *Aspergillaceae* оиласи киради. Бу
оиласа ўлик органик қолдиқларда сапрофит ҳолда яшовчи
замбуруғлар киради. Буларнинг мицелийси кўндалант тўсиқлар
билан кўп сондаги ҳужайраларга бўлинган, улар ҳам вегетатив,
ҳам жинсий йўл билан қўпаяди. Вегетатив кўпайиш конидия
бандларнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Конидия банд-
ларнинг учидаги конидиялар деб аталадиган спора ҳосил
қилувчи стеригмалар (69-расм) бор.

1. *Aspergillus* авлоди. Бу авлодга кирувчи замбу-
руғлар конидия бандининг шаклига кўра, кўпинча лейкаси-
мон замбуруғ деб аталиб, конидия бандининг учидаги занжирси-
мон конидиялар қаторини ҳосил қиласади (70-расм). Конидиялар
шарнинг радиуси бўйлаб жойлашиб, лейкадан қўйилаётган сув
оқимини («лейкасимон замбуруғ» деган ном ҳам шундан келиб
чиқсан) эслатади. *Aspergillus* ҳар хил турларининг конидиялари
турлича рангга бўялган ва кўпинча майин тукчалар билан қоп-

ланган булади. *Asp. niger* нинг конидиялари дора рангга, *Asp. glaucus* ники эса оч яшил рангга буялган.


2. *Penicillium* авлоди. Бу авлодга кирбачи замбуруғлар бармоксимон замбуруғлар деб аталади, ники құл бар-




69-расм. *Aspergillus niger*. Стеригмалари учда конидияларнинг ҳосил бўлиши (схема)

моқларини эслатувчи ҳалқасимон шохланган конидия банди учда конидиялар ҳосил қиласди (71-расм).

Моғор замбуруғларининг иккала авлоди табиатда жуда кенг тарқалган бўлиб, турли хил органик моддаларнинг минераллашишида муҳим роль ўйнайди. Уларнинг баъзи





70-расм. *Aspergillus niger*. Спорали бош-часи



71-расм. *Penicillium glaucum*:

a— бармоксимон шохланган конидияларданда конидиялар ҳосил булиши; *b* — мева танаси; *c* — занжирсимон жойлашган халталари; *d* — оспоралар



72-расм. А. Эндотроф микориза. Илдизчасининг кундаланг кесими. Унинг ҳужайраларида замбуруг мицелийси куриниб турибди. Б. Эктотроф микориза:

а — четан илдизи; б — дубиниг майда илдизи

турларидан техникада кенг фойдаланилади. Масалан *Aspergillus niger* дан саноатда шакардан лимон кислота олишда; *Penicillium glaucum* дан пишлоқнинг айрим сортларини тайёрлашда. *Penicillium notatum* ва *Penicillium chrysogenum* дан эса пенициллин антибиотигини олишда фойдаланилади.

B. Fungi imperfecti (такомиллашмаган замбуруғлар) синф

Такомиллашмаган замбуруғларнинг вакиллари тупроқда доимо учрайди. Булардан *Phoma* ҳамда *Fusarium*, *Cladosporium* ва бошқа авлодларга киравчи замбуруғлар муҳим мизи қишигина уйғотади. *Phoma* авлодига киравчи замбуруғлар күпинчверескгулли ўсимликлар билан симбиоз ҳолда яшаб, уларни илдизларида эндотроф микориза ҳосил қилади (72-расм). Замбуруғ гифалари илдизнинг сиртқи ҳужайраларида тұплап-ниб, ұша ерда углерод билан таъминланиб туради.


Азотли озиңи замбуруғлар атмосфера азотидан фойдаланиб мустақил оладилар. Эхтимол, замбуруғлар ўзлаштирган атмосфера азотининг бир қисмидан ўсимликнинг илдизлари ҳам фойдаланиши мумкин. Натижада улар симбиоз ҳолда яшай баштайди, бунда ўсимлик одатта ўзи тупроқдан оладиган боғланмаган азотсиз ҳам қаёт кечириши мумкин. Ана шу хусусиятига күра, верескгулли ўсимликлар азот кам ерларда ҳам ўса олади.

Микориза күпгина қуруқлик ўсимликларида, жумладан, кишлөк хұжалиги әкинларида ҳосил бўлади. Унинг ҳосил булишида турли систематик группалардаги замбуруғлар иштирок этади. Улар ўсимликларга маълум фойда келтирәди, лекин атмосфера азотини ўзлаштирумайди.

Hymenomycetales тартибининг қуйидаги формалари купроқ қишигина түгдирали.


1. *Fusarium avloidi*. Бу авлодга киравчи замбуруғлар күпинча ўсимликларни шикастлантиради ва конидияларининг алоҳида шаклдаги билан характерланади. Конидиялари оддий ўроқсимон эгилган ва түсиқлар билан бир неча қисмларга бўлинган (73-расм) бўлади. Улар ҳалкасимон тармоқланган пушти рафтаги конидияли бандда ривожланади. Бу замбуруғларнинг айрим формалари бир қанча ўсимликларнинг ўсишини кескин тезлаштирувчи гиббереллин кислота ҳосил қилади. Ҳозирги вақтда ана шу кислотадан ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи модда сифатида фойдаланилмоқда.

2. *Cladosporium* ва *Botryotinia* спора ҳосил қилиш аппаратларининг алоҳида шаклда булиши билан *Fusarium* авлодидан кескин фарқ қиласи (74- ва 75-расмлар). Бу замбуруғларнинг вакиллари тупроқда кенг тарқалган од-




73-расм. *Fusarium oxysporum*. Ўроқсимон конидиялари күриниб турибади.

дий сапрофитлар булиб, ундаги бир қанча органик моддаларнинг парчаланишида иштирок этади. Бундан ташқари, *Botrytis cinerea* сақланыётган қандлавлаги ўюмини чиритиб, шу билан қышлоқ хўжалигига катта зарар етказади.



74- расм. *Cladosporium herbarum*. Спорали ишининг бир қисми



75- расм. *Botrytis vulgaris*. Конидия бандли ишининг бир қисми

Г. Basidiomycetes (базидияли замбуруғлар синфи)

Бу синфнинг вакиллари юқори базидияли замбуруғларга киради. Булардан пўкак замбуруғлар (*Polyporaceae*)га кирувчи *Merulius* ҳамда *Boletus* авлодлари бирмунча диққатга сазовордир.

1. *Merulius* авлоди. Бу авлод вакилларидан *Merulius lacrymans*, яъни уй замбуруғи табиатда кенг тарқалган. Бу замбуруғ ёғочларни тез ишдан чиқаради ва ёғочдан қурилган уй-жой ва бошқа биноларга катта шикаст етказади. Мазкур замбуруғнинг мицелийси ёғочга ўтиб, дастлаб пахтаға ўхшаш оқ түплам ҳосил қиласи. Түпламнинг юзаси сарғиш ёки оч пушти рангли доғлар ва сувга ўхшаш томчилар билан қопланган (*lacrymans* — йиғловчи деган ном ҳам шундан келиб чиққап). Замбуруғ йўғонлиги бир неча миллиметр ва узунлиги бир неча метр бўлган узун ип ҳосил қилиши мумкин. У ривожланиш процессида ёғочни бузадиган алоҳида ферментлар ишлаб чиқаради. Ёғочда кўндаланг ёриқлар пайдо бўлиб, осонгина кукунланадиган бўлиб қолади. Бу замбуруғ камдан-кам ҳолда мева тана ҳосил қиласи. Ёғочни мицелий бузади. Замбуруғ таъсирида ёғоч карбонат ангидрид, сув (бузилган ҳамма ёғочнинг 50% гача) ва қандайдир торфсимон маҳсулотларга парчаланади, буларнинг химиявий табиати ҳанузгача тўлиқ аниқланмаган. Замбуруғнинг ривожланиши учун ёғоч 30% дан 60% гача нам бўлиши керак.

2. *Boletus* авлоди. Юқори замбуруғларнинг бу авлоди шляпа кўринишидаги юмшоқ серэт тана ҳосил қилиши билан ажralиб туради. Шляпанинг ички томонида спора ҳосил қи-

лувчи найсимон аппарат жойлашган бўлади. Бу авлоднинг кўп турлари ейиш мумкин бўлган замбуруглар сифатида бизга маълум (оқ замбуруғ, маслёнок, подберёзовик, подосиновик ва бошқалар). Буларнинг ҳаммаси кенг тарқалган тупроқ сапрофитлари бўлиб, кўпинча дараҳтлар илдизи билан микориза ҳосил қиласи. *Boletus elegans* тилоғочда микориза ҳосил қилиб, мана шу дараҳт ўсадиган ерлардагина учрайди. *Boletus luteus* қарағай ва арча дараҳтларини заарлайди ва мазкур дараҳтлар тарқалган ерларда учрайди. Умуман, *Boletus* авлодидаги замбуругларнинг маълум зот дараҳтлар илдизида микориза ҳосил қилиш қобилияти, уларнинг фақат муайян тур дараҳтлар яқинида ўса олиш табиий хусусиятини тушунтиради.

Одатда купчилик ўсимликларнинг тармоқланган илдизи учларининг замбуруғ гифалари билан бирлашиши микориза деб аталади. Анатомик тузилишига кўра, эктотроф микориза (ташқи микориза) ва эндотроф микориза (ички микориза) га бўлинади. Эктотроф микоризада замбуруғ гифалари ўсимлик илдизларига фақат қисман киради ва пўстлоқ паренхимаси ҳужайралари орасида тарқалади. Асосан улар илдизни ташқи томондан ўраб олиб, унинг атрофида алоҳида филоф ҳосил қиласи. Бунда кўпинча илдиз туклари нобуд бўлади. Бунда сув ва озиқ моддалар замбуругнинг мицелийси орқали шимлади. Бундай ҳодиса бир қанча дараҳт зотларида (тилоғоч, қайрағоч, арча ва бошқаларда) жуда кўп учрайди. Бунда замбуруғнинг илдизнинг ички ҳужайраларида гифалари углеродли озиқни бевосита ўсимликдан, ташқи гифалари эса тупроқда кенг тарқалиб, ундан турли минерал бирикмаларни, жумладан, чириндини аммонификациялаб, ҳосил бўлган азотли моддаларни олади. Натижада ўсимлик билан замбуруғ ўртасида маълум ҳамкорлик пайдо бўлиб, иккала организм яхши ривожланиши мумкин. Бундан ташқари, замбуруғ билан ўсимлик ўртасида ўсиш учун ёрдам берадиган турли типдаги қўшимча факторлар ўзаро алмашиниб туради. Шунга кўра, ўзига хос симбиоз пайдо бўлади ва илдизларига микориза содир бўлганлигидан дараҳтларнинг ҳосили жуда ортади.

Қўйида келтирилган жадвалдаги Баранея маълумотларидан ҳам бу ҳақда хулоса чиқариш мумкин.

Микориза замбуругининг дуб кўчатлари ривожланишига таъсири

Ўсимликнинг ривожланиш кўрсаткичи	Кўчатлар	
	микоризали	микоризасиз
Ер усти қисмининг узунлиги (см)	35,5	17,5
Ер усти қисмининг оғирлиги (г)	17,0	3,1
Илдизларнинг оғирлиги (г)	11,0	4,5
Баргларининг сони	42,0	12,0
Умумий барг юзаси (см)	591,0	98,0

Микоризали ўсимликлар илдизларида замбуруғ булмаган мұайян ўсимликларға қараганда анча яхши ривожланади. Шунинг учун ҳозир әкіладиган дараҳтлар уруғини ўзига хос микориза замбуруғлари билан атайин дорилаш тавсия этилади. Бу замбуруғларнинг бир қисми тоза ҳолда олинган. Бу табдир чүлларда үрмөн барпо этишда ва иxота дараҳтлари әкишда мұхим ажамиятга эга.

Әндотроф микоризада шу нарса характерлики, замбуруғ мицелийси фақат пұстлоқ паренхимасы ҳужайралари орасыда тарқалмасдан, балки, одатда, уларнинг үчига ҳам киради. Пұстлоқ паренхимасы ҳужайралари ҳаётчан бұлиб, ўзига кирған мицелийни ҳазм қилиб юборади. Бунда замбуруғ гифалари илдизнинг атрофида мустаҳкам ғилоф ҳосил қымайди ва шу сабабли илдиз түкчалари сақланиб қолади. Эндотроф микориза одатда үт ўсимликларда учрайди.

2. ТУПРОҚ СУВ ҮТЛАРИ

Тупроқда замбуруғлар билан бирға жуда күп яшил, күк-яшил ва диатом сув үтлари учрайди. Тупроқ мана шу организмларнинг бир қисми учун тасодиғий яшаш жойи ҳисобланади, қолган қисми эса фақат тупроқда ривожланишга мослашған. Тупроқ юзасыда, шунингдек 30 см чүкүрликдаги ҳайдаладиган қатламда ҳар 1 га ишланған ерда 100 мінгга яқын сув үтлари ҳужайраси бўлади. Кўпинча ҳайдалған ернинг юзаси, ҳатто яшил ғубор билан қопланади ва сув үтларининг ҳаддан ташқари кўплигидан «гуллагандек» туюлади. Халқ таъбирига кўра, бундай ҳодиса рўй берганда ҳамма вақт ҳосил кўп бўлар экан. Бу таъбир тўғри кузатишларга асосланған. Сув үтлари тупроқда жуда күп бўлса, уни углеводлар билан бойитади ва унда азот тўпловчи бактерияларнинг ривожланишини тезлаштиради. Азот тўпловчи бактериялар тупроқни азот билан бойитиши ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ривожланиши учун шароитни яхшилаши мумкин. Бундан ташқари, сув үтларининг жуда яхши ривожланишининг ўзи тупроқда азот запаси борлигининг мұхим кўрсаткичидир.

Сув үтлари турининг таркиби бирмунча ўзгариши мумкин, лекин тупроқда кўпинча яшил, күк-яшил ва диатом сув үтларининг қўйидаги вакиллари учрайди.


A. Chlorophyceae (яшил сув үтлари)

Бу группага бир ҳужайралы ва кўп ҳужайралы сув үтлари киради. Булар хаммасининг ҳужайралари яшил рангга бўялған бўлиб, ичида хлорофилл доначали алоҳида хроматофори бор.

I. *Chlamydomonadinaeae оиласи.* Хламидомонада (*Chlamydomonas*) бу оиланинг типик вакилидир. У бир ҳужайрали ҳаракатчан форма бўлиб, жинсиз йўл билан кўпаяди (76- расм).

Кўпайиш вақтида ҳужайралари хивчинларини йўқотади ва протопласти бир неча (2 тадан 8 тагача) қисмга бўлинади. Ҳар қайси қисм қайтадан пўст ва иккитадан хивчин ҳосил қилиб, зооспорага айланади. Шу зооспора янги ҳужайра ҳосил қиласи. Булар жинсиз кўпайиши билан бирга жинсий йўл билан ҳам кўпаяди. Хламидомонадалар нам тупроқли ерларда кўплаб ривожланиб, яшил тус ҳосил қиласи. Баҳорда улар, айниқса, кўплаб ривожланади.

II. *Pleurococcaceae оиласи.* Бу оиланинг вакили — *Pleurococcus* нам ёғочларнинг турли қолдиқларида, дараҳтлар танасининг пастки қисмида тарқалган. Ўзаро перпендикуляр учта текисликда бўлинниб кўпайувчи, пластинкасимон хроматофорли (77-расм), бир ядроли юмалоқ ҳужайрандан иборат.



76- расм. *Chlamydomonas*:
1 — вегетатив кўпая оладиган индивиду; 2 — тўртта ҳужайрага бўлинниб кўпайиши




77- расм. *Pleurococcus*.
Булингандан кейинги ҳужайралари


III. *Ulothrichaceae оиласи.* Бу оиланинг вакили — *Ulothrix* (78- расм) ипсимон шаклда бўлиб, махсус ризоидлари ёрдамида субстратга ёпишиб туради. Ҳужайраларида ядро, пластинкасимон хроматофор бўлиб, кўпинча усти қалин пўст билан ўралган. *Ulothrix* ҳаракатчан зооспоралар билан кўпаяди. Зооспоралари субстратга ёпишиб ўсади ва янги иш ҳосил қиласи. Бу сув ўти нам тупроқ юзасида жуда кўплаб ўсади.

IV. *Chaetophoraceae оиласи.* *Stigeoclonicum* бу оиланинг типик вакили ҳисобланади (79- расм). У айниқса салқин жойдаги суви қуриб қолган зах тупроқда кўп ривожланади. Ҳужайраларининг тузилишига ва кўпайиш усулига кўра *Ulothrix* га жуда ўхшайди.

Турли хивчинли сув ўтларининг вакилларидан бири бўлган *Botrydium* ҳам худди шундай шароитда жуда кўплаб ривожланиши кузатилган (80- расм). Унинг танаси ер усти (яшил пуфакча) қисмга ва тупроққа кирган рангизиз ризоидларга бўлинса ҳам, бироқ хлорофил доначалари ва ядроси кўп бўлган битта ҳужайрадан иборат. Агар *Botrydium* ёмғирда қолса, яшил пуфакчасидан зооспоралар ҳосил бўлади. Бу зооспоралар кўлмакнинг четига тупланади ва улардан оддий сув ўти етилади. Ҳаво қуруқ




78-расм. *Ulothrix tenuissima*. Ипининг бир қисми ўртacha катталаштириб курсатилган



79-расм. *Stigeoclonium*. Зооспоралари ташқарига чиққан ипининг бир қисми



80-расм. *Botrydium*. Ризоидли яшил пулакчаси (бир оз катталаштириб курсатилган)



81-расм. *Nostoc commune* (ўртacha катталаштириб курсатилган)

келганды аксинча ҳолатни күриш мүмкүн: сув ўтигининг ер усти қисми массаси ризоидларга оқиб тушады ва қурғоқчиликка жуда чидамли бир қанча цистага бўлинниб кетади. Тупроқ намланганда цисталар қайтадан оддий ҳужайраларга айланади.


B. Cyanophyceae (кўк-яшил сув ўтлари)

Бу организмлар ҳам тупроқда кенг тарқалган. Улар, айниқса, сернам жойларда кўп учрайди. Баъзан баҳорда бу сув ўтлари ҳаддан ташкари кўпайиб кетганигидан, ер кўк-яшил ғубор билан сезиларни дараражада қопланади. *Nostoc* (81-расм) чигал иплар билан тўлган йирик шарсимон колония ҳосил қиласди. *Anabaena* ҳам ипсимон шаклда, лекин унинг иплари алоҳида-алоҳида бўлиб, уларда вегетатив ҳужайралар билан бирга споралар ҳам бор (82-расм). Споралар оддий вегетатив ҳужайралардан ривожланади, яъни вегетатив ҳужайралар катталашади, запас молдалар билан тўлади ва қалин пўст билан ўралиб, спорага айланади. Споралар қуруқлиника жуда чидамли. Қулий шароитга тушганда улар ўсади ва янгидан сув ўтигининг типик ипни ҳосил қиласди. Сув ўтларининг айримлари (*Nostoc muscorum* ва бошқалар) атмосфера азотини ўзлаштириб, ерни боғланган азотга бойтади.

B. Diatomeae (диатом сув ўтлари)


Бу сув ўтларининг вакиллари ҳам тупроқда кўп учрайди. Булар икки палла (чаноқ)дан иборат косачасининг борлиги билан бошқа сув ўтларидан кескин фарқ қиласди. Уларда қўнғир пигментлар (диатомин) кўплигидан хроматофори қўнғир рангга бўялган бўлади. Диатом сув ўтлари оддий бўлинниш ёки зооспоралар ҳосил қилиш йўли билади купаяди. Жинсий купайганда иккита ҳужайраси бир-бири билан қўшилади. *Pinnularia* ва *Navicula* бу синф сув ўтларининг типик вакили ҳисобланади (83-расм). Ҳужайралари бўлинаётганда паллалар сурилади, хроматофорлар паллалар томонга жойлашади, ядро ва протопласти икки қисмга бўлинниб, иккита янги ҳужайра ҳосил қиласди. Ҳар бир қиз ҳужайрада битта ядро, битта хроматофор ва она ҳужайранинг битта палласи бўлади. Иккинчи паллани эса бўлинниб бўлгандан кейин қиз ҳужайраларнинг ўзи ҳосил қиласди. Кейинчалик хроматофор иккига бўлинниб, нормал шаклга киради. Янгидан ҳосил бўладиган палла ҳамма вақт она ҳужайра палласи бўлиб қолаверади, шунинг учун кетма-кет бўлинниш натижасида ҳужайралар майдалашади кетиши мүмкун. Улар жинсий процесс натижасида қумтупроқли пўсти бўлмайдиган а укос споралар ҳосил қилиш билан дастлабки формасини тиклайди.

Ёрда яшовчи сув ўтларининг ҳар қандай типи ҳам тупроқда нам кўп бўлишини талаб қиласди, шунинг учун уларнинг ривожланиши сезиларни ўзгариб туради. Об-ҳаво нам бўлганда бу организмларнинг жуда кўпайиб кетишини, қурғоқчилик бўлганда эса улар деярли бутунлай йўқолиб кетишини ёки тиним ҳолатга ўтишини кўриш мүмкун. Бу сув ўтларининг кўп вакилларнида, ҳатто, қурғоқчиликка чидашнинг алоҳида усуllibарни пайдо бўлган. Масалан, *Bctrydium* пинг протоплазмаси ризоидларга оқиб тушиб, чидамли цисталарга айланади; бошқа яшил сув ўтларининг эса танаси қурғоқчиликка жуда чидамли бўлган қалин пўстли ҳужайраларга бўлинади.



82-расм. *Anabaena*:
h — гетероцистаси; sp — спораси; чапда — спораларининг
етилиши

Ҳаракатчан диатом сув ўтлари тупроқнинг юқори қисми қуриб қолганда ернинг бирмунча чуқур ва нам қаватларига ўтиб кетади. Бундан ташқари, кўпчилик тупроқ сув ўтларининг протопласти қурғоқчиликка жуда чидамли бўлиб, тупроқ қуруқ ҳолда (лабораторияда) ҳатто ўн йиллаб сақланса ҳам ҳаётчанлигини йўқотмайди. Бундай физиологик мослашув яшашиб шароити яхшиланиши биланоқ уларнинг кўплаб ривожланишига имкон беради.



83- расм. *Navicula* (ҳар хил тури)—тупроқ диатом сув ўтлари (1000 мартага яқин катталаштириб кўрсатилган)

Тупроқда борадиган биохимиявий процессларда сув ўтларининг аҳамияти жуда муҳимдир. Аввало улар тупроқни фотосинтез процессида карбонат ангидридни ўзлаштириш натижасида синтез қиласидан органик бирикма билан тўлдиради. Улар ногуд бўлгандан кейин қоладиган хужайранинг органик моддалари анча тез парчаланади ва бошқа тупроқ микроорганизмлари, жумладан азот тўпловчи бактерияларнинг шиддатли ривожланишига сабаб бўлади. Сув ўтлари фотосинтез процессида ерни фақат органик модда билан эмас, балки кислород билан ҳам бойитади. Кислород тупроқда аэроб микроорганизмларнинг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга ва бу микроорганизмлар, ўз навбатида, табиатда органогенлар (водород, углерод, кислород, азот) нинг анча тез айланишига имкон беради. Бундан ташқари, сув ўтлари азотли бирикмаларнинг ўзгаришида актив иштирок этиади. Улар ернинг юза қаватларида ривожланиб, осон ўзлаштириладиган азотли бирикмалардан фойдалацади ва уларни ўз танасининг органик бирикмасига айлантириб, ювилиб кетмайдиган, лекин ўсимликлар вақтинча ўзлаштира олмайдиган азотга айлантиради.


Кўк-яшил сув ўтларининг айримлари атмосферадан молекуляр ҳолдаги азотни ўзлаштириб, тупроқни боғланган азот билан бойитади. Улар томонидан ўзлаштирилган азот унча куп булмаса ҳам, бироқ тупроқдаги боғланган азот бирикмалари балансида маълум аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси тупроқдаги биохимиявий процессларда сув ўтлари мухим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади ва тупроқ биодинамикасини урганишда улар ҳисобга олиниши зарур.

3. ТУПРОҚ PROTOZOA ЛАРИ

Сув ўтларидан ташқари, тупроқда *Protozoa* деган умумий ном билан аталадиган энг содда ҳайвон организмларнинг вакиллари ҳам кенг тарқалган. Улар тупроқда топилганига анча вақт бўлган, лекин циста стадиясига осонгина ўтиши туфайли уларнинг роли жуда чегаралангандек эди. Фақат бир қанча тажриба муассасаларида олиб борилган кўп тадқиқотлар бу организмларнинг тупроқ процессларидағи маълум ролини кўрсатиб берди.

Бу микроскопик организмларнинг тупроқда учта асосий группаси бор.

1. *Rhizopoda* (илдизоёқлар) группаси. Бу групнинг типик вакили амёба ҳисобланади. У псевдоподийлари ёки соxта ёёқлари ёрдамида ҳаракатланади. Ўнинг пусти бўлмайди, шунинг учун псевдоподийлар танасининг исталган жойида осон ҳосил бўлади Илдизоёқлар кўпинча чирётган бағри қоплаган шишимзида ҳамда нам тупроқда ва лойқаларда учрайди. Амёбанинг илдиз ёёқлари ялангоч бўлиб, у ўз шаклини ўзгартира олади. *Negleria* гоҳ йирик псевдоподийлар амёба кўринишида, гоҳ икки хивчинли шаклда учрайди (84- расм). У бактериялар жуда кўп бўлган ифлос сувларда яшайди ва фақат амёба стадиясида кўпаяди.



84-расм. *Negleria gruberi* (турли ривожланиш стадиясида):


A, B, C – амёба стадияси; *D* – икки хивчинли стадияси

2. *Flagellata* (хивчинли инфузориялар) группаси. Энг содда ҳайвонларнинг бу вакиллари ташқи томондан пишиқ плазма пуст билан қопланган бўлиб, битта ёки бир нечта хивчинлари бор. Инфузория сувда ана шу хивчинлари ёрдамида ҳаракатланади. Уларнинг баъзилари яшил, бошкалари рангизсиз бўлади; фақат органик моддалар кўп бўлган сувда ривожланади.

Хивчинли инфузорияларнинг кўпи алоҳида ҳужайралар шаклида яшайди, лекин уларнинг ичидаги шилимшиқ билан боғланган унча катта бўлмаган колония ҳосил қиливчи организмлар ҳам учрайди.

Улар ҳужайрасининг узунасига бўлиниши йўли билан кўпаяди. Ноқулай шароитда қалин пўстли цисталар (85-расм) ёки тиним даврига кирган ҳужайралар (споралар) ҳосил қилиши мумкин, бу ҳужайралар қайтадан ўсиб, дастлабки шаклини эгаллади. Энг содда организмлар мазкур синфининг вакили 86-расмда ифодаланган. Бу *Bodo ovatus* эркян яшовчи форма бўлиб, кўпинча ифлос сувларда ёки нам тупроқларда учрайди.

3. *Ciliata* (киприкчали инфузориялар). Булар танасининг сиртида жуда кўп хивчинлари бор. Улар фақат оғиз тешиги орқали озиқлашади. Оғиз тешигидан кейин содда қизилунг ва орқа чиқарув тешиги жойлашган. Баъзи киприкчали инфузорияларнинг пўстида майдага таначалар (трихиоцисталар) жойлашган бўлиб, ҳайвон таъсирланганда улардан



85-расм. Flagellata. Цисталари




86-расм. *Bodo ovatus* (жуда катташтириб курсатилган)

ингичка ип отилиб чиқади. Протоплазманинг массаси донадор, ярим суюқ, доимо айланма ҳаракатда бўлади. Протоплазмада озиқ булакчалари бор озиқ вакуоласи ҳамда ядро аппарати учрайди.

Киприкчали инфузориялар чучук ва денгиз сувларida ҳамда сернам тупроқларда яшайди. Сувда улар ё сузиб юради, ё алоҳида поячаларда ўтроқ ҳаёт кечиради. Улар майдага бактерияларни оғиз олди киприкчалари ёрдамида оғзига киритиб овқатланади. Ноқулай шароитда улар циста ҳосил қилиши мумкин; бўлининг ёки жинсий йўл билан кўпайди.

Парамеция (туфелька) 20° температурада 24 соат ичидаги икки марта бўлиниши ва тўртта янги индивид бериши мумкин. Кўпинча кўндаланг ва камдан-кам ҳолда узунасига бўлинади.

Paramaecium (туфелька, 87-расм) ва *Colpoda* (тeng киприкчали инфу-




87-расм. *Paramaecium*

зориялар), шунингдек, *Balantidium*, *Pleurothrixha* ва *Ganosfomum* (турли киприкчали инфузориялар, 88-расм) инфузориялар мазкур группасининг типик вакилларидир.

Protozoa нинг ҳар хил турлари тупроқда кенг тарқалган ва кўпайтириш усули билан ҳисоблаб кўрилганда, гўнг солинган ерда жуда кўп, 1 г тупроқда тахминан 100 минг — 1 миллион дона ҳужайра топилади (Николюк).

Ташқи мұхиттің күп факторлары *Protozoa* ларнинг ҳаёт фаолиятiga жуда қаттық таъсир қиласы. Бунга аэрация шароити, органик моддаларнинг миқдори, температура ва pH киради. Намлиқ етишмаса ва температура паст бұлса, күпчилік *Protozoa* лар цистага айланиб, деярли активлашмайды. Цисталық стадиясыда улар тупроқдаги процессларда жуда кам роль үйнайды.



88-расм. Киприкчали инфузорияларнинг вакиллари:

1 — *Colpoda steinii*; 2 — *Balantioforus elongatus*; 3 — *Pleurotricha grandis*; 4 — *Ganostomum affine*; 5 — *Vorticella microstoma*

Энг содда ҳайвонлар тупроқда кечадиган процессларда түрли-туман аҳамияттаға эга бўлиб, биринчи навбатда, улар бактериялар билан овқатланиб уларни йўқ қиласы. Бу ҳолат баъзи тадқиқотчиларни, энг содда ҳайвонларнинг тупроқда бўлиши ернинг ҳосилдорлигига заарли таъсир қилиши мумкин, деган холосага олиб келди. Шунинг учун ҳам улар доим маҳсус стериллашни таклиф қиласидар, бунда энг содда ҳайвонлар кўплаб нобуд бўлади. Бошқа тадқиқотчилар эса тупроқдаги бактериялар сони энг содда ҳайвонлар жуда күп бўлганда ҳам камаймаслигига асосланиб, бактерияларнинг ўзгариб турувчи шароитда кўплаб нобуд бўлиши, уларнинг кейинги йил кўпайиши учун асос яратади ва энг содда ҳайвонлар еб йўқотган ўрни тулади, деб тахмин қиласидар. Лекин бу масала узил-кесил ҳал бўлмаган бўлса-да, бироқ мазкур микроорганизмлар мұхим роль үйнашига шакшубҳа йўқ. Энг содда ҳайвонлар бактериялар билан овқатланиб, уларни физиологик актив ҳолатда сақлаб туради ва шу билан бирга уларнинг органик қолдиқларни тез минераллаштиришига ижобий таъсир кўрсатади.

ФЕРМЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ МИКРООРГАНИЗМЛАР ҲАЁТ ФАОЛИЯТИДАГИ АҲАМИЯТИ

1. ФЕРМЕНТЛАРНИНГ ХИМИЯВИЙ ТАБИАТИ

Турли хил ферментлар микроорганизмлар ҳаёт фаолиятида жуда катта аҳамиятга эга. Улар таъсирининг характеристига кура органик катализаторга ўхшайди. Ферментатив реакцияларда бошланғич таъсир (фермент) ҳам тегишли реакцияни тезлашибиди. Лекин ўзи ҳосил бўлаётган маҳсулотлар таркибига эквивалент миқдорда кирмайди ва реакцияда сезиларли даражада сарфланмайди ҳамда дастлабки хусусиятини йўқотмайди. Ферментлар барча организмлар ҳаёт фаолиятида муҳим роль ўйнаганлиги сабабли улар анча вақтдан бери текшириб келинади, лекин фақат кейинги ўн йилликдагина бир қанча маълумотлар тўпландики, булар асосида мазкур бирикмаларнинг химиявий табиати етарлича тўлиқ аниқланди. Бу имконият бир қанча ферментларни соф кристалл ҳолда олиш билан боғлиқ бўлган. 1926 йилда Сёмнер биринчи марта кристалл уреазанинг актив препаратини топди ва бу фермент оқсил модда эканлигини исботлади.

Кейинчалик пепсин, трипсин ва бошқа бир қанча гидролитик ферментларнинг кристалл ҳолдаги препаратлари топилди. Буларнинг ҳаммаси ҳам кристалл ҳолдаги оқсил эканлиги аниқланди. Ана шуларга асосланиб, ферментлар — бу оқсил моддалардир, деган фикр тасдиқлана бошлаган. Бироқ кейинги бирмунча мұфассал текширишлар ферментлар қаторида оқсилдан ташқары иккинчи компонент ҳам бўлишини кўрсатди. Масалан, кўпчилик бактерияларнинг ҳужайрасидан водородни активлаштиришда иштирок этувчи ва сариқ нафас олиш ферменти деб аталган фермент ажратиб олинган. Бу ферментнинг химиявий табиати ўрганилганда дастлаб, унинг таркибиға флавин, фосфат кислота ва пентоза кириши аниқланган. Бу маълумотлар асосида флавинни химиявий ўйл билан бевосита фосфорлаб, сариқ нафас олиш ферментига ўхшаш, лекин каталитик хусусиятларга эга бўлмаган модда олинди. Бунда рибофлавин каталитик хусусият ҳосил қилиши учун яна битта компонент талаб қиласди, чунки турушлардан ажратиб олинган фермент препаратида рибофлавин билан бирга оқсил ҳам учрайди, деган гумон пайдо бўлди. Натижада сариқ нафас олиш ферменти иккى компонентдан иборат эканлигини исботлашга мувоффақ бўлинди. Бундай тартиб бошқа бир қанча ферментлар учун ҳам хослиги аниқланган. Актив ёки простирик группа деб аталган биринчи компонент сифатида флавин (сариқ нафас олиш ферментида) ёки темир-порфи-

рин (гемин ферментида), ёки пиридин (козимазада), ёки аденин (фосфор ташувчи ферментда), ёки тиамин (карбоксилазада) ва бошқа баъзи бирикмалар иштирок этиши мумкин. Коллоид ташувчи деб аталадиган иккинчи компонент сифатида ҳамма вақт специфик оқсиллар иштирок этади.

Ана шунга асосланаб, ҳамма ферментлар ҳозир иккита асосий ва оқсил типидаги коллоид ташувчи бўлган ферментлар — протеинларга ва 2) таркибида алоҳида простетик группа ва оқсил типидаги коллоид ташувчи бўлган ферментлар — протеидларга бўлинади.


Биринчи группада ферментларнинг группачаси ҳам бўлиб, уларнинг активлиги оқсил таркибида бирор металл атомининг борлигига боғлиқ. Иккинчи группа эса албатта иккি компонентли бўлади. Шу билан бирга, бу компонентларнинг ҳар қайси қандай функцияни бажаради, деган табиий савол туғилади. Жуда кўп тадқиқотчилар актив ёки простетик группа фермент реакцияларида бевосита иштирок этишини кўрсатиб ўтдилар. Ҳар бир актив группада одатда оксидланган ҳолатдан қайтарилиган ҳолатга осонгина ўта оладиган оддий алоҳида актив группачалар мавжудdir. Геминларда темир атоми ана шундай группача ҳисобланади. Темир атоми қайтарилиб «ферро ⇌ ферри» ҳолатига ўтишда молекуляр кислороднинг активлашишига асосланади. Дегидрогеназаларнинг (дегидразаларнинг) активлиги ҳам «пиридин ⇌ дигидропиридин»га ёки «флавин ⇌ дегидрофлавин»га қайталаб ўтишига асосланган. Бундай узгаришда водород, кислород атомлари ёки электронлар алмасиниб туради.

Флавин, пиридин, аденин ва тиаминлар нуклеотид шаклида гина тегишли ферментларда актив группа була олади. Бу заруритнинг бўлишига сабаб шуки, оқсил билан актив группа ўртасида диссоциланмайдиган бирикмалар фақат шундай формадагина ҳосил бўлиши мумкин. Бироқ ҳатто нуклеотид шаклида олинган простетик группа ҳам тегишли ферментли реакцияни мустақил ҳосил қила олмайди. Унинг бир ўзи кам активdir, чунки простетик группанинг оксидланиш-қайтарилиш потенциали оксидловчи субстратнинг дегидрогенланиши учун етарли булмайди. Қуйидаги маълумотларга асосланаб, бунга ишониш осон. Флавин-нуклеотиднинг оксидланиш-қайтарилиш потенциали $E_h = -230 \text{ mV}$ га teng. Сут кислотанинг оксидланиш потенциали ана шундай юқори бўлса, уни дегидрогенлаш мумкин бўлмас эди, чунки «сут кислота ⇌ пироузум кислота» системасининг оксидланиш-қайтарилиш потенциали $E_1 = -160 \text{ mV}$ га teng. Флавин-нуклеотид ўзининг коллоид ташувчиси — оқсил билан бириккандагина унинг оксидланиш потенциали $E_h = -60 \text{ mV}$ гача кутарилади ва сут кислотанинг дегидрогенланиши тамомила мумкин бўлиб қолади. Бундан шундай хулоса чиқариш керакки, актив группа каталитик функцияни бажарши

учун коллоид ташувчи сифатидаги оқсил билан бирикиши керак.

Бундай ҳолатда коллоид ташувчи қандай функцияларни ба жаради? Кейинги текширишлар шуни күрсатдикі, актив груп панинг коллоид ташувчи билан бирикиши, биринчидан, ферменттінг реактив қобилиятини оширади, иккінчидан, таъсири нинг спецификалини аниқлашга ёрдам беради. Маълумки, простетик группа специфік эмас, оқсил ташувчи эса жуда специфік, чунки у фақат ўзининг простетик группасы билангина эмас, балки реакциянинг специфік иштирокчиси ёки «шериги» билан ҳам бирикіб, уларни яқынлаштиради ва улар орасидаги реакцияни осон амалга ошадиган ҳолатта келтиради.


Ниҳоят, коллоид ташувчи оксидланыш-қайтарилиш потенциалининг даражасини белгилайди, бинобарин, фермент реакциялари иккі қарама-қарши йұналишда ҳам бориши мүмкін экан. Бунинг ақамиятини, масалан, дегидрогеназалар ҳосил қыладыған ферментли реакциянинг бориши мисолида осон тушунтириш мүмкін:



Реакциянинг биринчи фазасыда фермент оксидловчи функциясини бажаради. У оксидланыёттан моддадан водородни тортиб олади. Реакциянинг иккінчи фазасыда эса у қайтару вч и функциясини бажаради ва тегишли акцепторни қайтаради. Фермент ана шу иккита қарама-қарши функцияни оксидланыш-қайтарилиш потенциалининг даражасы бир хил бұлған шароитта бажара олмайды. Биринчи ҳолатда фермент оксидлаш потенциалининг даражаси иккінчи ҳолатдагы нисбатан анча юқори бұлиши керак. Бу потенциалнинг даражаси эса коллоид ташувчига боғлиқ. Шунинг учун эътироф этиш керакки, бир ферменттінг ўзи реакциянинг турли фазаларыда ҳар хил оксидланыш-қайтарилиш потенциалига, демек, турли хил коллоид ташувчига ҳам ега бұлиши керак.


2. ФЕРМЕНТЛАРНИНГ ТАЪСИР ЭТИШ МЕХАНИЗМИ

Ферментлар таъсирининг активлаштирувчи механизми жуда узоқ вақтгача номағым бұлған, ҳозир ҳам бу процессларнинг бориши ҳақидаги тушунчамыз анча чегараланған. Faқат бир нараса шубхасыздыр: турли ферментларнинг каталитик таъсир этиш механизми, эхтимол, ҳар хилдир, чунки у актив груп панинг химиявий табиатига, айниқса, унинг актив группасындағы боғлиқ. Карбогидразалар қатори учун бу механизмни қуиддеги умумий схема күринишида бериш мүмкін:



Бу реакциянинг биринчи этапи ферментнинг гидратланышы ҳисобланиб, бу процесс альдегид группанинг полигидроксил группага ўтиши билан бирга боради. Бунинг кетидан ферментнинг субстрат билан ўзаротаъсири этапи бошланади. Бунда углевод тўла гидролизланади.

Эстеразаларнинг таъсири ҳам худди шундай амалга ошиди. Улар ҳам актив альдегид группа тутади ва қуйидаги схемага мувофиқ эфирларнинг парчаланишини амалга оширади:



Протеазаларнинг таъсири этиш механизми бирмунча кам ўрганилган. Бироқ бунда ҳам фермент таркибига эркин SH группа киришини аниқлаш мумкин бўлди. Бу группанинг мавжудлиги шу билан исботланади, оксидловчилар таъсирида ферментдан водороднинг иккита атоми ажратиб олинади ва у $\text{RS}-\text{SR}$ группа ҳосил қилиб инактивлашади. Агар мана шундай активмас ферментга яна водород кирилса, унинг активлик хусусияти қайтадан тикланади. Шунга асосланиб, SH группа оқсилнинг парчаланишида бевосита иштирок этади, деб ҳисоблаш керак эди. Бироқ бундай имкониятни исботловчи аниқ маълумотлар ҳозирчалик йўқ. Протеолитик ферментлар жуда специфик бўлганлигидан бундай маълумотлар олиш ҳам қийин.

Водород, кислород ёки фосфор алмасинишида иштирок этувчи икки компонентли ферментларнинг таъсири этиш механизми анча яхши ўрганилган. Водородни сарфловчи ферментлар (дегидрогеназалар) учун уни реакцияларнинг қуйидаги цикли шаклида кўрсатиш мумкин¹.


¹ Шартли белгили пиридин асосида муайян ферментда простетик грунпалар функциясини бажарувчи пиридин-нуклеотид тушунилади. Протеин₁ ва протеин₂ — бу оксидланиш-қайтарилиш потенциали турлича булган иккита коллоид ташувчидир.

- $R - H_2 + [(пиридин) - \text{протеин}_1] \rightarrow R + [(пиридин} - H_2) - \text{протеин}_1]$.
 - $[(\text{Пиридин} - H_2) - \text{протеин}_1] \rightarrow (\text{пиридин} - H_2) + \text{протеин}_1$.
 - $(\text{Пиридин} - H_2) + \text{протеин}_2 \rightarrow [(\text{пиридин} - H_2) - \text{протеин}_2]$.
 - $[(\text{Пиридин} - H_2) - \text{протеин}_2] + \text{акцептор} \rightarrow [(\text{пиридин} - H_2) - \text{протеин}_2] + \text{акцептор} - H_2$.
 - $[(\text{Пиридин}) - \text{протеин}_2] \rightarrow (\text{пиридин}) + \text{протеин}_2$.
 - $(\text{Пиридин}) + \text{протеин}_2 \rightarrow [(\text{пиридин}) - \text{протеин}_1]$.


Кетма-кет бұладиган оралиқ реакциялар натижасыда сидланувчи субстратнинг водороди тегишили акцепторға рилади ва уни тиклайды, фермент эса қайтадан оксидланған латга үтади ҳамда бу процессни қайтадан яна тақрорлаши мүмкін.

Процессинг оралық босқычларда ферменттинг группа (пиридин — нуклеотид) дастлаб оксидланыш потенциали нисбетан юқори бұлған биринчи фермент оқсил билан бирикади субстратни дегидрогенлайди (1). Простетик группа водород билан бирикиб, оксидланыш потенциали юқори бұлған оқсил билан үхашашлик хусусиятини йүқтади ва ундан эркін ҳолда ажралиб чиқади (2). Шундан кейин у оксидланыш потенциали паст бұлған иккінчи фермент оқсил билан бирикади (3) ва оксидланған субстратдан ажралиб чиқсан водородни акцепторга беради (4). Бу реакцияда простетик группа дастлабки ҳолига қайтади, иккінчи фермент оқсил билан алоқасини йүқтади (5) ва қайтадан биринчи фермент оқсил билан бирикади (6). Натижада фермент ҳам дастлабки ҳолатта келади ва реакцияларнинг ҳамма цикли қайтадан тақрорланиши мумкин.

Пиридин типдаги дегидрогеназалар характерли хусусияти билан фарқ қиласы. Улар үзидаги водородни молекуляр кислородга бера олмайды. Уларнинг функцияси маълум субстратни дегидрогенлаш ва үзидаги водородни иккиламчи дегидрогеназаларга беришдан иборат, булар эса бир қанча оралик звенолар орқали уни активлашган кислородга беради.



Хан...



Рибофлавиннинг қайтарилиган формаси

зо деб

бүл-
зир-

ил
ар
ир
у

Бирламчи дегидрогеназалар ўз функциясини оксидланиш-қайтарилиш потенциали нисбатан паст ($Eh = -350 \text{ mv}$ га яқин бўлган) шароитда бажаради, бу вақтда иккиламчи дегидрогеназаларнинг оксидланиш потенциали $Eh = -100 \text{ mv}$ га тенг бўлади. Иккиламчи дегидрогеназаларнинг актив группаси рибофлавиндан иборат бўлиб, юқорида кўрсатилган схемага мувофиқ у оксидланган шаклдан қайтарилиган шаклга ўтиши мумкин.

Флавин дегидрогеназалар икки типда бўлади: биринчи типининг простетик группаси рибофлавиндан, иккинчисиники эса аденинфлавиндинуклеотиддан иборат. Бу дегидрогеназаларнинг иккинчи группаси биринчисидан шу билан фарқ қиласади, бунда унинг қайтарилиган простетик группаси ички томондан молекуляр кислород билан оксидланиши мумкин, бу вақтда қайтарилиган флавинмононуклеотид молекуляр кислород билан оксидланмайди.

Флавин дегидрогеназалар группасидан: 1) қайтарилиган кодегидраза II (трифосфориридин-нуклеотид) нинг дегидрогенланишини тезлатувчи «сарика нафас олиш ферменти»; 2) цитохром С ни бевосита қайтарувчи цитохромредуктаза ва 3) қайтарилиган кодегидраза I (дифосфориридин-нуклеотид) нинг дегидрогенланишини тезлатувчи дифораза ферментлари энг яхши ўрганилган. Бу дегидрогеназаларнинг ҳаммаси турли микроорганизмлар таркибида доим учрайди ва оксидланиш процесслирида актив иштирок этади. Кислород билан нормал нафас олишнинг бир қисми цианидларга чидамли бўлиб қолганилигидан, оксидланиш реакцияларида ана шу дегидрогеназалар билан бирга бошқа ёрдамчи водород ташувчилар ҳам иштирок этади, деб тахмин қилиш керак. Улар тегишли дегидрогеназалардан водородни қабул қилиб олиб, кейин ички томондан молекуляр кислород билан оксидланса керак. Бу хилдаги оралиқ ташувчиларга, эҳтимол, цитохром В ни киритиш мумкин. У секин бўлса ҳам, молекуляр кислород билан реакцияга киришади.

Дегидрогеназаларнинг каталитик активлиги жуда юқори, шуки, улар жуда қисқа вақт ичida қайтарилиши ва мумкин. Масалан, алкогольдегидраза ва

триозофосфатдегидраза 20° температурда бир минутда ана шундай процесси 20 минг мартага яқин тақрорлайди. Бу ана шундай ферментнинг бир моли бир минутда тегишли субстратнинг 20 минг молини ўзgartириши мумкинлигини күрсатади. Ферментлар ҳужайра протоплазмасида жуда оз миқдорда бўлса ҳам, кенг кўламда тез бўладиган химиявий ўзгаришлар ҳосил қилишини ҳам ана шу активлик билан тушунириш мумкин.

Ниҳоят, яна бир муҳим фактни келтириш мумкин. Дегидрогеназалар ва оксидазалар протоплазма структураси билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун улар эндоферментлар группасига киритилади. Гидролитик ферментлар эса одатда протоплазма структураси билан боғланмаган бўлиб, ҳужайрадан ташқарига осон ажralиб чиқади, шунинг учун булар эктоферментлар группасига киради.

Микробиологияга оид адабиётда, айниқса чет эл адабиётида, ферментлар кўпинча қўйидаги икки группага бўлинади.

1. Конститутив ферментлар. Булар микроблар ривожланаётган муҳитда ферментлар таъсири этадиган специфик моддалар бор-йўқлигидан қатъи назар плазмада учрайдиган ферментлардир.

2. Адаптив ферментлар. Микроблар муайян ферментлар парчаланган маълум моддалар иштироқида ривожланаётгандагина улар плазмасидан топиладиган ферментлардир.

Ферментларнинг юқоридаги тартибда бўлинишини жуда аниқ деб бўлмайди. Микробларнинг барча ферментлари ҳужайрада ташқи муҳит таъсирида пайдо бўлган, мана шу маънода ҳам улар адаптивдир. Шу вақтнинг ўзида улар конститутив ҳамдир, чунки уларнинг иши ирсий мустаҳкамланган белги ҳисобланади. Бироқ бу белгининг наслдан-наслга мустаҳкамланиб бориш даражаси турлича, айримларида кучли ёки турғун, бошқаларида эса бўш бўлади.

3. ФЕРМЕНТЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Ферментларнинг характерли хусусияти улар таъсирининг специфилигидир. Крахмал фақат диастаза иштироқида қандга айланади, целлюлоза фақат целлюлаза таъсирида гидролизланади. Турли хил дисахаридлар (мальтозалар, сахарозалар) ҳам турли ферментлар таъсирида гидролизланади.

Ферментларнинг классификацияси ва номенклатураси уларнинг специфилигига мувофиқ тузилади. Ҳаммага маъқул бўлган номенклатурага кўра, гидролитик ферментларнинг номи улар парчалаган моддаларнинг номига «аза» қўшимчаси қўшиб айтилади. Масалан, крахмални гидролизловчи фермент амилаза (*amylum* — крахмал сўзидан олинган), мальтозани гидролизловчи фермент мальтаза деб аталади ва ҳоказо.Faқат органик моддаларни кучли парчаловчи ферментларга уларнинг таъсири

характерига кура, дегидрогеназалар, оксидазалар ва ҳоказо дебном берилади.

Микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти учун энг муҳим бўйган ферментларнинг асосий группалари қўйида қисқача тасвирланади.


A. Гидролазалар

Бу группага полисахаридлар, дисахаридлар, ёғлар ва оқсил моддаларни гидролизловчи ферментлар киради. Гидролазалар химиявий табиатига кура, асосан, бир компонентли ферментлар бўлиб, диссоциловчи алоҳида простетик группа тутмайди. Бу ферментларнинг молекуласи фермент активлигига эга бўлган специфик оқсил молекуласидир. Бу ферментларнинг баъзилари соф кристалл ҳолда олинган ва уларнинг оқсиллик табиати тўла аникланган. Уларнинг фермент активлиги оқсил молекуласидирнинг алоҳида структурасига боғлиқ. Бу молекуланинг ён занжирларида одатда актив группалар (OH , SH , CHO ва бошқалар) бўлиб, тегишли модданинг гидролизи ана шулар ёрдамида амалга ошади.

Гидролазалардан биз қўйидаги ферментларни кўриб чиқамиз.

1. **Дисахаридларни гидролизлаб, гексозалар ҳосил қилувчи ферментлар.** Булар монозалардан дисахаридларни синтез қила олиши мумкин.

Гидролиз реакцияси қўйидаги тенгламага мувофиқ боради:



Ҳар бир дисахарид ажралади ва алоҳида фермент ёрдамида тупланади. Булардан баъзиларини кўрсатиб ўтамиз:


сахараза (инвертаза) шакарқамиш шакарини глюкоза ва фруктозага парчалайди;

мальтаза мальтозани икки молекула глюкозага ажратади;

лактаза сут шакарини глюкоза ва галактозага гидролизлайди;

целлобиаза целлобиозани икки молекула глюкозага парчалайди.

2. **Полисахаридлар (крахмал, клетчатка ва бу группанинг бошқа бирикмалари) ўзгаришига ёрдам берувчи ферментлар.** Муайян бирикмалар гидролизланганда дисахаридлар ёки моносахаридлар ҳосил бўлади. Мазкур процесс учун қўйидаги схематик тенгламани келтириш мумкин:




Ферментларнинг кўриб чиқилаётган группасидан қўйидагилар билан танишамиз.

Амилаза (*диастаза*) крахмални бирмунча оддий углеводларга айлантиради. Икки хил амилаза бор. α -амилаза крахмали гидролизлаб, асосан дектрин ва қисман мальтоза ҳосил қиласади; амилаза сұлакда, овқат ҳазм қилиш суюқлигіда, фалланынг униб чиқкан донида, мөғор замбуруғларыда ва бошқа микробларда учрайди. β -амилаза таъсирида крахмалдан асосан мальтоза ва қисман юқори молекулалы дектринлар ҳосил бўлади. Бу фермент дуккаклилар, фалла донида ҳамда баъзи микроблар таркибида учрайди.

Амилаза оқсилга ўхшаш бир компонентли фермент булиб, соф препарат ҳолида ажралиб чиқади.

Гемицеллюлазалар гемицеллюлозаларни гидролизлаб моносахаридларга айлантиради. Илгари, гемицеллюлазалар үсимликлардаги моддалар алмашинуvida иштирок этмайди, деб тахмин қилинган. Бироқ анча кейинги текширишлар, гемицеллюлазалар углеводларнинг ҳаракатчан формаси эканлиги тўғрисидаги хulosага олиб келди.

Целлюлаза (*цитаза*) целлюлозани гидролитик парчалаб, целлобиоза дисахаридини ҳосил қиласади. Бу дисахарид кейин тенглиши фермент таъсирида глюкозага айланади. Целлюлозалар таъсирини қўйидаги тенглама билан кўрсатиш мумкин:



3. Мураккаб эфирларни ўзгартирувчи ферментлар (эстера-залар). Эстеразаларга қўйидаги ферментлар киради.

Липаза ёғларни глицерин ва эркин ёғ кислоталарга қўйидаги тенглама бўйича парчалайди. Бунда тристеариннинг ажралиш реакцияси кўрсатилган:



Агар тристеарин эмас, балки бошқача кислота таркибли ёғлар гидролизга учраса, стеарин кислота ўрнига бошқа кислоталар ҳосил бўлади.


Пектаза (*пектин-эстераза*) полигалактурон кислота ва метил спиртнинг мураккаб эфирлари бўлган пектинли моддаларни гидролитик парчалайди. Пектазалар таъсирида метил спирт полигалактурон кислотадан ажралиб чиқади.

Фосфатазалар фосфат кислота мураккаб эфирларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган ферментлардир. Бу ферментларнинг бир хили—монофосфатазалар фосфат кислотанинг моноэфирларини, масалан, глицерофосфат, глюкозофосфат ва бошқаларни гидролизлайди. Иккинчилари—дифосфатазалар фосфат кислота-

нинг диэфирларини, масалан, диглицеринфосфат эфирларни парчалайди.

4. Амидлар ва аминокислоталарни парчаловчи ва синтезловчи ферментлар. Амидларни гидролизловчи ферментлар амидазалар деб аталади.

Бунга, масалац, мочевинани аммиак ва карбонат ангидридга куйидаги тенглама бўйича парчаловчи үреаза киради.



Бошқа амидазалар бошқача бирикмаларни парчалайды. Масалан, аспарагиназа аспарагиндан аммиак ва шунга ўхшашларни ажратади.

Аминокислоталарнинг аминогруппаси ҳам ферментлар таъсирида ажралган бўлиши мумкин. Илгари, аминокислоталарнинг парчаланишини катализацияловчи ферментлар дезаминалар деган умумий ном билан аталган эди. Мазкур процесс турли (гидролиз, окоидланиш ва шунга ухшаш) йул билан бориши мумкинлиги ва фермент комплекси таъсирига боғлиқлиги энди бизга маълум.


5. Оқсил ва полипептидларнинг гидролитик парчаланишини катализацияловчи ферментлар (протеазалар). Бу ферментлар оқсилларнинг пептид боғларини қуйидаги тенглама бўйича узади:




Протеазалар оқсилларнинг синтезланишида ҳам иштирок этади. Улар одатда оқсилнинг гидролитик парчаланишини катализацияловчи протеиназаларга ва дипептидлар ҳамда полипептидларни гидролизловчи пептидазаларга бўлинади.

Протеиназаларга ошқозоннинг шилмишиқ пардасидан ажратиб чиқадиган *pепсин*, бузоқ ширдонида буладиган шидрон ферментлари ва бошқалар киради. Кўпчилик микроорганизмларнинг протеиназалари бу ферментларга ухшайди. Бир қанча протеиназалар кристалл ҳолдаги оқсил препаратлар кўришида ажратиб олинган.

Пептидазалар таъсири ниҳоятда спецификдир. Масалан, аминопептидаза полипептидларни пептиднинг эркин аминогруппа тутган учидаги пептид боғли жойидан гидролизлайди:




Бошқа бир фермент — *карбоксипептидаза* полипептилдарда эркин карбоксил группа билан бир қаторда турған пептид боғи-ни парчалайды:



Дипептидаза ферменти пептилдарда бир вақтнинг ўзида ёнма-ён эркин аминогруппа ҳам, эркин карбоксил группа ҳам бўлган пептид боғларинигина парчалайди.

Масалан, глицил-глицин дипептидини пептидаза ферменти икки молекула гликоколга ажратади:



Б. Оксидловчи-қайтарувчи ферментлар

Мазкур группага нафас олиш процессида водород ва кислороднинг кўчишини тезлаштирувчи турли хил ферментлар киради. Ўрганилаётган группага водородни органик модданинг бир молекуласидан иккинчи молекуласига кўчирувчи дегидрогеназалар ва молекуляр кислородни активлаштирувчи ҳамда уни органик бирикмаларнинг бир молекуласидан иккинчи молекуласига кўчирувчи оксидазалар киради.

Дегидрогенизация реакцияси схема равишда қўйидагича ифодаланиши мумкин:



Водород берувчи А модда водород донатори деб, водород қабул қўлиувчи В модда эса водород акцептори деб аталади. Водород бир молекуладан иккинчисига фермент — оралиқ водород ташувчи ёрдамида кўчади.

Фақат маълум субстратларга таъсир этувчи кўпгина специфик дегидрогеназалар мавжудлиги аниқланган. Уларнинг номи оксидланган модданинг химиявий табиати билан аниқланади. Масалан, этил спиртни дегидрогенловчи фермент алкоголь дегидрогеназа, лимон кислотани дегидрогенловчи фермент эса цитрикодегидрогеназа деб аталади ва ҳоказо.

Дегидрогеназалар икки группага бўлинади.

Бирламчи (анаэроб) дегидрогеназалар субстрат билан ўзаро алоқада бўлиб, ундан водородни тортиб олади. Бироқ улар водородни ҳаво кислородига бера олмайди, уни бошқа акцепторларга (бошқа дегидрогеназаларга, хинонсимон бирикмаларга, цитохром системага ва ҳоказоларга) беради.

Дегидрогеназалар қаторининг актив группаси кофермент козима за ҳисобланади. Ўсут кислотали ва спиртли бижфишда муҳим роль ўйнайди. Козимаза бирор специфик оқсили билан бирикади ва маълум органик бирикмалардан водородни тортиб олуви дегидрогеназани ҳосил қиласди. Тикланган (қайтарилган) козимаза (дегидрокозимаза) анаэроб шароитда ўзининг водородини муайян химиявий бирикмаларга бера олади. Масалан, спиртли бижфишда бу водород сирка альдегидни этил спиртгача қайтаради, сут кислотали ачишда эса у пироузум кислотани сут кислотага айлантиради.

Иккиламчи (аэроб) дегидрогеназалар водородни бирламчи дегидрогеназалардан бошқа (полифенолоксидаза ва цитохром) системаларга ҳамда молекуляр кислородга кўчиради. Бунга, энг аввал, актив группаси таркибида рибофлавин (витамин В₂) бўлган фермент киради. Бу ферментлар *флавопротеидлар* деб аталади. Флавопротеид табиатли фермент — сариқ нафас олиш ферменти энг яхши ўрганилган.

Бирламчи ва иккиламчи дегидрогеназаларнинг ўзаро таъсирини гексозомонофосфатнинг оксидланиши мисолида кўрсатиш мумкин. Анаэроб дегидрогеназа гексозомонофосфатдан водородни тортиб олиб, уни фосфоглюкон кислотага айлантиради. Дегидрогеназа томонидан бириктирилган водород сариқ нафас олиш ферментига берилади, бу фермент кейин уни ҳаво кислородига беради. Бу мисол микроблар ҳужайрасида кечадиган биохимиявий процесслар кўп босқичли эканлигини курсатади.

Юқорида айтиб ўтилгандек, flavin ферментларнинг қайтарилилган формалари ўзидағи водородни фақат кислородга эмас, балки полифенолоксидаза ёки цитохром системага ҳам беради. Булар билан қўйида танишамиз.

Аэроб дегидрогеназалар оксидазалар деб аталади, булар учун водород акцептори бўлиб ҳаво кислородининг ўзигина хизмат қилиши мумкин. Оксидазаларга монофенолларни оксидловчи монофенолоксидазалар ҳамда дифенол ва трифенолларга таъсир этувчи полифенолоксидазалар мисол бўла олади.

Полифенолоксидаза, бир томондан, қайтарилган flavin дегидрогеназалар (ва бошқалар) ўртасида оралиқ звено бўлса, иккинчи томондан, ҳаво кислороди ролини ўйнайди. Бундай оралиқ звено шу сабабли зарурки, ҳамма дегидрогеназалар ҳам ўзи тўплаган водородни бевосита ҳаво кислородига бера олмайди.

Цитохром система оксидазаларга киради ва полифенолоксидаза бажарадиган функцияни бажариши мумкин. У облигат-анаэроб бактериялардан ташқари, ҳамма микроорганизмларда учрайди.

Цитохром система цитохромлардан ҳамда молекуляр кислородни активлаштирувчи цитохромоксидаза ферментидан иборат бўлиб, қайтарилган цитохром ана шунинг ёрдамида оксидланади.

Ўнтадан ортиқ турли хил цитохромлар борлиги аниқланган. Уларнинг ҳаммаси — протеидлардир. Протеидларнинг актив группаси гемин ҳисобланиб, у хоссалари ва тузилиши жиҳатдан қон гемоглобинининг простетик группасига яқин туради. Цитохромлар оксидланганда ва қайтарилганда улардаги темирнинг валентлиги ўзгаради, яъни оксидланганда темир (II)-оксиддан темир (III)-оксидга ўтади.


Цитохромларнинг таъсири жуда спецификдир. Улар акцептор ролини ва электрон ташиш хизматини ўтайди. Оксидланган цитохром қайтарилган дегидрогеназанинг водород атомидан электронни тортиб олади. Натижада водород атомлари H^+ ионларига айланади, цитохромдаги темир эса уч валентлидан икки валентлига ўтади. Водород атомидан тортиб олинган электрон кейин кислород атомига берилади, бунда ионлашган водород атоми кислород билан бирикиб, сув ҳосил қилиш хоссасини ортиради.

Қайтарилган цитохромлар ўз-ӯзидан молекуляр кислород билан оксидланмайди, балки актив группасида гемин тутувчи цитохромоксидаза ферменти ёрдамида оксидланади.

Пероксидаза — молекуляр кислород билан таъсирилашмайдиган оксидловчи ферментдир. Лекин водород пероксид ёки органик пероксиднинг кислородини активлаштира олади. Ҳужайрада пероксид бирикмалар баъзи оксидазаларнинг таъсири натижасида ҳосил бўлиши мумкин. Пероксидаза органик моддаларнинг (масалац, полифенолларнинг) пероксид бирикмалар билан оксидланишини осонлаштиради. Бу ферментнинг актив группаси геминдан иборат.

Турушлар таркибида цитохром пероксидазалар бўлиб, улар водород пероксид ёрдамида цитохромнинг фақат қайтарилилган формасини специфик оксидлайди.

Оксидловчи-қайтариувчи ферментлар группасига каталазани киритиш керак, бу фермент таъсирида водород пероксид сув ва молекуляр кислородга парчаланади:




Каталаза — оқсил ва таркибида гемин комплекси бўлган актив группадан иборат икки компонентли ферментдир. Специфик

хусусиятларига қараб бу фермент турли хил оқсил ташувчиларга эга бўлиши мумкин.

В. Күчирувчи ферментлар (трансферазалар)

Бу группага киругчи ферментлар бир тұда атом группаларыннан бир бирикмадан иккінчи бирикмата үтишини тезлаштиради. Масалан, аминоферазалар қайтадан аминланишни бажаради. Бу шундан иборатки, аминогруппа аминокислотадан кетокислотага молекулалараро күчади.

Аминоферазанинг таъсирини кўрсатувчи қўйидаги реакцияни мисол қилиб келтириш мумкин:




Аминоферазалар—икки компонентли ферментлар бўлиб, уларнинг актив группаси витамин В₆дан иборат.


Кайта аминланиш реакциясины совет олимлари А. Е. Браунштейн ва М. Г. Крицманлар кашф этган.

Фосфоферазалар—фосфат кислота қолдиқларининг күчишини тезлаштиради. Масалан, булар фосфат кислота қолдигининг аденоzinтрифосфатдан моносахаридга (глюкоза ёки фруктозага) күчишини тезлаштиради.

Бунда аденоzinidifosfat ва тегишли қанднинг фосфат эфири ҳосил бўлади:



Хосил бўлган глюкоза-6-фосфат кейин фосфофераза ёрдамида аденоzinтрифосфатнинг янги молекуласидан яна битта фосфат кислота қолдиfinи олиб биринкириши мумкин:



Юқоридаги реакцияларнинг биринчисини тезлаштирувчи фос-фофераза гексокиназа, иккинчисига ёрдам берувчи эса фосфогексокиназа деб аталади.

Гексокиназа ҳозирги вақтда оқсил кристали күринишида түрүшлардан олинган.

Фосфофераза нафас олиш ва бижгишда ҳосил бўладиган энг-
муҳим оралиқ маҳсулотлардан бири ҳисобланган пироузум кис-
лотани фосфорлаши ҳам мумкин.

Фосфоферазалар таъсирида фосфат кислота қолдиқларининг аденоzinтифосфатдан бирор бирикмага кўчиши моддалар


алмашинуvida, айниқса бижfiш ва нафас олиш процессларида жуда катта ахамиятга эга. Аденозинтрифосфат ва аденоzиндифосфат энергияга жуда бой бүлган макроэргик боғга эга. Бу моддалар гидролизланганда ҳар бир грамм-молекула парчаланган фосфат ҳисобига 8000—12000 кал иссиқлик ажралиб чиқади.

Фосфат кислота билан аденоzin ўртасидаги аденил кислота (аденоzin монофосфат) формасидаги боғланиш оддий типда бўлиб, бу бирикмалар, гидролизланганда ҳар бир грамм-молекула парчаланган фосфат ҳисобига 2000 кал иссиқлик ажралиб чиқади.

Фосфат группалар тегишли ферментлар таъсирида макроэргик боғли бирикмалардан (тегишли энергия билан бирга) бошқа бирикмаларга кўчади. Бунда ҳосил бўлган фосфат кислотали бирикмалар, масалан, глюкозофосфат ёки фруктозодифосфат дастлабки глюкоза ва фруктозага нисбатан моддалар алмашинуvidaғи кейинги ўзгаришларга бирмунча мойил ва қобилиятлайдир.

Урганилаётган ферментлар группасига, шунингдек, метил, сульфидриль ва бошқа химиявий группаларнинг кўчишига ёрдам берувчи ферментлар ҳамда ди- ёки полисахарид ва анорганик фосфатларнинг ўзаро таъсир этиб, глюкоза-1-фосфат ҳосил қилишини тезлаштирувчи ферментлар — фосфорилазалар ҳам киритилиши керак.


Фосфорилазалар таъсирини сахарозанинг фосфорланиш реакциясидан билиш мумкин:



Г. Изомерловчи ферментлар (изомеразалар)

Бу группага кирувчи ферментлар моддалар алмашинуvida мухим роль ўйнайдиган турли хил органик бирикмаларнинг изомерланишини тезлаштиради.

Изомеразаларнинг таъсирини бижfiшнинг оралиқ маҳсулоти ҳисобланган фосфотриозаларнинг ўзгариши мисолида кўрсатиш мумкин:




Шу группага кирувчи оксоизомераза ва фосфоглюкомутазалар нафас олиш ва бижфишнинг дастлабки стадияларида шакарлар фосфат эфирларининг узгаришини тезлаштиради.

Д. Парчаловчи ферментлар (лиазалар)


Бу группа ферментлари моддаларнинг сув ёки фосфат кислота қолдигини бириктиргасдан парчаланишини тезлаштиради. Улар сув, аммиак, карбонат ангидрид ва шунга ўхшашларни ажратиб, углерод атомлари ўртасидаги боғни узади.

Парчаловчи ферментлар группасига карбонат кислотани карбонат ангидрид ва сувга ажратувчи карбонат ангидразани ҳам киритиш керак:




Карбонат ангидраза ўзида рух тутивчи оқсилдир.

Пироузум кислотадан карбонат ангидриднинг ажралиши карбоксилазалар таъсирида амалга ошади:



Карбоксилазанинг актив группаси фосфат кислотанинг иккита қолдиги билан бириккан витамин В₁ (тиамин) дан иборат.


Ниҳоят, фруктозодифосфатнинг фосфородиоксияцетон ва фосфоглицерин альдегидга ажралишини тезлаштирувчи фермент — алъдолазани қайд қилиш мумкин:



Е. Синтетазалар (лигазалар)

Микроб ҳужайрасининг ферментлари ҳужайрадаги органик бирикмаларнинг парчаланиши ва қайта қурилиши процессларини ҳам, ҳужайра компонентларининг синтез процессини ҳам тезлаштиради. Синтез маълум шароитда юқорида айтиб ўтилган ферментлар томонидан амалга оширилган бўлиши мумкин. Бироқ синтетик процесслар ҳосил қилувчи специфик ферментлар ҳам мавжуддир. Булар синтетаза ёки лигаза деб аталади.

Глютаминсинтетаза ферменти таъсирида глютамин кислота ва аммиакдан глютамин синтезланиши процессини синтетазалар ҳосил қилган синтетик реакцияга мисол қилиб келтириш мумкин. Глютамин синтезининг биринчи стадиясида глютаминсинтетаза ферменти билан аденоzinтрифосфатнинг ўзаро таъсири қуйидаги схемага мувофиқ боради.



Бундан аденоzinтрифосфат (АТФ) фосфат кислота қолдиғини йўқотиб, аденоzinдинfosфат (АДФ) га ўтиши кўриниб турибди.

Кейин фермент-фосфат комплекси глютамин кислотани активлаштиради, натижада фосфат кислотанинг макроэргик боғи бўлган қолдиғи (Р) глютамин кислотанинг карбоксил группасига бирикади:



Глютамин синтезининг кейинги стадиясида фосфат кислота қолдиғи аммиак билан ўрин алмашинади ва натижада амид группа ҳосил бўлади:



V б о б

МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ОЗИҚЛANIШ ПРОЦЕССИ

1. МИКРО ҲУЖАЙРАСИГА ОЗИҚ МОДДАЛАРНИНГ КИРИШИ

Қўпчилик микроорганизмларнинг бир ҳужайрали бўлиши улар озиқланишининг характерли хусусиятини ҳам белгилайди. Озиқ моддаларнинг улар организмига кириши ва ҳаёт фаолияти маҳсулотларининг ажralиб чиқиши танасининг бутун юзаси орқали содир бўлиши мумкин, шунинг учун мазкур процесс жуда тез боради, бу эса ташқи муҳит билан ҳужайра ўртасидаги моддалар алмашинувининг тез боришини таъминлайди. Бу алмашинув иккита асосий процессдан: 1) ташқи муҳитдан ўсиш учун зарур бўлган озиқ моддаларни олиш ва улардан ҳужайра-

нинг янги таркибий қисмини синтезлаш; 2) хаёт фаолиятининг сунгги маҳсулотларини ташқи муҳитга чиқаришдан иборат. Бу процессларнинг биринчиси одатда озиқлананинг деб аталади.

Микроорганизмлар танасига озиқ моддалар бутун тана юзаси орқали диффузияланиш ёки адсорбилианиш йўли билан киради. Бу процессларнинг тезлигига турли факторлар катта таъсир курсатади. Булардан ҳужайра инунинг атрофидағи озиқ моддалар концентрациясининг ҳар хилдиги ҳамда плазма пўстининг бу моддаларнинг ўтказиши ва уланинг ҳужайра протоплазмасида мураккаб биохимиявий ўзгаришларга учраш қобилияти айниқса катта аҳамиятга эга. Фақат мазкур шароит қулаги бўлганда гина озиқ моддалар тез қабул қилинади ва микроорганизмлар жуда тез усади.

Ўсиш процессида ҳосил бўлган янги тирек протоплазманинг тузилиши учун микроорганизмлар ташқи ҳуҷитдан жуда кўп озиқ моддалар олиши керак. Бу озиқ моддалар маълум миқдорий нисбатда ва муайян сифатли ёки, аниқрийи, аниқ химиявий структурали бўлиши керак. Буни қуйидаги жадвалда келтирилган микроорганизмлар ҳужайра моддасининг химиявий таркиби ҳақидаги маълумотлардан кўриш мумкин.

Микроорганизмлар ҳужайра моддасининг элементар таркиби

(куруқ моддага нисбатан % ҳисобида)

Элементларнинг номи ва уларни ҳисобга олиш формаси	Бактериялар	Туреклар	Моғор замбуруғлари (споралии мицелийси)
Углерод	50,4	49	47,9
Азот	12,3	12	5,24
Водород	6,78	6	6,7
P_2O_5	4,95	3	4,85
K_2O	2,41	2	2,81
SO_3	0,29	0	0,11
Na_2O	0,07		1,12
MgO	0,82	0,42	0,38
CaO	0,89	0,33	0,59
Fe_2O_3	0,08	0,05	0,16
PiO_2	0,03	0,01	0,04

Юқоридаги жадвалда микроорганизмлар ҳужайрасида бирмунча кўп учрайдиган энг муҳим элементларни қайд қилинган, холос. Булардан ташқари, улар ҳужайрасининг таркибида юқоридаги элементларга нисбатан кам, лекин микроорганизмларнинг физиологик активлиги учун зарур бўлган бир қанча бошқа элементлар ҳам доим учрайди. Булар микроэлементлар: бор, молибден, марганец, рух, мис, бром, йод ва бошқалардир. Бу маълумотларнинг ҳаммаси шуни кўрсатади, микроорганизмлар юқоридаги озиқ элементлар йиғиндин мавжуд бўлган

ва бу элементлар улар ўзлаштира оладиган шаклда бўлган мұхитдагина нормал ривожлана олиши мумкин. Турли хил бирикмаларнинг микроблар учун қулайлиги уларнинг химиявий структураси, микроб ҳужайраси ичига кира олиш ва унда кейинги ўзгаришларга учраш қобилиятига кура аниқланади.

Ҳар хил моддаларнинг химиявий тузилиши билан уларнинг микроорганизмлар тирик ҳужайрасига кира олиш қобилияти ўртасида мустаҳкам алоқа борлиги турли хил усуллар (осмотик, химиявий, мембрана усуллари ва бошқалар) ёрдамида аниқланган. Ионларга ажралмайдиган углеводородлар ва бошқа бирикмалар одатда ҳужайрага жуда тез киради, агар органик бирикманинг молекуласи аминогруппа, оксигруппа ёки карбоксил группа (қутбий группалар) ҳам тутса, бунда ҳужайрага кира олиш қобилияти кескин ўзгаради. Бундай группалар қанча куп бўлса, органик бирикмаларнинг ҳужайрага кириши шунча қийин бўлади. Масалан, битта спирт группаси бўлган этил спирт иккита спирт групвали этиленгликолга нисбатан ҳужайрага бирмунча осон киради. Учта спирт групвали глицерин эса ҳужайра ичига шунчалик секин кирадики, ҳатто, қисман плазмолиз ҳосил қилиши мумкин. Олти атомли спирт (маннит) ва таркибида оксигруппа ҳамда альдегид ёки кетон группалар (шакарлар) тутувчи олти углеродли бирикмалар ҳужайрага яна ҳам қийин киради.

Органик кислоталар группасида ҳам худди юқоридагидек ҳолат кузатилади. Битта карбоксил групвали ёғ кислоталар тегишли оксикислоталарга нисбатан, бир асосли кислоталар иккиси асосли кислоталарга нисбатан бирмунча осон киради ва ҳоказо. Дастребалки вақтларда, ҳатто, минерал тузлар тирик ҳужайрага кира олмайди, деб ҳисоблар әдилар. Фақат кейинчалик, ишқорий ва ишқорий-ер металларнинг тузлари ҳужайрага сезиларли тезлиқда кириши аниқланди.

Бу ҳодисаларни изоҳлаш учун ярим ўтказувчан плазма қобили мозаик структурали бўлиши мумкин.

Бунга асосан плазманинг пўсти липоид-протеин таркибли бўлиб, липоид ва протеин молекулалари бирикмасидан иборат. Бундай ҳолда протеинли юза сув ва унда эриган моддаларни, липоидли юза эса липоидларда эрийдиган моддаларни ўтказади. Шунинг учун пустнинг ҳар қанча юмаши, унинг протеин фазасининг ҳар қанча бўртиши плазма пўсти фильтрацион ўтказувчанинг ортишига сабаб бўлади.

Фильтрациядан ташқари, ҳужайрага озиқ моддаларнинг киришида алмашинувчи адсорбция жуда муҳим аҳамиятга эга. Микрорганизмлар ҳужайраси юзасининг электр заряди озиқ эритмадаги қарама-қарши зарядли ионларни адсорблаши аниқланган. Муҳит реакцияси бунда жуда муҳим фактор ҳисобланади, чунки заряднинг миқдори ва белгисини курсатади. Агар муҳит реакцияси протоплазма коллоид системасининг изо-

электрик нүктасига нисбатан кислоталы булса, ҳужайра юзаси-
нинг заряди мусбат, реакция муҳити ишқорий булганда эса
манфий ҳисобланади. Озиқ субстратининг pH аниқ булганда
ҳужайра билан ташқи муҳит ўртасидаги алмашинув адсорбцияси
процесслари бошланади, натижада тегишли озиқ моддалар ҳу-
жайра ичига кира бошлади. Бу адсорбция алмашинув процес-
сида H^+ ва HO^- ионларининг ишқориқ этиши билан боғлиқ.
Булар нафас олиш процессида тирек ҳужайраларда узлуксиз
ҳосил бўлиб туради ва ҳужайралардан ташқи муҳитга ҳам уз-
луксиз ажралиб чиқади. Бу ионлар протоплазманинг сиртқи
пардасига тўпланади ва унинг муваққат компонентлари бўлиб,
бошқа катионлар ҳамда анионларга аллашина олади.

Микроорганизмлар ҳужайрасидаги элементар таркиби
асосланиб, турли хил микроорганизмлар яхши ўсиши мумкин
бўлган озиқ муҳитининг химиявий таркиби ҳақида ҳам холоса
чиқариш мумкин. Уларнинг ҳужайралари таркиби кирувчи
ҳамма элементлар, эҳтимол, озиқ муҳитидаги бўлса керак. Булар-
нинг бирортаси етишмаса ҳам, микроорганизмлар мутлақо ўс-
майди ёки жуда сезиларсиз даражада ўсадики, бу тўғрида га-
пириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ҳатто шаргари фақат биокатали-
заторлар деб ҳисобланган микроэлементлар ҳам, аслида, муҳим
озиқ элементлари ҳисобланади, лекин микроорганизмлар учун
нисбатан кам зарур бўлади. Буни кутидаги тажрибадан билиш
мумкин: агар тўлиқ таркибли озиқ муҳити руҳдан яхшилаб
тозаланса, бунда *Aspergillus niger* колбада ўз мицелийси-
нинг фақат 0,5 mg га яқин қуруқ модда ҳосил қиласди. Шу муҳит-
га бир оз рух қўшилса, оғирлиги бир неча грамм келадиган зам-
буруғ пардаси ўсиб чиқади. Мана шундай ҳолатда ҳужайра
моддасининг синтези ўн минг мартағача тезлашади. Бунга сабаб
шуки, рух ҳам бошқа бир қанча микроэлементлар каби фермент
оқсиллар таркиби киради ва протоплазманинг нормал физио-
логик активлиги бусиз содир бўлмайди.

Микроорганизмлар қуруқ моддасидаги тахминан 50% ни таш-
кил этувчи барча озиқ элементлари 1чила углерод, албатта, энг
муҳим аҳамиятга эга. Бу элемент макроблар ҳужайрасида уч-
райдиган барча органик бирикмалар таркиби киради. У бир
қанча химиявий хусусиятларга эга бўлиб, тирик протоплазма-
нинг кўп хусусиятлари ҳам ана шунга боғлиқ. Матъумки, угле-
род кислород, водород, азот ва олтингутурт билан бирикиши
мумкин ва бундан ташқари ўзаро боғлар орқали ёки кислород,
олтингугурт ва азот боғлари орқали бир-бири билан боғланган
углерод атомларининг узун занжиридан иборат бирикма ҳосил
қиласди. Узун углерод занжирли моддилар протоплазманинг ҳаё-
ти учун муҳим бўлган бирикмалар—оқсил моддаларнинг асосини
ташкил этади. Шунинг учун, биринчи газбатда, микроорганизм-
ларнинг углеродли озиқланиш мағналари билан танишиш
керак.

2. МИКРООРГАНИЗМЛарНИНГ ТУРЛИ МАНБАЛАРДАН УГЛЕРОД ҮЗЛАШТИРИШИ

Микроорганизмларнинг турли хил углерод манбаларига бўлган муносабати жуда спецификдир. Углерод минерал бирикмаларининг энг оддий формаларини — карбонат кислотани үзлаштира оладиган бактерия турлари билан бир қаторда, углеродни фақат мураккаб органик бирикмалардангина үзлаштира оладиган бактериялар ҳам мавжуд. Фойдаланадиган углерод манбаларига кура, барча микроорганизмлар қўйидаги физиологик группаларга: 1) углеродни карбонат кислотадан үзлаштирувчи а в т о т р о ф микроорганизмларга; 2) углеродни тайёр органик бирикмалардан үзлаштирувчи г е т е р о т р о ф микроорганизмларга ва 3) углеродни тайёр органик бирикмалардан үзлаштирувчи, лекин ўзининг алмашинувига карбонат кислотани ҳам қўша оладиган оралиқ г е т е р о т р о ф микроорганизмларга бўлинади.


А. Фотоавтотроф ва хемоавтотроф бактериялар

Автотроф бактериялар углеродни үзлаштириш типига кўра яшил усимиликларни эслатади. Улар энергия ҳосил қилмайдиган карбонат кислотани ўз танасининг энергия ҳосил қилувчи органик бирикмасига айлантиради. Бундай процесс, албатта, ташқи энергиядан фойдаланилгандагина содир бўлиши мумкин, чунки карбонат ангидриднинг органик бирикмаларга айланиши эндотермик процесс бўлиб, албатта, ташқи энергиянинг сарфланишини талаб қиласди.

Улар бундай энергия манбаи сифатида ё қуёш энергиясидан (фотосинтез) ёки баъзи бир минерал моддаларнинг оксидланишидан ҳосил бўлган химиявий энергиядан (хемосинтез) фойдаланади.

Фотосинтезни ҳужайра протоплазмасида хлорофилл типдаги пигментлар бўлган рангли бактерияларгина олиб бориши мумкин. Яшил ва қирмизи ранг олтингугурт бактериялари ана шулар жумласига киради. Яшил бактериялар ҳужайрасида хлорофилл, қирмизи ранг бактериялар ҳужайрасида химиявий таркиби жиҳатдан каротиноидлар (ликопин группаси) га яқин турувчи алоҳида пигмент бактериопурпурин ва ҳавода оксидланганда хлорофиллга яқин маҳсулот ҳосил қилувчи яшил пигмент бактериохлорин бўлади. Баъзи тадқиқотчилар бактерияларнинг яшил пигментини йккита яшил пигмент α ва β дан иборат прохлорофилл деб белгилайдилар. Бактериохлориннинг ютиш спектри яшил ўсимликлар хлорофилининг ютиш спектрига яқин туради. Водород сульфид ва ёруғлик мавжуд шароитда ривожланишга муҳтоҷ бўлган, лекин кислород ажратмайдиган рангли олтингугурт бактерияларида


фотосинтез шу пигмент ёрдамида амалга ошади. Буларда карбонат кислотанинг ўзлаштирилишидаги химиявий процесснинг бориши, эҳтимол, ўсимликлардаги фотосинтез процессига ўхшайди ва фақат карбонат кислотанинг қайтарилиши учун сарфланадиган водород майбай жиҳатдан ўсимликлардан фарқ қиласди. Агар яшил ўсимликларда водород донатори сув ҳисобланса (сув фотолизи натижасида ҳосил бўлган), яшил ва қирмизи ранг олtingугурт бактерияларида эса водород сульфид донатор булиб хизмат қиласди. Иккала ҳолда ҳам олирги натижа бир хилда бўлади. Бу процессларнинг умумий охремасини қуйидаги умумий тенглама билан ифодалаш мумкин:



Қирмизи ранг олtingугурт бактерияларида водород сульфид одатда қуйидаги тенгламага мувофиқ сульфат кислотагача оксидланади:



Хемосинтез бир қанча рангиз бактериялар томонидан амалга оширилади, лекин уларнинг сони унча кўп эмас. Буларга: 1) нитрификацияловчи бактериялар; 2) рангиз олtingугурт бактериялари; 3) тион бактериялари; 4) водород бактериялари ва 5) темир бактериялари киради. Бу мутлақо физиологик процессни 1888 йилда машҳур рус микробиологи С. Н. Виноградский нитрификацияловчи бактерияларда аниқлаган. Виноградский текширишлари шуни кўрсатадики, маъкур бактериялар ҳужайрасида бир-бирига боғланган икки процесс боради. Бунда 1) аммиак нитрит кислотагача (ёки нитрит кислота нитрат кислотагача) оксидланади ва 2) карбонат кислота органик бирикмаларгача қайтарилади. Бу реакцияларнинг бирга боришини қуйидаги умумий тенглама билан ифодалаш мумкин:



Бундай ҳолда бир моль аммиакнинг оксидланиши учун икки атом кислород сарфланиши керак эди, лекин текширишлар ҳақиқатда кислороднинг 2,89—0,08 атоми сарф булишини кўрсатди. Аммиакнинг нитрит кислота ва сувгача тўлиқ оксидланиши учун уч атом кислород сарф бўлиши керак эди:




Бу оксидланиш процессига кислороднинг учтадан кам атоми сарфланганлиги сабабли, эҳтимол, карбонат ангидриднинг параллел қайтарилиши аммиакнинг водороди туфайли амалга ошса керак, бу эса иккала процессинг бирга боришини курсатади. Бироқ бу боғланиш тўлиқ бўлмай, аммиакнинг бир қисми карбонат ангидриднинг параллел ўзлаштирилишисиз оксидланиди.


Виноградский текширишлари шуни курсатдики, карбонат ангидриднинг бир вақтда борадиган қайтарилиш реакциясида фойдаланилган аммиакнинг ҳар йкки моли ҳисобига 28 моль аммиак фойдасиз оксидланади. Бу бактериялар энергиядан шунчалик кам фойдаланиши бир вақтда борадиган реакциянинг жуда мураккаб ўтиши ҳамда оксидланишга химиявий энергия ва водородни кўчирувчи қатор ферментли системаларнинг иштироки билан боғлиқ бўлса керак, деб тушунтирилади.

Оксидланишда ҳосил бўладиган химиявий энергиянинг карбонат ангидриднинг қайтарилишига берилиш механизми ҳалигача етарли ўрганилмаган, бироқ бу механизм реакцияда макроэргик фосфат боғлар тутувчи бирикмаларнинг иштирок этишига боғлиқлигини кўрсатувчи маълумотлар бор.

Уларнинг иштирокини қўйидаги схема билан кўрсатиш мумкин: субстрат водородининг сувгача оксидланишида ажralиб чиқсан энергия дастлаб макроэргик фосфат боғлари шаклида мустаҳкамланади:



Карбонат ангидриднинг органик бирикмаларгача қайтарилишида эса макроэргик боғлар энергияси синтез процессида қўйидаги тенглама асосида фойдаланилади:



Бошқа хемоавтотроф бактерияларда ҳам хемосинтез процесси худди шу тарзда амалга ошади, фақат карбонат ангидриднинг қайтарилиши учун энергия манбаи сифатида водород сульфиднинг сульфат кислотагача ёки водороднинг сувгача, ёки темир (II)-оксид тузларининг темир (III)-оксид бирикмаларигача, ёхуд олтингурутнинг тио- ($Na_2S_2O_3$) ва тетра ($N_3S_4O_6$) бирикмаларининг сульфат кислотагача оксидланиши хизмат қиласи. Карбонат ангидрид мана шу процесслар натижасида ажralиб чиқсан химиявий энергия ҳисобига ўзлаштирилади. Оксидланиш энергиясининг карбонат ангидриднинг қайтарилишига сарфлашиши бу ҳолда ҳам реакцияда макроэргик фосфат боғларнинг иштирокида амалга ошади. Бу процессларнинг ҳаммаси табиатда жуда кеп тарқалган бўлиб, углероднинг ўзгаришида муҳим

аҳамиятга эга. Фотоавтотроф ва хемоавтотроф бактериялар ўзига хос жуда хилма-хил физиологияли бўлиб, катта умумбиологик аҳамиятга эга. Бундан ташқари улар қишлоқ хўжалиги учун ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки ерда нитрат ва сульфатларнинг тўпланиши юқоридаги бактерияларга боғлиқ.

Б. Гетеротроф микроорганизмлар

Гетеротроф микроорганизмлар углеродни фақат тайёр органик бирикмалардан ўзлаштиради. Лекин турли хил органик бирикмалар жуда кўплигидан гетеротроф микроорганизмлар ичida бир қанча специфик группалар борки, улар углеродни фақат маълум органик бирикмалардангина олади. Химиявий структурасига кура, барча органик моддаларни қўйидаги асосий типларга булиш мумкин:



Бу группаларнинг ҳар бири маълум реактив хусусиятга эга. Углерод атомлари тўлиқ қайтарилган ва молекуласида тўйинмаган бўлгар бўлмаган бирикмаларнинг реактивлик хусусияти паст бўлади. Молекуласида қисман оксидланган валентликка эга бўлган углерод атомлари бор органик бирикмаларнинг реактивлик хусусияти бирмунча юқори. Қарбонил группалар тутувчи органик бирикмалар химиявий реакцияга яна ҳам осон киришади. Органик бирикмалар турли группасининг бу хусусиятлари уларнинг микроорганизмлар учун углерод манбай сифатида ўзлаштирилишига ҳам муҳим таъсир этади. Кам реактивлик хусусиятга эга бўлган тўйинган бирикмалар (масалан, углеводородлар) углеводород микроорганизмларнинг физиологик группасига кирадиган микроорганизмларнинг баъзи формалари томонидангина ўзлаштирилиши мумкин. Ўзиди тўйинмаган бўлгар ёки қисман оксидланган валентли углерод атомлари тутган, бирмунча юқори реактивлик хусусиятга эга бўлган органик бирикмалар жуда кўп гетеротроф микроорганизмлар учун яхшигина углерод манбай бўлиб хизмат қиласди. Органик моддалар таркибида қисман оксидланган валентли углерод атомлари қанча кўп бўлса, у турли микроорганизмлар томонидан шунча осон ўзлаштирилади, бунга ҳеч бўлмаганда унинг сувда эрувчанлик билан боғлиқ бўлган физик-химиявий хусусияти ҳам халақит бермаслиги керак, албатта. Шу сабабдан турли хил шакарлар ҳамда кўп атомли спиртлар ва оксикислоталар кўпчилик гетеротроф микроорганизмлар учун энг яхши углерод манбай ҳисобланади.

Баъзи гетеротроф микроорганизмлар тайёр органик бирикмалар ҳисобига ривожланиши билан бирга ўзининг алмашинувига

яна карбонат кислотани ҳам қүшиши мумкин. Бу қизиқ ҳодисаси XX асрнинг 20-йилларида рус тадқиқотчisi А. Ф. Лебедев кашф этган. Бу модда моддалар алмашинувида фойдаланилади, масалан, пропион кислота ҳосил қилувчи бактериялар пироузум ва карбонат кислоталардан қўйидаги схемага мувофиқ каҳрабо-кислота ҳосил қилиши мумкин:



Каҳрабо кислотанинг ана шундай йул билан ҳосил бўлиши-нинг тўғрилиги «нишонланган» углерод атоми (C^{13}) ёрдамида аниқланган. Агар субстратга нишонланган углеродли бикарbonat солинса, бунда ассимиляцияланган нишонланган углероднинг ҳаммаси каҳрабо кислотанинг карбоксил формасида учрайди.

Углеродли бирикмаларнинг ўзгариши процессида карбонат кислотанинг қўшилиши микроорганизмлар учун муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳақда қўйидаги маълумотларга қараб хулоса чиқариш мумкин: микроорганизмлар аминокислоталар синтезлаши учун ҳар хил узунликдаги углерод занжирли кетокислоталар зарур, булар углероднинг дастлабки манбаи (масалан, углеводлар) нинг парчаланиши ҳисобига ҳосил бўлиши эса ҳамма вақт асосан ана-эроб шароитда бўлавермайди. Шунинг учун карбонат кислотанинг юқорида кўрсатилган синтетик процессларга жалб этилиши аминокислоталарни уч атом углеродли кетокислоталардан тўрт атом углеродли кетокислоталар занжирига ўтишига имкон беради. Бу кислоталардан кейинчалик аминокислоталар осонгина синтезланади. Ҳосил бўлган аминокислоталар фақат оқсилининг синтезланиши учунгина эмас, балки қайта аминланиш процесси учун ҳам сарфланади. Бу ҳолат гетеротроф микроорганизмларнинг карбонат кислотани ўзлаштиришга мослашувини ва уни ўзининг асосий метаболизмига қўшиб олиш сабабларини тушунишга имкон беради. Бироқ гетеротроф микроорганизмларнинг автотроф микроорганизмлардан фарқи шундаки, улар карбонат кислотани карбонил группадан юқори бирикмагача қайтармайди, ҳақиқий автотроф организмлар эса ундан исталган даражада қайтарилган органик бирикмалар синтезлай олади.

Гетеротроф микроорганизмларнинг турли хил органик бирикмаларга бўлган муносабатининг специфиллиги табиатда углероднинг айланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳақда қўйидаги маълумотларга қараб хулоса чиқариш мумкин: агар барча микроорганизмлар турли хил органик моддаларга бир хилда муносабатда бўлганда эди ва буларнинг баъзилари бу моддаларни осон парчалаганда, бошқалари эса мутлақо парчаламаганда эди, атмосферадаги карбонат ангидрид шаклидаги барча углерод жуда тез вақтда табиатда айланиш циклидан чиқиб кетган булар эди. Маълумки, атмосферадаги карбонат ангидрид ер юзидағи

атмосферанинг ҳажми бўйича атиги 0,03% ни, оғирлигига кўра эса 600 биллион тоннага (углерод бўйича) яқин қисмини ташкил этади. Ер юзидағи ўсимликлар ҳар йили тахминан 60 биллион тонна карбонат кислотани ёки 20 миллион тонна карбонат кислотанинг углеродини сарфлаганлигидан, бу газ бир томонлама фойдаланилганда, бир неча йил ичидаги атмосферада ҳеч қолмаган бўлар эди. Фақат углероднинг атмосферага карбонат ангидрид шаклида узлуксиз қайтиб туриши ана шу фаложат экстремолининг олдини олади. Модомики, бу бирикманинг умумий маҳсулотида микроорганизмларнинг солиштирма оғирлиги жуда жатта экан (улар бир йилда ҳар гектар ерда 7 млн. литрга яқин карбонат ангидрид ўзлаштиради), бу ҳар қандай органик бирикмаларнинг улар томонидан парчаланишида муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг углерод манбаига бўлган муносабатининг спецификлиги ҳар қандай органик бирикмаларнинг улар томонидан карбонат ангидридгача парчаланиши имкониятини беради ва углероднинг ер юзида узлуксиз айланишини таъминлайди.

3. МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ТУРЛИ МАНБАЛARDАН АЗОТ УЗЛАШТИРИШИ

Микроорганизмларнинг азот манбаига бўлган муносабати ҳам жуда специфиқдир. Азотни организмнинг фақат мураккаб оқсил моддаларидан оладиган формалар (патоген бактериялар) билан бирга, ҳатто, атмосферадаги молекуляр азотни ўзлаштирувчи микроорганизмлар (азот тўпловчи бактериялар) ҳам мавжуддир. Бу ҳолатнинг ўзи ҳам азот манбаига бўлган муносабатига кўра, микроорганизмларни бир қанча физиологик группаларга бўлишга мажбур этади. Бироқ бу бўлиш шартли бўлади, чунки булар орасида турли хил азот манбаларида ривожланишга лаёқатли бўлган формалар учрайди. Масалан, азотни пептон, аминокислота, аммиакли тузлар ва нитрат кислота тузлари ҳамда цианум бирикмалардан (агар субстратда кам миқдорда учраса) оладиган мотор замбуруғлари ана шундай формалардир.

Азот манбалари микроорганизмларниң ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Булар бўлмаса, оқсил моддалар синтезланмайди, оқсиллар бўлмаганда эса тирик ҳужайранинг протоплазмаси ҳам шаклланмаслиги мумкин. Чунки турли хил микроорганизмлар мана шу юқори молекуляр бирикмаларни мураккаблик даражаси турлича бўлган дастлабки маҳсулотлардан фойдаланиб синтезлаши мумкин, бунда синтез учун қандай манбалардан фойдаланишига кўра, микроорганизмларни одатда иккита асосий группага бўладилар.

1. Оқсил моддаларни азотнинг минерал манбалари ёки мочевина типидаги органик азотнинг содда формалари ҳисобига синтезловчи аминоавтотроф микроорганизмлар.

2. Энг оддий азот манбаларидан бир қанча аминокислоталар синтезловчи, лекин үзича бирорта ёки бир нечта аминокислота синтезлай олмайдиган аминогетеротроф микроорганизмлар. Шунинг учун ҳам булар аминокислоталарни тайёр ҳолда олади. Булар орасида фақат тайёр оқсил моддаларда (патоген бактериялар) ёки пептонларда (сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар) ривожлана оладиган формалар мавжуд.

Бу группаларнинг ҳар бири ҳам, уз навбатида, бир қанча специфик группачаларга бўлинади. Масалан, биринчи группада аммиакли, нитрат кислота тузларидаги азотдан яхши фойдаланадиган ва атмосферанинг молекуляр азотини ассимиляцияловчи формалар бўлиши мумкин. Иккинчи группада организмнинг мураккаб оқсил моддаларидаги азотдан (бунда улар паразитлик қилади) ёки пептонлардан ва аминокислоталар аралашмасидан фойдаланадиган формалар бўлади. Бу иккала ҳолатда ҳам оқсил, эҳтимол, дастлаб полипептид ва аминокислоталаргача парчаланади ва фақат шундан кейингина микроорганизмлар томонидан ўзлаштирилади.

Автотроф микроорганизмлар бир қанча минерал манбалардаги ёки энг оддий органик бирикмалардаги азотдан фойдаланганда дастлаб уни аммиак формасига айлантиради, сўнгра эса ундан аминокислотани синтезлашда фойдаланади.

Бу ҳолларнинг ҳаммасида ҳам аминокислоталар синтези учун аммиак сарфланишига қарамасдан, бир қанча аминоавтотроф микроблар тайёр аммиакли тузларда ривожлана олмайди, чунки улар физиологик кислотали тузлардир.

Қўпгина манбалар азотининг дастлаб аммиакка айланнишига микроб ҳужайраси таркибидаги азотнинг қайтарилиган — NH_2 ва — NH группалар ҳолатида учраши сабаб бўлса керак. Қайтарилиган формадаги азот тутувчи аммиакдан юқорида қайд қилинган группаларни тутувчи азотли органик бирикмаларни синтезлаб олиш осон бўлса керак.

Протоплазманинг оқсил моддалари таркибидаги азотнинг роли жуда катта, чунки худди шу элемент уларни анча реактив қиласида. Азотда бу хусусиятнинг пайдо бўлишига сабаб шуки, у инерт булганинг турли хил бирикмалар таркибига кириши қийин, лекин улардан осонликча ажралиб чиқади, шунинг учун у юқори реактивлик хусусиятига эга. Агар оқсилининг тузилишида углероднинг иштирок этиши мана шу бирикмалар молекуласининг мураккаблиги ва катталигини белгиласа, улар таркибида азотнинг иштирок этиши эса, бу молекулалар қанча оғир бўлса, уларга шунча кўпроқ реактивлик беради.

Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, бирор бирикманинг озиқлик қиммати фақат унинг химиявий табиати ёки бошқа моддалар билан химиявий бирикиш хусусияти ҳамда ҳосил бўладиган химиявий энергия миқдори билангина эмас, балки бошқа бир қанча факторлар билан ҳам аниқланади. Шунинг учун микро-

организмларнинг озиқланишини озиқ эритма билан тирик ҳуҗайра протоплазмаси ўртасидаги мураккаб муносабатнинг натижаси, деб тушумоқ керак.

4. МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ҚУЛ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ УЗЛАШТИРИШИ

Микроорганизмларнинг қул элементлариға талаби унча жатта эмас. Ўн миллиардлаб бактерия ҳужайраларини куйдирганимизда бир миллиграммга яқин қул тушишининг ўзиёқ бу ҳақда хулоса чиқаришга кифоя қиласи. Лекин қул элементларисиз ҳам улар ўса олмайди. Микроорганизмларнинг сиши учун ана шу группадаги элементлардан қуидагилар энг муҳим аҳамиятга эга.

Олтингугурт оқсил моддалар таркибига киради ва азотга ўхшаб, фақат қайтарилган ҳолатда —SH ва —S—S— группа кўринишида учрайди.—SH группа юқори реактивлик хусусиятга эга бўлиб, дегидрогенланиш процессига учраши мумкин. Бу оксидланиш процессида у —S—S—группага ўтади, натижада олтингугуртнинг икки атомидан иборат кўприкча билан ўзаро боғланган бирмунча мураккаб ва жуда реактив бирикма ҳосил бўлади. Бу бирикмаларнинг яна гидрогенланиши —SH группанинг қайтадан ҳосил бўлишига ва кўприкчанинг узилишига сабаб бўлади. Кейинроқ кўрсатиб ўтиладиган бундай типдаги боғланышлар микроб ҳужайраси протоплавмасининг оксидланиш-қайтарилиш потенциалини регуляция қилишда энг муҳим аҳамиятга эга. Сульфат кислота тузлари кўпчилик микроорганизмлар учун олтингугуртнинг универсал манбай бўлиб хизмат қиласи, булар ассимиляция процессида қайтарилади ва олтингугурт тутувчи аминокислоталар синтезида фойдаланилади. Олтингугуртнинг оксидланган формасидан фойдаланишни яхши кўрадиган микроблардан ташқари, унинг қайтарилган бирикмалари ва, ҳатто, элементар олтингугуртдан ҳам фойдаланадиган формалар бор. Олтингугурт ва тион бактерияларини шулар жумласига киритиш мумкин. Фақат паразит бактериялар орасидагина минерал бирикмалар таркибидаги олтингугуртдан фойдалана олмайдиган бактерия формалари бор. Булар тайёр сульфидрил группа ($-SH$) тутувчи мураккаб органик мөддалар (оқсиллар) бор муҳитдагина ривожлана олади.

Фосфор протоплазманинг бир қанча муҳим органик бирикмалари (нуклеин кислоталар, турли хил фосфолипидлар ва шунга ўхшашлар) таркибига киради ва у бўлмаса, микроорганизмлар ривожлана олмайди. Фосфор олтингугурт ва азотдан фарқ қилиб, тирик ҳужайранинг органик моддалари таркибида фақат оксидланган ҳолатда — энг юқори оксид P_2O_5 формасида учрайди. Шунинг учун углерод билан ҳеч качон бевосита бирикмайди, балки у билан фақат кислород ва азот атомлари орқали боғланади. Кўпинча бу боғлар фақат энергия сарфланиши ҳисобига

ҳосил бўлади. Шунинг учун фосфорнинг бир қанча органик бирикмалари тирик ҳужайраларда оксидланиш процесслирида ажралиб чиқадиган энергия аккумулятори (энергия йигувчи) сифатида фойдаланилади. Аденозиндифосфат ва аденоцитидифосфат қислоталар ана шундай типдаги бирикмалардир. Улар тирик ҳужайраларда энергия алмашинуvida жуда катта роль ўйнайди. Бундан ташқари, фосфор протоплазманинг субмикроскопик структурасини белгиловчи бир қанча муҳим ҳаётий бирикмалар таркибига киради. Нуклеопротеидлар, фосфолипидлар ва күпгина икки компонентли ферментларийнг простетик группаларини ана шундай типдаги бирикмаларга киритиш мумкин. Шунинг учун микроорганизмлар ҳаёт фаолиятида фосфорнинг роли жуда катта эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Бир қанча органик бирикмаларнинг ҳосил бўлишида фосфор фақат энг юқори оксид — P_2O_5 шаклида иштирок этганлигидан, унинг оксидланган бирикмаларидан энг яхши фойдаланилади. Ортофосфат қислотанинг ҳар хил тузлари фосфорнинг энг яхши манбаи ҳисобланади.

Калий микроорганизмларнинг нормал ривожланиши учун зарур элемент бўлиб, натрий ҳам, рубидий ҳам унинг ўрнини боса олмайди. Калийни бошқа элементлар билан алмаштириб бўлмаслигини баъзи авторлар унинг радиоактивлик хоссаларига боғлайдилар, лекин бу хоссаларнинг микроорганизмлар физиологик фаолиятидаги конкрет аҳамияти етарлича ўрганилмаган.Faқат шу нарса маълумки, калий углеводларнинг узгаришида ва ҳужайра моддасининг синтезида муҳим роль ўйнайди, чунки калий билан таъминланмаган муҳитда яшаган мөғор замбуруғлари калий кўп бўлган муҳитдаги мөғор замбуруғларига нисбатан анча кўп (1 г мицелий ҳисобига) оксалат (шовул) кислота ҳосил қиласди.

Магний ҳам микроорганизмларнинг ривожланиши учун зарур элемент. У яшил ва қирмизи ранг олtingугурт бактерияларидаги хлорофилл таркибида киради ва бир қанча ферментлар (гексокиназа, пептидаза, изоцитрикодегидраза, карбоксилаза ва бошқалар) нинг активатори ҳисобланади, айрим ҳолларда эса улар таркибида кириб, фермент оқсилилар билан комплекс бирикмалар (энолаза ва фосфоглицеромутаза) ҳосил қиласди. Магнийнинг кўп қисми ҳужайраларда ион ҳолатда ёки кам барқарор органик бирикмалар таркибида учрайди. Бу ҳақда кислотали экстракция *Aspergillus niger* пардасидаги барча магнийнинг 97 % ни чиқариб юборишидан ҳам хулоса чиқариш мумкин. Шуниси қизиқки, нейтрал муҳитда ўсуви замбуруғлар пардасида магний кўп учрайди. Кислотали муҳитда замбуруғлар мицелийсидаги магнийнинг миқдори кам деганда икки марта камайиб жетади. Магний сульфат тузи ва унинг бошқа тузлари магний манбаи ҳисобланади.

Кальцийнинг юқорида айтиб ўтилган элементлардан фарқи шундаки, микроорганизмларнинг ўсишида у қанчалик зарур

Эканлиги ҳанузгача узил-кесил аниқланмаган. Бир қанча маълумотларга қараганда, кальций мөғор замбуруғларининг мицелийси таркибида озроқ учраса ҳам, уларнинг ўсиши учун зарур бўлмаса керак. Агар замбуруғлар кальций кўп бўлган муҳитда ўсса, уларнинг мицелийсида айниқса кўп кальций түпланади. Шунга асосланаб, кальций синтез процессларининг анча сермаҳсул ўтишига ёрдам беради, деб фараз қилиш мумкин эди. Айниқса адабиётда ҳам кальций ионларининг аденоцитрифосфатаза ва сукциндегидраза ферментларига кучли активлаштирувчи таъсир кўрсатиши тўғрисида маълумотлар бор эди. Бироқ муфассал текширишлар шуни кўрсатдики, кальций иштирокида мицелий оғирлигининг ортиб бориши унда ҳужайра структура элементларининг эмас, балки фақат кальций оксалатнинг тўпланиши натижасида юз беради.

Кальций баъзи бактериялар (масалан, азотобактер) нинг ўсиши учун бирмунча зарур бўлса ҳам, унинг ортиқча дозаси зарарли таъсир этади, чунки протоплазма оқсилларини қисман коагуллаши ва уларнинг коллоид ҳолатини ўзgartириши мумкин. Кальцийнинг сувда эрийдиган тузлари кальций манбай ҳисобланади.

Темир организмга жуда кам миқдорда керак бўлса ҳам, шубҳасиз, зарур озиқ элементлари қаторига киради. Унинг зарурлиги шу билан шархланадики, у геминлар таркибига киради, геминлар эса маълумки, бир қанча ферментларининг простетик группаси (геминли фермент, щитохромлар) ҳисобланади. Шунинг учун темир бўлмаса, аэроб нафас олуви микроорганизмларнинг оксидловчилик активлиги жуда паст бўлиб, улар фақат ортиқча нафас олиш билан чегараланади. Цианиллар ва углерод оксиднинг аэроб нафас олишга салбий таъсири, худди оксидловчи ферментлар таркибига кирувчи темир атомларининг ана шу моддалар ёрдамида боғланишига асосланган.

Темирнинг мавжудлиги мөғор замбуруғларининг минерал азотнинг ҳар хил шаклини ўзлаштиришига таъсир этиши ҳақида ҳам маълумотлар бор. Бу микроорганизмлар аммиак азотидан яхши фойдаланади, лекин темирга бой муҳитда ўсганда нитратлар азотидан муваффақиятли фойдалана бошлайди. Темир сульфат тузи ва темирнинг бошқа тузлари темир манбай ҳисобланади.

Микроэлементлар. Бу групладаги элементлардан бор, молибден, рух, марганец, кобальт, никель, мис, йод, бром, ванадий ва бир қанча бошқа элементларни эсга олиш кифоя. Бу элементлар озиқ эритмасида жуда оз миқдорда бўлса ҳам, микроорганизмлар ҳаёт фаолиятини кучли даражада активлаштиради. Бундай таъсир шу билан исботланадики, юқорида айтиб ўтилган бир қанча микроэлементлар фермент оқсиллар синтезида иштирок этади. Ҳозир бир қанча ферментлар специфик оқсилларининг мис билан (полифенолоксидаза, лактаза, аскорбин кислота оксидаза-

си ва бошқалар), рух билан (карбоангидраза) ва баъзи бир бошқа металлар билан бирикмаси эканлиги аниқланган деб айтиш мумкин. Бундан ташқари, жуда кўп ферментлар (турли хил фосфатазалар, пептидазалар, дегидрогеназалар, альдолаза, энолаза ва бошқалар) марганец, рух, кобальт ва темир ионлари билан активлашади. Шунинг учун мана шу элементлардан бирортасининг бўлмаслиги микроорганизмлар ҳаёт фаолияти тезлигини пасайтиради. Бу түғрида қўйидаги маълумотлардан хулоса чиқариш мумкин: агар муҳит тегишили элементлардан яхшилаб тозаланса, микроорганизмларнинг ўсиши жуда секинлашиб кетади. Масалан, руҳдан яхшилаб тозалangan озиқ муҳитида *Aspergillus niger* замбуруғи деярли ривожланмайди, бир оз рух қўшилганда эса мицелийсининг қуруқ оғирлиги ҳаддан ташқари (20 000 % ва ундан ҳам кўп) ортиб кетади. Бошқа микроорганизмларга мис, бор ва молибден худди шундай таъсир эттирилганда ҳам бир хил натижа олинган. Бор ва молибден азот фиксацияловчи (азот тўпловчи) микроорганизмлар (азотобактер, тугунак бактериялари ва бошқалар) ҳаёт фаолиятида айниқса катта аҳамиятга эга.

Ана шу маълумотларга асосланиб, кўпчилик микроэлементлар микробларнинг озиқланиши учун ҷутлақо зарур, дейиш муқаррардир, лекин улар жуда оз миқдорда бўлиши керак. Бу элементларнинг тегишли минерал тузлари ҳамда таркибида қўшимча сифатида бирор микроэлемент тутган бошқа озиқ элементларининг минерал тузлари микроэлементлар манбай ҳисобланади.

Кулнинг металл элементлари протоплазма коллоид ҳолатининг регуляциясида (бошқарилишида) ҳам муҳим аҳамиятга эга. Коллоид эритмага электролитлар киритилиши туфайли ундаги мувозанат ўзгарида ва коллоид заррачалари зарядининг камайиши ёки кўпайиши-ҳисобига бу электролитлар уларни муаллақ ҳолатдан чўктириши ёки, аксинча, коллоид эритмада кўпроқ дисперсиялаши мумкин. Ҳаёт фаолиятининг хилма-хил процесслари протоплазмадаги коллоид системаларнинг барқарорлигига чамбарчас боғлиқлигидан, протоплазмада ион ҳолатда бўладиган металл элементларни мазкур процессларнинг муҳим регулятори деб қараш керак.

Шуни эсда тутиш керакки, микроорганизмларнинг нормал ривожланиши учун минерал тузларнинг ҳар бири алоҳида эмас, балки аралашма ҳолда талаб этилади. Минерал тузлар бўлмаган озиқ муҳитида ўстирилган микроблар жуда ҳам суст ривожланган ва бир қанча вақтдан сўнг нобуд бўлган.

Алоҳида олинган ҳар бир туз, плазма пўстининг ўтказувчалигини оширади ва қисман ҳужайрә ичига кириб, плазма коллоидлари ҳолатини қайтмайдиган даражада ўзгартирса керак. Бир қанча тузларнинг биргаликдаги таъсири ҳужайра пўстини зичлайди, бу пўст эса кейинчалик тузларнинг ҳужайра ичига ки-

ришига түсқинлик қиласы. Бу билан, әхтимол, бир хил тузларда иккінчі хил тузларнинг зақарлы таъсирига қарши ҳимояланиш хусусияти пайдо бұлади.

5. ҮСИШНИНГ ҚҰШИМЧА ФАКТОРЛАРИ (ВИТАМИНЛАР)

Микроорганизмларнинг нормал ривожланиши учун юқорида танишилған элементлар билан бир қаторда яна үсишнинг құшимча факторлари, деб аталувчи моддалар ҳам керак. Буларга асосан витаминлар киради. Турли хил микроорганизмлар бу бирикмаларга түрлі мүносабатда бұлади. Үларнинг баъзилари бу моддалар бўлмаган мұхитта ҳам ривожлана олади (масалан, автотроф бактериялар); бошқалари учун улар үсиш стимулятори бўлиб хизмат қиласы, үчинчі хиллари учун эса озиқ мұхитининг мутлақо зарур таркибий қисми ҳисобланади. Бу моддалар турли хил үсимликлар ва ҳайвонлар ҳамда микроорганизмлар томонидан синтезланади. Шунинг учун улар үсимлик ва ҳайвон тұқымалари таркибда кенг тарқалған бўлиб, лекин жуда кам миқдорда учрайди. Шунга кўра, уларни тоза ҳолда ажратиб олиш жуда қийин. Масалан, 4 мг б и оти и олиш учун 20 кг тухум саригини қайта ишлашга ва экстракция учун 200 литрдан ортиқ 50% ли ацетондан фойдаланишга тўғри келади. Бунда ҳосил бўлган препарат жуда юқори активликка эга бўлиб, бу жиҳатдан тухум саригидаги дастлабки активлигидан 400 минг марта ортиқдир. Агар шу препарат тоза кристал ҳолида олинадиган бўлса, бунда сарфланган 250 кг тухум саригидан 1,1 мг модда ҳосил бұлади, лекин бу дастлабки формасига нисбатан 3 млн. марта кўп активликка эга. Ҳозирги вақтда микроорганизмларнинг нормал ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган үсишнинг құшимча факторлари групласы қўйидаги бирикмалардан иборат, деб ҳисоблаш мумкин.

1. Витамин В₁, яъни тиамин (пиримидин ва тиазолнинг ҳосиласи).
2. Витамин В₂, яъни лактофлавин.
3. Витамин В₃, яъни пантотен кислота.
4. Витамин В₄, яъни холин.
5. Витамин В₅, яъни козимаза (никотин кислотанинг амиди + рибоза + фосфат кислота + аденил кислота).
6. Витамин В₆, яъни пиридоксин.
7. Витамин В₇, яъни биотин.
8. Витамин В₈, яъни инозит.
9. Витамин В₉, яъни фоли кислота.
10. Витамин В₁₀, яъни пара-аминоцензой кислота.
11. Витамин С, яъни аскорбин кислота.
12. Витамин В₁₂, (рибоңуклеин кислотанинг синтези учун зарур).
13. Витамин К (бир қанча микроорганизмларнинг үсиши учун зарур).

Бу витаминларнинг ҳар бирі микроб ҳужайраси ҳаётіда қандайдир биохимиявий функцияни бажаради. Кўп ҳолларда булар ферментларнинг водоород атомининг, фосфат кислота қолдиги ёки СН₃ группа ва ҳоказаларнинг кўчишида иштирок этадиган актив группаларидир. Бу билан витаминлар алмаштириб бўлмайдиган бир қанча моддалардан, масалан, алоҳида биохимиявий функцияни бажармайдиган ва фақат оқсил моддаларнинг синтези процессида фойдаланиладиган баъзи бир аминокислоталардан фарқ қиласы.

Баъзи витаминлар микроорганизмлар ҳаётида фақат биохимиявий функцияни бажармасдан, балки нуклеопротеидларнинг синтезланиши учун ҳам сарфланади. Шунинг учун, табиийки, витаминларнинг ҳужайра протоплазмасида бўлмаслиги, моддалар алмашинувининг бузилишига сабаб бўлади ва ҳужайралар усмайди. Булар ҳар қандай микроб ҳужайраси таркибиға кирса ҳам, бироқ ҳамма микроорганизмлар ҳам витаминларни тайёр ҳолда олишга әхтиёж сезмайди. Бунинг сабаби шундаки, зарур витаминларни улар мустақил синтез қила олади. Фақат уларнинг синтезловчи хусусияти сусайиб қолган

ҳоллардагина озиқ мұхитига битта витамин ёки барча витаминлар албатта қүшиб юборилади, натижада, улар микроорганизмларнинг ўсишини бирмунчай тезлаштириб, катта фойда беради. Агар мұайян микроорганизмда бирор витамин синтезлаш хусусияти умуман бұлмаса, унинг күltураси табиий мұхит фақат мана шу витамин билан таъминлад түрилгандыгина яшай олади.

Баъзи микроорганиzmларнинг бирор витаминга бұлған талаби яққол ифодаланғанligидан мұхитда шундай бирикмалар борлыгини билиш учун улардан биологик индикатор сифатида ҳам фойдаланыш мүмкін. Витаминларни аниқлашынг турли хил микробиологик усуллари микроорганизмларнинг ана шу хусусиятига асосланади. Масалан, түрушларнинг турли хилларидан (биотин, тиамин, инозит ва пиридоксинн аниқлаш учун) ва бошқа баъзи замбуруғлардан, шунингдек сут кислота ҳосил қылувчи бактериялардан фойдаланылади. Тегишли микроорганизмларнинг «ҳосили» одатда мұхитда бирор витамин бор-йүкликини билдирувчи күрсаткіч ҳисобланади. Бу «ҳосил» микроскоп остида түғридан-түғри ёки нефелометр ёрдамда ҳисобланади.

Индикаторлық функциясидан ташқары, баъзи микроорганизмлар үз ҳужай-раларидан бирор витаминдан маълум миқдорда түплаб, синтетик функцияни ҳам бажариши мүмкін. Бу хусусияти саноатда улардан тегишли витаминни биологик синтезлашда фойдаланыш имконини беради. Масалан, озиқ-овқат ва ем-хашак түрушлари фақат оқсил моддаларнинг эмас, балки витаминларнинг барча комплексини ҳам етказиб беради. Барда ацетонбутилли биж-фишдан кейин рибофлавин концентрати сифатида, азотобактер күltураси эса комплекс витамин препарати сифатида фойдаланилади ва ҳоказо.

Юқорида қайд қылғанларнинг ҳаммаси шуни күрсатады, микроорганизмларнинг үсишидаги құшымча факторлардың үсиш процессындағи катализаторлар, деб қарааш керак эмас. Бу бирикмалар микроорганизмларга жуда оз миқдорда зарур булиб, улар турли хил ферментлар системасини синтез қилиш учун сарфланади ва үсишга фақат бевосита таъсир этади. Лабораторияда турли хил микроорганизмлар билан амалий иш олиб борища доим мана шу ҳолатни ҳисобга олиш керак.

VI бөб

НАФАС ОЛИШ ПРОЦЕССЛАРИ ВА МИКРООРГАНИЗМЛАР ХАЁТ ФАОЛИЯТИДА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

1. МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ АСОСИИ НАФАС ОЛИШ ТИПЛАРИ

Микроб ҳужайрасига сүрилувчи озиқ моддалар у ерда жуда мураккаб синтетик ўзгаришга учрайди, энг аввал протоплазма таркибиға киради. Углеводлар, ёғлар, аминокислота ва оқсил моддалар синтези ташқи энергиясиз амалга ошмайды, шунинг учун ҳужайра протоплазмасыда микроорганизм ҳаёт фаолияти учун зарур бұлған химиявий энергия ажратиб чиқарадиган процесслар доим содир бўлиб туради. Кўп текширишлар шуни күрсатады, микроорганизмлар ҳаёт фаолиятининг турли йўналишлари орасида бу энергия қуидаги нисбатда тақсимланади: ҳужайра моддаларининг аэроб микроорганизмлар томонидан синтез қилиниши процессиға ажralиб чиқсан энергиянинг 50%, қолган қисми эса ҳаёт фаолиятини нормал тутиб турғанда сарфланади ва иссиқлик ҳамда ёруғлик кўринишида йўқолиб кетади.

Ҳар бир организмга хос нафас олиш типи муайян процессга хизмат қылувчи ферментлар йиғиндисига боғлиқ. Модомики, турли хил микроорганизмларда улар турлича әкан, бу микроорганизмларнинг нафас олиш типи ҳам анча күп бўлади. Мутлақо табиийки, улар бир-биридан фақат оксидланишнинг охирги маҳсулоти билангина эмас, балки мазкур процессда иштирок этувчи водород акцепторларининг химиявий табиати билан ҳам фарқ қиласиди. Шунинг учун нафас олиш типларини классификациялашда фақат фарқ қиласидиган элементларнигина эмас, балки умумий ва бир хил бўлган элементларни ҳам топиш керак. Дарҳақиқат, улар қандай типда нафас олмасин, ҳамма организмлар таркибидан доимо дегидрогеназа ферментлари учрайди. Ана шу фактдан биринчى умумий хулоса чиқариш мумкин: дегидрогеназалар оксидлаётган моддадан водороднинг чиқиб кетиши — ҳар қандай микроорганизмда содир бўласидиган оксидланиш процессининг мажбурий этапидир. Процессининг бу фазаси амалга ошишидаги фарқ уларда фақат дегидрогеназалар процессга аралашган этап билан боғлиқ. Агар оксидланиш процесси оксидланаётган субстратнинг углерод атомлари занжири узилмасдан илгари амалга ошса, процесс бевосита субстрат водороднинг чиқиб кетиши билан бошланishi мумкин. Масалан, глюкозанинг оксидланиб глюкон кислотага, этил спиртнинг сирка кислотага ёки каҳрабо кислотанинг фумар кислотага айланиши процесслари ана шундай процессdir. Булар субстрат дегидрогенланишга тайёрланмаган ҳолда бошланган оксидланиш процессларига мисол бўла олади. Агар оксидланиш аввал углерод атомлари занжирининг узилиши билан бирга борадиган бўлса, бунда дегидрогеназалар оксидланаётган субстрат ўзгаришининг анча кейинги этапларида реакцияга киришади ва водородни энди парчаланишнинг оралиқ маҳсулотларидан чиқариб юборади. Бунда оксидланиш процессининг бориши анча мурakkabлашади, лекин водороднинг чиқиб кетиш фазаси бу ерда ҳам ўз кучида қолади. Бу фаза минерал субстратнинг (аммиак, нитратлар, водород сульфид ва ҳоказоларнинг) оксидланишида ҳам ўз кучини сақлади, лекин бу ҳолатда гидролиз процесси ҳам бир вақтда боради.Faқат темир (II)-оксиднинг темир (III)-оксидга ўтишигина бу қоидадан мустасно бўлиши эҳтимол, чунки бу процесс фақат электронларнинг кўчиши билан боғлиқ. Бироқ бу истиснолик водороднинг чиқиб кетишини оксидланиш процессларида умумий ҳодиса, деб тушунишга имкон берадиган умумий қондани ҳеч қандай чегараламайди:



Дегидрогеназа чиқариб юборган водород кейинчалик бирор ажепторга берилиши керак. Акс ҳолда оксидланиш процесси тугалланмай ва энергияси фойдаланилмай қолади. Водороднинг кўчирилиши баъзи ҳолларда бевосита дегидрогеназалар, бош-


Қа өткөндөң күндең оралық ташувчилар орқали амалға оширилдади. Чиқариб юборилған водород акцепторга анаэроб нафас олишда бевосита, аэроб нафас олишда эса оралық ташувчилар орқали үтади. Бу типда нафас олишда водород ёниб (оксидланиб), сув ва водород пероксидга айланади. Оксидланиш процессининг иккінчи этапини құйидаги умумий схема билан ифодалаш мүмкін:


2. Дегидрогеназа — Н₂ + акцептор → дегидрогеназа + акцептор — Н₂

Нафас олиш типлари ўртасидаги асосий фарқ мана шу иккинчи этапдан бошланади. Агар мазкур организм анаэроб типда нафас олса, бунда водород акцептори сифатида органик моддаларнинг тўйинмаган боғлари бор молекулаларидан фойдаланилади. Булар мазкур субстратнинг оксидланишидаги оралиқ маҳсулотларнинг дегидрогенланиши давомида ҳосил бўлади. Агар микроорганизм аэроб типда нафас олса, бунда молекуляр кислород водород акцептори бўлиб хизмат қиласади. Бу нафас олиш типлари ҳар бирининг химизми қўйида кўриб чиқилади.


2. АНАЭРОБ НАФАС ОЛИШ ХИМИЗМИ

Анаэроб типда нафас олиш микроорганизмлар группасида кенг тарқалған бұлыб, асосан өксидланувчи субстрат сифатыда углевод іва органик қислоталардан фойдаланишга асосланған. Углөводдан фойдаланишда улар аввал парчаланади, бунда иккінчи дараражали ақамиятга зәға бұлған түрли хил ферментлар иштирок этади. Бу парчаланиш давомида өксидланувчи субстрат молекулаларининг водороднинг (уни үз таркибиң бириктириб олувчы) сұнгги акцепторлари күринишида аста-секин қайта тузилиши билан боғлиқ бұлған күпгина оралиқ маҳсулоттар вужудға келади. Ҳар хил типдаги бижғиши процессида өксидланаётган субстрат молекуласининг секин-аста соддалашиб боришининг умумий схемаси қуйида көлтирилған:





Гексоза молекуласининг мана шу схемада кўрсатилгандек секин-аста соддалашиб бориш этаплари фосфофераза, оксоизомераза, дегидрогеназа, фосфоглицеромутаза ва энолаза ферментларининг иштирокига боғлиқ ҳамда бижғиши процессларида бу бир типда боради. Булар орасидаги фарқ фақат пироузум кислотадан бошланади. Сут қислота ҳосил қилувчи гомоферментатив бактериялар ўз ҳужайраларида карбоксилаза ферменти тутмайди ва улар пироузум кислотани сирка альдегид ҳамда карбонат ангидридгача парчалай олмайди. Шунинг учун улар пироузум кислотадан водороднинг сўнгги акцептори сифатида фойдаланади ва уни сут кислотагача қайтаради:



Турушлар ҳосил қиласынан спиртли бижгиш бу процессда бирмунча узоқ давом этади. Бу турушлар үз ұжайрасыда карбоксилаза ферменті тутады ва шунинг учун пироузум кислотаның қуидегі тенгламага муреноған сирек альдегид ҳамда қарбонат ангиридиң парчалайды:



Бундай парчаланишда ҳосил бўлган сирка альдегид уларда водороднинг сўнгги акцептори бўлиб хизмат қиласи:



Муайян шароитда углеводларнинг оксидланиш-қайтарилиш процессида ўзгаришида охирги маҳсулот сифатида этил спирт ва қарбонат анидрид ҳосил бўлади.

Сут кислота ҳосил қылувчи гетероферментатив бактериялар ҳам үз ҳужайраларида карбоксилаза ферменти тутади ва пироузум кислотани сирка альдегид ҳамда карбонат кислотага парчалай олади. Шунинг учун мана шу группа бактериялар культурасида углеводларнинг оксидланиш процессида үзгаришида ҳосил буладиган охирги маҳсулот сифатида сут кислота, этил спирт, сирка кислота ва газлар тұпланади. Газсимон маҳсулоттар ичи-

да молекуляр ҳолда водород ҳам ҳосил булади, чунки оксидланиш процесси вақтида улар шунча күп водород ажратиб чиқады, унинг бир қисми ўзига мувофиқ акцептор топа олмайды ва молекула ҳолида ажралиб чиқади.

Мой кислота ҳосил қильтувчи облигат-анаэроб бактерияларда ҳам нафас олиш процесси худди шундай амалга ошади.


Анаэроб нафас олишнинг барча типларида углеводларнинг оксидланиш-қайтарилиш процессида ўзгиришида охирги маҳсулот сифатида ўзида ортиқча химиявий энергия тутувчи тегишли органик бирикмалар ҳосил бўлганлигидан кам энергия ажралиб чиқади. Буни спиртли бижкиш процесси мисолида ҳам аниқлаш осон. Глюкозанинг спирт ва карбонат ангидридга парчаланишида тахминан 10 — 12 минг кал энергияли иккита макроэргик фосфат боғи ҳосил булади. Энергиянинг мана шу қисмини туршлар ҳужайрасининг ҳаёт фаолияти процессларида фойдаланиш учун яроқли деб ҳисоблаш керак.

3. НИТРАТЛАР ВА СУЛЬФАТЛАР ҚИСЛОРОДИДАН ФОЙДАЛАНИБ АНАЭРОБ НАФАС ОЛИШ ХИМИЗМИ

Водород акцептори сифатида нитратлар ёки сульфатлар кислородидан фойдаланадиган микроорганизмларнинг анаэроб нафас олиши бирмунча мураккаб боради. Денитрификацияловчи ва десульфификацияловчи бактериялар ана шундай хусусиятга эга. Чунки бундай типда нафас олишда оксидланиш-қайтарилиш потенциали анча юқори ($Eh = + 150 mV$) бўлган водород акцепторларидан фойдаланилади, бунда энди оралиқ водород ташувчиларга ҳамда нитратлар ва сульфатларнинг кислородини активлаштирувчи ферментларга эҳтиёж туғилади. Водород ташувчиларга бўлган эҳтиёжнинг сабаби шундаки, биологик системаларда оксидланиш-қайтарилиш потенциали бир-бириникига яқин бўлган моддаларгина узаро осон реакцияга киришади.

Муайян ҳолда оралиқ водород ташувчилар сифатида иккимачи flavиндегидразалар ва баъзи бир дикарбон кислоталардан фойдаланилади. Бундан ташқари, нитратлар ва сульфатлар кислороди ҳам реакцияга киришиши жерак. Бу реакцияни нитратаза ва сульфатаза деб аталадиган алоҳида ферментлар амалга оширади.

Нитратлар ва сульфатлардан водород акцептори сифатида фойдаланилганда оксидланиш процессини қўйидаги схема билан ифодалаш мумкин:




Субстратнинг сульфатлар кислороди ҳисобига оксидланиши десульфофикусияловчи бактериялар, нитратлар кислороди ҳисобига оксидланиши эса денитрификацияловчи бактериялар туфайли амалга ошади.

4. АЭРОБ НАФАС ОЛИШ ХИМИЗМИ

Аэроб нафас олиш анаэроб нафас олишдан шу билан фарқ қиласады, бунда водороднинг сүнгги акцептори сифатида молекуляр кислороддан фойдаланилади. Бунда қайтарилган пиридин дегидрогеназа ва активлаштирилган молекуляр кислороднинг оксидланиш потенциали ўртасидаги фарқ олдингига нисбатан янада юқори ($Eh = + 600 \text{ mV}$) бўлганидан водороднинг дегидрогеназадан ана шу акцепторга кўчишида яна ҳам кўп оралиқ ташувчилар иштирок этади.

Ферментлар түпламига күра, аэроб нафас олиш бир қанча кенжә типларга бўлинади. Баъзи микроорганизмларда оксидловчи ферментлар түплами унча кўп бўлмайди ва субстратни оксидлаш механизми нисбатан содда. Бу хилдаги формаларга, масалан, оксидазалари асосан пероксидаза формасида учрайдиган бир қанча аэроб микроорганизмларни киритиш мумкин. Бундай ҳолда чиқиб кетган водород бир қанча оралиқ ташувчилар орқали кислородга ўтади ва кислород билан то водород пероксидгача оксидланади. Водород пероксид эса специфик субстратнинг оксидланиши учунгина сарфланади. Бошқа организмлар ҳужайраларида узида гемин ферменти ва цитохромлар тутувчи тўлиқ нафас олиш системаси бўлади. Тамомила табийки, муайян ҳолда субстрат водородининг оксидланиш процесси бирмунча мураккаб бўлади ва бир қанча оралиқ звенолар орқали куйидаги схемага мувофиқ ўтади:



Мазкур ҳолатда оралық водород ташувчиларнинг иштирок этиши нитратларнинг кислородидан фойдаланиб нафас олишдаги каби зарурият туфайли туғилади, лекин оксидланиш потенциал-лари ўртасида жуда кескин фарқ бор.

Чиқиб кетган водороднинг реакцияга киришаётган система-лар оксидланиш-қайтарилиш потенциалининг аста-секин яқинла-шиши билан бир оралиқ ташувчидан иккиминчисига ўтиш изчилигини қўйидагича тасвирлаш (ифодалаш) мумкин: водород пиридин дегидрогеназадан биринчи оралиқ ташувчига, яъни оксалат-сирқа кислотага узатилади. У водороднинг иккита ато-мини қабул қилиб, олма кислотага айланади:



Олма кислота \rightleftharpoons оксалат-сирка кислота системасининг оксидланиш-қайтарилиш потенциали $Eh = -160 \text{ mv}$ га тенг.

Кейин водород биринчи оралиқ ташувчидан оксидланиш-қайтарилиш потенциали $Eh = -60 \text{ mv}$ га яқин бўлган флавин дегидрогеназаларга берилади. Флавин дегидрогеназалардан водород яна оксидланиш потенциали бирмунча юқори бўлган иккинчи оралиқ ташувчига ўтади. Оксидланиш процессининг бу звеносида ана шундай ташувчи сифатида фумар кислота, глютатион, цистин, аскорбин кислота ва бошқа бирикмалар фойдаланиши мумкин. Мазкур системаларнинг оксидланиш-қайтарилиш потенциали қўйидаги катталиқда: фумар кислота \rightleftharpoons қажрабо кислота ($Eh = +15 \text{ mv}$), глютатион (потенциали $2\text{GSH} = -\text{GS} - \text{SG} = Eh + 60 \text{ mv}$), цистин = цистеин ($Eh = +80 \text{ mv}$), аскорбин кислота = дегидроаскорбин кислота ($Eh = +80 \text{ mv}$) булади. Водород фақат мана шу оралиқ ташувчилардан потенциали $Eh = +260 \text{ mv}$ га тенг бўлган цитохромга берилиши ва кейин гемин ферменти (потенциали $Eh = 550, +600 \text{ mv}$) томонидан активлаштирилган молекуляр кислород билан сувгача оксидланиши мумкин. Мана шу босқичда оксидланиш процесси тугалланади ва водород тўлиқ сувга айланади. Оксидланиш процессининг бундай борзиши химиявий энергиянинг оз-оздан ажралиб чиқишини ва ундан бирмунча тўлиқ эмас, балки микроорганизмлар ҳаёт фаолиятининг турли процессларида ҳам фойдаланиш имконини беради. Водороднинг сунгги акцептори сифатида молекуляр кислороддан фойдаланилганда субстрат оксидланишининг асосий йўли ана шундай бўлса керак. Бу процессининг тезлиги фақат дегидрогеназа ва оксидаза ферментларининг активлигига эмас, балки ҳужайра протоплазмасида тегишли оралиқ водород ва кислород ташувчиларнинг мавжудлигига ҳам боғлиқ. Бу ташувчилар фақат активлаштирилган водород ва молекула ҳолидаги активлаштирилган кислороднинг оксидланиш-қайтарилиш потенциалини секинаста яқинлаштирибина қолмай, балки анча муҳим бўлган иккинчи функцияни ҳам бажаради, яъни улар дегидрогеназа ва оксидазалар орасидаги фазовий узилишни йўқотади. Бу ферментлар протоплазма структураси билан мустаҳкам боғлиқ, деб ҳозирги вақтда аниқ айтиш мумкин. Улар протоплазманинг маълум структура юзасига бириккан бўлади ёки, биз учун тўғрироғи, мана шу структуранинг субмикроскопик бўлаги ҳисобланади. Бу ферментларнинг фақат простетик группаларигина бирмунча эркин бўлади ва протоплазманинг субмикроскопик структурасига кирувчигоҳ у, гоҳ бу коллоид ташувчи билан борланиши мумкин. Ҳужайра протоплазмасида дегидрогеназа ва оксидазанинг бундай локализациясида бўмоддалар орасида ҳамма вақт фазовий узилиш бўлиши мумкин. Бундай узилишни, дегидрогеназалар ҳужайранинг бир томонига, оксидазалар эса иккинчи томонига маҳкамланиб олган, деб тушуниш керак эмас.

Протоплазма ҳар хил (гетероген) булганда улар ҳатто ёнма-ён жойлашиши мумкин, шунда ҳам бевосита бир-бири билан боғланмайды ҳамда бевосита ўзаро таъсиралиши учун ҳам имканият бўлмайди. Бундай фазовий узилишни фақат протоплазма структураси билан боғлиқ бўлмаган ва протоплазма массасида кенг тарқалиб кетган (эркин) оралиқ ташувчилар ёрдамидагина йўқотиш мумкин. Юқорида қайд қилинган барча оралиқ ташувчилар бундай талабга жавоб беради. Улар иккита водород атомини биритириб олиб, протоплазма структураси билан боғлиқ бўлмаган тегишли кислоталарга айланади ва ҳужайранинг ҳамма қисмида эркин айланиб юриб, бу кислоталарни ҳужайранинг қайтадан водородни биритириб олиб, уларни кейинги ўзгариш циклига киритувчи тегишли дегидрогеназалар мавжуд бўлган қисмига олиб бориши мумкин. Бу фикрни исботловчи оддий мисолни олиб кўрайлик. Пиридин ва flavin дегидрогеназаларнинг оксидланиш-қайтарилиш потенциали турлича бўлганлигидан улар протоплазманинг ҳар хил структура сиртларига бириккан. Булар орасида бевосита алоқа йўқ ва активлашган водороднинг пиридин дегидрогеназадан flavin дегидрогеназага ўтиши жуда қийин. Оксидланётган субстратнинг молекуласи пиридин дегидрогеназа зонасига ўтиб, дегидрогенланса, юқорида айтилган дегидрогеназалар ўртасида боғланиш бўлмаслиги туфайли чиқиб кетган водород биринчи дегидрогеназадан иккинчисига ўта олмайди. Агар пиридин дегидрогеназа мавжуд қисмга оксалат-сирка кислота молекуласи тарқалса, у пиридин дегидрогеназадан водородни қабул қилиб олиб, олма кислотага айланиши мумкин. Олма кислота, ўз навбатида, протоплазманинг ҳамма қисмига тарқала бошлайди ва, хусусан, flavin дегидрогеназа жойлашган қисмига ўтади. Flavin дегидрогеназа олма кислотадан водородни тортиб олиб, уни қайтадан оксалат-сирка кислотага айлантиради ва бу кислота қайтадан юқоридаги циклни такрорлайди. Бу ўзгаришлар натижасида субстратнинг чиқиб кетган водороди бир дегидрогеназадан иккинчи дегидрогеназага (булар орасида тўғридан-тўғри боғланиш бўлмаслигига қарамасдан) ўтиб кетган бўлади. Водороднинг бундай йўллар билан ўтиб туриши, тирик протоплазманинг гетероген системаси учун, шубҳасиз, жуда муҳим аҳамиятга эга ва тирик ҳужайрада бўладиган оксидланиш процессларини текширишда бу тўлиқ ҳисобга олиниши керак. Оралиқ электрон ташувчилар ҳам худди шундай аҳамиятга эга, буларга, масалан, цитохромларнинг бутун группасини киритиш мумкин.

Баён этилганлардан маълумки, фазовий кўчирувчилар оксидланиш процессларида жуда катта роль ўйнайди. Ҳар қандай дегидрогеназа, агар протоплазма суюқлигига тегишли оралиқ ташувчилар бўлса, водородини кейинги оксидловчи звенога бера олади. Бунинг натижасида фақат оксидланиш реакцияси тезлиги ортмасдан, балки фақат маълум донатордан маълум акцеп-

торга водород бериш имконияти ҳам пайдо булади. Оралиқ водород ташувчилар бу функциялардан ташқари яна бир мұхим функцияни бажаради: улар оксидланиш натижасыда ажраладиган химиявий энергиянинг макроэргик фосфат бсглар шаклида түпланишига имкон беради, бу туғрида қўйида мукаммал тухталиб ўтамиз.


5. ОКСИДЛАНИШ ПРОЦЕССЛАРИДА АЖРАЛИБ ЧИҚАДИГАН ЭНЕРГИЯНИНГ ТҮПЛАНИШИ ВА САРФЛАНИШИ

Оксидланиш процессида анчагина химиявий энергия ажралиб чиқади. Бу энергия организм ҳаёт фаолиятида турли хил процесслар учун сарфланади. Шунинг учун, бу энергиянинг вақтинча түпланишининг химиявий механизми қандай булади, деган табиий савол туғилади. Лекин бу процесснинг айрим деталлари ҳал бўлган, деб ҳисобланса ҳам, юқоридаги саволга ҳалигача узил-кесил жавоб топилганича йўқ. Ҳужайрада энергия ажралиб чиқиши ҳамда энергия сарфланиши реакцияларида иштирок этадиган бирикмалар бўлган тақдирдагина, оксидланиш реакциясида ажралиб чиқадиган энергия тирик ҳужайра томонидан фойдаланишига ҳозир ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бу факт қўйидаги тажриба маълумотлари асосида аниқланган, деб ҳисоблаш мумкин. Агар *Thiobacterium thiooxidans* олтингугуртни карбонат кислота иштирокисиз оксидласа, сўнгра олтингугурт оксидланмайдиган мұхитга (азот атмосферасига) қўйилса, бунда мазкур бактерия бир қанча вақтгача олтингугуртни оксидламаган ҳолда карбонат ангидридни ўзлаштиради. Буни шу билан тушунтириш мумкини, унинг оксидланишида ҳосил бўлган энергияни ҳужайра вақтинча тўплайди, сўнгра эса карбонат ангидридни ўзлаштиришда ундан фойдаланади. Мана шунга асосланиб, энергия ажралиб чиқадиган ва энергия қабул қилинадиган барча реакцияларда энергияни вақтинча туплаш функциясини бажарувчи бирор химиявий воситачи иштирок этишига ишонч ҳосил қилиш керак. Фосфорнинг бир қанча органик бирикмалари оксидланиш процессларида ажралиб чиқадиган энергияни туплаш қобилиятига эга эканлигини Липман (1941) исботлаган; бироқ уларнинг жуда кўпчилиги сувли эритмада ҳаддан ташқари беқарордир. Фақат аденоцитрифосфат кислотагина анча барқарор бўлади ва унинг ўзи энергияни вақтинча туплаш функциясини бажаради.

Аденоцитрифосфат кислота водороднинг оксидланиши билан бирга борадиган ҳар қандай дегидрогенланишда синтезланиши мумкин, бироқ энергиянинг реакциянинг бир компонентидан иккинчи компонентига берилшининг химиявий механизми фақат турушларнинг З-фосфоглицерин альдегидни З-фосфоглицерин кислотагача оксидлаши мисолида яхши ўрганилган. Тажрибалар бу процесс анча мураккаб ўтишини ва цитохром системалар иш-


тирокига боғлиқлигини курсатди. Дастьлаб, юқорида курсатилғандек, 3-фосфоглицерин альдегид анорганик фосфатни бириктириб олади ва 1, 3-дифосфоглицерин альдегидга айланади. Бу альдегиддининг фосфатланган шакли дегидрогенланади ва ундан уз молекуласида макроэргик фосфат боғлари тутувчи 1, 3-дифосфоглицерин кислота ҳосил булади. Мана шундан кейингина макроэргик боғлар аденоzinidifosfat кислотага үтади ва уни аденоzintrifosfat кислотага айлантиради.

Оксидланаётган субстратга анорганик фосфат молекуласиning кириши ва макроэргик фосфат боғларининг ҳосил булиши ҳамда дегидрогенланишнинг бошقا процесслари ҳам худди шундай боради. Ҳозир маълум бўлишича, бу боғлар бир неча типда бўлиши мумкин. Ҳужайрадаги моддалар алмашинуvida аденоzintrifosfat кислота типидаги бирикмалар энг муҳим аҳамиятга эга. Аденоzintrifosfatнинг структура формуласи қўйидагича:




Ҳар бир макроэргик фосфат боғи тахминан 10 — 12 минг калория қийматига тенг. Бу боғ бир қанча фосфор-органик бирикмалар қатори учун бир хил аҳамиятга эга бўлганлигидан булар орасида $\sim \text{PO}_3\text{H}_2$ группаси алмашинадиган турли хил реакциялар содир булиши мумкин.

Фосфат боғларида тўпланган энергия кейинчалик турли хил синтетик процессларда ҳар хил йўл билан иштирок этади. Буларнинг иккитаси: 1) реакцияга киришувчи моддалар фосфат группировкасининг аденоzintrifosfat кислотадан узатилиши ҳисобига фосфатланиши ва 2) ферментсубстрат комплексининг худди шу аденоzintrifosfat кислота иштирокида дастьлабки синтезланиши энг муҳим аҳамиятга эга. Узаро таъсирнинг биринчи типини қўйидаги схема билан ифодалаш мумкин:



Иккинчи ҳолда құйидаги үзаро таъсир булади:



Бу үзаро таъсирлар натижасыда термодинамика жиғатдан мүмкін бўлмаган реакция амалга ошадиган бўлиб қолади ва ўз-ўзидан содир бўлади.

Химиявий энергия энг тежамли сарфланиши учун у оксидланаётган субстратдан кам-камдан кетма-кет ажралиб туриши керак. Бу кетма-кетлик ҳақиқатда ҳам амалга ошади, чунки оксидланиш процесси турли хил оралиқ реакцияларнинг ўтишига боғлиқ.

Оксидланиш натижасыда ҳосил бўлган макроэргик фосфат боғлари формасидаги бир-бирига қушилиб кетган энергия жуда кўп чиқишига қарамасдан, унинг кўп қисми иссиқлик ҳолатида йўқолади. Агар иссиқлик чиқиб кетмаслиги учун культура яхшилаб бекитилган идишларда ўстирилса, буни осон кузатиш мүмкін. Бунда идишлар ичидағи температура секин-аста кутарилади. Микроорганизмлар нафас олганда чиқадиган иссиқлик ҳисобига чириётган органик материаллар уюмida ҳам (гўнг, ахлат, ҳўл пичан ғарами ва бошқа материалларда) температура кутарилади. Температура дастлаб оддий мезофил бактерияларнинг физиологик фаолияти туфайли ($40-50^\circ$ гача), кейин эса термофил бактерияларнинг ривожланиши ҳисобига ($60-70^\circ$ гача) кутарилади. Бу бактериялар тупроқда, гўнгда ва органик моддалар тўплами жуда тез парчаланаётган бошқа жойларда кенг тарқалган. Органик қолдиқларнинг ўз-ўзидан қизиб кетиши ҳамма вақт мезофил ва термофил бактериялар ҳаёт фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Бу ҳақда құйидаги тажрибадан хулоса чиқариш мүмкін: нам пичаннинг ўз-ўзидан 70° гача қизиши учун унга фақат иккита бактерия: *Bact. coli* ва *Bac. calfactor* (минимуми 30° га ва максимуми 60° га яқин термофил бактерия) аралашмасини юқтириш кифоя.

Ўз-ўзидан қизишининг сунгги стадияси ҳатто ёниб кетишдир. 80° дан юқори температурада борадиган процесслар, албатта, микроблар ҳаёт фаолияти билан боғлиқ булмай, соғ химиявий процесслар ҳисобланади. Бу химиявий процессларда аввал қуруқ ҳайдаш йули билан ёнувчи газлар ҳосил бўлади, сунгра эса оксидланишнинг каталитик процесслари натижасыда бу газлар алангаланиб кетади. Ердан кесиб олинган торфнинг ўз-ўзидан ёниб кетиши ҳоллари куп учрайди, шунинг учун унга қарши ку-

раш чораларини топиш биринчи даражали аҳамиятга эга. Ўз-ўзидан қизиётган уюмга жуда күп кислород кириши, одатда, аллангаланиши тезлаштиради. Бу шуни курсатадики, мазкур ҳодиса асосида, эҳтимол, темирнинг каталитик иштироки билан боғлиқ бўлган оксидланиш процесси ётади.

Кўп микроблар энергиянинг бир қисмини иссиқлик шаклида йўқотиши билан бирга, эҳтимол, ёруғлик шаклида ҳам йўқотади. Нур сочувчи организмларнинг барча группаси мана шу хусусиятга эга. Бунга бактериялардан ташқари, баъзи замбуруглар ва ҳайвонлар ҳам киради. Нур сочувчи бактериялар асосан аэроб организмларга киради ва уларнинг нур сочиши ҳар доим эркин кислороднинг мавжудлигига боғлиқ. Бу бактериялар кўпчилигининг NaCl га талаби катта, бу эса уларнинг денгизда яшовчи бактериялардан келиб чиқсанлигини курсатади. Буларнинг ҳаммаси кескин фарқ қўйувчи пептон бактериялар типига киради ва баъзилари ҳатто оқсилларда ҳам ўса олмайди. Бу бактерияларнинг нур сочиши улар танасида кислород билан интенсив оксидлана оладиган алоҳида фотоген моддаларнинг ҳосил бўлишига боғлиқ.

6. МИКРОБЛАР ҲУЖАЙРАСИ ПРОТОПЛАЗМАСИДАГИ МУҲИМ ОРГАНИК БИРИКМАЛАР БИОСИНТЕЗИНинг ХИМИЗМИ

Микроб ҳужайрасига кирган озиқ моддалар унда мураккаб биохимиявий ўзгаришларга учрайди, бу икки хил амалга ошади: озиқ моддаларнинг бир қисми тегишлича қайта ишлангандан кейин, микроорганизм ҳужайра моддаси таркибига кирувчи мураккаб органик бирикмалар синтези учун сарфланади, иккинчи қисми эса нафас олиш процессида бирмунча оддий бирикмаларгача (карбонат ангидрид ва сувгача) оксидланади ва ҳужайрандан ташқи муҳитга чиқариб юборилади.

Агар микроорганизм учун бир вақтнинг ўзида ҳам углерод, ҳам энергия манбаи бўлиб хизмат қўйувчи органик бирикмалар мана шундай ўзгарса, юқорида курсатилган икки процесс ўтасидаги миқдорий нисбат микроорганизмнинг хусусиятига ва унинг ривожланиш шароитига боғлиқ ҳолда жуда кўп ўзгариши мумкин. Масалан, *Torula utilis* культурасида фойдаланилган глюкозанинг 70% га яқини ҳужайра моддасининг синтези учун сарфлангани, 30% га яқини эса карбонат ангидридгача оксидланганлиги аниқланган.


А. Аминокислоталар ва оқсил моддалар биосинтези

Оқсил синтези учун турли хил аминокислоталар талаб қилинади, булар эса ўз навбатида, микроорганизмлар ҳужайрасида аммиак билан тегишли кетокислоталарнинг ўзаро таъсири

натижасида ҳосил булади. Бу узаро таъсир аминланиш деб аталади ва қуйидаги схемага мувофиқ боради:



Оксалат-сирка кислота ва α -кетоглютар кислота типидаги дикарбон кетокислоталар айниқса осон аминланади, улар кейин қуйидаги умумий схемага мувофиқ амалга ошадиган қайта аминланиш процессида иштирок этиши мумкин:



Бу реакциянинг бориши давомида аминогруппанинг кучиши аминоферазалар ёки трансаминалар деб атала-диган ферментлар ёрдамида амалга ошади.


Куп бактерияларда (*Bact. coli*, *Agrobacter*, *Streptococcus* ва бошқалар) қайта аминланиш қобилияти борлиги аниқланган, лекин бирмунча батафсил текширишлар мазкур процесснинг активлиги муҳитда пиридоксал ва пиридоксаминнинг мавжудлигига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Мана шунга асосланиб, мазкур бирикмалар қайта аминланиш процессида аминогруппани ташиб функциясини бажаради, деб тахмин қилинади (Снелл, 1945).

Кейинчалик бактерияларнинг қуритилган препаратлари ёрдамида турли хил аминокислоталар аминогруппа ҳосил қилувчи донатор эканлиги аниқланди. Бу аминокислоталарга аспарагин кислота, валин, лейцин, триптофан, тирозин, фенилаланин, метионин ва бошқаларни киритиш мумкин. Бироқ қайта аминланишнинг биосинтетик функцияси ҳужайранинг умумий метаболизмида ҳали ҳам етарлича аниқланмаган ва, эҳтимол, аввал тахмин қилинганга нисбатан кам аҳамиятга эга.

Аминланиш ва қайта аминланиш процесси давомида α -аминокислоталар ҳосил бўлади. Оқсилли моддаларда эса ҳамма вақт α -аминокислоталар билан бирга ўз таркибида қўшимча азот ёки олтингугурт атомлари тутувчи аминокислоталар ҳам бўлади. Масалан, триптофан, аргинин, лизин, цистин ва бошқалар ана шундай кислоталардир. Бу аминокислоталар анча мурракаб йўл билан синтезланади.

Аминокислоталардан кейин оқсил моддалар синтезланади. Турли хил аминокислоталар амин ва карбоксил группалар ёрдамида ўзаро таъсирлашади. Бу ўзаро таъсир натижасида

дипептидлар, сунгра полипептидлар ва оқсил моддалар ҳосил булади:



Ҳосил булган полипептидларнинг ён занжирларида жойлашган турли хил радикаллар ($\text{R}, \text{R}_1, \text{R}_2$ ва бошқалар) уларга тегишли реактивлик хусусият беради.

Ён занжирларида қандай группалар жойлашганлигига қараб, полипептидлар ҳар хил хусусиятга эга булади. Агар ён занжирларидаmonoаминокислоталарнинг диаминокислоталар билан ўзаро таъсири натижасида ажралиб қолган эркин — NH_2 группа лар булса, ҳосил булган полипептид ишқор хусусиятига, дикарбон аминокислоталар синтези процессида иштирок этиш ҳисобига эркин карбоксил группалар қолса, ҳосил бўлган полипептид кислота хусусиятига эга булади. Юқорида қайд қилинган барча синтез процессларида энергия сарфланади (эндотермик реакция), бунда микроб ҳужайралари протоплазмасида бу процесс билан боғлиқ ҳолда турли хил оксидланиш процесслари амалга ошади. Бунда организмга кирган озиқ моддалар ва протоплазманинг баъзи структура элементлари оксидланиб, карбонат ангирид ва сувга ўхшаш оддий моддаларга айланади. Мана шулар организмни синтез процесси учун ҳамда протоплазмани актив, ҳолатда тутиб туриш учун зарур энергия билан таъминлайди.


Энергиянинг бир процесдан иккинчи процессга узатилишида одатда ўз молекуласида макроэргик фосфат боғлари тутувчи органик бирикмалар (аденозинтрифосфат кислота) оралиқ ташувчи сифатида хизмат қиласиди. Бу боғлар энергияси осон ажралиб чиқади ва синтез процесслари учун фойдаланилиши мумкин.

Микроорганизмлар томонидан доим синтезланадиган бошқа азот тутувчи бирикмаларга таркибида пурин ва пиридин типдаги органик асослар, пентоза (*d*-рибоза) ва фосфат кислота бўлган нуклеин кислотани курсатиш керак. Бу бирикмалардан нуклеотидлар ҳосил бўлади. Нуклеотидлар фақат нуклеин кислота таркибига эмас, балки бир қанча ферментларнинг простетик группаси таркибига ҳам киради.

Б. Липоидлар ва уларга яқин бирикмалар биосинтези

Липоидлар синтезланиши учун юқори молекуляр ёғ кислоталар ва спиртлар (глицерин ва бошқалар) зарур. Бу ёки бошқа бирикмалар углеводлардан осонгина ҳосил бўлади. Бироқ микроорганизм, масалан, бирдан-бир углерод манбаси сифатида сирка кислота тузларида ўсса, у келиб чиқиши жиҳатидан углерод билан боғлиқ бўлмаган маҳсулотлардан ҳам шу бирикмаларни синтезлаши мумкин. Углеводлардан глицерин ҳосил бўлиш про-

цесси етарлича тұлиқ аниқланган, деб ҳисоблаш мүмкін ва у күйдегі умумий схемага мувофиқ боради:




Келтирилған реакциялар цикли асосида, углеводлардан глицерин бирмунча осон ва нисбатан оддий усулда ҳосил бўлиши осон аниқланган. Юқори молекуляр ёғ кислоталар ҳосил бўлиши бирмунча мураккаб процесидir.

Бу проблемани ўрганишнинг дастлабки этапларида, ёғ кислоталар углеводларнинг конденсацияланиши ва кейин улар гидроксил группаларининг қайтарилиши ҳисобига ҳосил булади, деб тахмин қилинган эди. Бироқ ҳозирги вақтда бундай тахмин хотуғри бўлиб чиқди, чунки у тажрибада аниқланган фактларга мувофиқ келмайди. Бир қанча микроорганизмлар ёғ кислоталарни углеводлар парчаланишининг сирка альдегид ёки сирка кислота каби маҳсулотларидан синтез қилиши углерод изотоплари ёрдамида исботланган. Уларнинг мана шундай усулда синтезланишини қўйидаги фактлар курсатиб турибди: 1) таркибида шакар бўлмаган оқсилли муҳитга сирка альдегид қушилса, ёғ ҳосил бўлиши доим тезлашади; 2) углеводлардан ёғ ҳосил бўлишида, одатда, жуда кўп карбонат ангидрид ажралиб чиқади, бу эса мазкур процесда пироузум кислота иштирок этганлигини курсатади. Пироузум кислотанинг декарбоксилланиши кўп карбонат ангидрид ҳосил бўлиши учун база бўлиб хизмат қиласи; 3) сирка альдегиднинг сульфитлар билан боғланиши микроорганизм танасида ёғ миқдорининг албатта камайиб кетишига олиб келади. Буларнинг ҳаммаси сирка альдегид билан сирка кислота ёғлар синтезида бевосита иштирок этишини кўрсатади.

Ҳозир юқори молекуляр ёғ кислоталарнинг синтезланиши прөцесси ацетилфосфат иштироки билан амалга ошиши аниқланган. Ацетилфосфат реакцияга киришувчи системага фақат сирка кислотанинг метил группасинигина эмас, балки макроэрек фосфат боғлари энергиясини ҳам олиб келади.

Бу процесни қўйидаги реакциялар цикли билан ифодалаш мүмкін:



Углерод занжирининг ана шундай узайиш процесси яна давом этиши мүмкін ва натижада юқори молекуляр ёғ кислоталар ҳосил булади.

Глицерин ёки бошқа спирт билан юқори молекуляр ёғ кислоталарнинг кейинги үзаро таъсири (липаза ферменти иштирокида) натижасида ҳар хил типдаги ёғлар ва уларга яқин бўлган бирикмалар ҳосил бўлади:



Микроорганизмларнинг ҳужайра моддаси таркибига кирувчи органик бирикмалар мазкур группасининг синтези ана шу билан туглланади.

Микроорганизмлар ҳужайра моддасининг энг муҳим компонентлари биосинтезининг асосий йули ана шундайдир. Бу мураккаб процессларнинг кўпгина деталлари ҳанузгача етарлича аниқланмаган, лекин фаннинг жуда тез ривожланиши бу масалаларни ҳам яқин келажакда ҳал қилиш имкониятини беради.

VII б о б

МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ВА РИВОЖЛANIШИГА ТАШҚИ ФАКТОРЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Микроорганизмларнинг ривожланиши ва ҳаёт фаолиятининг тезлиги теварак-атроф муҳити билан чамбарчас боғлиқ. Мана шу шароит мазкур микроорганизм учун қанча қулай бўлса, у шунча тез ривожланади ва шу билан унинг ҳаёт фаолияти шунча юқори бўлади.

Ташқи муҳитнинг ҳар бир факторига бўлган муносабатига кура, микроорганизмларнинг ривожланиш тезлигини белгиловчи учта кардинал нуқта олиш мумкин. Агар мазкур факторнинг таъсири минимумига етса, микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти жуда секин боради. Бу факторнинг таъсири ортиб, оптимумгacha кутарилса, микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти жуда тез боради. Кейин факторнинг кучи максимумга кутарилса, микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти бутунлай тұхтайди.

Ташқи муҳитнинг микроорганизмлар ривожланишига катта таъсир қылувчи ҳамма факторларини учта асосий группага: 1) физик, 2) химиявий ва 3) биологик группага бўлиш мумкин. Физик факторлардан — намлик, сувда эриган моддалар концентрацияси, температура ва ёруғлик; химиявий факторлардан — муҳит реакцияси ва ундаги оксидланиш-қайтарилиш шароити; биологик факторлардан эса биологик актив моддалар (антибиотиклар, витаминлар ва бошқалар) энг муҳим аҳамиятга эга.

1. НАМНИНГ ТАЪСИРИ

Микроб ҳужайрасининг 85% и сувдан иборат ва унинг барча ҳаёт фаолияти ҳам мұхитда нам бўлишига боғлиқ. Кўп озиқ моддалар аввал сувда эримасдан ҳужайра ичига кира олмайди ва, натижада, ҳужайра яшай олмайди. Намнинг бўлиши микробларнинг ўсиш стадиясидаги вегетатив ҳужайралари (улар орасида бу соҳада бирмунча фарқ бўлса ҳам) айниқса катта таъсир қиласиди. Микробларнинг баъзилари нам етишмаслигига ёмон чидайди, бошқалари эса, аксинча, анча чидамли бўлиб, қуриган ҳолатда ҳам узоқ вақтгача сақланиши мумкин. Ниҳоят, учинчи хил микроблар қуриган ҳолда ҳаётчанлигини ҳатто ўн йилгача сақлаши мумкин. Бактериялар ва турли хил замбуруғларнинг споралари янада чидамли бўлади. Улар қуриган ҳолда бир неча ўн йиллаб сақланиши мумкин. Бироқ турли микроорганизмларнинг вегетатив ҳужайралари қуруқликка қанчалик чидамли бўлмасин, қуриган ҳолда улар фаолиятсиздир, намликтинг булмаслиги уларнинг озиқланишига түсқинлик қиласиди, шундай экан, улар ўスマйди ва ривожланмайди. Бундай ҳолатда улар фақат сезиларли ҳаёт фаолиятисиз сақланади. Шунинг учун тупроқда, ундаги намнинг миқдорига қараб, турли хил микроорганизмларнинг ривожланиш тезлиги жуда ўзгариб туради. Ерда умумий нам сифимининг 60% ига яқин нам бўлгандағина микроорганизмлар учун энг қулай шароит яратилади. Бундай шароитда ҳатто, энг намсевар микроорганизмлар ҳам, бошқа шароит тусқинлик қилмаса, жуда тез ривожланади. Энг намсевар тупроқ бактериялари қаторига, жумладан, азот тўпловчи (азотобактер ва тугунак бактериялари) бактериялар киради, лекин улар учун ҳам энг қулай шароит тупроқ умумий нам сифимининг 46—80% ўртасида бўлади.

Ернинг нам билан қанчалик таъминланганлигига кўра, ундаги умумий микробиологик активлик катта узгаришларга учрайди. Фақат нам етарли бўлгандағина микробиологик активлик максимумгача кўтарилади ва ердаги биохимиявий процесслар жуда тез бориши мумкин. Нам етишмаганда микробиологик активликнинг доимо пасайиб кетиши кузатилади, ер қатқалоқ бўлганда эса бундай процесслар бутунлай тўхтайди.

Маҳсулотлар қуритиб сақланганда ҳам худди шундай ҳолат юз беради. Қуритилган балиқ, гүшт, сабзавот ва меваларда етарли миқдорда нам бўлмаганлигидан микроорганизмлар озиқлана олмайди ва, натижада, бу маҳсулотлар бузилмайди. Нам етишмаганда микроб ҳужайраси суюқлиги билан уни ўраб турган ташқи мұхитнинг осмотик босими ўртасидаги фарқ йўқолади ва у озиқлана олмайди.

Ҳар бир маҳсулотнинг критик намлиги бўлиб, бунда микроорганизмлар ривожланишдан тўхтайди. Бу микроорганизмлар ўзлаштира олмайдиган «боғланган» сувнинг миқдорига боғлиқ.

Шуни эсда тутиш керакки, бактериялар фақат етарлича нам бўлган мөддаларда ўса олади, морор замбуруғлари эса жуда оз миқдордаги нам билан ҳам қаноатланади. Бу, кўп замбуруғлар ҳужайраларидаги осмотик босимнинг бактерия ҳужайрала-ридагига нисбатан анча юқори бўлишига боғлиқ (қўйига қа-ранг).

Қуритилган маҳсулотлар устидаги бактерия ва замбуруғларнинг кўпі узоқ вақтгача, айримлари ун ва ундан ортиқ йил-гача сақланади. Шунинг учун қуритилган маҳсулотларнинг ҳар қандай намланиши билан микробиологик фаолият тез активлашади ва маҳсулот тез бузилади. Купинча мевалар, сабзавотлар, замбуруғлар, балиқ, гушт ва баъзан тухум, сут ҳамда бошқа баъзи маҳсулотлар қуритилади. Ўз-узидан маълумки, дон, ун, крупа (ёрма), макарон маҳсулотлар, қуритилган нон ва бошқа баъзи маҳсулотлар ҳам қуритилган ҳолда сақланади. Қуритилган маҳсулотлардаги бактериялар сони турлича бўлиши мумкин ва бу маҳсулотнинг турига ҳамда уни сақлаш усулига боғлиқ. Қуритилган бир грамм балиқда бир неча миллион, шунча қуритилган сабзавотда эса кўпинча, ҳатто, бир неча ўн миллион бактерия бўлиши мумкин.

2. СУВДА ЭРИГАН МОДДАЛАР КОНЦЕНТРАЦИЯСИННИГ ТАЪСИРИ

Эритмадаги турли хил моддаларнинг концентрацияси ҳам микроорганизмларнинг ривожланишига катта таъсир этади. Уларнинг юқори концентрацияси ҳужайра атрофида физиологик қуруқлик ҳосил қиласди, чунки бунда сув (булса ҳам) микроорганизм ҳужайраси ичига кира олмайди. Уларнинг ҳужайралари сувини чиқариб, плазмолизга учрай бошлайди ва озиқ моддалар ҳужайра ичига кира олмаганинигидан ташқи муҳит билан нормал модда алмашинув тўхтайди. Бироқ эритмадаги тузларнинг юқори концентрацияси микроорганизмларни тез нобуд қилмайди. Микроорганизмлар ҳужайраларининг протоплазмаси юқори ўтказувчаникка эга бўлганлигидан, улар ташқи муҳитдаги осмотик босимнинг ўзгаришига мослашиши мумкин. Мана шундай шароитда ҳужайра суюқлигида, ҳатто минерал тузлар (агар улар ҳужайрага кирса) ёки протоплазма ортиқча моддаларининг гидролизланиши ҳисобига ҳосил бўлган осмотик актив моддалар тўпланиши мумкин. Бунда ҳатто, микроорганизмларнинг осморегуляцияга бўлган алоҳида лаёқати ҳақида ҳам гапириш мумкин.

Микроорганизмларнинг ҳужайра суюқлигида тузлар илжин борича кўп тўпланганлигидан унинг осмотик босими баъзан жуда юқори кўтарилиб кетиши мумкин. Адабиётда мавжуд маълумотларга кура (Е. Мишустин), турли хил микроорганизмларда ҳужайра суюқлиги осмотик босимнинг максимал ўлчами

қүйидаги катталика: мөғор замбуруғларыда 220 атм га, түрлөк бактерияларыда 50—80 атм га тенг бұлади. Құрғоқчилик районларыда түрлөк эритмасининг осмотик активиги, ұдатто 80 атм га етганды ҳам аммонификация процесслари бўлиши мумкинлиги, эҳтимол, шу билан исботланади. Бироқ ҳамма микроорганизмлар ҳам шунчалик юқори осмотик босимга бир хил осонликда мослаша олмайди. Масалан, Урта Осиёning баъзи шўрхок ерларидаги нитрификацияловчи бактериялар энди нитрификация процессини амалга ошира олмайди.

Тузлар юқори концентрациясининг фаолиятни тұхтатувчи таъсиридан одам амалда ҳам фойдалана бошлади. Үнга асосланып, күргина озиқ маҳсулотлари (балиқ ва гүшт) NaCl нинг кучли эритмасида консерваланади. Құп чиритувчи бактериялар (*Proteus vulgaris*, *Bac. mesentericus*) жуда сезгир булиб, NaCl нинг 5—10% ли эритмасида ёк ривожланишдан тұхтайди. Бунга асосан тузнинг 5—10% концентрациялы эритмаси баъзи маҳсулотларни консервалаш учун етарли бұлар эди, лекин амалда анча ишончли натижага әришиш учун кучли концентрациялы эритмалар ишлатилади. Гүшт 30% ли, балиқ эса 20% ли NaCl билан тузланади. Құп маҳсулотлар (гүшт ва балиқ) туз эритмаси билан ёки қуруқ тузнинг ўзи билан тузланади. Биринчи усульда маҳсулотлар ош тузнинг маълум концентрациялы эритмаси билан ишланади, иккінчи усульда эса улар идишга жойланады: ганды қуруқ туз сепиб ишқаланади. Консервалашдаги бу усулнинг асоси шундан иборатки, тузнинг кучли эритмалари юқори осмотик босимга эга ва бактериялар танаси атрофида физиологик қуруқлик ҳосил этиб, құп чиритувчи бактерияларнинг ривожланишига йул қўймайди.

Бактерия ва замбуруғлар ҳужайраси суюқлигининг осмотик активиги ташқи эритманиң осмотик активигидан паст бұлади, бу эса бактерия ҳужайраларини плазмолизга олиб келади. Натрий хлорид эритмаларининг осмотик активиги юқори. Масалан, бу тузнинг бир процентли эритмаси 6,1 атм, калий нитратники — 4,5 атм, глюкозаники — 1,2 атм, қамиш шакарининг шундай эритмаси эса фақат 0,7 атм осмотик босим ҳосил қиласади. Одатда балиқ тузлашда ишлатиладиган 15—20% концентрациялы ош тузи эритмасининг осмотик босими 90—120 атм га етади. Бактериялар ва, ұдатто, замбуруғлар ҳужайрасининг суюқлиги албатта бунга тенг кела олмайди. Ҳақиқатда ҳам, тузнинг мана шу кучли эритмалари тузланган маҳсулотни ҳам бирмунча үзгартыради: озиқ моддаларнинг ва сувининг бир қисмини, албатта, йүқотади. Бироқ бу камчиликка қарамасдан, турли хил озиқ маҳсулотларини тузлаш консервалаш воситаси сифатида кенг қулланади.

Қўпчилик бактериялар эритмада натрий хлорид бор-йўқлигига жуда сезгир бұлади. Масалан, эритмада бу тузнинг 2% бўлса, ичак таёқчаларининг ривожланишини сусайтиради, 6—8% эса ривожланишини тамомила тұхтатиб қўяди. Натрий хлориднинг

10% ли эритмасида күпчилик чиритувчи таёқчасимон бактерияларнинг, 15% ли эритмасида эса чиритувчи коккларнинг ҳаёти тўхтайди. Овқатдан заҳарланишнинг хавфли қўзғатувчиси *Vac. botulinus* нинг ривожланиши эритмада 6% натрий хлорид булгандан тўхтайди.

Фақат намакобда ривожланувчи специфик бактерияларгина тузнинг 25% ли эритмасида, тузланган балиқнинг ўзига хос қасаллиги — фуксинни қўзғатувчи (*Serratia salinaria*) эса ҳатто тузнинг тўйинган эритмаларида ҳам ўсиши мумкин.

Ош тузининг консервалаш таъсирига ташқи муҳит жиддий таъсири этади. Масалан, муҳитда 14% натрий хлорид бўлса, эритманинг pH=2,5 бўлса, турушлар ривожланишдан тўхтайди. pH=7 бўлгандан эса мазкур тузнинг 20% ли эритмаси шундай таъсири кўрсатади. Турли эритмалардан фойдаланганда ана шуларни ҳисобга олиш зарур. Бундан ташқари, доим эсда тутиш керакки, улар фақат бактерияларнинг ривожланишини тўхтата олади, лекин уларни нобуд қилмайди. Айрим чиритувчи бактериялар ҳатто тузга тўйинган эритмаларда ҳам ўз ҳаёт фаолиятини узоқ вақтгача сақлайди. Масалан, *Proteus vulgaris* шунга ўхшаш эритмаларда уч ҳафтача, *Bact. coli* эса, ҳатто, олти ҳафтагача ҳаётчанлигини йўқотмайди. Тузли эритмалар *Vac. botulinus* токсинини ўзгартирмаслигини билиш муҳимдир. Шунинг учун бузилган балиқ ёки гўшти ҳеч қачон тузламаслик керак.

Эритманинг юқори осмотик активлигини ҳосил қилиш учун натрий хлориддан ташқари, шакардан ҳам кенг фойдаланилади (70% ва ундан ҳам юқори концентрация ҳосил қилиш учун). Бундай концентрацияли эритмада микроорганизмларнинг ривожланиши жуда пасайиб кетади, лекин мутлақо тўхтаб қолмайди. Шунинг учун пиширилган мураббо кўпинча туруш замбуруғлари ва бошқа микроорганизмларнинг ривожланиши натижасида бузилиб қолади. Уларни оғзи маҳкам бекитилган идишларда пастеризация қилиб ва устидан эритилган парафин қуйиб маҳкамлаб сақлаш мумкин. Бу усул, асосан, резавор-мева ва меваларни консервалашда, улардан мураббо, повидло, желе ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашда қўлланади.

3. ТЕМПЕРАТУРАНИНГ ТАЪСИРИ

Микроорганизмларнинг теварак-атроф муҳит температурасига бўлган муносабати жуда катта қизиқиш туғдиради, чунки температура фақат бирор микроорганизмнинг ривожланиш тезлигинигина эмас, балки унинг ривожланиш имкониятини ҳам белгилайди. Ҳар бир организмнинг ҳаёт фаолияти муайян температура чегарасига эга, лекин одатда бу чегарадан чиқиб кетади. Температурага боғлиқлик, одатда, учта кардинал нуқта би-

лан: минимум, оптимум ва максимум билан ифодаланади. Минималдан паст температурда мазкур организм яшай олмайды, оптималь температурда организм жуда тез ривожланади; максимал температурда эса микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти тугайди. Бу кардинал нұқталар түрли хил микроорганизмлар учун ҳар хилдер.

Оптималь температурага мұносабатыга күра, барча микроорганизмлар учун груплага бүлинади.

Биринчи группанинг температурә оптимуми 20° га яқин бұлади. Булар психофил микроорганизмлардир. Буларға асо-сан шимолий денгизларда ва шимол тупроқларида яшайдыган микроорганизмлар киради. Бу микроорганизмлар 0° дан $+25-30^{\circ}$ гача бұлған температура шароитида ривожлана олади, баъзан улар нольдан паст температурада ҳам жуда секинлик билан үсади.

Иккинчи группанинг температура оптимуми $20-35^{\circ}$ бұлади. Бу группа микроорганизмлар учун температура 3° дан то $45-50^{\circ}$ атрофида үзгариб туради. Булар мезофил микроорганизмлар деб аталиб, купчилиги ҳамма жойда тарқалған бактерия вә замбуруғлардир.

Учинчи группанинг температура оптимуми $30-60^{\circ}$ дан юқри бұлади. Улар термофил микроорганизмлар деб аталади. Термофил микроорганизмлар 80° гача бұлған температурада ҳам ривожлана олади.

Микроорганизмларнинг юқорида гапириб үтилған группалари бир қанча оралиқ группалар орқали үзаро боғланған, бу оралиқ группа микроорганизмлари паст температурада ҳам, нисбетан юқори температурада ҳам яхши үсади. Улар психотерапиянан тағы да термолерант микроорганизмлар деб аталади.

Юқори ва паст температуралар микроорганизмларга бир хил таъсир этмайды. Юқори температура улар учун ниҳоятда ҳало-катлидир, чунки бунда плазманинг коллоид ҳолати жуда үзгариб кетади (ивиб қолади ҳамда ферментлар активиги бузилади). Шунинг учун температура максимумдан ортиб кетгандан микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти кескин тұхтаб қолади. Температура қанча юқори кутарылса, микроорганизм шунча тез нобуд бұлади. Масалан, спорасиз бактериялар 60° температурада 30 минутдан кейин, 70° да $10-15$ минутдан кейин, $80-100^{\circ}$ да эса $0,5-1$ минутдан кейин нобуд бұлади.

Бактерияларнинг юқори температура таъсирида нобуд бұлиш тезлигі улар ҳужайрасидаги сувнинг миқдорига боғлиқ. Сув қанча кам бұлса, оқсилнинг коллоид әритмалари шунча чидамли бұлади, шу билан бирга, ҳужайра юқори температуранинг нобуд қыладыған таъсирига шунча күп қаршилик күрсатади. Ҳужайраларида эркин сувни кам тутувчи бактериялар спорасининг юқори температурага бекіес даражада чидамлилиги ана шу билан

исботланади. Эҳтимол, бу ерда таркибида турли миқдорда сув тутган товуқ тухуми оқсилини қиздирганда кузатилган ҳодиса-нинг ўзгинасини кўриш мумкин. Товуқ тухуми оқсили $56 - 57^{\circ}$ да ивиб қолади. Мана шу оқсилнинг ўзи, дастлабки миқдорига нисбатан 25% сув тутса, $74 - 80^{\circ}$ да ивийди. Агар сувнинг миқдори дастлабки миқдорига нисбатан 90% гача камайса, оқсил фақат 145° да ивийди.

Бактерияларни йўқотишнинг иккита асосий усули юқори температуранинг нобуд қилиш таъсирига асосланган. Биринчи усул пастеризация деб аталади, бунда бактерияларнинг вегетатив ҳужайралари бутунлай қирилиб кетади, лекин споралари ҳаётчанлигини йўқотмайди. Пастеризация қилинганда суюқлик 30 минут давомида 70° гача иситилади, бунда фақат спора ҳосил қилмайдиган бактериялар нобуд бўлади. Ҳар қандай маҳсулотни тўлиқ консервалаш учун устерила наади, бунда бактериялар ҳам, уларнинг споралари ҳам нобуд бўлади. Қўпинча автоклавда 120° гача иситиб, 30 минут давомида бир марта ёки Кох сув қайнатгичида 100° гача иситиб, ҳар 24 соатда 3 марта стериллаш усули қўлланади.

Температуранинг минимум томонга ўзгариши, максимум томонга ўзгаришига нисбатан унча хавфли эмас. Масалан, температура оптимумдан (оптимум 35°) 7° кутарилса, *Aspergillus niger* мицелийсининг ҳосили бир неча юз марта камайиб кетади, температура оптимумдан 15° пасайиб кетганда (20° бўлганда) эса ҳосил атиги 12 марта камайган. Иссиклигида консервалаш юқори температуранинг нобуд қилювчи таъсирига асосланган. Бунда маҳсулот автоклавда иситиб қайта ишланганда, бактериялар ва уларнинг споралари бутунлай нобуд бўлади. Лекин эритманинг рН, тузнинг концентрацияси, маҳсулотдаги ённинг миқдори ва бошқа факторлар бактерия спораларининг юқори температурага чидамлилигига таъсир этади, ҳатто, энг сифатли ишланган консерваларда ҳам банканинг айрим қисмларида қолдиқ микрофлора сақланиб қолади. Стерилланмаган банкалардаги маҳсулотлар узоқ сақланмаса ҳам тез бузилади. Буларнинг ҳаммаси қайси микрофлора ҳаётчан ҳолда сақланганлигига боғлиқ. Агар идишда анаэроб бактерияларнинг бижфиш процессини ҳосил қиласиган споралари қолган бўлса, консервалар бузилган ҳисобланади. Улар банкани ёриб юборади (агар бижфиш процессида бактериялар газ ажратиб чиқарса) ёки консерва ачиб қолади (агар бижфиш процессида бактериялар газ ҳосил қиласай, кислота ажратиб чиқарса). Агар идишда аэроб бактерияларнинг ҳаётчан споралари қолган бўлса, бунда банкаларда кислород бўлмаганлигидан улар ривожлана олмайди ва консерва ҳеч қандай ўзгармайди. Бундай консервалар ҳам тўлиқ стерилланган консервалар каби узоқ сақланади.

Консерваларга қанча вақт термик ишлов беришни энг чидам-

ли спораларга қараб мулжаллаш зарур. Буларга, биринчи навбатда, термофил бактерияларнинг споралари киради. Уларнинг баъзилари 115° температурага 1,5 соат чидай олади; фақат 120° температура уларни ярим соатдаёқ нобуд қилиши мумкин. Агар техника шароити ва маҳсулотнинг химиявий таркиби имкон берса, консерваларни 120° температурада стериллаш мақсадга мувофиқдир.

Паст температура бактерияларни нобуд қилмайди, фақат уларни вақтинча қотириб қуяди. Ана шунинг учун ҳам улар паст температурага жуда чидамли бўлади.

Баъзи бактериялар, ҳатто,— 190° температурага ҳам чидайди.

Айниқса бактерияларнинг споралари жуда чидамли бўлади. Улар суюқ ҳаво температурасида (-190° да) ярим йил ва ундан кўпроқ вақт турса ҳам ўсиш хусусиятини йўқотмайди. Могор замбуруғларининг споралари -190° температурада икки ҳафта, -253° температурада эса уч кун турса ҳам ўсиш хусусиятини йўқотмайди.

Муҳитнинг намлиги, реакцияси, сувда эриган ҳар хил тузларнинг концентрацияси — буларнинг ҳаммаси бактерияларнинг музлаб қолишга чидамлилигига муҳит таъсир этади. Бир хил шароитда уларнинг чидамлилиги камайиб кетади, бошқа шароитда эса, аксинча, ортиб кетади. Бу ҳақда муҳитга шакар қушилганда (концентрацияси 20% гача) бактерияларнинг паст температурага бирмунча чидамлилигини кузатган Ф. Чистяков маълумотларидан хулоса чиқариш мумкин. Бактерияларнинг паст температурага чидамлилигига сувда эриган нейтрал тузлар ёки эрувчан шакарлар типидаги диссоциланмайдиган органик бирикмалардан ташқари, муҳит реакцияси ҳам бирмунча таъсир этади. Масалан, агар муҳит реакцияси кислотали ($pH=4,8-5$) бўlsa, музлатилганда, бир қанча бактериялар тез нобуд бўлади. Маҳсулотларни музлатиб сақлашнинг икки усули: совитилган ҳолда ва музлатилган ҳолда сақлаш паст температуранинг салбий таъсирига асосланган.

Совитилган ҳолда сақланганда температура ҳамма вақт маҳсулот ҳужайра ширасининг музлаш нуқтасидан юқори температура билан белгиланади. Масалан, гўштнинг мускул шираси $-0,8-1,2^{\circ}$ да, балиқнинг мускул шираси $-1,5-1,8^{\circ}$ да, меваларнинг шираси эса, ҳатто, $-1,8-2,3^{\circ}$ да ҳам музлаб қолади. Ана шунга мувофиқ мазкур маҳсулотлар $0-1^{\circ}$ да сақланиши керак. Бу шароитда микроорганизмларнинг ривожланишини тўхтатувчи фактор паст температура ҳисобланади. Лекин кўпгина микроорганизмлар фақат 0° дагина эмас, ҳатто нолдан паст температурада ҳам сезиларли даражада ривожлана беради, бундай сақлашда бактерия ва замбуруғларнинг ҳаёт фоалиятини бутунлай тўхтатиб бўлмайди. *Pseudomonas fluorescens* ва *Micrococcus* нинг айрим турлари ва бошқа бир қанча бактериялар -5°

да ҳам, турушлар эса — 8° да ривожланиши мумкин, лекин жуда секин ривожланади.

Температурани — 10 — 15° гача пасайтириш ва шу билан бир вақтда намликни ҳаво умумий нам сифимининг 75 — 80% гача камайтириш йўли билангина бактерия ва замбуруғларнинг ривожланишини бутунлай тұхтатиш мумкин. Температура бундай пасайтирилганда муз кристаллари ҳосил булиши натижасида маҳсулот сувсизланиб қолади. Шунга кура, микроорганизмларнинг ривожланиши учун құшымча қыйинчилек туғилади. Бунда фақат сувли фазада кечадиган озиқланиш процесслари ва биохимиявий реакциялар амалға ошмайди. Температура шундай пасайтирилганда маҳсулотларни музлатилган ҳолда сақлаш мумкин бўлади. Гўшт ва балиқларни сақлашда бундай усул етарлича ишончли ва кенг тарқалган усулдир.

Лекин бу усул ҳам камчиликлардан холи эмас: маҳсулотда муз кристаллари ҳосил бўлиши натижасида унда катта механик ва физик-химиявий ўзгаришлар содир бўлади. Маҳсулотнинг музи эриганда құмматли озиқ моддалар тутувчи шираси жуда тез ажралиб чиқа бошлайди. Мана шу ширада микроорганизмлар жуда тез кўпаяди. Маҳсулотлар музлатилганда микроорганизмлар нобуд бўлмайди, улар фақат анабиотик, фаолиятсиз ҳолатга ўтади. Шунинг учун улар маҳсулотларни тез бузиши мумкин. Бундан, гўшт ёки балиқ дарров қайта ишланиб, овқатга ишлатиладиган тақдирдагина уларни эритиш керак, деган хулоса чиқади. Акс ҳолда бу маҳсулотлар тез бузилиб қолиши турган гап.

4. ҲАР ХИЛ НУРЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Қуёш нури ва нур энергияларининг бошқа турлари ҳам микроорганизмларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Бу таъсир бевосита ва билвосита булиши мумкин. Бевосита таъсир нурларнинг микроб ҳужайраси протоплазмасига таъсирига, билвосита таъсир эса озиқ субстратининг химиявий ўзгаришига боғлиқ.

Қисқа тўлқинли ва фотохимиявий таъсири кескин ифодалangan қуёш нурининг (тўлқин узунлиги 200—300 $m\mu$ бўлган ультрагунафша қисми) ёруғлик нури энг кучли таъсир этади. Булардан ташқари, рентген нурлари (тўлқин узунлиги 0,005—1 $m\mu$ бўлган электромагнит нур), γ -нурлар (қисқа тўлқинли рентген нурлари), β -заррачалар ёки катод нурлари (юқори тезликдаги электронлар), γ -заррачалар ва нейтронлар ҳам катта активликка эга. Бу нурларнинг бактерицидлик ёки стериллаш таъсир даражаси ютилган нур энергиясининг миқдорига боғлиқ. Модомики, *Bact. coli* нинг сувли суспензияси γ -нурлар билан ишланганда нобуд бўлган ҳужайраларнинг сони суспензиянинг

қуюқлигига боғлиқ бўлмас экан, бу нурлар ҳужайраларни мұхитда заҳарли моддалар ҳосил қилиб эмас, балки бевосита ўлдиради, деб тахмин қилиш керак. Лекин айрим ҳолларда мұхитнинг химиявий ҳусусиятлари ҳам бир вақтда ўзгариши мумкин, бироқ бу ўзгаришлар иккиласынан қарастырылганда экан.

Күпчилик бактерияларнинг споралари ва вегетатив ҳужайралари нурларнинг таъсирини бир хил сезади. Фақат уларнинг баъзилари нурдан бирмунча бошқача таъсиранади. Ҳатто бактерияларнинг айрим штаммлари ўртасида ҳам бу соҳада анчагина фарқ бўлади.

Нур энергиясининг нобуд қилиш таъсири механизми анча мураккаб. Ультрагунафша нурлар таъсир этганда, тўлқин узунлиги 260 $\text{m}\mu$ бўлганда максимум ютиш қобилиятига экан бўлган нуклеин кислоталар каби моддалар ёруғлик квантини ютиши кузатилади. Рентген нурлари, γ -нурлар ва β -заррачалар таъсир этганда эса тез ҳаракатланувчи электронлар билан протоплазма компонентларининг тўқнашуви рўй беради; бу, ўз навбатида, ионизацияга олиб келади. Натижада, эҳтимол, гидроксил радикаллари типига ўхшаш қандайдир юқори реактив группачалар ҳосил бўлади. Ана шу группачалар ҳужайра протоплазмасида турли хил қўшимча реакциялар ҳосил қилиб, уларни нобуд қилади. Модомики, нурлар бир қанча ферментли системаларни инактивлаштирас экан, каталаза эса HS группа тутувчи ферментларни ҳимоя қилар экан, улар инактивацияси нур таъсир этаётган микроорганизмлар ҳужайралари протоплазмасида вордорд пероксид ҳосил бўлишига боғлиқ, деб тахмин қилиш керак.

Нур энергиялари ҳосил қиладиган химиявий ўзгаришлар нурланишнинг қанча давом этишига ва тегишли нурларнинг ютилиш тезлигига пропорционалдир. Диаметри 3—10 μ ли бактерия ҳужайрасини тешиб ўтувчи ультрагунафша нурлар бактерияларни ҳамда 10 минут нурлантирилганда (тўлқин узунлиги 292 $\text{m}\mu$ бўлганда) мөгор замбуруғларининг спораларни нобуд қилади. Мұхитга ёруғда ялтирайдиган бўёқ (эозин, эритрозин ва бошқалар) қўшилганда нурли энергиянинг таъсири ортади, бу ҳодиса фотодинамик эфект деб аталади.

Микроорганизмларнинг ривожланишига ультрақисқа радиотўлқинлари ҳам катта таъсир қилади. Лекин уларнинг таъсир қилиш табиати юқорида айтилган нурларнидан мутлақо фарқ қилади. Мұхит орқали ўтаётганда улар кучли иссиқлик эффицит билан бирга юқори частотали ток ҳосил қилади. Шунинг учун нурланаётган жисмнинг ҳажми ва айрим қисмлари қизийди. Масалан, стаканда сув бўлса, 2—3 секунддан кейин у қайнайди, агар унга бирор модда қўшилган бўлса, бунда қизиш қўшилган модданинг тузилишига ва унинг дизелектрик доимийсига боғлиқ бўлади.

Сув, сут ва бошқа маҳсулотларни стериллашнинг баъзи усуллари турли хил нурларнинг микроорганизмларга таъсирига асосланган.

5. БОСИМ ВА МЕХАНИК ТЕБРАНИШЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Микроорганизмлар босим ва механик тебранишларга жуда чидамлидир. Босимнинг ҳатто жуда юқори кутарилиши ҳам бактерияларга кам таъсир этади. Хлопин ва Таман маълумотларига кўра, кўпчилик бактериялар бир неча минг атмосфера (3000 atm) босимга (агар мазкур босимда узоқ вақт турмасагина) чидаши мумкин. Лабораторияда олиб борилган текширишлардан ташқари, табиатдан ҳам баъзи мисолларни келтириш мумкин, бу мисоллар ҳам бактерияларнинг босимга нисбатан чидамлилигини кўрсатади. Масалан, бактериялар денгизнинг 9 km чуқурлигидан ҳам топилган, бу ерда босим 900 atm га яқин.

Бактерияларнинг ҳар хил турлари механик тебранишларга турлича муносабатда бўлади. Агар механик тебранишлар кучли ва тез-тез бўлиб турса, бактерияларни нобуд қилиши мумкин, агар улар кучсиз ва кам тақрорланса, бунда, ҳатто, бактерияларнинг ривожланишини тезлаштиради. Механик тебранишларни яхши сезувчи бактериялардан *Bac. megatherium* ни ва мана шундай таъсирга чидамли бўлган турлардан эса *Pseudomonas fluorescens* ни кўрсатиш мумкин. Умуман, табиий шароитда оқар сувларда яшовчи ҳаракатчан бактериялар бундай фактор таъсирига анча чидамли бўлади.

6. ВОДОРОД ИОНЛАРИ КОНЦЕНТРАЦИЯСИННИНГ ТАЪСИРИ

Муҳитдаги водород ионларининг концентрацияси ҳам микроорганизмларнинг ривожланишига катта таъсир қиласди. Водород ионларининг ҳақиқий концентрациясини белгилаш учун, одатда. pH шартли белги қилиб қабул қилинган. Бу эритмадаги водород ионлари концентрациясининг мусбат ишора билан олинган манфий ўнли логарифмидир. Муҳитнингнейтрал реакцияси $\text{pH}=7,07$ га teng келади. Бу сондан кичик бўлган барча қийматлар муҳитнинг кислотали эканлигини кўрсатади ва мазкур кўрсаткичнинг сон билан ифодаси қанча кичик бўлса, муҳит шунча кислотали бўлади. Бу курсаткичнинг $7,07$ дан катта бўлган барча қийматлари муҳитнинг ишқорий эканлигини кўрсатади ва унинг сон билан ифодаси қанча катта бўлса, муҳит шунча ишқорий бўлади. Ўзида микроорганизмлар тутган муҳитнинг ҳар хил қисмларида водород ионларининг концентрацияси бир хил эмас. Масалан, бактерия ҳужайрасининг юзаси ва муҳитнинг асосий массаси ўртасида бу соҳада сезиларли фарқ бор. Бунга сабаб шуки, ҳужайра амфолитларида электр зарядлари мавжуд бўлиб, улар ҳужайра яқинида ва унинг ички қисмида электр

потенциали фарқини ҳосил қиласи. Агар мұхиттің рН ҳужайра амфолиттарининг изоэлектрик нүктасидан ортиб кетса, бунда улар манғий зарядга эга бұлади. Мана шу зарядлар потенциални пасайтиради ва водород ионларини тортиб олиб, ҳужайра яқинидаги рН ни камайтиради. Потенциаллар айирмасынинг ҳар бир 50 түркійматига түгри келадиган рН силжиши бир бирлікка етади.

Мұхитда электролитларнинг мавжудліги потенциалнинг үзгаришига сабаб бұлади ва ҳужайра юзасидаги рН нинг қийматыга таъсир этади.

Уларнинг бундай таъсири шу билан белгиланады, масалан, натрий ионлари водород ионларини қисман сиқиб чиқариши ва шу билан бирга рН нинг үзгаришига сабаб бўлиши мумкин.

Водород ионлари концентрациясининг микроорганизмларга таъсири бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда сўз рН нинг маълум бир чегарасида борадики, мазкур микроорганизмлар мана шу чегара атрофида ривожланишга мувофиқлашган бұлади. Маълумки, микроорганизмларнинг баъзи хиллари ишқорий мұхитда, бошқалари эса кислотали мұхитда яхши ривожланади. Бу микроорганизмларнинг күпчилиги кислота ёки ишқор типдаги моддалар ажратиш билан мұхит рН ни қисман регуляция қилишга ҳам қобилиятли, лекин бу регуляциянинг масштаби унча катта әмас. Фақат айрим ҳоллардагина у катта ўлчамларга етади (уробактериялар, сут қислота ҳосил қилувчи бактериялар ва баъзи моғор замбуруғлари). Озиқ мұхитининг таркиби ва олдиндан унга мосланиш бундай ҳолатда мұхим аҳамиятга эга. Масалан, *Bact. coli* пептонли гүшт бульонида рН=4,5 дан то 9 гача бўлган оралиқда бир хилда яхши ривожланади, углерод ва азот манбаи сифатида сут кислотанинг аммонийли тузи бор синтетик мұхитда эса рН юқоридаги миқдорда бўлганда бактерия ўсса ҳам, бироқ бу кўрсаткич энгучли кислотали бўлса, ўсиш даражаси жуда пасайиб кетади.

Водород ионлари кенцентрациясининг билвосита таъсири уларнинг мұхиттің тегишли компонентларига таъсирига боғлиқ. Бу компонентлар диссоциацияси эса күпинча рН нинг миқдорига боғлиқ. Мұхит таркибиде кучсиз кислоталар бўлса, улар кислотали мұхитда кам диссоциланади, лекин нейтрал мұхитда уларнинг тузлари кучли диссоциланган бўлади. Бунинг натижасида уларнинг микроб ҳужайраси протоплазмаси ичига кириши кескин ўзгаради, шунга кўра ундағи моддалар алмашинуви теэлиги ҳам ўзгаради. Кислотали ва нейтрал маҳсулотлар ҳосил бўлиши билан борадиган бир қанча бижгишларда кислоталарнинг диссоциланиш даражаси ҳам уларнинг кейинги парчаланишига, демак, бижгишга катта таъсир қиласи. Нейтрал мұхитда, агар кислоталарнинг тузлари кучли диссоциланган бўлса, нейтрал маҳсулотлар ҳосил бўлмасдан кислоталар тупланади.

Водород ионлари озиқ мұхити компонентларидан ташқари, микроорганизм ұжайра моддаларининг компонентлари билан ҳам доим алоқада булиб туради. Бу ҳақда қыйидаги маълумоттардан холоса чиқариш мүмкін: кислотали реакцияда ($pH=5$) ёки ишқорий реакцияда ($pH=8$) бұлган *Bact. coli* нинг ювіб то-залаңған ұжайралари суспензиясида реакция нейтрал томонга қараб секін-аста силжийди. Бу процесс эритмада $pH=7$ га мувофиқ келадиган реакция тикланмагунча давом этаверади. Мана шунга асосланиб, ұжайра ичіда ва уни үраб турған мұхитда водород ионларининг концентрацияси бир хил әмас ва бу фарқ ғақат ташқи мұхитта кислотали реакцияни ишқорий томонга, ишқорий реакцияни эса кислотали томонга қараб узгартырувчи моддалар ажралиши ҳисобига секін-аста йүқөлади.

Аминокислоталарнинг декарбоксилазалари кислотали мұхитда, дезаминазалари эса ишқорий мұхитда анча актив бұлғани учун мазкур ҳодисасындағы асоси худди шу ферментларнинг активтілігінде боғлиқ. Аминокислоталарнинг декарбоксилланиши натижасыда ишқорий хусусияттарға зерттеуде бұлған да кислотали реакцияни ишқорий томонга силжитувчи аминлар ҳосил бұлади, аминокислоталарнинг дезаминланиши натижасыда эса ишқорий реакцияни кислотали томонга узгартырувчи органик кислоталар ҳосил бұлади. Мана шу процессларда аминокислоталар сарф бұлғады, улар үз навбатида, протоплазманиң қолатини үзгартыради ва ұжайранинг ҳаёт фаяолиятіни йүқтөтади. Құпчилик микроорганизмлар ташқи мұхиттің нокулай таъсирини худди мана шу усууда сезади. Ғақат жуда кислотали мұхитда (бағынан кислоталилығы $pH=1$ га етади) ҳам ҳаётчанлигини йүқтөтмайды, кислотага чидамли бактериялар бундан холидір. Бактерияларнинг бундай чидамлилығы кислоталарнинг ұжайра ичига киришига түсқинлик қылувчи кам ұтказувчан цитоплазма пустининг мавжудлігінде боғлиқ булиши мүмкін.

Шуни әсдан чиқармаслик керакки, мұхитдаги водород ионларининг концентрацияси микроорганизмдеги моддалар алмашынуга ҳам мұхим таъсир күрсатади. Буни күп бижғиши процессларнинг бориши ҳақыдаги маълумоттар билан исботлаш мүмкін. Масалан, $pH=4$ бұлғанда этил спирт ва карбонат ангидрид ҳосил булишига олиб келевчи спиртли бижғиши процесси кечади. $pH=7$ бұлғанда эса спирт ва карбонат ангидридан ташқари, сирек кислота ҳам ҳосил бұлади. Ацетон-бутилли бижғишида ҳам худди шундай қолат күзатылади. Буларнинг ҳаммаси, мұхитдаги водород ионларининг концентрацияси микроорганизмларнинг ривожланишига ҳам, уларнинг физиологик активтілігінде ҳам катта таъсир этувчи мұхим фактор эканлигини күрсатып турибди. Озиқ-овқат маҳсулотлары ва ем-хашакни консервацияда (маҳсулотларни сиркалашда, сабзавотларни тузлаш да ем-хашакни силослашда) бу ҳодисадан кенг фойдаланылади.

Мариналлар (зиравор құшиб сиркаланған сабзавотлар) тайерлаш мұхит кислотали реакциясینинг тормозлаш таъсирига асосланған. Бу реакцияни ҳосил қилиш учун одатда сирка кислота ишлатилади. У күчли диссоциланувчи ва деярли заарсиз органик кислота ҳисобланади. Сирка кислотанинг эритмадаги концентрацияси 1—2% бұлса, у чиритувчи бактерияларнинг ривожланишини тұхтатади, агар бирмунча юқори дозада (5—6%) бұлса, ана шу бактерияларни тез нобуд қиласы. Фақат бактерия споралари мазкур концентрацияға узоқ вақт чидайди. Могорлар ҳам юқори дозадаги сирка кислотага жуда қидамли бұлади. Уларнинг баъзилари эритмада 10% сирка кислота бұлғанда ҳам ривожлана беради. Чunksи уларнинг ривожланиши одатда сирка кислотадан углерод манбаи сифатида фойдаланиши билан боғлиқ, шунинг учун мұхиттінің кислоталилығы тезда пасайиб кетади ва секин-аста чиритувчи бактерияларнинг ривожланиши учун имконият туғилади. Бундан қутулиш учун, одатда таркибида 5—6% сирка бұлған сиркаланған маҳсулоттарни берк идишда сақлаш зарур. Бунда кислород бұлматанидан могор замбуруғлары ҳамда турушсымон организмлар (*Oidium lactis*) яшай олмайды ва маҳсулот узоқ сақланади.

Мева ва сабзавотларни тузлаш йўли билан консервалаш мұхит кислотали реакциясینинг тормозлаш таъсирига асосланған. Бу ҳолда сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар туфайли содир бұладиган бижғиши процессида түпланиб борувчи сут кислота дастлабки консерваловчи ҳисобланади (қуйига қаранг).

Шуни эслатиб үтиш зарурки, мұхит кислоталилыгининг пасайишига микроорганизмлар бир хилда қидай олмайди. Масалан, $\text{pH}=4,7$ га яқин бұлғанда күпчилик чиритувчи бактериялар ривожланишдан тұхтайди. Сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар учун минимум $\text{pH}=4,0$ га яқин, күпчилик могор замбуруғлари эса ҳатто pH бирмунча паст бұлғанда ҳам ёмон үсмайди.

7. ОКСИДЛАНИШ-ҚАЙТАРИЛИШ ПОТЕНЦИАЛИ ВА МИКРООРГАНИЗМЛARNING РИВОЖЛАНИШI

Мұхитдаги оксидланиш-қайтарилиш шароити ҳам микроорганизмларнинг ривожланишига ва физиологик активлігига катта таъсир күрсатади. Ҳозирги вақтда мазкур шароитни миқдор жиҳатдан бақолаш учун шартли күрсаткіч қилиб rH_2 дан фойдаланылади. Мана шу күрсаткіч атмосфера таркибида бұлған эритмадаги молекуляр водород босимининг тескари ишора билан олинған манфий логарифмидир. Масалан, молекуляр водород (H_2) нинг босими бир атмосферага, яғни бошқача қилиб айтганда, 10^{-25} atm га тенг бұлған эритмада rH_2 нолға тенг булади. Водороднинг босими 10^{25} atm бұлған эритмада эса $\text{rH}_2=25$ га тенг. rH_2 эритмадаги молекуляр водород концентрациясінінг манфий логарифми бұлғанлығы учун, унинг сон ифодаси қан-

чалик кам бұлса, мұхитдаги водород концентрацияси шунча ошади ва ундағы қайтариш шароити шунча кучли ифодаланади. Оксидланиш-қайтарилиш потенциалини бошқариб, фақат айрим группа микроорганизмларнинг ривожланишини тезлатиш ёки чегаралаб қўйишдан ташқари, уларнинг физиологик активигини ва, ҳатто, улар томонидан ҳосил қилинадиган ўзгаришларнинг характеристерини ҳам кенг қўламда ўзгаририш мумкин.

Ташқи мұхитнинг мана шу факторига муносабатига қараб, барча микроорганизмлар учта асосий группага: 1) катта оксидланиш потенциалида ривожланувчи аэроб микроорганизмлар, 2) кичик оксидланиш потенциалида ривожланувчи анаэроб микроорганизмлар ва 3) ҳам катта, ~~ҳам~~ кичик потенциалли мұхитда ривожланувчи факультатив анаэроб микроорганизмларга бўлинади. Аэроб микроорганизмлар ўз ҳужайраларида нафас олиш ферментларининг бутун бир системасини тутади ва оксидланиш процесслари давомида водород акцепторлари сифатида молекуляр кислороддан фойдаланади. Анаэроб микроорганизмлар эса ўз ҳужайраларида геминли ферментлар тутмайди ва шунинг учун водород акцептори сифатида молекуляр кислороддан фойдалана олмайди. Микроорганизмларнинг нафас олишига асосланган оксидланиш процесслари пиридин ва flavin дегидрогеназалар иштироқида амалга ошади. Улар водород акцептори сифатида тўйинмаган боғли органик бирикмалар молекулаларидан фойдаланади. Агар молекуляр кислород мұхитда кўпроқ учраса, у ана шу группа микроорганизмларнинг баъзи вакиллари учун жуда заҳарлидир. Молекуляр кислороднинг бундай таъсири бундан 100 йил муқаддам Пастер томонидан кашф этилган бўлса ҳам, лекин узоқ вақтгача тўлиқ изоҳлаб берилмади. Фақат кейинчалик, анаэроб микроорганизмлар мұхитда водород пероксид борйўқлигига жуда таъсирчан эканлигини аниқлашга муваффақ бўлинди.

Водород пероксиднинг 0,0003—0,0004% га teng концентрацияси анаэроб микроорганизмларни ўсишдан тұхтатади, лекин унинг концентрацияси 0,15% дан ошганда аэроб микроорганизмларга таъсир этмайди. Бундан ташқари, аэроб микроорганизмлар ҳужайраси протоплазмасида маҳсус каталаза ферменти мавжуд бўлиб, у водород пероксидни бузади, анаэроб микроорганизмларда эса фермент бўлмайди. Бу бирикма анаэроб бактериялар ҳужайраларида flavinли ферментлар активлаштирган водороднинг молекуляр кислород билан (юқори парциал босимда) ўзаро таъсири натижасида доимо ҳосил бўлиб турганидан, табийки, водород пероксиддан таъсиранувчи ва ўз ҳужайраларида каталазалар тутмайдиган мана шу микроорганизмлар уша бирикмадан заҳарланади.

Оксидланиш-қайтарилиш потенциалининг облигат анаэроб микроорганизмлар ривожлана оладиган юқори чегараси $\text{rH}_2=12$

га, факультатив анаэроб микроорганизмлар ривожлана оладиган чегараси эса $\text{rH}_2=20$ га яқин булади. Қуйи чегараси эса ҳар иккала типдаги микроорганизмлар учун $\text{rH}_2=0$ га яқин булади. Мұхит рН нинг нейтрал нүктадан кислотали ёки ишқорий томонга силжиши оксидланиш потенциалининг анаэроб микроорганизмлар ривожлана оладиган чегарасини ҳам үзгартыриб юборади. Аэроб микроорганизмлар анаэроб микроорганизмлардан фарқ қылиб, мұхитдаги молекулар кислороднинг ҳар хил концентрациясида ривожлана олиши мүмкін, бұз Концентрация мана шу газнинг әңг қуйи чегарасидан бир атмосферадан ҳам юқори булған парциал босимигача үзгариб туради.

Оксидловчи индикаторлар ёрдамида аэроб микроорганизмлар учун оптималь оксидланиш-қайтарилиш потенциалини аниқлаш, бұз микроорганизмлар жуда хилма-хил rH_2 да ривожлана олиши мүмкінligини күрсатады, И. Работнова (1957) тажрибаларидан аниқланишича, азотсиз мұхитта $\text{rH}_2=29,6$ бұлганда, худди шу мұхитта гидросульфит ($0,033\% \text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_4$) құшилғанда ва $\text{rH}_2=23,9$ бұлганда ҳамда аскорбин кислота ($0,1\%$) құшилғанда $\text{rH}_2=20,2$ бұлганда азотобактернинг ҳужайралари максимум миқдорда күпайған.

Бошқа аэроб микроорганизмлар билан олиб борилған тажрибалардан ҳам худди шундай натижалар олинған. *Vac. subtilis* учун rH_2 нинг үзгариш чегараси 10—20 га, актиномицетлар учун 20—28 га, турушлар учун эса 10—30 га тұғри келади ва ҳоказо. Аэроб микроорганизмлар ривожланғанда мұхитдаги оксидланиш потенциали доим жуда пасайиб кетади, чунки улар әриған кислородни ютади ва унда қайтарилиш хусусиятига әга бұлған маңсулотларни түплайди.

Адабиётда мавжуд маълумотларга күра, мұхитнинг потенциали микроб ҳужайраси ичидаги потенциалга кам таъсир этади. Эҳтимол, ҳужайрада уни оксидланиш-қайтарилиш потенциалининг кескин үзгаришидан ҳимоя қилувчи қандайдыр буферлар мавжуд булади. Агар қандайдыр оксидловчи моддалар ҳужайра ичига кирса, уларнинг оксидловчи таъсирига ҳужайра ичи мұхити учун типик бұлған чегарада rH_2 ни белгиловчи тегишли буфер механизмлар қарши таъсир күрсатади. Шунинг учун оксидловчилар миқдори фақат ҳужайра ичи буфер системаси ҳажмидан ошиб кетген вақтдагина уларнинг нобуд қилувчи таъсири кузатилади.

8. ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Күпчилик химиявий бирикмаларнинг заҳарли таъсири амалий ва назарий жиҳатдан катта аҳамиятга әга булади. Анерганик бирикмалардан турли хил оғир металларнинг тузлари, хусусан, симобнинг тузлари (сулема), кумушнинг тузлари (кумуш нитрат), құрғошиннинг тузлари ва ҳоказолар кучли таъсир күр-

сатади. Бу тузлар концентрацияси 0,1—0,2% (1 : 1000 ва 1 : 500) бўлганда бактерияларнинг вегетатив ҳужайралари бир неча минут ичида нобуд бўлади. Тузлар концентрацияси 0,01% (1 : 10 000) ва, ҳатто, ундан паст бўлганда ҳам баъзан бактериялар тез нобуд бўлиши кузатилади. Бундай заҳарларга бактериялар спораси бирмунча чидамли бўлади. Улар бирмунча юқори концентрацияга анча вақт бардош бера олади. Бу чидамиликка споралар ташқи пустининг тузларни кам утказиши сабаб бўлиб, шу тузларнинг заҳарли таъсири протоплазманинг физиологик ҳолатига таъсири билан боғлиқлигини кўрсатади. Одатда оғир металларнинг тузлари протоплазманинг оқсил моддаларини ивитади ва улар билан биргаликда сувда эримайдиган альбуминатлар ҳосил килади. Бунинг натижасида протоплазманинг тузилиши бузилади ва ҳаёт фаолияти нормал ҳолда бормайди. Хлорли оҳак (1 : 1000), хлор (1 : 1000 000), водород пероксид, озон, перманганат, перхлорат ва бошқалар микроорганизмларнинг ривожланишига тахминан худди юқоридагидек, айrim ҳолларда эса ундан ҳам қаттиқ таъсир қилади. Улар заҳарли таъсирининг табиати, ҳужайра протоплазмасидаги нобуд қилувчи оксидланиш процесслирига боғлиқ бўлса керак. Улардан фарқ қилиб, сульфит ангиридид ва сульфит кислота тузлари ҳужайрадаги оксидланиш процесслирига кўрсатадиган таъсиридан ташқари, гидролитик ферментларнинг альдегид группасини боғлаши ва ферментларнинг актив ишини бузиши мумкин.

Протоплазмага таъсир этиши табиати бошқача бўлса ҳам, водород сульфид, углерод (II)-оксид, цианли ва роданидли бирикмаларнинг заҳарлилиги анча кучлидир. Бу моддалар оксидловчи ферментлар (темир ва рух) таркибига кирувчи оғир металларни осон боғлайди ва шу билан бирга уларни ишдан чиқаради. Агар нафас олиш ферментлари инактивланган бўлса, нормал нафас олиш мумкин бўлмай қолади, бунинг натижасида ҳужайранинг ҳаёт фаолияти ҳам тұхтайди. Углерод (II)-оксид икки валентли темирни боғлайди ва оксидланувчи катализнинг биринчи этапини, цианли тузлар эса уч валентли темирни боғлайди ва оксидланувчи катализнинг бошқа этапини заҳарлайди. Уларнинг заҳарли таъсири 0,01 дан 0,001 моль гача концентрацияда намоён бўлади.

Кўп органик бирикмалар ҳам бактериялар учун жуда заҳарлидир. Буларга, биринчи навбатда, ёғлар ва ароматик бирикмалар қаторининг спиртларини киритиш мумкин. Этил, пропил, бутил ва амил спиртлар ва уларнинг изомерлари бир-биридан заҳарлидир. Спиртларнинг заҳарли таъсирининг табиати уларнинг сиртқи активлигига ва ҳужайра протоплазмаси ичига осонгина кириш хусусиятига боғлиқ. Спиртлар сиртқи активликка эга бўлганлиги сабабли протоплазманинг мицеляр юзасида танланнуб адсорбиланади ва шу билан бирга протоплазманинг нормал

ишини бузади; хусусан, улар нафас олиш ва азот түплаш процессларининг нормал боришини издан чиқаради, чунки бу процесслар протоплазманинг структура юзаси билан чамбарчас боғлиқ булади.

Карбол кислота номи билан маълум булган ароматик спирт-фенол ҳам бактериологик амалиётда кенг миқёсда ишлатилади. Бактерияларнинг вегетатив ҳужайралари фенолнинг 3—5% ли эритмасида жуда тез нобуд булади, споралари (*Vas. anthracis*) эса 5% ли концентрациясига икки ҳафтагача чидай олади. Крезол ҳам шундай заҳарлидир. Крезолнинг соувулар билан аралашмаси (лизол) дан одатда юзаки дезинфекция қилиш учун фойдаланилади. Формальдегид ҳам жуда заҳарли, бунинг таъсири шунга боғлиқки, у аминокислота ва пептидларнинг амин группалари билан ўзаро таъсирлашади ва ҳужайранинг физиологик фаолиятини бузиб, уларни боғлайди.

Бактериялар ҳаёт фаолиятининг маҳсуллари ҳам анча заҳарлидир. Ҳаммага маълумки, сут кислотанинг кўпайиб кетиши туфайли сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар секинаста нобуд булади. Бу кислотани мазкур бактерияларнинг ўзи ҳаёт фаолияти давомида ишлаб чиқаради. Ем-хашакни силослаш ёки сабзавотларни тузлаш вақтида сут кислота ҳосил қилувчи формаларнинг алмашинуви ана шу билан изоҳланади. Бижғишининг бошқа маҳсулотлари: мой кислота, бутил спирт, ацетон, этил спирт ва бошқалар ҳам микроорганизмларга худди шундай таъсир кўрсатади.

Бир қанча бирикмаларнинг микроорганизмлар ривожланишини тормозловчи таъсиридан озиқ-овқат саноатида фойдаланилади, яъни улар озиқ-овқат маҳсулотларига қўшилади. Мана шу моддалар (антисептиклар) дан рационал фойдаланиш мақсадида уларни бактериялар учун заҳарли, одам учун эса заҳарсиз қилиб танлаб олиш керак. Бироқ бундай антисептиклар ҳозирчалик йўқ. Буларнинг ҳаммаси одам учун ҳам маълум даражада заҳарли, бу эса улардан амалда фойдаланиши бирмунча чеклаб қўяди. Шунинг учун фақат оз миқдордаги антисептиклар консервантлар сифатида ишлатилади. Резавор-мева сувларини, янги мева ва резавор-меваларни консервалаш учун, масалан, сульфит кислота ва унинг тузларидан фойдаланилади. Булар одам учун ҳам анча заҳарли ҳисобланади, лекин уларнинг бир афзаллиги бор, яъни маҳсулотларни одатдагича қайнатиб ёки сульфит кислотани водород пероксид билан сульфат кислотагача оксидлаб, улардан осонгина халос бўлиш мумкин, ҳосил бўлган сульфат кислота эса кейинчалик бўр билан ҳам нейтралланиши мумкин. Бу соҳада водород пероксиддан фойдаланиш яна ҳам қулай бўлар эди, у микрофлорага таъсир қилгач, ўз-ўзидан бузилади, лекин унинг кам чидамлилиги консервалашда кенг фойдаланишга имкон бермайди. А. Войткеевич ва Р. Давидов маълумотларига кўра, ундан фақат сутчилик

хўжаликларида сутнинг сақлаш ва ташишга чидамлилигини ошириш учун бир оз фойдаланилади.

Гўшт ва балиқларни дудлаш ҳам антисептикларнинг бактерияларга нобуд қиладиган таъсирига асосланган. Дудланаётган вақтда маҳсулотларга учувчан бирикмалар: хусусан, таркибида формальдегид, феноллар, смолалар ва бошқалар тутивчи дуд сингдирилади. Совуқ дудланганда дуднинг фақат антисептик хусусиятларидан фойдаланилади, иссиқ дудланганда эса юқоридагига қўшимча қилиб, маҳсулотлар баъзан 100° дан ҳам ортиқ температурада термик қайта ишланади. Маҳсулотлар (гўшт ва балиқлар) аввал тузлангандан кейингина дудланади, бунда туз ҳам маҳсулотларнинг чидамлилигини оширишга ёрдам беради, айниқса дуд маҳсулотлар ичига жуда қийинлик билан киради. Дудланган маҳсулотларда ҳаётчан бактериялар (*Proteus vulgaris* ва бошқалар) нинг топилиши худди шу билан тушунтирилади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари юзасида турли микроорганизмлар тез ривожланиши туфайли улар бузилибгина қолмай, балки микроблар ишлаб чиқсан турли хил токсинлар (заҳарлар) тўпланиши мумкин. Ана шундай маҳсулотлардан одам заҳарланади. Заҳарланишлар ичида энг хавфлиси *Vac. botulinus* нинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган ботулизм ҳисобланади. *Vac. botulinus* ҳаракатчан калта таёқча ($0,8 \times 2,5 \mu$) бўлиб, озиқ муҳити танламайди, лекин батамом анаэроб шароитда оқсил субстратида яхши ривожланади. У ҳаёт фаолияти процессида мой кислота, карбонат ангидрид, водород сульфид ҳосил қиласи. Бундан ташқари, у алоҳида токсин ишлаб чиқаради ва уни ташқи муҳитга ажратади. *Vac. botulinus* оддий сапрофит бўлса-да, инфекция ҳосил қилмайди, лекин у ажратиб чиқарган токсин жуда катта таъсир этувчи кучга эга. Бу заҳар бир миллиметрининг миллиондан бир бўллаги ҳам лаборатория ҳайвонларини ўлдиради. Одам учун мазкур заҳарнинг бирмунча юқори дозалари хавфли ҳисобланади ва улар ҳам граммнинг юз мингдан бир улуши билан ўлчанса керак.

Vac. botulinus дан ташқари, *Colithyphus* группасидаги бактериал организмлар сабабли ҳам овқатдан заҳарланиш мумкин. Булар патоген формалар бўлиб, бундан ташқари, алоҳида токсинлар ишлаб чиқаради. Улар одам организмини заҳарлайди ва қусиш, ич кетиш ҳамда бошқа касаллик алломатларини ҳосил қилиб, ичакларга қаттиқ таъсир этади. Купгина микроорганизмлар муҳитга ажратиб чиқарадиган антибиотиклар (пенициллин, стрептомицин ва бошқалар) ҳам микроорганизмларга катта таъсир кўрсатади. Пенициллинни 1925 йилда Флеминг Петри косачасидаги стафилококклар культурасининг ўсишини кузатадиганда топган. Мазкур культура четки инфекция яшил мөгор билан касалланган бўлиб, бу мөгор идишдаги стафилококкларнинг ўсишига ҳар хил йўл билан тўсқинлик қиласи.

Бу мөғор колонияси яқинида стафилококклар мутлақо ривожланмаган. Петри косачасини күзатаётганды мөғор агарли мұхитта ажратиб чиқарадыган қандайдыр модда стафилококкларнинг усишига халақыт бераётгандыгини күзатиш мүмкін еди. Бу моддани узоқ вақтгача соғ ҳолда ажратиб олиш мүмкін бўлмади. Фақат 1940 йилга келиб, у эфирли эритмадан соданинг сувли эритмасига осон ўтиши ва ундан алоҳида вакуум аппаратларда —40° да қуритиш йўли билан қуруқ препарат олиниши аникланди. Пенициллиннинг концентрацияси жуда паст (1:2 000 000) бўлса ҳам, у стрептококкларнинг, стафилококкларнинг, пневмококкларнинг, гонококкларнинг ва газ гангренаси бактерияларининг ривожланишини тұхтатади. Ҳатто энг чидамли стафилококклар мазкур модда миллион марта суюлтирилганда ҳам ривожланишдан тұхтайди. Бироқ пенициллиндан таъсирланувчи бактериялар билан бирга мазкур модда ҳеч қандай таъсир қилимайдыган формалар топилган. Масалан, дизентерия ва қоринтифи таёқчалари ва бошқа кўп грамманфий бактериялар ана шундай бактерияларга киради.

Деярли пенициллин билан бир вақтда мұхитга *Vac. brevis*-томонидан ажратиб чиқариладыган иккинчи антибиотик модда ҳам топилган. Бу модда тиротрицин деб аталди. Бироқ анча муфассал текширишлар мазкур маҳсулот энг камида иккита компонентдан: грамицидин ва тиротрицидиндан иборат эканлигини кўрсатди. Иккала компонент ҳам кристалл полипептидлар (уларнинг умумий формуласи $C_{74}H_{105}O_{13}N_{15}$) бўлиб, танлаб таъсир этиш хусусиятига эга. Булар одам ёки ҳайвонларнинг тирик ҳужайраларига сезиларли таъсир этмайди, лекин жуда кам дозада бўлса ҳам, йиринг ҳосил қилувчи стрептококк ва пневмококкларни нобуд қиласади. Тиротрициннинг бу хусусияти, ундан медицинада яраларни даволаш учун кенг фойдаланиш имконини беради. 1942 йилда Г. Ф. Гаузе ва М. Г. Бражникова культурасида грамицидин С (совет грамицидини) деб аталган антибиотик модда түпловчи тупроқ бактериясини ажратиб олишга муваффақ бўлди. Бу модданинг бактерицидлик хусусиятлари ҳам анча юқори бўлади. Унинг 1 миллиметрдаги концентрацияси 0,01 мг бўлса, йиринг ҳосил қилувчи стафилококкларни, стрептококкларни ва пневмококкларни нобуд қиласади. Бу модданинг химиявий тузилиши анча оддий бўлиб, гидролиз қилинганда 5 та аминокислота: 1-орнитин, 1-пролин, 1-валин, 1-лейцин ва *d*-фенилаланин ҳосил бўлади.

Тахминан худди шу вақтда *Actinomyces antibioticus* культурасидан актиномицин ажратиб олинган. Бу модда жуда мураккаб эканлиги маълум бўлди. Унинг химиявий таркиби қуйидаги умумий формула $C_{41}H_{58}O_{11}N_8$ билан ифодаланиши мүмкін. Бунинг кетидан актиномицетин, микромоноспорин ва, ниҳоят, стрептомицинлар

(*Actinomyces griseus* культурасидан) ажратиб олинди. Кейинги иккита антибиотик жуда катта қизиқиши туғдиради, чунки улар фақат граммусбат әмас, балки грамманфий бактерияларга ҳам тамомила бактерицидлик билан таъсир этади. Стрептомицин айниқса кучли антибиотик ҳисобланади. У ҳайвон ва одамларга кам таъсир этади, лекин жуда күп бактерияларнинг, шу жумладан *Mycobacterium tuberculosis* нинг ҳам ривожланишини кескин сусайтиради. Шу нарса қизиқки, *Actinom. griseus* анча оддий озиқ мұхитида уса олишига қарамасдан, гүшт экстракти тутувчи мураккаб мұхитдагина стрептомицин ҳосил қиласы. Бу шуни күрсатадики, стрептомицин ҳосил бўлиши учун мураккаб органик субстрат талаб қилинади. Ҳозирги вақтгача турли номда тавсифланган жуда күп (уч мингдан ортиқ) ҳар хил антибиотик моддалар ажратиб олингандиги ва ўрганилганлигини батафсил тұхтамасдан, айтиб ўтиш мумкин. Улар фақат турли хил микроорганизмлар томонидан ҳосил қилиниши билан әмас, балки бошқа микроорганизмларга танлаб таъсир этиши билан ҳам бир-биридан фарқ қиласы. Уларнинг таъсир этиши механизми шунга асосланганки, баъзилари бактерия ҳужайраларнинг бўлиниш процессларини бузади, бошқалари микроб ҳужайралари метаболизми процессларини ўзgartиради, витаминлардан фойдаланишига тўсқинлик қиласы, айрим ферментлар билан ракобатлашади, нафас олиш процессларини бузади, пероксидлар ҳосил бўлишига, ҳужайралар лизиси (эриб кетиши)га ёрдам беради, сиртнинг кенгайишига қарши таъсир кўрсатади ва ҳоказо. Уларнинг таъсир этиши механизми ҳозирчалик мукаммал ёритилган әмас, шунинг учун ҳам бу масалани узил-кесил ҳал этиши қийин, айниқса, антибиотикларнинг таъсир этиши доираси биологик обьектлар билан боғланган. Шунга кўра, бактериялар антибиотиклар таъсирига учраганда буларда мазкур антибиотикларга чидамли қилувчи механизм пайдо бўлиши ҳам мумкин.

9. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШДА БИОХИМИЯВИЙ ПРОЦЕССЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ем-хашакларнинг ҳаммасида микроорганизмлар учун яхши озиқ бўла оладиган турли хил органик моддалар бўлади. Шунинг учун ҳам улар турли хил бактерия ва замбуруғларнинг таъсирига учрайди, бу эса мазкур маҳсулотларнинг бузилишига олиб келади. Маҳсулотлар узоқ вақт сақланганда уларнинг бузилишига ферментатив характердаги биохимиявий процесслар тегишли таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ҳам (агар маҳсулотларни дастлабки ишлашда уларнинг ферментатив комплекси бузилмаса), бундай бузилишда микроорганизмлар асосий роль йўнайди. Шунга кўра, бир қанча қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини яхши сақлаш асосан

уларда борадиган турли хил биохимиявий процессларни бошқариш (регуляция қилиш)га боғлиқ. Ҳар хил маҳсулотларни сақлашда ана шу регуляция турлича амалга ошади. Масалан, янги мева ва сабзавотлар микроорганизмлар юқишига қарши табиий иммунитетга эга ва уларнинг ўзи турли хил бактерия ҳамда замбуруғларнинг заарли таъсирига қарши тура олади. Үлар тез нафас олади, намлик буғлатиб туради ва күпинча этилади. Мана шундай маҳсулотларни сақлашда фақат уларнинг ҳаётчанлигини нисбатан паст, яъни органик моддалар тез сарф бўлмайдиган даражада сақлаб туриш талаб этилади. Шунинг учун бинони тоза тутиш, унинг температураси ва намлигини бир хилда сақлаш ва заарланган мева ёки сабзавотларни олиб ташлаш керак, чунки инфекция кўпинча механик шикастланиш натижасида ҳосил бўлган ўлик ҳужайралар мавжуд бўлган жойдан бошланади. Мева ва сабзавотлардағи биохимиявий процесслар энергиясини камайтириш ёки уларда микроорганизмларнинг ривожланиш тезлигини пасайтириш зарурияти туғилганда, одатда етакчи фактор сифатида температурадан фойдаланилади. Шу мақсадда температура 4—5° гача пасайтирилади ва узоқ муддатгача шу даражада сақланади.

ИККИНЧИ ҚИСМ
МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ХУСУСИЙ
ФИЗИОЛОГИЯСИ

Биринчи бўлим

**МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ТАРКИБИДА АЗОТ
БЎЛМАГАН ОРГАНИК МОДДАЛАРНИ ЎЗГАРТИРИШИ**


VIII б о б
БИЖФИШ ПРОЦЕССЛАРИ

**1. ҲАР ХИЛ БИЖФИШ ПРОЦЕССЛАРИДА ҲОСИЛ БУЛАДИГАН
УМУМИЙ ОРАЛИҚ МАҲСУЛОТЛАР**

Микробларнинг ҳаёт фаолияти асосида жечадиган барча биохимиявий процессларни, уларнинг мураккаблашиб боришига қараб, тартиб билан ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бироқ уларни физиологик класификациялашда қайси процессли: энергия алмашинувини асос қилиб олиш керакми ёки озиқланиш усулини асос қилиб олиш керакми, деган савол туғилиши муносабати билан, катта қийинчиликлар туғилади. Иккала ҳолда ҳам процессларнинг аста-секин мураккаблашиб боришини кўрсатувчи маълум бир схема белгилаб олиш мумкин, бироқ бундай схема одатда шартли бўлади. Протоплазманинг таркибий қисмлари синтезини амалга оширадиган ва уни актив ҳолда сақлаб турадиган энергетик процесслар микроорганизмлар ҳаётида энг муҳим аҳамиятга эга бўлганлигидан, уларни физиологик класификациялашда ана шу процессларга асосланиш тўғридир. Қўйидаги анаэроб бижфиш процесслари кўпинча аэроб оксидланиш процессларига нисбатан бирмунча содда тарзда амалга ошганидан, гапни ана шу процесслардан бошлаш маъқул.

Органик кислоталарнинг анаэроб йўл билан парчаланиб, карбонат ангиридрид ҳосил қилишини бижфишнинг энг оддий типи, деб эътироф этиш керак. Масалан, чуноли кислотанинг *Bact. for. tunicum*, шунингдек каҳрабо ва олма кислоталарнинг *Bact. gracile* таъсирида парчаланиши ана шундай бижфиш турига киради-

Чумоли кислота билан каҳрабо кислота юқоридаги бактериялар таъсирида қуйидаги охирги маҳсулотларга парчаланади:




Карбоксил водородининг актив ҳолга келиши ва унинг асос радикалига ўтиши бижкишнинг иккинчи хилига сабаб бўлади. Шунинг учун бижкишнинг худди шу хилини энг оддий бижкишлар жумласига киритиш мумкин, органик моддаларнинг анаэроб йўл билан парчаланишидек бирмунча мураккаб процесслар ана шу оддий бижкиш процессларидан секин-аста келиб чиқсан. Уларнинг тараққиёти, чамаси, ҳар хил йўл билан борган ва, пировард натижада, углеводларнинг анаэроб йўл билан парчаланишига олиб келганки, ҳозир мавжуд микролар шу процессни жуда кенг кўламда амалга оширади.

Бактерияларда глицерин кислотани сирка кислота билан чумоли кислотага парчалай олиш хусусиятининг ҳосил бўлиши процесснинг мураккаблашвидаги биринчи босқич ҳисобланиши мумкин.

Процесснинг мураккаблашувидаги иккинчи, олти углеродли гексоза занжирини икки молекула триозага парчалай олиш хусусиятининг юзага чиқиши билан боғлиқ бўлса керак. Парчаланишининг бу хили процессда энди бир қанча ферментлар иштирок этишини талаб этади. Бу ферментларнинг таъсири натижасида гексоза икки молекула пироузум кислотага ажралади. Бундай парчаланишининг кейинги процесслари ҳар хил типдаги бижкишда амалда бир хил боради, уларни қуйидаги умумий схема билан ифодалаш мумкин. Аввал гексоза молекуласига аденоzinтрифосфат кислотанинг фосфат кислота қолдиги бирикади, натижада гексозомонофосфат ҳосил бўлади. Гексозомонофосфат кейин аденоzinтрифосфат кислотанинг яна битта молекуласи билан узаро таъсир қиласи ва қуйидаги тенгламага мувофиқ гексозодифосфатга айланади:



Фосфоферазалар деб аталадиган ферментлар бу реакцияда катализатор сифатида иштирок этади. Олти углеродли гексоза занжирни фосфат кислотанинг иккита қолдигини бириктириб олгандан кейин бирмунча бекарор бўлиб қолади ва альдолаза ёки зимогексаза ферменти уни қуйидаги тенгламага мувофиқ икки қисмга бўлади:




Альдолаза таъсирининг моҳияти водородни тўртинчи углерод атомидан учинчи углерод атомига ўтказишдан иборат эканлиги шу тенгламадан куришиб турибди. Бундай парчаланища глицерин альдегид билан диоксицетоннинг фосфорли эфирлари ҳосил бўлади. Аммо бижкиш яна давом этганда фақат фосфоглициерин кислота ҳосил бўлганлигидан (бу кислота фақат фосфоглициерин альдегиддан ҳосил бўла олади), тегизли бижкиш процессларига сабаб бўладиган микроорганизмларда фосфодиоксицетонни фосфоглициерин


альдегидга айлантирадиган фермент борлигини исботлаш мүмкін бұлды. Бу фермент оксозимераза деб аталади. Үннің функциясыни қуйидаги тенглама билан ифодалаш мүмкін:




Бу реакция натижасыда гексозадан иккі молекула фосфоглицерин альдегид ҳосил бұлады, булар кейин, фосфат кислотаны бириктіриб олғандан сұнг, дегидрогеназа (козимаза) ферменти иштирокида оксидланиш-қайтарилиш реакциясы кишишади. Бунда қуйидаги тенгламаға мувофиқ иккі молекула дифосфоглицерин кислота ҳосил бұлды:




Шу хилда оксидланишда ҳосил бұладыған макроэргик фосфат боғлары кейин аденоzinidifosfat кислотага үтады:




Фосфоглицерин кислота эса кейин фосфоглицеромутаза ферменти таъсирида изомерланади. Бунда учинчі углерод атомидан қолган фосфат кислота қолдиги қуйидаги тенгламаға мувофиқ, иккінчи углерод атомига үтады:



Шундан кейин ән олаза ферменти таъсирида 2- фосфоглицерин кислота ән ол фосфопироузум кислотага айланади:



Бу стадияда яна фосфат кислота қолдиги ажралып чиқып, аденоzinidifosfat кислотага үтады ва, бунда, қуйидаги тенгламаға мувофиқ, аденоzin-trifosfat кислота ҳосил бұлды:




Кейинги реакцияларда аденоzintrifosfat кислотадан фосфат кислота яна гексозага үтады ва қайтадан гексозадифосfat ҳосил бўлиши мүмкін.

Юқорида тасвир этилган реакциялар цикли натижасыда гексоза молекуласи парчаланиб, иккі молекула пироузум кислота ҳосил бұлды, иккі жуфт водород атоми эса пиридин дегидрогеназа билан бирикади. Бижғиши яна давом этар экан, бу иккі атом водород бирор акцепторга бирикади ва бижғишида ҳосил бўладиган охирги маҳсулотлар таркибиға киради ёки муҳитда этарли миқдорда водород акцепторлари бўлмаса, молекуляр ҳолда

ажралиб чиқади. Бижкишнинг барча типларида пироузум кислота худди шу схемага мувофиқ ҳосил бўлади. Бу кислотанинг кейинги ўзгаришларигина қушимча фермент тўпламига боғлиқ бўлиб, ҳар хил йўл билан боради. Баъзи ҳолларда лироузум кислота тўғридан-тўғри водород акцептори сифатида сарф бўлса (сут кислотали ачиш), бошқа ҳолларда аввал сирка альдегид билан карбонат ангидридга парчалангандан кейин сарф бўлади (спиртли, мой кислотали ва бошқа бижкиш хиллари).

2. СУТ КИСЛОТАЛИ ТИПИК (ГОМОФЕРМЕНТАТИВ) АЧИШ

Углеводлар бижкишининг анча оддий хилларидан бири қадимдан маълум бўлган сут кислотали типик ёки гомоферментатив ачишdir, деб ҳисоблаш керак. Афтидан, одам чорвачилик билан шуғуллана бошлагандан кейин дастлабки вақтларда ёқ сутнинг ачиши ҳодисасини билган-у, лекин бу процесснинг сабабларини била олмаган. Фақат ўтган асрнинг 60-йилларида Луи Пастер қатиқдан алоҳида микроб топди, бу микроб спиртли бижкишга сабаб бўладиган микробдан шаклан фарқ қиласар эди. Уша бактериянинг соф культураси йигирма йилдан кейин-



89-расм. *Streptococcus lactis*:
чапда — стрептококк формаси (800 марта), унгда—таёқча формаси (1000 марта катталаштириб кўрсатилган)

гина ажратиб олинди ва *Streptococcus lactis* деб аталди. Ҳозирги вақтда, сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг бир неча авлодга кирадиган кўп вакиллари тавсифланган.

1. *Streptococcus* авлоди. Булар спора ҳосил қилмайдиган майда бактериялар бўлиб, шимолий кенгликларда сутнинг табиий равишда ачиб қолишига сабаб бўлади. Улар ёш культурапарда типик стрептококк шаклида бўлади ва Петри косачасидаги агарли муҳитда ўстирилганда четлари силлиқ, нуқтасимон колониялар ҳосил қиласади, 30—35° температурада энг яхши ри-

вожланади. Бу бактериялар глюкоза, галактоза, лактоза ва мальтозани осонгина бижфитиб, фақат сут кислота ҳосил қиласи. *Streptococcus lactis* бу авлоднинг типик вакилидир (89-расм). Бу бактерияларнинг актив группачалари оптимал температурада сутни 10—12 соатдан кейин, кам актив группачалари эса бир кечакундуздан кейин ивитади; казеин билан желатинани улар кам гидролизлайди. Муҳитда 0,8—1% га яқин сут кислота тўплайди.



90-расм. *Lactobacterium bulgaricum*. Колонияси четидан олинган нусха-препарати (1000 марта катталаштириб курсатилган)



91-расм. *Lactobacterium acidophilum*. Колонияси четидан олинган нусха-препарати (1200 марта катталаштириб кўрсатилган)

2. *Lactobacterium avilod* сут кислота ҳосил қилувчи таёқчасимон ҳужайрали бактерияларни ўз ичига олади. Булғор таёқчаси ёки *Lactob. bulgaricum* деб аталадиган жуда кенг тарқалган сут кислота ҳосил қилувчи бактерия шу авлодга киради (90-расм). Бу бактерия 40° га яқин температурада яхши ривожланади ва сут зардоби қўшилган агарда ўралишиб жетган пахта толаларига ўхшаш колониялар ҳосил қиласи. Бу бактериянинг ҳужайралари бирмунча йирик бўлиб, узун ўқи буйича ҳисоблаганда 5—20 μ га teng келади. Бу форма ҳам кўп учрайди ва жанубий районларда сутнинг табиий равишда ачиб қолишига сабаб бўладиган типик бактерия, деб ҳисобланиши мумкин. Булғор таёқчаси сут шакарини осон бижфитади, аммо мальтозани бижфитмайди ва шу билан сут кислота ҳосил қилувчи бошқа бир қаинча бактериялардан жатта фарқ қиласи. Бир замонлар бу таёқчадан И. И. Мечников ишакдаги чиритувчи микрофлорани камайтириш учун фойдаланишни таклиф этган эди, бироқ бирмунча кейинги текширишлардан, бу бактерия хийлагина (3% гача) концентрацияли эркин сут қислотага чидашига қарамай, ичакда яшаб қолмаслиги маълум бўлди. Юқорида айтиб ўтилган мақсадлар учун ҳозир сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг *Lactob. acidophilum* деб аталадиган таёқчасимон бошқа культураси таклиф этилади (91-расм). Бу бактерия

одам ва ҳайвонларнинг ичак суюқлигидан осон ажратиб олиниди ва олдинги бактериядан фарқ қилиб, ичақда яшаб кета олади. У бир қанча белгилариға күра, булгор таёқчасига жуда яқин туради, лекин юқориго (40° га яқин) температурада яхши ривожланади. *Thermob. cereale* ҳам булгор таёқчасига яқин туради. Бу бактерия ҳам спора ҳосил қылмайдиган узун таёқча шаклида бўлиб, температура оптимуми 45° га яқин, у завод миқёсида сут кислота олмашда кенг фойдаланилади. Бу бактерия нейтрализаторлар қўшилмаган субстратда 2,2%, нейтрализаторлар қўшилган субстратда эса 10% гача сут кислота тўплайди. *Lactob. casei* бу формалардан фарқли ўлароқ, сут кислота ҳосил қилувчи мезофил бактериялар жумласига киради



92-расм. *Bacterium cicereris fermentati*.
Запхир ҳолида жойлашган калта
таёқчалари

ва 30° га яқин температурада яхши ривожланади. У олдинги бактерияларга нисбатан анча секин ўсади ва оптималь температурада сутни 3—5 суткадагина ачитади. Шунинг учун сутнинг табиий равишда ачиб қолишида бу бактерия ачишнинг бирмунча кейинги босқичларидағина пайдо бўлади. *Lactob. plantarum* ҳам табиатда кенг тарқалган бўлиб, *Bact. cicereris fermentati* ҳам шунга киради (92-расм). Бу бактерия калта таёқчалар шаклида бўлиб, карам ва бодринг намакобидан осон ажратиб олинади. У қамиш шакарини осон бижгитади ва

бодринг ҳамда карам тузлашда кенг ишлатилади. Ўсимлик қолдиқлари юзасида жуда кўп учрайди ва тегишли ишлов бериш шароитида уларни ачитиб қўяди.

Сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг юқорида айтиб ўтилган барча хиллари тегишли шакарларни бижгитганда, фақат сут кислота ҳосил қиласида ва шунинг учун улар сут кислота ҳосил қилувчи тирик ёки гомоферментатив бактериялар деб аталади. Уларнинг ҳаммаси спора ҳосил қылмайдиган, ҳаракатсиз таёқчалар булиб, Грам усулида мусбат бўялади ва азотли озиқка жуда талабчан бўлади. Таркибида азот минераллар шаклида бўладиган синтетик муҳитда бу бактериялар кўпчилигининг ўса олмаслиги азотли озиқка шу тариқа талабчан бўлишига боғлиқдир. Улар азот манбай сифатида фақат азотли органик бирикмалар (аминокислоталар ёки оқсилилар) дан фойдаланади. Оқсилини қаттиқ гидролиз қилиш йўли билан

олинган ва оқсилли моддалар ҳосил қилишга керакли ҳамма аминокислоталар мавжуд бўлган аминокислоталар аралашмаси ҳам, масалан, баъзи ҳолларда булғор таёқчасининг ривожланишига ярамай қолади. Бу — оқсил гидролизланганда тирозиннинг парчаланиб кетишига боғлиқ бўлса керак, тирозин бўлмаса, булғор таёқчаси ўса олмайди. *Thermob. cereale* азотли озиққа яна-да кўпроқ муҳтож. Бу бактерия ҳатто пептонли муҳитда ҳам кам ўсади. В. Н. Шапошников ва А. Я. Мантейфелнинг текширишларидан маълум бўлишича, бу бактериянинг ривожланиши учун оқсил типдаги азотли моддалар керак. Сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар муҳитда азотдан ташқари, қўшимча ўсиш факторлари бўлишига ҳам жуда муҳтождир. Хусусан, витамин B₂ (лактофлавин) уларнинг физиологик активлиги учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

Углерод манбай ва бижфишга энергия берадиган материал сифатида улар моносахаридлар (глюкоза, галактоза, левулёза ва бошқалар) ва дисахаридлар (лактоза, сахароза ва мальтоза) дан фойдаланади. Бу бактериялар полисахаридларни (крахмалини) бижитмайди.

Улар тегишли ферментлар тўпламига эга бўлганда, моносахаридларни парчалаб, сут кислота ҳосил қилади. Бу бактериялар туфайли амалга ошадиган бижфишни қўйидаги охирги тенглама билан ифодалаш мумкин:



Шакарнинг сут кислотага айланиши икки молекула пироузум кислота ва аввал пиридин дегидрогеназага бирикадиган икки жуфт водород атоми ҳосил бўлгунча давом этади ва юқоридаги схемага мувофиқ боради.

Бу бактериялар ҳужайраларининг протоплазмасида карбоксилаза ферменти йўқлиги сабабли пироузум кислота энди парчалана олмайди ва бирдан-бир водород акцептори ўрнида сарф бўлиб, қўйидаги тенгламага мувофиқ сут кислотагача қайтарилади:



Сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар учун бу процесснинг аҳамияти шундаки, улар анаэроб шароитда яшаганда ҳаёт фаолияти учун зарур эркин энергияни ана шу процессдан олади.

Сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг ҳар хил турлари культурасида турлича миқдорда сут кислота тўплана-ди. *Lactob. bulgaricum* культураларида энг кўп (3,2%) сут кислота тўпланса, *Thermob. cereale* культураларида бир оз камроқ (2,2%) ва *Streptococcus lactis* (0,8—1%) билан *Lactob. plantarum* культураларида (1%) жуда кам тўпланади. Сут

кислотанинг тўпланиши нейтрализаторлар иштирокида жуда куяяди. Чунончи, сутда нейтрализатор ролини қисман казеин (дикальций-казеинат) бажарадиган булса, кўп миқдорда сут кислота тўпланиши мумкин, чунки бу кислота казеиндан кальцийни ажратиб олиб, нейтралланади. Бунда казеин ивийди (сут кислота 0,5% га етганда) ва қўйқа шаклида чўкади.

Бундай ачиш жуда турли соҳаларда кенг қўлланадиган бўлди, лекин у сут хўжалигидаги простокваша тайёрлаш, қаймоқларни ачитиш, кефир ва қимиз тайёрлаш (спиртли бижфиш билан биргаликда), сут кислота олиш ва сабзавотларни тузлаш ҳамда ем-хашакни консервалаш учун айниқса кўп тадбиқ этилмоқда.

3. СУТ КИСЛОТАЛИ ТИПИКМАС (ГЕТЕРОФЕРМЕНТАТИВ) АЧИШ

Сут кислотали типикмас ачишга ичак таёқчаси *Bact. coli* (93- расм) ва унга яқин турадиган *Bact. lactis aërogenes* деб аталадиган организм сабаб бўлади. Бу бактериялар калта таёқчалар шаклида бўлиб, Грам усулида бўялмайди ва полиморфизмга мо-



93-расм. 1—*Bacterium coli*. Агардаги колониясидан олинган тоза культураси (800 марта катталашиб кўрсатилган); 2—*Lactobacterium pentaceticum*. Учи юмaloқлашган калта таёқчалари (1000 марта катталашиб кўрсатилган)

йил бўлади. Шунинг учун битта культуранинг ўзида узун таёқчаларни ҳам, калта таёқчаларни ҳам топиш мумкин. Ичак таёқчаси ёш пайтида ҳаракатчан бўлса, *Bact. lactis aërogenes* эса ҳаракатсиз бўлади. Бу бактериялар шакарларни бижфитар экан, сут кислота билан бирга бошқа бир қанча маҳсулотлар ҳам ҳосил қиласди, шунинг учун улар таъсирида амалга ошадиган бижфиш гетероферментатив бижфиш деб аталади. Ичак таёқчаси, хусусан, гўшт-пептонли мухитларда ўстирилганда *Bact. lactis aërogenes* дан фарқли ўлароқ, деярли ҳамиша индол ҳосил қиласди. *Bact. pentaceticum* бижфиш процессида ҳосил қиласдиган маҳсулотларининг табиатига кўра, уларга анча

яқин туради. Бу бактерия учлари тұмтоқ калта таёқчадан ($0,6 \times 1,6$ — $2,5 \mu$) иборат. Грам усулида мусбат бүйлади ва фақат гексозаларни әмас, пентозаларни ҳам осон бижитиб, сут кислота билан сирка кислота ҳосил қиласы.


Сут кислота ҳосил қиласы типик мас бактерияларнинг ҳаммаси факультатив анаэроблар жумласига киради, лекин мұхитда углеводлар бұлса, улар анаэроб шароитда ривожланаверади. Аэроб шароитда эса бөшқа органик бирикмалар ҳисобига ҳам ривожлана олади. Улар азот манбаларига ҳам унча талабчан әмас. Бу бактериялар оқсил ёки пептон типидаги мураккаб органик бирикмалар азотиданғина әмас, балки аммиақ типидаги минерал бирикмалар азотидан ҳам яхши фойдаланаади.

Сут кислота ҳосил қиласы гетероферментатив бактериялар углеводларни бижитар экан, турли миқдорда тұпланадиган бир қанча бирикмалар ҳосил қиласы. Буларнинг әңг асосийлари қуйидеги схема рационалық тенгламада күрсатылған:




Бижиган шакардан 40% га яқин сут кислота, 20% га яқин каҳрабо кислота, қарында 20% га яқин газ ҳосил бўлади. Баъзан газлар камроқ ҳосил бўлади ва улар ҳисобига мұхитда бир оз чумоли кислота тұпланади. Бижгиш процессида шунча хилма-хил маҳсулотларнинг ҳосил бўлиши бу хилдаги бижгишнинг сут кислотали типик ачишга қараганда анча мураккаб боришини күрсатади. Бу мураккаблик мазкур группа бактерияларнинг ҳужай-раларида карбоксилаза ферментининг мавжудлигига боғлиқ, шунинг учун бу бактериялар пироузум кислотани сирка альдегид билан карбонат кислотага парчалай олади. Бироқ бу фермент бижгишнинг оралиқ стадияларида ҳосил бўладиган пироузум кислотанинг ҳаммасини парчаламайды, чунки мұхитда этил спирт ва сирка кислота билан бир қаторда, сут ва каҳрабо кислоталар ҳам тұпланади. Шунинг учун пироузум кислота бу ўринда бирмунча хилма-хил ўзгаришларга учрайди.

Сут кислота водороднинг дегидрогеназадан қуйидеги тенгламага мувофиқ тұғридан-тұғри акцепторланиши ҳисобига пироузум кислотадан ҳосил бўлса керак.



Каҳрабо кислота пироузум кислотанинг карбонат ангирид билан узартастырыла кейин қуйидеги тенгламага мувофиқ дегидрогеназадан водороднинг акцепторланиши натижасида ҳосил бўлади:




Сирка кислота билан этил спирт сирка альдегиддан ҳосил булади, сирка альдегид, ўз навбатида, карбоксилаза ферменти таъсирида пироузум кислотадан ҳосил булади:



Альдегидаза ферментининг сирка альдегидга яна таъсири натижасида қўйидаги маҳсулотлар ҳосил бўлади:



Газсимон маҳсулотлар (карбонат ангидрид ва водород), эҳтимол, чумоли кислотадан ҳосил бўлади, бў кислота, ўз навбатида, пироузум кислотадан қўйидаги тенгламага мувофиқ ҳосил бўлади:



Бу хилдаги бижғища газлар ҳосил бўлиши культуранинг анаэроб шароитига боғлиқ, холос. Авторнинг Г. Бондаренко ва Г. Переверзева билан бирга олиб борган текширишларидан маълум бўлгандек, лоақал нитратлар қўшиш ҳисобига бўлса-да, муҳитда оксидланиш потенциали ортганда, газсимон маҳсулотлар чиқиши жуда камайиб кетади ёки бутунлай тұхтайди. Муҳитда газлар ўрнига ортиқча чумоли ва каҳрабо кислоталар ҳамда этил спирт ҳосил бўлади.

Сут кислота ҳосил құлувчи гетероферментатив бактерияларнинг айрим вакиллари гексозаларнингина әмас, балки пентозаларни ҳам тез бижғита олади. Масалан, *Bact. pentoaceticum* ана шундай ҳусусиятга эга. Пентозалар бижғиганда, қўйидаги тенгламага мувофиқ, сут кислота билан сирка кислота ҳосил булади:



Бундай типдаги парчаланиш тупроқда ўсимлик қолдиқларининг минерал моддаларга айланишида муҳим аҳамиятга эга, чунки уларнинг таркибиغا хийла миқдорда пентозалар кириши, булар эса гидролизланганда тегишли пентозаларни ҳосил қилиши маълум. Турли ўсимлик қолдиқлари юзасида учрайдиган сут кислота ҳосил құлувчи гетероферментатив бактерияларнинг табиатда кенг тарқалғанлиги тупроқдаги ўсимлик қолдиқларининг минерал моддаларга айланиши процессида ўша бактериялар туфайли юзага келадиган сут кислотали гетероферментатив ачиш муҳим аҳамиятга эга, деб тахмин қилишга имкон беради.

4. СУТ КИСЛОТА ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ БАКТЕРИЯЛАРНИНГ АМАЛДА ИШЛАТИЛИШИ

A. Сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг сүт хўжалигида ишлатилиши

Сут хўжалигида сутни ивтибиб, хилма-хил маҳсулотлар тайёрлашда сут кислота ҳосил қилувчи типик бактериялар кенг ишлатилмоқда. Бу бактериялар ўз ҳаёт фаолияти процессида сут кислота ҳосил қиласи ва шу тариқа сутдаги казеинни чиритувчи бактериялар таъсирида парчаланишдан сақлайди.

Маълумки, сут таркибида сут шакари, казеин ва ҳар хил минерал тузлар бор. Шунинг учун сут хилма-хил микроорганизмларнинг ривожланиши учун жуда қулай муҳит ҳисобланади, бундай микроорганизмлар сутда ҳамиша жуда кўп бўлади. Соғиб олинаётган сутда ҳам бир оз бактериялар бўлади (1 мл сутда 300—400 та ҳужайра), лекин уларнинг асосий қисми сутга соғиш процессида тушади. Сут ифлосланишининг асосий манбаи ҳайвоннинг яхши тозаланмаган елини ва териси, соғиш аппаратлари ва сут соғиладиган идишлардир. Ишлаб чиқаришдаги санитария-гигиена шароити ёмон бўлса, ифлослантирадиган уша манбалар 1 мл сутда неча юз минглаб бактерия ҳужайралари булишига олиб келади. Шунинг учун сут соғиб олишга боғлиқ ҳамма нарсаларнинг озода бўлишини, шунингдек, сут идишлари ва соғиш аппаратларини яхшилаб ювиш ва буғлашни, янги соғилган сутда микроорганизмларни камайтиришнинг асосий воситаси деб ҳисоблаш керак.

Кейинчалик эса, сут қандай температурада сақланадигига қараб, бактерия ҳужайраларининг сони ҳар хил миқдорда кўпайиб боради. Агар сут ноль градус температурада сақланса, 48 соат мобайнида ундаги бактериялар сони кўпайиш у ёқда турсин, аксинча, деярли икки баравар камайиб кетади. Сут бирмунча юқорироқ температурада сақланганда эса бактериялар жуда кўпайиб кетади. 30° да бактериялар айниқса тез кўпаяди. Бу ҳолда сут сақлаб қўйилган биринчи 24 соатда бактерия ҳужайраларининг сони деярли 400 баравар кўпайиб кетади. Модомики шундай экан, сут ноль градусли температура шароитида сақланганда нима учун ундаги бактериялар камаяди, деган табиий савол туғилади.

Мазкур ҳодиса температурага боғлиқ бўлмасдан, балки янги соғилган сутнинг бактерицидлик хоссаларига боғлиқ эканлиги чуқур текширишлардан маълум бўлди, ҳайвон организми бактерияларни ё үлдирадиган, ёки уларнинг ривожланишини тұхтатиб қўядиган алоҳида ҳимоя моддалари ишлаб чиқарадиган бўлганидан, сут елинда эканлигига да бактерицидлик хоссаларни касб этади. Сутдаги бактерицидлик даврининг бош-

ланишига худди ўша моддалар сабаб бўлади. Сут соғиб олингандан кейин қанча тез совитилса, ундаги бактерицидлик фаза шунча узоқ давом этади.

Янги соғилган сут микрофлораси одатда иккита асосий группага бўлиниди: 1) нормал ва 2) анормал микрофлора. Нормал микрофлора га, энг аввал, сут шакарини бижгитиб, сут кислота ҳосил қилиш хоссасига эга бўлган сут кислота ҳосил қилувчи ҳар хил бактериялар (стрептоококлар ва таёқчалар) киради. Сутни секин ачитиб, бироз миқдор сут кислота, учувчан кислоталар, спирт ва газсимон маҳсулотлар ҳосил қиласидаги бактериялар группаси буларга яқин туради. Шу группага типик ичак таёқчаси (*Bact. coli*) ва *Bact. lactis aerogenes* ҳам киради. Ичак таёқчаси сутга гўнгдан тушади ва одам ҳамда ҳайвонлар ичаги микрофлорасининг характеристики вакили ҳисобланади, *Bact. lactis aerogenes* эса бошқа йўл билан ҳам пайдо булиши мумкин. Шу иккала тур бактерияни ўринисиз бактериялар жумласига киритиш керак, буларнинг сутда кўп булиши сутнинг санитария қоидаларига хилоф шароитда соғиб олинганини кўрсатади.

Сут микрофлорасида сут кислота ҳосил қилувчи бактериялардан ташқари, мой кислота ҳосил қилувчи бактериялар ҳам доим бўлади. Булар ҳам сут ёмон санитария шароитида соғиб олингандагина унга тушади. Бу бактерияларнинг манбай тупроқ ва гўнгидир. Бундай бактериялар сут пастеризация қилинганда ҳам нобуд бўлмайдиган анча чидамли споралар ҳосил қилганидан, пастеризация қилинган сутдан маҳсулотлар тайёрлашда хийлагина зарар етказиши мумкин.

Ниҳоят, сут микрофлораси таркибида чиритувчи бактериялар ҳам доим бўлади, уларнинг сони баъзан янги соғилган сут микрофлорасининг 90—95% ни ташкил қиласи. Бу бактериялар сут шакарини бижгитмайди, аммо оқсил моддаларни парчалаб, аминокислоталар, аммиак ва бошқа қанча маҳсулотлар ҳосил қиласи. Бундай сут тахир ва қўланса хидли бўлади. Сутда учрайдиган чиритувчи бактериялар орасида аэроб бактериялар ҳам (ничан таёқчаси, флуоресценция қиласидаги бактериялар), анаэроб бактериялар ҳам (*Bac. parviflucus* ва бошқалар) бор. Бу бактериялар муҳитининг кислотали реакциясига сезгири бўлмаганда эди, уларнинг ҳаммаси ўзининг ривожланиши учун сутда жуда қуял шароит топган бўлар эди. Улар сут кислотага нисбатан сезгири бўлганилиги туфайли сут сақлаб қўйилган дастлабки вақтдагина, сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар уни ҳали ачитмаган пайтдагина ривожланади.

Сутнинг аномал микрофлорасига сут маҳсулотининг алоҳида камчиликларига сабаб бўладиган хилма-хил микроорганизмлар киради. Улардан, масалан, сутга «совун» ҳиди берадиган *Bact. lactis saponacei* ни, *Torula amara* ни, сутнинг тахир бўлиб қолишига сабаб бўладиган ҳар хил чиритувчи бактерияларни, сутга тегишли ранг берадиган пигментли бир қанча бактерияларни айтиб ўтиш мумкин. Масалан, *Pseudomonas ruosuiae* нинг кўпайишидан кўк ранг, *Chromob. prodigiosum* нинг кўпайишидан қизил ранг, *Bact. synxanthum* нинг кўпайишидан эса сариқ ранг ҳосил бўлади шоқазо. Сутда баъзи бактерияларнинг жуда кўпайиб кетиши натижасида унда шилимшиқсимон консистенция (*Micrococcus Freudenreichii*) ҳосил булиши мумкин. Сут безида баъзи бактерияларнинг зўр бериб ривожланиши эса сут химиявий таркибининг ўзгаришига, хусусан, унда сут шакари камайиб, тузлар миқдорининг кўпайишига олиб қелади. Бундай сут тахир-шўр мазали булиб қолади. Бу хилдаги процесси *Streptococcus mastitidis* қўзғатади, деб ҳисоблаш керак, булар мастит касалликларига сабаб бўлади.

Сут ҳар хил муддат давомида сақланганда микрофлора таркибида ҳосил бўладиган ўзгаришлар характеристини А. Войткевич-нинг илмий асаридан олинган қўйидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

Сут сақлаб құйилғанда микрофлорасы таркибининг үзгариши

Сақланган вақті (саат)	Бактериялар сони (минг хисобида)	Бактерияларнинг түрли группалари (% хисобида)		
		сүт кислота хосил құлувчи бактериялар	ичак тәекчаси группалари	чиритувчи бактериялар
3	195,6	6,2	7,6	86,2
12	4 750,0	5,1	1,8	93,1
24	59 000,0	37,4	5,1	57,5
36	528 000,0	90,2	5,0	4,8
48	1023 000,0	94,6	3,1	2,3
60	934 000,0	96,1	3,0	0,9
72	687 000,0	95,4	2,3	2,3
80	420 000,0	96,3	1,1	2,6

Сут эндигина сақлаб құйилғанда ундағи жами бактерияларнинг 86,2% чиритувчи бактериялар улушига тұғри келса, 36 соат ўтгандан кейин эса чиритувчи бактериялар 4,8% гача камаяди. Бу вақтда бутун микрофлораниң 90% ни энди сут кислота ҳосил құлувчи бактериялар егаллады. Бу үзгаришлар бирданига амалға ошмайды, албатта. Бириңчи фазада ҳамма бактерия группалари гүё бир-биридан мустақил қолда ривожланади ва чиритувчи бактериялар устун туради. Иккінчи фазада чиритувчи бактерияларнің тұпланаётган сут кислота камайтира бошлайды. Учинчі фазада, чиритувчи бактериялардан ташқари, ичак тәекчеси группасы ҳам камая бошлайды. Бұға фазада сут кислота ҳосил құлувчи бактериялар бутунлай устунлик қиласы. Нихоят, тұрткынчы фазада турлар алмашина бошлайды ва сут кислота ҳосил құлувчи бактериялар аста-секін нобуд бұла бошлайды. Шуннинг учун сутдаги бактерияларнинг умумий сони жуда камайиб кетади ва, бундан ташқари, сут кислота ҳосил құлувчи бактерияларнинг стрептококк формалари сут кислотага анча чидамли бұлған тәекчесимен формалари билан алмашинади. Улар билан бир қаторда ачиган сутнинг юзасыда баъзи замбуруғ организмлар (турушлар, сут мөгори ва бошқалар) ҳам пайдо бұлады, булар сутнинг кислоталилық даражасини үзгартыриб, сутга үзиге хос таъм беради.

Сут кислота ҳосил құлувчи бактерияларнинг мана шу барча хусусиятлари сутдан простокваша, қаймоқдан эса сметана олишда улардан фойдаланишга сабаб бұлды. Иккала қолда ҳам процесс бир хилда боради. Ачишнинг бошланғыч фазасыда чиритувчи бактериялар, кейинги фазасыда эса сут кислота ҳосил құлувчи бактериялар зүр бериб күпаяди, сут кислота ҳосил құлувчи бактериялар амалда қолған ҳамма бактерия группаларини сиқиб чиқаради. Процесснинг бириңчи фазасыда простокваша-

нинг сифатини бузадиган маҳсулотлар юзага келиши мумкин бўлганидан, сутни олдин пастеризация қилиш тавсия этилади. Пастеризация қилинган ва сут кислота ҳосил қилувчи тегишли бактериялар (*Streptococcus lactis*) нинг соф культураси билан ивтилган сут жуда яхши мазали простокваша булади. Мечников простоквашасини (лактобацилинни) тайёрлашда стерилланган сутга булфор таёқчасининг соф культураси ва *Streptococcus lactis* нинг хушбуй ҳид берадиган групачаси юқтирилади. Ацидофил простоквашани тайёрлашда эса сутга ацидофил таёқча ёки унинг сут стрептококки билан аралашмаси юқтирилади.

Ацидофил простокваша пиширилган ёки стерилланган сутдан тайёрланади. Унга ацидофил таёқчанинг соф культураси юқтирилади ва у температураси 37—40° бўлган термостатга қўйилади. Шу культура сутда купайгандা анча қаттиқ ва бир текис ивиқ ҳосил бўлади. Ацидофил таёқча билан тайёрланган простокваша ацидофилин деб аталади. Ҳозир ацидофил сут чорвачиликда кенг ишлатилади, чунки уни ҳайвонлар рационига қўшиш ёш молларнинг ўсишига яхши таъсир кўрсатади. Ацидофил таёқча ҳаёт фаолиятида ҳосил бўладиган маҳсулотлар билан организмина аста-секин заҳарлайдиган чиритувчи бактерияларнинг ичакда кўпайшига қаршилик курсатиш билангина чекланиб қолмай, балки турли хил ичак касалликларига сабаб бўладиган бактерияларнинг ривожланишига ҳам тўсқинлик қиласи.

Сутни ачитиб, простоквашадан ташқари, бошқа маҳсулотлар ҳам тайёрланади, бунда сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг бошқа турларидан фойдаланилади. Масалан, кефир билан қимизни шундай маҳсулотлар жумласига киритиш мумкин. Кефир тайёрлаш учун сут аввал илиқ сувга солиб ивтилган кефир «доналари» билан ачитилади. Бу доналар тўқимаси сут кислота ҳосил қилувчи таёқчалар, чиритувчи бактериялар ва *Torula* авлодига кирадиган, тўғридан-тўғри сут шакарини ачита оладиган туруш ҳужайраларидан иборат. Сут кефир учун ачитилганда иккита процесс: сут кислотали ва спиртли бижгиш процесслари бирга боради. Температурани ўзгартириш йўли билан бу процессларни бошқариш мумкин. 20° дан юқорироқ температурада сут кислотали ачиш, 15° дан пастроқ температурада эса спиртли бижгиш кучли боради. Ачиш натижасида кефир—қуюқ, хуштаъм ва бир оз нордон, газланган суюқлик ҳосил бўлади. Кучли кефирда 1% спирт ва 1% га яқин сут кислота бўлади.

Қимиз тайёрлашда бия сути алоҳида томизги («кор», «қаттиқ») билан ачитилади. Бу томизгида сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар ва турушлар бўлади. Уша организмлар ривожланганда (20—32° температурада) 2% га яқин спирт ва 1% дан кўпроқ сут кислота тўпланади. Бир қанча бошқа ичимликлар,

масалан, курангабилан маңуң ҳам сутдан шу тариқа тайёрланади.

Сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар мой ишлаб чиқаришда ҳам хийлагина катта роль ўйнайди. Ачиған қаймоқдан олинган сариёф янги қаймоқдан олинганга қараганда анча узоқ сақланишини ёғ пиширувчилар аллақачоноқ пайқагаи.

Яхши сметана олиш учун қаймоқ «томизғи» ёки табиий түруш билан ачитилмай, сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг соғ культураси билан ачитилади. Мой ишлаб чиқариш амалиётида сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг аъло сифатли сметанадан ажратиб олинган қуруқ ва суюқ культуналари ишлатилади.

Новвойчиликда ҳам сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар жуда муҳим роль ўйнайди. Нордон қора нон ёпишда хамир туруш (бир бўлак эски хамир) ишлатилади, унда *Thermob. cereale* га яқин турадиган сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар ва турушлар бўлади. Хамирнинг ошишига асосий сабаб спиртли бижфишdir, ноннинг нордон таъми эса асосан, сут кислотали ачишга боғлиқ. Ачишнинг шу хили хамирда мой кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг кўпайишига ҳам тусқинлик қилади.

Ниҳоят, сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар сут кислота ишлаб чиқаришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу кислота ундириб янчилган арпа, буғдой экстракти ёрдамида шакар моддалари кўпайтирилган крахмалдан олинади. *Thermob. cereale* ёрдамида шакарнинг 15—18% ли эритмаси 50° га яқин температурада бижфитилади. Ҳосил бўлаётган сут кислотани бириктириб олиш учун оз-оздан бўр қўшилади.

Б. Ем-хашакни силослашда сут кислота ҳосил қилувчи бактериялардан фойдаланиш

Янги пичанни силос қилиш жуда катта хўжалик аҳамиятига эга. Ем-хашакни консервалашнинг бу усули сершира ўсимликларни ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ўриб олишга ва шу тариқа ёғингарчилик кўп бўладиган пайтларда пичан ўрилганда нобудгарчилик бўлмаслигига имкон беради. Силос қилинганда ем-хашакда озиқ моддалар пичан қилиб қуритилгандағига қараганда кўпроқ сақланиб қолади, чунки силос қилинганда ўсимликнинг энг яхши озиқ бўладиган барглари ва гуллари тўкилиб кетмайди. Крахмал эквивалентига қараб ҳисоб қилинадиган бўлса, ем-хашак қуритилганда унинг тўйимлилиги 50% камайиши мумкин, ҳолбуки, силос қилинганда эса бу нобудгарчилик 5—10% дан ортмайди.

Силос қилиш хўжаликда ҳеч қандай фойдасиз йўқолиб кешиши мумкин бўлган ўсимлик қолдиқлари (картошка ва лавлаги поялари, кунгабоқар қолдиқлари ва бошқалар)ни ҳам ем-хашак

ўрнида ишлатишга имкон беради. Силос қилиш натижасида талайгина хўжалик қолдиқлари, ҳатто бурган ҳам, ҳайвонлар хуш куриб ейдиган ва уларнинг организмига яхши таъсир қиласидиган ем-хашакка айланади. Сорин сигирларнинг озиқ рационига силос қилинган ем-хашак қўшиб берилганда улар анча кўп сут бериши аниқланган.

Силос қилинган ем-хашак мана шундай талай афзалликларга эга бўлгани учун мамлакатимизда ҳар йили неча-неча миллион тонналаб сершира ем-хашак силос қилинадиган бўлди (силос қилиш соҳасида СССР жаҳонда биринчи ўринда туради).

Ем-хашакни консервлашнинг бу усули қадим замонларда ёқ маълум эди. Бир қанча маълумотларга кўра, қадимги Мисрда ҳам шу усулдан фойдаланилган, деб тахмин қилиш керак.

Силос қилинаётган массада кислота ҳосил қилувчи типик ва типикмас бактериялар кўпайиши натижасида нордон силослар ар ҳосил бўлади, лекин силос қилинадиган материал босиб қўйилгандан кейинги биринчи даврда унда жуда хилма-хил микрофлора тараққий этади. Мана шу даврда микроорганизмларнинг ҳар хил группалари ўртасида кучли рақобат боради. Силосга кислород яхши кириб турадиган бўлса, унда чиритувчи бактериялар кўпайиши мумкин, муҳит анаэроб бўлганда эса сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар кўпая олади. Сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар кўпаядиган бўлса, биринчи 2—3 кунда ёқ устун бўлиб қолади, бунда сут кислота билан сирка кислота тўпланиди. Шу туфайли силос аста-секин ачий бошлайди ва pH муайян қийматга етгандан кейин бошқа бир қанча микроорганизмлар ривожланишдан тўхтайди. Яхши силос бўлган ем-хашакда қуруқ масса оғирлигининг 6—8% миқдорида ёки ҳул силос оғирлигининг 1,5—2% миқдорида кислота тўпланиши мумкин. Шу миқдорнинг асосий қисми сут кислотага тўғри келади, бироқ сут кислота билан бирга сут кислотали типикмас ачишда ҳосил бўладиган сирка кислота ҳам ҳамиша учрайди.

Силослашнинг яхши натижа бериши биринчи галда сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг яхши ривожланишига боғлиқ. Агар бу бактериялар яхши ривожлана олмаса ва сут кислота етарли миқдорда тўпламаса, чиритувчи бактериялар туфайли оқсилининг парчаланиш процесслири содир бўлади; натижада қўланса ҳидли маҳсулотлар ҳосил бўлиб, ем-хашак молга бериш учун яроқсиз ҳолга келиб қолади. Эрувчи шакарлар етишмаса-ю, крахмал мўл-кўл бўлса, чиритувчи бактериялар билан бир қаторда мой кислота ҳосил қилувчи бактериялар ҳам кўпайиши мумкин. Бу ҳолда ем-хашак тахир бўлиб қолади ва уни ҳайвонлар истар-истамас ейди. Сут кислота моносахаридлар (глюкоза, фруктоза) ва дисахаридлар (сахароза, мальтоза) бижигандагина ҳосил бўлганидан унинг тўпланиши биринчи галда ўсимлик массасида ана шу шакарларнинг нечоғли кўплигига боғлиқ. Бу қонуният ўсимликларнинг силосланишини аниқлашда

ҳам мұхим ақамиятга эга. Шу мақсадда үсімліктарда ҳақиқат-да қанча шакар борлиги ва шакар минимуми аниқланади. Силосланған массадаги рН нинг 4 — 4,5 гача пасайишига ки-фоя қыларлы сут кислота ҳосил эта оладиган әнг кам қанд миқ-дори қанд минимуми деб аталади.

Зубрилин усулида шакар минимуми құйидагича аниқланади. Озгина әзилған үсімлік массаси индикатор (метилрот) иштирокіда рН = 4—4,5 га тенг бұлғунча сут кислотанинг 0,1 н әртимаси билан титрланади ва сиолосланадиган массанынг рН = 4—4,5 бұлши үчүн қанча керакты титрлаш үчүн сарф-ланган ҳамда 1,7 көфициентта күпайтирилған сут кислота миқдорига қараб ҳисоблагаб топилади. Шу шакар миқдори шакар минимуми деб аталади. Титрлаш билан бир вақтда текширилаётган үсімліктардаги ҳақиқий шакар миқ-дори ҳам аниқлаб борилади. Ҳақиқий шакар миқдори шакар минимумидан күпрок бұлыб чиқса, үсімлік яхши сиолосланади. Агар ҳақиқий шакар миқдори кам бұлса, үсімлік сиолосланмайды. Ҳақиқий шакар миқдори шакар минимуми-га тенг бұлғанда әса үсімліктар аңақ құйинлик билан сиолосланади. Бу қо-нунияттар одатта амалда тұла-тұқис исботланади. Уларни билиш фақат айрим үсімлік турларыннан зәмас, балки ҳар хил үсімліктарнинг миқдорий нисбатларда олинған аралашмаларыннан ҳам қай таріка сиолосланнини ол-диндан аңақ аниқ мүлжаллашға имкон беради. Шакар минимумини аниқлаш осон бұлғанлығидан сиолослаш шароитта ҳам ундан фойдаланыш маъқул. Ша-кар минимуми ва үсімлікдаги ҳақиқий шакар миқдорининг ақамиятини А. Зубрилин, В. Харченко ва Е. Мишустинларнинг құйидаги жадвалда кел-тирилған маълумотлардан аниқлаш мүмкін.

Шакар минимуми, үсімліктардаги ҳақиқий шакар миқдори ва үсімліктарнинг сиолосланнини

Үсімліктарнинг сиолосла-нишига күра группаларга бүліниши	Үсімліктар	Шакар минимуми (куруқ моддага нисбатан % ҳи-собида)	Ҳақиқий шакар миқдори (куруқ моддага нисбатан % ҳисобида)
I — яхши сиолосла-надиган үсімлік-лар	Маккажұхори Оқ жухори Толидамбұр Күнгабоқар	3,4—5,4 5,0 4,0—9,4 10,8—12,2	12,0—13,8 15,6—17,8 19,1—23,5 14,3—14,8
II — құйинлик билан сиолосланадиган үсімліктар	Нұхат Донник Вика Себарга Беда Соя Картошка палаги	8,1 5,8—6,16 4,3—5,2 4,5 5,5 4,7—6,0 3,6	9,6 6,4—6,7 5,7—6,6 5,7 3,9 3,3—4,4 2,5
III — сиолосланмайди-ган үсімліктар			

Үсімлік массаси микрофлорага бой булади. Микроорганизм-ларнинг асосий қисми сиолосга үсімліктар билан бирга тушади, үсімліктарнинг юзасида ҳамиша күп миқдорда микроорганизм-лар учрайди ва үсімліктарнинг эпифит микрофлорасыни ҳосил қылади. Шу микрофлоранинг 40% га яқини *Bact. herbicola* га, 40% га яқини *Pseudomonas fluorescens* га, 2% га яқини спора ҳосил қылувчи бактерияларга, 2% га яқини *coli-aerogenes* группасына ва тахминан 10% сут кислота ҳосил қылувчи бакте-

рияларга тұғри келади. Үсимликтер үсіб турған вақтда эпифит микрофлора уларға зарап етказмайды ва асосан үсимлик ҳаёт фаолияти процессида чиқарадын органик ва минерал моддалар ҳисобига улар юзасидагина ривожланады. Эпифит микрофлора ҳужайраларининг сони биринчи галда үсимликнинг ҳолатига боғлиқ эканлығы шундан далолат беради. Бироқ бу бактерияларнинг ҳаммаси фақат үсимлик үриб олингунча унга зарап етказмайды. Үриб олингандан кейин оқ хилма-хил микроорганизмлар, хусусан чиритувчи бактериялар зұр беріб купая бошлады. Үсимликтерни силослашдан мақсад, үша бактерияларнинг ривожланишини силос қилинаётган массада түпланадын сут кислота таъсири билан аста-секин тұхтатиб қўйишдан иборат.

Силоснинг етилиш процессида бир неча фаза тафовут қилинады, бу фазалар устун бұлиб турған микрофлораларнинг таркиби жуда хилма-хил бўлиши билан таърифланады. Биринчи фаза аралаш микрофлораларнинг зұр беріб ривожланиши билан таърифланады, бу микрофлора үсимликтер ҳужайраларидан атрофдаги муҳитга диффузия йўли билан аста-секин чиқиб турадын эрувчан органик бирикмалар билан озиқланады. Диффузия йўли билан чиқиб турадын моддаларнинг асосий қисмини эрувчан шакарлар ташкил этади, бу моддаларни сут кислота ҳосил қилувчи хилма-хил бактериялар бижғитади.

Силоснинг етилишидаги иккичи фаза сут кислота ҳосил қилувчи типик бактерияларнинг зұр беріб күпайиши ва күплаб сут кислота түпланиши билан таърифланады. Спора ҳосил қилмайдын чиритувчи бактерияларнинг кўпи бу фазада нобуд бўлади, спора ҳосил қилувчи формалари эса спора стадиясига ўтади. Кейинчалик сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар формалари ҳам аста-секин алмашына бошлады. Аввал сут кислота ҳосил қилувчи кокклар, кейин эса шу бактерияларнинг таёқчасимон формалари (*Lactob. plantarum* ва бошқалар) кўпаяди.

Силос тұла етиладын учинчى фазада сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар нобуд бўла бошлады, чунки гарчи бу организмлар сут кислотага бошқа бактериялардан кура анча чидамили бўлса ҳам, унинг юқори дозаси уларнинг үзи учун заарли бўлади. Процесснинг қандай боришига ва силосда ривожланадын микрофлораларнинг хилига қараб, тегишли нуқсонлар пайдо бўлади. Агар үсимликтер массаси бўш ва ёйиқ қилиб босилган бўлса, аралаш микрофлора ривожланадын фаза чўзилиб кетади. Бу ҳолда оксидланиш процессларига шакар ортиқча сарф бўлади ва сут кислота кам түпланады. Бундан ташқари, силоснинг бўш қилиб босилиши температуранинг хийла кутарилишига сабаб бўлади, бу ҳол, ўз навбатида, сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларга ёмон таъсир қилишій ва уларни активмас ҳолга тушириб қўйиши мумкин.

Агар үсимлик массаси силослашаётганда тупроқ билан жуда ифлосланып кетса, унда мой кислота ҳосил қилувчи бактериялар

жуда купайиб кетади, бу бактериялар ривожланиш даврида, хусусан силосда кислоталар кам булса, сут кислота ҳосил қилувчи бактериялардан устунлик қилиши мумкин. Мой кислота ҳосил қилувчи бактериялар ўз ҳаёт фаолияти натижасида мой кислота тўплайди, шунинг учун силоснинг мазаси тахир бўлади. Ниҳоят, силосланадиган масса яхши бекитилмаган ва унга ҳаво кислороди кириб турадиган бўлса, мотор замбуруғлари зур бериб кўпая бошлайди. Улар сут кислотанинг карбонат ангидридгача оксидланишига сабаб бўлади, силосланаётган массанинг кислоталилигини пасайтиради ва шу тариқа чиритувчи бактерияларнинг купайиши учун имконият яратади. Бактерияларнинг зўр бериб купайиши силосланаётган ем-хашакнинг химиявий таркибида хийла ўзгаришлар юзага келишига, хусусан, аста-секин кислоталарга айланадиган шакарларнинг камайишига олиб келади. Мавжуд маълумотларга кўра, бирикмаларнинг бу группалари ўртасида бевосита боғланиш бор, қўйидаги жадвалда келтирилган маълумотларни кўздан кечириб, бу боғланишни пайкаш осон.

Маккажӯхори силосида углеводлар миқдорининг ва кислота тўпланиб боришининг узгариши

Силос бостирилган кунилар	Намлик (% ҳисобида)	Шираси-нинг pH	Глюкозага айлантириб ҳисобланган даги қандлилиги (% ҳисобида)	Сут кислотага айлантириб ҳисобланган даги титрланувчи кислоталилиги (% ҳисобида)	Учувчан кислоталар (сирка кислота, % ҳисобида)	Этил спиртга айлантириб ҳисобланган даги спирт (% ҳисобида)
0	63,0	5,9	8,55	0,563	0,035	0,017
1	64,6	6,5	6,83	0,907	1,181	0,283
2	65,8	4,6	4,38	2,557	0,600	0,263
3	65,7	4,4	4,35	3,421	0,743	0,409
5	60,3	4,02	3,12	4,548	0,988	0,409
7	64,0	4,0	2,15	4,829	0,936	0,525
11	64,7	4,0	1,47	5,534	0,972	0,611
16	64,7	4,0	1,41	5,028	0,978	0,569
30	64,1	4,0	1,58	6,396	1,092	0,632
88	65,8	3,9	1,30	—	1,394	0,762
132	67,9	3,8	1,69	7,216	1,250	0,901

Углеводларга бой ўсимлик массасидан тайёрланган силоснинг кислоталилиги жуда тез ортиб бориши таъриба натижаларидан маълум. Учинчи куниёқ pH=4,4 гача пасаяди, титрланадиган кислоталилик эса 3,5% гача ортади (қуруқ силос оғирлигига нисбатан).

Силос кейинчалик етилишида кислоталилиги 8,4% гача ортади. Кислоталиликнинг шу тариқа кескин ортиши силос босилган биринчи кундаёқ чиритувчи бактериялар флорасини тамомила нобуд қилади ва шу тариқа силоснинг яхши чиқишига имкон

түгдиради. Бироқ силос қилинадиган массада сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар таъсирида бижгий оладиган шакарлар етарли миқдорда бўлгандағина шундай булади. Шакарлар кам бўлса, кислоталар унчалик тез туплана олмайди, шунга кўра, силос, пировард натижада, унча яхши чиқмаслиги мумкин.

Силослаш вақтида углеводлар билан бир қаторда азотли моддалар ҳам бирмунча ўзгаришларга учрайди. Ўсимлик микроорганизмлари ва ферментлари таъсирида протеинлар гидролизланиб, пептонлар, аминокислоталар ва ҳатто бир оз миқдор аммиак ҳосил бўлади. Бироқ, аммиак хотўғри етилаётган силосдагина пайдо бўлади.

Сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг ўсишини тезлаштириш учун силосланадиган масса температурасини $25 - 30^{\circ}$ атрофида сақлаб туриш маъқул (совуқ силослаш). Ем-хашак тез босилиб, зич қилиб прессланса, кислород кирмаслиги туфайли ундан температура баланд кўтарилимайди ($25 - 30^{\circ}$ бўлади); совуқ силослаш деб ана шунга айтилади. Силосхоналарда, уюмлаб қўйиб, ер устида силос босишда ва ҳоказоларда бу усулдан фойдаланилади.

Кейинги муҳим фактор силосланадиган массанинг pH дир. pH муайян қийматда бўлгандағина сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар бошқа бактериялардан, хусусан чиритувчи бактериялардан устун ҳолда ривожланади; бу ҳол пировард натижада процессинг тўғри тугалланишига ва силоснинг сифатли бўлиб чиқишига олиб келади.

Бактерияларнинг турли группалари бўладиган кураш натижаларини олдиндан белгилаб бера оладиган воситалардан қўйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1) силосланадиган массага сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг тоза культурасини олдиндан юқтириш;

2) силосга баъзи химиявий моддаларни қўшиш. Силосланадиган массада сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар етарлича бўлмаса, биринчи чора жуда муҳимdir. Бунда сунъий йўл билан соф культура киритиш кислоталар ҳосил бўлиш муддатини қисқартиради ва нобоп микрофлоранинг нобуд бўлишини тезлаштиради.

Силосланадиган массага юқтириш учун сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг ҳар қандай культураси ярайвермасдан, балки бижгиш пайтида учувчан кислоталар билан газлар ҳосил қилмайдиган ва ҳар хил шакарларни бижғита оладиган культураларигина ярайди. Яроқли культурылар тариқасида *Lactob. plantarum* типидаги бактериялар тавсия этилади. Бу бактерияларни картошка ёки лавлаги палагининг 20% ли қайнатмасида, ё бўлмаса бошқа ўсимлик муҳитларида кўпайтиш мумкин.

Қайнатма фильтрангандан кейин, унга бирор бактериянинг соф культураси юқтирилади ва иссиқ жойда 1—2 кун сақланади.

Силосланадиган массанинг ҳар тоннасига бактерияли қайнатмадан 7 л дан 10 л гача қўшилади.

Сут кислота ҳосил қилувчи бактериянинг соф культурасини қўшиш бир қанча ҳолларда яхши натижа беради, буни қуйидаги жадвал маълумотларидан билиш мумкин (Е. Н. Мишустиндан олинган).

**Сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар ачитқисининг
силос сифатига таъсири**

Силоснинг тури	Сут кислота (% ҳисобида)	Сирка кислота (% ҳисобида)		Мой кислота (% ҳисобида)	
		эркин	богланган	эркин	богланган
Бактерия культураси қүшилмаган картошка палаги	0,92	0,3	0,37	0,0	0,12
Бактерия культураси қүшилган картошка палаги	1,25	0,22	0,34	0,0	0,0
Бактерия культураси қүшилмаган соя	0,75	0,65	0,53	0,0	0,0
Бактерия культураси қүшилган соя	0,82	0,63	0,54	0,0	0,05

Силосланган ем-харакати сут кислотани парчалайдиган моғор замбуруғлари таъсиридан эҳтиёт қилинса, кислоталар тўпланишига кўра, у узоқ вақт сақланиши мумкин. Силос озиқлик аҳамиятини йўқотмагани ҳолда етти йилгача сақланганлиги маълум, шунда баъзан унинг таъми яхшиланган ҳам.

Силоснинг сифатига ош тузи яхши таъсир кўрсатади, ош тузи унга силос қилинадиган ем-харакати оғирлигининг 0,1 — 0,5% миқдорида қўшилади. Кам сув ем-харакатларни силос қилганда ош тузи айниқса фойдалидир. Туз ўсимликдан шира чиқишини тезлаштиради ва шу тариқа микробиорганизмларнинг ривожланиши учун яхши шароит тудриради. Бундан ташқари, у силос таъмини ҳам яхшилади: тузланган ем-харакатни моллар анча хуш куриб ейди.

Ош тузи билан бир қаторда хлорид кислота билан сут кислота ҳам ишлатилиши мумкин. pH ни 4,2 гача пасайтирувчи кислотали ҳар хил буфер аралашмаларни қўшиш энг яхши натижалар беради. Лекин бу усул бизда ҳали кенг расм бўлмаган.

Иссиқ силослаш. Бунда силосланадиган масса аста-секин ва бўш босилганда иссиқ таъсирида силосланади. Агар ўсимлик массаси кўпі билан 1 — 1,5 м қалинликда босилса ва зичланмасдан 1 — 2 кун қолдирилса, унда температурани 45 — 50° гача оширадиган микробиологик ва ферментатив процесслар авж олади. Агар қизиган қатламга тахминан шундай қалинликда янги ўсимлик массаси босилса, у ўз тазиёки билан пастки қат-

ламни зичлаштиради, ундан ҳавони чиқарып, аэроб процессларни тұхтатыб қўяди. Шундай қилиб, силослаш жойи бутунлай тұлғунча, үсімлик массасини қатлам-қатлам қилиб жойлайвериши мумкин.

Авваллари, юқори температура микробларни нобуд қилиб, ферментларнинг фаолиятини тұхтатыб қўяди, шунга кўра силос ширин бўлиб қолади, деб тахмин қилинар эди. Бироқ, кейинчалик иссиқ силослаш йўли билан консервалаш ҳам тегишли миқдорда кислоталар тўпланишига сабаб бўладиган сут кислотали ачишга боғлиқ эканлиги аниқланди. Силослашнинг бу усулида ем-хашакнинг озиқлик қиммати совук силослашдагига қараганда анча пасайиб кетади. Шунинг учун бу усул кам қўлланади. Иссиқ силослашда тўпланадиган кислоталарнинг асосий қисми ҳам сут кислота (силос массасининг 1,3—1,7%) билан сирка кислота (0,3% дан 1% гача)дан иборат бўлади. Бироқ масса нормал даражада қизиган ва температураси кўпи билан 50° бўлган ҳолдагина ўша кислоталар уртасида шундай нисбатлар юзага келади. Температура бирмунча юқори бўлганда, учувчан кислоталарнинг процент миқдори одатда кўпайиб кетади ва сирка кислота билан бирга мой кислота ҳосил бўлади.

В. Сабзавотларни тузлаш

Бодринг билан карамни тузлаш — уларни консервалашнинг кенг тарқалган усулиdir. Сабзавотчилик хўжалиги тез кенгайиб бораётган экан, бу усул тобора катта ахамият касб этмоқда.

Мазкур ҳолда консервалайдиган модда сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар ҳаёт фаолияти натижасида ҳосил бўладиган сут кислотадир. Сабзавотларни тузлашда *Lactob. plantarum* номи билан маълум бўлган сут кислота ҳосил қилувчи микроб — спорасиз калтагина ($1,6-1,8 \times 0,5-0,8 \mu$) таёқча ҳаёт фаолияти туфайли сут кислота юзага келади. Бижгиш вақтида бу бактерия сут кислота ҳосил қиласи, сут кислота купдеганда 0,9—1,2% тўпланади.

Бодрингнинг тузланиш процесси уч даврга: 1) бошланғич; 2) урта ва 3) охирги даврларга бўлинади. Бошланғич даврда шакар моддалар диффузия йўли билан бодрингдан намакобга ўтади ва сут кислотали ачиш процесси бошланади. Бу вақтда сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар билан бир қаторда бодринг билан бирга намакобга тушган талайгина бошқа бактериялар ҳам ривожланади.

Иккинчи даврда фақат сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг ривожланиши давом этади ва сут кислота муайян концентрацияга қадар яна тўпланиб боради. Сут кислота концентрацияси юқори бўлганлигидан учинчи даврда сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг ривожланиши ҳам сусаяди; энди маҳсулот асосан консерваланган бўлиб қолади. Кейинчалик маҳсулот асосан консерваланган бўлиб қолади.

лотни сут кислотани парчалайдиган микроблардан эҳтиёт қилиш зарур, холос. Бундай бактериялар (*Oidium lactis* нинг оқ пардаси) намакобда ёки унинг юзида ривожланадиган бўлса, сут кислотанинг концентрацияси пасайиб кетиб, чиритувчи бактериялар ривожлана бошлайди.

Гузланадиган бодрингга ҳам, ем-хашакни силос қилишдаги каби, олдиндан сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг соғ культурасини қушиш сут кислота тўпланиш процессини тезлаштиради ва бошқа микробларнинг ривожланиш имкониятини чеклаб қўяди. Шунинг учун маҳсулот табиий равишда тузланганда гига қараганда хуштаъмроқ булиб етилади, бодринг қаттиқ карсиллайдиган булади. Ферментация тезлашиб, сут кислота кўпроқ тўпланади, бу ҳол тузлаш процесси учун мувофиқ келмайдиган микрофлора ривожланадиган биринчи бижфиш даврининг қисқаришига сабаб булади.


Карам тузлашда ҳам худди шунга ўхшаш ҳодисалар юз беради. Карам бошлари тўғралиб ёки бутунлигича солинган каттакатта бочкаларда ҳам сут кислотали ачиш бошланиб, анчагина (1% га яқин) сут кислота тўпланишига сабаб булади. Тўпланган кислота чиритувчи бактерияларнинг ривожланишига тўсқинлик қиласди ва карамни чиришдан сақлайди.

Карам ва бодринг тузлашда ҳам ош тузи ишлатилади. Унинг концентрацияси кенг доирада ўзгариши мумкин, бироқ ош тузи концентрациясининг, Бомэ маълумотига кура, 6—7° бўлиши (бир тонна карамга 25—30 кг га яқин), кўпинча энг мос келади. Туз солишининг, афтидан, иккита аҳамияти бор. Биринчидан, туз маҳсулотнинг таъмини яхшилайди ва, иккинчидан, сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг ривожланиши учун қулай шароит туғдиради. Иккинчи ҳолда туз, равшанки, билвосита таъсир кўрсатади. Сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар тузга (нисбатан паст концентрациясига) бирмунча бефарқ булади. Бироқ тузланаётган маҳсулотлар туз иштирокида ширасини ва, хусусан, шакарини тез ажратади, чунки туз тузланаётган сабзавот ҳужайраларининг плазмолизга учрашига сабаб булади. Шакарларнинг эритмага тез диффузияланиб чиқиши эса сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг ривожланишига ва сут кислота тўпланишига қулай шароит яратади.

5. ПРОПИОН КИСЛОТАЛИ БИЖФИШ

Пропион кислотали бижфиш типик бўлмаган сут кислотали бижфишга ухшаб кетади. Бу ҳодиса пропион кислота ҳосил қилувчи алоҳида бактерияларнинг ҳаёт фоалияти туфайли содир булади, бу бактериялар сут ва сут маҳсулотларида, шунингдек тупроқ микрофлорасида жуда күп учрайди. Физиологик хусусиятларига кўра, бу бактериялар шартсиз анаэробларга киради. Улар агарда ўстирилганда унинг юзасида колониялар ҳосил

қилмайди, юпқа агар қатламида эса мутлақо ўсмайди. Улар 14 дан 35° гача температурада энг яхши ўсади. Ташқи шаклига кўра, бу бактериялар Грам усулида бўяладиган ҳаракатсиз таёқчалардир. Уларнинг ривожланиши учун оқсил типидаги органик азотли бирикмалар, аминокислоталар туплами ва ҳоказолар керак. Бу бактериялар сут кислотани ва баъзи гексозаларни осон бижғитади ҳамда нейтрал мұхитда яхшироқ ўсади. Стерилланган сутда ўстирилганда (бундай сутда казеин қисман нейтрализатор ва буфер ролини ўйнайди) улар анчагина пропион кислота тўплай олади. А. Ф. Войткевичнинг текширишларига кўра, бу бактерияларнинг баъзи турлари 30° да 20 кун ўстирилганда 1,5% гача кислота тўплайди. Ҳар хил микрофлорага эга бўлган стерилланмаган сутда уларнинг кам ривожланиши, афтидан, шунга боғлиқки, секинлик билан кўпайганда аввал *Streptococcus lactis* билан, кейин эса *Lactob. casei* билан рақобат қилишга чидай олмайди.



94-расм. *Bacterium acidi propionicī*. Йўғонлашган жойлари бор шохланган таёқчалари. Агарли культуурадан олинган препаратининг тушь фонидаги куриниши (1000 марта катталаштириб курсатилган)

Пропион кислотали бижғишнинг энг кучли қўзғатувчиси *Bact. acidi propionicī* дир. Бу — спора ҳосил қилмайдиган калтагина таёқча бўлиб, кўпинча занжир ташкил қиласди (94-расм). Бундан ташқари, пропион кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг бошқа формалари ҳам тасвирланган. Улар энергия берувчи материал сифатида айрим шакарлар ва сут кислота тузларидан фойдаланади; улар азотни оқсил моддалардан олади.

Пропион кислотали бижгишнинг охирги маҳсулотлари пропион ва сирка кислоталар, шунингдек карбонат ангидрид ва сувдир.

Бижгиш қуидаги тенгламага мувофиқ боради:



Бижгиш химизми бундан олдинги процесслардагига ухашадир.

Пишлоқ (сир) пиширишда пропион кислота бактерияларидан фойдаланиш. Пропион кислота ҳосил қилувчи бактериялар ҳам сут хўжалигида кенг ишлатилади. Маълумки, п и ш л о қ (с и р) т ай ё р л а ш бир қанча микробиологик процессларга асосланган бўлиб, сут кислотали ачиш ва пропион кислотали бижгиш шу процесслар орасида жуда муҳим уринни эгаллайди. Сир массасини тайёрлаш процессидаёт у турли бактерияларга бойиб боради, сир массаси зардобдан ажратилганда у бир талай бактерияларни ўзига «адсорбилаб» олади. Кўпгина текширишларга кура, сир массаси қозондан олинганда унинг ҳар бир грамидаги бактериялар сони доим бир неча юз миллионни ташкил этади. Шунча миқдордаги микрофлора сир массаси тайёрлашга ишлатиладиган сут микрофлорасига деярли бутунлай боғлиқ. Агар 1 мл сутда 10—15 миллионта бактерия бўлган бўлса, сир массасининг ҳар бир грамида камида 100—150 миллионта бактерия бўлади, бу сир массасида микроорганизмларнинг анча кўплигини кўрсатади. Сутнинг дастлабки «етилиши» сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар группасининг зўр бериб ривожланиши билан бирга давом этганидан, сир таркибида ҳам улар энг кўп бўлади.

Сут микрофлорасининг бошқа вакилларидан сирга ранги микрококклар ва сут кислота ҳосил қилувчи типикмас бактериялар деярли ҳамиша тушади. Сут кислота ҳосил қилувчи типикмас бактериялар кўпинча сирнинг баъзи нуқсонларига, хусусан етилишининг бошлангич даврида қаварчиб чиқишига сабаб бўлади. Шу микроблар билан бир қаторда сирга сутдан пропион кислота ҳосил қилувчи бактериялар ҳам доим тушади, сир баъзи навларининг (масалан, совет сири, рус-швейцария, голланд сирларининг) етилишида шу бактерияларнинг иштирок этиши жуда муҳимдир. Сутдан ташқари ачитқи томизғиси ва бактериал томизғи ҳам сир учун микрофлора манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Пастеризация қилинган сут ишлатилганда шу микроб манбалари сирга микрофлора етказиб берадиган асосий қисм бўлиб қолади.

Ачитқили сирлар тайёрлаш техникаси одатда қуидагилардан иборат бўлади: 1) сутга ачитқи томизғиси солиб, сир массаси ҳосил қилиш; 2) зардобни олиб ташлаш (қозонда пишириш

ва пресслаш); 3) тузлаш ва 4) сирни етилтириш. Сир пресслангандан кейин кучли намакобда (24% гача) бир неча кун давомида тузланади. Бунда параказеин (дикальцийказеин) буқади, бу ҳол сирнинг юмшаб қолишига сабаб булади. Сир тузлангандан кейин температураси 18—22° ва намлиги 80—90% бўлган ачитиш хонасига қўйилади. 10—14 кундан кейин сирда ачиш процесси бошланади, бу 8—10 ҳафта давом этади. Ачиш тезлиги сирни ҳар хил температурали хоналарга қўчириш йўли билан идора этилади.

Сир массаси қозонда пиширилаётганда сут кислотали ачиш процесси кучайиб, талайгина сут кислота тўпланади, бу кислота параказеиндан ажралиб чиқсан кальций билан бириккан булади. Пресслаш вақтида зардобнинг асосий қисми, у билан бирга сут шакари ва сут кислотанинг асосий қисми ҳам чиқиб кетади. Шунинг учун ачитиш хонасида сут кислотали ачиш процесси амалда деярли бормайди. Унинг ўрнига сирда пропион кислотали бижфиш процесси бошланади, бунда сут кислотанинг тузлари пропион ва сирка кислоталарга айланади, шунга кўра сир ўзига хос хушхур таъмли булади. Бундан ташқари, пропион кислотали бижфишда карбонат кислота ҳосил булади ва «кўзчалар» юзага келади. Қарбонат ангидрид аста-секин ажралаётганда олдин сир массасида эриши мумкин; кейин сир массаси маълум дараҷада тўйингандан сўнг, газ ҳолида ажралади ва бутун сир массаси бўйлаб бир текис тарқалган кўзчалар пайдо булишига олиб келади. Қарбонат ангидрид мой кислотали бижфиш ёки сут кислотали типикмас ачишдаги каби анча тез ҳосил бўлганда эди, «кўзчалар» нотекис ҳосил бўлиб, сирнинг етилмай қолишига қаварчиб чиқишига сабаб булар эди.

Сирда кўзчалар ҳосил бўлиши сир етилгандан 2—2 $\frac{1}{2}$ ой ўтгач тугайди. Шу вақтга келиб, асосий ачиш процесслари ҳам амалда тугалланади. Бироқ, сир батамом етилиши учун яна узоқ вақт сақланиши керак, шу вақт ичидан казеин секин-аста протеолизга учраб боради. Етилган сирда барча казеиннинг деярли $\frac{2}{3}$ қисми парчаланиб, пептонлар, аминокислоталар ва қисман аммиак ҳосил қилган булади. Оқсилинг шу тариқа кўп парчаланишини бактериал протеолитик ферментлар таъсирига боғлаб изоҳлашга ҳаракат қилинмоқда, лекин бу ҳодисанинг асл сабаби нимада эканлиги ҳозирча тўла тушунтириб берилмаган. Сир етилишининг бошланғич даврида протеолиз процесси, афтидан, ачитқи ферментлари, кейнинг даврларида эса сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар (acosan *Lactobact. casei*) таъсирида юзага келади.

Микроблар фаолияти туфайли сирда учрайдиган камчиликлардан унинг қаварчиб қолишини кўғсатиб ўтиш керак. Сир етилишининг бошланғич даврида қаварчидиган бўлса, бунга, афтидан, *coli-aerogenes* группаси бактерияларининг купайиши сабаб булади; кейнинг даврларда эса сир *Bact. putrificus*

типидаги бактериялар ҳаёт фаолияти туфайли қаварчиди. Сирнинг нормал етилишини таъминлашнинг энг яхши воситаси сутни ачитувчи бактерияларнинг соф культурасидан фойдаланишдир. Сирни ичак таёқчаси туфайли қаварчишдан сақлаш учун сир массасига бир озгина нитрат ёки нитритлар қушилади. Улар шу бактерияларнинг ҳужайраларида карбоксилаза ферментининг фаолиятини бўғиб қўяди ва газлар (карбонат ангирид) ажралишини тұхтатиб, сирни қаварчишдан сақлайди.

6. АЦЕТОН-ЭТИЛЛИ БИЖГИШ

Ацетон-этилли бижғишга спора ҳосил құлувчи факультатив анаэроб бактериялар сабаб булади, бу бактериялар 1904 йилда *Vac. macerans* деган ном билан тавсифланган эди. Кейинчалик бактериялар шу группасининг яна бир вакилини ажратиб олишга мұваффақ булинди, унга *Vac. acetoethylicus* деган ном берилган эди. Аввал бу бактериялар бир-бирига қарама-қарши қўйилган. Кейинчалик эса уларнинг умумий хоссалари кўп эканлиги маълум бўлди ва, шу тариқа, улар битта турга киритилди. Бу тур *Vac. acetoethylicus* деб аталадиган бўлди.

Ацетон-этил ҳосил құлувчи бактериялар узунлиги 4 μ дан 10 μ гача бўлган таёқчалардир. Улар Грам усулида бўялмайди ва ҳужайраларида гранулёза тутмайди. Ривожланишининг айрим стадияларида спора ҳосил қиласи. Споралари одатда ҳужайранинг бирор учида жойлашган бўллади (40-расмга қаранг). Бу бактерияларнинг физиологик хусусиятларидан, азот манбаларига унча муҳтож бўлмасдан (бу — уларнинг аминоавтотрофлигига боғлиқ), биотинга жуда талабчан бўлишини эслатиб ўтиш кифоя.

Ацетон-этил ҳосил құлувчи бактериялар углерод ва бижғиш учун керакли энергия берувчи материал сифатида турли углеводлардан фойдаланади. Улар углеводларни бижғитиб, этил спирт, ацетон, сирка кислота, карбонат ангирид ва водород ҳосил қиласи. Ҳосил бўладиган этил спирт билан ацетон миқдори бирмунча ўзгармас бўлиб, углеводлар бижғиганда 2,5 : 1 ёки 3 : 1 нисбатга тўғри келади. Бу бижғишни қўйидаги умумий тенглама билан ифодалаш мумкин:



Бу процесснинг бошланғич стадиялардаги химиэмни юқорида айтиб ўтилган бижғиш процесслари билан бир типда борса, бир-мунча кейинги стадияларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб қолади. Бу хусусиятлар шунга боғлиқки, муайян, бактерияларнинг ривожланишида, Н. Иерусалимский маълумотларига кўра, иккита фаза кузатилади: 1) мос келадиган озиқ муҳитларида тахминан 20 соатга чўзиладиган ва кислоталар тўпланиши билан давом этадиган ўсиш фазаси ҳамда 2) етуклик

Фазаси, тупланган кислоталар бу фазада яна бижгиб, ацетон ҳосил қиласы.

Ацетон-этилли бижгиш амалий жиҳатдан маълум даражада дикқатга сазовордир ва, бундан ташқари, табиий шароитда кўп учрайди. Чунки крахмал, дисахаридлар, моносахаридлар ва ўсимлик қолдиқлари таркибига кирадиган бошқа бирикмалар шу тариқа бижгишга учраши мумкин.

7. МОЙ КИСЛОТАЛИ БИЖГИШ

Мой кислотали бижгишнинг биохимиявий табиатини 1861 йилда Луи Пастер аниқлаган эди, лекин мой кислотанинг узи 1914 йилдаёт қашф этилган, бу кислотани шакардан ҳосил қилиш рецептни эса 1843 йилдан маълум эди. Пастер бу хилдаги бижгиш молекуляр кислородли шароитда ривожлана олмайдиган алоҳида бактерияларнинг ҳаёт фаолияти туфайли содир бўлишини аниқлашга муваффақ бўлди.

Мой кислотали бижгиш процессини қўзғатувчилар табиатда кенг тарқалганлиги кейинги текширишлардан маълум бўлди. Бу бактериялар тупроқда, гўнгда, ифлос сувда, сутда, сирда ва ҳоказоларда жуда кўп учрайди. Улар ҳар хил тупроқларда айниқса кенг тарқалган. Намуна учун олинган тупроқларнинг 90% часида, одатда, шу бактериялар бўлади. Бу бактерияларнинг энг муҳимлари қўйидагилардир.

1. *Clostridium Pasteurianum* мой кислота ҳосил қилувчи типик бактерия бўлиб, атмосфера азотини ўзлаштириш хусусиятига эга. У калта таёқча ҳолида бўлади ва спора ҳосил қилгандан кейин дуксимон шаклга киради (95- расм).

2. *Clostr. felsineum* ташки шакли жиҳатдан юқорида айтилган бактерияга яқин туради, лекин пектиназа ферменти борлиги ва пектин моддаларни бижгита олиши билан ундан фарқ қиласы.

3. *Clostr. butylicum* ташки шакли жиҳатдан юқоридаги бактериялар билан бир хил, лекин углеводларни бижгитиб, бутил спирт ҳосил қилиши билан улардан фарқ қиласы (96- расм).

4. *Clostr. butyricum* углеводларни бижгитиб, мой кислота ҳосил қиласи, аммо морфологияси жиҳатдан юқоридаги бактерияларга яқин туради (97- расм).

Мой кислота ҳосил қилувчи бактериялар хивчинлари перитрихиал жойлашган ҳаракатчан таёқчалар бўлиб, катталиги 3 μ дан 12 μ гача боради. Ҳужайраларининг протоплазмасида қўшилмалар сифатида гранулёза бор, шунга кўра, улар ѹод таъсирида тўқ кўк рангга бўялади. Бу группанинг ҳамма бактериялари спора ҳосил қиласи. Споралари цилиндр ёки эллипс шаклда бўлиб, узунлиги 1 μ дан 1,6 μ гача ва эни 0,8 μ гача етади. Ҳужайралари спора ҳосил қилгандан кейин дук ёки ногора чўп кўринишига эга бўлади.



95- расм. *Clostridium Pasteurianum*



96- расм. *Clostridium acetobutylicum*.
Спораларга айланадиган узун таёқчалари (1500 марта катталаштириб күрсатилган, В. Шапошниковдан олинган)



97- расм. *Clostridium butyricum*.
Таркибда гранулёза бор дуксимон хужайралари (1500 марта катталаштириб күрсатилган)

Мой кислота ҳосил құлувчи бактериялар облигат анаэроблар булиб, 1 л ұавода 20 мг дан 30 мг гача кислород бүлгандагина яхши усади. Улар углеродни углеводлардан, сут кислота билан пироузум кислотадан, маннит ва глицериндан олади; азотни жуда хилма-хил азотли бирикмалар: пептон, аминокислоталар, амиаклы тузлардан, баъзилари эса ҳатто атмосфера азотидан олади. 30—40° уларнинг ривожланиши учун энг қулай температура ҳисобланади. Споралари қысқа муддатли (1—2 минут давомида) қайнатишга чидай олади. Улар қулай органик бирикмаларда ривожланар экан, ұша бирикмаларни бижитиб, қуидаги умумий тенгламага мувофиқ мой кислота, карбонат ангиридри ва водород ҳосил қиласи.




Бу бижгиш давомида мой кислотадан ташқари, талайгина миқдорда сирка кислота ҳам ҳосил бўлади. Реакция кислотали томонга ўтганда ($\text{pH}=5,5$ гача борганда) эса кўп миқдорда бутил спирт билан ацетон тўплана бошлайди.

Пироузум кислота ҳосил бўлгунча, мой кислотали бижгиш химизми юқорида айтиб ўтилган бижгишлар билан бир типда бўлади. Кейинги ўзгаришларгина бошқачароқ шаклда кечади. Аввал пироузум кислотадан сирка альдегид ҳосил бўлади. Кейинчалик эса ундан альдоль ҳам юзага келади, альдоль кейин мой кислотага айланади.

Сирка альдегид карболигаза ферменти таъсирида қуидада кўрсатилган тенгламалардан бирига мувофиқ конденсатланиб, альдоль ҳосил қиласи:



Мой кислотали бижгишда альдоль конденсатланишининг биринчи типи, афтидан, энг катта аҳамиятга эга, бу процесс β -оксимой кислота альдегиди ҳосил бўлишига олиб келади, кейин қуидаги схемага мувофиқ шу альдегиддан мой кислота пайдо бўлади:




Мой кислотали бижгиш процессида сирка альдегиднинг конденсатланиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги юқорида келтирилган тенгламалардан кўриниб турибди. Сирка альдегиднинг конденсатланиши натижасида тўрт углеродли бирикма — мой кислота ҳосил бўлади. Шу процесс бўлмаганда эди, сут ва пироузум кислоталар (шунингдек глицерин) мой кислотага айланади, ҳолбуки, мой кислота ҳосил құлувчи бактериялар бу бирикмаларни осонгина бижитиб, мой кислота ҳосил қиласи.

8. АЦЕТОН-БУТИЛЛИ БИЖГИШ

Мой кислотали бижгиш процессида мой кислота билан бир қаторда бошқа маҳсулотлар ва асосан талайгина миқдорда бутил спирт ҳам ҳосил бўлади. Бижгиш *Clostr. acetobutylicum*

бактерияси туфайли юзага келадиган бұлса, кейинги текширишлардан маълум бұлишича, муҳитнинг кислотали ёки нейтралитетига қараб, бу бактерия мой кислотали бижгишга ҳам, ацетон-бутилли бижгишга ҳам сабаб бұла олади. Нейтрал муҳитда (бұр иштирокида) бижгишнинг асосий маҳсулоти мой кислота ҳисобланади, бутил спирт билан ацетон эса құшимчы маҳсулоттар сифатида кам миқдорда ҳосил бұлади. Кислотали муҳит ($\text{pH}=5,5$) да эса бутил спирт билан ацетон бижгишнинг асосий маҳсулотлари ҳисобланади, мой кислота эса құшимчы маҳсулот сифатида ҳосил бұлади.

Бу бижгишнинг охирги натижасини қуидаги умумий тенглама билан ифодалаш мүмкін:




Мазкур бижгиш давомида занжирида учта ва түртта углерод тутадиган моддалар ҳосил бұлғанлыгидан, уларнинг пайдо бўлиш ҳимизми қандай экан, деган савол туғилади.

Бу саволга ҳозир жуда қониқарли жавоб олинган. В. Н. Шапошников ва бошқаларнинг текширишларидан маълум бұлишича, мазкур бижгишда иккى фаза кузатилади: 1) кислотали иккى фазаси, бу фазада бактериялар зұр бериб күпаяди ва муҳитда мой ҳамда сирка кислоталар түпланади; 2) ацетон-бутилли фазаси, бу фаза давомида кислоталик пасайиб, ацетон, бутил ва этил спиртлар зұр бериб түпланади. Процесни бошқариш шароитига қараб, бижгишнинг гоҳ бир фазасини, гоҳ иккинчи фазасини сусайтириш ва қандай бұлмасин бирор хил маҳсулотни муҳитда күпроқ түплаш мүмкін.

Иккинчи фазада сирка кислота ацетонга, мой кислота эса бутил спиртга айланади. Қуидаги фактлар шуны күрсатади: агар бижгитиладиган субстратга сирка кислота құшилса, ацетон күп чиқади (назарий йүл билан ҳисоб қилинган миқдорнинг 72% га етади), агар мой кислота құшилса, шунга мувофиқ бутил спирт чиқиши күпаяди. Шунга асосланиб, ацетон ҳақиқатан ҳам сирка кислотадан, бутил спирт эса мой кислотадан ҳосил бұлади, деб әзтироф қилиш керак.

Ацетон-бутилли бижгиш ҳимизми мой кислотали бижгиш ҳимизми билан бир хил. Мой на сирка кислоталарнинг кейинчалик бутил спирт билан ацетонга айланышы алоқида йүл билан боради, холос. Мой кислота, чамаси, қуидаги тенгламага мувофиқ, қайтарылаб, туғридан-түрги бутил спиртга айланади:



Сирка кислота эса аввал сирка альдегид билан ұзаро таъсирлашиб, ацетон-сирка кислота ҳосил қиласы:



Ацетон-сирка кислота кейин декарбоксилланади ва қуидаги тенгламага мувофиқ ацетонга айланади:



Ацетон, бутил ва этил спиртлар құмматли маҳсулотлар бўлиб, техникада кўп ишлатилади, шунинг учун бижфишнинг бу хили ацетон билан бутил спирт олишда саноатда кенг расм бўлган.

Мой кислота ҳосил құлувчи бактерияларнинг табиатда кенг тарқалғанлиги бир қанча органик моддаларнинг (углеводлар, спиртлар ва органик кислоталарнинг) анаэроб шароитда парчаланиш процесслирида уларнинг жуда муҳим иштироқчи бўлиб қолишига сабаб бўлади. Органик қолдиқлар (ахлат, гүнг ва ҳоказолар) тұпламларида, шунингдек, тупроқда доим мой кислотали бижфиш процесси бўлиб туриши шундан далолат беради. Мой кислота ҳар хил органик моддаларнинг анаэроб йўл билан парчаланишида кенг кўламда ҳосил бўладиган маҳсулотdir.

9. ПЕКТИН МОДДАЛАРНИНГ МОЙ КИСЛОТАЛИ БИЖФИШИ

Ўсимлик қолдиқларининг минералларга айланиш тезлиги, улар ҳужайраларини мустаҳкамлаб, тўқималарга айлантирадиган пектин моддаларнинг парчаланишига маълум даражада боғлиқ. Ана шу ҳужайралараро моддалар сувда эримайди ва ҳар қандай ўсимлик қолдиқларидан анчагина миқдорда бўлади. Улар олмада (масалан, антоновка нав олмада) ва бошқа меваларда айниқса кўп бўлади, бу мевалардан советилганда лиқилдоқ массалар ҳосил қиласидиган ва кондитер саноатида (мармелад, пастила ва бошқалар тайёрлашда) кўп ишлатиладиган мева экстрактлари олинади.

Ҳужайралараро моддалар биринчи марта 1824 йилда ажратиб олинган эди. Лиқилдоқ масса ҳосил қилиш ҳусусиятига қараб, бу моддалар пектин моддалар деб аталди (грекча *pektys*—лиқилдоқ деган сўздан олинган). Бу моддаларнинг химиявий табиати узоқ вақтгача унча аниқ бўлмай келди ва фақат астасекин батафсил таърифлаб берилди. Ҳозир ўсимлик тўқимаси-нинг сувда қайнатилганда, арабан ва пектин кислота га (кислотанинг кальцийли ёки магнийли тузларига) гидролизланга оладиган ўзгармас моддаси пектин деб аталади. Гидролизланган пектин гидратопектин деб юритилади. Пектин гидролизланганда 65% га яқин гидратопектин ва 35% га яқин арабан (арабиноза ангидриди) ҳосил бўлади. Гидратопектиннинг асосий таркибий қисми— пектин кислота мураккаб тузилган. Унинг асосий скелетини тетрагалактурон кислота ҳосил қиласиди. Пектин кислота таркибига, бундан ташқари, арабиноза, галактоза, сирка кислота ва метил спирт киради. Специфик ферментлар таъсирида пектин кислота таркибий қисмларга тўла парчаланади.

Пектин протопектиназа ферменти билан гидролизланганда метил спирт ва мураккаб кислоталар комплекси ҳосил бўлади:



Пектиннинг пектиназа фермента таъсирида тўла гидролизланиши натижасида эса қуйидаги маҳсулотлар ҳосил бўлади:



Таркибида пектиназа бўлган, пектин моддаларнинг мой кислотали бижфишига сабаб бўладиган бактериялар анча узун (бўйи 10—15 μ ва эни 0,8 μ) таёқчалар бўлиб, шарга ўхшаш йўғон тортган учларида эндоспоралар ҳосил қиласди, пектинлар, глюкоза ва крахмални бижфитади, аммо целлюлозани бижфита олмайди. Бу бактерияларни Бейеринк *Clostridium pectinovorum* (98-расм) деган ном билан тавсифлаган эди. Улар облигат анаэроблар жумласига киради ва пектин моддаларни бижфитиб, мой ҳамда сирка кислоталар, водород ва карбонат ангирид ҳосил қиласди; бундан ташқари, бижфишнинг тегишли шароитида бутил спирт билан ацетон ҳам ҳосил бўлади.



98-расм. *Clostridium pectinovorum*. Учида спораси бор таёқчалари (1500 марта катталаштириб курсатилган)



99-расм. *Clostridium felsineum* (1000 марта катталаштириб курсатилган)

Пектин моддаларнинг бижфишига сабаб бўладиган иккинчи қўзғатувчи узун пояли нашадан ажратиб олинган ва *Clostr. felsineum* деб аталган (99-расм). У ҳаракатчан граммусбат бактерия бўлиб, ҳужайраларида гликоген бор. Пектинли бижфишга сабаб бўладиган бошқа бактериялардан фарқ қилиб, бу бактерия, бирмунча юқори температурада ҳам ривожлана олади. Та什қи кўриниши жиҳатдан йирик таёқчалар бўлиб, споралар ҳосил қила олади ва мутлақо анаэроб шароитда ривожлана олади.

Пектиннинг ферментлар таъсирида гидролизланиши натижасида энергия ажралмайди. Шунинг учун юқорида айтиб ўтилган бактериялар гидролиз натижасида ҳосил бўлган маҳсулотларнинг баъзиларини кейинчалик ё мой кислотали, ёки ацетон-бутили бижфиш типида бижфитади. Галактоза ва арабиноза шундай маҳсулотлар жумласига киради. Арабиноза бижфиганда фақат мой кислота билан карбонат ангидрид, галактоза бижфиганда эса мой кислота ва карбонат ангидрид билан бир қаторда водород ҳам ҳосил бўлади:



Пектинли бижфишдан амалда кенг фойдаланилади. Зифир ва толали ўсимликларни сувда ивтииш шу процессга асосланган.

10. ЗИФИРНИ СУВДА ИВТИШДА МОЙ КИСЛОТА ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ БАКТЕРИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Толали ўсимликлар (зифир, наша, жут, жендир ва бошқалар) га биринчи ишлов беришда мой кислота ҳосил қилувчи бактериялардан, хусусан уларнинг пектин моддаларни бижфитадиган хилларидан фойдаланилади. Улардан фойдаланишининг зарурлиги шундан келиб чиқадики, йигиришга кетадиган целлюлоза толалари пўстлоқ паренхима тўқимасининг ҳужайралари ҳамда ёғочлиги билан маҳкам бояланган бўлади. Паренхима букиб, айрим ҳужайраларга ажраладиган бўлгандагина, уларни ўсимликнинг шу қисмларидан ажратиб олиш мумкин.

Бу эса, ўз навбатида, ҳужайраларни цементлаб, тўқималарга айлантирадиган пектин моддаларни парчалашни талаб этади. Шундан кейингина пояни механик равишда ишлаш — титиш ўйли билан луб толаларини ёғочликдан ажратиб олиш мумкин.

Пектин моддаларни парчалаш учун сувда ёки шудрин гда ивтииш усули қўлланади. Биринчи процесс пектинни парчаловчи анаэроб бактерияларнинг биохимиявий активлигига, иккинчиси эса баъзи аэроб бактериялар ва могор замбуруфларининг активлигига асосланган. Табиий равишда сувда ивтилганда пектин моддаларнинг парчаланишида бир қанча организмлар иштирок этади. Минервин текширишларига кўра, бу процессни иккита алоҳида фазага: 1) экстрактив моддаларнинг бижфиши (купикли бижфиш) ва 2) пектин моддаларнинг ҳақиқий бижгиши фазаларига булиш мумкин. Биринчи процесс ивтилгандан 2—3 соат кейин бошланади ва 12—13 соатдан кейин жуда авжга чиқади. Бу процесс зўр бериб газлар (CO_2 ва H_2) ҳосил бўлиши билан давом этади, шунинг учун ҳам купикли бижфиш деб аталган. Бу вақтда суюклика жуда кўп майдага кокклар ва ичак таёқчаси ҳамда *Pseudomonas fluorescens* га ўхшай-

диган, таёқчасимон спора ҳосил құлмайдыган бактериялар пайдо бўлади. Пектин моддаларнинг ҳақиқий бижфиши вақтида эса спора ҳосил құлувчи анаэроб таёқчалар (*Clostridium pectinovorum*) нинг ривожланиши кузатилади.

Кўпикли бижфиш вақтида ичак таёқчаси групласига кирадиган бактериялар ривожланганидан, бижфиётган суюқлиқда мой ва сирка кислоталар билан бир қаторда сут кислота ҳам бўлиши мумкин. Бижфиш стадиясининг бошида сут кислота мой кислотанинг 50% ни, процесснинг охирида эса 5—10% ни ташкил этиши мумкин. Сут кислота миқдорининг камайиб кетишига сабаб шуки, мой кислота ҳосил құлувчи бактериялар уни ачишиб, мой кислотага айлантиради.

Бижфишининг шу турларида пектинни парчаловчи бактерияларнинг соғ культурапаридан, хусусан *Clostr. pectinovorum* дан фойдаланиш яхши натижаберади. Тола стерилланган шароитда ивитилганда, табиий равишда ивитилгандан ёмонроқ бўлиб чиққанлиги учун аввалига унча қопиқарли натижалар олинмаган бўлса-да, ивтиш муддатлари жуда қисқарди. Стерилланмаган шароитда, аммо соғ культура қўшиб ивтиш 120 соат ўрнига, фақат 100 соат давом этди, шу муҳитдаги бошқа организмлар билан соғ культура қўшилганда эса ҳатто 83 соат давом этди.

Толанинг ёмонлашувига сабаб экстрактив моддаларнинг бижгиши бўлиб чикли. Стерилланган шароитда улар шу муҳитдаги бошқа микроорганизмлар туфайли бижфимасдан, *Clostr. pectinovorum* туфайли бижфиган ва қўшимча мой кислота тўплаган, бу ҳол процесснинг кейин боришига тўқсинглик қўлган. Зигир яхшилаб қайнатилгандан кейин ундаги пектин моддаларнинг бижфиши устида ўтказилган кузатишлар ҳам шуни тасдиқлайди. Бундай шароитда сифатли тола чиққан; бундан, зигир яхши ивиши учун пектин моддаларни батамом парчалайдиган табиий микроорганизмлар ассоциацияси бўлиши кепак, деган хулоса чиқариш мумкин.

Маркованинг яқиндаги текширишларига кўра, шу муҳитдаги бошқа микрофлорада кислоталар тузини (хусусан, мой кислоталар тузини) бижфидиган бактериялар жуда кўп учрайди. Бу бактерияларнинг мой кислотани бижфитиши шу кислотанинг камроқ тўпланишига сабаб бўлиб, *Clostr. pectinovorum* га пектин моддаларни тўла парчалаш учун имкон бериши эҳтимолга жуда яқин. Азотли моддалар қўшилганда ҳам зигирнинг ивиши сезилярли даражада яхшиланади. Муҳит реакциясини идора эта оладиган азотли моддалар айниқса яхши таъсир кўрсатади. Масалан, аммоний карбонат ёна шундай хоссага эга. Ивтиладиган суюқликка пектинли бижфишга сабаб бўладиган кучли қўзғатувчилар қўшилса ҳам ивишининг хийла тезлашганилиги (20% га яқин) маълум бўлди. Шунинг учун зигир ва толали бошқа ўсимликлар биринчи марта ишланадиган заводларда бундай бактериялар ҳозир кўп ишлатилади.

Кендирик ивитилганда ҳам худди шундай процесслар бўлади, бироқ у анча қийинлик билан ивийди. Бактерияларнинг кендирига секин таъсир қилишини И. А. Макринов унда микроб таъсирига кам бериладиган мумсимон ва смолосимон моддалар борлиги билан исботлайди. Бижфишининг энг кучли қўзғатувчилари иккита бактерия: спора ҳосил құлмайдыган овал шаклдаги микроб ва спора ҳосил құлувчи таёқчадир.

Қаноп ивитилганда пектинли бижфишга *Bac. cannabis* сабаб бўлади. Биохимиявий хусусиятларига кура, бу бактерия *Clostr. felsineum* га жуда яқин туради; бижфишининг охирги маҳсулотлари тариқасида бу бактерия мой кислота (асосий маҳсулот), валериан кислота (мой кислотадан иккита баравар кам), этил спирт, карбонат ангидрид ва водород ҳосил қиласиди.

Сунъий ивтиш процессида органик моддаларга бой бўлган кўп миқдор ивтиш суюқлиги ҳосил бўлади. Бу суюқликни табиий сув ҳавзаларига

тушириш уларнинг ифлосланишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун уни ё органик қўшимчалардан тез тозалаш усулини топиш, ёки қайта тиклаб, зитирни ивitiш учун бошқатдан ишлатиш жуда зарур бўлиб қолади. Равшанки, иккинчи йўл мақсадга энг мувофиқдир.

В. Минервин томонидан ишлаб чиқилган, ивitiш суюқлигини анаэроб йўл билан қайта тиклаш усули бу суюқликдан ивitiш учун яна 30 марта гача фойдаланиш имконини беради.

Қайта тиклаш алоҳида ҳовузда амалга оширилади, бу ерда суюқлик учувчан органник моддалар тузларни бижгитиб, карбонат ангидрид ва метан ҳосил қиласидан бактериялар таъсирига учрайди. Бу тузлар ивitiш давомида пектин моддалар бижғишининг охирги маҳсулоти сифатида тупланиб боради ва ивиш процессини қўзғатувчиларнинг нормал ривожланишига тусқинлик қиласиди. Бу тузларни йўқотиш бир қанча қулайлик туғдиради: ивиш шароити яхшиланади, ивиш муддати иккى баравар қисқаради, ивitiш суюқлигини чиқариб ташлаш эса 10 марта камаяди.

11. ЦЕЛЛЮЛОЗАНИНГ АНАЭРОБ ИЎЛ БИЛАН ПАРЧАЛАНИШИ

Целлюлоза тупроққа ва сув ҳавзаларига жуда кўп тушиб турганидан бу модданинг анаэроб йўл билан парчаланиши умумбиология нуқтai назаридан муҳим аҳамиятга эга. Мавжуд маълумотларга кўра, ер юзидағи организмлар таркибида учрайдиган умумий углерод массаси 700 биллион тоннага яқин миқдорга тенг келади. Тупроқ ва торфларда 1500 биллион тоннадан ортиқроқ углерод бор. Агар углерод массасининг деярли ярмиси целлюлозага тўғри келади, деб ҳисобласак, бу модданинг ер юзидағи массаси қанча эканлигини тасаввур қилиш осон. Бунинг устига, унинг ўсимликлар таркибида йил сайин кўпайиб бориши ҳам ўсимликлар қуруқ оғирлигининг 50% га яқинлашиб қолади. Шунинг учун табиатда целлюлозанинг парчаланиш процеслари ер юзида углероднинг айланишида жуда муҳим аҳамиятга эга.

Целлюлоза парчаланишининг биохимиявий табиати биринчи марта ўтган асрнинг 50- йилларидаёқ пайқалган эди. Рус тадқиқотчиси Л. Попов целлюлозали моддалар (дарё балчиғи) бижғианда, метан билан водород ажралиб чиқишини аниқлади. Гўнгнинг анаэроб шароитда бижгиши текширилганда ҳам шунга ўхшаш маҳсулотлар топилган. Шундан кейин Гоппе-Зейлер фильтр қофозни дарё балчиғи бактериялари ёрдамида уй температурасида бижгитиб, жуда узоқ вақт (тўрт йилга яқин) сақлаганда, бу қофоз метан билан карбонат ангидридга айланишини аниқлади. Бироқ В. Л. Омелянськийнинг ўтган аср охирларида ўтказган йирик текширишларигина бу процессларни анча тўла тушунтириб берди. У целлюлоза анаэроб йўл билан парчаланганди иккита бактерия иштирок этишини аниқлашга муваффақ бўлди. Бу бактерияларнинг бири целлюлозанинг бижғиши маҳсулотлари орасида талайгина водород ҳосил қиласа, иккинчиси купгина метан ҳосил қиласиди. Биринчи бактерияни Омелянський *Bac. celluloseae hydrogenicus* деб атаган (100- расм). Бу бактерия узун (10 — 12 μ) таёқчалардан иборат. Хужайрасининг

бирор учида споралар ҳосил қиласи. Бунда ҳужайранинг уни дўмбайиб чиқади ва бактерия ногора чупи шаклига киради.

Иккинчи хил бактерия *Bac. cellulosa methanicus* деб аталди. У морфологик жиҳатдан олдингига ўхшайди, лекин анча кичикроқ бўлади. Бу бактерия ҳам спора ҳосил қиласи ва шаклан ногора чупига ўхшайди (101-расм).



100-расм. *Bacillus cellulose hydrogeicus*: чапда — ёш ҳужайралари; ўртада — ногора чупи шаклидаги таёқчалари; ўнгда — споралари (1000 марта катталашириб курсатилган)


101-расм. *Bacillus cellulose methanicus*: чапда — ёш ҳужайралари; ўртада — ногора чупи шаклидаги таёқчалари; ўнгда — споралари (1000 марта катталашириб курсатилган)

Бу бактерияларни бир-биридан ажратиғ турадиган энг муҳим фарқлардан бири улар спораларининг униш тезлигидир. Метанли бижгиш бациллаларининг споралари водородли бижгиш бактериялари спораларига қараганда анча тез унади. Шунинг учун целлюлозали муҳитга инфекцион материал юқтирилганда олдин метанли бижгиш бациллалари ривожлана бошлайди. Бу вақтда водород бациллаларининг споралари ҳали тинч ҳолатда бўлади.

Агар метанли бижгиш бошлангандан кейин, колба 75° гача 15 минут қиздирилса, метан ҳосил қилувчи бактериялар нобуд бўлади. Водородли бижгиш қўзғатувчиси эса бундай иссиқдан шикастланмайди, чунки унинг споралари бу вақтда ҳали унмаган бўлади. Бу усул такрорланганда, водород ҳосил қилувчи бациллаларни бирмунча соғ ҳолда ажратиб олиш имкони туғилади. Ҳозир шу бациллаларнинг иккала хили *Bac. Omelianskii* деган ном билан бир турга бирлаштирилган.

Юқорида айтиб ўтилган ва 30—35° температурада целлюлозанинг бижғишига сабаб бўладиган бактериялар билан бир қаторда бирмунча юқори температурада ривожланадиган целлюлоза парчаловчи бактериялар ҳам табиатда учрайди. Масалан, ҳайвонларнинг экскрементидан *Bac. cellulose dissolvens* ни (102-расм) ажратиб олишга муваффақ бўлинди. Бу бактерия целлюлозани 35—50° температурада ёнг яхши парчалайди. У 100° температурага 50 минут чидай оладиган овал споралар ҳосил қилувчи узун (12 μ га яқин) таёқчадир. Уни эрувчи углеводларда (глюкоза, фруктоза, галактоза, арабиноза, манноза ва бошқаларда) ўстириб бўлмайди. Лекин у целлюлозада яхши ўсади ва уни бижғитиб, мой, сирка кислоталар, этил спирт, карбонат ангидрид ҳамда водород ҳосил қиласи.

Бундан ташқари, от гунгидан *Clostr. thermocellum* ни ажратиб олишга муваффақ булинди. Бу бактерия 60—65° да целлюлозани бижкитиб, учувчан кислоталар (асосан сирка кислота) ва этил спирт ҳосил қила оладиган, спора берувчи кичкинагина ($0,5 \times 0,4 \mu$) факультатив анаэроб таёқчадир. Ҳосил бўладиган учувчан кислоталар бижғиган целлюлозанинг 56% ни, спирт эса 10% ни ташкил этади. Бижғиган целлюлозанинг қолган қисми газларга тўғри келади.



102- расм. *Bacillus cellulosae dissolvens*. (1500 марта катталаштириб кўрсатилган)


Автор, В. В. Первозванский, Чельцова ва бошқалар ҳам целлюлозани бижкита оладиган термофил бактериялар культурасининг шунга ухшаш типини текширдилар.

Целлюлозанинг бижғишини текшириш юзасидан олиб борилган юқоридаги ишларнинг кўпи фақат термофил бактерияларнинг тозаланган культуралари устида ўтказилган. А. А. Имшенецкий уларнинг тоза культурасини ажратиб олди, у целлюлозани парчаловчи бактерияларнинг морфологик характеристикасини ёритишга, шунингдек уларнинг физиологияси тўғрисида мумкаммал маълумотлар беришга муваффақ бўлди. Аввало, целлюлозани парчаловчи термофил бактериялар бошқа бактериялар би-

лан симбиоз ҳолда яшагандагина ривожлана олиши маълум бўлди. Чамаси, муайян мұхитда бўлган микрофлора мұхитнинг оксидланиш-қайтарилиш потенциалини пасайтиради ва уни анаэроб бактерияларнинг ривожланиши учун зарур мураккаб органик бирикмалар билан бойтади. Бу бактериялар культура-ларида целлюлоза гидролизи маҳсулотлари ҳам, бижгиш маҳсулотлари ҳам топилиши жейинчалик маълум бўлди.

Шу маълумотларга, шунингдек бошқа бир қанча тадқиқотчи-ларнинг маълумотларига асосланиб, целлюлоза бижгишдан олдин целлобиоза ёки глюкозагача гидролизланади, деб ҳисоблаш керак. Чунончи, целлюлозада ривожланаётган бактерияларнинг баъзи культуралари толуол билан ишланганда, озиқли эритмада Фелинг суюқлигини қайтарадиган моддалар ҳосил бўлади. Бу моддалар кейинроқ ажратиб олинди ва глюкозага ўхшаш деб ҳисобланди. Глюкоза доимо тўпланавермасдан, бактериялар но-буд килингандан кейингина тўпланади ва унинг тўпланиши, афтидан, шунга боғлиқки, целлюлоза ферменти боягидек ишлов бе-рилгандан кейин ўз активлигина ҳали сақлаб қолади, глюкоза-нинг парчаланишида иштирок этадиган ферментлар эса инактив ҳолга келади.

Бактерия культуралари йодоформ билан ишланганда ҳам шунга ўхшаш маълумотлар олинган. Йодоформ таъсирида биж-фиш процесси тўхтаб қолган, суюқликда эса глюкоза билан цел-лобиоза тўпланган. Целлюлозанинг парчаланишида бу моддаларнинг қайси бири олдин ҳосил бўлишини аниқлаш учун бак-терияларга йодоформ таъсир эттириб, уларнинг ривожланиши тўхтатилган ва кейин культура 67° температурада сақланган. Бундай шароитда суюқликда фақат целлобиоза топилган, холос, бу, целлобиаза ферменти активлигининг йўқолишига боғлиқ бул-са, ажаб эмас (бу фермент целлобиозани глюкозагача парчалай-ди). Бу маълумотлар глюкозанинг парчаланишида иккита фер-мент (целлюлаза билан целлобиаза) иштирок этади, целлюлоза эса шу ферментлар таъсирида глюкозагача гидролизланади, деб тахмин қилишга имкон беради:



А. А. Имшенецкийнинг илмий асарида целлюлозанинг олдин глюкозагача парчаланишига ишончли далиллар келтирилган. У целлюлозани парчаловчи бактерияларнинг соғ культураси ривожланаётган целлюлозали озиқ субстратини текширар экан, парчаланган целлюлозанинг 40 дан 70% гачаси эрувчан шакар-лар ҳолида бўлишини аниқлади.

Целлюлозанинг водород ажralиши билан давом этадиган парчаланиш процесси целлюлозанинг водородли бижгиши деб аталади. Бижгишнинг бу хилида ҳамиша мой ва сирка кислоталар, карбонат ангидрид ҳамда водород ҳосил

бұлади. Ҳосил бұладиган кислоталарнинг үзаро нисбати анча кенг доирада үзгариб туриши мумкин. Лекин уртаса қуидаги миқдорларга түрі келади: бир молекула мой кислотага 1,7 молекулага яқин сирка кислота түрі келади. Қарбонат ангидрид билан водород ҳосил бұлған кислоталарнинг тахминан $\frac{1}{2}$ қисміні (оғирлигіга нисбатан) ёки парчаланган целлюлозанинг $\frac{1}{3}$ қисміні ташкил этади. Ҳосил бұладиган газлар ҳажмининг $\frac{1}{2}$ қисми карбонат ангидридің ва $\frac{1}{2}$ қисми водородда түрі келади.

Целлюлозанинг метанли бижғишида газсімон маҳсулотлар күпроқ ҳосил бұлади. В. Л. Омелянский маълумотларига күра, уларнинг миқдори парчаланган целлюлоза оғирлигининг тахминан ярмини ташкил этади. Бундан ташқары, мой кислота билан сирка кислота уртасидаги нисбат ҳам күп даражада үзгариб туради. Бу ҳолда бир молекула мой кислотага 9 молекула сирка кислота түрі келади. Газлар уртасидаги нисбат ҳам үзгариб туради. Қарбонат ангидридің барча газлар ҳажмининг атиги $\frac{1}{3}$ қисми, метанга эса $\frac{2}{3}$ қисми түрі келади. Мұхит реакциясига қараб, бу нисбатлар кескін ўзгариши мумкин. Масалан, ишқорый реакцияда кислоталар күп ҳосил бўлса, кислотали реакцияда күпроқ газлар чиқиши кузатилади. Бундан ташқары, водородли бижғишида доим бир оз миқдор этіл спирт ҳам ҳосил бўлади. Ҳосил бұладиган охирги маҳсулотлар миқдори доимий бўлмаганлигидан бижғишининг бу хиллари одатда умумий схема билан ифодаланади, холос. Целлюлозанинг водородли (2) ва метанли (3) бижғишини ифодаловчи шундай схема қуидаги шаклда кўрсатилади:

1. $(C_6H_{10}O_6)_n + nH_2O = nC_6H_{12}O_6$
2. $C_6H_{12}O_6 \rightarrow CH_3CH_2CH_2COOH + CH_3COOH + H_2 + CO_2 + x Cal$
3. $C_6H_{12}O_6 \rightarrow CH_3CH_2CH_2COOH + CH_3COOH + CH_4 + CO_2 + x Cal$

Бироқ метанли бижғиши учун мана шундай схема ҳам жуда шартлидир, чунки метан, афтидан, ёки сирка кислотанинг парчаланиши ҳисобига, ё бўлмаса, қарбонат ангидриднинг молекуляр водород билан қайтарилиши ҳисобига иккиласчы тартибда ҳосил бўлади:

1. $CH_3COOH \rightarrow CH_4 + CO_2$
2. $CO_2 + 4H_2 \rightarrow CH_4 + 2H_2O$

Метан шу йўллардан бири билан ҳосил бўлади, деб ҳисобланадиган бўлса, афтидан, целлюлоза соғ ҳолда метанли бижғимайди, деб тан олишга түрі келади.. Айрим ҳолларда метан целлюлозанинг водородли бижғиши маҳсулотларидан кейинчалик ҳосил бўлади, холос. Бироқ, бу масаланинг узил-кесил ҳал этилиши учун яна қўшимча маълумотлар керак.


Турли анаэроб бактериялар туфайли содир бўладиган асосий бижфиш процесслири юқорида куриб утилган турли типлар билан тугалланади. Булардан ташқари, баъзи замбуруғлар углеводларни анаэроб шароитда парчалаши мумкин. Аммо улар, одатда, аэрот шароитда яхши ривожланади. Масалан, моногор замбуруғлари билан турушлар шундай хоссаларга эга. Анаэроб шароитда улар углеводларнинг спиртли бижфишига сабаб бўлади.

12. СПИРТЛИ БИЖФИШ

Углеводларнинг спиртли бижфишига турушлар (*Saccharomyces*, 61-расмга қарап), шунингдек баъзи бактериялар (*Sarcina ventriculi*) ва моногор замбуруғларининг алоҳида вакиллари сабаб бўлади. Бу хилдаги бижфишнинг асосий қўзғатувчилари турушлардир. Улар углеводларни (моно ва дисахаридларни) бижкитиб, этил спирт билан карбонат ангидрид ҳосил қиласди. Азот манбаи сифатида пептон, аминокислоталар ва баъзан аммиакли тузлардан фойдаланади. Муҳит кучсиз кислотали ($\text{pH}=4-6$) бўлганда улар энг яхши ривожланади ва эритмада 15—17% гача спирт тўплайди.

Турушларнинг ҳужайраларида нафас олиш ферментларнинг жуда мураккаб комплекси бор. Шунинг учун улар кислороддан маҳрум қилинган муҳитда ривожланар экан, ўз ҳаёт фаолияти учун энергияни спиртли бижфиш ҳисобига олса, кислород билан таъминланган муҳитда ривожланганда эса одатдагича кислород билан нафас олиш ҳисобига энергия олади, бунда қайси субстратдан фойдаланаётган бўлса, ўша субстратни карбонат ангидридга парчаланади.

Турушлар туфайли юзага келадиган спиртли бижфишда гек-соза молекуласи қуйидаги умумий тенгламага мувофиқ спирт билан карбонат ангидридга парчаланади:



Бироқ бу тенглама процессининг охирги натижасини кўрсатади, холос, унинг бориши эса бундан беқиёс даражада мураккаб. Кўп текширишлардан маълум бўлгандек, бижфишнинг ҳамма хилларида қандай умумий оралиқ маҳсулотлар юзага келганлиги юқорида кўрсатиб ўтилган бўлса, бижфиш процессининг бу хилида ҳам худди ўша маҳсулотларнинг ўзи ҳосил бўлади.

Спиртли бижфиш процессининг боришида одатда икки давр кузатилади: 1) индукцион ва 2) стационар давр. Индукцион даврда пироузум кислотадан ҳосил бўладиган сирка альдегид водород акцептори сифатида фойдаланилмай қолади. Шунинг учун пиридин дегидрогеназалар томонидан чиқариб

юборилган водородни глицерин альдегид бириктириб олади ва у глицерингача қайтарилади. Бунинг натижасида бижгиётган суюқликда глицерин, сирка альдегид ва карбонат ангидрид түпландади.

Мұхитда бир оз миқдор сирка альдегид түпланғандан кейин фосфоглицерин альдегид молекулаларининг водород акцепторлари ўрнида сарф булиши билан борадиган реакция тұхтайди ва стационар бижгиш деб аталадиган иккінчи фаза бошланади. Бу фазада водородни энді сирка альдегид қабул қилауда шунга күра, қуйидаги тенгламага мувофиқ зүр бериб этил спирт түпланади:



Спиртли бижгишда мана шу реакция асосий ҳалқаны ташкил этади. Глицерин бижгишнинг энг бошланғич даврларидагина түпланғанлығыдан, жуда кам миқдорда чиқади ва спиртли бижгишнинг құшимчы маҳсулоти бўлиб ҳисобланади, холос. Агар мұхитта сирка альдегидни бириктириб оладиган сульфитлар киритилса, глицерин чиқиши кескін кўпаяди ва глицеринли бижгиш деб аталадиган процесс бошланади ва у қуйидаги тенгламага мувофиқ боради:



Спиртли бижгишнинг шаклан ўзгарған бу типи техникада жуда мұхим ажамиятта эга бўлиб, турушлар ёрдамида шакардан глицерин ҳосил қилиш асосида ётади.

Агар спиртли бижгиш нормал шароитда борса (сульфитлар қўшилмасдан), асосий охирги маҳсулотлар сифатида, юқорида келтирилган тенгламага мувофиқ, этил спирт билан карбонат ангидрид ҳосил бўлади.

Бижгиш вақтида ажралиб чиқадиган энергия турушларга анаэроб шароитда ривожланиш имконини беради.

Бижғиган субстратда этил спирт билан бир қаторда сивуш мойлари деб аталадиган юқори молекуляр спиртлар ҳам топилади. Уларнинг юзага келиши, турушлар томонидан азот манбаи сифатида фойдаланиладиган аминокислоталарнинг парчаланишига боғлиқ бўлиб, қуйидаги умумий схема билан ифодаланиши мумкин:



Ҳосил бўлган аммиакдан турушлар оқсил синтез қилиш учун фойдаланади, юқори молекуляр спиртлар эса бижғиган суюқликда түпланиб боради.

Спиртли бижгишдан техникада ғоят көнг кўламда фойдаланилади: виночилик, пиво пишириш, ароқ тортиш ва нон ёпиш шу процессга асосланган. Шу корхоналарда ишлатиладиган ту-

рушлар устки ва пастки бижгиш турушларига бўлиниди. Устки бижгиш турушларі шу билан таърифланади, улар шиддатли бижгишга сабаб бўлади, пастки бижгиш турушлари эса энг бошданоқ идиш тубига чўкиб тушади ва секин бижгишга сабаб бўлади. Ароқ тортиси ҳамда нон ёпишда ишлатиладиган турушларнинг кўпини устки бижгиш турушларига киради *Saccharomyces cerevisiae*, II ва XII групчачалари); пиво пиширишда эса пастки бижгиш турушлари ишлатилади.

Бу корхоналардан фарқли ўлароқ, виночиликда турушлар бунчалик муҳим роль йўнамайди. Бу ўринда шинни (сусло) нинг сифати ҳал қилювчи фактор ҳисобланади. Винонинг асосий қисми, одатда, узум ғужумлари сиртида бўладиган тасодифий турушлар ёрдами билан шиннининг ўз-ўзидан бижгиши натижасида ҳосил бўлади. Сўнгги вақтда виночиликда ҳам турушларнинг соф культураси кенг ишлатиладиган бўлди. Булардан фойдаланилганда, узум шираси анча тез бижкийди, чунки соф культура билан бирга талай миқдорда актив туруш ҳужайралари ҳам солинади. Ўзум ғужумларида бўладиган туруш ҳужайралари эса ҳар хил муддат давом этадиган «инкубация даври»ни ҳам ўтиши керак, бу, табиийки, узум ширасидаги шакарларнинг турушлар таъсирида бижгиш муддатини узайтиради. Бундан ташқари, соф культураларда кўпгина шакари бор ширани бижгита оладиган ва муҳитда бирмунча юқори концентрацияда спирт бўлишига чидай оладиган туруш групчачаларидан ҳам фойдаланилади. Шу туфайли доимий микрофлоранинг ривожланиши сусаяди ва вино хуштаъм, хушбўй бўлиб чиқади.

Турушларнинг соф культураларидан газли винолар ишлаб чиқаришда фойдаланиш айниқса муҳимdir, бу ўринда турушларнинг спирт билан карбонат ангидридга чидамли групчачлари талаб қилинади. Бундан ташқари, соф культуралар тўла бижкий олмаган виноларни қўшимча бижгитишда, виноларни иккинчи марта бижгитиш йўли билан яхшилаш ва мева ҳамда резавор-мева винолари тайёрлашда ҳам ишлатилади. Сўнгги ҳолда ҳар қайси резавор-мева учун тегишли туруш групчачалари танлаб олинади. Кейинги вақтда виночиликнинг бу соҳаси жуда кенг тараққий этди ва жуда хилма-хил резавор-мева шираларидан юқори сифатли винолар ишлаб чиқарилмоқда.

Новвойчиликда спиртли бижгишдан хамирни ошириш ва кўпчиши учун фойдаланилади, чунки бижгишнинг бу тури кўп миқдорда карбонат ангидрид ажралиши билан бирга боради. Бижғиган ҳар бир килограмм шакардан 255 л дан кўпроқ карбонат ангидрид ҳосил бўлади. Нон ёпиладиган температурада бу ҳажм деярли икки баравар ортади, шунинг натижасида хамир янга кўпроқ кўпчиыйди ва нон ғовак-ғовак бўлиб чиқади.

Ароқ тайёрлаш саноатида фалла донлари ёки картошка крахмали асосий хом ашё бўлиб хизмат қиласи. Крахмал солод (ундирилган дон) амилазаси таъсирида малтозагача гидролиз-

ланади. Картышкани шу тариқа ишлаш натижасида талайгина микроорганизмларнинг ривожланиши учун мос ва озиқ моддалар кўп муҳит ҳосил бўлади. Спиртли бижгиш учун бирмунча қулай шароит юзага келтириш мақсадида уша муҳитга турушларнигина эмас, сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларни ҳам қушишга тўғри келади. Шунга кўра, чиритувчи ва мой кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг ривожланиши чекланади ва уша муҳитдаги углеводлар спиртли бижгиш ҳодисасига учрайди. Ҳозир этил спирт олиш учун, масалан, цељлюзанинг кислотали гидролизатлари, сульфидли эритмалар ва овқатга ишлатилмайдиган шунга ўхшаш хом ашёдан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Пиво пишириш саноатида турушларнинг группачалари бирмунча муҳим аҳамиятга эга, чунки пивога алоҳида таъм ва ҳид берадиган моддалар ҳосил бўлиши уша группачаларга боғлиқдир. Шунинг учун пиво заводларида узоқ вақтгача турушларнинг аралаш культуралари ишлатиб келинган, бу культуралар ҳар бир завод учун хос бўлган бактериялар тўпламидан иборат эди. Эндиликда эса пиво пишириш саноати ҳам алоҳида танлаб олинган турушларнинг соғ культураларидан фойдаланиш асосида ишламоқда. Шундай турушлардан фойдаланилганда, пиво жуда сифатли бўлиб чиқади.

IX. б о б

ОКСИДЛАНИШ ПРОЦЕССЛАРИ

Аэроб оксидланиш процесслари анаэроб бижгиш процессларидан шу билан фарқ қиласиди, оксидланадиган субстратнинг активлашган водороди бу ўринда молекуляр кислородга узатилади ва у кислород таъсирида ёниб, сувга айланади. Бижгиш процессида эса водород тўйинмаган боғли бирор органик молекулага бирикади ва уша молекулани тегишли маҳсулотгача қайтаради. Қайтарилган бу бирикмалар муҳитда бижгишнинг охирги маҳсулотлари сифатида кўп миқдорда тупланади ва дастлабки органик модданинг чала ёнишига сабаб бўлади. Ҳосил бўладиган тўйинмаган молекулалар миқдори оксидланадиган моддадан чиқадиган жами водородни бириктириши учун айрим ҳолларда камлик қилиб қолади. Бунда водороднинг муҳитдаги босими ортиб кетади ва бир қисми молекуляр шаклда ажралиб чиқади (мой кислотали бижгишда, сут кислотали типикмас ачишда ва ҳоказоларда). Субстратнинг анаэроб оксидланишида эса водород акцепторларининг етишмаслиги кузатилмайди, чунки муҳитда доим етарли миқдорда молекуляр кислород бўлади. Бундай шароитда процессининг тезлиги молекуляр кислородни активлашда иштирок этадиган ҳужайранинг фермент аппаратига боғлиқ бўлиши мумкин, холос. Агар микроб


ҳужайрасида водород билан кислородни актив ҳолга келтиришда иштирок этадиган нафас олиш ферментларининг түплами бекаму күст бўлса, органик модда жуда тез оксидланади. Микроб ҳужайрасида нафас олиш ферментларининг түплами тұла бўлмаса, органик моддалар анча секин оксидланади ва күпинча чала оксидланиш маҳсулотлари ҳосил булиши билан давом этади.

Оксидланиш процесслари кўздан кечирилар экан, уларни ҳам тобора мураккаблашиб борадиган тартибда қараб чиқиш маъқул бўлар эди. Бироқ бу проблемани ҳал қилишда катта қийинчилклар туғилади, чунки микроорганизмлардаги оксидлаш аппаратининг қай тариқа аста-секин такомиллашиб борганини курсатиб бера оладиган ҳеч бир ному нишон табиатда сақланиб қолган эмас. Шунинг учун қўйида баён этиладиган материал замонавий аэроб оксидланиш процессларини уларнинг тарихий эволюциясини ҳисобга олмаган ҳолда классификация қиласи.

1. МОЛЕКУЛЯР ВОДОРОДНИНГ ОКСИДЛАНИШИ

Бижгиш билан нафас олиш процесслари уртасида оралиқ ўринни эгалайдиган энг оддий оксидланиш типи — молекуляр водороднинг сувгача оксидланишидир.

Оксидланишнинг бу хилига водородни оксидловчи бактериялар сабаб бўлади. Бу бактериялар 1906 йилда ёқ соғ культура ҳолида ажратиб олинган эди, улар табиатда кенг тарқалган бактериялар бўлиб чиқди. Уларнинг бирини *Bac. pantotrophum*, иккинчиси эса *Bac. olygocarboxophilum* деб аталди. Булар майда ($1,2 - 1,5 \mu$), спора ҳосил қўлмайдиган таёқчалар бўлиб, фақат аэроб шароитда ривожланади ва органик манбалар сифатида углероддан ҳам, карбонат ангидриддан ҳам фойдалана олади. Бу бактериялардан ташқари, водородни *Bac. hydrogenes* ва бошقا бир қанча бактериялар қўйидаги тенгламага мувофиқ оксидлайди:



Оксидланишнинг бу хилида карбонат ангидрид қўйидаги схемага мувофиқ иштирок этади:



Реакциянинг бошлангич даврларида водород, афтидац, карбонат кислота билан ўзаро таъсир қиласида ва унинг қайтарилишига боғлиқ маҳсулотларни ҳосил қиласи, кейин молекуляр кислород бу маҳсулотларни сувгача оксидлайди. Карбонат ангидриднинг қайтарилишига боғлиқ булган дастлабки маҳсулот сифатида формальдегид ҳосил булиши аниқланган, шунга кура, муҳитда органик углерод етишмай қолганда, бу бактериялар карбонат кислотадаги углеродни ҳам ўзлаштириши мумкин, лекин бу процесс ўша бактериялар учун мутлақ шарт эмас. Водородни оксидловчи бактериялар умуман табиатда ва қисман турпроқда муҳим роль ўйнайди. Турли биологик процесслар давомида ҳосил бўладиган водород ўша бактериялар иштироқида сувгача оксидланади.

2. УГЛЕВОРОДЛАРНИНГ ОКСИДЛАНИШИ

Углеводородлар барқарор органик бирикмалар группасига киради ва баъзи микроорганизмлар таъсири билангина оксидлана олади. Бу процесснинг актив иштирокчиларйдан бири спора ҳосил құлмайдыган майды таёқча бўлиб, *Bact. methanicum* деб аталади. Бу бактерия метанни қуидаги умумий тенглама-га мувофиқ оксидлайди:



Оксидланишнинг шу хилига, чамаси, метаннинг дегидратлаши сабаб бўлади, бунинг натижасида аввал этан, сўнгра этилен ҳосил бўлади. Этилен этил спирт ва сирка кислотага боғлиқ оралиқ даврларни ўтгандан кейин оксидланиб, карбонат ангиридига айланади. *Bact. methanicum* культураларида сирка кислота ҳосил бўлишидек факт метаннинг шу йўл билан оксидланишини исбот этиши мумкин. Бу бактерия учун метан энергия манбаи бўлибгина қолмасдан, балки бактерия ўз танасидаги органик моддаларни тузадиган материал бўлиб ҳам хизмат қиласи.

Ёғлар қаторидаги бошқа углеводородлар (пропан, бутан, гексан ва бошқалар) ҳам шунга ўхшаш йўл билан оксидланади. Уларни муайян бактерияга яқин турадиган формалар оксидлайди, оксидланиш натижасида карбонат ангирид билан сув ҳосил бўлади:



Бу бактерияларнинг ҳаммаси амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга, чунки В. С. Буткевич ҳамда ҳамкорларининг текширишларига кўра, ёнувчан газлар билан нефти микробиологик усулда разведка қилишда шулардан фойдаланиш мумкин. Кўмир конлари атмосферасини метандан тозалаш учун ҳам шу бактериялардан фойдаланилса, ажаб эмас.

Метан билан этандан ташқари, ёғлар қаторида бирмунча узун углерод атомлари занжирига эга бўлган углеводородлар (нефть, бензин, керосин, хилма хил парафинларнинг углеводородлари ва бошқалар) ҳам бактериялар иштирокида оксидланиши мумкин. Ягона углерод манбалари сифатида углеводородлардан фойдалана оладиган хилма-хил бактерияларни В. О. Таусон ва бошқа тадқиқотчилар тупроқдан ажратиб олганлар. Углеводороднинг ўзгаришидаги дастлабки давр бу ўринда ҳам унинг аввал тўйинмаган бирикмага, сўнгра спирт, альдегид ва кислотага айланиши бўлса, ҳеч ажаб эмас. В. О. Таусоннинг текширишлари жуда хилма-хил углеводородлар специфик бактерия ҳамда замбуруғлар учун углерод манбаи бўлиб хизмат қила олишини кўрсатиб берди. Бактериялар группасидан ёғлар-

ни парчалайдиган бактериялар билан микобактериялар (*Mycobacterium album* ва бошқалар), шунингдек гексан, октан ва парафиндан углеродни ўзлашира оладиган *Bact. alyphaticum* углеводородларни энг тез парчаловчилардир.

Бу бактерияларнинг культуラларида парафин мүл сарф булади, бу ҳол, чамаси, парафиннинг күп иссиқ чиқариш хусусиятига боғлиқ. Үсиб чиқаётган микроорганизмнинг қуруқ оғирлиги күпинча сарфланган парафин оғирлигининг 50% ни ва ҳатто 70% ни ташкил этади.

Углеводородларнинг оксидланишидан ҳосил буладиган охирги маҳсулотлар карбонат ангирид билан сувдир, лекин оралиқ маҳсулотлар сифатида спиртлар, органик кислоталар ва түйинмаган углеводородлар ҳам топилади. Шунга асосланиб, түйинган углеводородларнинг оксидланиш процесси дегидрогенлашишга ва түйинмаган бирикмалар ҳосил бўлишига боғлиқ, деб ҳисоблаш керак, ўша түйинмаган бирикмалар кейинчалик оксидланар экан, кетобирикмалар, органик кислоталар ва оксидланишнинг бошқа маҳсулотлари ҳосил бўлади.

Бу процессларнинг кетма-кет боришини қўйидаги схема билан ифодалаш мумкин:

*Тўйинган углеводородлар → тўйинмаган углеводородлар
→ спиртлар → кетобирикмалар → ёф кислоталар → карбонат
ангирид ва сув.*

Бу процессларнинг ҳаммаси аэроб микроорганизмлар таъсирида содир булади ва кислород сарфланиши билан боғлиқ. Шунинг учун улар шамол яхши тегиб турадиган жойда ёки муҳитда ўша оксидланиш процесслари учун кислород бера оладиган моддалар бўлганда энг шиддатли ўтади. Кислород бера оладиган шундай моддалар жумласига нитратлар билан сульфатлар киради, буларнинг иштирокида углеводород бактериялари эркин кислород бўлмаса ҳам оксидланиш процессини юзага чиқариши мумкин.

Парафин қаторидаги углеводородлар, очиқ занжирли тўйинмаган углеводородлар, юқори спиртлар, юқори ёф кислоталар, ёғлар ва мумлар юқорида баён этилган оксидланиш процесслига учраши мумкин. Гидроксил ва карбоксил группалар тутган бирикмалар бу процессларга ҳаммадан осонроқ берилади.

3. ЁГЛАР ВА ЁГЛАР ҚАТОРИГА КИРАДИГАН ЮҚОРИ МОЛЕКУЛЯР КИСЛОТАЛАРНИНГ ОКСИДЛANIШI

Хилма-хил ёғлар таркибига кирадиган юқори молекуляр ёф кислоталар ҳам шунга ўхшаш йўл билан оксидланади. Ёғларда бу кислоталар глицерин (ва бошқа спиртлар) билан эфирли бирикмалар ҳолида булади ва ўсимлик ҳамді ҳайвон қолдиқлари билан бирга тупроқ ҳамда сув ҳавзаларига кўплаб тушиб туради. Ёғ парчаланишининг энг кучли иштирокчиси *Pseudomonas*


monas fluorescens дир (103-расм). Бу бактерия күкимтири пигмент ҳосил қылади ва спора ҳосил құлмайдыган майдада таекча ҳолида бұлады. Бундан ташқары, ёғнинг парчаланышыда *Pseudomonas pyocyanus*, *Chromobact. prodigiosum* лар ва *Actinomyces*



103- расм. *Pseudomonas fluorescens*. Агардаги колониясидан олинган соф культурыасын

жамда *Mycobacterium* нинг кўпгина турлари иштирок этади. Улар ёғни глицерин ва ёғ кислоталарга-ча парчалабгина қолмасдан, балки ҳосил булган ёғ кислоталарни карбонат ангидрид билан сувгача оқсилдайди ҳам. Ёғ ҳамда ёғ кислоталарнинг парчаланишида замбуруғлардан *Oidium lactis* (сут мөгори), мөгор замбуруғларининг ҳар хил турлари (*Aspergillus*, *Penicillium* ва бошқалар) иштирок этади.


Её парчаланишининг биринчи босқичи — унинг липаза ферменти ёрдамида қўйидаги тенгламага мувоғиқ содир бўладиган гидролизидир:



Ёф гидролизланганда ҳосил бўладиган глицерин кейин тез оксидланади, ёф кислоталар эса жуда секин оксидланади ва шунинг учун аввал субстратда тўпланиб қолади. Бироқ, кейинчалик бу бирикмалар ҳам қўйидаги тенгламага мувофиқ, карбонат ан-гидрид ва сувгача (жуда секин бўлса-да) оксидланади:



Бу хил оксидланиш химизми ҳали унча аниқ эмас, бирок, афтидан, оралиқ стадияда кетокислоталар ҳосиһ билан боғлиқ, чунки олеин кислота-нинг оксидланишида оралиқ маҳсулот сифатида кетостеарин кислота топилган эди. Шунга асосланиб, ёғ кислоталарнинг оксидланиш процесслири уларнинг дегидрогенланишига боғлиқ бўлиб, қўйидаги оралиқ маҳсулотлар орқали ўтади, деб тахмин қилиш мумкин:



Бу процесс натижасида ёғ кислотанинг углеродли занжири икки атомга қисқаради. Процесс кўп марта тақорланадиган бўлса, пировард натижада шубарқарор органик бирикмалардаги углерод-атомлари ҳамма занжирининг тўла оксидланишига олиб келади.

Юқори молекуляр ёғ кислоталар ёмон эрийдиган ва қийин оксидланадиган бўлганидан, уларнинг оксидланиш процессининг

үзи секин боради. Мұхитда 1 г ёғ булғанда ұтто ёғни әнг тез парчалайдын микроорганизмлар ҳам 30 кун мобайнида атиги 70 мг га яқин ёғни парчалайды.

4. ЭТИЛ СПИРТНИНГ ОКСИДЛАНИБ, СИРҚА КИСЛОТАГА АЙЛАНИШИ

Бу процесснинг биохимиявий табиатини биринчи марта Пастер 1862 йилда анықлаган әди. У ачиб қолған узум виноси ёки пиво юзіда ұр дойм ҳосил бўладиган пардани микроскопда текширас экан, унда таёқчасимон бактерияларни топди ва уларни *Mycoderma aceti* деб атади.

Лекин *Mycoderma aceti* сирқа кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг учта мустақил тури (*Acetobact. Pasteurianum*, *Acetobact. Kützingianum*, *Acetobact. aceti*) дан иборат эканлиги кейинги текширишлардан маълум бўлди. Сирқа кислота ҳосил қилувчи бактерияларни кейин яна текшириш натижасида сирқа кислотали бижғишда актив иштирок этадиган яна бир қанча турлар ажратилди.

Бу бактерияларнинг әнг муҳим вакиллари қуидаги турлар ҳисобланади.

1. *Acetobact. aceti* — спора ҳосил қилмайдиган калтагина ҳаракатсиз таёқча бўлиб, анча узун занжирлар ҳосил қиласи (104-расм). Йод таъсирида сариқ рангга бўялади ва спиртнинг бирмунча юқори концентрациясига (11% га яқин) чидай олади. Спирт оксидланётган вақтда муҳитда 6% га яқин сирқа кислота тўплайди. Бу бактерия кўпинча пивода ривожланади. Унинг ўсиши учун оптималь температура 34° дир. Бирмунча юқори (40°) температурада ноксимон шишлари бор чўзиқ ип ҳосил қиласи.

2. *Acetobact. Pasteurianum* (105-расм) — бу ҳам калтагина таёқча бўлиб олдинги бактерияга жуда яқин туради. Бироқ йод таъсирида кук рангга буялиши ва бурмали қуруқ парда ҳосил қилиши билан ундан фарқ қиласи.



104-расм. *Acetobacterium aceti*.
Занжирсimon бўлиб жойлашган
таёқчасимон хужайралари (1500
марта катталаштириб кўрсатилган)



105-расм. *Acetobacterium Pasteuri-*
апим. Занжирсimon бўлиб жой-
лашган калта таёқчалари

3. *Acetobact. orleanense* (106- расм) — жуда пишик парда ҳосил қиласи ва күпинча узум виносининг кучсиз эритмаларида ривожланади. Бу бактерия ривожланганда ҳам суюқлик тамомила тиниқлигича қолаверганидан узум виносидан сирка тайёрлашда бу бактериядан кенг фойдаланилади (французча усул). Юқори температурада деярли узун иплар ҳосил қиласиди. Спиртнинг бу бактерия ривожлана оладиган максимал концентрацияси 10% дан 12% гачадир, сирка кислотанинг максимал концентрацияси эса 9,5% га тўғри келади.

4. *Acetobact. xylinum* (107- расм) — баъзан маълум қалинликда бўладиган тоғайсимон пардалар ҳосил қиласиди. Иёд ва сульфат кислота таъсирида кўк рангга бўялади (гемицеллюлозага хос реакция). Спирт оксидланганда 4,5% га яқин сирка кислота тўплайди. Тўпланган сирка кислотани яна оксидлаши, яъни карбонат ангидрид билан сувгача оксидлаши мумкин. Чой кваси деб аталадиган алоҳида ичимлик тайёрлашда кўпинча турушлар билан бирга ишлатилади.




106- расм. *Acetobacter orleanense*. Нормал ва айниган ҳужайралари (1000 марта катталашиб кўрсантилган, Фурмандан олинган)



107- расм. *Acetobacter xylinum*. Айниган ҳужайралари (1000 марта катталашиб кўрсантилган)

5. *Acetob. schutzenbachii* — нисбатан узун таёқчадан иборат. Эски культуралигини сидирга ва мўрт парда ҳосил қиласиди. Муҳитда 11,5% га яқин сирка кислота тўплай олади ва шунинг учун жадал усулда (немисча усул) сирка тайёрлашда ишлатиладиган энг муҳим форма ҳисобланади. Унинг парда ҳосил қилишга учча мойил эмаслигидан, ишлаб чиқаришда шу тариқа фойдаланилганки, бактериялар бук дарахти қириндисида ўстирилганда шу қириндига анча қаттиқ ёпишиб ўсади.

Этил спиртнинг шу бактериялар таъсирида оксидланиши деидрогенланиш йўли билан амалга ошади ва қуйидаги умумий схемага мувофиқ боради:



Муҳитда етарли миқдорда спирт бўлса, сирка кислота ҳосил қилиувчи бактериялар уни фақат сирка кислотагача оксидлайди; шу тариқа оксидланишда анча кам энергия ажralиб чиқади.


Шунинг учун бактериялар, одатда, күп миқдор этил спиртниң қайта ишлайды. Бу хусусият сирка кислотали бижкишни сирт-дан қарғанда оддий бижкиш процессларига үшшатыб қуяды. Бирок, шу үшшашликка қарамасдан, сирка кислотали бижкиш типик аэроб оксидланиш процессидир, чунки сирка кислотаны шу кислотаны ҳосил құлувчи бактериялар яна карбонат ангидрид билан сувгача оксидлайды, ҳолбуки ҳақиқиي бижкиш маҳсулотлари кейинчалик оксидланмайды.

Техникада сирка ишлаб чиқариш сирка кислота ҳосил құлувчи бактерияларнинг этил спиртни оксидлашига асосланған. Техникада сирка тайёрлашынг французча усули деган усулдан фойдаланиладі, бунда дастлабки материал сифатида күчсиз узум виноси ишлатылади, бижиши процессининг үзиңса $\frac{2}{5}$ қисмі илитилган сирка ва $\frac{3}{5}$ қисмі вино билан тұлдирілған яssi чандарда (тогораларда) олиб борилади. Шу арашшма юзида *Acetobactercleanense* пардарды ҳосил бұллади. Спирт оксидланиған кейин чандан 10% союқлик туширил болинади, уннан үрнің эса яна шұнча вино күшіледі.

Сирка тайёлрашнинг жадал ёки немисча усулида дастлабки материал сифатида суюлтирилган спирт ишлатилади. Бижиги эса буқ қириндилари түлдирилган цилиндрсизмон ёки конуссимон бочкаларда олиб борилади. Бу идишларнинг юқорисидан ва тубларидан бир талай тешик очилади, оксидланадиган спирт шу тешиклардан оқиб тушиши мумкин. Устма-уст жойлаштирилган бир қанча шундай аппаратлар орқали секинлик билан ўтказилиладиган суюлтирилган спирт эритмаси улардан ўтиши вақтидаёт сирка кислотагача оксидланышга улгуради, чунки ҳамма вақт унга шамол яхши тегиб туради.

5. МОГОР ЗАМБУРУГЛАРИНИНГ УГЛЕВОДЛARНИ ОКСИДЛАБ, КАХРАБО ВА ФУМАР КИСЛОТАЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИШИ

Ҳар хил мөғор замбуруғлари ҳам оксидланиш процессларида актив иштирок этади. Улар углеводларни оксидлаганда субстратда хилма-хил органик кислоталар түппланади. Агар оксидланиш процесси, масалан, мөғор замбуруғлари туфайли содир бўлса, чала оксидланиш маҳсулотлари сифатида талайгина миқдорда каҳрабо ва фумар кислоталар түппланади. В. С. Буткевич ва М. В. Фёдоров маълумотларига кўра, улар қуйидаги умумий схемага мувофиқ углеводлардан ҳосил бўлади:




ва кейин яна бир қанча оралық маңсулотлардан ўтиб, CO_2 ҳамда H_2O гача оксидланади.

Шу оксидланиш процессларида парчаланиш процесслариги на эмас, балки энергия ажралиб чиқиши билан бирга давом этадиган синтез процесслари ҳам мұхим үринни әгаллады. Шу типдаги процессларнинг аниқланиши улар микроорганизмларнинг ұжайраларидан аминли бирикмалар синтезланишида ҳам иштирок этса керак, деб ҳисоблашга асос бұлди. Масалан, аспарагин кислота синтези, автор маълумотларига кура, фумар кислота ва аммиак ҳисобига содир бұлади. Бу ҳол микроорганизмлардаги углеводлар ва оксидлар алмашинуви ўртасида мустақам алоқа борлигини күрсатади ва умуман фанда мұхим ақамияттаға әга ҳисобланади. Бундан ташқары, мөн замбуруғларнинг углеводларни оксидлаш процесслари амалда мұхим ақамияттаға әга. Ҳозир саноатда фумар кислота ҳосил қилишда шу процесслардан қенг фойдаланылмоқда.


6. ПУПАНАҚ ЗАМБУРУҒЛАРИННИГ УГЛЕВОДЛАРНИ ОКСИДЛАБ, ЛИМОН ВА ОКСАЛАТ КИСЛОТАЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИШИ

Aspergillaceae оиласига кирадиган пупанак замбуруғлари (*Asp. niger*) углеводларни оксидлаб, лимон ва оксалат кислоталар ҳосил қилади. Бу оксидланиш процессининг химизми ҳозирги вақтгача узил-кесил аниқланған әмас. Баъзи тадқиқотчилар олдин олти аъзоли гексоза занжири узилиб, сирка альдегид ҳосил бўлади, шу альдегиддан синтез йўли билан ён занжирида бир атом углерод тутган олти аъзоли янги лимон кислота занжиринде юзага келади, деб тахмин қиладилар. Бошқалари углерод атомлари занжири узилмасдан ҳам шакар молекуласи лимон кислотага айлана олади, деб ҳисоблайдилар. Иккинчи нуқтани назарни В. С. Буткевич қўллаб-қувватламоқда.

Буткевич маълумотларига кура, лимон кислота гексозадан қўйидаги йўл билан ҳосил бўлади:



Замбуруғларнинг хин кислотада ўса олиши ва шакардан лимон кислота пайдо қила олиши ўртасида боғланиш борлигининг В. С. Буткевич томонидан аниқланиши шу схема учун асос бўлди. Бошқа нуқтаи назарга қараганда эса бу процесс қўйидаги схемага мувофиқ бориши керак:




Бу схемаларнинг иккаласини ҳам ҳозирча исботланган, деб ҳисоблаб булмайди, уларнинг шакардан лимон кислота ҳосил бўлишига боғлиқ химизми ҳамон бирмунча ноаниқ бўлиб келмоқда. Реакцияда иштирок этадиган карбонат ангидрид ҳисобига пироузум кислотанинг карбоксиллана олиши мазкур масалани ҳал этишни янада қўйинлаштириб қўймоқда.

Пўпанак замбуруғлари культураларида хийлагина миқдорда кислота түпланиши шакардан лимон кислота олиш учун улардан техникада фойдаланишга имкон беради. Лимон кислота сўнгги вақтларгача лимондан олиб келинди, унда 7% дан 9% га яқин лимон кислота бўлади (хўл оғирлигига қараб ҳисоблаганда). Бироқ бу кислота лимонда бирмунча кам бўлганлиги туфайли уни шу йўл билан мақсаддага унча мувофиқ эмас. Шунинг учун мөгор замбуруғларидан шу мақсадларда техникада фойдаланиш усуслари энг олдин бизда — СССР да (В. С. Буткевич, С. П. Костичев ва бошқалар), сўнгра чет элда ҳам ишлаб чиқилди.

В. С. Буткевич усулида лимон кислота олиш учун олдин *Asperg. niger* пардаси 20% ли шакар эритмасида (бу эритмага минерал тузлар ва 0,3% NH_4NO_3 қўшилган бўлади) 30—32° температурада ўстирилади. Мана шундай озиқ муҳитида икки кундан кейиноқ бурмали сидирға замбуруғ пардаси ҳосил бўлади. Шундан кейин ўша парда тагидаги озиқ эритмаси қўйиб олиниди, замбуруғнинг пастки юзаси қайнаган сув билан ювилади ва парда тагига қайнатилган тоза шакар эритмаси (20%) қўйилади. Ана шундай шароитда лимон кислота тез ҳосил бўла бошлайди ва шакарнинг оксидланиш процесси тўрт кунда бутунлай тугалланади. Чиқадиган лимон кислота ишлатилган шакарнинг 50—60% ни ташкил этади ва озиқли суюқлик ҳажмининг 9—10% га етади. Кислота субстратдан ажратиб олиниб, тозаланади ва техникада хилма-хил мақсадлар учун ишлатилади. Ҳозир чуқурликда лимон кислота олиш усули муваффақиятли ишлаб чиқилмоқда; бу усуулга кўра, моддалар ферментерларда бижкитилади.

Пўпанак замбуруғлари культураларида лимон кислота билан бир қаторда баъзан талай миқдорда (асосан субстрат ишқорий реакцияда бўлса) оксалат кислота ҳам ҳосил бўлади.

Бу кислотанинг ҳосил бўлиш химизми ҳам ҳозирча аниқ эмас, аммо процесснинг дастлабки босқичлари бошқа органик кислоталар ҳосил бўлишига ўхшайди ва худди ўша оралиқ даврлар орқали ўтади, деб тахмин қилинмоқда. Бироқ кислота шу йўл билан ҳосил бўлганда эди, бир молекула глюкозадан фақат бир молекула оксалат кислота ҳосил бўлар эди. Ҳолбуки, гексоза молекуласидан уч молекулагача оксалат кислота ҳосил бўла олиши Чесноков, шунингдек Мельникова текширишларида кўрсатиб берилди:



Шунинг учун биохимиявий йўл билан шакардан оксалат кислота ҳосил бўлиши тўғрисидаги масалани яна текшириш зарур.

7. МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ЦЕЛЛЮЛОЗА ВА У БИЛАН БИРГА УЧРАЙДИГАН МОДДАЛАРНИ ОКСИДЛАШИ

Целлюлозанинг аэроб йўл билан оксидланиш процесси тупроқда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бу процесс бундан 50 йилдан ортиқ вақт олдин, целлюлозанинг (фильтр қофознинг) Петри косачасида парчаланиши кузатиб борилган пайтда кашф этилган эди. Тупроқ кесакчалари қофоз устига тушганда, қофоз сариқ доғлар билан қопланиб, аста-секин парчаланади. Ўша жойларда ё калта таёқчалар, ёки кокклар топилади. Кейинги текширишлар давомида целлюлозани парчалайдиган бир қанча бактерияларнинг соф культураси ажратиб олинди. Булар орасида олдин *Spirochaeta cytophaga* деб аталган, кейин С. Н. Виноградский *Cytophaga Hutchinsonii* деб бошқа ном берган бактерия активлиги билан айниқса ажралиб қолди.

Бироқ А. Имшенецкий ва Л. Солицеванинг кейинги текширишлари бу микроорганизмнинг тузилиши ва ривожланиш тарихи миксококклар группаси учун типик эканлигини кўрсатиб берди, шунга кўра, бу микробга *Mucoxoccus Hutchinsonii* деган янги ном берилди. Бу бактерия экин экиладиган ерлар тупроғида кенг тарқалган бўлиб, целлюлозани парчалайдиган миксобактериялар группасига киради. У целлюлозали муҳитлардагина ривожланади. Бошқа углеводлар унга углеродли озиқ берадиган манба ўрнида хизмат қила олмайди. Муҳитга лоақал 0,3% глюкоза қўшилганда ҳам миксококк кўпаймай қолади ва целлюлозанинг парчаланиши тўхтайди.

Бу бактериянинг вегетатив ҳужайралари $0,3-0,4 \mu \times 4,5-6 \mu$ келади ва бир оз букилган булади (108- расм). Бактерия ҳужайрасининг ўрта қисмида ҳосил бўладиган бўлбоғча ёрдами билан кўпаяди. Натижада учлари ўткир иккита қиз ҳужайра юзага келади. Целлюлоза шу бактерия таъсирида аввал кучсиз (0,05% ли) метил кўки эритмаси билан бўялиш хоссасини касб этади, сўнгра эса бир процентли сода эритмасида қиздирилганда, осон

эриб кетадиган сариқ шилемшиқ массага айланади. Бу бактериядан ташқари, *Cytophaga* нинг яна бир нечта тури тавсифланган эди (109-расм), булар ҳужайраларининг катта-кичиклиги ва целлюлозанинг парчаланишидан ҳосил бўладиган маҳсулотларнинг бўялишига қараб бир-биридан фарқ қиласди.

Бошқа группа бактерияларидан қўйидаги турлар целлюлозанинг парчаланишида энг актив иштирок этади.



108-расм. *Myxococcus* (*Cytophaga*) *Hutchinsonii*. Целлюлозада ўстирилган культураси (1000 марта катталашибтириб кўрсатилган)




109-расм. *Cytophaga aurantiaca*. Целлюлозада ўстирилган культураси (1000 марта катталашибтириб кўрсатилган)

1. *Cellvibrio*. Бу бактериянинг ҳужайралари узун, бир оз қайрилган бўлиб, шаклан у таёқчаларга -ухшайди, учлари юмалоқ тортган, учларида хивчинлари бор (110-расм). *Cellvibrio* нинг




110-расм. 1 — *Cellvibrio ochraceae*; 2 — *Cellv. flavescentes*. Целлюлозада ўстирилган культураси (1000 марта катталашибтириб кўрсатилган)



2

баъзи турлари қофозда ривожланганда яшил ёки сариқ пигмент ҳосил қиласди. Айни вақтда целлюлоза тегишли рангга бўялади.

2. *Cellfalcicula*. Ҳужайралари таёқчасимон, ўтири учли бўлиб, бир томонида жойлашган хивчинилари бор. Улар кўпинча



111-расм. *Cellfalcicula viridis* (чанда) ва *Cellf. fusca* (унгда). Ёш культураси (1000 марта катталаштириб курсатилган, Виноградскийдан олинган)

ўроқсимон ёки дуксимон кўринишда бўлади. Ҳужайраларининг узунлиги аҳён-аҳёнда 2 мдан ортиқ бўлади (111-расм). Бу бактерия фильтр қофозда ривожланганда, қофоз яшил рангга бўялиб, шилимшиқланади ва қуруқ оғирлигининг 25—50% ни ийқотади. Бунда ҳосил буладиган шилимшиқ қолдиқ метилен кўки билан яхши бўялади ва 2,5% ли сода эритмасида қиздирилганда эриб кетади.

Целлюлозанинг парчалашида бактериялардан ташқари, проактиномицетлар, актиномицетлар ва замбуруғларнинг айrim вакиллари (*Botrytis*, *Trichoderma* ва бошқалар, 112-расм) иштирок этади.



112-расм. *Trichoderma Konigii*:

a — замбуруг гифалари; *b* ва *c* — конидияланди; *d* — конидиялари

лар ва замбуруғлар ҳам уни худди шундай йўл билан парчалалиши аниқланган, деб ҳисоблаш мумкин. Аввал улар целлюлозани гидролизлайди, кейинчалик эса карбонат ангидрид билан

сувгача оксидлайди. Целлюлоза толаси ҳамиша ҳам фелинг суюқлигини қайтара берадиган бўлмаганигидан, бу процесс давомида коллоид табиатли юқори молекуляр органик кислоталар — урон кислоталар деб аталадиган моддалар ҳам пайдо бўлади, деб ўйлаш керак. Булардан ташқари, кўпинча бирмунча оддий оксикислоталар ҳам ҳосил бўлади, бу кислоталар кейин карбонат ангидрид билан сувгача оксидланади.

Бу процессларнинг боришини схема равишда қўйидаги кўришида ифодалаш мумкин:

1. $(C_6H_{10}O_5)n + \frac{1}{2}nH_2O = \frac{1}{2}nC_{12}H_{22}O_{11}$
2. $\frac{1}{2}nC_{12}H_{22}O_{11} + \frac{1}{2}nH_2O = nC_6H_{12}O_6$
3. $nC_6H_{12}O_6 + xO_2 \rightarrow R - CHONCOOH + CO_2 + H_2O + xCal$
4. $R - CHONCOOH + xO_2 \rightarrow CO_2 + H_2O + xCal$

Целлюлоза парчаланишининг оралиқ босқичларида эрувчан шакарлар ва органик кислоталар ҳосил бўлиши муҳим аҳамиятга эга, чунки бу маҳсулотлар бошқа тупроқ бактериялари, жумладан, азот тўпловчи бактериялар (азотобактер ва клостиридиум) учун яхши озиқ бўлиб хизмат қиласди. Шунинг учун таркибида анчагина целлюлоза бор органик ўғитлар тупроққа солингандан, азот тўпловчи бактерияларнинг зўр бериб ривожланиши ва уларнинг атмосфера азотини кўплаб тўплаши кузатилади.

Тупроқ бактериялари билан замбуруғлар целлюлозадан ташқари, пентозанлар, пектин моддалар ва лигнинни ҳам оксидлайди.

Пентозанлар ўсимлик тўқималари ҳосил бўлишида доимо целлюлоза билан бирга бўлади ва шу тўқималарда хийла миқдорда учрайди. Буларни бир қанча микроорганизмлар қўйидаги тенгламага мувофиқ карбонат ангидрид билан сувгача осон оксидлайди:

1. $(C_5H_8O_4)n + H_2O = nC_5H_{10}O_5$
2. $C_5H_{10}O_5 + 5O_2 = 5CO_2 + 5H_2O + xCal$

Пентозанлар гидролизида ҳосил бўладиган пентозалар аэроб бактериялар (*Bac. asteroides* ва бошқалар) ҳамда замбуруғлар (*Mycor. stolonifer*) таъсирида оксидланишдан ташқари, сут кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг баъзи турлари (*Lactob. pentoaceticum*) таъсирида ҳам бижғиб, сут ва сирка кислоталар ҳосил қилиши мумкин.

Пектин моддалар ҳам ҳар хил аэроб микроорганизмлар таъсирида оксидланади. Улар аввал галактурон кислота, галактоза, арабиноза, ксилоза, сирка кислота ва метил спиртгача гидролизланади. Кейин эса аэроб бактериялар (*Bac. subtilis* ва бошқалар) ҳамда замбуруғлар (*Mycor. stolonifer*) иштироки

билин карбонат ангидрид ва сувгача ҳам оксидланади. Анаэроб бактериялар таъсирида мутлақо парчаланмайдиган галактурон кислотанинг ҳам юқорида айтиб ўтилган микроорганизмлар таъсирида 90—95% ти оксидланади. Зифир ва толали бошқа ўсимликларнинг шудринг билан намланишида пектин моддаларнинг парчаланиши худди шу микроорганизмларнинг оксидлаш активлигига боғлиқ. Намланишнинг бу номи зифирни кузда ўт устига ёйиб қўйиб ишлаш усулидан олинган, бунда шудринг луб материални доим нам тутади ва унда мөгор замбуруғлари билан аэроб бактерияларнинг ривожланишига йўл очади. Температура паст бўлганлигидан шудрингда намланиш бирмунча секин боради ва жуда сифатсиз тола олинади, агар намланиш ўз вақтида пировардига етказилса, тола зарур талабларга мос келадиган бўлиб чиқади.

Лигнин ёғочланган ўсимлик тўқимаси таркибига киради ва мураккаб ҳамда барқарор бирикмадан иборат бўлади. Кўпчилик микроорганизмлар лигнинни парчалай олмайди. Фақат баъзи замбуруғлар ва бактерияларгина парчалаш хусусиятга эга.

Лигнинни парчалашда иштирок этадиган замбуруғлардан *Merulius lacrymans* («ўй замбуруғи»)ни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ёғочга бу замбуруғ кўпинча четидан юқа бошлайди. Ўнинг таъсирида лигноцеллюлоза жарбонат ангидрид билан сувга (умумий ёғоч массасининг 50% га яқин) ва қандайдир гуминсизон маҳсулотларга парчаланади. Ўй замбуруғи кўпинча иморат ёғочларига зарар етказиб чиритади ва тамомила ишдан чиқариб қўяди. Замбуруғ одатда мицелийси воситаси билан юқади.

Лигнин парчаланишининг биохимиявий йўли аниқ маълум эмас. Лекин Чапек хонаки замбуруғ мицелийсини қум билан аралаштириб эзиб ва уни кейин ажратиб олиш йўли билан лигнинни эритувчи ферментларни топишга муваффақ бўлди. Микроорганизмлар таъсирининг биринчи стадияси ферментлар иштирокида уша модданинг гидролизланиши, кейинчалик эса карбонат ангидрид билан сувгача оксидланниши бўлса, ажаб эмас. Бироқ бу процессларнинг ҳаммаси анча секин боради, чунки лигнин микроб таъсирига жуда яхши чидайди. Бундан ташқари, уша модда протеинлар билан ўзаро химиявий таъсирилашганда (ишқорий эритмада) улар билан бирикиб, лигнин-протеин комплекслари деб аталадиган мураккаб комплекслар ҳосил қилиши мумкин. Бу комплекслар ҳам микроб таъсирига жуда яхши чидайди. С. Ваксман фикрига кўра, лигнин-протеин комплекси ўз хоссалари жиҳатдан тупроқ чириндисига яқин туради.

Ўй замбуруғидан ташқари, лигнинни *Mycor chlamydosporus racemosus* деган замбуруғ ва баъзи бактериялар зўр бериб парчалайди. Шу замбуруғ таъсирида ёғоч 84% целяллюзадан иборат бўлган лиқилдоқ сарғиш массага айланади. Ёғочнинг шилимшиқланиш ҳодисаси кўпинча тропик ўрмонларда учрайди.

8. АРОМАТИК ҚАТОР БИРИКМАЛАРИНИНГ ОКСИДЛАНИШИ

Специфик микроорганизмлар ароматик қатор бирикмалари-ни ҳам зўр бериб оксидлайди. В. О. Таусон ва бошқалар бензол, толуол ва ксиололни оксидлаган *Bact. bensoli* ҳамда бензол, толуол, ксиолол, этилбензол, кумол ва цимолни оксидлаган *Bact. toluloicum* нинг соғ культураларини ҳар хил тупроқлардан ажратиб олишга муваффақ бўлдилар. Таусон ўша бирикмаларнинг оксидланиши мумкин эканлигини ўзи ишлаб чиққан «диффузия оқими» усули ёрдами билан анчиқ қилиб белгилаб берди. Бу бактериялардан ташқари, фенол, метакреозол ва нафталинни оксидлай оладиган бактериялар ҳам тупроқдан ажратиб олинган. Булар орасида *Mycobacterium* ва *Bacillus* авлодларига кирадиган вакиллар ҳам бор эди. Кейинги текширишларда кўп ядроли ароматик бирикмаларни, масалан, фенантрен билан антраценинг оксидлайдиган бактериялар ҳам топилди.


Бу бирикмаларнинг оксидланиши сувли эритмада амалга ошади ва ҳаво яхши тегиб турадиган шароитда энг тез боради. Айни вақтда оралиқ маҳсулотлар тўпланмайди ва оксидланиш карбонат кислота ҳамда сув ҳосил бўлишигача давом этади.

Бундай бирикмаларнинг оксидланиш химизми туғрисида ҳозирча аниқ маълумотлар йўқ, лекин олдин ён занжир оксидланиши аниқланган. Фенантрен оксидланганда, чамаси, қўш боғ бор жойдаги ўрта ядро узилади ва оксибензил спирт ҳосил бўлади (тахмин қилинишича), бу спирт кейин салицил альдегидга, салицил кислота ва пирокатехинга айланади.

Оксигензол ҳосилалари яна парчаланар экан, ҳалқа узилади ва кейин чалик карбонат ангидрид билан сувгача оксидланадиган тўғри занжирли бирмунча содда бирикмалар ҳосил бўлади.

Юқорида айтиб утиланган бирикмалар билан бир қаторда хин, бензой ва галла кислота типидаги ароматик кислоталар ҳам осон оксидланади. Улар оксидланганда ҳам оралиқ маҳсулотлар тўпланмайди ва процесс карбонат ангидрид ҳамда сув ҳосил бўлиши билан тугалланади. Ароматик бирикмаларнинг қай тариқа очиқ занжирли бирикмаларга айланиши ҳозирча унча аниқ эмас.

Ҳалқа қўш боғ бор жойдан икки хил тарзда: маҳсулот қисман ва тұла-тўқис оксидланган ҳолда узилиши мумкин. Агар фақат қисман оксидланиш ҳодисаси содир бўлса, оралиқ маҳсулот сифатида мукон кислота ҳосил бўлиши мумкин, борди-ю процесс тұла-тўқис оксидланиш билан давом этадиган бўлса, бензол ҳалқаси узилиб, оксалат кислота ҳосил бўлади, кейин бу кислота карбонат ангидрид билан сувга айланади:



Сунгги йўл ҳақиқатга анча яқин бўлиб кўринади, чунки В. С. Буткевич *Aspergillus niger* культураларида хин кислота пирокатехин стадияси орқали оксидланишини курсатишга мувваффақ бўлди. Шу хилдаги оксидланишда муҳитда оксалат кислота ҳам топилади.

Кўпгина ароматик бирикмалар микроорганизмлар учун кучли заҳар бўлса-да, улар таъсирида барibir осон оксидлангани учун бактериялар типик антисептикларни ҳам (булар муҳитда кам концентрацияда бўлса) оксидлай олади, деб ҳисоблаш керак. Шунинг учун органик бирикмаларнинг мазкур группаси табиатда тўпланмайди.

9. УГЛЕРОДНИНГ ТАБИАТДА АЙЛАНИШИДА МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ер юзида органик моддалар дастлаб яшил ўсимликлар томонидан синтез қилинади, яшил ўсимликларнинг ўзи эса синтез ишида углерод (карбонат ангидрид) ва азот (аммиакли тузлар ёки нитрат тузлар) нинг минерал формаларидан фойдаланади. Шунинг учун бу энг муҳим бирикмалар тупроқ билан ҳавода доим керакли миқдорда бўлиб туриши зарур. Углеродли бирикмалар ер юзида муайян ўзгаришлар циклига учраб тургандагина шундай бўлиши мумкин.

Ер юзидаги турли органик бирикмаларнинг ўзгаришида микроорганизмлар актив иштирок этади ва улардаги углеродни карбонат ангидридгача оксидлайди, карбонат ангидрид қайтиб атмосферага ўтади ва яшил ўсимликлар учун углеродли озиқ манбаи бўлиб хизмат қиласи. Карбонат ангидрид барг пластинкасининг яшил хлоропластларида қайтадан жуда мураккаб органик бирикмаларга айланади. Қуёш нурлари битмас-туганнамас энергия манбаидир. Бу энергия яшил ўсимликларга энергия бериши жиҳатдан қиммати бўлмаган карбонат ангидридни foят катта қимматга эга бўлган моддалар: углеводлар, оқсиллар, ёғлар ва бошқа органик бирикмаларга айлантириш учун имкон беради. Бу процесс организмлар дунёси учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, иккита шароит мавжуд бўлганда: 1) ер юзига қуёш энергияси келиб турганда ва 2) яшил барглар карбонат ангидрид билан етарли таъмин этилганда содир бўлади. Биринчи шарт мудом бажарилиб туради, иккинчиси эса ҳайвонлар, ўсимликлар ва микроорганизмларнинг минераллаштирувчи активлиги билан ердаги вулканлар активлигига боғлиқ бўлади.

Органик моддалар ўсимликларда ёқ парчалана бошлиайди, ўсимликларда улар оддий минерал бирикмалардан (карбонат ангидрид билан сувдан) кўплаб синтез ҳам қилинади. Парчаланиш нафас олиш процессларида юзага чиқади ва органик бирикмаларнинг молекуляр кислород билан оксидланишига боғлиқ бўлади. Бироқ ўсимликларда синтез процесслари парчаланиш процессларидан анча устун туради.

Ҳайвонлар организмида органик моддалар анча кенг күламда парчаланиб боради, үсимликлар қолдиги бунда бирдан-бир химиявий энергия манбай булиб хизмат қиласди. Ҳайвонлар ўз танасидаги органик бирикмаларни минерал моддалардан мустақил равишда туга олмайди ва тайёр органик озиқдан фойдаланишга мажбур булади. Күпчилик ҳайвонлар ўз тана температурасини сақлаб туриш ва танасини механик ҳаракат қилдириш учун керакли эркин энергияга муҳтож бўлганлигидан, нафас актларида бир талай органик бирикмаларни оксидлайди. Айни вақтда ҳам оксидланишнинг охирги маҳсулоти сифатида карбонат ангидрид ҳосил булади, бу — унинг атмосферадан камаядиган миқдорини бир қадар тўлдириб туради. Бироқ ер юзида фақатгина үсимликлар билан ҳайвонлар бўлганда эди, вақти келиб атмосферадаги карбонат ангидриднинг ҳаммаси органик бирикмалар таркибиға ўтиб қолиши мумкин эди. Органик бирикмаларнинг ҳаммаси ҳайвон организмларнинг озиқланиши учун яроқли булавермагани учун ҳам шундай ҳолат юз бериши муқаррар булиб қолар эди. Целлюлоза билан лигниндан ҳайвонлар мутлақо фойдаланмайди, ваҳоланки, бу моддалар үсимликларда (урмонларимиздаги дараҳтларда) жуда кўп миқдорда (улар қуруқ оғирлигининг 50% га яқин) булади. Бундай шароитда ўша моддалар ер юзида талай миқдорда тўпланиб қолган ва углерод айланишини бузган бўлар эди.

Модомики, бундай ҳодиса содир бўлмас экан, унинг бирдан-бир сабаби шуки, табиатда органик моддаларнинг минералларга айланишида микроорганизмлар ҳам фаол иштирок этади. Улар ўз ҳаёт фаолияти процессларида жуда хилма-хил органик моддаларни, жумладан целлюлоза билан лигнинни ҳам парчалайди ва углеродни карбонат ангидрид шаклида атмосферага яна қайтариб чиқаради. Уларнинг парчалаш хусусияти, үсимлик ёки ҳайвонларнига қараганда, бир неча баравар кучлироқ. Бу — уларнинг ҳаддан ташқари тез кўпайишига ва ҳаддан ташқари хилма-хил тарзда озиқланишига боғлиқ. Микроорганизмларнинг ҳар бир физиологик групласи муйян органик бирикмаларни парчалашда иштирок этади, лекин микробларнинг физиологик группалари жуда кўп бўлганлигидан улар амалда ҳар қандай органик моддаларни парчалайверади. Микробларнинг ҳар бири ўз таъсири жиҳатдан тор доирада ихтисослашган-у, лекин умумий тарзда улар ҳамма органик моддаларнинг парчаланиш процесслариға сабаб бўлади. Худди ана шу хусусиятлар ер юзидағи органик моддаларнинг парчаланишида микроорганизмларни ғоят муҳим агент қилиб қўяди. Бирор сабабга кўра, микробларнинг ҳаёт фаолияти сустлашиб қолгундай бўлса, чала парчаланган қолдиқлар муқаррар суратда тўплана бошлайди, масалан, ботқоқликларда торф ҳосил бўлиш процессларида шундай ҳодиса кузатилади. Шунинг учун, табиий шароитда органик модданинг биохимиявий йўл билан минералларга

айланишида микроорганизмларнинг биринчи ўринда туришига шак-шубҳа йўқдир.

Бу процессда одам ҳам катта роль йўнайди, у ишлаб чиқаришда: фабрика қозонларида, паровозларда ва ичдан ёнар дигателларда торф, тошкўмир ва нефть ёқади. Бироқ бунда чиққан карбонат ангидриднинг бир қисми карбонатлар ҳосил бўлишига доим сарфланиб турганидан, муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир нарса борки, органик қолдиқлар ҳар қанча зўр бериб минералларга айланганда ҳам, углероднинг асосий массаси ўзгаришлар циклига қайтиб кела олмайди. Бу нарса вулканлар отилиб чиққанда, газ оқимларида, балчиқ тўпламларида ва ҳоказолarda муттасил карбонат ангидрид чиқиб туришига боғлиқ. Шу туфайли ер пўстлоғидаги минерал углерод запаслари билан атмосферадаги карбонат ангидрид запаслари ўртасида бир қадар боғланиш юзага келади. Углероднинг ўзгариш цикли мана шу билан тугайди.

Турли табиий муҳитлардаги углероднинг миқдор кўрсаткичлари қуйидаги кўринишда ифодаланиши мумкин: тупроқда 400 миллиард тоннага яқин, торфларда 1100 миллиард тоннага яқин, атмосферада 600 миллиард тоннага яқин, гидросферада 16400 миллиард тоннага яқин ва, ниҳоят, ер юзида яшаб турган тирик организмларда 600 — 700 миллиард тонна углерод бор. Ер юзидаги яшил ўсимликлар ҳар йили 60 миллиард тоннага яқин карбонат ангидридни ёки 20 миллиард тоннага яқин карбонат кислота углеродини сарфлайди, атмосферада эса 600 миллиард тонна карбонат ангидрид бўлганлигидан, атмосфера шу газ билан муттасил тўлиб турмаганда эди, қисқа вақт ўтгандан кейин бу газ йўқолиб кетган ва ўсимликлар ривожланишдан тўхтаган бўлар эди. Шунинг оқибатида ҳайвонлар билан одамлар ҳам яшай олмаган бўлар эди. Органик моддаларнинг микроорганизмлар туфайли минералларга айланishi углеродни карбонат ангидрид шаклида атмосферага қайтариб чиқаради ва ҳастнинг янада ривожланиши учун асос яратади. Уларнинг муҳим умумбиологик аҳамияти ҳам худди ана шунда.

ИККИНЧИ БҮЛİM МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ТАРКИБИДА АЗОТ БҮЛГАН ОРГАНИК МОДДАЛАРНИ ЎЗГАРТИРИШИ

X боб

ТАРКИБИДА АЗОТ БҮЛГАН ОРГАНИК МОДДАЛАР АММОНИФИКАЦИЯСИ

1. ТАБИАТДА АЗОТ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙУНАЛИШИ

Табиатда азот запаслари жуда құп. Биринчидан, ерда яшаб турған организмлар таркибида талай миқдорда азот бор. Агар шу организмлардаги умумий углерод миқдори тахминан 700 миллиард тоннани ташкил этса, улардаги умумий азот миқдори кам деганда 10 — 25 миллиард тоннага етиши керак. Ер юздидеги яшил үсімліклар йил сайин тахминан 20 миллиард тонна углеродни карбонат ангидрид шаклида истеъмол этадиган бўлса, үсімлікларнинг янги ҳужайра моддасини синтез қилишига ҳаракатчан ва сингадиган бирикмалар кўринишидаги азотдан бир миллиард тоннадан бир ярим миллиард тоннагача керак бўлади.

Шунча азот бутун ер юзининг 30 сантиметрли тупроқ қатламида жойлашган шу элемент запасининг 3 — 5% га тўғри келади.

Ҳар хил тип тупроқлардаги ҳақиқий азот миқдори анча кенг доирада ўзгариб туради; 30 сантиметрли қатламдаги азот миқдори тахминан қўйидагича:

Турли хил тупроқларнинг ҳайдаладиган қатламидаги
азот миқдори

Тупроқ типлари	Чиринди	Азот	30 сантиметрли қатламдаги азот запаси (кг/га ҳисобида)
	% ҳисобида		
Кумоқли подзол тупроқ (Архангельск области)	3,64	0,205	6150
Кумоқли подзол тупроқ (Смоленск облас- ти)	3,45	0,186	5580
Кумоқли қора тупроқ (Воронеж области) .	11,04	0,524	15720
Гилли қора тупроқ (Оренбург область) . .	9,88	0,440	13200
Каштан тупроқ (Қозогистон ССР)	2,01	0,117	3510
Торфли утлоқ тупроқ (Ленинград атрофи)	85,8	2,32	69600,

Шундай қилиб, тупроқнинг барча хилларида ҳам амалда катта-катта азот запаслари бор. Бироқ унинг асосий қисмидан ўсимликлар фойдалана олмайди. Чиринди парчалангандан кейингина (бунда азот минерал бирикмалар шаклига ўтади) азотни бирор хил экин истеъмол қиласи. Азот торфларда айниқса кўп бўлади. Бироқ у олдин минералларга айланмас экан, ўсимликлар бу запасдан ҳам фойдалана олмайди, микроорганизмларнинг ривожланиши учун цароит ноқулай бўлганлигидан, азотнинг минералларга айланниши жуда қийинлашиб қолади. Ботқоқликлар қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун астасекин ўзлаштирилиб, торф ўғит сифатида фойдаланилган тақдирдагина шу азот запасининг бир қисми хўжалик доирасига кириши мумкин.

Атмосферадаги азот запаслари яна ҳам каттадир. Ҳар гектар тупроқ устидаги ҳаво устунида 80 минг тоннага яқин молекуляр азот бор. Шунча азот ҳеч бўлмаганда, миллион йил давомида яхши ҳосил олиб туришни таъминлаб берган бўлар эди. Шундай бўлса ҳам, кўпинча азот етишмай қолганлигидан экинлар жуда кам ҳосил беради. Бунинг сабаби шуки, таркибида азот бўлган бирикмаларнинг фақат кичик бир қисми ўсимликлар ўзлаштира оладиган шаклда бўлади. Атмосферадаги молекуляр азотгина эмас, балки тупроқдаги боғланган азотнинг талайгина шакллари ҳам ўсимликлар учун азот манбаи бўла олмайди. Чунончи, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг қолдиқлари билан бирга тупроққа тушадиган оқсили моддалар азоти, тупроқ чириндининг азоти ва азотнинг бошқа кўпгина шакллари бу мақсад учун ярамайди. Бу мураккаб бирикмалар олдин ўзлаштиришга бирмунча қулай азот тутувчи бирикмалар шаклига кириши керак, шундан кейингина уларни ўсимликлар ўзлаштириши мумкин. Органик азотнинг шу тариқа ўзгариб, минерал азотга айланниши аммонификация деб аталади. Бу процесс хилма-хил бактериялар, актиномицетлар ва мөгор замбуруғларининг ҳаёт фаолияти натижасида содир бўлади.

Табиатда таркибида азот бўлган моддаларнинг ўзгаришидаги иккинчи давр аммиакнинг оксидланниб, олдин нитрит, кейин эса нитрат кислотага айланнишидир. Бу процесс нитрификация деб аталади ва нитрификацияловчи алоҳида бактериялар туфайли содир бўлади. Тупроқда нитратларнинг ҳосил бўлиш тезлиги аэрацияга боғлиқ: тупроқда ҳаво нечоғли осон алмашиниб турадиган бўлса, нитратлар шунча кўп ҳосил бўлади, лекин айни вақтда таркибида азот бўлган органик моддаларнинг минералларга айланиш процесси ҳам кучли бориши керак.

Тупроқда таркибида азот бўлган моддалар ўзгаришининг учинчи даври нитратларнинг молекуляр азотгача қайтарилиши билан боғлиқ. Бу давр денитрификация деб аталади. Қишлоқ хўжалиги учун заарли бўлган бу процесс денитрифи-

кацияловчи бактериялар ҳаёт фаолияти туфайли юзага чиқади ва талайгина азотнинг нобуд бўлишига олиб келади.

Табиатда азот ўзгаришининг тўртинчи ҳалқаси атмосфера азотининг тупроқ микроблари (тугунак бактериялар, азотобактер, *Clostridium Pasteurianum* ва бошқалар) томонидан фиксация қилиниши (тўпланиши) дир. Қулай шароит бўлганда тугунак бактериялари дуккакли ўсимликлар билан симбиоз ҳолда яшаб, дуккакли экинлар майдонининг ҳар гектарида йилига 100 кг дан 400 кг гача атмосфера азотини тўплаши мумкин. Эркин яшайдиган азот тўпловчи бактериялар ўзи яшаб турган ҳар гектар тупроқда 50 килограммгacha атмосфера азоти тўплайди. Ана шу барча микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти натижаси тупроқ атмосфера ҳисобига азот билан қисман бойиди.

Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, азот тутувчи моддаларнинг ўзгариш циклида процесслар табиатда биз учун фойдали томонга караб бориши ҳам, фойдасиз томонга қараб бориши ҳам мумкин. Шунинг учун агрономнинг вазифаси — тупроқдаги микробиологик процессларни фойдали томонга, яъни экинларнинг ҳосилини ошириш томонга қаратиб йўналтиришдан иборат бўлиб қолади. Агроном тупроқдаги микробиологик процесслар хусусиятини ва қандай шароит бўлганда шу процесслар қишлоқ хўжалиги учун керакли йўналишда боришини билсагина, бу вазифани муваффақият билан ҳал қила олади.

2. ТАРКИБИДА АЗОТ БЎЛГАН ОРГАНИК МОДДАЛАР АММОНИФИКАЦИЯСИ

Ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларида жуда кўп миқдорда азот тутувчи органик моддалар доим бўлади. Шу муносабат билан уларнинг минералларга айланиши ўсимликларнинг азот билан озиқланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Бу процесс давомида аммиак тўпланиб борганидан, у аммонификация деб аталган. Таркибida азот бўлган органик бирикмалар аммонификацияси талайгина микроорганизмлар таъсирида содир бўлади ва хилма-хил охирги маҳсулотлар ҳосил қиласди.

А. Мочевина, кальций цианамид, сийдик ва гиппур кислоталар аммонификацияси


Мочевина аммонификациясига алоҳида уро бактериялар групласи сабаб бўлади, бу бактерияларни 1862 йилдаёқ Пастер кашф этган эди. У ўша бактерияларни парчаланаётган сийдикдан топди. Бу процессда *Coccaceae* ва *Bacillaceae* оилаларига кирадиган бир қанча бактерияларнинг иштирок этиши кейинги текширишларда аниқланди. Мочевина парчаланишининг энг кучли қўзғатувчиси *Bac. probatus* деган ном билан юритиладиган таёқчасимон бактерияядир (113- расм). У перитрихиал равишда жойлашган хивчинли ҳужайралардан иборат; бу бактерия эндоспоралар ҳосил қиласди. 1 л эритмада

140 г гача мочевинани парчалай олади. Уробактерияларнинг шу авлодга кирадиган бошқа турлари ҳам шунга ўхшаш хоссаларга эга.

Шарсимон бактериялар оиласидан *Planosarcina ureae* мочевинани энг тез парчалайдиган бактериядир. Бу бактерия 1 л эритмада 30 г гача мочевинани парчалай олади. Унинг кубчалари кўпинча узун-узун жуда куп ҳивчинлар билан қопланган шарсимон 4—8 та ҳужайрадан иборат бўлади (114- расм). Булардан ташқари, мочевинани парчалайдиган бошқа микроорганизмлар ҳам тавсифланган (*Urobacillus psychrocartericus* ва бошқалар), булар муҳитда натрий хлорид бўлганда яхши усади.




113-расм. *Urobacillus Pasteurii* (Bac. *probatus*). Спорали таёқ-часимон ҳужайралари (1000 марта катталаштириб курсатилган)



114-расм. *Planosarcina ureae*. Шарсимон ҳужайралардан ташкил топган кубчалари (1000 марта катталаштириб курсатилган)

Уробактериялар кескин ишқорий реакцияли муҳитдагина яхши ривожланадиган аэроб микроорганизмлар группасига киради. Улар углеродли озиқ ўрнида жуда хилма-хил органик бирикмалардан (турли органик кислоталар, хусусан лимон, олма, каҳрабо ва сирка кислоталар тузларидан, шунингдек моносахаридлар, дисахаридлар, декстрин ва крахмалдан) фойдаланади. Улар таркибида оксидланмаган углерод атоми бор органик кислоталар (сирка ва каҳрабо кислоталар) тузларини айниқса осон оксидлайди (Е. Н. Мишустин маълумотларига кўра). Бу бактериялар азот манбай сифатида аммиакли тузлардан ёки мочевина гидролизланганда ҳосил бўладиган эркин аммиакдан фойдаланади. Мочевина таркибида, азот билан бир қаторда, углерод ҳам бўлса-да, уробактериялар бу углероддан фойдалана олмайди, чунки углерод кучли оксидланган шаклда бўлади ва мочевина гидролизланганда карбонат ангидрид кўринишида ажralиб чиқади.

Мочевинанинг бу бактериялар таъсирида парчаланиш химизми жуда содда бўлиб, унинг дезаминланишидан иборатдир, бу процесс уреаза ферменти таъсирида қўйидаги тенгламага мувофиқ боради:



Шу процесс давомида ҳосил бўладиган аммоний карбонат тузи кейинчалик қўйидаги тенгламага мувофиқ аммиак билан карбонат ангидридга парчаланади:



Уреаза ферменти кўпинча уробактерия ҳужайраларидан ташқарида учраганидан, мочевинанинг парчаланиш процесси бу бактериялар учун, афтидан, экологик аҳамиятга эга, холос, лекин бу процесс бир қадар физиологик аҳамиятга эга бўлиши ҳам мумкин. Масалан, мочевинанинг ўша бактериялар фильтрати таъсирида парчаланмасдан, тирик культуралари таъсирида зўр берib парчаланиши шундан далолат беради. Мочевинада 47% азот бор. Шунинг учун у маълум бўлган ҳамма азотли ўғитлар орасида энг концентранган ўғит ҳисобланиши керак. Мочевина фақат синтетик йўл билан олинмасдан, балки организмда азотли бирикмалар ўзгаришининг охирги маҳсулоти сифатида ҳайвонлар билан одамдан ҳам кўп миқдорда ажратади. Катта ёшли одам бир суткада 30 г дан ортиқ мочевина ажратади. Ер юзидағи барча одамлар сонига ҳисоб қилинадиган бўлса, бир кечакундузда чиқариладиган мочевина азоти 15 минг тоннадаи кўпроқ, жами ҳайвонлар дунёси ҳисобга олинганда эса 150 минг тоннадан кўпроқ бўлади. Бу — йилига 50 миллион тоннадан кўпроқ мочевинани ёки 20 миллион тоннадан кўпроқ мочевина азотини ташкил этади. Уробактериялар мочевинани парчалаб, аммиак ҳосил қилмаганда эди, шунча азотдан ўсимликлар фойдалана олмаган бўлар эди.

Азотли ўғит сифатида кальций цианамид ҳам кўп ишлатилади. Бу модда ўсимликлар билан ҳайвонларда бўлмайди ва тупроққа фақат сунъий ўғит тариқасида тушади. Бу модда маҳсус заводларда чуғланган кальций карбид устидан ҳаво азоти оқимини ўтказиш йўли билан осонгина ҳосил қилинади. Бироқ тупроқда кальций цианамиднинг парчаланиш процеслари бўлмаганда эди, шундай муҳим азотли ўғитдан ўсимликлар фойдалана олмаган бўлар эди, кальций цианамиднинг парчаланиш процеслари соғ химиявий реакцияларга ҳам, уробактериялар таъсирига ҳам боғлиқ. Қальций цианамид аввал қўйидагича соғ химиявий ўзгаришга учрайди:



Шу реакция давомида ҳосил буладиган цианамид турли катализаторлар (Ca, Mn ва Fe оксидлари) таъсирида кейин мочевинага айланади:




Ана шундан кейингина мочевинанинг келгуси ўзгаришларида уробактериялар қүшилади ва уни парчалаб, аммиак билан карбонат ангидрид ҳосил қиласи:




Мана шу ўзгаришларнинг ҳаммаси учун маълум вақт керак бўлади. Шунинг учун, Ю. Бородулина маълумотларига кўра, уробактериялар ва нитрификацияловчи бактерияларнинг ривожланишига тўскенилик қилиувчи кальций цианамид ерга экишдан 1—2 ҳафта олдин солинади. Бундан кечроқ солиш ўсимликларга ёмон таъсир кўрсатиши мумкин.

Одам ва ҳайвонлар сийдигида сийдик кислота ҳам бўлади. Бу кислотанинг парчаланишига бир қанча микроорганизмлар сабаб бўлади ва бу процесс қўйидаги умумий тенгламага мувофиқ боради:



Гидролиз давомида ҳосил буладиган мочевина кейин уробактериялар таъсирида аммиак ва карбонат ангидридга парчаланади. Сийдик кислота уни парчалайдиган бактериялар учун бир вақтнинг узида ҳам углерод, ҳам азот манбаи бўлиши мумкин. Зарур минерал тузлар қўшилган сийдик кислотада яхши ривожланадиган бактерияларнинг бир неча тури (*Bacillus* оиласига кирадиган турлар) тавсифланган.

Гиппур кислота ҳам аммонификацияловчи турли аэроб бактериялар таъсирида парчаланади. Бу кислота уша бактериялар таъсирида қўйидаги тенгламага мувофиқ глилоколь ва бензой кислотага ажралади:




Глилоколь кейин парчаланиб, аммиак билан сирка кислота ҳосил қиласи, сирка кислота, ўз навбатида, аста-секин карбонат ангидрид билан сувгача оксидланади.

Б. Хитин аммонификацияси

Хитин кўпгина микроорганизмлар ҳужайра пустининг таркибида, шунингдек ҳашаротлар, қисқич бақасимонлар ва баъзи бошқа ҳайвонлар косачасининг таркибида киради; у жуда чидамли органик бирикмалар жумласидандир. Хитин химиявий табиатига кўра, азот тутувчи мураккаб полисахаридлар группа-

сига киради. Организмлар нобуд булгандан кейин хитин тупроқка, сув ҳавзалари ва бошқа табиий мұхитларга тушади. Микроорганизмларнинг ривожланиши учун шароит ноқулай бұлса, хитин неча миллион йиллаб деярли үзгармаган қолда сақланиб колади. Юқори миоценга тегишли қунғир күмирлардан хитин ажратиб олингандығы шундан далолат беради, бу күмирлар, геологларнинг маълумотларига қараганда, ер тагида 25 миллион йил чамаси ётган. Агар шароит микроорганизмларнинг ривожланиши учун қулай бұлса, хитин анча тез парчаланиб кетади.

Бир қанча текширишлардан маълум бұлғандек, хитиннинг парчаланишига спора ҳосил құлмайдыган кичкинагина перитрихиал таёқча сабаб бұлади, бу бактерия *Bact. chitinovorum* деб аталади. Бу бактерия углерод ва азот манбаи сифатида хитиндан осон фойдаланади. Унинг ҳужайралари таркибида хитиназа ферменти бұлади, бу фермент иштирокида хитин гидролизланиб, аммиак ва әрувчан шакарлар ҳосил қиласы. Хитин гидролизи давомида бундай маҳсулотлар ҳосил бўлиши шу билан исботланады, хитинни парчалайдыган бактериялар культурасига мой кислота ҳосил қилувчи бактерия юқтирилганда, мой кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг зур бериб ривожланиши ва кучли мой кислотали бижфиш бошланиши кузатиласы. Агар хитин гидролизланиб, шакарлар ҳосил қилмаганда эди, мой кислотали бижфиш содир бўлмас эди, чунки мой кислота ҳосил қилувчи бактериялар бундай чидамли бирикмани парчалай олмайды. Хитин гидролизи икки даврда ва қўйидаги умумий тенгламага мувофиқ боради:



Гидролизнинг биринчи даврида глюкозамин билан сирка кислота ҳосил бўлса, иккинчи даврида глюкоза билан аммиак ҳосил бўлади.

Глюкоза билан сирка кислота углерод манбалари, аммиак эса азот манбаи бўлиб хизмат қиласы.

Bact. chitinovorum дан ташқари, хитинни парчалай оладиган яна бир қанча бактериялар (*Bact. chitinophilum* ва бошқалар) ҳамда актиномицетлар тавсифланган. Бу бирикманинг тупроқда парчаланиши мұхим аҳамиятга эга, чунки унинг таркибида күп миқдорда азот бўлади.

В. Оқсил моддалар аммонификацияси

Оқсил моддалар барча организмлар протоплазмасининг асосини ташкил этади. Улар нобуд бўлган ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмлар қолдиқлари билан бирга тупроққа кўплаб тушади. Бу бирикмаларнинг парчаланишида аммонификацияловчи (чиритувчи) алоҳида бактериялар, шунингдек актино-

арнинг барчаси табиатда жуда кенг тарқалган, шунинг учун сув ҳавзаларида парчаланиб туради. Тупроқда аммонификацияловчи бактерияларнинг спора ҳосил қилмайдиган хиллари ҳам, спора ҳосил қиладиган хиллари ҳам күплаб учрайди. Бироқ, биринчи группа, яъни спора ҳосил қилмайдиган бактериялар энг кўп бўлади.

Энг кўп текширилган аммонификацияловчи бактериялардан қўйидагиларни айтиб ўтиш мумкин.

Аэроб бактериялар. 1. *Bac. mycoides* жуда кенг тарқалган тупроқ бактериасидир. У кичкинагина таёқча ($1,6-3,6 \mu$) ҳолида бўлиб, овал шаклли ва ҳар хил катталикдаги споралар ҳосил қиласи (115-расм). Унинг хивчинлари бутун танаси атрофига жойлашган. Қаттиқ озиқ муҳитларида замбуруғ мицелийсига ўхшашиб колониялар ҳосил қиласи (унинг *mycoides*—замбуруғсимон деган номи ҳам шундан олинган).

2. *Bac. mesentericus* (картошка бацилласи) бундан олдинги бактерияга жуда яқин турадиган форма. У хивчинлари перитрихиал жойлашган кичкинагина ($1,5-5 \mu$) таёқча бўлиб, купинча занжир ҳосил қиласи. Оқсил аммонификациясида актив иштирок этадиган *Bac. megatherium* ҳам шунга ўхшашиб хоссаларга эга (116-расм).




115-расм. *Bacillus mycoides*:

1 — спора ҳосил қилиш оллидан ҳужайраларининг кўрининши (1000 марта катталаштириб кўрсатилган); 2 — агардаги колониялари (табий катталиги).

3. *Bac. subtilis* ёки пичан таёқчаси табиатда жуда кенг тарқалган бўлиб, кучли оқсил аммонификациясида сабаб бўлади. Бу бактерия учлари юмaloқлашган калтагина ҳаракатчан таёқчадир (8-расмга қаранг). Ривожланишининг маълум стадиясида овал споралар ҳосил қиласи. Углеводлар ва пептон иштирокида ацетон, сирка альдегид ва β -оксимой кислота ҳосил қиласи.

4. *Pseudomonas fluorescens* — спорасиз калтагина ($1—2 \mu$) таёқча бўлиб, муҳитга ажралиб чиқадиган яшил пигмент ҳосил қиласи (103-расм). Ҳужайрасининг учида бир нечта хивчинлари бор. Тупроқда, ризосферада ва ўсимликлар юзасида доим учрайди.

5. *Chromob. prodigiosum*, яъни ажойиб қон таёқчаси (117-расм), ҳужайраларидан теварак-атроф муҳитга ажралиб чиқадиган қизил пигмент ҳосил қиласи. Бу бактериянинг қаттиқ озиқ муҳитидаги колониялари қон доғларига ўхшаб кетади, уларнинг нон ёки бошқа маҳсулотларда пайдо бўлишини дин-



116-расм. *Bacillus megatherium*. Четлари юмалоқланган таёқчасимон ҳужайралари (1000 марта катталаштириб курсатилган)



117-расм. *Chromobacterium prodigiosum*. Калта таёқчалари ва узун иплари (1000 марта катталаштириб курсатилган)

га боғлаб, ўрта асрларда бу ҳодиса жинлардан ва шаккокларнинг ёвуз ниятидан келиб чиқади, деб ҳисоблар эдилар. «Энг муқаддас» инквизиция бундай «шаккоклар»ни гулханда ёқиб, рухини «қутқарар» эди. Оқсил моддаларнинг парчаланишида актив иштирок этадиган ана шу безиён бактерия туфайли неча-неча минглаб кишилар ўз ажалидан олдин ўлиб кетди.

Факультатив-анаэроб бактериялар. 1. *Proteus vulgaris* жуда полиморф бўлиб, хилма-хил таркибли озиқ муҳитларида ривожланар экан, шакли ва катта-кичиклигини кескин ўзгаририб турди. Унинг афсонавий тангри Протей номи билан *Proteus* деб аталиши шу хусусиятига боғлиқ. Гомер ўзининг машҳур Одиссеясида шу тангри қиёфасини фалати қилиб ўзгаририша олишини тасвирлаган эди. Бу спора ҳосил қилмайдиган, перитрихиал равишда жойлашган хивчинлари бор таёқчадир. Ҳужайраларининг узунлиги $1,6 \mu$ дан 4μ гача етади (118-расм); табиатда жуда кенг тарқалган. Оқсилни парчалаганда, кучли ишқорий реакция юзага келтиради ва водород сульфид билан индол ҳосил

килади, углеводларда ўсганда эса уларни бижитиб, газлар ($\frac{1}{3}$ қисми карбонат ангидридан ва $\frac{2}{3}$ қисми водороддан ташкил топган газлар) ҳамда органик кислоталар вужудга келтиради.

2. *Bact. coli*, яъни ичак таёқчаси ҳам оқсилиниг парчаланишида актив иштирок этади. Одам ва хайвонлар ичаги микрофлораси таркибида доим учрайди: ахлат массалари билан бирга тупроқ ва сув ҳавзаларнга тушади.



118-расм. *Proteus vulgaris*. Узун ва қисқа таёқчалари (1500 марта катталашиб курсатилган)



119-расм. *Bacillus putrificus*. Соғ культураси (800 марта катталашиб курсатилган)


Анаэроб бактериялар. 1. *Bac. putrificus* спора ҳосил қиласиган кичкина таёқчадир (119-расм). Спора ҳосил қилгандан кейин ҳужайларали ноғора чўпи кўринишига киради. Углеводларни бижептмайди, оқсилиниг эса мутлақо анаэроб шароитда парчалаб, жуда кўп газлар ҳосил қиласи.

2. *Bac. sporogenes* углеводларни ҳам бижита олиши билан бундан олдинги бактериядан фарқ қиласи. Оқсилини парчалаганда талайгина водород сульфид ҳосил қиласи. Тупроқ билан гўнгдан осон ажратиб олинади ва сиртдан овалсимон споралари майдага таёқчага ўхшаб кўринади.

Оқсилини парчалайдиган бошқа микроорганизмлар. Бактериялардан ташқари, актиномицетлар билан ҳар хил замбуруғлар ҳам оқсили моддаларнинг парчаланишида фаол иштирок этади. Лекин уларнинг аммонификациялаш активлиги ҳар хил даражада ифодалансан бўлади. Кислоталарни кам ҳосил қиласиган ёки бутунлай ҳосил қилмайдиган замбуруғларда (*Penicillium*, *Mucor mucedo*), В. С. Буткевич маълумотларига кўра, аммиак тўпланиши, унинг концентрацияси муайян даражага етгандан кейин тўхтайди. Кислота ҳосил қиласиган замбуруғлар культурасида эса аммиак кўпгина миқдорда тўпланиши.

Оқсили молекуласининг парчаланиши аммонификацияловчи

микроорганизмлар томонидан ташқарига чиқариладиган про-
теаза ферментлари (эктопротеазалар) ёрдамида гидро-
лизланишдан бошланади. Эктопротеазалар ҳосил қиласидиган
бактерияларнинг ҳаммаси табиий оқсилларга түғридан-түғри
таъсир курсатиши мумкин. Бу ферментларни ишлаб чиқар-
майдиган бактериялар эса табиий оқсиллар билан озиқлана
олмайди. Улар учун оқсил гидролизининг эрувчан маҳсулотлари:
пептонлар ёки аминокислоталар қўл келади, холос. Оқсил қу-
йидаги умумий схемага мувофиқ гидролизланади:



Бу процесс давомида ҳосил бўладиган аминокислоталар ке-
йин диффузилишиб, бактерия ҳужайраси ичига утади ва унда
дезаминланади, бунда аммиак ва тегишли углеродли
радикал ҳосил бўлади. Дезаминланиш процесси қўйидаги тенг-
ламалардан бири билан ифодаланади:

1. $\text{R}-\text{CHNH}_2\text{COOH} + \text{H}_2\text{O} = \text{R}-\text{CHONCOOH} + \text{NH}_3$
2. $\text{R}-\text{CHNH}_2\text{COOH} + \text{O}_2 = \text{R}-\text{COOH} + \text{CO}_2 + \text{NH}_3$
3. $\text{R}-\text{CHNH}_2\text{COOH} + 2\text{H} = \text{R}-\text{CH}_2\text{COOH} + \text{NH}_3$
4. $\text{R}-\text{CHNH}_2\text{COOH} + \text{H}_2\text{O} = \text{R}-\text{CH}_2\text{OH} + \text{CO}_2 + \text{NH}_3$


Аминокислоталар дезаминланганда, аммиак билан бир қатор-
да, органик кислоталар ва спиртлар ҳам ҳосил бўлишини шу
тенгламалардан куриш мумкин. Оқсилнинг парчаланиш маҳ-
сулотлари орасида чумоли, сирка, пропион, мой, валериан кис-
лоталар ва ёғ қаторидаги бошқа кислоталар, шунингдек, юқо-
ри молекуляр спиртлар топилишининг сабаби ҳам ана шунда.
Бу кислоталарнинг кейинги тақдиди бактерияларнинг тури ва
оқсил парчаланаётган шароитга қараб ҳар хил бўлади.

Агар процесс аэроб шароитда содир бўлса, ҳосил бўлади-
ган кислоталар батамом оксидланиши ва пировард натижада
карбонат ангидрид билан сувга айланиши мумкин. Бу ҳолда
микроорганизмлар оқсил заррачасидан ўзи ўзлаштира олади-
ган барча химиявий энергия запасини чиқариб олади. Борди-ю,
оқсил анаэроб шароитда парчаланса, ёғ кислоталар тұла оксид-
лана олмай қолади. Бу ўринда улар ё ўзгартмаган ҳолда тўплана-
ди, ёки улардан спиртлар ҳосил бўлади, ё бўлмаса, уларнинг
баъзилари (сирка, мой кислоталар ва бошқалар) парчаланиб,
карбонат ангидрид билан метан ҳосил қиласиди. Хусусан оқсил
ананэроб шароитда парчаланганда аминокислоталар бевосита
қайтарилиб, углеводородларга айланиши ҳам мумкин. Бу —
қўйидаги тенгламага мувофиқ амалга ошади:




Оқсил моддалар таркибида моноаминокислоталар билан бир
қаторда ҳамиша диаминокислоталар ҳам бўлади, буларнинг

парчаланиши, диаминлар ёки птаминалар ҳосил бўлишига олиб келади, бу процесс диаминокислоталарнинг декарбоксиланиши ҳисобига юзага келади ва қуйидаги тенгламага мувофиқ боради:




Аминокислоталар таркибида, яна олтингурут ҳам бўлса, у одатда водород сульфид ёки меркаптанлар шаклида ажralиб чиқади. Цистин парчаланганда, қуйидаги схемага мувофиқ водород сульфид ҳосил бўлади:




Аммонификацияловчи~бактерияларнинг жуда кўпчилиги оқсиллар ёки пептонларда ривожланганда водород сульфид ҳосил қиласди. Уларнинг баъзилари, бундан ташқари, водород сульфид ҳосилаларини — метилмеркаптан (CH_3SH) ёки чириётган оқсилга қўланса ҳид берадиган бошқача меркаптанларни ҳам юзага келтиради.

Оқсил гидролизланганда ёглар қаторининг аминокислоталари билан бирга ароматик қаторга кирадиган аминокислоталар ҳам доим ҳосил бўлади. Буларнинг кейинги ўзгариши ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки улар оқспил парчаланишининг яна бир қанча характерли маҳсулотларини ҳосил қиласди. Масалан, фенилаланиндан бензой кислота, тирозиндан—фенол, триптофандан эса скатол билан индол ҳосил бўлади. Фенилаланин қуйидаги схемага мувофиқ оксидланади:




Тирозин оксидланганда, шунга ўшаш тарзда фенол ҳосил бўлади. Птофанинг парчаланиши оқсил моддаларнинг чириб парчаланишига айса типик бўлган маҳсулотлар — скатол билан индол пайдо бўлишига олиб ади. Бу моддалар чириётган оқсилга кунгилни айнитадиган қўланса ҳидади. Бу процесс қўйидаги схемага мувофиқ боради:



Шуниси қизиқки, триптофан парчаланишида ҳосил бўладиган оралиқ маҳсулотларнинг бири (индол-сирка кислота) ўстирувчи моддалар (гетероауксин) группасига киради. Унинг ҳосил бўлиши шу қадар кенг кўламда бориши мумкинки, бир қанча чиритувчи бактерияларнинг культурапларида соғ аналитик йўл билан ҳам уни осонгина тошиб мумкин. Органик ўғитлар билан ўтилган ерларда ўсимликлар илдиз системасининг яхши ривожланишидек бир факт ҳам, афтидан, шунга боғлиқ.

Нуклеопротеидлар парчалангандаги, янада хилма-хил бирималар ҳосил бўлади. Бу процессни қўйидаги умумий схема билан ифодалаш мумкин:

Нуклеопротеид



Нуклеин кислота гидролизининг пировард натижасида фосфат кислота, рибоза ва тўрт молекула органик асослар ҳосил бўлади.

Оқсил молекуласи микроорганизмлар таъсирида парчаланганда ҳосил бўладиган асосий маҳсулотлар ана шулардир. Бу процесс давомида жуда хилма-хил маҳсулотлар ҳосил бўлса-да, бироқ уларнинг кўп қисми аэроб шароитда карбонат ангидрид билан сувгача батамом оксидланади. Камроқ қисми (аммиак, водород сульфид, фосфат кислота) эса кейинчалик оксидланмайди, лекин ривожланаётган микроорганизмлар ўз танасининг оқсил моддаларини (аммиак, фосфат кислота ва бошқаларни) тузиш учун улардан фойдаланиши мумкин.

Аминокислоталарнинг радикаллари микроб ҳужайрасидаги барча органик моддалар (оқсиллар, ёвлар, углеводлар ва бошқалар) нинг тузилиши учун, аммиак эса фақат азотли моддалар синтези учун фойдаланилганидан, парчаланаётган оқсилдан ажраладиган углерод билан азот бир текис сарфланмай қолади, бу ҳол аммиак тўпланишига сабаб бўлиши мумкин.

Парчаланаётган моддада углерод билан азот муайян нисбатда бўлган тақдирдагина, аммиак тўпланиши мумкинлиги ҳозир аниқланган. Агар шу нисбат бузилса (масалан, муҳитга азотеиз моддалар қўшилганда), аммиак сарфи кўпайиши ва шу тариқа у кам тўпланиши мумкин. Углерод билан азотни микроорганизмлар 25 : 1 нисбатда сарфлаши тажриба маълумотларидан маълум.

Бундай нисбат қўйидаги сабабларга кўра юзага келади. Бактерияларнинг химиявий таркибида улар қуруқ оғирлигининг 50% углеродга ва тахминан 10% азотга тўғри келади. Бундан, бактерияларнинг ҳужайра моддасида углерод билан азотнинг ўзаро нисбати 5 : 1 га teng эканлиги кўриниб турибди. Бироқ, углерод ҳужайра моддасининг синтезланишига ишлатилишидан ташқари, нафас олиш вақтида оксидланиш процессларига ҳам сарф бўлганлигидан, углерод сарфланиши шунга яраша кўпаяди. Аэроб микроорганизмлар истеъмол қилинган углероднинг тахминан 20% ни ҳужайра моддаси синтез қилишга, 80% га яқинини эса нафас олиш процессларига сарфлашини тажриба текширишлари кўрсатиб берди. Демак, микроорганизмларнинг бутун ҳаёт фаолиятида сарфланадиган углерод билан азотнинг ўзаро умумий нисбати 25:1 га teng бўлади. Агар парчаланаётган моддалар C : N = 25 : 1 бўлса, азотнинг ҳаммасини микроорганизмлар ўз танасини синтез қилишга сарфлайди ва аммиак тўпланмай қолади. Борди-ю, шу нисбат 25:1 дан катта бўлса, микроорганизмларга азот ҳатто етишмай қолади ва улар азотни тупроқ эритмасидан ўзлаштира оладиган азотли бирикмалар шаклида юта бошлайди. Углероднинг азотга нисбати 25 : 1 дан кам (масалан, 10 : 1 ва ҳоказо) бўлгандагина, микроорганизмлар узлари парчалаётган моддадаги ҳамма азотни истеъмол қила олмай қолади, шунга кўра, ортиқча азот муҳитда аммиак шаклида муқаррар тўпланади. Парчаланаётган оқсилга угле-

водлар қүшилганда аммиак чиқиши ҳамиша камайиб кетишини шу билан тушунтириш мүмкін.

Аммиак түпланиши учун шу қонунияттарнинг қандай ахамияти борлигиди Ваксманнинг қыйидаги жадвалда көлтирилган маълумотларидан билиб олиш осон.

Озиқ мұхитидаги С:N нисбаттнинг *Aspergillus niger* культурасыда аммиак түпланишига таъсири

Пептоннинг концентрацияси (% ҳисобида)	Шакарнинг концентрацияси (% ҳисобида)	Мұхитдаги С:N	Ҳосил бўлған NH ₃		Мицелийсининг оғирлиги (г ҳисобида)	
			пептоннинг 2% ли эритмасининг 100 миллилитрда, мг ҳисобида)		5 кунда	15 кунда
			5 кунда	15 кунда		
2	0	3,2:1	44,8	73,08	0,20	0,36
2	1	5,0:1	40,74	50,68	0,28	0,93
2	3	8,0:1	14,14	36,54	1,30	3,27
2	5	11,0:1	1,26	33,04	1,50	5,22
2	20	35,0:1	0,0	0,0	1,62	11,21

Замбуурug бирдан-бир органик модда сифатидаги пептонда ривожланганда бир талай аммиак ажратиб чиқаради; эритмага шакар қўшилиб, углерод билан азоттнинг ўзаро нисбати катталаштирилганда, аммиак кам түпланиб, замбуурug пардасининг оғирлиги ортади.

. Углеводлар тупроқ бактериялари культураларида аммиак түпланишига ҳам шу хилда таъсири кўрсатади, буни қўйидаги жадвал маълумотларидан билиш мүмкін.

Мұхитга глюкоза қўшилса, тупроқ бактериялари культураларида аммиак ҳамма вакт түпланади. Бунинг сабаби шуки, оқсилдаги азоттнинг кўп қисми бактерияларнинг ўз танасини қуриш учун кетади. Чиндан ҳам, агар *Bac. subtilis* культураларида глюкозасиз мұхитда 2,008 қисм парчаланган казеинга 43 мг аммиак азоти түпланган бўлса, глюкозали мұхитда парчаланган 1,804 қисм казеинга 38,2 мг түпланиши керак бўлар эди. Ҳақиқатда эса 11,9 мг га яқин азот түпланган. Колган азот бактериялар ҳужайра моддасининг синтези учун сарфланган. Бироқ микроорганизм энергия манбаси сифатида оқсилдан кўпроқ фойдаланадиган бўлса, бу қоиданинг истисноси бўлниш мүмкін. Масалан, *Trichoderma* номли замбуурug целялюзани парчалай олса-да, ҳам оқсил, ҳам целялюзали мұхитда ривожланганда кўпроқ оқсилдан

Аммонификацияловчи бактериялар культураларида аммиак түпланишига углеводларнинг таъсири

Бактерияларнинг номи	Түпланган N-NH ₃ (мг ҳисобида)		Сарфланган казеин (г ҳисобида)	
	казеин	казеин + глюкоза	казеин	казеин + глюкоза
<i>Proteus vulgaris</i>	13,6	2,6	2,058	1,716
<i>Bac. megatherium</i>	25,0	10,5	2,035	2,046
<i>Bac. subtilis</i>	43,0	11,9	2,008	1,804
<i>Bac. mycoides</i>	64,9	14,3	1,406	1,001

фойдаланади ва углерод билан азотнинг узаро нисбати 25 : 1 дан анча катта бўлганда ҳам, аммиак ажратиб чиқаради. Шунинг учун, органик азотнинг аммиак азотига айланиш тезлиги куздан кечирилар экан, органик бирикманинг шакли ва ундаги углерод ҳамда азотнинг узаро нисбатини ҳисобга олиш билан бир қаторда, уша бирикмага таъсир қиласидаган микроорганизмнинг типини ҳам назарда тутиш керак. Органик бирикмаларнинг парчаланишида жуда хилма-хил микроорганизмлар иштирок этадиган тупроқ шароитидагина ҳаракатчан азот түпланишига онд юқорида кўрсатилган қонуният бутунича сақланиб қолади, буни ҳар хил ўсимлик қолдиқларини компостлашда ҳаракатчан азотнинг тупроқда түпланишини текширган бир қанча авторларнинг маълумотларидан билиш мумкин (14 кг тупроққа 0,6 г органик азот солинган, жадвалга қаранг).

Ҳар хил ўсимлик қолдиқлари солинганда тупроқда минерал азот түпланиши

Тупроқка қўшилган органик қолдиқларнинг тuri	Органик қолдиқлардаги N (% ҳисобида)	Қўшилган органик қолдиқларнинг оғирлиги (г ҳисобида)	Органик қолдиқлардаги C : N	Тупроқда түпланган минерал азот (HNO_3 , мг ҳисобида)
Ўғит солинмаган тупроқ				946,6
Сули илдизи	0,45	133,3	100 : 1	207,4
Тимофеевка	0,62	95,8	71 : 1	398,4
Маккажухори	0,79	75,9	60 : 1	570,6
Беда	1,71	35,1	26 : 1	924,4
Ҳайвоннинг қуритилган қони.	10,71	5,6	4,2 : 1	1751,1

Жадвал маълумотларидан: органик моддада углерод билан азотнинг узаро нисбати нечоғли кичик бўлса, тупроқда минерал азот шунча кўп түпланиши кўриниб турибди ва, аксинча, углерод билан азотнинг узаро нисбати нечоғли катта бўлса, микроорганизмлар танасини тузиш учун тупроқ эритмасидан шунча кўп минерал азот сарф бўлади. Шу қонуниятларни билган ҳолда, ерга экинда олдин қандай органик ўғит солинса, қўшимча миқдорда ҳаракатчан азот түпланишини ва у ҳосилга яхши таъсир қилиши мумкинлигини олдиндан билиш мумкин.

Г. Микроорганизмларнинг чиринди моддаларни аммонификациялаши

Боғланган азотнинг асосий қисми тупроқда чиринди моддалар деб аталадиган моддалар шаклида бўлади. Улар ҳар қандай тупроқда ҳам жуда кўп миқдорда учрайди. Чунончи, бир гектар чимли-подзол тупроқли ернинг ҳайдаладиган қатламида чиринди миқдори 100 — 120 тоннани, қора тупроқли ерда эса ҳатто 300 тоннани ташкил этади. Чириндида 5% азот бўлганда тупроқ органик моддаларидағи умумий азот миқдори подзол тупроқли ерларда 6 тоннага ва қора тупроқли ерларда 15 тоннага яқинлашади.

Тупроқ чириндиси таркибига кирадиган моддаларнинг химиявий табиати хилма-хилдир. Шунинг учун уларнинг турли компонентлари ҳам ҳар хил тезликда парчаланади. Я. Никитинскийнинг текширишларидан маълум бўлишича, масалан, гумин кислотага айрим турдаги микроорганизмлар юқтирилганда, у лаборатория тажрибаси шароитида жуда қийинлик билан парчаланади. Бирдан-бир углерод манбаи сифатида гумин кислотага эга бўлган озиқ муҳитларига тупроқ бактерияларининг ҳар хил группалари бор тупроқ бўтқаси юқтирилган тақдирдагина парчаланиш тезлиги кўп даражада ортади. Бироқ ҳар хил микроорганизмлар аралашмаси бўлганда ҳам тупроқдаги чиринди моддалар ҳар ҳолда анча секин парчаланади. Бир қанча маълумотларга кўра, мўттадил иқлим шароитида йил мобайнида тупроқ чириндиси умумий запасининг 1% дан 3% гача қисми парчаланади, холос. Тупроқ чиринди моддаларининг энг муҳим фракциялари таркибига углерод билан азот 10 : 1 нисбатда кирганидан, шу моддалар микроорганизмлар таъсирида парчаланганда азотнинг бир қисми, албатта, эркин ҳолда қолади ва аммиак шаклида тўпланади. Бу парчаланишнинг боришини қўйидаги схема билан ифодалаш мумкин.



Бу моддалар етарлича тезлик билан парчаланиб борганда эди, ўсимликлар тупроқдаги азот запаслари ҳисобига азотли озиқлар билан осон таъминланган бўлар эди. Бироқ микроорганизмлар таъсирида уларнинг бирмунча секин парчаланиши, тупроқ азотидан фойдаланиш имкониятини жуда чеклаб қўяди. Шунинг учун чиринди моддаларнинг парчаланишини тезлаштирадиган ҳар хил агротехника усулларидан фойдаланиб, тупроқ-қа таъсир кўрсатишга тўғри келади. Бу усуллар орасида тупроқ-қа яхши ишлов бериб, унинг аэрациясини яхшилаш, тупроқни қисман стериллаб, чириндисининг микроблар таъсирида парчаланишга чидамлилигини пасайтириш энг катта аҳамиятга эга.

Учинчи бўлим
**МИНЕРАЛ МОДДАЛАРНИНГ МИКРООРГАНИЗМЛАР
ТАЪСИРИДА УЗГАРИШИ**

XI боб

НИТРИФИКАЦИЯ ПРОЦЕССЛАРИ

Тупроқда аммонификация процесслари натижасида ҳосил бўладиган аммиакли тузлар унда кейин яна оксидланиб, нитрат кислота тузларига айланади. Аммиак оксидланиб, оралиқ босқич — нитрит кислота стадияси орқали нитрат кислотага айланадиган бу процесс нитрификация деб аталади. Бу процесс ўтган асрнинг 70- йилларида кашф этилди ва қишлоқ хўжалигида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган, жуда кенг тарқалган тупроқ процессларидан бири бўлиб чиқди. Аммиак оксидланишининг биохимиявий табиати 1877 йилдаёқ исбот этилган бўлса-да, бу процессга сабаб бўладиган бактерияларнинг соф культурасини узоқ вақтгача олиб бўлмади.

Машҳур рус микробиологи С. Н. Виноградский (1888—1890) бу вазифани ҳал қилди. У ўзининг классик текширишлари билан фақат нитрификациянинг моҳиятини аниқлашдан ташқари, ўзидан олдинги тадқиқотчиларнинг шу процессни қўзғатувчи микроорганизмлар соф культурасини ажратиб олиш йўлида нима сабабдан иши юришмаганини ҳам кўрсатиб берди. Олтингугурт бактерияларининг органик моддаларга салбий муносабатда бўлиши Виноградскийга илгаридан маълум эди. У шунга асосланиб, балки муҳитдаги ортиқча органик модда нитрификацияловчи бактерияларнинг ривожланишига тўсқинлик қиласи, деб тахмин қилди. У мана шу тахминига асосланиб, аммиакнинг соф минерал озиқ эритмаларида оксидланишини текшира бошлади ва бундай шароитда нитрификацияловчи бактериялар яхши ривожланишини аниқлади. Муҳит жуда ҳам электив бўлганлиги туфайли аввал ўша микроорганизмларнинг аралаш культурасини олиш, кейин эса уларни соф культура ҳолида ажратиш мумкин бўлди.

Виноградский текширишларидан олдин, нитрификация процессига аммиакли тузларни нитрат кислотагача оксидловчи микроорганизмларнинг бир тури сабаб бўлади, деб тахмин қилинади. Бироқ Виноградский бу процесс икки группа микроорга-

низмларнинг кетма-кет таъсири натижасида *C. arctica*) ажраси фазада ўтишини аниқ белгилаб берди: олдин аммо-, турларнинг нитрит кислотагача оксидланади, нитрит кислота эса *Nitrosomonas* ҳужайтадиланиб, нитрат кислотага айланади.

С. Н. Виноградский аммиакнинг оксидланаб, нитрит кислотага айланшига бир неча тур бактериялар сабаб булади, деб ўлади. У ўша бактерияларни учта авлодга: *Nitrosomonas*, *Nitrosocystis* ва *Nitrosospira* авлодларига киритди. *Nitrosomonas* авлодининг вакиллари овал шаклда бўлиб, айрим ҳолларда шарчага ўхшаб қолади ва ҳаракатчан бўлади, уларнинг битта узун хивчини бор (120- расм); *Nitrosom. javanensis* ҳужайрасининг диаметри 0,6 μ бўлгани ҳолда, хивчинининг узунлиги 30 μ га етади. *Nitrosomonas* нинг ҳар хил турлари тупроқда жуда кенг тарқалган бўлиб, ҳужайраларининг катта-кичиклиги ёки шакли, шунингдек муҳитнинг актив реакциясига муносабати билан бир-биридан фарқ қиласи.

Виноградский *Nitrosomonas* нинг юмалоқ шаклда ва бирмунча кичик (1,5 μ дан 3 μ гача) буладиган бешта тур хилини (*a*, *b*, *c*, *d* ва *e*) тафовут қиласи. Булингандан кейин ҳужайралари аҳён-аҳёнда жуфтжуфт ёки занжирча булиб бириккан ҳолда қолади.

a тур хилийуғон таёқча (1,5 μ дан 3 μ гача) шаклида учрайди ва магний карбонатдан кўра, бор иштирокида яхши ривожланади (оптималь pH=7,6).


b тур хили олдинги хилига ўхшайди, бироқ ҳужайрасининг кичикроқ бўлиши билан ундан фарқ қиласи ва pH=8—9,2 бўлганда энг яхши ривожланади.

c тур хили ингичка таёқчадан иборат (эни 1 μ ва бўйи 2,5 μ). Бу таёқча pH=7,4—8,8 булганда яхши ривожланади.

d тур хили шаклан эллипсга ўхшайди ва pH = 7,4—7,8 булганда яхши ривожланади.

e тур хили шаклан ҳужайраларининг диаметри 1,2 μ бўлган типик коккларга ўхшайди ва pH=8,6—8,8 бўлганда энг яхши ривожланади.


Виноградский *Nitrosocystis* авлодига зоogleя ҳосил қила оладиган микроорганизмларни киритди, зоogleялар умумий капсула билан ўралган бўлиб, капсуласининг ичидаги диаметр



120- расм. *Nitrosomonas*:

1 — *a* тур хили; 2 — *b* тур хили;
3 — *c* тур хили

уладиган кокклар тураты. Виноградский маъра, бу бактерияларнинг колониялари бутун бир циклини ўтады. Ҳужайралар олдин зооглеяларга, булар кейинчалик бир-бирига ёпишиб, йирик түплам-
МИНЕ силен қилады. Колониялар қариган (эскирган) сайин
 нача пишиқ парда ажратади ва гүё цистага айланади расм). Бироқ А. Имшенецкийнинг сұнгги текширишлари



121- расм. *Nitrozocystis*:

1 — ҳужайраларнинг түплами; 2 — ҳужайраларнинг дисперс ҳолаты (1000 марта
 кітталаштириб күрсатылған, Виноградскийдан олинған)

шуни күрсатдикі, тупроқ бұлакчаларі атрофидаги гель силикат пластиналарда баъзан, ҳақиқатан ҳам, цисталары бор нитрификация зоналары юзага келади, лекин цисталарнинг шакли ва тузилиши миксобактерияларнинг мәва таналарига тұла мувофиқ келади. Шунинг учун Имшенецкий бу цисталар нитрификацияловчи бактерияларға бевосита боғлиқ әмас, деб хисоблайды. Ұша жойларда миксобактерия (*Sorangium symbioticum*) ривожланишидан олдин типик нитрификатор — *Nitrosomonas* ривожланағади. Бу бактерия түплаган органик модда миксобактерияларнинг ривожланиши учун, афтидан, углерод манбаи бұлади. Чамаси, шу формалар уртасыда бир неча марта қайта үстириш давомида сақланиб қоладын үзига хос симбиоз бор. Имшенецкийнинг бу маълумотлари табиатда алохыда *Nitrosocystis* авлоди борлиги шубҳали эканини күрсатади.

Nitrosospira авлоди Виноградский томонидан Пастер институти паркининг ишланмаган ери тупроғидан (*Nitrososp.*

Brie) ва Янги Ер ороли тупроғидан (*Nitrososp. arctica*) ажратиб олинган икки турни ўз ичига олади. Бу турларнинг иккаласи ҳам түғри спираль шаклда бўлиб (122-расм), ҳужайраларининг узунлиги ҳар хил (15—20 м келадиган узун таёқчадан тортиб коккларгача бўлади). Спиралга ўхшаб буралган иплар билан бир қаторда доим қалта таёқчалар ва кокксимон формалари ҳам учрайди. Эски культураларда зооглеяларнинг ажралишидан ҳосил бўлган ультрамикроскопик доначаларни тошиш мумкин, булар тасбехга ўхшаб жойлашган бўлади. Ўша доначалар янги озиқ субстратига кўчирилса, янгидан типик культуралар ҳосил қиласи. Зооглеялар пайдо бўлишини Виноградский муҳит шароитининг ўзгариши билан боғлиқ, деб ҳисоблайди ва улар мазкур турнинг сақланиши учун муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлади. *Nitrosospira* асосан ишланмаган ерларда ривожланади ва у ерда нитрификация процессини амалга оширади.


Нитрит кислотанинг оксидланиб, нитрат кислотага айланishiша Виноградский *Nitrobacter* деб атаган бактерия ҳаёт фаолияти сабаб бўлади. Виноградский бу бактерияни ҳар хил тупроқдан ажратиб олган ва ҳар доим ҳам уни бир хил ҳолда топган. Қирқ йилгacha бу бактерия нитрит кислотани оксидлаб, нитрат кислотага айлантира оладиган бирдан-бир формадир, деб ҳисоблаб келинди, лекин кейинчалик Виноградский Е. Виноградская билан биргаликда бу организмга яқин турадиган яна бир неча турни ажратишга муваффақ бўлди.

Nitrobacter avloedi га кирадиган бактериялар кремнийли гель бор пластинкаларда сариқ доғлар кўринишида ривожланади. Улар майда таёқчалардан (бўйи 1 м, эни 0,5 м; 123-расм) иборат бўлади. Булар билан бир қаторда зооглея ва цисталар ҳосил қилувчи формалар ҳам учраши мумкин. Бу формалар нитрит пластинкаларда жуда секин ривожланади ва аста-секин парда билан ўралиб боради. Сидирға парда ҳосил қиладиган таёқчасимон формаларни Виноградский *Bactoderma* авлодига, кокксимон формаларни эса *Microderma* авлодига киритади (124-расм). *Bactoderma* ва *Microderma* авлодлари шу вақтгача ҳали етарлича текширилмаганлигини айтиб ўтиш керак.

Nitrobacter группасига кирадиган микроблар ҳам соғ минерал субстратларда яхши ривожланади ва карбонат ангидридан фойдаланиб, ўз танасининг органик моддаларини синтез қила олади. Булар органик моддаларга нисбатан бирмунча кам сезгир бўлгани ҳолда, аммиакли тузларга ниҳоятда сезгирдир. 1 литрда 5 мг аммиак бўлиши ҳам шу микробларнинг нитрит кислотани оксидлашини секинлаштириб қўяди.


Нитрификациянинг биринчи фазаси аммиакнинг оксидланиб, нитрит кислотага айланishiдан иборат бўлиб, қўйидаги умумий тенгламага мувофиқ боради:






122-расм. 1 — *Nitrosospira* Brie; 2 — *Nitros. arctica* (1000 марта
катаалаштириб күрсатилган, Виноградскийдан олинган)

Бироқ бу тенглама процессининг охирги натижаси тұғрисида тасаввур беради, холос, ҳақиқатда эса бу процесс анча мұраккаб. Аммиакнинг ундан ҳосил бўладиган нитрит кислотага қаралганда кўпроқ миқдорда эритмадан йўқолиб кетиши шундан дало-



123- расм. *Nitrobacter* нинг ривожланиш цикли



124- расм. 1 — *Nitrobacter*; 2 — *Bactoderma*; 3 — *Microderma* (1000 марта катталаштириб курсатилган, Виноградскийдан олинган)

лат беради. Чамаси, шу оксидланиш процесси давомида оксидланишининг қандайdir оралық маҳсулотлари ҳосил бўлади. Бундай маҳсулотлар гидроксиламин (NH_2OH), гипонитрит кислота (HNO) ва диоксиаммиак эканлиги бирмунча батафсил текширишлардан маълум бўлди. Шунинг учун ўша оксидланиш процессининг боришини схема тарзида қўйидаги реакциялар цикли билан ифодалаш мумкин:




Оксидланишда нитрификацияловчи бактерияларнинг ривожланиши ва улар карбонат ангидридан углеродни ўзлаштириши учун асос буладиган энергия ажралиб чиқади. Оксидланган аммиак азоти билан қайтариленган карбонат кислота углероди ўртасидаги нисбат, Виноградский маълумотларига кўра, 35 : 1 га тўғри келади.

Нитрификациянинг иккинчи фазаси нитрит кислотанинг оксидланиб, нитрат кислотага айланishiдан иборат бўлади ва қўйидаги тенгламага мувофиқ боради:



Оксидланиш химизми бу ўринда ҳам олдингига ухшашидир. Оралиқ стадияда нитрит кислота гидрати ҳосил бўлиб, кейин у нитрат кислотага айланади:



Нитрификацияловчи бактериялар культураларида аммиак ёки нитрит кислотанинг оксидланиши билан бир қаторда карбонат ангидрид қайтарилиб ҳам боради. Ажралиб чиқадиган энергиянинг тахминан 7% ана шу бир вақтда борадиган реакцияга сарф бўлади. Шунинг учун оксидланган азот билан қайтариленган углероднинг ўзаро нисбати процесснинг иккинчи фазасида 135 : 1 га тўғри келади.

Нитрификацияловчи бактериялар органик моддаларга салбий муносабатда бўлади, бу моддалар бошқа бактерияларнинг кўпчилиги учун нечоғли катта озиқлик аҳамиятига эга бўлса, уларнинг секинлаштирувчи таъсири шу қадар кескин сезилади. Минерал эритмага жуда кам концентрацияда (0,025%) пептон ёки глюкоза қўшилганда ҳам, бу бактерияларнинг ривожланиши сусаяди, ўша моддалар бирмунча кўпроқ концентрацияда (0,2%) қўшилганда эса улар ривожланишдан тамомила тўхтайди.

Органик бирикмаларнинг тормозловчи таъсири ҳужайранинг ўсиши ва нафас олишида бир хилда акс этмайди. Ҳужайранинг ўсиши глюкоза концентрацияси 0,001 моль булгандаёқ секинлашиб, 0,01 мольга етганда, тамомила тўхтаб қоладиган бўлса, бактерия ҳали бутунлай нормал нафас олишда давом этади. 0,06 моль (1,08% га тенг) концентрациярина нафас олиш энергиясини 40% камайтиради.

Амидобирикмаларга келганда, натижка бошқача бўлиб чиқади. Минерал озиқ муҳитига мочевина қўшиш ҳужайранинг ўсишинигина эмас, балки нафас олишини ҳам секинлаштириб қўяди. 0,025 мольга тенг концентрацияда нафас олиш 27%, 0,1 моль концентрацияда эса ҳатто 77% сусаяди. Аспарагин ҳам худди шундай натижани беради. Эритмада шу моддадан 0,005 моль

бұлганда, нафас олиш 34%, 0,01 моль бұлганда эса 70% сүсаяди.

Нитрификацияловчи бактерияларнинг органик моддаларга салбай муносабатда бұлишининг сабаби биринчи қаращақта но маңылудек күрінади. Бироқ нафас олиш актларида бу бактериялар минерал бирикмаларни (NH_3 ва HNO_2 ни) оксидлашша мослашғанлығы ва, афтидан, органик моддаларни оксидлашша кам лаёқатланғанлығы назарға олинадиган бұлса, бояғи ноанықлик осонгина барҳам топади. Органик моддалар эса оксидланмасдан туриб, тирик протоплазманинг таркибий қисмларига айланы олмайды ва протоплазманинг нормал ишига түсқинлик қиласы, холос. Буларнинг ҳаммаси нитрификаторларнинг жуда ҳам мослашғанлығидан далолат беради.

Е. Н. Мишустин сапрофит бактериялар ривожланганда ва олдин аммиакка айланадиган органик азот бирикмалари ҳисобиға баъзи ҳолларда бир оз миқдорда нитратлар ҳосил бўлишини топди. Аммиакнинг нитрит кислотагача оксидланиши процесси бу бактериялар учун, афтидан, энергия берувчи манба сифатида аҳамиятга эга бўлмайды ва карбонат кислотадан углеродни ўзлаштиришда ундан фойдаланилмайди.

Кейинги вақтларда баъзи тадқиқотчилар муҳитда хийлагина концентрацияда органик моддалар бұлганда ҳам ривожланиб, аммиак ёки нитрит кислотани оксидлай оладиган нитрификаторларни топғанликларини маълум қилдилар. Бу хилдаги кузатишлар ҳозирги пайтга келиб анча купайиб қолди ва улар нитрификацияловчи бактерияларнинг специфик хоссаларини бирмунча чеклайдигандек бўлиб күрінади. Бироқ ана шу маълумотларнинг ҳаммаси яна аниқлик киритилишини талаб қиласы, чунки, бояғи бактерияларнинг соғ культураларини олиш анча қийин. Тадқиқотчининг қўлида *Nitrosomonas* нинг анча тоза культуралари бўлар экан, азотли органик бирикмаларнинг нитрит ёки нитрат кислотагача оксидланишини кузатиш билан бир қаторда, муҳитга оз миқдорда органик моддалар (углеводлар, органик кислоталар) қўшилганда, нитрификация процессининг рўй-рост сусайиб қолишини ҳам осонгина аниқлаш мумкин (О. Ульянова, 1955).

Бироқ нитрификацияловчи бактерияларнинг органик моддаларга нисбатан ғоятда сезгир бўлиши фақат суюқ культуралар учун характерлиди. Бу бактериялар тупроқда ривожланганда, бундай ҳодиса кузатилмайди. Кўпчилик ҳолларда органик модда нитрификация процессини сусайтириш у ёқда турсин, балки сезиларли даражада кучайтиради ҳам. Бу ҳодисанинг сабаби шуки, нитрификация процесси фақат сувда эрийдиган ва нитрификацияловчи бактерияларнинг ҳужайрасига ўта оладиган органик моддага боғлиқ. Бу хилдаги моддалар тупроқда ҳеч қачон кўп миқдорда бўлмайди. Бундан ташқари, тупроқда нитрификацияловчи бактериялар билан бир қаторда, органик мод-

даларни истеъмол қиласидиган ва шу тариқа юқоридаги бактерияларнинг ривожланиши учун қулай шароит туғдирадиган күпгина бошқа бактериялар ҳам ривожланади. Бироқ бу масалаларнинг ҳаммаси яна бирмунча батафсил текширишлар ўтказишини талаб қиласиди.

1. ТУРЛИ ХИЛ ТУПРОҚЛАРДА СОДИР БҮЛАДИГАН НИТРИФИКАЦИЯ ПРОЦЕССИННИГ ТЕЗЛИГИ

Нитратлар — тупроқда бўладиган азотни органик моддаларнинг минералларга айланishiда ҳосил бўладиган охирги маҳсулотdir. Шунинг учун тамомила табиийки, қайси тупроқда чиринди моддалар зўр бериб оксидланадиган бўлса ёки гўйг билиан бирга тупроққа тушган, ё бўлмаса, экин экилгандан кейин тупроқда қолиб кетган органик қолдиқлар шиддатли равишда минералларга айланадиган бўлса, ўша тупроқларда нитратлар энг кўп тўпландади. Бироқ бу процесснинг олдин аммиак оксидланаб нитрит кислотага, сунгра нитрат кислотага айланени билан боғлиқ бўлган охирги даври бир қанча шароитга боғлиқ. Минералларга айланиш процессининг тезлигини шу шароит белгилаб беради.

Нитрификацияловчи бактериялар суюқ культура шароитида ривожланганда, органик моддаларга жуда сезгир бўлишига қарамасдан, тупроқдаги шу органик моддалар нитрификация процессини тормозламайди, балки кучайтириши ҳам мумкин эканлигини энг олдин кўрсатиб ўтиш керак. Бунинг сабаби шуки, иккинчидан, нитрификация процесси фақат сувда эрийдиган органик моддага боғлиқ, бу модда эса тупроқда деярли ҳеч қачон кўп миқдорда бўлмайди; иккинчидан, тупроқда нитрификацияловчи бактериялар билан бир қаторда, органик моддалар истеъмол қиласидиган ва шу тариқа ернинг айrim қисмларини органик моддаларнинг хийлагина дозасидан тозалайдиган жуда кўп бошқа бактериялар бор; учинчидан, нитрификацияловчи бактерияларнинг ўсиши ва оксидлаш активлиги органик модда таъсирида бир хилда сусаймайди. Бундан ташқари, аммиак тирик нитрификацияловчи бактериялар таъсиридагина оксидланмасдан, балки ўша бактериялар атрофдаги муҳитга ажратиб чиқаридиган оксидловчи ферментлар таъсирида ҳам оксидланни олиши эҳтимолдан холи эмас. А. Имшенецкий ва ҳамкорларининг ўша бактериялар хужайрасиз препаратлари устида олиб борган текширишлари туфайли бу тахминни ҳақиқатга яқин, деб ўйлаш мумкин бўлиб қолди. Ташланди сувларни биологик йўл билан тозалашда ишлатиладиган «актив балчиқ»нинг таъсири устидаги кузатишлар ҳам шунинг тахмин эканлигини кўрсатади. Аммиак актив балчиқ билан доим бир хил тезликда оксидланаб боради ва унинг шу тариқа оксидланishi дастлабки концентрациясига боғлиқ бўлмайди. Бу ҳам нитрификация процессида оксидловчи ферментларнинг иштироқ этиши мумкинлигини кўрсатади. Бироқ, актив балчиқда бир талай нитрификацияловчи бактерияларнинг бўлиши (улар кўпинча 1 мл да бир неча миллиардгача етади) ҳар ҳолда оксидловчи ферментларнинг кам активлигидан далолат беради. Шунинг учун тупроқ муҳитида ҳам бирламчи нитрификация тирик нитрификацияловчи бактериялар ажратадиган оксидловчи ферментлар туфайли эмас, балки асосан шу бактерияларнинг ўзи туфайли амалга ошади, деб ҳисоблаш керак.

Нитрификациянинг иккинчи фазасига, органик моддадан ташқари, аммиак концентрацияси ҳам катта таъсири кўрсатади, аммиакнинг тормозловчи таъсирини Виноградский билан Омелянскийлар аниқлаган. Бироқ бу таъсири суюқ культура шароитидагина расмана кўринади. Тупроқда аммиак адсорбланган ҳолатда бўлади ва сусайтирувчи таъсири кўрсата олмайди. Шунинг учун *Nitrobacter* ҳосил бўладиган нитрит кислотани тезда оксидлаб, нитрат кислотага айлантиради.

Тупроқ реакцияси ҳам нитрификация процессига катта таъсири курсатади. Нитрификацияловчи бактерияларнинг ҳар хил турлари ўз ҳаёт фоалия-

тини турлича pH да юзага чиқаради ва шундай яраша хилма-хил типдаги тупроқларда учрайди. Нитрификацияловчи бактерияларнинг ривожланиши учун энг қулай pH доираси ҳар қалай 6,2 билан 9,2 орасида бўлади. Лекин бу бактерияларнинг ҳар хил турлари pH бирор томонга қараб ўзгарганда ҳам турли даражада активлик кўрсатади. Кислота муҳитли пластинкаларда ($pH=6$ бўлганда) бу бактериялар деярли ривожланмайди. Табий шароитда нитрификация кислотали тупроқларнинг бирмунча нейтрал реакцияли микрозоналаридагина амалга ошиши эҳтимолга жуда яқин.

Нитрификацияга учрайдиган материалнинг химиявий таркиби ҳам нитрификация процессига кучли таъсир кўрсатади. Тупроқда таркибida азот бўлган органик бирикмалар аммонификасиya нечоғли тез борса, аммиакнинг кейин оксидланиб, нитрат кислотага айланиши ҳам шу қадар шиддат билан боради. Тупроқ эритмасида эркин ҳолатда бўладиган аммиак билан бир қаторда тупроқ цеолитларига ютилган аммиак ҳам нитрификацияга учрайди. Сувда эрийдиган аммиак жуда кам, ютилган аммиак эса кўп миқдорда бўладиган ҳолларда, тупроқ ютилган аммиак айниқса тез оксидланади.

Ҳар хил турдаги нитрификацияловчи бактерияларнинг физиологик хусусиятлари ва ташқи муҳитнинг турли факторларига муносабати шу бактерияларнинг тарқалишини ҳам тупроқдаги азот режими белгилаб бериши керак, деб ҳисоблашга имкон беради. С. Н. Виноградский маълумотларига кўра, *Nitrosomonas* нинг энг актив групчачалари азотга, хусусан, аммиакли тузларга бой тупроқларда (ҳайдаладиган ерларда, актив балчиқ ва хоказларда) кенг тарқалган. Азот кам бўладиган тупроқларда, масалан, қўриқ ерларда эса *Nitrosoospira* учрайди.

Аммиакнинг оксидланиб, нитрит кислотага, кейин эса нитрат кислотага айланиши молекуляр кислород иштироқида борганидан, муҳит аэрацияси мухим аҳамиятга эга, лекин оксидланиш тезлиги кислороднинг парциал босимига боғлиқ бўлмайди ҳам. Кислород концентрацияси ҳар хил бўлганда, ҳар бир килограмм тупроқда ҳосил бўладиган нитрат кислота фарқи жуда арзимас даражада бўлишидек қадимдан маълум факт шунга боғлиқ. Тупроқ ҳавосида 6% кислород бўлганда, 1 кг тупроқда маълум вақт оралигида 199 кг нитрат кислота юзага келадиган бўлса, кислород 21% бўлганда атиги 225 мг, яъни бояидан бир оз ортиқроқ нитрат кислота пайдо бўлади. Нитрификациянинг тупроқ юза қатлами билан чекланиб қолмасдан, маълум чуқурликка ҳам тарқала олишининг сабаби шу.

Ўсимликлар билан банд бўлган ерларда тупроқ аэрациясининг таъсисири кучлироқ бўлади, чунки бундай ерларда кислородни микроорганизмларнина эмас, баъли ўсимликларнинг илдиз системаси ҳам истеъмол қиласди. Шундай ҳолларда тупроқнинг физик структураси, демак, уни ишлаш усуллари ҳам нитрификациянинг активлиги учун жуда муҳим булиб қолади. Шунинг учун чиринди-карбонатли тупроқларни ҳисобга олмаганда, чимли-подзол тупроқли зоналарда нитрификация активлиги, хусусан табии шароитда, ерга ишлов берилмаган пайтда жуда кам бўлади. Ишланадиган ерларда эса мазкур процессининг активлиги одатда жуда ортади. Чимли-подзол тупроқларнинг бу хусусияти осон ажralиб чиқадиган азотнинг камчилигига ҳам, нитрификация процессининг шиддатига ҳам таъсир кўрсатувчи бир қанча бошқа шароитга боғлиқ. Хусусан, нитрификаторлар кўпинча кислотали тупроқларда топиладиган ёрувчан алюминий тузларига нисбатан жуда сезгир бўлади. Ишланган торфли ерларга оҳак солингандан нитрификация активлиги айниқса ортади.

Қора тупроқли ерларда нитрификация устки қатламларда ҳам энг кучли боради ва чуқурлик ортган сари аста-секин сусаяди, лекин кучли қора тупроқли ерларда нитрификация 50 см ва ундан чуқурроқ жойгача етади. Афтидан, нитрификация материали камчил бўлганинги учунгина бундай ерлар тупроғида нитратлар тупланishi чекланади, чунки нитрификацияловчи бактериялар бундай тупроқларда етарли миқдорда бўлади, шунга кўра улар тупроқда ҳосил бўладиган аммиакдан анча кўп аммиакни оксидлай олиши

мумкин эди. Шунинг учун бундай тупроқли ерларда аммонификациянинг кучайиши, доим нитрификациянинг кучайишига ҳам олиб келади.

Шуртоб ва шўрхок ерларнинг нитрификация активлиги, бир қанча текширишларга кура, анча паст бўлади. Уларни ишлаш мелиорация ва нитрификация активлигини кўп даражада оширади. Саҳро-дашт зонасидаги тупроқларда эса асосан нам йўқлиги туфайли нитрификация сусайиб қолади. Шунинг учун бундай тупроқли ерлар суғорилганда тупроқдаги процесслар жуда активлашиб кетади. Уларни ишлаш ва суғориш микробиологик активликни, жумладан нитрификация процессини ҳам кўп даражада кучайтиради.

Тупроқни юмшатиши нитрификация процесси шиддатига каттагина таъсир кўрсатишини нитрификацияловчи бактерийларнинг кислородни анча кўп искеъмол қилиши билан тушунтириш мумкин. Кўпчиллик ҳолларда, тупроқ юмшатилгандан кейин унда нитратлар миқдори 5—10 баравар купаяди (Н. С. Соколов). Тупроқни ишлаб узоқ вақт юмшоқ ҳолда сақланадиган қилиш унда талай миқдорда нитрат кислота тузлари тўпланишини таъминлаб бериши кўп йиллик текширишларда аниқланган ва амалда исботланган.

Намлиқ шароити (умумий нам сифиминг 40—70%), тупроқ реакцияси (нейтрал ёки кучсиз ишқорий реакция), температура ($25-35^{\circ}$) шароити қулай бўлганда, нитрификация процесси шу қадар шиддатли борадики, тупроқдаги минерал азотнинг асосий қисми нитратлар шаклида бўлади. Азот режими актив бўладиган тупроқларда бир йилда ҳосил бўладиган нитратлар ҳар 1 кг тупроқда 100 мг га ёки нитрат кислотага айлантириб ҳисобланадиган бўлса, гектарига 0,3 тоннага ётиши мумкин (Лебедянцев маълумотига кўра). Щунча миқдордаги нитрат кислота ўсимликларни азотли озиқ билан таъминлабгина қолмасдан, балки қийин эрийдиган минерал тузларга (хусусан, кальций фосфатларга) ҳам катта таъсир кўрсатади ва уларни анча эрийдиган ҳолатга келтириб, кўпроқ сингадиган қилиб қўяди. Нитрификациянинг шу хусусияти уни хўжаликда жуда қимматли қилиб қўяди, бироқ баъзи камчиликлари ҳам бор. Бу камчиликлар шунга боғлиқи, нитратлар яхши эрийдиган бўлганидан тупроқда силжий бошлайди ва маълум шароитда тупроқ сувларига дуч келганда ювилиб кетиши мумкин. Бундан ташқари, аэрация етарли бўлмаса, денитрификацияловчи бактериялар таъсирида улар яна қайтарилиб, молекуляр азот ҳосил қилиши ҳам мумкин. Мана шу процессларнинг ҳаммаси тупроқда анчагина азотнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлади, қўйидаги жадвал маълумотларидан бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу жадвалда Ротамстед тажриба станциясида (Англияда) ўтказилган кўп йиллик тажриба материаллари келтирилган.

**Денитрификация ва нитратларнинг ювиллиб кетиши натижасида тупроқдан азот йўқолиши
(бир акр ерга фунт ҳисобида)**

Тупроқдаги азот баланси	Азот кўп ва ўнг солинган (ҳар йили 14 тоннадан) ер	Азоти кам ва кам ўғитланган ер
Тажриба бошида тупроқдаги азот	4340	2720
50 йил ичига уғит билан солинган азот	10140	340
50 йилдан кейин кутидиган азот	14480	3060
50 йилдан кейин тажриба охирида топилган азот	5950	2590
Тупроқда йўқолган азот	8530	470
50 йил ичига ҳосил билан олинган азот	2500	750
50 йил ичига йўқолган соғ азот	—6030	+ 280
Ҳар йили йўқоладиган азот	— 123	+ 6

Бу маълумотлар, тупроқдаги азотли моддалар нечогли тез ўзгарса, тупроқда азот шунча кўп йўқолиб кетишини курсатиб турибди. Бу нобудгарчилик

гүё интенсив ишлаб чиқаришга сарфланғандек бўлиб кўрнади, чунки бундай ерларда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосили ҳам бир неча баравар ортади. Айни вақтда ўсимликларнинг ўсиш шароити нечогли қулай бўлса, азот шунча кам нобуд бўлишини, лекин азот нобудгарчилиги, чамаси, ҳеч қачон бархам топмаслигини эсда тутиш мумкин.

Шудгор ерларда нитратлар кузда кўпинча йўқолиб кетади. Буни ривожланаётган кузи экинлар сарф қилиб қуяди, деб тушунтириб бўлмайди. Бунда биологик процесслар бораётган бўлиши ҳам мумкин, турли тадқиқотчилар буни күп марта аниқлаганлар. Бундай ҳолларда минерал азотининг органик шаклга ўтиши, ўсимликлар вегетацияси даврида нитратлар йўқолиб кетсанга, ҳосилга сезиларли зарар етказиши мумкин. Борди-ю, шудгор ерларда тупроқ микроорганизмлари нитратлар азотини кузда органик шаклга айлантиrsa, бунда уларни ювилиб кетишдан сақлаб қолади, холос. Микроорганизмлар нобуд бўлгандан кейин, уларга ютилган азот қайтадан минералларга айланади ва экиласидаган экинлар учун яна озиқ бўлиб хизмат қила олади.

Нитратлар ҳар хил тупроқларда бир хилда ювилиб кетмайди. Масалан, азот запаслари кўп бўладиган қора тупроқли ерларни ишлаш, денитрификацияни жуда кучайтирадиган ва ўсимликларни азотли озиқ билан таъминлайдиган энг муҳим восита бўлгани билан, талайгина азот йўқолишига олиб кела олмайди, чунки тупроқ кам намланғандан нитратларнинг ювилиб кетиши жуда қийин бўлиб қолади. Чиринди запаси кам бўладиган ва кучли ёғингарчиликлар натижасида осон ювилиб кетадиган подзол ва енгил қум тупроқли ерларда нитратларнинг ювилиб кетиш хавфи анча кўп бўлади. Нитрификация кучайганда азот нобудгарчилигини камайтириш учун ерга органик ўғитлар солиш керак.

XII б о б

ДЕНИТРИФИКАЦИЯ ПРОЦЕССЛАРИ

Нитратларнинг бирмунча қайтарилиган бирикмалар (нитритлар, гипонитрит кислота, амиак, таркибида азот бўлган органик бирикмалар ва ҳоказолар) ҳосил бўлишига олиб келадиган ҳар қандай қайтарилиш процесслари, кенг маънода, денитрификация деб аталади. Тор маънода, денитрификация деганда, нитратларнинг охирги маҳсулот сифатида молекуляр азот ҳосил қиладиган қайтарилиш процесслари тушунилади. Микробиологик маънода, денитрификация нитратларнинг сўнгги типда қайтарилишидан иборат. Бу тип, ўз навбатида, бевосита ва билвосита денитрификацияга бўлинади, чунки ниҳоятда хилма-хил процесслар натижасида нитратлардан молекуляр азот ҳосил бўлиши мумкин. Бевосита денитрификация яда нитратлар денитрификацияловчи алоҳида бактериялар группасининг ҳаёт фаолияти туфайли қайтарилса, билвосита денитрификация яда фақат аминокислоталар билан нитрит кислота ўзаро таъсир этади, бунинг натижасида ҳам молекуляр азот ҳосил бўлади.

1. БЕВОСИТА ДЕНИТРИФИКАЦИЯ

Бевосита денитрификация тупроқ, гўнг ва сув ҳавзаларида жуда кўп тарқалган денитрификацияловчи бактериялар ҳаёт фаолияти туфайли содир бўлади. Бу бактериялар асосан қўйидагилардан иборат.

1. *Bact. denitrificans* хивчинлари перитрихиал равиша жойлашган, спора ҳосил қылмайдиган майда таёқчадир (125- расм). У факультатив анаэроблар жумласига киради ва нитритларни молекуляр азотгача қайтаради. Бошқа бактериялар (масалан, *Bact. coli*) билан бирга ривожланганда нитратларни ҳам молекуляр азотгача қайтара олади.




125- расм. *Bacterium denitrificans*. Майда таёқчалари (1000 марта катталаштириб күрсатилган)

2. *Achromobacter Stutzeri* ҳам майда (бўйи 0,3 μ ва эни 0,5 μ) таёқча ҳолида бўлиб, кўпинча занжир ҳосил қиласди (126- расм). Грам усулида бўялмайди, агарли муҳитларда типик колониялар вужудга келтиради, сутни ивитади ва шакарни бижгитиб, газлар ҳосил қиласди. Пептонли муҳитларда ўсганда, водород сульфид ҳосил қиласди. Анаэроб шароитда нитратларни қайтаради.

3. *Pseudomonas fluorescens* ҳужайралари таёқчасимон буладиган бактериядир. У ҳаракатчан булади ва атрофдаги муҳитга ажралиб чиқиб, ўша муҳитни сарғиш-яшил рангга бўяйдиган яшил пигмент ҳосил қиласди. Грам усулида бўялмайди ва

фақат температура паст бўлганда ёки муҳитда фосфатлар етишмаганда пигментларни яхши чиқаради. Нитратларни жуда тез қайтариб, молекуляр азот ҳосил қиласди.

4. *Pseudomonas pyrosuapea* (127-расм) юқоридаги формага жуда яқин туради, нитратлар билан нитритларни молекуляр азотгача қайтаради. Кўк тусли пигментлар ҳосил қиласди ва муҳитни кўк-яшил рангга бўяди.



126- расм. *Achromobacter Stutzeri*.
Калта таёқчалари (1500 марта
катталаштириб кўрсатилган)



127- расм. *Pseudomonas pyrosuapea* (1000 марта катта-
лаштириб кўрсатилган)

Бу бактерияларнинг ҳаммаси тупроқда жуда кенг тарқалган, бироқ бошқа табиий субстратларда, масалан, гүнгда, турли сув ҳавзаларида, ўсимликларнинг юзаси ва илдизларида ҳам учраши мумкин. Уларнинг қўпчилиги фақат нитратларни нитритлар билан аммиаккача қайтарибгина қолмасдан, балки уларни молекуляр азотгача қайтаради. Улар углерод манбаи сифатида углеводлар, турли органик кислоталарнинг тузлари ва баъзи спиртлардан яхши фойдаланади. Денитрификацияловчи бактериялар ишқорий муҳитда энг яхши ривожланади. Улар ҳужайрасининг протоплазмасида нафас олиш ферментларининг тўла системаси ва, бундан ташқари, нитратлар кислородини активлаштирувчи ферментлар бор. Улар анаэроб шароитда ривожланганда, нитратлар кислородидан водород акцептори сифатида фойдаланади. Шунинг учун ҳам бу бактерияларнинг культуралида, қайтарилган нитратлар миқдори билан оксидланган органик бирикмалар миқдори ўртасида қонуний нисбат бўлади. М. Корсакова маълумотларига кўра, оксидланган ҳар 100 мг глюкоза ҳисобига 300 мг га яқин калий нитрат қайтарилади. Нитратлар аста-секин қайтарилиб боргани туфайли муҳитда қисман қайтарилиш маҳсулотлари тўпланади, буни қуйидаги жадвал маълумотларидан билиш мумкин.

Pseudomonas fluorescens культураларида нитратларнинг
аста-секин қайтарилиб бориши
(М. Корсакова маълумотларидан олинган)

Тажрибалар- ниң тартиб номери	Тажрибанинг давом этиш муддати (соат ҳисобида)	Эритманнинг рН	Нитритлар азоти (мг ҳисобида)	Нитратлар азоти (мг ҳисобида)	Молекуляр азот (мг ҳисобида)	Ҳисобга олинган жами азот (мг ҳисо- бида)
1		7,2	13,2	0,1	0,0	13,3
2	24	7,4	10,5	1,7	0,0	12,2
3	28	7,4	9,5	2,5	0,0	12,0
4	32	7,4	8,5	3,3	0,0	11,8
5	36	7,4	6,8	5,0	0,0	11,8
6	48	7,8	0,0	6,6	1,2	7,8
7	56	8,6	0,0	0,7	2,4	3,1
8	72	8,6	0,0	0,0	11,5	11,5

Денитрификация процессида нитратлар қайтарилишининг оралиқ маҳсулотлари юзага келиши жадвалдан кўриниб турибди, бу маҳсулотлар субстратда хийла миқдорда тўпланади. Олдин нитрит кислота, сўнгра гипонитрит кислота ва пировард натижада молекуляр азот ҳосил бўлади. Бу процесснинг кетма-кет боришини қўйидаги схема билан ифодалаш мумкин:



Бироқ бу кетма-кетлик нитратлар қайтарилишининг бевосита механизмини ёритиб бермайди. Жуда кўп маълумотларга асосланаб, бу процесс оксидланаётган субстратдан водороднинг чиқиб кетиши ва кейин, қўйидаги тенгламага мувофиқ, унинг нитрат кислороди билан бирикишига боғлиқ, деб тахмин қилиш керак:

1. $\text{C}_6\text{H}_{12}\text{O}_6 + 6\text{H}_2\text{O} + 12 \text{ дегидрогеназа} \rightarrow 6\text{CO}_2 + 12 \text{ дегидрогеназа} - 2\text{H}$
2. $12 \text{ дегидрогеназа} - 2\text{H} + \approx 4 - \text{NO}_3 \rightarrow 12 \text{ дегидрогеназа}^+ + 12\text{H}_2\text{O} + 2\text{N}_2 + x \text{ CaI}$

Бу оксидланиш процесси давомида денитрификацияловчи бактерияларнинг анаэроб шароитдаги бутун ҳаёт фаолияти учун асос бўлиб хизмат қиласидиган Энергия ажралиб чиқади.

Нитратларнинг *Thiobacterium denitrificans* таъсирида қайтарилиши бир оз бошқача тарзда боради, чунки бу ҳолда сульфат кислотага айланадиган олтингугурт кислород акцептори бўлиб хизмат қиласиди. Нитратларнинг шу бактерия таъсирида

қайтарилишини қўйидаги умумий тенглама билан ифодалаш мумкин:




Бу процесс давомида ажралиб чиқадиган талай миқдордаги энергия *Thiob. denitrificans* га карбонат кислотадан углеродни ўзлаштиришга имкон беради. Шу хусусият бу бактерияни типик автотрофлар жумласига киритишга асос бўлади; бу бактериянинг тупроқ ва сув ҳавзаларида кенг тарқалганилиги табиатдаги, хусусан сув муҳитидаги денитрификация процессларида унинг фаол иштирок этишини кўрсатади.

Нитратларнинг молекуляр азотгача қайтарилиши анаэроб шароитда айниқса осон амалга ошади. Шунинг учун аэрация ёмон ва нам кўп бўлганда, тупроқдан азот жуда кўп йўқолиб кетади. Тупроқ тўла нам сифимигача тўйингандан денитрификация доим сезиларли даражада кучаяди. Аэрациядан ташқари, тупроқ реакцияси ҳам денитрификацияга катта таъсир кўрсатади. Захарованинг текширишларига кўра, масалан, pH=7—8,2 бўлганда *Achromob. Stutzeri* нитратларни энг тез қайтаради. pH=6,1 дан ортиқ бўлгандаги кислотали реакциялар денитрификацияни секинлаштиради ва, ҳатто, тўхтатиб қўяди. Ишқоријий реакциялар эса бу процесни кучайтираса-да, аммо маълум чегарагача кучайтиради. pH=8,2 бўлганда процесс энди сезиларли даражада секинлашиб қолади. pH=9,6 бўлганда эса тамомила тўхтайди.

Денитрификация процесси учун нитратлардан ташқари, азотиз органик моддалар ҳам зарур эканлиги юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибди. Кўп тадқиқотчилар шунга асосланиб, кам чириган органик қолдиқлар ерга солингандан кучли денитрификация процесси кузатилади, деб тахмин қилгандар. Бироқ бундай фикр етарли даражада асосланган, деб бўлмайди. Ерга шундай қолдиқлар солингандан, нитратлар ҳақиқатан ҳам йўқолиб кетади, лекин улардаги азот молекуляр шаклга ўтмасдан, микроорганизмлар томонидан ҳужайра моддаси синтези учун ишлатилади ва фақат вақтинча ўсимликлар фойдалана олмайдиган бўлиб қолади. Ўсимликлар ўзлаштира оладиган органик бирикмаларнинг денитрификацияловчи бактериялар учун қандай аҳамиятга эга эканлиги қора тупроқли ерлар мисолида осон аниқланади. Тупроқ органик моддаларга бой ҳамда денитрификацияловчи бактериялар кенг тарқалган бўлишига қарамасдан, бундай ерларда, одатда нитратлар кўп тўпланади. Бундай аҳволнинг сабаби шуки, қора тупроқли ерлардаги органик моддаларнинг асосий қисми тупроқ чириндисидан иборат бўлади, бу чириндии денитрификацияловчи бактериялар энергия берувчи модда ўрнида ишлата олмайди.

2. БИЛВОСИТА ДЕНИТРИФИКАЦИЯ

Билвосита денитрификация натижасида ҳам тупроқдан азот йўқолиши мумкин. Бу ҳолда нитрит кислота билан аминли ёки амидли бирикмалар ўртасида соғ химиявий реакция содир бўлади. Бу реакция қўйидаги тенгламалар билан ифодаланади.



Микроорганизмларнинг бу процессдаги роли, ҳақиқатан ҳам, билвосита бўлиб, нитритлар (кўпинча нитратлардан) ва аминли бирикмалар (асосан оқсил моддаларнинг парчаланиши ҳисобига) ҳосил бўлишидан иборат. Шунинг учун нитратларни нитритларгача қайтарадиган ёки оқсил моддаларни парчалаб, амино-кислоталар ва амидокислоталар ҳосил қиласиган хилма-хил бактерияларнинг жуда кўп турлари билвосита денитрификацияга сабаб бўлади. Уларнинг бир-бири билан узаро таъсири эса соғ химиявий йўл билан боради ва шу бактерияларнинг ҳаёт фаолияти учун ҳеч қандай аҳамияти бўлмайди. Тупроқдаги азотли моддалар ўзгарганда доим аминли бирикмалар (аммиак ҳам бу реакцияга учрайди, лекин бунда реакция анча секин боради) ва нитрит кислота ҳосил бўлганидан, билвосита денитрификация талайгина азотнинг йўқолишига сабаб бўладигандек куринар эди. Бироқ, аслида бундай эмас. Бу—реакциянинг кислотали шароитда бориши тенгламасидан ҳам кўриниб турибди; модомики шундай экан, камдан-кам ҳолда кислотали реакцияга эга бўладиган ўзлаштирилган ерларда билвосита денитрификация унча авж ололмайди.

XIII боб

ТУПРОҚДА ЭРКИН ЯШОВЧИ БАКТЕРИЯЛАРНИНГ МОЛЕКУЛЯР АЗОТ ТҮПЛАШИ

1. БИОЛОГИК ЙУЛ БИЛАН МОЛЕКУЛЯР АЗОТ ТҮПЛАНИШИННИГ ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ УЧУН АҲАМИЯТИ

Атмосфера азотининг биологик йул билан түпланиши борланган азот бирикмаларининг умуман табиатдаги ва хусусан қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришидаги балансида жуда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг аҳамияти шунга боғлиқки, яшил ўсимликларнинг бирортаси ҳам (баъзи кўк-яшил сув ўтларини ҳисобга олмаганда) бевосита атмосфера азоти билан озиқлана олмайди. Ваҳоланки, азотнинг асосий қисми худди атмосфера-нинг ўзида тўпланган. Агар тупроқдаги боғланган азот запасла-

ди. Азот ана шундай дозаларда солинса, ўсишининг дастлаки даврларида, тугунак бактериялари атмосфера азотини ҳали ўзлаштириётган пайтда ўсимликлар азот билан таъминланниб туради.

Хилма-хил ташқи факторлар билан бир қаторда тугунак бактерияларининг ўз хусусиятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар орасида актив группачалар ҳам, активмас группачалар ҳам учраши мумкин. Бу ҳодиса аллақачоноқ сезилган эди. Нұхатга тугунак бактерияларининг ҳар хил культуралари юқтирилганды, турли штаммлари ҳосилга турлича таъсир күрсатиши аниқланған. Дүккакли ўсимликларга актив ва активмас группачалар аралашмаси юқтирилганды, янада муҳим натижалар олинган. Айни вақтда ўсимлик илдизларига бактерия культураларининг қайси бири биринчи булиб ўтса, уша культуранинг, актив ёки активмас бўлишидан қатъи назар, ўсимликда кўпроқ учрашини аниқлашга муваффақ бўлинди. Бу факт қишлоқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки у, ўсимликка тугунак бактерияларининг жуда кўп атмосфера азоти тўплай оладиган «кучли» группачасини юқтириш муҳим эканлигини кўрсатади.

Қандайдир бирор дүккакли ўсимлик узоқ вақтдан бери экилмай келган ёки мутлақо экилмаган ерларда нитрагин ишлатиш айниңса мақсадга мувофиқдир. Бироқ препарат етарли миқдорда ва ундаги бактериялар жуда актив бўлса, уни тегишли дүккакли ўсимлик яқингача экиб келинган ерларда ҳам ишлатиш керак. Гарчи бундай ерларда керакли тугунак бактериялари бўлиши мумкин бўлса-да, уларнинг активлиги сунъий препаратдаги бактериялар активлигидан паст чиқиб қолиши мумкин. Бу эса катта аҳамиятга эга, чунки тугунак бактерияларининг дүккакли ўсимлик илдиз системасига биринчи булиб кирган ҳар қандай группачаси амалда унга бошқа группачалар ўтишига йўл қўймайди.

Тугунак бактериялари ҳаёт фаолиятининг кўлами академик Д. Н. Прянишников томонидан келтирилган рақамлардан маълум: «Калий ва фосфор билан ўғитланган 1 га себарга йилига 150—160 кг азот бериши (себарга хашагидаги азотни ҳам, илдиз қолдиқларидаги азотни ҳам қўшиб ҳисоблаганды) мумкин, деб ҳисобласа бўлади. Беда 4 марта ўрилганда, себаргага қарангандаги икки баравар кўп азот бера олади, шунинг учун ҳам 1 гектардаги беда суфорилиб, суперфосфат билан ўғитланганда йилига 300 кг гача азот бириктира олади, деб ҳисоблаш мумкин. Люпин йилига 160—170 кг азот бера олади». Бир йиллик дүккакли ўсимликлар (нұхат, хашаки ловия ва ҳоказолар) ҳар гектар ерда 80—100 кг дан азотни бирикмага айлантира олади. Шуни назарда тутиш керакки, бир йиллик ва кўп йиллик дүккакли ўсимликларининг биологик хусусиятларига кўра, тўпланган азот уларнинг илдизлари билан ер усти қисмлари ўртасида ҳар хил тақсимланади. Кўп йиллик дүккакли ўсимликларда ҳосил

ЙИФИЛАДИГАН ВАҚТДА АЗОТНИНГ ТАХМИНАН $\frac{1}{3}$ ҚИСМИ ИЛДИЗЛАРДА ҚОЛАДИ. БИР ЙИЛЛИК ДУККАКЛИ ҮСИМЛИКЛАРДА АЗОТНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ЕР УСТИДАГИ МАССАСИГА ҮТАДИ ВА ҲОСИЛ БИЛАН БИРГА ДАЛАДАН ОЛИБ КЕТИЛАДИ. ШУНИНГ УЧУН БИР ЙИЛЛИК ДУККАКЛИ ҮСИМЛИКЛАРДАН КҮПЛАБ ФОЙДАЛАНИЛГАНДА, В. Н. ПРЯНИШНИКОВ КҮРСАТИБ ҮТГАНДЕК, АЗОТНИ ГҮНГ БИЛАН БИРГА ДАЛАГА ҚАЙТАРИБ ТУРИШ ТҮҒРИСИДА ҲАМ ҮЙЛАШ ЗАРУР. БУ, ДЕҲҚОНЧИЛИКДА КҮП ЙИЛЛИК ДУККАКЛИ ҮСИМЛИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛГАНДА ҲАМ, КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА, АЛБАТТА.

XV бөб

ОЛТИНГУГУРТ, ФОСФОР ВА ТЕМИР БИРИКМАЛАРИНИНГ ҮЗГАРИШИ

1. ВОДОРОД СУЛЬФИД ҲОСИЛ БҮЛИШИ

Олтингугуртнинг асосиий қисми тупроққа үсімлик ва ҳайвон қолдиқлари билан бергә тушади. Ұша қолдиқлар парчаланғанда, олтингугурт одатта водород сульфид шаклида ажралиб чиқади. Бу бирикманинг ҳосил бүлиши, таркибида олтингугуртли аминокислоталар (цистин, цистеин, метионин) бүладиган оқсил-

ли моддаларнинг парчала-нишига боғлиқ. Уларнинг чиритувчи бактериялар таъсирида парчаланишидан водород сульфид ҳосил булади. Бу процессларнинг биохимиявий йүли юқорида тасвирланган эди.

Водород сульфид ҳосил бүлиши сульфат, сульфид ва гипосульфит кислоталар тузларининг қайтарилишига боғлиқ бүлиши ҳам мумкин. Уларнинг қайтарилишига десульфофикацияловчи (сульфат редукциялайдиган) алоҳида бактериялар группаси сабаб бўлади. Бу группанинг асосиий



144-расм. *Spirillum desulfuricans* (1500 марта катталаштириб күрсатилган)

вакили *Spirillum desulfuricans* *Spirillum* авлодига киритилган бўлса-да, лекин бир оз буралган, шаклан вибрионга уштайдиган кичкина таёқча бўлиб чиқди (144-расм). Бундан ташқари, десульфофикацияловчи бактерияларнинг яна бир қанча хиллари тавсифланган, улар ҳозир: *Vibrio*

ДУККАКЛИ ҮСИМЛИҚЛАР БИЛАН СИМБИОЗ ҲОЛДА ЯШАЙДИГАН ТУГУНАК БАКТЕРИЯЛАРИНИНГ МОЛЕКУЛЯР АЗОТ ТҮПЛАШИ

1. ТУГУНАК БАКТЕРИЯЛАРИ

Дуккакли үсимликларнинг азотли озиққа алоҳида муносабатда бўлишини агрономлар қадимданоқ пайқаганлар, бироқ бу ҳодисаларни тушунтириб бериш борасида қилинган дастлабки уриниш 1838 йилга тўғри келади, холос. Буссенго таркибида жуда кам бириккан азот бўлган муҳитларда себарга билан нўхат ўстириб, яхши ҳосил олди ва дуккакли үсимликлар атмосфера азотини ўзлаштира олади, деб тахмин қилди. Бироқ у 20 йилдан кейин, ғалла билан дуккакли экинлар устида ўз тажрибаларини тақрорлар экан, бунинг аксини аниқлади, на ғалла ва на дуккакли үсимликлар молекуляр азотни ўзлаштира олмайдиган бўлиб чиқди. Иккала тажриба натижаларида бундай фарқ бўлишига сабаб шуки, иккинчи марта тажрибалар бирмунча аниқ вазиятда олиб борилган. Буссенго қумдаги азотли бирикмаларнинг сўнгги қолдиқларини йўқотишига ҳаракат қилиб, қумни қиздирди, бунда у яшашга қобилиятли бўлган бактериал флорани ҳам нобуд қилаётганлигини мутлақо хаёлига келтирмади. Дуккакли үсимликларнинг атмосфера азотини ўзлаштира олиши ҳақидаги масала шундай тафовутлар натижасида бир неча йилгача ҳал бўлмаганича қолаверди.

1888 йилдагина Гельригель билан Вильфарт дуккакли ва дуккаклимас үсимликлар устида олиб борган тажрибаларида ўша тафовутларнинг сабабини аниқладилар. Улар қумни ва шу қумда етилган сули ҳосилини анализ қилиб, тажриба охирида азот миқдори тажриба бошидагига қараганда кам бўлганлигини аниқладилар. Нўхат билан қилинган тажрибада тамомила бошқача натижа олинди. Бу үсимлик билан қилинган ҳамма тажрибаларда азот тажрибанинг охирида бошидагига қараганда кўп бўлиб чиқди. Баъзи идишлардаги қўшимча азот 1,24 г ни ташкил этди. Улар шунга асосланиб, дуккакли үсимликлар атмосфера азоти билан озиқланиши мумкин ва тупроқ олдин қиздирilmagan (стерилланмаган) бўлсагина, үсимликлар бу ҳусусиятини намоён қилади, деган хуносага келдилар. Улар стерилланмаган тупроқда ўстирилаётган дуккакли үсимликларнинг илдизида доим тугунаклар ҳосил бўлишини, стерилланган шароитда ўстирилган ўша үсимликлар илдизида эса ҳеч қачон тугунаклар бўлмаслигини шу текширишлар давомида аниқладилар. Дуккакли үсимликларнинг илдизидаги тугунакларда бактериялар яшashi ўша текширишлардан анча илгари маълум

**Тупроққа органик үгитлар солинганда азотобактернинг
атмосфера азотини тұплаш унумдорлиғи**

Тажриба вариантлари	Хар бир идишдеги умумий хосил (% ҳисобда)				Уч йил мобай- нида хосил билин олиб кетилганд азот (г ҳисобда)	Уч йил мобай- нидеги азот балансы (г ҳисобда)
	1-йили	2-йили	3-йили	3 йилда		
Үгитланмаган ва азото- бактер юқтирилмаган контрол тажриба . . .	100,0	100,0	100,0	100,0	0,369	-0,465
Похол кукуни (гектари- га 30 м)	8,2	268,0	148,0	97,7	0,386	-0,474
Похол кукуни + азото- бактер	7,2	300,6	173,2	110,8	0,446	-0,112
Похол кукуни + бор . .	27,2	372,8	220,4	144,9	0,599	-0,252
Похол кукуни + бор + азотобактер	49,3	385,0	270,0	170,4	0,652	+0,040
Минерал азот (NaNO_3 гектарига 300 кг) . .	190,0	130,0	131,9	166,0	0,812	-0,736

ловчи бактериялар углерод манбасы биланғина әмас, балки фос-
фор, калий ва кальций манбалары билан ҳам таъминланған
бұлса, оптималь ҳаво-сүв режимінде өзага келтирилсагина, улар
унумлы ишлаши мүмкін. Комплекс шароиттегиң бу бактериялар-
нинг унумлы ривожланишига ёрдам беради ва күп азот тұпла-
нишини таъминлады.


Бундан ташқары, азотобактер групрачаси хусусиятларининг
үзи ҳам катта ақамиятта әга. Азотобактерин тайёрлашда атмос-
ферадан анчагина азот тұплаш биланғина чекланиб қолмай,
балки уни қысман мұхиттеги чиқара оладиган актив групрачалар-
дан ҳам фойдаланыш керак. Фойдаланыладиган групрачада
үстирувчи моддалар хосил қылиш хусусияти ҳам расмана ифо-
даланған бұлиши мүхимдір. Қурғоқчылық бұладиган районлар
шароиттеги сұнгги хусусияттың нықоятта мұхим ҳисобланады. Үсти-
рувчи моддаларнинг үсімлікка таъсири натижасыда үсімлік
илдизи тезроқ үзаяды ва қуриёттеган тупроқ қатламидан тез чи-
қиб олади; шунға күра, бактерия юқтирилған үсімлік майсаси
нам билан яхши таъминланады. Натижада үсімлік яхши ри-
вожланады ва бирмұнча юқори хосил беради.

Юқорида айттылған шарт-шароиттеги амал қылған ҳол-
да, уруғларга азотобактер юқтириш күп екіншілар учун фойдалы-
бұлиши мүмкін. Фосфор ва калий билан үгитланған, аэрация
яхши бұлған тупроқтарда азотобактерин айниқса самаралайды.
Кислотали тупроқтарда азотобактерини ишлатиш кам натижада
беради, бу ҳолда ерга олдин оқақ солиши керак. Ерга азотли
минерал үгитларни күп солиши ҳам препаратдан олинадиган на-
тижага салбай таъсир қылады. Шунинг учун азотли үгитларни
фақат мұайян дозаларда азотобактерін билан бирға құшиб
ишлатиш мүмкін.

тез-тез қайтадан экиб турилса ва бирмунча паст температурада ўстирилса, донадор структурали нормал ҳужайраларни анча узоқ вақт сақлаб туриш мумкин.

Азотобактернинг физиологик хусусиятлари ҳам ҳар томонла-
ма текширилган.

Азотобактер ўзлаштира оладиган углерод манбаларини тек-
шириш, бу бактериянинг анча кенг доирадаги органик модда-
лардан фойдалана олишини кўрсатиб берди, ўша моддалар ора-
сида ҳар хил углеводлар, спиртлар ва асосан органик кислота-
лар муҳим аҳамиятга эга. Аэроб шароитда азотобактер юқорида
кўрсатилган бирикмаларнинг кўпиди, жумладан ароматик қа-
торнинг органик кислоталарида ҳам яхши ривожланади. Азото-



129- расм. *Azotobacter vinelandii*:


1 — таёқчасимон вегетатив ҳужайралари; 2 — 1- номерли штаммининг бутанол қўшилган сили-
кат гелда ривожланиши. Олтинчи кун. Цистага айланмасдан тўп-тўп бўлиб қолган ҳужайралари

бактер бензой кислотада яхши ўсишини, оксибензой кислотадан ҳам фойдалана олишини С. Н. Виноградский текширилари кур-
сатиб берди. Азотобактернинг ёвлар қаторига кирадиган кисло-
таларда (сирка ва мой кислоталарда) ва микроорганизмлар
таъсирида целлюлоза аэроб ҳамда анаэроб шароитда парчалан-
ганда доим ҳосил буладиган оксикислоталарда ўса олиши ай-
ниқса муҳим аҳамиятга эга. Унинг ўсиши учун углерод манба-
дан ташқари, фосфор, калий, кальций, олтингугурт, магний ва
бошқа бир қанча ишқорий элементлар манбалари керак. Айрим
микроэлементлар, хусусан молибден билан бор ҳам муҳим аҳа-
миятга эга.

Агар ўзлаштириш мумкин булган бириккан азот манбалари
бўлса, азотобактер шу манбалардан озиқланади, бундай манба-
лар бўлмаса, у атмосферадаги молекуляр азотдан фойдаланади.
Ана шу уникаль физиологик процесси ёритиб беришга бағиши-


лаб жуда күп ишлар қилинган эди, бироқ бу процесснинг тафсилотлари ҳозиргача унча аниқ эмас. Бу ўринда асосий қиинчилик шундаки, азот молекуласи жуда инерт бўлади. Унинг инертлиги молекуласида ҳар бири 57 кал га тўғри келадиган учта боғ билан узаро боғланган иккита азот атоми ($N=N$) борлигига боғлиқ. Бу боғларни бирор йўл билан узиш керак бўлади.

Бу масала эндигина текширилаётган вақтда, яъни молекуляр азот қандай шароитда сув билан реацияга кириша олиши ҳали номаълум бўлган пайтда, атмосфера азотининг гидроксамин ёки аммоний нитрит стадияси орқали гидролитик боғланиши тўғрисидаги гипотезалар анча кенг тарқалган эди:



Бироқ кейинчалик, молекуляр азот гидролизининг жуда қийин эканлиги ва бу газнинг муҳитдаги босими фоят юқори (1×10^{16} atm) бўлгандагина гидролизланган шаклда озигина миқдорда азот олиниши аниқлангандан кейин, азотобактер гидролитик йўл билан атмосфера азотини боғлай олмаслиги равшан бўлиб қолди. Албатта, бу масала устида кейин яна иш олиб борилганда (Блом, 1928), шу қийинчиликни четлаб утишга уриниш курилди: молекуляр азот гидролизида таркибида темир атоми бўлган каталитик агент иштирок этади, деб фараз қилинди. Бироқ бу уриниш ҳам беҳуда бўлиб чиқди.

Азотобактернинг молекуляр азот тўплаш химизми тўғрисидаги масалани ҳал қилишдаги иккича йўналиш шу процес давомида молекуляр азот актив водород ва аммиаккача қайтарилади, деган тахминга асосланган. Бундай тахмин азотобактер культураларида углерод манбаи ҳали турамасданоқ, бироз миқдорда аммиак топилишига қараб асослаб берилган эди. С. П. Костичев (1926) шунга асосланиб, бу микроорганизм азотини қўйидаги схемага мувофиқ тўплайди, деб фараз қилди:




Шунга уҳшаган схемани С. Н. Виноградский (1933) ҳам ишлаб чиқсан эди. Уларнинг асосий фарқи фақат шундан иборат эдики, Костичев фикрига кўра, азотобактер ҳужайрасидан ташқарида қайтарила олади, Виноградский фикрига кўра эса азот шу микроб тирик ҳужайраларининг протоплазмасида қайтарилиши мумкин. Бир-бирига жуда яқин турган бу гипотезалар хусусида қўйидаги эътиоразларни билдириш мумкин. Аввало, процесс юқорида айтилган йўл билан боргандা эди, аммиак бирламчи синтез процессида ҳосил бўлар эди; лекин кўпчилик авторларнинг кейинги текширишлари, аммиакнинг биринчи галда ҳосил бўлиши эҳтимолдан узоқ эканлигини кўрсатиб берди. Бундан ташқари, молекуляр азотининг аммиаккача қайтарилиши учун водороднинг активлиги этишмаслиги ҳам кейинчалик маълум бўлди. Азот молекулалари ҳам атомар ҳолга келгунча активлашган тақдирдана активлашган водород у билан узаро таъсир эта олган бўлар эди. Шунинг учун Виноградский азотобактер ҳужайраларида молекуляр азотни активлаштирадиган нитрогеназа ферменти бўлади, деб қўшимча тахмин ҳам қилди. Бироқ қўйидаги фактлар бу тахминнинг аксини кўрсатади: агар азотобактер ҳужайраларида ҳақиқатан ҳам нитрогеназа бўлганда эди, активлашган азот молекуляр водород билан ҳам реакцияга кириша олган бўлар

эди, ваҳоланки, жуда кучсиз концентрациялардаги молекуляр водород ҳам азотобактернинг азот тўплашини сусайтириб қўйиши аниқ кўрсатиб берилди. Шунинг учун молекуляр азотнинг нитрогеназа ферменти билан активлашуви хақидаги масала ҳам, худди азотобактер ҳужайраларида шу фермент бўлади, деган масала сингари, салбий маънода ҳал қилиниши керак. Мана шу маълумотларга таяниб, азотобактернинг молекуляр азотни қўйтариш йўли билан бириттириб олиб, азот тўпланишининг дастлабки маҳсулоти сифатида аммиак ҳосил қилишини ҳам етарлича асосланган деб ҳисоблаб бўлмайди.

Бу мураккаб масалани алоҳида йўллар билан ҳал қилиш керак. Шу йўллар азотобактер физиологияси устида авторлар томонидан неча йиллар мобайнида олиб борилган батафсил текширишларда маълум бўлиб қолди. Бу текширишлар давомида қўлга киритилган маълумотларга асосланиб, азотобактернинг молекуляр азот тўплаш химизми тўгрисида янги гипотеза яратилди, бу гипотеза ҳужайра протоплазмаси билан маҳкам бўғланган алоҳида фермент системаси иштироки билан амалга ошадиган оксидланиш-қайтарилиш процессига асосланга. Шунинг учун бу ферментни азотобактер ҳужайраларидан ажратиб олмасдан туриб, унинг химиявий табиатини аниқлаш алоҳида текшириш усусларини талаб этади. Шундай усул тариқасида авторлар бу ферментнинг структура группаларини тирик ва кўпаяётган азотобактер ҳужайраларида блокировка қилиш (функцияларини тўхтатиб қўйиш) усулидан фойдаланди. Блокировка қилувчи тегишли моддалар таъсирининг специфиллиги муайян микробнинг энергия берувчи моддадан нечоғли кўп фойдаланишига ва азот тўпланиши шиддатига ўша моддаларнинг қандай таъсир қилишига қараб аниқланди. Агар блокировка қилувчи муайян модда углерод манбаидан фойдаланиш тезлигига таъсир қилмай, азот тўпланишини кескин суратда сусайтирадиган булса, унинг сўнгги процессга таъсири специфик экан, деб айтиш ва азот тўпловчи фермент таркибида блокировка қилувчи мазкур модда билан бўғланадиган структура группа бор, деб хуласа чиқариш мумкин бўлади.

Аввал бу фермент таркибида карбоксил группа борлигини аниқлашга муваффақ бўлинди, чунки уни оғир металл тузлари билан блокировка қилиш осон эди. Тажрибалар азот тўпловчи фермент оғир металларнинг тузлари таъсирида кучли инактивлашувини ва бу ҳол азотнинг кам тўпланишига сабаб бўлишини кўрсатди. Енгил металл тузлари худди шундай концентрацияларининг таъсири текшириб кўрилганда эса азот тўпланиши ўзгармади. Шунга асосланиб, атмосфера азотини тўплашда карбоксил группа тўғридан-тўғри иштирок этмайди, деб хуласа чиқарилди. Кейинчалик амин группани (альдегидлар билан нитритларни) блокировка қилувчи моддалар ишлатилганда, азот тўпловчи ферментда бу группа ҳам борлиги аниқланди. Бироқ муҳитга бор ва молибден кислоталар қўшиш йўли билан олиб борилган тажрибалар азот тўпланишида амин группа ҳам бевосита иштирок этмаслигини кўрсатди, чунки блокировка қилувчи

моддалар азот тұпланиш процесини сусайтириш у ёқда турсин, балки, аксинча, жуда кучайтиради ҳам, ниҳоят азот тұпловчи фермент таркибіда әркін карбонат группа борлиги ҳам блокировка құлувчи тегишли моддалар (фенилгидразин, гидроксиаламин ва бошқалар) ёрдамида аниқланды. Мұхитта оз-оздан альдегидлар құшилғанда тұпланған азоттинг анчагина қисми субстратта йиғилиб борганидан, атмосфера азотини бириктіришда - карбонил группа бевосита иштироктади, деб холоса чиқарылды. Музлатылған азотобактер ҳужайралари устида олиб борилған кейинги тажрибалар мұхитта аскорбин кислота ва қисман оксидланғанда иккита карбонил группа ҳосил қиладын баъзи бир бошқа моддалар құшился, инактивлашған ҳужайралар атмосфера азотини яна зүр беріб тұплаша хусусияттың эга булишини күрсатып берди. Шунға асосланиб, азот тұплаш процессида азот тұпловчи фермент таркибига кирадын иккита карбонил группа иштирок этади ва процесс қуйидаги схемага мувофиқ боради, деб холоса чиқарылды:



Азот тұпловчи ферменттің химиявий структурасыдан реакцияда иштирок этадын карбонил группаларының бу схемада күрсатылған. Бироқ бу ферменттің таркиби жуда мураккаб бўлиб чиқди ва унда простетик группа (унинг таркибига 2 та карбонил группа киради) билан бир қаторда коллоид ташувчи ҳам бўлиб, унинг функциясини алоҳида оқсил бажаради. Простетик группа оксидланған бўлсагина, молекуляр азот билан ўзаро таъсир қиласы. Реакциянинг охирги даврида эса бу группа қайтарылған ҳолатга ўтади ва ўз активлигини йўқотади. Простетик группа азот тұплаш процессида яна иштирок эта олиши учун у ё активланған кислород ёки оксидловчи-қайтарувчи потенциали тегишли миқдорға етадын бирор бошқа оксидловчи таъсирида қайтадан оксидланиши керак. Простетик группа азот атомларининг қисман оксидланишига сабаб бўлганлигидан, азот тұпловчи ферментни нитрогеноксид азот атаси керак.

Процесс шу тариқа борганда азот молекуласининг активлашишига ташқаридан жуда кам энергия сарф бўлади. Кетокислоталарнинг гидразинли ҳосилалари эса кейин актив вўдород билан қайтарилиб, аминокислоталарга айланади, булар азотобактер ҳужайралари протоплазмасининг оқсилли моддалари синтезига сарф бўлади. Шунинг учун атмосфера азоти тўпланиши билан азотобактер ҳужайралари сонининг ортиши орасида бевосита боғланиш кўзга ташланади. Азотобактер гидразинларни ўзлаштира олади, деган маълумотлар, шунингдек тўпланган азот билан фойдаланиладиган энергия берувчи моддадаги химиявий энергия запаси ўртасида миқдорий боғланишлар борлиги атмосфера азотининг шу йўл билан тўпланишини қўшимча равишда тасдиқлади (ҳар 1 ккал химиявий энергия запаси ҳисобига 2 мг га яқин атмосфера азоти тўпланади). Шуниси ҳам борки, бу боғланиш нафас олиш билан азот тўпланишининг бир-бирига алоқадор эканлигидан далолат беради ва бу процессларнинг ўзаро боғланганигини кўрсатади. Ниҳоят, бу схема молекуляр водород (у карбонил группани қайтаради), карбон (II) оксид (карбонил группани бириктиради), юза актив моддалар (булар адсорбилинган азот молекуласини коллоид ташувчи юзасидан сиқиб чиқаради) нима сабабдан азот тўпланишига ёмон таъсир кўрсатишини ва сунгги вақтгача номаълум булиб кёлган бошқа купгина фактларни осон тушунириб беради. Бу муҳим физиологик процессининг химизми, афтидан, ана шундай.

Азотобактер культураларида тўпланадиган азот миқдори 1 г оксидланган глюкоза ҳисобига 9 мг дан 18 ва ҳатто 20 мг гача бўлади. Муҳитда бор ва молибден кислоталар бўлганда азот тўпланиши жуда тезлашади, чунки бу кислоталар азот тўпловчи ферментдаги простетик группанинг оксидлаш активлигини кучайтиради. Азотобактернинг табиатда кенг тарқалганилиги ва азот тўплаш активлигининг анча юқори эканлиги, умуман табиатда ва хусусан қишлоқ ҳўжалигига бу бактериянинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.


3. CLOSTRIDIUM PASTEURIANUM НИНГ МОЛЕКУЛЯР АЗОТ ТЎПЛАШИ

Азотобактердан ташқари, бошқа баъзи тупроқ бактериялари ҳам атмосфера азотини тўплай олади. Булардан *Clostr. Pasteurianum* энг катта аҳамиятга эга, унинг соф культурасини С. Н. Виноградский 1893 йилда ажратиб олган эди. Молекуляр азот тўплаш процессини биринчи бор ўрганиш учун ўша культура дастлабки обьект булиб хизмат қилди. Бу бактерияни ажратиб олиш учун Виноградский таркибида азотли бирикмалар бўлмайдиган озиқ муҳитидан фойдаланиб, электив культура усулини қўллади. Шундай муҳитга озгина тупроқ солингандан, муҳитда мой кислотали бижфиш амалга ошган, шунда Виноградский пастеризация қилиш ва қайта экиш йули билан учта бактерияни ажратиб олишга муваффақ бўлди. Уларнинг

иккитаси оддий аэроб сапрофитлар, учинчиси эса молекуляр азотни бириктира оладиган мой кислота ҳосил құлувчи бактерия булиб чиқди. Худди шу бактерия *Clostr. Pasteurianum* деб аталған.

Бу бактерия облигат анаэроблар жумласига киради ва мутлақо кислород бұлмаганда ривожлана олади. У атмосфера азоти билан озиқланғани учун, ҳавога мұхтож ва шу билан бир вақтда кислороднинг зақарлы таъсиридан сақланиши зарур бўлганидан табиий шароитда бошқа сапрофит бактериялар билан симбиоз ҳолда ривожланади. Ўша бактериялар мұхитдан кислородни ютиб, *Clostr. Pasteurianum* спораларининг униб чиқиши учун шароит туғдиради. Споралар униб, бактерия молекуляр азотни ассимиляция қила бошлагандан кейин (ва қисман мұхитни азот билан бойита бошлагандан кейин) мұайян мұхитдаги бошқа бактерияларнинг ривожланиши учун ҳам яхши шароит туғилади.

Clostr. Pasteurianum спора ҳосил құлувчи микроорганизмдир. Вегетатив ривожланиш даврида ҳужайраларининг шакли таёқчасимон, споралар ҳосил қылгандан кейин эса дуксисимон бўлади (130-расм). Етилган спораси учлари бирмунча юмалоқлашган учбурчак күринишидаги ликилдоқ капсула билан ўралган. Бу капсула микроорганизмнинг характерли хусусиятидир.



130- расм. *Clostridium Pasteurianum*:

1 — таёқчасимон ҳужайралари күп бўлган ёш культураси; 2 — спора ҳосил қилиш стадияси, дуксисимон ҳужайралари бор (1000 марта катталаштириб кўрсатилган)

Бу бактерия баъзи шароитда үстирилганда ҳар хил инволюцион формалар ҳосил қиласиди. Ёш ҳужайралари протоплазмаси гомоген бўлади ва йод таъсирида сариқ рангга бўялади. Спора ҳосил қилишдан олдин унда гликоген билан гранулёза пайдо бўлади. Шунинг учун ҳужайралари қизайл-қунғир ёки бинафша ва тўқ кўк рангга бўяла бошлайди. Уларнинг шу тариқа ранг олиши аввал алоҳида доначаларга боғлиқ бўлади, кейин эса, спор-

роген модда туралын учкى қисмнин ҳисобга олмаганда, бу ранг протоплазма бүйлаб тарқалади.

Clostr. Pasteurianum молекуляр азотни биритириши учун мой кислотали бижгиш энергия манбай булиб хизмат қиласы. Бижиган ҳар бир грамм шакар ҳисобига бу бактерия 2 мг дан 3 мг гача молекуляр азотни узлаштиради. Бироқ субстратда азот кам бүлгән ҳолдагина бу процесс амалга ошади. Бактерия аммиаклы тузлар билан мүл-күл озиқланадиган бүлса, мутлақо азот узлаштирамайди.

Бу бактериянинг атмосфера азотини биритириш химизми туғрисида маълумотлар жуда кам. Виноградский оралиқ маҳсулот сифатида аммиак ҳосил булади, деб тахмин қилган эди, бироқ у реакциянинг шу тариқа боришини кўрсатадиган бевосита далиллар келтиргани йўқ. *Clostr. Pasteurianum* билан азотобактернинг боғланган азотнинг ҳар хил манбаларига, шунингдек молекуляр азот тўпланишини сусайтирадиган турли моддаларга бир хил муносабатда бўлишини кўрсатадиган маълумотларни автор сўнгги вақтлардагина қўлга киритган. Шунга асосланиб, ўша бактерияларнинг молекуляр азотни биритириш химизми бир хил бўлади, лекин бу бактерияда кўриладиган облигат анаэробиозис мазкур процесснинг қандай боришини аниқлашни жуда қийинлаштириб қўяди, деб тахмин қилинган. Азот тупловчи ферментдаги простетик группанинг оксидланган ҳолатга қай тариқа ўтишини аниқлаш айниқса қийин, бу группа оксидланган ҳолатга ўтгандагина атмосфера азотини биритиришда иштирок эта олади. Бу масалани ҳал қилиш учун яна катта қўшимча ишлар олиб бориш талаб этилади.

Clostr. Pasteurianum ҳам анча муҳим функцияни бажаради. Бу тўғрида лоақал шунга қараб фикр юргизиш мумкинки, рўйрост азот тўплайдиган тупроқларнинг кўпиди азотобактер бўлмайди. Бундай тупроқларда шу процесснинг клостридиум ёки атмосфера азотини тупловчи, лекин ҳозирча бизга номаълум бўлган бошқа микроблар ҳаёт фаолияти туфайли амалга ошиши ҳақиқатга жуда яқин.

4. БОШҚА ТУПРОҚ БАКТЕРИЯЛАРИНИНГ МОЛЕКУЛЯР АЗОТНИ БИРИКТИРИШИ

Молекуляр азотини бошқа тупроқ бактериялари ҳам (гарчи уларнинг азот тўплаш активлиги унча кучли бўлмаса-да) биритириши мумкин. Улар орасида *Azototomus insolita* жуда диққатга сазовордир. Бу бактерия шаклан $0,6 - 1,2 \mu \times 0,6 - 1,8 \mu$ келадиган кичик таёқчадан иборат. Таёқчаларнинг жатвалиги озик муҳитининг таркибига ва культура шароитига қараб узгариб туради. Бу бактерия углерод манбай ўрнида кўпгина углеводлардан (гексозалар, пентозалар, дисахаридлар ва баъзи полисахаридлардан), шунингдек глюкозидлардан, органик кислоталар ва спиртлардан фойдаланади. Азотнинг боғланган формаларига нисбатан жуда специфик муносабатда булади ва pH=4,5 дан 8,8 гача бўлганда яхши үсади. Бу бактериянинг азот тўплаш активлиги сарфланган ҳар 1 г глюкоза ҳисобига 10—12 мг

та етади. Мұхитга молибден құшилғанда азот түпланиши сезиларлы даражада кучаяди.

Azotomonas fluorescens ни Н. А. Красильников тупроқ микрофлорасы таркибидан ажратып олған (131- расм). Бунинг ҳужайралари ҳам шаклан тәек-часимон бўлиб, катталиги $0,6-0,8 \times 2-5 \mu$ келади. Таркибида бөгланған азот бўлган минерал мұхитларда ҳам, бундай азот бўлмаган минерал мұхитларда ҳам яхши ўсади. Мұхитни оч яшил рангга буяйди. Углерод манбаи ўрнида шакарлар, спиртлар ва органик кислоталардан фойдалана олади. Азотсиз мұхитларда сарфланған ҳар 1 г глюкоза ҳисобига 5—10 мг атмосфера азоти туплайди.



131- расм. *Azotomonas fluorescens*:

1 — ёш культураси; 2 — ўша культурунинг уч күндөн кейинги күрениши (1500 марта катталаштириб кўрсатилган)

Бошқа бир қанча тупроқ бактериялари ва актиномицетлар ҳам атмосфера азотини түплай олади, бироқ бўларнинг шу хусусияти жуда суст ифодаланган бўлади. Улар жуда кам (1 г сарфланған шакар ҳисобига 1—2 мг) азот түплайди. Бироқ бўлар ҳам тупроқнинг азот балансига катта таъсир кўрсатиши мумкин, чунки улар хилма-хил тупроқларда кўп учрайди. Автор Т. Калининская билан биргаликда битта микобактерияни ажратып олишга муваффақ бўлди. Бу микобактерия аралаш культураларда ўсгандаги сарфланған 1 г шакар ҳисобига 10—12 мг атмосфера азоти түплайди.

5. ТУПРОҚ ЗАМБУРУГЛАРИ ВА СУВ ЎТЛАРИНИНГ АТМОСФЕРА АЗОТИНИ ҮЗЛАШТИРИШИ

Атмосфера азотини бириктириш процессларида тупроқ замбуруғларининг иштирок этиши ҳали кам текширилгат, лекин уларнинг баъзилари хусусида бирмунча аниқ маълумотлар ҳам бор. Масалан, *Phoma* нинг баъзи турларида, шунингдек тупроқларда (acosan ўрмон тупроқларида) доим учрайдиган ва уларда азот тўпловчи вазифасини бажарадиган *Macrosporium. Cladosporium* ҳамда бошқа баъзи замбуруғларда бу хусусият бирмунча сезиларли бўлади.

Айрим сув ўтлари ҳам тупроқнинг азот билан бойишида мұхим аҳамиятга эга. Масалан, ҳайдалган далалар тупроғи сув ўтларининг яшил губори билан қопланадиган йилларда ҳосилининг әнча юқори булишини сезган қишлоқ ҳўжалиги мутахассисларининг кузатишлари шундан далолат беради. Бироқ бу кузатишлар ҳосилининг ошишида сув ўтларининг қандай аҳамиятийи борлигини аниқ белгилаш имконини бермайди. Бу масалани ҳал қилиш учун ўша организмларнинг соғ культуралари билан тажрибалар қилиб куриш

зарур бўлди. Бундай тажрибаларни П. С. Коссович ўтказган, бироқ улар салбий натижалар берди ва яшил сув ўтларининг молекуляр азотни асимиляция қила олиши ҳақидаги масала салбий ҳал қилинган. Бироқ кейинги текширишлар яна ижобий натижалар берди ва шу масала қайтадан қараб чиқиши ҳамда аниқлаш учун яна ўртага қўйилди. Маълумотларнинг бу тарижка хилма-хиллиги шунга боғлиқки, тажрибалар учун ўша организмларнинг жуда тоза культураларини олиш керак, чунки сув ўтлари ҳужайраларини ўраб турадиган лиқилдоқ қаватда азотобактер сингари азот тўпловчи микроорганизмлар бўлиши мумкин. Шу қаватда азотобактернинг ривожланишини ҳамда молекуляр азот тўплашини таъминлаб бера оладиган манинг, пентозалар, гликоген ва бошқа азотсиз бирикмалар диффузияланиб ўтади. Ана шуларнинг ҳаммаси сув ўтларининг азот тўплаш активлиги ҳақидаги масалани ҳал қилишни қўйинлаштириб қўяди. Бироқ замонавий текшириш усуллари, хусусан тажрибаларда оғир азот (N^{15}) дан фойдаланиш, бир қанча кўк-яшил сув ўтлари (*Nostoc muscorum* ва бошқалар) нинг соғ культурада ҳам ҳақиқатда атмосфера азотини тўплашини жуда аниқ қилиб белгилаш имконини берди. Булар тўплайдиган молекуляр азот миқдори кам бўлса-да, лекин умуман табиатда ва хусусан тупроқда муайян аҳамиятга эга.

6. АЗОТОБАКТЕРНИНГ БАКТЕРИАЛ ЎҒИТ — АЗОТОБАКТЕРИН СИФАТИДА ИШЛАТИЛИШИ

АЗОТОБАКТЕРДАН ЎҒИТЛОВЧИ БАКТЕРИАЛ Препарат сифатида фойдаланиш борасида дастлаб 1912 йилда уриниб кўрилган. Бироқ шу соҳада кенг текширишлар фақат 1926 йилдан бошланди. Ўша вақтда С. П. Костичев Қримнинг ёлғиз тамаки экиладиган Жанубий соҳилидаги тупроқларнинг азот баланси тўғрисидаги назариясини майдонга ташлаган эди. С. П. Костичев шу тупроқлардаги микроорганизмлар ҳаёт фаолияти туфайли талайгина бириккан азот қўшилиб туришини аниқлади ва буни азотобактер фаолиятининг натижаси деб ўйлади. Шунга асосланниб, бу микроорганизмни сунъий йўл билан тупроққа солиш ва тупроқда унинг ривожланиши учун қулай шароит яратишга қарор қилинди. Шу қарор ерга ўғит қилиб солинадиган, «азотобактерин» деб аталадиган бактериал препаратнинг ишлаб чиқарилишига ҳам сабаб бўлди. Аввал азотобактериннинг торфли препарати тайёрланди, кейин унинг тупроқли препарати, гелли препарати ва, ниҳоят, агарли препарати таклиф этилди. Бу препаратларнинг ҳар қайсисида азотобактернинг яшашга қодир булган ҳужайраларидан муайян миқдорда бўлиши керак, экинлар (фалла, илдизмева ва тугунакмевалар, сабзавотлар ва бошқалар) уруғига шу ҳужайралар юқтирилади. Ҳозирги вақтда азотобактерин бактериал ўғит заводларида кўплаб тайёрланади ва қишлоқ ҳужалиги ишлаб чиқаришида анча кенг кулемда ишлатилади. Уни ишлатиш усули анча оддий. Экишга мўлжалланган уруғлар қуёшдан пана қилинган жойда тоза ерга тўкилади ва 1 кг уруққа $\frac{1}{4}$ стакан сув ҳисобида намланади ҳамда ҳар бир уруғ порциясига юқтириш учун мулжалланган азотобактерин билан обдан аралаштирилади. Уруғлар аралаштирилгандан кейин сеялкага жойланади ва экилади, та-

шиш вақтида уларни офтобдан пана қилиш керак. Азотобактерин картошкага юқтириладиган бұлса, уруғлик картошка сув билан намланади, кейин азотобактериннинг 1 гектарга мүлжалланган порцияси анчагина дала тупроғи билан аралаштирилади ва бу аралашма бир гектарга әкіладиган уруғлик картошкага сепилади.

Азотобактерин юқтириш натижасыда ҳосилнинг ошиши тез узгаради, лекин баъзан 10% га етади ва, ҳатто, бундан ҳам анча ортиқ булади. Азотобактеринни ишлатишда тупроқда ва бактерия юқтирилаётган үсимликлар ризосферасыда азотобактернинг ривожланиши учун қулай шароит булиши муҳимдир.

Азотобактерин арzonлиги, уни тайёрлаш осон ва ишлатиш қулай бұлғанлиги туфайли құшимча агротехника тадбири сиғатида маълум диққатга сазовордир.

Бу препаратда бошланғич таъсир күрсатувчи модда хилманилдік ташқи муҳит таъсирларига дуч келадиган тирик организм бұлғанлигидан, азотобактернинг фойдали хоссалари имкони борича тұлароқ намоён булиши учун әңг қулай шароитни қандай қылиб вужудга келтириш мүмкін, деган асосий савол туғилади. Бириңчи шарт — азотобактерни ҳам, униб чиқаётган экинни ҳам минерал үғит билан баравар таъминлаб туришдан иборат. Бир қанча авторларнинг текширишларидан маълум бұлғандек, азотобактериннинг фойдаси минерал үғитлар дозасига жуда боғлиқ булади. Фосфор айниқса муҳимдир. Тупроқда фосфорли бирикмалар етарли миқдорда бұлмаса, азотобактерин күтилган натижани бермайди, баъзан эса ҳосилни камайтириб юборади ҳам.

Бу ҳодиса шунга боғлиқки, солинган азотобактер үсимликлар илдизида ривожланади ва фосфор билан озиқланишда үсимлик рақиби булиб қолади. Азотобактер фосфат кислотаны биологик йүл билан мустаҳкамлайди ва үсимликни фосфорли озиқдан қысман маҳрум қиласы. Тамомила табиийки, бундай шароитда үсимлик анча кам ҳосил беради. Тупроқ шароити, хусусан тупроқнинг актив реакцияси ҳам муҳим ажамиятта эга. Бир қанча маълумотларга күра, тупроқ кислоталилыгини унда азотобактернинг тарқалиши ва яшаб кетишини чеклаб құядиган әңг муҳим факторлардан бири, деб ҳисоблаш керак. Е. Н. Мишустин ва М. И. Семёнович, масалан, тупроқнинг кислоталилыги азотобактерни инактивация қилишини күрсатып беришга муваффақ бұлдылар. Азотобактернинг актив группачаси кислоталилык хоссаларига эга бұлған тупроққа (тузнинг водород күрсаткичи 4—5 га яқын бұлған тупроққа) солинса, бирмунча қисқа вақтдан кейин у активмас ҳолатга үтиб, оддий кремнийли пластинкаларда үсмай құяды. Активмас азотобактер қультураси молекуляр азот түпласш хусусиятининг жуда пасайиб кетгандылық билан таърифланади ва тупроқда боғланған азот бирикмалари бұлғандагина ривожлана олади.

Бошқа тадқиқотчилар (М. В. Фёдоров, Г. Ф. Блинков) ҳам худди шундай маълумотларни қўлга киритган. Улар азотобактер боғланган азот билан озиқланганда атмосфера азоти билан озиқлангандагига кўра бирмунча кенг pH доираларида ривожланишини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Муҳитнинг водород кўрсаткичи (pH) 6 дан паст бўлганда, азотобактер фақат боғланган азот ҳисобига ўсади.

Тупроқнинг кислоталилигидан ташқари, бошқа шароити ҳам катта аҳамиятга эга. Мишустин билан Семёнович илмий асарида Сума тажриба станциясининг қора тупроқли қўриқ ерларида азотобактер йўқлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бу тупроқлар реакцияси азотобактернинг ривожланиши учун жуда қулай бўлса-да, қўриқ ерлар тупроғида азотобактерни топиб бўлмайди. Аммо экин экилган қўшни майдонларда азотобактер ҳаддан ташқари кўп бўлади. Азотобактер ўғитланган ерларда ҳам, ўғитланмаган ерларда ҳам бир хилда яхши ўсавергандан, унинг қўриқ ерлар тупроғида бўлмаслиги тупроқ реакциясига ҳам, унда озиқ моддаларнинг етишмаслигига ҳам боғлиқ эмас. Чамаси, тупроқнинг физик хусусиятлари, хусусан кислород билан етарлича таъминланиб турмаслиги мазкур ҳолда тормозловчи фактор бўлади. Юқорида номлари айтилган авторларнинг Носов тажриба станциясида структурасиз тупроқларда азотобактер тарқалганлиги устидаги кузатишлари ҳам бу фикрнинг тўғрилигини исботлаши мумкин. Бу тупроқларга гўнг ва минерал ўғитлар мўл қилиб солинганда ҳам азотобактер ҳосил бўлмайди. Бундан, азотобактеридан фойдаланилганда, тупроқнинг физик хоссаларини ҳам ҳисобга олиш керак, деган холоса чиқади. Органик ўғитлар, хусусан гўнг ҳам, тупроқда азотобактернинг ривожланишига жуда яхши таъсир кўрсатади. Азотобактернинг намга талабчан эканлигини ва тупроқда нам кам бўлганда ривожланмай қолишини ҳам айтиб ўтиш керак. Азотобактернинг таъсири препарат тайёрлаш учун қандай штаммлар ишлатилганига ҳам боғлиқ. Қора тупроқмас зона Деҳқончилик институтининг тажрибаларига кўра, штаммларни, улар қандай манбалардан ажратиб олинганинги назарда тутмасдан, нотўғри танлаш, препаратнинг етарлича натижা бермаслигига сабаб бўлади. Мазкур хўжаликнинг тупроқ-иқлим шароити азотобактер культураси дастлаб ажратиб олинган район шароитига нечоғли яқин бўлса, препаратнинг таъсири шу қадар кўп бўлади. Бироқ бу ўринда ҳам фақат азотобактернинг қандай манбадан олинганига асосланиш ярамайди; атмосфера азотини актив равиша тўплай оладиган штаммни танлаш зарур. Муҳитга юқтириш учун ишлатиладиган азотобактер штаммлари кучли азот тўплаш хусусиятига эга бўлган тақдирдагина юқори ҳосил олиш мумкин. Штамм ажратиб олинган район шарсити шу штамм ишлатиладиган район шароитига шунчаки тўғри келиб қолар, деб умид қилиш ярамайди.

Азотобактернинг экинлар ризосферасида яшаб кетиши учун биологик факторлар, хусусан унинг ризосфера бактериялари билан ўзаро муносабати ҳам катта аҳамиятга эга. Бир қанча экинлар ризосферасида специфик бактериялар азотобактернинг ривожланишига тұсқынлик қиласы. Бундай ҳодиса ризосфера бактерияларининг үсимликлар илдизидан ажралиб чиқадиган моддалардан тез фойдаланишига ва, бундан ташқари, азотобактернинг ривожланишига тұсқынлик қиласынан үз ҳаёт фаолияти маҳсулотларини атрофдаги мұхитта ажратып чиқаришига боғлиқ.

Мана шуларнинг ҳаммаси ерга солинадиган азотобактернинг мұраккаб вазиятта дуч келишидан ва хилма-хил факторлар унинг ривожланишига ҳамда яшаб кетишига тәсір күрсатылғандалолат беради. Тупроқда шу микроорганизм үзлаштира оладиган углерод манбалари бұлган тақдирда, лоақал бириңчи 2—3 ой мобайнида, унинг зұр бериб ривожланишига имкон туғилади.

Шунинг учун қулай агротехника фони яратылған үсимликларнинг илдизидан ажралиб чиқадиган моддалар азотобактернинг ризосферада ривожланиши учун етарли бұлади, деган фикр билан чекланиб қолмасдан, бириңчи галда үша факторни ҳисобға олиш керак.

Азотобактернинг тупроқда яшаб кетишини текшириш билан бир қаторда азот тұплаш активлигини текширишда ҳам уни углеродли озиқ билан таъминлаш мұхим эканлиги маълум бўлади. Азотобактер тупроқта тушгандан кейин маълум вақт үтгач, азот тұплаш активлиги аниқланадиган бўлса, у сезиларли дара жада пасайиб кетганлиги маълум бўлади. Органик ўғитлар билан ўғитланмаган ерда активликнинг шу тариқа пасайиши яна да сезиларли бўлади.

Азотобактернинг азот тұплаш активлиги учун тупроқ углерод манбалари билан таъминланған бўлиши мұхимлигини авторларнинг тупроққа органик ўғитлар билан бирга азотобактер соилиб үтказған тажрибалари күрсатып берди, үша тажрибаларнинг натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Органик ўғит тажрибанинг бириңчи йилида ҳосилни камайтирганда әди, олинган натижә тамомила қониқарлы бўлар әди. Бироқ бу ҳолда ҳосил шу қадар камайиб кетадики, амалий шароитда бунга чида бўлмайди ва туғилған қийинчиликларни йүқотиши йўлни ахтариш керак булади. Бу үринде иккى имконият бўлиши мумкин: 1) далани органик ўғит солинган ҳолича ҳайдаб қўйиш; 2) шундай майдонга тупроқдаги ҳаракатчан азотга унча боғлиқ бўлмаган экинлар экиш. Дуккакли экинлар шундай хоссаларга эга. Шунинг учун дуккакли экинлар экилганда, бириңчи йили ҳосил камаймайди, кейинги йиллар эса анча кўпаяди. Азотобактердан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида рационал фойдаланиш проблемасини ҳал қилиш йўлини ана шундан қидириш керак. Ўз-ўзидан равшанки, азот тұп-

булганлигидан (М. Воронин), тугунак бактериялари азот түп-лай олади, деб хулоса чиқарыш мұқаррар булиб қолди. Бу ху-лоса дуккакли үсимликларнинг азот билан озиқланишини билиб олиш учун мұхим ақамиятга эга бўлди.

Дуккакли үсимликлар тугунагидаги бактерияларни Бейеринк (1888) соф культура ҳолида ажратиб олди ва олдин *Bac. radicicola* деб, кейин эса *Bact. radicola* деб атади (синоними *Rhizobium*). Шу бактерияларни ажратиб олиш учун у нўхат баргларининг аспарагин (0,25%) ва желатина (7%) қўшилган қайнатмасидан тайёрланган мұхитдан фойдаланди. Шу мұхитда йўғонлиги 1 μ ва узунлиги 4—5 μ келадиган таёқчалардан иборат колониялар ҳосил бўлган. Уларнинг баъзилари шохланганга ўхшар эди. Колонияларда булар билан бир қаторда узунлиги 0,9 μ ва йўғонлиги 0,2 μ келадиган майдаган таёқчалар ҳам учрар эди.


Тугунак бактериялари муайян ривожланиш циклини бошидан кечириши кейинги текширишларда аниқланди. Ёш тугунакларда бу бактериялар спора ҳосил қилмайдиган майдаганда ҳаракатчан таёқчалар кўринишида бўлади (132-расм.). Тугунак ривожланган сайн улар хивчинларини йўқотиб, ҳаракатланмайдиган ҳолатга ўтади ва уларда вакуолалар пайдо бўлади. Натижада улар белбоғли таёқчалар кўринишига киради; бундай таёқчалар тўғри ва шохланган бўлади. Шохланган формалари бактероидлар деб аталади ва кўпинча тугунак кесмаси микроскопда қаралганда кўринади. Улар сунъий культуралиарга шакарлар ва оз миқдорда органик кислоталар қўшилганда тез ҳосил бўлади. Фосфатлар қўшилганда эса ҳаракатчан формалари тез ҳосил бўлади. Бактероидлар коккларга ажралиши мумкин, булар ўз навбатида ҳаракатчан таёқчаларга айланади. Шунинг учун, бактероидлар бактерияларнинг шакли ўзгарган формалари, деб қарашдан воз кечиш керак. Бу бактерияларнинг шохланган формаси ўсиш формаларидан бири бўлиб, ҳеч қандай патологик хусусиятга эга эмас (133-расм.).

Тугунак бактерияларининг қўйидаги вакиллари энг мұхим ҳисобланади.

Rhizobium trifolii себарга илдизларида тугунаклар ҳосил қиласиди. Агардаги колониялари шилимшиқ бўлиб, юзага ёйилиб кетади. Ҳужайралари 0,6 $\mu \times 2$ —3 μ катталика, ҳаракатчан ва қишиқ бўлади (134-расм.). Шакарларда ривожланганда органик кислоталар ҳосил қиласиди. Себарга тугунак бактерияларининг ҳар хил штаммлари турпроқларда кенг тарқалган.

Rhizobium japonicum соя илдизларида тугунаклар ҳосил қиласиди. Ҳужайралари ҳаракатчан бўлиб, битта хивчини бор. Декарли шакли ўзгарган формалар ҳосил қилмайди.

Rhizobium phaseoli (135-расм) ловия илдизларида тугунаклар ҳосил қиласиди. Кўпгина мұхитларда яхши ўсади, лекин



132- расм. *Bacterium (Rhizobium) radicicola*. Ривожланиш цикли (схема)



133- расм. Бактерондларнинг ҳар хил тили (схема)

гүшт-пептонли агарда ўсганда кўпчиган, шакли ўзгарган тағина формалар юзага келтиради. Дуккакли агарда ва синтет мұхитларда колониялари жуда ўсиб кетади.

Rhizobium meliloti беда ва қашқарбеда илдизларида түг наклар ҳосил қилади. Қаттиқ синтетик мұхитларда силдік оқ ёки кул ранг-оқ колониялар юзага келтиради, булар өз



134-расм. *Rhizobium trifoli*. Шохланыб кетган инволюцион ҳужайралари (800 марта катталаштыриб күрсатилган)



135-расм. *Rhizobium phaseoli*. Учлә юмалоқлашган калта таёқчалары

мұхитида бир текис тармоқланади. Қам шилимшиқ қилади ёки бутунлай ҳосил қилмайди. Ҳужайралари ҳаракатч бўлиб, катталиги $0,6-0,7 \mu \times 1-2 \mu$ келади. Шакли ўзгар формалари бўлмайди (136-расм). Бошқа тугунак бактерия ридан фарқ қилиб, гүшт-пептонли агарда яхши ривожланади

Rhizobium leguminosarum нўхат, хушбўй нўхат, ёввойи хат, бурчоқ ва нут илдизларида тугунаклар ҳосил қила Дуккакли агарда яхши ривожланади ва юзага ёйилиб диган шилимшиқ колониялар беради. Гўшт-пептонли агарда азотсиз синтетик мұхитда ё ўсмайди, ёки жуда суст ўсади. жайралари ҳаракатчан бўлиб, учларида жойлашган хивчлари бор, катталиги $0,7 \mu \times 2,5 \mu$ келади (137-расм).

Rhizobium lupini люпин илдизларида тугунаклар қилади. Азотсиз мұхитда анча суст ўсади, гўшт-пепто агарда эса мутлақо ўсмайди. Колониялари пастасимон к системенцияли бўлади. Ҳужайралари ҳаракатчан бўлиб, учрида жойлашган хивчинлари бор, катталиги $0,6 \mu \times 5-7 \mu$ ке ди (138-расм). Деярли шакли ўзгарган формалар ҳосил қмайди.

Тугунак бактериялари тупроқдаги бошқа микрооргани ларга қарши ўлароқ, асосан дуккакли ўсимликлар ўсади жойларда учрайди. Бироқ уларнинг макони тугунаклар бил

гина чекланмайды, улар тупроқда мустақил ҳолда ҳам яшashi мумкин. Күп йиллар давомида дүккакли экинлар экилмаган ерлар тупроғидан ҳам бир қанча ҳолларда түгунак бактерияларининг анча актив группачаларини ажратиб олишга мұваффақ бўлинган.



136-расм. *Rhizobium meliloti*. Вакуолалари бор шохсимон ҳужай-ралари (бактероидлар)



137-расм. *Rhizobium leguminosarum*. Шохланиб кетган чўзиқ ҳужайралари



138-расм. *Rhizobium lupini*

Тупроқда түгунак бактериялари узоқ вақт сақланиб қолиши билан бир қаторда, қулай шароит бўлганда ва бошқа рақиблар бартараф этилганда анча тез ривожланиши ҳам мумкин. Шунинг учун стерилланган тупроққа бу бактериялар юқтирилганда, 7—15 кундан кейин оқ ҳар грамм тупроқдан неча юз миллиоплаб бактерия топиш мүмкин бўлади.


Бироқ стерилланган тупроқлар устида олиб борилган текшириш натижаларини стерилланмаган тупроқлардагы тугунак бактерияларининг ҳаёт фаолиятига тұла-тұқис тадбиқ этиш ярамайды. Құпгина күзатышлар шуни күрсатады, бир томондан, *Bact. coli* билан *Bac. mesentericus* үртасида, иккінчи томондан, тугунак бактериялари үртасида расмана антагонизм бор. Бу ҳол уларнинг стерилланмаган тупроқларда ривожланишида жиддий ақамиятта эга.

Тугунак бактериялари тупроқда ҳаракатчан таекчалар ва бактероидлар стадиясида ривожланады. Тупроқ нағлиги, температураси ва зичлиги қулай бұлғанда, бу бактериялардың ҳаракатчан формалари 24 соатда 2,5 см га яқын тезлик билан силжий олады.

Тугунак бактерияларининг дүккакли үсимликлар илдизига кириш усулини бир қанча тадқиқотчилар үрганғандар. Улар бу бактериялар күпинча илдиз туклары орқали илдизгі киришини күрсатып бердилар. Афтидан, дүккакли үсимликларнинг илдизидан ажралиб чиқадиган моддалар бу бактерияларға хемотаксис йўли билан таъсир этади ва уларни илдиз системасига жалб қиласади. Хемотаксис йўли билан юзага чиқадиган бу таъсирни баъзи тадқиқотчилар эрийдиган углеводларга боғлиқ деб ҳисобласалар, бошқалари илдиздан чиқадиган кислоталарға (олма кислотага) боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Тажрибалар қумли культураларда олиб борилғанда, дүккакли үсимликлар илдизидан чиқадиган моддалардан ташқари, глюкоза ёки кам дозада қүшилған азотли моддалар ҳам тугунакларнинг ҳосил булишини тезләтишини сезиш мүмкін. Авторнинг күзатышларига кўра, аспарагин кислота, аспарагин, сули сомони экстракти ва глюкоза ҳам тугунаклар ҳосил булишини тезлаштиради. Тугунакларнинг ривожланишига тупроқ аэрацияси ҳам күттап таъсир күрсатади. Аэрация ёмон бұлғанда, тугунаклар сүт ривожланади ва үсимлик яхши үсмайды. Илдизлар ҳаво билан яхши таъминланиб турганда эса қумли культуралар шароитида ҳам, сувли культуралар шароитида ҳам тугунаклар зўр бериб ривожланади.

Бактериялар аввал илдиз тукига, унинг энг учига ёпишиб олади ва тез кўпайиб, шу билан бирга ҳужайра деворини юмшатып боради, илдиз тукининг учига яқын жойидан үралишиб қолиши, аслида, шундан далолат беради. Ҳужайра деворининг бактерияларга тақалиб турган жойи улар таъсирида эриб кетиши ҳам мүмкін. Бироқ бу түғрида ҳали аниқ маълумотлар йўқ. Бактериялар илдиз туки ичига кирғандан кейин тұпнаниб, инфекцион ип деб аталадиган юмшоқ ип ҳосил қиласади (139-расм), бу ип ҳужайра девори орқали илдизнинг ичига киради. Илдизнинг шу жойига тақалиб турган ҳужайралар ип аввал тез кўпайиб, жуда кўп майда ҳужайралар ҳосил қиласади, дастлабки тугунак худди шу ҳужайралардан иборат бўлади. Бу майда

ұужайралар ичига бактериялар киргандан кейин, улар булинишдан тұхтайди ва жуда йириклаша бошлайды. Фақат илдизнинг баъзи жойларидаги ұужайраларгина инфекциясиз қолади ва бўлинишда давом этади. Натижада тугунак чўзилиб кетади. Бактероид тўқима ҳосил бўлгандан кейин тугунаклар ичига марказий цилиндр перикамбийсидан тола-томирлар тутами кира



139- расм.

1 — инфекцион ип бор дуккакли ўсимлик илдизининг ұужайралари; 2 — тугунак бактерияларининг илдиз түкчаси орқали дуккакли ўсимлик илдизига утиши

бошлайди. Кейин тугунакка ксилема билан флоэманинг шохчалари киради. Ксилема шохчалари тугунак пардаси ёнига, флоэма шохчалари эса бактероид тўқима ёнига жойлашади; томир тутамлари тугунак ичидаги тармоқланади.

Тугунакларнинг ривожланиш тарихига асосланиб, улар уч йўл билан ҳосил бўлади, деб ҳисоблаш мумкин.

1. Бактериялар меристема ұужайрасига ўтадиган инфекцион иплар воситаси билан юқади, бактероид тўқима шу меристемадан ҳосил бўлади. Бу тип дуккакли ўсимликларнинг кўпчилигида учрайди ва одатда нормал тип деб белгиланади.


2. Инфекция асосан интерцеллюляр зооглеялардан юқади. Бу тип сераделлада учрайди.

3. Бактероид түқима бактерия юқсан ҳужайраларнинг бўлиниши натижасида ҳосил бўлади (140-расм). Бу тип люпин учун характерли.



140- расм. Люпин илдизидаги тугунак бактериялари бўлингандада унинг ҳужайраларида шу тариқа тарқалади

Инфекцион ип айрим ҳужайраларга ажралиб, бу ҳужайралар тугунакдаги бактероид түқимани бутунлай тўлдира бошлаган вақтда (141-расм), бактерияларнинг бактероидлар стадиясига ўтиши кузатилади. Кузда тугунаклар (142-расм) яна пар-




141- расм. Тугунак бактериялари билан тўлган люпин тугунаги ҳужайралари (микротомда олинган кесма)

чаланади ва бактериялар қайтадан тупроққа тушади, бу ҳол уларнинг бир қанча бўгинларда кўпайишини таъминлайди.

Бактериялар тугунакнинг бўртиб турган ҳужайра түқимасини ўраб олган тола-томирлар тутами орқали дуккакли

ўсимликлар билан боғланади. Шу томирлар орқали шакар ва бошқа озиқ моддалар ўсимликтан тугунаклардаги бактерияларга етиб боради. Бактериялар синтез қилган азотли бирикмаларнинг бир қисми ҳам бошқа озиқ моддалар билан бир қаторда тугунаклардан ўша томирлар орқали ўсимлика ўтади.



142-расм. Дуккакли ўсимликлар:

1 — себарга; 2 — эспарцет; 3 — люпин; 4 — ловия; 5—беда; 6 — нўхатниң тугунакли илдизлари

Азотга ёлчимай, заифлашиб қолган ўсимликларга тугунак бактериялари айниқса осон, минерал азот сероб бўлган ерларда гуркираб ўсан ўсимликларга бирмунча қийин юқади. Шунга асосланиб, тугунак бақтериялари дуккакли ўсимликларнинг паразитидир, деб тахмин ҳам қилинган эди. Бироқ кейин олиб борилган бирмунча батафсил текширишлар бақтериялар ҳамма вақт ҳам активлик кўрсатавермаслигини, баъзан ўсимликлар уларни тугунак ҳужайралари ичиди эритиб юбора олишини кўрсатиб берди. Бақтерияларнинг эришидан ҳосил бўладиган маҳсулотларни ўсимликлар, афтидан, озиқ сифатида ишлата олганидан юқоридагига зид фикр, яъни бақтериялар эмас, балки дуккакли ўсимликларнинг ўзи бақтерияларнинг паразитидир, деган фикр билдирилди.

Бироқ тугунак бақтериялари билан дуккакли ўсимликлар орасидаги ўзаро муносабат характеристи, афтидан, анча мураккаб. Ҳозирча, дуккакли ўсимликлар бақтерияларнинг ҳужайраларида қайтадан ишланиб, молекуляр азот тўпланиши натижасида

қисман азотли бирикмаларга айланадиган азотсиз органик моддалар (шакар) ва минерал тузларни тугунак бактерияларига етказиб бериши аниқланган. Ўша бирикмаларнинг бир қисмини бактериялар ўз танасининг оқсилли моддаларини тузиш учун ишлатса, қолган қисми кейин дуккакли ўсимликлар ўзлаштирадиган моддалар куринишида бактерия ҳужайраларидан ажраби чиқади.

Баъзи ҳолларда тугунак бактерияси тугунак ичидаги бактериоидлар ҳосил қилмайди, азотни ўзлаштирумайди ва гўё ўсимликда паразитлик қилиб яшайди. Бундай ҳол мухитда бор элеменитининг йўқлиги ёки унда боғланган азот бирикмаларининг ортиқча бўлишига боғлиқ. Бор бўлмаганда илдизнинг найчали системасидан тугунакка борадиган толасимон иплар сўз ривожланади ёки бутунлай ривожланмайди. Бундай ҳолда бактериялар илдизда бўлгани билан шакарларни кам олади ва етарли миқдорда таркибида азот бўлган бирикмалар синтез қила олмай қолади, натижада ўсимликлар бириккан азотни ё бутунлай олмайди ёки кам олади.

Бундан ташқари, бор бўлмагандаги бактерияларнинг ривожланиши хийла ўзгаради. Улар таёқчасимон шаклини сақлаб қолади ва бактериоидларга айланмайди. Тугунак ҳосил бўлишининг дастлабки даврларида юқори ва тубан организмлар ўзаро муносабатларининг нобоп характерда бўлиши қийинчилик туғдиради ва бактериялар ўсимликда паразитлик қилиб яшайди, деган фикрга олиб келади. Бундай аҳвол шу билан янада мушкуллашадики, баъзан тугунак бактерияларининг тугунак ичидаги эриб кетишини кузатиш мумкин. Бу хилдаги лизис ўсимликлар тўқималарида бўладиган қандайдир бирикмалар таъсирида ҳам, илдиз ва, ҳатто, поя тўқималарида учрайдиган бактериофаглар таъсирида ҳам бориши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, О. Н. Швецова бактериофаг баъзан ўсимликка бактериялар билан бирга кира олмаслигини кўрсатишга муваффақ бўлди. Бактериялар эса бактериофаг иштироқида ҳам ўсимликка осон ўтади ва жуда кўп тугунаклар ҳосил қиласи.

Шундай қилиб, бактериялар билан дуккакли ўсимликларнинг ўзаро муносабати паразитизмга ёки симбиозга асосланганлиги масаласи ҳали тамоман аниқланган эмас. Бир қанча кузатишлар бу масала кўпроқ симбиозга асосланганлигини исботлайди. Дуккакли ўсимликлар ўзлаштирадиган азотнинг ўсимлик фақат тугунак бактерияларини эритганда оладиган азотдан бирмунча кўп бўлиши ҳам худди шунинг далилидир.

Тугунаклардан азот дуккакли ўсимликка унинг турли ривожланиш фазаларида ҳар хил тезликда ўтади. Ўсимлик гуллаши олдидан ва гуллаш даврида тугунаклардан энг кўп азот ўтиши кузатилади. Азот тугунак билан дуккакли ўсимлик ўртасида миқдор жиҳатдан тахминан қуйидагича тақсимланади: тўпланган азотнинг 75% ва, ҳатто, бундан кўпроғи ўсимлик таркибида

бұлса, 25% га яқини тугунакларда қолади. Азотнинг шу қадар күп үтишини тугунакдан дуккакли үсімлікка кирадиган таркибіда азот бор моддаларнинг тез диффузияланишига боғлиқ, деб үйлаш керак, лекин бу моддаларнинг химиявий табиати шу вақтгача ҳали аниқ маълум әмас.

Тугунак бактерияларининг молекуляр азот түплаш химизми ҳам шу вақтгача узил-кесіл аниқланган, деб бұлмайди. Бу бактерияларнинг соф күльтурада атмосфера азотини түплай олиши ҳам аниқ исботланган әмас. Баъзи тадқиқотчilar шу тахминни тасдиқладыгандар мәдениеттегілер келтирса, бошқалари, аксина, уни инкор этади. Бироқ тугунак бактерияларининг соф күльтураларда азот түплай олиши шубҳа туғдирадыгандар бұлса, дуккакли үсімлік тугунаги ичида эса азот түплай олиши аниқланган. Ўша бактериялар бу процесстен қандай амалга оширади, деган масала ечилмай қолади, холос. Тадқиқотчilarнинг бир қисми, атмосфера азотининг тугунак ичида түпланиши гидролитик йүл билан боради, деб ҳисоблайды (Виртанен). Аспарагин кислотага айланадыгандар оксалат-сирка кислота айни вақтда ҳосил бұладыгандар гидроксиламин акцептори бўлиб хизмат қиласы. Шунинг учун тугунак бактерияларининг молекуляр азотни симбиотик равишда түплашида дуккакли үсімліктарнинг ахамияти асосан оксалат-сирка кислота ҳосил қилишдан иборат бўлиб қолади.


С. Н. Виноградский тугунак бактерияларининг азот түплаш химизмини тушунтириш учун бошқача йўлни таклиф этади. Ўша бактерияларнинг ҳужайраларида молекуляр азот актив водород билан қайтарилади ва дастлабки маҳсулот тариқасида аммиак ҳосил бўлади, деб тахмин қиласы. Бу фикрини у шу билан асослайдики, янги ва қуритилган тугунакларда аммиак ҳосил бўлишини топиш мумкин.

Бироқ Виноградскийнинг бу фикрини М. П. Корсакова маълумотларига мувофиқ деб билиш қийин. М. П. Корсакова янги тугунакларни анализ қилишга асосланиб, уларда аммиак ҳам, аминокислоталар ҳам бўлмаслигини кўрсатиб беришга муваффақ бўлди. Үсімліктарнинг тугунак бактериялари ҳисобига азот билан озиқланиш процесси, афтидан, бактерияларнинг ҳаёт фаолияти процессида келиб чиқадыгандар, лекин аминокислоталар билан аммиакдан бошқачароқ табиатта эга бўладыгандар қандайдир бошқа азотли моддалар иштироқида содир бўлади. Шунинг учун атмосфера азотининг на гидролитик йўл билан, на қайтарилиш йўли билан бирикишини исботланган деб бўлмайди, шунга кўра, бу процесстен тушунтириб бериш учун бошқа йўллар ахтариш керак.

Билвосита далилларга асосланилганда, атмосфера азотини түплаш химизми азотбактерда қандай бўлса, тугунак бактерияларидан ҳам худди шундай бўлади, деб ҳисоблаш керак эди. Тугунак бактерияларининг турли ингибиторлар ва молекуляр азот

түпланишини тезлаштирадиган активаторларга, шунингдек ҳар хил химиявий структурали боғланган азот бирималарига нисбатан муносабати текширилар экан, уша билвосита далиллар қўлга киритилди. Бу бактериялар шу факторларга худди азотобактер сингари муносабатда булиши аниқланди. Молекуляр водороднинг сусайтирувчи таъсири ҳам иккала организмда бир хилда намоён булади. Водород ҳам тугунак бактерияларининг атмосфера азотини симбиотик равишда түплашини специфик тарзда сусайтиради. Бироқ ўсимликларнинг узи учун молекуляр водород заҳарли эмас ва муҳит боғланган азотнинг ўзлаштириш мумкин бўлган шакллари билан таъминланган бўлса, тугунак бактериялари водород борида ҳам, йўғида ҳам бир хилда яхши ривожланади. Оксидланиш-қайтарилиш потенциали азотобактерда ҳам, тугунак бактерияларида ҳам шу процессни идора этадиган энг муҳим омил бўлиб чиқди. Процесснинг боришига қурайлик туғдирадиган потенциал даражаси ҳар иккала ҳолда бир хил булади. Шунинг учун бу организмларда процесснинг физиологик бориши бир хилда бўлиб, специфик ферментлар системаси иштироқида амалга ошиши керак, бу ферментлар системасидаги карбонил группалар процесснинг актив иштирокчилари булади, деб ўйлаш тамомила тұғри бўлиб куринади.

Карбонил группа ва адсорбилинган коллоид ташувчи — молекуляр азот ўртасидаги реакция азотобактернинг азот түплаши учун автор томонидан таклиф этилган схемага мувофиқ боради:



Азот—азот түплөвчи фермент билан ўзаро таъсирилашгандан кейин (бу ўзаро таъсир давомида молекуляр азот қисман оксидланади, ферментнинг актив группаси эса қисман қайтарилади), азот түплөвчи ферментнинг актив группаси билан юқори оксидланиш потенциалига эга бўлган коллоид ташувчи ўртасидаги боғ беқарор бўлиб қолади; ферментнинг актив группаси диссоциацияни ва кейин бирмунча кам оксидланиш потенциалига эга булган оқсил билан бирикади.

Коллоид ташувчи алмашингандан кейин, фермент актив водород билан ўзаро таъсирилаша бошлайди (бу водородни реакцияга флавин дегидрогеназалари етказиб беради) ва гидразингача қайтарилади.

Молекуляр кислород муҳитда ортиқча бўлса, юқоридаги

реакцияга халақит беради, чунки кислороднинг парциал босими юқори бўлганда, сариқ нафас олиш ферментининг қайтарилилган шакли ўз водородини сезиларли тезлик билан молекуляр кислородга бера бошлайди. Шунинг учун кислороднинг юқори концентрациялари тугунак бактерияларининг азот тўплашини сусайтириб қўяди.

Азот тўпланиши дастлабки маҳсулотлари қайтарилишининг охирги даври уларнинг гидразинга айланиши ва кейин кетокислоталар билан ўзаро таъсир қилишидир, кетокислоталар яна қайтарилишидан аминокислоталар, кейин эса оқсил моддалар ҳосил бўлади. Шундай қилиб, тугунак бактерияларининг симбиотик йўл билан молекуляр азот тўплашига доир фактларнинг ҳаммаси, бу процессни ўша бактериялар азотобактер культуралигага хос схемага мувофиқ амалга оширади, деган фикрнинг тўғрилигини кўрсатади.

Тугунак бактериялари атмосфера азотини тўплаш процесси ни бажариш учун азотсиз органик моддаларга муҳтож бўлади. Улар углерод манбай ўрнида глюкоза, левулёза, раффиноза, мальтоза, галактоза, арабиноза, маннит, декстрин, ксилоза, глицерин, этил спирт ва бошقا баъзи органик моддалардан фойдалана олади.


Улар юқорида айтилган углерод манбаларининг ҳар қандайни ҳам оксидлаб, молекуляр кислороддан фойдаланади ва шу билан бирга атмосфера азотини тўплайди.

Хулоса қилиб айтилганда, тугунак бактерияларида ҳар хил дуккакли ўсимликларга нисбатан расмана ифодаланган спецификлик борлигини айтиб ўтиш керак. Бу бактерияларнинг айрим тур хиллари ҳар қандай дуккакли ўсимликда ҳам тугунаклар ҳосил қила олмайди ва муайян турлардагина ўсишга мослашган бўлади. Бир қанча маълумотларга кўра, уларни қўйидаги группаларга бўлиш керак: 1) нұхат, ёввойи нұхат, чина ва бурчоқ бактериялари, 2) люпин ва сераделла бактериялари, 3) беда ва қашқарбеда бактериялари, 4) ловия бактериялари, 5) соя бактериялари, 6) нут бактериялари, 7) себарга бактериялари ва ҳоказо. Булар тугунаклар ҳосил қилиш ва азот тўплаш активлиги жиҳатидан ҳам бир группа ичida бир-биридан кескин фарқ қиласди.

Дуккакли ўсимликлар қишлоқ хўжалигига жуда катта аҳамиятга эга, чунки тугунак бактериялари борлиги туфайли улар атмосфера азотидан фойдаланади ва шу тариқа тупроқни боғланган азот билан бойитади. Дуккакли ўсимликлардан кейин экилган ғалла ҳосили анча кўпаяди, баъзан дуккакклилар экилмаган ерлардан олинган ҳосилга қараганда 100% ва бундан ҳам кўпроқ ортади.

2. МОЛЕКУЛЯР АЗОТНИ СИМБИОЗ ИУЛИ БИЛАН ТУПЛАШДА ИШТИРОҚ ЭТАДИГАН БОШҚА МИКРООРГАНИЗМЛАР

Дуккакли үсимликлардан ташқари, ҳар хил систематик группаларга кирадынган бошқа үсимликлар ҳам азот түплөвчи микроорганизмлар билан симбиоз ҳолда яшашы мүмкин. Атмосфера азотини микроорганизмлар билан симбиоз ҳолда түплай оладын дуккаклимас үсимликларнинг тури ҳозир тахминан 200 га етади. Бу үсимликлар *Eleagnus*, *Casuarina*, *Myrica*, *Alnus*, *Cortaria* ва өзказо авлодларига киради. Шу үсимликларнинг ҳаммаси дарахт ва бута үсимликлар жумласидандыр. Шунинг учун азот үзлаштирувчи симбиотик үсимликлардан дуккакли үсимликлар қышлоқ хужалигыда энг катта ажамиятга эга.



143- расм. Ольха илдизи ҳужайраларидаги тугунак
бактериялари

Азот түплөвчи симбиотик үсимликларнинг юқорида санаб чиқилған группасидан ольха (*Alnus*) нинг азот түплөвчи бактериялар билан бирға яшашы энг яхши текширилген. Бу үсимлик илдизларидан тугунаклар бұлишини үтган асрниш 70-йиллардағы Воронин топған эди, бироқ үша тугунакларда бұладын организмларнинг табиати анча узоқ вақтгача номағым бўлиб келди. Аввал уларда алоҳида замбуруғ *Schinzia alni* бўлади, деб тахмин қилинган, бироқ кейинчалик унинг замбуруғ эмас, балки тугунак бактерияларига яқин турадын симбиотик бактерия эканлигини исбот этишга муваффақ бўлинди (143-расм). Бу бактерия шакли ва ҳар хил бўёкларга муносабати билангина тугунак бактерияларидан фарқ қиласи. Бу бактерия ольха тугунакларидан кўп бўлади ва атмосфера азотини үзлаштира олади. Куйидаги

фактлар шундан далолат беради. Азотли ўғитлар солинмаган, лекин ольха тугунакларидан олинган бактерия юқтирилган стерилланган ерда ольха күчтәләре яхши ривожланади. Ерга шундай тугунаклар моддаси юқтирилмаган бўлса, күчтәлар ёмон ўсади ва азотга рўй-рост ёлчимайди. Азот ўзлаштирувчи бошқа ўсимликларнинг микроб-симбионтлари бактерияларгина эмас, балки микроскопик замбуруғлар ва актиномицетлар ҳамдир. Улар ҳали яхши текширилмаган.

Баргларидаги гуддалар ҳосил бўладиган тропик ўсимликлар учрайди, улар *Rubiaceae* ва *Dioscoreae* оиласига киради. Шаға гуддалардан тугунак бактерияларига яқин турадиган ва углерод манбаси сифатида 2% ли гумминарбик тутадиган 200 мл муҳит ҳисобига 5—6 мг атмосфера азоти тўплай оладиган бактериялар топилган. Агар уруғдарни стериллаш йўли билан баргларидаги бактерияли гуддалар бўлмайдиган ўсимликлар етиширилса, бундай ўсимликлар гуддалари бор ўсимликларга нисбатан ёмон ривожланади.

3. ТУГУНАК БАКТЕРИЯЛАРИНИНГ БАКТЕРИАЛ ПРЕПАРАТ — НИТРАТ СИФАТИДА ИШЛАТИЛИШИ

Тугунак бактериялари хилма-хил группачаларга кирганидан ва тупроқда чекланган тарзда тарқалганидан дуккакли ўсимликлар мазкур ерга биринчи марта экилганда, ўзига ҳос бактерияларни баъзан тупроқдан топа олмаслиги ҳам мумкин. Бундай бактериялар бўлмаса, дуккакли ўсимликлар худди бошқа ўсимликлар сингари яшайди, яъни тупроқдаги ўзи ўзлаштира оладиган азотли моддалар билан озиқлана бошлайди.

Кўп тажрибалар тупроқда тугунак бактериялари солингандаги ҳосил ортиши мумкинлигини курсатиб берди. Шунинг учун қишлоқ хўжалигига маҳсус бактериал препарат—нитрагин ишлатилидиган бўлди. Бироқ бу препаратни ишлатишдан олинган дастлабки натижалар нотайин бўлиб чиқди ва препаратни тайёрлаш ҳамда ишлатиш усусларини такомиллаштириш учун кейин кўн меҳнат сарфлаш керак бўлди. Муваффақиятсизликлар аввало препаратнинг сифатсизлигига боғлиқ эди. Препаратда актив тугунак бактериялари ҳаддан ташқари кам эди.

Бизда нитрагин 1912 йилдаёқ пайдо бўлган. Аввал уни тажриба экинларига ишлатиш билангина чекланилди. Улуғ Октябрь революциясидан кейингина нитрагин кенг кўламда ишлатилидиган бўлди. Ҳозир у миллион гектарлаб ўлчанадиган катта-катта майдонларда ишлатилмоқда.

Нитрагин тайёрлаш техникаси жуда осон. Аввал катта ҳажмили маҳсус ферментаторлардаги озиқ муҳитида (муҳитда 1% шакар бўлади) тугунак бактериялари культураси ўстирилади. Тугунак бактериялари дуккак қайнатмасидан ташқари, беда, себарга, нўхат ва бошқа бир қанча ўсимликлар хашибаги қайнатмасида ҳам яхши ўсади. Тугунак бактерияларининг соғ культурасини кўпайтириш билан бир вақтда субстрат ҳам тайёрланади, бу бактериялар ишлаб чиқаришда фойдаланилгунча шу субстратда яшаши керак. Одатда кўзларни 3—5 миллиметрли элакдан ўтказилган стерилланган тупроқ шундай субстрат ўрнида ишлатилади.

Тупроқ стериллангандан кейин унга тугунак бактерияларининг соф культураси юқтирилади. Тупроқлы ҳар бир бутилкага 20—30 мл бактерияли суюқлик солинади ва бутилка 5 кундан 8 кунгача 25—30° температурали термостатта қўйилади. Шу вақт ичидаги тугунак бактериялари стерилланган тупроқда кўпайди. Уларнинг титри 1 г да 100 миллионга етгандан кейин препарат тайёр ҳисобланади. Ҳозир қуруқ нитрагин тайёрлаш устидаги иш олиб борилмоқда.

Нитрагинни ишлатиш усули жуда осон булиб, асосан қўйидағилардан иборат: унинг 1 гектарга мулжалланган порцияси экин экиладиган куни ҳар 10 кг майдага уруққа (беда, себаргага) ёки ҳар 20 кг йирик уруққа (нұхат, ловия, вика, люпин ва ҳоказоларга) 200 мл ҳисобида тоза сув билан аралаштирилади. Ҳосил бўлган бўтқа уруққа пуркалади ва уруғлар яхшилаб аралаштирилади. Уруғлар бир оз қуригандан кейин экишга тайёр бўлади. Бу ишларнинг ҳаммаси офтобдан пана жойда бажарилади; ишланган уруғлар имкони борича тез экилади.

Нитрагиннинг нечоғли яхши натижа бериши тупроқ шароитига боғлиқ. Қислотали ерларда ($pH=5,5$ ва бундан паст бўлганда) тугунак бактериялари анча тез, одатда бир неча йил ичидаги нобуд бўлиб кетади ва ерга қўшимча равишда бактерия юқтириш зарур бўлиб қолади. Бундай чора яхши натижа беради. Нейтрал реакцияли ерларда тугунак бактериялари бирмунча яхши сақланади, бироқ бундай ерларга ҳам, айниқса тугунак бактерияларининг актив группачалари ишлатилганда, юқтириланган микроб яхши таъсир этади. Нитрагин юқтириш натижасида ҳосил анча ортади, буни қўйидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

Оммавий тажрибалар маълумотларига кўра, нитрагин қўйидаги таъсир кўрсатади

Экин	Ҳисобга олинган қисми	Нитрагин таъсирида ортиши		Ҳисобга олинган тажрибалар сони
		Гектаридан центнер ҳисобида	% ҳисобида	
Нұхат	Кўк массаси	12,9	14,0	36
	Дони	1,4	18,4	240
Вика	Хашаги	1,6	20,5	99
	Дони	11,8	25,8	20
Люпин	Кўк массаси	3,1	50,0	50
	Хашаги	46,0	36,9	92
Себарга	Кўк массаси	12,9	38,0	7
	Дони	9,9	32,6	29
Беда	Хашаги	1,0	16,1	67
	Дони	1,3	14,8	82
Ясмиқ	Кўк массаси	8,1	19,4	55
	Соя			

Бу препарат, агар унда актив тугунак бактериялари бўлса ва тупроқ-иқлим шароити дуккакли ўсимликларниң ўсиши учун қулайлик қилса, шак-шубҳасиз, жуда катта таъсир кўрсатади.

Бироқ бирга яшайдиган организмлар бир-бирига мос қилиб танлаб олингандагина, тугунак бактериялари дуккакли ўсимликлар билан бирга яшаб, яхши упум бериши мумкин. Адабиётда, шу тариқа бирга яшаш учун тугунак бактериялари штаммлари билан дуккакли ўсимликлар навларини бир-бирига тўғри келадиган қилиб танлаб олиш муҳимлигини кўрсатадиган маълумотлар бор.

Тўғри агротехника шароитида нитрагин ўсимликларниң умумий ҳосилини оширибгина қолмай, ундаги азот миқдорини, шунингдек илдиз қолдиқларидағи азот миқдорини ҳам хийла кўпайтиради. Шунинг учун дуккакли ўсимликлардан кейин экиладиган экинлар нитрагин солинган ерда анча юқори ҳосил беради. Янги ўзлаштирилаётган, илгари мазкур дуккакли ўсимликлар экилмаган ерларда ҳосил айниқса сезиларли ортади.

Минерал ўғитларни, асосан кальцийни нитрагин билан қўшиби солиш, ер кислотали бўлса, ҳамиша нитрагин таъсирининг анча ортишига олиб келади. Фаленск тажриба станциясининг маълумотларига кўра, ўғит солинмаган, лекин бактерия юқтирилган нўхат ҳосили 36%, қўшимча равишда фосфор билан калий солинганда (гектарига таъсир этувчи моддадан 60 килограмм ҳисобида) 40,5%, оҳак ҳам қўшилганда эса 56,4% ортган. Ерда таркибида азот бўлган минерал бирикмалар анчагина бўлса, фосфорли ва калийли ўғитлар солиш айниқса муҳимdir. Бундай ерларда дуккакли ўсимликларниң илдизларида тугунаклар кам пайдо бўлади ва бу ўсимликлар ерни азот билан бойитиш ўрнига ундаги таркибида азот бўлган минерал моддалардан зўр бериб ўзи фойдалана бошлайди. Ўсимликларни қўшимча равишида фосфор ва калий билан таъминлаш ўйли билангина бу аҳволдан қутулиш мумкин. Кислотали ерларга оҳак солиш янада катта аҳамиятга эга. Кислоталилик йўқолиши туфайли тугунак бактерияларининг ҳаёт фаолияти учун қулай шароит туғилади ва улар дуккакли ўсимликлар илдиз системасига анча тез ўтади, бу ҳол кўп тугунаклар пайдо бўлишига ва ҳосилнинг ошишига олиб келади.

Дуккакли ўсимликларга нитрагин юқтириш, эрувчан азотли бирикмалар бирмунча кам бўладиган ерларда энг яхши натижа беради. Бундай ерларга қай тарзда бўлмасин, кўплаб азотли ўғитлар солиш кўпинча ортиқча бўлибгина қолмасдан, балки зарар ҳам келтиради, чунки эрувчан азотли бирикмалар тугунаклар сонини камайтириб юборади. Минерал азот дозалари катта бўлса, тугунаклар пайдо бўлиши ва тугунак бактерияларининг атмосфера азотини тўплаши тамомила тўхталиб қолиши ҳам мумкин. Бироқ азот кичик дозаларда (норманинг ярмига яқин) солинса, аксинча, атмосфера азотининг ўзлаштирилиши кучая-

ва *Sporovibrio desulfuricans* деган икки турға бирлаштирилади. Булар ҳар хил спирт ва органик кислоталарда (аспарагин ёки аммиакли тузлар бүлганды) яхши ривожланади ва аэрация шароити ёмон бүлганды сульфатни зўр бериб қайтаради. Сульфатларнинг қайтарилиш химизми органик модда дегидрогенланганда ҳаракатчан водород шакллари ҳосил бўлишига боғлиқ ва денитрификацияга ўхшатиб, қуйидаги йифонди тенглама билан ифодалаш мумкин:

1. $C_6H_{12}O_6 + 6H_2O + 12 \text{ дегидрогеназа} = 6CO_2 + 12 \text{ дегидрогеназа} - H_2$
2. $3H_2SO_4 + 12 \text{ дегидрогеназа} - H_2 = 12H_2O + 3H_2S + 12 \text{ дегидрогеназа}$
3. $C_6H_{12}O_6 + 3H_2SO_4 = 6CO_2 + 6H_2O + 3H_2S + 42 \text{ Ca}$

Бу процессда ҳам бирламчи, ҳам иккиласми дегидрогеназалар иштирок этади. Сульфатларнинг қайтарилиши учун углеводлар ўрнига органик кислоталар, углеводородлар ёки бошқа органик бирикмалар водород ётказиб берадиган бўлса, ўша моддалар билан сульфатлар ўртасидаги миқдорий нисбатлар ўзгарди, лекин процесс химизми ўзича қолаверади ва водороднинг сульфатлар кислороди билан қуйидаги схемага мувориқ бириктириб олинишига боғлиқ бўлади:



Ҳар бир даврда оксидланётган органик моддадан иккита водород атоми бириктириб олиниди ва сульфат кислороди таъсирида сувгача оксидланади. Айни вақтда сульфат кислородини йўқотиб, водород сульфидгача қайтарилади. Бу процессларнинг ҳаммаси тупроқда ва сув ҳавзаларида муҳим аҳамиятга эга, чунки улар ҳайвон ва ўсимликлар учун заҳарли бўлган водород сульфид тўпланишига олиб келади. Узоқ ишланмай туриб қолган ёки сув тўпланган ерда водород сульфид тўпланса, унда ўсаётган ўсимликлар тез нобуд бўлади. Агар водород сульфид сув ҳавзасида шу тариқа тўпланадиган бўлса, унда сув ўсимликлари билан ҳайвонлари яшай олмайди. Бундай ҳодиса табиатда кўп учрайди. Баъзи кўллар, кўрфазларда ва ҳатто очиқ денгизда маълум чуқурликда (Қора денгизда 200 м чуқурликда) шу қадар кўп водород сульфид тўпланадики, у ерда яловчи юқори организмларнинг ҳаёти ё қийинлашиб қолади, ёки улар бутунлай нобуд бўлади.

Бундай жойларда организмларнинг бемалол ривожланиши учун водород сульфиднинг кейин сульфат кислотагача оксидланishi энг муҳим аҳамиятга эга. Бунда водород сульфиднинг заҳарли хоссалари йўқолибгина қолмасдан, балки шу бирикмаларкибиға кирадиган олtingугурт ўсимликлар узлаштира олмайдиган шаклдан узлаштиру бўладиган сульфат тузлари шаклига ўтади. Водород сульфид табиий шароитда алоҳида олтингугурт бактериялари ва тион бактериялари

группасининг ҳаёт фаолияти таъсирида шу тариқа узлуксиз оксидланиб туради. Бу бактериялар фақат водород сульфиднинг эмас, балки олтингугуртнинг қайтарилиган бир қанча бирикмаларини, шунингдек элементар олтингугуртни ҳам оксидлайди.

2. ОЛТИНГУГУРТ БАКТЕРИЯЛАРИНИНГ ВОДОРОД СУЛЬФИДИИ ОКСИДЛАШИ

Олтингугурт бактерияларининг хилма-хил турлари жуда күп тавсифланган. Ҳозирги вақтда улар иккита катта группага: 1) рангсиз ва 2) рангли олтингугурт бактерияларига бўлинади. Рангсиз бактерияларга диаметри 8 μ дан 50 μ гача бўлган, эркин сузиб юрадиган узун иш шаклида ўсувчи *Beggiatoa*

(145- расм) билан *Thiothrix* нинг ҳар хил турлари киради. *Thiothrix* лар ҳам узун иш шаклида ўсади, лекин ҳаракатсиз ҳолда ҳаёт кечириши билан *Beggiatoa* лардан фарқ қиласди. Уларнинг иплари маҳсус шилимшиқ ёстиқчалари ёрдамида сув остидаги буюмларга ёпишиб олади (19-расмга қаранг).


Бир ҳужайрали бактерияларнинг бир қанча турлари ҳам рангсиз бактериялар жумласига киради. Улардан *Thiophysa*, *Thiospirillum* ва бошқа бактерияларни курсатиб ўтиш мумкин (146- расм).

Иккинчи группани тўқ қизил олтингугурт бактериялари ташкил этади. Уларнинг ҳужайраларида алоҳида пигмент — бактериопурпурин бўлади. Шу пигмент уларга ҳар хил товланадиган қизил ранг бериб туради. Бироқ бу пигментни анча мукаммал текшириш натижасида унинг лоақал иккита пигментдан: бактериохлорин деган яшил ва бактериоэритрин деган қизил пигментдан иборат эканлиги аниқланди. Бу пигментлар бактерия протоплазмасида диффуз ҳолда тарқалган.

145- расм. Олтингугурт бактериялари. Чандан унгга: *Beggiatoa alba*, *Beggiatoa media*, *Beggiatoe glauca*

Бактериопурпуриннинг ютиш спектри хлорофиллнинг ютиш спектридан анча кескин фарқ қиласди. Хлорофилл спектрнинг қизил нурларини (В ва С чизиқлари ўртасидаги) ютса, бактериопурпурин энг четдаги қизил ва яхши нурларни ютади.

Тўқ қизил олтингугурт бактериялари иккى йўл билан: хемосинтез ва фотосинтез йўли билан органик модда синтез қиласди.



Бироқ фотосинтезда, афтидан, органик модда синтез қилишгина эмас, балки кислород олиш ҳам ажамиятга эга бўлади. Бу бактерияларнинг муҳитда анчагина водород сульфид бўлганда ривожлана олиши, уларнинг тамомила деярли анаэробиоз шароитда ҳаёт кечира олишини кўрсатади, шуниси ҳам борки, уларда моддаларнинг физиологик алмашинуви водород суль-



146- расм. Бир ҳужайрали олtingугурт бактерияларининг ҳар хил турлари:

1 — *Bac. thiogenes*; 2 — *Bac. bovista*; 3 — *Spirill. bipunctatum*; 4 — *Spirill. granulatum*

фиднинг оксидланиши учун кислород сарф этиш билан боялиқ. Чамаси, бундай шароитда фотосинтез уларда кислород манбай бўлиб ҳам хизмат қиласи.

Thiorodaceae оиласига киритиладиган шу бактериялардан *Chromatium okenii* ни кўрсатиб ўтиш мумкин (147- расм), унинг ҳужайралари овал шаклда бўлиб, бўйи 10—15 μ ва эни 5 μ



147- расм. *Chromatium*. Ҳар хил турлари (1500 марта катталашириб кўрсатилган)

келади. Анчагина узун битта хивчини бор; бундан ташқари, *Thiodiction* ни ҳам күрсатиб ўтиш мумкин.

Тұқ қызил олтингугурт бактерияларидан томчи суюқлик ҳолидаги олтингугурт құшилмалари бұлади. Олтингугуртдан маҳрум бўлиб, водород сульфидни сульфат кислотагача оксидлайди олмайдиган ва *Athiorodaceae* оиласига киритиладиган тұқ қызил бактерияларни юқоридаги бактериялардан фарқ қилиш кепрак. Бу бактериялар водород сульфидни оксидлаш у ёқда турсин, балки муҳитда органик модда бўлгандагина яхши ривожланади. Шунга кўра, фотосинтез улар учун ҳал құлувчи аҳамиятга эга бўлмасдан, ўзининг ҳаёт фаолиятига зарур эркин кислород олишнинг бир йули сифатидагина муҳимдир.

Олтингугурт бактериялари табиатда кенг тарқалган. Улар олтингугурт манбаларида, кўлмак сувларда ва бошқа бир қанча муҳитларда доимо учрайди. Улар тупроқда ҳам анча кенг тарқалган. Бу микроорганизмлар кўпчилигининг оммавий ривожланиши учун иккита газ: кислород билан водород сульфид бўлиши зарур. Шунинг учун табиий шароитда уларни доимо водород сульфид ҳосил бўлиб турадиган ва шу билан бир қаторда бемалол кислород келиб турадиган жойлардагина учратиш мумкин. Бу бактерияларнинг ривожланиши учун кислороднинг босими 15 мм симоб устунига (75 мм ҳаво босимига), водород сульфиднинг босими эса 0,8 мм га (900 мл ҳавога 1 мл H₂S ҳисобида) тенг бўлган шароит жуда қулайлиги учун, сув ҳавзаларида ёки узун цилиндрлардаги сунъий культурапарларда улар суюқликнинг юзасида эмас, балки иккала газнинг парциал босими оптимал концентрацияга тўғри келадиган чуқурликда ривожланади.

Бактериал пластинканинг пайдо бўлишини олтингугурт бактерияларининг кислород ва водород сульфидга нисбатан шу тариқа ўзига хос муносабатда бўлиши билан тушунтириш мумкин, ўша пластинкада бактерияларнинг юқорига ва пастга қараб ҳаракат қилишини аниқлаш осон (кислород ва водород сульфид олиш учун).

Олтингугурт бактериялари водород сульфидни икки даврда оксидлайди. Аввал улар водород сульфидни олтингугуртгача оксидлайди, олтингугурт ҳужайралар протоплазмасида ярим суюқ томчи ҳолида тўпланади. Оксидланишнинг бу стадиясини қўйидаги умумий тенглама билан иофдалаш мумкин:



Олтингугуртнинг томчи шаклида тўпланиши бу бактериялар учун шу қадар характерлики, уларни аниқлашда фарқ қиласидиган белги бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин. Бироқ олтингугурт ҳар қандай шароитда ҳам шу тариқа тўпланавермасдан, муҳитда водород сульфид мўл-кўл бўлгандагина шундай тўпланади. Олтингугурт бактерияларининг или водород сульфид бўлмаган

сувга тушиши билан олтингугурт аста-секин оксидлану, сульфат кислотага айланади ва ҳужайралардан йўқола борди. Бу ҳол шундан дарак берадики, биринчидан, олтингугурт бу бактериялар ҳужайрасида энергия берувчи материал запаси ўринни босади ва, иккинчидан, бу хилдаги оксидланиш процесси ўша бактерияларда нафас олиш ролини ўйнайди. Олтингугурт оксидланганда ҳосил буладиган сульфат кислота карбонат тузлари билан нейтралланади ва сульфат тузлари кўринишида ҳалқарига ажралиб чиқади (купинча CaSO_4 шаклида). Шунинг учун муҳитда карбонатлар бўлиши — олтингугурт бактерияларининг оксидлаш активлиги учун зарур шартдир.

Оксидланишнинг иккинчи фазасини қўйидаги умумий тенглама билан ифодалаш мумкин:



Оксидланиш процессининг айрим ҳалқаларида водороднинг бир қисми карбонат ангидридга ўтиши ҳам мумкин, карбонат ангидрид айни вақтда органик моддагача қайтарилади, бу моддалар кейин олтингугурт бактериялари протоплазмаси таркибий қисмларининг тузилишига сарф бўлади.

Олтингугурт бактерияларининг карбонат ангидридни ўзлаштира олиш хусусиятига Виноградский ҳам эътибор қилган эди, у олтингугурт бактериялари органик моддалар арзимас миқдорда бўладиган муҳитда ривожлана олишини пайкашга муваффақ бўлди. Бироқ шу бактерияларнинг соғ културуларни ажратиб олингандан кейингина, аниқ далиллар қўлга киритилди. Ўша бактериялар физиологиясини ўрганиш чиндан ҳам улар хемосинтез йўли билан карбонат ангидриддан углерод ассимиляция қила олишини кўрсатиб берди.


3. ТИОН БАКТЕРИЯЛАРИНИНГ ВОДОРОД СУЛЬФИД, ОЛТИНГУГУРТ ВА УНИНГ ТИО-ҲАМДА ТЕТРАБИРИКМАЛАРИНИ ОКСИДЛАШИ

Табиатда олтингугуртни, тиобирикмалар ($\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$) ни, тетрабирикмалар ($\text{Na}_3\text{S}_4\text{O}_6$) ни ва водород сульфидни ҳужайралар ичida элементар олтингугурт тўпламасдан, сульфат кислотагача оксидлайдиган бактерияларининг катта группаси учрайди. Булар тион бактериялари деб-аталади.

Улар шур ва чучук сув ҳавзаларида, шунингдек тупроқда жуда кенг тарқалган. Бу группанинг асосий вакили *Thiobacillus thioparus* дир. Жуда ҳаракатчан, спора ҳосил қилмайдиган кичкинагина ($3 \times 0,5 \mu$) таёқча бўлиб, қўйидаги тенгламага мувофиқ тиобирикмаларни оксидлайди ва сульфатлар билан олтингугуртга айлантиради:



Бундан ташқари, шу бактерия эркин олтингугуртни оксидлаб, сульфат кислотага айлантира олади:



Тетрабирикмалар оксидланганда тенглама қуйидаги қўри- нишда бўлади:



Органик бирикмалар иштирокида бу бактерия ривожланмай, карбонат ангидридни ассимиляция қила оладиган бўлганидан, уни автотроф микроорганизмлар қаторига киритадилар. Ўша бирикмаларнинг оксидланиш химизми, афтидан, олтингугурт бактерияларининг олтингугуртни оксидлаш химизмига ухшайди. Сульфофикусацияда юзага келадиган сульфат кислота ўсимликлар ўзлаштира оладиган шаклдаги олтингугурт бирикмалири ҳосил бўлишини таъминлаш билан бир қаторда тупроқда қийин эрийдиган бир қанча фосфатларнинг эришига сабаб бўлади ва шу йўл билан ўсимликлар ўзлаштира оладиган фосфор бирикмалари миқдорини ҳам кўпайтиради.



148- расм. *Thiobacterium thio-oxidans* (Ваксмандан олинган)

148-расм. *Thiobacterium thio-oxidans* (Ваксмандан олинган) симининг 60% га яқин) сақланган тупроқда эрувчан сульфатлар 80% ортгани (1 кг тупроқда 168 мг SO₃ ортган) кузатилган. Тупроқни қуритиш ҳам шунга ўхшаш натижалар беради. Бунда сульфатлар миқдори 50% кўпаяди.

Элемент ҳолидаги олтингугурт ҳам сульфофикусацияга учраши мумкин. Элемент ҳолидаги олтингугуртнинг тупроқда оксидланиши кислотали ерларда ҳам, ишқорли ерларда ҳам учрайдиган бактериялар таъсирида амалга ошади. Кислотали ерларда олтингугурт *Thiobacterium thio-oxidans* (148-расм) туфайли, ишқорли ерларда эса *Thiobact. B.* туфайли оксидланади.

Бу микроорганизмлар, одатда, ўз танасининг органик моддаларини карбонат ангидрид ҳисобига тузиш хусусиятига эга бўлган автотроф бактериялар группасига киради. Бунинг учун зарур энергияни улар олтингугуртнинг оксидланиш процессида олади. Бироқ улар билан бир қаторда тупроқда олтингугуртни оксидлайдиган яна шундай бактериялар ҳам учрайдик, буларнинг гетеротрофлар группасига мансуб эканлиги шак-шубҳа туғдирмайди (*Bac. subtilis* ва бошқалар). Лекин сунгги группа микроорганизмлари олтингугуртни секин ва кам оксидлайди.

4. ФОСФОР БИРИКМАЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Фосфор бирикмаларишинг ўзгариши анча содда бўлиб, асосан икки прёцессдан: 1) органик фосфорнинг минералланиши ва 2) фосфат тузларининг кам эрувчан шаклдан кўп эрувчан шаклга ўтишидан иборат.

Органик фосфорнинг минералланиши чиритувчи микробсига низмлар (*Vac. megatherium* ва бошқалар) таъсирида амалга ошади ва одатда фосфат кислотанинг органик бирикмалардан гидролитик йўл билан қўйидаги схемага мувофиқ ажралиб чиқишидан иборат бўлади:

1. Нуклеопротеид → нуклеин → нуклеин кислота →
→ нуклеотидлар → H_3PO_4
2. Лецитин → глицерофосфат эфирлари → H_3PO_4

Органик фосфорнинг парчаланиши натижасида фосфат кислота ҳосил бўлади. Бу кислота тупроқдаги асослар билан тез бирикади ва одатда қийин эрийдиган, демак, ўсимликларнинг озиқланиши учун кам ярайдиган кальций, магний ва темир тузларига айланади. Бу тузларнинг озиқлик сифати эрувчалигига боғлиқ бўлганлигидан, уларнинг эришига ёрдам беридиган ҳар бир процесни тупроқ унумдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлган ижобий процесс, деб ҳисоблаш керак.


Фосфатларнинг тупроқда эриши ёки, кўпинча, бошқача қилиб айтганда, фосфат кислотанинг чиқиб кетиши кислоталар ҳосил бўлиши билан бирга давом этадиган хилма-хил биокимиявий процесслар натижасида содир бўлади. Бу процесслар орасида асосий ўринни кислота ҳосил қўлиувчи ҳар хил бактерияларнинг ҳаёт фаолияти эгаллайди. Фосфатларнинг эришига тоқал нитрификацияловчи бактерияларнинг нечоғли катта таъсири кўрсатишини А. Н. Лебедянцев (Шатил тажриба станцияси) ва Соболев (Тимирязев номидаги Кишлоқ ҳужалиги акалимасининг тажриба даласи) тажрибаларидан билиш мумкин, ту тажрибалар ҳайдалган далада нитрификация процесслари натижасида ҳосил бўладиган нитрат кислотанинг бир неча центнер фосфоритни кальций монофосфатга айлантира олишини кўрсатиб берди. Шуниси ҳам борки, нитрификацияловчи бактериялар кислота ҳосил қила оладиган ва фосфоритни эрита оладиган бирдан-бир микроорганизмлар эмас. Тион бактериялари, эллингурт бактериялари ва бошқа бир қанча микроорганизмлар ҳам худди шундай хусусиятга эга. Доим тупроқда яшайдиган *Vac. mycoides* сингари организмлар ҳам оқсилининг кучли аммонификациясига сабаб бўлади ва айни вақтда жуда кўп карбонат анигидрид ажратиб чиқариб, фосфатларнинг эришида фаол штирок эта олади. Мана шу процессларнинг ҳаммасини қўйидаги тенгламалар билан ифодалаш мумкин:

- $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2 + 4\text{HNO}_3 = \text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 + 2\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$
 - $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2 + 2\text{H}_2\text{SO}_4 = \text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 + 2\text{CaSO}_4$
 - $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2 + 2\text{CO}_2 + 2\text{H}_2\text{O} = 2\text{CaHPO}_4 + \text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$

Ҳайдалма қатламнинг бир гектарида вегетация даврида ҳосил буладиган умумий карбонат ангидрид миқдори 7,5 млн. литр булганлигидан, ҳар килограмм тупроққа йил мобайнида 2,5 л карбонат ангидрид түгри келади. Бундай миқдор карбонат ангидрид қийин эрийдиган минерал тузларнинг, жумладан фосфатларнинг эрувчанлигига ҳам таъсир этмай қолмайды.

К. Рудаков маълумотларига кўра, тупроқ бактериялари бир-бирига боғлиқ биохимиявий реакциялар давомида фосфат тузларининг қайтарилишида ҳам иштирок этиши мумкин. Уларнинг шу тариқа қайтарилиши анаэроб шароитда содир булади ва водород фосфидгача давом эттирилиши мумкин. Бу хилдаги қайтарилиш кучи жуда ортиқ бўлиши мумкин. Рудаков тажрибаларида 3 кун давомида 50% га яқин фосфат кислота фосфид ва гипофосфид кислоталаргача ҳамда 1% га яқин фосфат кислота водород фосфидгача қайтарилиган.

Гүнг чиригандა ҳам фосфат кислота анча сарф булади. Яковлев тажрибаларида бу кислотанинг сарфи умумий фосфат миқдорининг 22,3 % га етган (гүнг 85 % нам бўлганда). Фосфат кислотанинг шу тариқа сарф бўлишини тадқиқотчилар кўпинча водород фосфид (PH_3)нинг ҳосил бўлишига боғлайдилар, бироқ бевосита текширишларда шу қайтарилиш маҳсулотини бирор марта ҳам топиб бўлмади. Бундай ҳодисани, фосфат кислота тўғридан-тўғри қайтарилиганда, кислороднинг ҳар бир атомига 77,4 кал энергия сарфлаш зарурлиги билан тушунтириш мумкин. Биронта ҳам органик модда реакцияга киришган битта кислород атомига шунча энергия бера олмайди, модомики шундай экан, фосфат кислота бевосита қайтарилиганда биронта ҳам органик модда кислород акцептори бўла олмайди. Шунга асосланниб, фосфатларнинг қайтарилиши микроорганизмлар сабаб буладиган бошқа оксидланиш-қайтарилиш процесслари натижасида содир бўлади, деб ўйлаш мумкин. Рудаковнинг фикрига кўра, фосфатлар, масалан, мой кислотали бижгишда қўйидаги тенглагамага мувофиқ оксидланиши мумкин:



Термохимиявий жиҳатдан қараганда, бундай процесслар булиши мүмкін ва, афтидан, фосфатларнинг биохимиявий йўл билан қайтирилишига худди шу процесслар сабаб бўлади.

5. ФОСФОРАКТЕРИН ҮГИТИ ВА УНИНГ ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИДА ИШЛАТИЛИШИ

Органик фосфор бирикмаларига (нуклеин кислоталар, лецитин ва бошқаларга) бой бүлган тупроқларда фосфорнинг чиқиб кетишини кучайтирувчи бактериялар (*Bac. megatherium*) препарати фосфоробактерин деб аталади. Масалан, шимолдаги торфли тупроқлар ва ҳар хил қора тупроқлар ана шундай тупроқлар қаторига киради.

Құп текширишлар фосфорнинг органик бирикмалардан минерал шаклға айланиши хилма-хил тупроқ микроорганизмларининг ҳәёт фаолияти натижасыда юзага чиқа олишини күрсатиб берди, үша микроорганизмлар органик бирикмаларни парчалаб, улардан фосфат кислота ажратади. Бу микроорганизмлар орасыда Р. Менкина органик моддага бой бүлган қора тупроқлы ердан соф культура ҳолида ажратиб олган ва органик фосфор бирикмаларини анча тез парчалайдиган бактерия хийла актив бүлади. Бу бактерия 50% га яқин фосфорни лецитиндан ва 86% фосфорни нуклеин кислотадан ажратиб олади. У спора ҳосил құлувчи таёқча (149-расм) *Bac. megatherium* (var. *phosphateum*) га яқин бўлиб чиқди. Лаборатория текширишларида бу бактерия тупроқдаги органик бирикмалардан талайгина фосфат кислота ажратди. Худди мана шу ҳол уни бактерия препарати — фосфоробактерин сифатида ишлатишга асос бўлди.

Бу препарат заводларда бактерияларни матта-матта ферментлерларда үстириш йули билан олинади. Ҳосил қилинган бактерия массаси тўлдиргич билан аралаштирилади (тўлдиргич сифатида қуруқ каолин кукуни ишлатилади) ва 35—40° да ҳаёда қуритилади. Тўғри тайёрланган фосфоробактеринда фосфор-органик бирикмаларни минералларга айлантирувчи бактерияларнинг барқарор титри юзага келтирилган бўлиши керак. Сифатли қуруқ препаратнинг ҳар грамида яшашга қобилятили бўлган камиди 200 млн. бактерия ҳужайралари бўлиши лозим. 1 гектар экин майдонига 250 г препарат солинади.

Фосфоробактеринни ишлатиш усули ҳам қийин эмас. У олдин озгина сувга аралаштирилади ва уруғлар ҳосил бўлган бутқа





149-расм. *Bacillus megatherium* (1000 марта катталаштириб курсатилган)



билин ишланади. Органик фосфор бирикмаларига бой тупроқли ерларда үтказилган текширишлар бу бактериал ўғитнинг сезиларли даражада таъсир қилишини кўрсатиб берди. Бироқ натижа ҳамма вақт ҳам бир хил бўлиб чиқавермайди. Қора тупроқли ерларда ғалла экинларидан олинадиган қўшимча ҳосил гектарига 1 ц дан 2—3 ц га етган. Кузги, шунингдек баҳори экинлардан энг кўп қўшимча ҳосил олинган. Кислотали подзол тупроқли ерларда фосфоробактерин натижа бермади. Бу препаратнинг нечоғли яхши натижа беришига органик ўғитлар фони катта таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги микробиологияси институтининг маълумотларига кўра, ер гўнг билан ўғитланганда ва юқори агротехника билан ишланганда препаратнинг таъсири сезиларли даражада кучаяди.

6. ТЕМИР ВА МАРГАНЕЦ БИРИКМАЛАРИНИНГ ҮЗГАРИШИ

Икки валентли темир ва марганец тузларининг оксидланиб, уч валентли бирикмаларга айланишини ҳам табиатда кенг тарқалган процесслар жумласига қўшиш керак. Бу процессга темир бактериялари деб аталган алоҳида микроорганизмлар групласи сабаб бўлади. Улар атрофдаги мұҳитдан темир карбонатнинг сувда эрийдиган тузларини ютади ва қуидаги тенгламага мувофиқ темир (III)-гидроксидга айлантиради:




150- расм. Темир бактериялари. Чандан ўнгга: *Cladothrix dichotoma*; *Crenothrix ferruginea*, *Chlamydothrix ochraceae*



151-расм. Темир бактериялари:

— *Gallionella ferruginea* (хужайрасы булиншилдеги кетма-кег стадиялар на "шохчали" түнч почкалар; "шохчаларниң" учнаа хужайралар бор, (Ходолинийдан олинган); 2 — *Gallionella* из *Spirophyllum ferrugineum*



151- расм. Темир бактериялари (давоми):
3- *Gallionella major*

Бу хилда оксидланишда ажралиб чиқадиган энергиядан шу бактериялар карбонат ангиридидни асимиляция қилиш учун фойдаланади.

Бу бактериялар группасидан *Leptothrix*, *Crenothrix* (150-расм), *Chlamydotrix* ва *Cladotrix* энг муҳим аҳамиятга эга. Улар умумий шилемшиқ қин билан үралган узун-узун иплар шаклида ўсади. Уларда темир гидроксид шилемшиқ қинларда тўпланади ва бактериялар нобуд бўлғандан кейин ботқоқ ҳамда кўл рудалари пайдо бўладиган материал бўлиб хизмат қиласди. Икки валентли темир тузларининг оксидланишида ипсимон бактериялардан ташқари, бир ҳужайрали формалар ҳам иштирок этади, булардан *Gallionella* ва *Spirophyllum* (151-расм) энг кўп тарқалган. Буларнинг биринчиси учлари шпилькага ўхшаб ўралишиб кетган цилиндр ип шаклида бўлса, иккинчиси ясси, спиралга ўхшаб буралган лентадан иборат бўлади.

Н. Г. Холодний маълумотларига кура, ўша иплар темир гидроксиддан иборат, темир бактерияларининг тирик ҳужайралари эса иларнинг учидан жой олади, холос. Улар қавариқ томони билан сувдан икки валентли темир тузини ютса, ботиқ томони билан эса буралган иплар шаклига кирадиган темир гидроксидни ажратиб чиқаради.

Темир бактериялари (*Leptothrix*) нинг физиологик ҳусусиятларини Виноградский батафсил текширган эди. У бу микроорганизмларнинг автотроф микроорганизмлар қаторига киришини ва органик моддалар бўлмаган муҳитда ривожлана олишини кўрсатиб беришга муваффақ бўлди. Бироқ бошқа тадқиқчилар ўша бактерияларнинг батъзилари темирсиз органик

хилма-хил бўлган минераллар киради. Бу минераллар тароқ
нинг қаттиқ фазасини ташкил этади ва механик скелетини
қилади, бўй механик скелетда ҳар хил йўналишдаги капиллар
капиллярмас оралиқлар бўлади. Тупроқнинг суюқ фазаси
ва унда эриган моддалар — худди шу оралиқларда туради
дан ташқари, тупроқда доим учинчи фаза — тупроқ ҳаваси
иборат тазсизмон фаза ҳам бўлади. Шу фазаларнинг ҳам
бирдек турмасдан аста-секин ўзгариб боради. Уларнинг ҳам
микроорганизмларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга
бўлганлигидан алоҳида-алоҳида куздан кечириш зарура
тилади. Бу обзорни тупроқнинг қаттиқ фазасидан бошли

Ер пустофиининг қаттиқ қатламида (литосфераада) оғнинг деярли ярмиси (46,3%), Кларк маълумотларига курлородга ва чорагидан күнороги (27,6%) кремнийга түғри к. Башқа элементлар арзимайдиган миқдорда бўлади. Бунданинг қаттиқ қатламида биологик жиҳатдан муҳим элем бирмунча кам бўлар экан ва улар бир томонлама сарфла бўлса, ерда ҳаётнинг чексиз ривожланиш процессини таъмла олмаган бўлар эди, деган хулоса чиқади. Гарчи юза қларга яқинлашилган сайин уларнинг салмоғи рўй-рост борса-да, умумий миқдори, ҳар ҳолда, кам бўлиб қола буни 306-бетдаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

Шу маълумотларга асосланиб, микроорганизмлар үсимликларнинг ривожланиши учун зарур элементларни маси, ҳар қалай, тупроқда бўлади, деб ҳисоблаш мумкин. Уларнинг нечогли яроқлилиги тўғрисидагина бўлиши Микроорганизмлар билан үсимликлар асосан сувда эри бирималардан фойдаланганлигидан, керакли элемент ҳар бирининг тупроқ эритмасидаги миқдори ва организм монидан сарф этилган сайн эритмада уларнинг ўрни тез тулиб туриши билан танишиш керак.

Маълумки, тупроқ эритмаси икки ҳолатда: 1) тупроқди осон ажраладиган эркин эритма ва 2) тупроқда маҳкам сақлашиб турдиган бириккан эритма ҳолатида бўлади. Электролитлар концентрацияси ўзгарганда, бу шаклларнинг иккаласи ҳам бири иккинчисига айланиши мумкин бўлса-да, тупроқ коллоидларига бириккан абсолют сув миқдори тупроқнинг максимал гироско-пиклигидан 2 — 3 баравар ортиқ бўлиши мумкин.

Тупроқ әритмасининг иккала қисмидаги тузлар, шунингдек анионлар билан катионлар концентрацияси ҳам мутлақо 0,01 моль/литр хил эмас. Тупроқ билан маҳкам бөгланган әритмада Cl⁻ ва N₃⁻ сингари анионлар манфий адсорбилинади. Шунинг учун тупроқ әритмасининг эркин қисмидаги уларнинг концентрацияси одатда бириккан қисмидагига нисбатан юқори булади. Катионлар қаторига келганды, тескари ҳодиса күзатиласы, улар маҳкам бириккан әритмада күп булади. Анионлар билан катионларнинг шу хусусиятлари тупроқдаги озиқ моддалар ўзгаришини мурак-

Баъзи тупроқларнинг химиявий таркиби (процент ҳисобида)

Тупроқ типи	Тупроқ минерал қисмининг таркиби								Миқдори	
	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	CaO	MgO	K ₂ O	Na ₂ O	P ₂ O ₅	Y ₂ O ₃ D ₂ O	Al ₂ O ₃
Ленинград обlastининг кучли подзоллашган тупроғи	76,1	13,4	4,3	0,7	1,1	3,0	1,2	0,10	2,2	0,17
Тамбов обlastининг сизм қора тупроғи	69,1	15,2	5,6	2,6	2,2	3,3	1,3	0,39	4,6	0,50
Чаквадан олинган қизил тупроқ	39,1	29,0	19,2	0,3	2,3	0,2	0,3	0,08	4,4	—

каблаштиради ва улар запасини аниқлашни қийин ва уддалаб бўлмайдиган қилиб қўяди, ҳолбуки, микроорганизмлар билан ўсимликларнинг ривожланиш тезлиги шу ўзгаришга боғлиқ.

Тупроқ эритмаси таркибидаги органик моддалар ҳам, минерал моддалар ҳам бўлади. Булар ўртасидаги нисбат жуда бекарор бўлиб, тупроқ тишига ҳамда тупроқ намунаси олинган вақтга боғлиқ.

Тупроқдаги органик моддаларнинг сувда эрийдиган қисми чиринди моддаларнинг эрувчан шаклларидангина иборат бўлмай, балки бир қанча бошқа бирикмалардан ҳам иборат, бу бирикмалар микроорганизмлар ҳаёт фаолиятининг оралиқ маҳсулотлари бўлиши ҳам, ўсимлик қолдиқларининг эрувчан бирикмалари бўлиши ҳам мумкин.

Бу бирикмаларнинг ҳаммаси микроорганизмлар томонидан осон истеъмол қилинади ва миқдор ҳамда сифат жиҳатидан анча тез ўзгаради.

Тупроқда эриган ҳолатда бўладиган органик моддалар билан бир қаторда коллоид эритмалар (масалан, чиринди кислоталар) ҳосил қиласидиган моддалар ҳам доим учрайди. Уларнинг тупроқдаги концентрацияси бир қанча сабабларга, хусусан эритмадаги электролитларнинг концентрацияси ва режимига боғлиқ.

Тупроқдаги органик моддалар ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Улар бўлмагандан эди, тоғ жинслари ва уларнинг нурашидан ҳосил бўладиган маҳсулотлар унум бера оладиган тупроққа айланмаган бўлар эди. Органик моддалар тўпланиши туфайлигина биологик жиҳатдан қимматли бўлган элементлар тупроқда сақланиб қолади ва тупроқ бир қадар нам сифдирувчан бўлади, шу хусусияти унинг агрономик хоссаларини таърифлаб беради. Она жинснинг устки қатламида дастлаб органик модда тўпланиши, афтидан, автотроф микроорганизмларнинг ривожланиши ҳисобига борган, сўнгра бу процессга яшил ўсимликлар ҳам қўшилган, улар нобуд бўлгандан кейин, танаси гетеротроф микроорганизмлар таъсирига учраган ва қисман минералларга айланиб, органик модда парчаланишининг охирги маҳсулотлари (карбо-

нат ангидрид билан сув) ни ҳосил құлган, қисман эса қайтадан ишланиб, микроб ҳужайраларининг янги мураккаб молдайларига айланған. Органик модданинг чала оксидланишидан ҳосил бұлған баъзи маҳсулотлар, шунингдек микроорганизмлар ажратиб чиқарадиган ва лизисга учраганда пайдо бұладиган әоддалар тупроқ минерал комплекси билан доим үзаро таъси қиласы ва пировард натижада чиринди вужудга келтиради, біра чиринди ҳозир ер юзида учрайдиган ҳар хил тупроқларнинг өзага келиши учун шарт-шароит туғдиради. Үша тупроқ хиллағи фақат минерал қисмининг таркиби биланғина эмас, балки микроорганизмлар углерод ва азот манбай үрнида фойдаланадиган органик моддасининг сифати ва миқдори билан ҳам бир-биридан фарқ қиласы.

Микроорганизмлар учун янада қулай бұлған углерод ва азот манбалари — тупроққа ҳар йили күплаб тушиб туралған янги үсимлик қолдиқларидир. Бу қолдиқлар таркибіда тегишли микроорганизмлар осон үзлаشتыра оладиган гемицеллюзозлар, целлюзозалар, оқсил моддалар ва бошқа органик бирикмалар бұлады. Шунинг учун янги үсимлик қолдиқларига бойитилған тупроқларда микроорганизмларнинг күплаб ривожланиши күзатиласы.

Юқорида баён этилганлардан тупроқ қаттиқ ва суюқ фазасининг химиявий таркиби унда микроорганизмларнинг ривожланиши учун жуда қулай, деган мағынан келиб чиқади. Бирекше микроорганизмларнинг күп группалари (бактериялар, актиномицетлар, сода ҳайвонлар) тупроқ әритмасининг реакциясы қулай (нейтралга яқын) бұлған шароитдагина ривожлана отыди.

Микроорганизмларнинг ривожланиши учун тупроқ әритмаси реакциясыдан ташқари, шу әритманинг осмотик активтігі ҳам мұхим ахамиятга эга. Бу активтік микроорганизмлар ҳужайра ширасининг осмотик босимидан юқори бұлса, ҳужайралар плазмолизга учраб, нобуд бұлады. Құпчилик микроорганизмлар ҳужайраларидаги осмотик босим 3—6 atm дан шамайди (Е. Н. Мишустин) ва баъзиларидагина 16 atm га етади (құрғоқчилик бұладиган областлар тупроғида яшайды бактерияларда). А. Трофимов күрсатиб бергандек, подзолли тупроқ әритмасининг осмотик босими 0,4—1,4 atm га тұғри келади да шунга күра, бундай тупроқ микроорганизмларнинг ривожланеші учун жуда қулай, деб ҳисоблаш мүмкін. Қора тупроқли ерларда эса бу босим 2,5 atm га тұғри келгани билан, барыбер, нормадан четтең чиқмайды. Шұрхок ерлардагина осмотик босим юқори (12,4 atm) ва одатдаги бактериялар учун ноқулай бұлады, бироқ бундай тупроқли ерларда одатда ҳужайраларининг осмотик босими жуда юқори бұладиган микроорганизмлар ривожланады.

Шундай қилиб, тупроқ әритмасининг осмотик активтігі тупроқ микроорганизмларининг ривожланиши учун анча күлайдыр. Тупроқда қаттиқ ва суюқ фазалар билан бир қаторда разсимон

фаза ҳам борлиги ҳисобга олинадиган бўлса, тупроқ муҳитининг микроорганизмлар учун аҳамияти янада ортади.

Тупроқнинг газсимон фазаси ёки тупроқ ҳавосининг таркибида карбонат ангидрид, азот ва кислород бўлади. Шулардан кислород ниҳоятда муҳим, чунки кислород бўлмаса, аэроб микроорганизмлар ривожлана олмайди. Тупроқнинг табиати, иқлим шароити ва йил фаслига қараб, тупроқ ҳавосининг таркиби анча ўзгариб туради. Бироқ тупроқ ҳавоси таркибida кислород доим кўп миқдорда топилади. Бу газнинг ўртача миқдори тупроқ ҳавоси ҳажмининг 7—8% га яқин бўлади ва тупроқ билан атмосфера ўртасида газлар зўр бериб алмашиниб турмаса, у горҳо баъзи аэроб микроорганизмларнинг ривожланишини сусайтириб қўювчи фактор бўлиб қолиши мумкин, чунки тупроқда кислородни биргина микроорганизмлар эмас, балки ўсимлик илдизлари ҳам истеъмол қиласди.

Тупроқ ҳавосида учрайдиган хилма-хил газлар кислород, азот ва карбонат ангидридангина иборат эмас. Унда кўпинча бир оз миқдорда водород, метан ҳамда азот оксидлари ва бошқа бирикмалар ҳам бўлади, бироқ булар одатда микроорганизмлар ҳаёт фаолияти маҳсулоти бўлиб, кам миқдорда учрайди ва чекловчи фактор ўринини боса олмайди.

Шундай қилиб, тупроқда микроорганизмлар ўзининг барча ҳаётий функцияларини амалга ошириш учун анча қулай шартшароит юзага келади. Тупроқ хусусиятларига кўра, температура ҳам унда қулай бўлади. Одатда ернинг микроблар энг кўп тўпланадиган 10—20 см чуқурлигига тупроқ —6, —10° гача совиди. Ҳақиқатда ҳам, ҳар хил тупроқларда ва ҳатто биргина тупроқнинг ўзида намнинг нечоғли қўп-озлигига қараб, температура режимининг анчагина ўзгариб туриши кузатилади. Лекин ҳамма жойда микроорганизмларнинг ривожланиши учун шартшароит, афтидан, етарлича қулай бўлади ва қаҳратон қиши ойларида ҳам улар нобуд бўлмайди. Ёз ойларида, ҳайдаладиган қатламда температура 15—20° гача кўтарилиганда эса уларнинг ривожланиши учун шароит қулай (оптимал) бўлади, деб ҳисоблаш мумкин.

Тупроқда микроорганизмларнинг ривожланиши учун ҳамма шарт-шароит мавжуд, шунинг учун унинг ҳар гектарида ўзига хос хусусиятларига кўра, миллиардлаб микроорганизм бўлади.

2. ТУПРОҚДА МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ

Микроорганизмлар умуман табиатда ва қисман тупроқда кенг тарқалган. Уларни ер юзининг ҳар бир бурчагидан топиш мумкин. Чиритувчи бактериялар, мой кислота ҳосил қилувчи бактериялар ва нитрификацияловчи бактериялар, шунингдек актиномицетлар билан мөгор замбуругларининг ҳар хил турлари тупроқда айниқса кенг тарқалган. С. Н. Виноградский ер юзи-

нинг жуда хилма-хил бурчакларидан олинган тупроқ намуналарини текширди ва ҳамма ерда бир-бирига яқин турадиган нитроз ва нитрат бактериялар хилларини топди. Бредеман ҳам мой кислота ҳосил қиласидиган бактерияларни текширганда будди шундай натижани қўлга кирилди.

**Микроскоп остида санаш усули билан олинган маълумотларга кура, СССР тупроқларидаги микроорганизмлар сони
(Е. Н. Мишустиндан олинган)**

Тупроқлар	Тупроқларнинг ҳолати	Микроорганизмларнинг умумий сони (млн. тисобида)	
		1 г тупроқда	1 мг тупроқ азотига тўғли келадиган сони
Подзол тупроқлар	Қуриқ ерлар	300—600	70 га яқин
Чимли-подзол тупроқлар	Қуриқ ерлар Ўзлаштирилган ерлар	600—1000 1000—2000	200 га яқин 250 га яқин
Қора тупроқлар	Қуриқ ерлар Ўзлаштирилган ерлар	2000—2500 2500—3000	600 га яқин 750 га яқин
Буз тупроқлар	Қуриқ ерлар Ўзлаштирилган ерлар	1200—1600 1800—3000	2000 га яқин 2400 га яқин

Ҳар хил тип тупроқлардаги микроорганизмларнинг умумий сони жуда ўзгариб туради, буни қўйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

Жадвалда қуриқ ерларнинг A₁ қатламидаги ва ўзлаштирилган ерларнинг ҳайдаладиган қатламидаги, яъни ривожланиш учун энг қулай жойлардаги микроорганизмлар миқдорини курсатадиган маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлар бир гектар ернинг ҳайдаладиган қатламига туғри келадиган бактерия массасининг тирик вазнига айлантириб ҳисобланадиган бўлса, тахминан қўйидаги сонлар келиб чиқади: ўзлаштирилган чимли-подзол тупроқли ерларда 3,5 т, қора тупроқли ерларда 5,2 т ва буз тупроқли ерларда 5 т.

Шунча кўп микроорганизмлар тупроқнинг устки қатламларидагина учрайди. Бирмунча чуқур қатламларда улар анча кам бўлади, қўйидаги жадвал маълумотлари шуни тасдиқлайди.

Тупроқнинг анчагина чуқур қатламлари, хусусан қўйи қатламлари кучли подзоллашган чимли-подзол тупроқли ерлар тобора камроқ биоген бўлиб боради.

Турли тупроқларда бактерияларнинг группа таркиби ҳам бир хил эмас. С. Н. Виноградский табиий тупроқларда асосан кокксимон микроблардан иборат алоҳида аутохтон микрофлора бор, деб тахмин қилган бўлса-да, лекин тупроқ бактериялари ассоциацияларида доим таёқчасимон микроблар ҳам булиши

Бактерияларнинг тупроқ қатламларида тарқалиши
(млн/га ҳисобида, С. Разумов ва Н. Ремезов дан олингган)

Генетик қатламлар	Чуқурлиги (см ҳисобида)	Үртacha подзоллаш- ган тупроқ (қуруқ ер тупроғи)	Чуқурлиги (см ҳисобида)	Үртacha подзоллаш- ган тупроқ (шуд- гор тупроғи)	Чуқурлиги (см ҳисобида)	Үртacha подзоллаш- ган тупроқ (ўрмон тупроғи)
A_1	1—4,5	955,3	2—5	1086,0	0—2,5	2693,0
	4,5—7,5	852,9	10—15	982,4	2,5—5	2246,6
	7,5—11	565,9	—	—	5,8	1781,5
$A_1 - A_2$	11—15	402,6	—	—	9—12	782,6
	15—19	87,1	16—18	618,2	12—15	517,0
A_2	19—23	71,0	20—22	382,5	16—20	355,9
	23—28	50,8	—	—	21—25	265,6

ҳозир аниқланган, деб ҳисоблаш керак. Уларнинг кўпчилиги спора ҳосил қилмайдиган ва тахминан 10—20% спора ҳосил қиласидаган бактериялардир.

Бактериялардан ташқари, тупроқда актиномицетлар ҳам кенг тарқалган. Улар баъзан тупроқдаги умумий микроорганизмлар сонининг 30% ва ундан кўпроғини ташкил этади. Ҳақиқатда, бу рақамларга нисбатан бир қадар эҳтиёт бўлиш керак, чунки актиномицетлар жуда кўп спора ҳосил қилиши мумкин, пластинкалар усули билан ҳисоблаш вақтида бу споралар инди-видуал организмлар ҳисобланади ва умумий ҳисобга киради. Шунинг учун тупроқда аниқ ривожланиб турган актиномицетлар сони ошиб кетиши мумкин. Тупроқдаги шарт-шароит нечоғли иноқулай бўлса, споралар шу қадар кўп бўлади ва уларнинг сони шу қадар ошиб кетади. Бироқ бу микроорганизмлар ҳам тупроқда кенг тарқалганлигига шубҳаланмаслик керак. Уларнинг ривожланиши ҳам бир қанча шароитга боғлиқ бўлади ва шунинг учун жуда ўзгариб туради. Тупроқ намлиги билан температураси булар учун айниқса муҳим аҳамиятга эга. Бу микроорганизмлар тупроқ бактерияларига нисбатан камроқ намесвар бўлганлигидан, тупроқда тўла нам сифимининг 20% га яқин нам бўлганда ҳам яхши ривожлана беради. Бундай намлика тупроқ бактериялари ривожланишдан тўхтайди. Шунга кура, тупроқ намлиги жуда камайиб кетадиган ёзги жазирама кунларда актиномицетлар бактерияларга қараганда анча кучли ривожланиди. Тупроқда етарли миқдорда нам бўладиган баҳор пайтларида эса тупроқ бактериялари тез ривожланади. Кузнинг дастлабки ойларида, яъни тупроқ актиномицетлар углерод манбай ўринида фойдаланадиган талай миқдордаги лигнинлашган целялюзали ўсимлик қолдиқлари (ўсимлик илдизлари, тукилган барглар ва ҳоказолар) билан қайтадан бойиган вақтда улар яна зўр бериб ривожлана бошлайди ва кўпинча тупроқ микрофлорасининг деярли ярмисини ташкил этади.

Замбуруғлар ҳам хилма-хил тупроқларда жуда кенг тарқал-

ган. Уларнинг сони умумий микроблар сонининг 1—3% гача етиши мумкин. Лекин уларни ҳисоблаш усуллари етарли дара жада аниқ бўлмаганлигидан турли тадқиқотчилар қўлга киритган рақам материалларида анчагина фарқ бўлади.

Тупроқ типи, қатламларнинг қанчалик чуқурдалиги ва улар нечоғли ўзлаштирилганлигига кўра, сон кўрсаткичлари жуда ўзгаради, лекин ҳар ҳолда юқори бўлиб қолаверади. Т. Халабуднинг Киев атрофидаги тупроқлардаги замбуруғлар сонини ҳисоблашга бид маълумотлари шу қоидани тасдиқлаши мумкин. У 4—5 см ли қатламда 1 г тупроқда 200 мингдан 700 минг гача, 20—25 см ли қатламда эса 50 мингдан 100 минггача замбуруғ топди. Шу тупроқларда *Penicillium*, *Mucor*, *Trichoderma* ва *Cladosporium* нинг ҳар хил турлари кенг тарқалганлиги маълум бўлди.

1 г тупроқда неча миллиардлаб бактерия ва актиномицетлар ҳамда ярим миллиондан кўпроқ замбуруғларнинг бўлиши, тупроқнинг ниҳоятда биогенлигини кўрсатади. Унда учрайдиган микроорганизмларнинг тирик вазни, юқорида кўрсатилгандек, 1 гектар ернинг ҳайдаладиган қатламига ҳисоб қилинганда, 3—5 т га етади.

Тупроқдаги микроорганизмларнинг роли уларнинг оғирлигидан кўра, тупроқ эритмасига актив таъсир этишига кўпроқ боғлиқ эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса (микроорганизмларнинг тупроқ эритмасига таъсири ҳар гектар ерда одатда неча юзлаб минг квадрат метрга боради), микроорганизмларнинг тупроққа кўрсатадиган таъсири ҳаддан ташқари катта бўлади.

3. МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕЗЛИГИГА ТУПРОҚ ТИПИННИНГ ТАЪСИРИ

Тупроқ микроорганизмларининг активлиги уларнинг ҳаёт фаолиятига бевосита таъсир кўрсатадиган бир қанча шарт-шароитга тўғридан-тўғри боғлиқ. Бу шарт-шароитдан тупроқнинг органик моддалар билан нечоғли таъминланганлиги ва тупроқ эритмасининг реакцияси энг муҳим аҳамиятга эга. Тупроқдаги чиринди миқдори билан унда учрайдиган микроорганизмлар сони ўртасида бевосита боғланиш борлигини аниқлаш мумкин. Тупроқда микроорганизмлар кўп тарқаладиган чуқурлик ундаги чиринди қатламининг чуқурлигига боғлиқ. Чиринди қатлами бирмунча қалин бўладиган қора тупроқли ерларда, чиринди унча чуқурда бўлмайдиган подзол тупроқли ерлардагига қараганда, микроорганизмлар анча чуқурда тарқалган бўлади.

Ҳар хил тупроқларда учрайдиган микроорганизмларнинг сонини 312-бетдаги жадвал маълумотларидан билиш мумкин.

Жанубий бўз тупрокли ерларда микроорганизмлар энг кўп бўлса, шимолий торфли тупроқ ва подзоллашган тупроқли

**Микроскоп остида санаш усули билан ҳисобланганда, тупроқнинг
ҳар хил типлари таркибидаги микроорганизмлар сони
(млн. дона ҳисобида, Лазаревдан олинган)**

Тупроқ типи	1 г тупроқдаги микроогра- низмлар сони	1 мг тупроқ азотига тўғри келадиган мик- роорганизмлар сони
Торфли ботқоқлик	707	51
Ишланган торфли ботқоқлик	1003	65
Ишланган подзол тупроқ	441	153
Қора тупроқ, қуриқ ер	2409	630
Оддий қора тупроқ, қўриқ ер	1930	447
Жанубий қора тупроқ (бугдойзор)	3500	1020
Қора тупроқ (шудгор)	2694	730
Буз тупроқ (сугориладиган майдон)	1250	2347
Ишланмаган ва сугорилмайдиган буз тупроқ	1622	1978
Сугориладиган, пахта экиладиган буз тупроқ	1830	2232

ерларда энг кам бўлади. Шимолий подзоллашган тупроқли ерлардан чимли-подзоллашган тупроқли ерларга, қора тупроқ ва бўз тупроқли ерларга ўтилар экан, микроорганизмлар сони рўйрост ортиб боради ва улар тупроққа ажратадиган азот фонди, афтидан, тобора кўпаяди ҳамда сугориладиган бўз тупроқли ерларда ўз ниҳоясига етади. Турли тупроқларда физиологик группалар таркибига кўра ҳам худди шундай тафовут кузатилади. Тупроқ шароити ривожланаётган микрофлорага маълум дараҷада таъсир кўрсатади. Бир типдаги тупроқдан бошқа типдаги тупроққа ўтилганда, тупроқ микрофлораси организмларининг сони жиҳатдан ҳам, ўзининг группа таркиби жиҳатдан ҳам жуда ўзгаради.

4. МИКРООРГАНИЗМЛАР ВА ТУПРОҚНИНГ МЕХАНИК ТАРКИБИ

Тупроқнинг механик таркиби ҳам унда ҳар хил микроорганизмларнинг тарқалишига ва уларнинг физиологик активлигига катта таъсир кўрсатади. Н. Н. Худяков ва ҳамкорларининг ишлари билан ҳам шу нарса аниқланган эдики, бактерияларнинг бир қисми тупроқда «адсорбилинган» ҳолатда бўлади ва уларнинг адсорбилиниш даражаси тупроқнинг механик таркибига боғлиқ бўлади. Буни Е. Дианова ва А. Ворошилованинг текширишларидан ҳам билиш мумкин. Улар тупроқни текширад экан, тупроққа бактериялар кўплаб солингданда ҳам, баъзан микроскопнинг кўриш майдонида уларни топиб бўлмаслигини аниқладилар. Бунда адсорбцияни миқдор жиҳатдан аниқлаш учун пробиркадаги 5 г тупроққа текширилаётган бактериянинг бульонли культурасидан 1 мл ва 9 мл стерилланган сув қўшилади. Стерилланган сув солингдан, лекин тупроқ солинмаган иккинчи порбирка билан ҳам худди шундай иш қилинди. Улар яхшилаб

аралаштирилиб, 10 минут тиндириб қүйилгандан кейин, иккяла пробиркадан олиб Петри косачасидаги гүшт-пептонли агарга экилади. Бир қанча вақтдан кейин колониялар санаб чиқилып еки Виноградский усули билан миқдор анализи қилиш учун пробиркалардаги аралашмадан тұғридан-тұғри препаратлар тайёрланди. Олинган натижалар бактерияларнинг хилма-хил тұлары ҳар хил энергия билан ютилишини күрсатиб берди. *Vas. mycoides* айниңса катта ютилиш процентаға әга булып чиқади. Бактериялар ҳаракатчанлыгынинг улар ютилиш дәражасыга таъсири кейинги текширишлардан маълум бўлди: тажрибаларда фойдаланилган бактериялар нечоғли ҳаракаттан бўлса, улар шунча кам ютилган.

Тупроқ заррачаларининг йирик-майдалиги тупроқда микроорганизмларнинг тарқалишига катта таъсир күрсатишини тиңги текширишлар ҳам күрсатади. Бу тамомила равшандир, чунки заррача атрофидаги микросферанинг физик-химиявий хусусиятлари тупроқ заррачаларининг йирик-майдалигига боғлиқ, улар эса, ўз навбатида, микроорганизмларнинг ривожланишига катта таъсир күрсатади. Агар майда күзли элакдан ўтказилган тупроқ агарли муҳитга экилса (Д. Новогрудский) ва термостатда бир оз сақланғандан кейин косачалар микроскоп остида қаралса, диаметри 10 м дан ҳам кичик бўлган энг майда заррачаларга микроорганизмлар деярли мутлақо ўрнашмаганлигини аниqlаш мумкин. Бундай заррачалар бир неча кунгача агарли муҳит юза-сида стерил булып қолаверади. Анча йирик ($100-200 \mu$) заррачалар эса биринчи 24 соат ичидәёқ микроорганизмларнинг яхши ривожланишига имкон беради.

Майда тупроқ агарли муҳитга солингандагина эмас, балки тегишли тупроқ фракцияларига үстириш шишалари қушилганда ҳам (Холодний усулига кура) шу қонуният рўй-рост аниqlанади. Майда заррачали тупроқ фракциясига қушилган шишаларда битта-яримта бактерия ҳужайраларини куриш мумкин, болос, лекин улар ҳамма кўриш майдонларида топилавермайди. Йирик заррачали тупроқда сақланаётган үсиш шишаларida эса жуда кўп бактериялар билан замбуруғлар тўплапганлиги кузатилади. Йирик-майдалиги ҳар хил бўлган тупроқ заррачаларидан замбуруғлар билан актиномицетлар тарқалганда ҳам шинга ушаш натижа келиб чиқади. Тупроқнинг механик таркиби билан унда микроорганизмлар ривожланиши ўртасида боғланиш боғлиги туфайли, кузатилаётган ҳодисаларнинг сабаби ним? Нама сабабдан бирмунча йирикроқ заррачаларда микроорганизмлар кўп учрайди? деган табиий савол туғилади.

Майда тупроқнинг ҳар хил фракциялари химиявий таркиби ва физик-химиявий хоссалари билан бир-бираидан ғарқ киллади. Тупроқ заррачалари нечоғли майдаланиб кетса, тупроқ массаси-ни кесиб ўтадиган ҳаво бўшлиқлари шунча камаяди ва тупроқ ҳавоси билан заррачалар сирти ўртасидаги нисбат шунча

ноқулай булиб чиқади. Бундан ташқари, йирик-майдалиги ҳар хил булган заррачалар юзасини қоплаб турадиган пардаларнинг хоссалари ҳам турлича булади.

Химиявий ва физик-химиявий табиатга эга бўлган шу хусусиятлар, афтидан, тупроқ заррачаларида - микроорганизмлар миқдорининг ҳар хил бўлишини белгилайди ва мазкур тупроқнинг экологик хусусиятларини ифодалайди. Ўша хусусиятларни ҳисобга олганда, микроорганизмлар айрим турларининг бирор хил тупроқда нима сабабдан кенг тарқалишини ҳам билиш мумкин. Микроорганизмларнинг муҳит экологик шароитига камроқ талабчан баъзи хиллари ҳар хил типдаги тупроқда анча кўп учраса, яшаш шароитига жуда талабчан бўлган бошқа хиллари маълум экологик шароитдагина тарқалади. Масалан, азотобактер қора тупроқли қўриқ ерларнинг бир қанчасида ривожлана олса ҳам, уларнинг баъзиларида гина учрайди, холос.

5. МИКРООРГАНИЗМЛАР ВА ТУПРОҚНИНГ ЮТУВЧИ ҚОМПЛЕКСИ

Тупроқнинг ютувчи комплекси ва алмашинадиган катионларнинг тарқиби ҳам тупроқнинг ҳаво, сув ва озиқ режимига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун, тамомила табиийки, ютувчи комплекснинг миқдори тупроқ микробиологик активлигини ҳам кўп даражада белгилайдиган бўлади. Микроорганизмлар тупроқ заррачаларининг юзасида ривожлангани билан, улар танасини тузиш учун керакли озиқ моддаларни оладиган тупроқ эритмасининг тарқиби ўша организмларга катта таъсир кўрсатади. Алмашинадиган катионлар айниқса муҳим аҳамиятга эга, чунки тупроқ структураси уларнинг характеристига кўп даражада боғлиқ. Тупроқда кальций билан магний кўп бўлса, унда коллоид комплекслар билан мустаҳкамланган структура агрегатлари осонлик билан юзага келади. Борди-ю, тупроқда калий, натрий ва аммиак кўп бўлса, унинг микроструктураси жуда майдалашиб кетади. Ўндаги органик модда микроорганизмлар таъсирида парчаланишига анча қулай булиб қолади ва улар томонидан минералларга осон айлантирилади.

Ерга тупроқнинг ютувчи комплексига бевосита таъсир кўрсатадиган ҳар хил ўғитлар солингандা, улар тупроқнинг микробиологик активлигига қандай таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш керак. Масалан, микроорганизмларга унча қулай келмайдиган кальций гуматлар ҳосил бўлиши туфайли, алмашинадиган кальций чиринди моддаларнинг парчаланишини секинлаштиради. Бироқ бу кальций ўсимлик қолдиқларидаги органик модданинг парчаланишига бошқача таъсир кўрсатади. Тупроқ органик моддасига қарши улароқ, ўсимлик қолдиқлари кальций иштирокида шунинг учун тез парчаланадики, эритмадаги pH микроорганизмларнинг ривожланиши учун қулай даражада сақланиб туради.

Бундан, тупроқ структураси ва ютилган асослар таркиби муҳим аҳамиятга эга, чунки улар микроорганизмлар жойлашган зоналарда pH нинг силжиш даражасинигина эмас, балки тупроқ эритмасида улар учун заарли бўлган алюминий, марганец ва темир ионларининг пайдо бўлишини ҳам белгилаб беради. Деган хулоса келиб чиқади. Мана шуларнинг ҳаммаси микроорганизмлар тупроқнинг ютувчи комплексига боғлиқ эканлигини ва қишлоқ хўжалигида мавжуд шароитда, хусусан ерга ҳар хил минерал ва органик ўфитлар солишда ютувчи комплекс таркибини ҳамда ютиш сифимини ҳисобга олиш кераклигини кўрсатади.

6. ТУПРОҚ БАКТЕРИЯЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИГА ТАЪСИР ҚИЛАДИГАН ЭКОЛОГИК-ГЕОГРАФИК ФАКТОРЛАР

Микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти теварак-атроф муҳити билан чамбарчас боғланган, шунга кўра, бирор хил тупроқдаги экологик вазият тупроқ микроорганизмлари бирор формасининг ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатади. Айрим тупроқларда учрайдиган микроорганизмларнинг сонидагина эмас, балки ҳатто бир тур доирасида ҳам сифат таркиби жиҳатдан фарқлар бўлишини Е. Н. Мишустиннинг батафсил текширишлари кўрсатиб берди. Микроорганизмларнинг тупроқ-икким шароитига мослашуви бир қанча морфологик, культурал ва физиологик хоссалари билан бир-биридан фарқ қиласидиган географик группачаларнинг ҳосил бўлишига олиб келди. Е. Н. Мишустин тупроқда кенг тарқалган микроорганизм *Vac. mycoïdes* нинг экологик группачаларини текширас экан, шу микроорганизмнинг тегишли формалари билан тупроқ типи ўртасида қонуний боғланиш бўлишини аниқлади. Кенг тарқалган тупроқ бактериялари группачаларининг муайян тупроқ типларига мослашувидан ташқари, тупроқ микроорганизмларининг бутун-бутун гуруҳлари ҳам ўша тупроқ типларига мослашганлиги нузатилади. Масалан, спора ҳосил қиласидиган бактериялар гуруҳида шу жиҳатдан катта фарқлар бор. Бу 316-бетдаги жадвалдан кўриниб турибди.

Тупроқнинг 1 г органик моддасига тўғри келадиган бациллалар сони ҳар хил тупроқ типларида жуда ўзгариши ва шимол тупроқларидан жануб тупроқларига ўтилган сайин торора кўпайиб бориши юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибди.

Экологик шароит спора ҳосил қиласидиган бактерияларнинг таркибигагина таъсир кўрсатиб қолмай, балки спора ҳосил қиласидиган бактериялар билан замбуруғларнинг доминант (устун) формаларига ҳам таъсир қиласиди. Чунончи, целлюлозани парчалайдиган микроорганизмларда микроблар қўйидагича алмашинади. Е. Н. Мишустин маълумотларига кўра, тундра тупроқларида целлюлозани парчалайдиган замбуруғларнинг секин ўсадиган формалари устун туради. Буларга муҳит шароитига кам

**Турли тупроқлардаги бактерияларнинг умумий сони ва спора
ҳосил қилувчи ҳужайралар миқдори**
(Е. Н. Мишустиндан олинган)

Тупроқ	1 г тупроқла (минг дона ҳисобида)		1 г органик моддада (минг дона ҳисобида)	
	бактерияларнинг умумий сони	спорада ҳосил қилувчи ҳужайраларнинг умумий сони	бактерияларнинг умумий сони	спорада ҳосил қилувчи ҳужайраларнинг умумий сони
Тундралар				
Қирғоқ бўйи террасаси, усимликли кутб саҳроси	2400	0,200	30000	2,5
Қирғоқ бўйи террасаси, йусуныли ботқоқ	5000	0,170	33000	1
Полигонал қутб саҳроси	2900	5,400	24000	45
Тақирип аралаш полигонал чала саҳро	450	1,000	22500	50
Барг-пояли моҳ ботқоги	1000	8,900	5300	47
Ўтлар билан қопланган аллювиал тупроқ	700	6,700	9800	94
Даштга айланган ён бағир	1200	33,000	10800	300
Ўрмон-тундра				
Аралаш ўрмон	114	18	3400	550
Янги кесилган ўрмон	66	20	200	600
2 йилдан бери экин экилаётган далалар	300	110	17500	2700
7 йилдан бери экин экилаётган далалар	560	170	13000	4000
Ўрмон зонаси				
Соликамск тажриба даласи, утлоказ	500	80	16000	2,560
Ўша жой, ўғитланмаган дала, сули экилган	720	125	22000	3,750
Ўша жой, гўнг солинган дала, сули экилган	1400	310	38000	8,400
Москва атрофида, картошкадан кейин ўғитланмаган дала	440	230	15000	7,500
Москва атрофида, картошкадан кейин гўнг солинган дала	870	380	26000	11,500
Дашт зонаси				
Тошлоқ дашт, буз ер	1200	530	13000	5,830
бедазор	1500	600	17000	6,600
Аскания-Нова, қуриқ ер	2200	800	26000	9,600
* шудгор	2600	1100	31000	13,000

Тупроқ	1 г тупрокда (минг дона ҳисобида)		1 г органик моддада (минг дона ҳисобида)	
	бактерияларнинг умумий сони	спораларнинг умумий сони	бактерияларнинг умумий сони	спораларнинг умумий сони
<i>Куруқ дашт ва саҳролар</i>				
Боку атрофида, ўзлаштирилмаган қўнгир тупроқли, ер .	700	260	34000	12,500
Боку атрофида, қўнгир тупроқли ер, пахта экилган	6300	1400	280000	63,000
Мирзачул, лалмикор ер	2200	650	112000	33,000
пахта экилган ер. . .	8900	780	450000	40,000

талаабчан бўлган замбуруг *Dematium* ни, шунингдек та-комиллашмаган ва пикнидияли замбуруғларнинг баъзи формаларини киритиш мумкин. Подзол тупроқли зоналарнинг, асосан, ўтлоқ ва ўзлаштирилган ерларнинг тупроғида *Muhsoccus*, *Polyangium* авлодига кирадиган миксобактериялар устун ҳолда ривожланади, лекин уларда режим анча қулай бўлганда *Cytophaga* ҳам учрайди.

Чўл зонасидаги тупроқларда *Cytophaga* ва *Cellvibrio* типидаги миксобактериялар зур бериб ривожланади.

7. ТУПРОҚДАГИ МИКРООРГАНИЗМЛАРНИГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

Микроорганизмлар табиий шароитда мураккаб биоценоз, яъни бир-бири билан ҳам, юқори ўсимликлар билан ҳам муайян муносабатда бўладиган бирлик ҳосил қиласди. Бу ўзаро муносабатлар жуда хилма-хил бўлиши мумкин. Лекин асосан қўйидаги туртта типдан: 1) симбиоз; 2) метабиоз; 3) антагонизм ва 4) паразитизмдан иборат бўлади. Бу типларнинг ҳар бири ўз хусусиятларига эга бўлиб ё тўла, ёки қисман амалга ошади.

Симбиотик ўзаро муносабатлар тупроқ микроорганизмлари билан ўсимликлар орасида анча кўп учрайди. Тугунак бактериялари билан дуккакли ўсимликларнинг бирга яшаши ана шунга мисол бўла олади. Тугунак бактериялари дуккакли ўсимликдан углеродли озиқ ва минерал тузларни олади, бунинг ўрнига эса атмосфера азотидан фойдаланиб, ўзи синтез қилган азотли моддаларнинг бир қисмини ўсимликка беради.

Микориза замбуруғлари билан илдизида шу замбуруғлар яшайдиган ўсимликлар ўртасида ҳам шунга ўхшаш ўзаро муносабат юзага келади. Эктороф микоризада замбуруғ ўзининг аммонификациялаш активлиги туфайли азотли моддалар

олишда ўсимликка ёрдам беради, унинг бу активлиги тупроқдаги азотли органик бирикмаларнинг илдиз юзаси ёнида парчаланишига бօғлиқ. Микотроф ўсимликлар илдиз ҳижайралари ширасининг химиявий таркиби оид маълумотлар бунга далил бўлиши мумкин. Уша ширада нитратларни ҳеч қачон топиб бўлмайди, лекин аммиакни топиш мумкин. Афтидан, илдизларида микориза бўлса, ўсимлик, замбуруғнинг аммонификациялаш активлиги туфайли ҳосил бўладиган аммиакни бевосита истеъмол қиласди.

Микориза замбуруғлари тупроқдан фосфорли бирикмаларни олишда ҳам ўсимликка ёрдам беради. Микориза бўлмагандан, қарағай кучатлари фосфорли озиққа ёлчимай қолишига, микориза замбуруғлари бўлганда эса бундай ҳодиса бўлмаслигига қараб ҳам шу тўғрида фикр юритиш мумкин.

Ўсимликларнинг қўшимча ўстириш факторлари билан таъминланишида, ҳам микориза замбуруғлари жуда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, орхидея илдизларида замбуруғ симбионтлари бўлмаса, жуда секин ривожланади; муҳитга ҳатто олдиндан нобуд қилинган замбуруғ мицелийси солинганда эса улар илдизларида замбуруғлар яшамаса ҳам одатдагича ривожлана бошлияди. Кейинги текширишлардан маълум бўлгандек, микориза замбуруғлари биос II типдаги ўстирувчи моддалар ажратиб чиқаради.

Ўсимлик билан микориза замбуруғи ўртасида ўстириш активаторларининг алмашиниши икки ёқлама характеристега эга бўлади. Адабиётда ўсимликлар илдиз системаси ажратиб чиқарадиган ўстириш моддаларининг микориза замбуруғларига яхши таъсир қилиши тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Масалан, Мелин ўрмон қўйининг сувли экстрактларини текширар экан, уларнинг ҳаммасида тиаминга муҳтож замбуруғларнинг ривожланишини кучайтирувчи моддалар эриган ҳолда бўлишини топди.

Бироқ микориза замбуруғлари ўсимликларнинг ўсишига қулагай таъсир кўрсатибгина қолмай, балки улар илдиз юзасида ривожланар экан, ўзи ҳам бир қадар фойдаланади: аввало у, барглардан илдизларга диффузияланиб ўтадиган углеводлар шаклидаги углеродли озиқ билан таъминланади. Замбуруғнинг зўр бериб ривожланишидан ташқари, сингадиган азот бир қадар камчил, аммо ёруғлик оптимал бўлган шароитда ўсадиган ўсимликларнинг жуда тез мўл-кўл микориза ҳосил қилишига қараб ҳам шу тўғрида фикр юритиш мумкин. Ўсимликлар зўр бериб азот билан таъминланганда ва фотосинтез сусайиб қолганда натижга аксинча бўлиб чиқади. Бундай шароитда микориза ҳосил бўлиши одатда жуда секинлашиб қолади.

Мана шуларнинг ҳаммаси микотроф ўсимлик ва у билан бирга яшовчи замбуруғ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мураккаблигини курсатади. Ўсимликларнинг ўсиш шароитига қараб, микориза замбуруғлари фойдали симбионтлар бўлибгина қол-

май, потенциал паразитлар бўлиши ҳам мумкин. Уларниң функцияси ўсимликларнинг ҳолатига боғлиқ бўлади ва хий ўзгариб туриши мумкин.

Айрим замбуруғлар билан кўк-яшил сув ўтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни симбиознинг янада типик мисоли деб ҳисоблаш керак. Улар бир-бири билан шу қадар маҳка боғланадики, пировард натижада янги ўсимлик организм ҳосил қиласди, бундай организм ли шайни деб аталади. Гетеротроф замбуруғ атрофдаги муҳитдан минерал моддалар ва сув олади, сув ўти эса ҳаводаги карбонат ангидрид ҳамда замбуруғ нафас олиш процессида ажратиб чиқарадиган карбонат ангидридан зур бериб органик моддалар синтез қиласди. Натижада иккала организм овқатни жуда тежаб сарфлайдиган карбонат ангидридан шароитда ривожлана оладиган группа ҳосил қиласди.

Микроорганизмлар билан ҳайвонлар ўртасида ҳам шунга ўхшаш ўзаро муносабатлар бўлади. Масалан, ёғоч, жун ва шунга ўхшашлар билан озиқлана оладиган ҳашаротлар ишагининг алоҳида ҳужайраларида юқорида айтилган органик материалларни гидролиз қиласидиган маҳсус бактериялар бўлади. Ҳашаротлар бу бактерияларни купинча наслдан-наслга утказганидан, уларнинг ўша бактериялар билан табиатан симбиоз ҳосилда бирга яшashi шак-шубҳа туғдирмайди.

Симбиоз ҳолдаги ўзаро муносабатлар микроорганизмлар ўртасида кўп учрайди. Бундай муносабатлар шу билан белгилана-дики, бальзан бир микроб иккинчи микробнинг ҳаёти учун зарур бўлган бирор бирикмани (витаминалар, аминокислоталар ва бошқаларни) ишлаб чиқаради. Бошқа ҳолларда микроорганизм иккинчи микроб ҳаёт фаолияти натижасида ҳосил бўладиган заарали маҳсулотларни парчалалиши ва шу туфайли унинг ривожланишини яхшилаши мумкин.

Бироқ тупроқ шароитида метабиоз энг кўп учрайди. Бу ҳолда бир тур микроорганизм иккинчи тур микроорганизмдан кейин ривожланади ва унинг ҳаёт фаолияти натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлардан фойдаланади. Шунга кўра, талайгина процесслар, жумладан, органик модданинг минералларга айланниши ҳам анча тез боради.

Целлюлозани парчалайдиган бактериялар унинг парчаланиши маҳсулотларини муҳитга чиқармаганда эди, азотобактер, масалан, целлюлозада бемалол ривожлана олмаган бўлар эди. Маълумки, азотобактерга азотсиз органик бирикмалар келак, лекин у целлюлозани ўзлаштириш хусусиятига эга эмас. Целлюлозани парчалайдиган бактериялар эса муҳитда тўпланадиган органик кислоталардан заар кўради, бу кислоталар уларнинг ўша бирикмага таъсир қилиши натижасида ҳосил бўлади. Шунинг учун бу кислоталарнинг азотобактер томонидан сарфланшининг ўзи целлюлозани парчалайдиган бактерияларнинг янада ривожланиши учун анча қулай шароит туғдиради. Шу тартиба бирга

яшаш натижасида иккала микроорганизм ҳам қулай шароитда бұлади ва, целлюлозаны тез парчалайды. Нитрификацияловчи бактериялар группасида, яғни битта бактериянинг ҳаёт фаолияти натижасида ҳосил бұладиган маҳсулоттар (нитритлар) иккинчи бактериянинг озиқланиши учун асосий материал булиб хизмат қыладиган бактериялар орасида, шунингдек тупроқ микрофлораси таркибиға кирадиган талайгина бошқа микроорганизмлар группаларида ҳам худди шу хилдаги үзаро мұносабаттар учрайди.

Микроорганизмлар ўртасидаги антагонистик үзаро мұносабаттар үша микроорганизмлар желатинали ёки агарли мұхитда бир-бирига яқын қилиб үстирилганды күзатылади.

Bact. putidum нинг агарли пластинкадаги иккита штрихи орасида *Micrococcus pyogenes* ривожлана олмайды. Бундай антагонизм шунга боғлиқки, үстирилаётган бактерияларнинг бири атрофдаги муҳитга иккинчи бактериянинг ривожланишини тұхтатадиган бирор модда чиқаради. Шу хилдаги моддалар чиқиши аввал *Pseudomonas pyosueae* (1899) культураларида, кейин эса бир қанча бошқа бактериялар (хусусан, *Bac. mesentericus*, *Bac. mycoides*, *Bac. subtilis* ва бошқалар) культураларида аниқланған. Бирор хил микроорганизмларнинг ривожланишини сусайтирадиган зақарлы моддаларни талайгина актиномицетлар билан замбуруғлар ҳам ажратып чиқаради. Актиномицетлар ривожланған бир бұлак агар Петри косачасидаги *Bac. megatherium* юқтирилған агарға солинса, бунга ишонч ҳосил қилиш мүмкін. Шу бұлакчалар атрофида стерил зона ҳосил бұлади.

Күпгина микроорганизмлар бошқа микроорганизмларнинг ривожланишини тормозлайдын зақарлы моддалар ишлаб чиқаради ва атрофдаги муҳитга ажратади; бундай моддалар антибиотиклар деб аталади. Үша моддаларнинг умумий хусусияти танлаб таъсир қилишdir. Улар қайси микроорганизмлардан ажраладиган бұлса, одатда үша микроорганизмлар учун қам зақарлы, лекин шу микроорганизмлар билан бир биоценозда яшаб турған бошқа микроорганизмлар учун жуда зақарлы бұлади. Масалан, *Penicillium notatum* ажратадиган антибиотик модда пенициллин қайси микроорганизм табиий шароитда у билан биргә яшаса, биринчи галда үша микроорганизмни заифлаштиради. Ҳар хил кокклар ва баъзи бошқа бактериал организмлар ана шундай формаларга киради. Бу замбуруғ билан биоценоз ҳолда яшайдын бактерия турлари эса (масалан, спора ҳосил құлувчи бактериялар) пенициллинга деярли сезир бўлмайды. Бошқа антибиотикларда ҳам шунга үхшаш хоссалар бор.

Микроорганизмлар орасида паразитизм анча қам учрайди ва, асосан, бактерияларнинг бактериофаглар, актиномицетларнинг актинофаглар ҳамда бир қанча замбуруғларнинг

Миколитик бактериялар томонидан лизисга утраши (парчаланиши) холлари билан чекланади.

Микроорганизмлар билан ўсимликлар орасида паразитизм анча кўп учрайди. Бу ҳолда фитопатоген бактериялар билан замбурууглар ўсимлик илдиз системасини ёки пояси билан баргларини шикастлантиради ва ҳар хил касалликларга сабаб бўлади. Бу касалликлар одатда ўсимликнинг нобуд бўлишига олиб келади. Паразитизмнинг бу ҳоллари фитопатология курсида ўрганилади.

8. ТУПРОҚ МИКРООРГАНИЗМЛАРИ ВА ОРГАНИК МОДДАНИНГ МИНЕРАЛЛАРГА АЙЛАНИШИ

Тупроқдаги үсімлік ва ҳайвон қолдиқлари, шунингдек тупроқ органик моддасининг неоғли тез парчаланиши бир қанча сабаб-ларга боғлиқ. Микроорганизмларнинг активлігінде тупроқ температурасы, аэрация ва унинг актив реакциясы еки оксидланиш-қайтарилиш потенциалигина зәмс, балки микроорганизмлар учун озиқ бұладиган ҳар хил минерал элементтернинг үзлаштириш учун неоғли құлайліги ҳам катта таъсир күрсатади. Ана шу факторларнинг ҳаммаси мавжуд бұлғандагина, тупроқда парчаланиш процесслари муайян тезлиқда боради. Бу тұғрида қуйидеги маълумотларға қарағандағынан, тупроқда парчаланыш процесслари мөмкін. Унумдорлығы турліча бұлған тупроқларда целлюлоза ҳар хил тезлик билан парчаланади. Бу—шаша тупроқларда микроорганизмлар учун құлай бұлған азот бор-йүқлигінде болады. Бирмунча унумдор тупроқларда целлюлозаның тез парчаланишига сабаб шуки, бундай тупроқларда ажралып чиқады. Азоттың тұрғындағы үсімлік массаси азотли моддаларга бой өш үсімліктардан иборат бұлса, у ҳам анча тез парчаланади. Маслан, таркибида 1,7—2,5% азот бұлған ёш жаңдар үсімліктар етилған, 1—0,25% азот бұлғанларига нисбатан анча тез парчаланади. Кейінгі ҳолда ҳосил бұладиган карбонат анидрид (Ваксман маълумотларында күра) ёш үсімліктар вариантида ҳосил бұладиган карбонат анидридинде 60% идан ҳам ошмайды. Бундан ташқары, таркибида 1,7—2,5% азот бұлған ёш үсімліктар парчаланганда аммиак тұпланды, азоти камроқ бұладиган қары үсімліктарнинг парчаланишида бундай ҳодиса күзатылмайды. Буни ҳам құяверинг, азот миқдори 1,7% дан кам бұса, микроорганизмлар тупроқ әрітмасидегі үзлаштириледиган азотли моддаларни ҳам истеъмол қылади. Шунинг натижасыда бу моддаларни үсімліктар үзлаштира олмай қолади. Бундай ҳодиса шунга боғлиқ, үсімлік қолдиқларининг парчаланиши давомида микроорганизмларнинг үзи үсади ва танаси таркибига кирады. Ҳар хил органик моддалар синтез қылади. Оксидланған органик модда билан микроорганизмлар синтез қылған ҳужаға моддаси үртасыда қонуний нисбат булишини ҳам шу билан тушунтириш мүмкін. Аэроб бактериялар билан мөгор замбуруғларыда бу

нисбат тахминан 80 : 20 га тенг булади (80% органик модда нафас олиш жараёнида оксидланса, 20% органик модда микроб ҳужайраси органик моддасини тузиш учун сарфланади); анаэроб бактерияларда эса бу нисбат 95 : 5 га түғри келади. Мана шу мутаносиблик микроб массаси ҳар бир тонна органик моддани парчалаганда күпі билан қанча маҳсулот ҳосил булишини аниқлашга имкон беради. Аэроп микроорганизмларда бу маҳсулот тахминан 200 кг тирик, массага ёки 20—30 кг қуруқ моддага баравар келади, унинг таркибида 2—5 кг азот ва 1—2,5 кг фосфат кислота бўлади.

Органик қолдиқлардаги азот миқдори 1,7—2% дан ошмайдиган бўлса, микролар ўз танасининг азотли моддаларини тузиш учун ўша азотни батамом сарф қиласи. Бу ҳолда атрофдаги муҳитга аммиак ажралиб чиқмайди ва бутун парчаланиш процесси бир шаклдаги азотли органик моддаларнинг иккинчи шаклдаги моддаларга айланиши билан тамом бўлади. Парчаланаётган органик моддада азот миқдори юқорида айтилган миқдордан кам бўлса, натижа янада ноқулай булиб чиқади. Бу ҳолда аммиак ҳосил булиши у ёқда турсин, тупроқ эритмасидан аммиак ютилиши кузатилади ва яшил ўсимликларнинг азот билан озиқланиши учун қийинчилик туғилади. Шу хилдаги органик қолдиқлар батамом парчаланиб бўлгандан кейингина ўсимликларнинг азот билан озиқланиш шароити яна яхшиланади, чунки кейин нобуд бўлган ва азотга бой микроорганизмларнинг ҳужайралари парчаланади. Бу хилдаги ўғитлар солинган биринчи йилда ҳосил кескин камайиб кетишини, кейинги йилларда эса аксинча, хийла кўпайишини шу билан тушунтириш мумкин. Тупроққа азоти камроқ бўлган сомон солинганда, биринчи йили ҳосил контрол (ўғитланмаган) майдондагига кўра, доим кам бўлади, чунки мазкур ҳолда тупроқ эритмасидаги ҳаракатчан азотни микроорганизмлар бириктириб олади. Азот тўпловчи бактериялар зўр бериб ривожлангандагина бу аҳвол бир қадар, шунда ҳам жуда кам ўзгариши мумкин.

9. ТУПРОҚДА ЧИРИНДИ МОДДАЛАР ҲОСИЛ БУЛИШИДА МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

Тупроқ унумдор булиши билан тақир тошдан фарқ қиласиди, она жинс тупроққа айланиши учун бир қанча миқдор ўзгаришларини мужассамлаштириши керак. Бу ўзгаришларнинг ҳаммаси бир бўлиб, сифат белгисига, тупроқнинг асосий хоссасига, унумдорликка айланади.

Азотни ҳисобга олмагандан, ўсимликларнинг озиқланиши учун керакли ишқорий элементлар тоғ жинсларида маълум миқдорда бўлади. Тупроқ ҳосил бўлиш процессида она жинс минерал қисмининг трансформациясидан ташқари, ўша жинс азот

ва органик бирикмалар билан бойиб ҳам боради. Бу процесслар юқори үсимликлар ва микроорганизмлар иштирокида амалга ошади.

Үт үсимликлар билан үрмон үсимликларидан ҳар йили тупроқ юзасига ва массасига талай миқдор үсимлик қолдиқлари тушиб туради. Үсимлик қолдиқларининг қуруқ гирлиги гектарига 10 т га етади ва ундан ҳам ошади. Ҳайвоңлар дунёсидан ҳам маълум миқдорда, лекин анча кам органик масса тушиб туради.

Тупроққа тушадиган үсимлик ва ҳайвон қолдиқларининг химиявий таркиби ниҳоятда хилма-хилдир. Булар орасида углеводлар, ёғлар, органик кислоталар, смолалар, мумлар ва бошқа моддалар бўлади. Үсимлик тўқималарининг асосий таркибий қисми—азот тутмайдиган бирикмалардан ҳар ҳолда целлюлоза ва лигнин, азотли моддалардан эса оқсилилар ҳисобланади.

Тупроққа тушган органик бирикмалар унда қисман минералларга айланади. Лекин уларнинг кўпи мураккаб «чиринди» бирикмаларга айланади ва, кўпинча, гумус деб аталади. «Чиринди» ёки «гумус» деган термин билан бир-бираiga яқин бўлган юқори молекуляр бирикмаларнинг бутун бир группаси белгила-нади, бу бирикмаларнинг химиявий табиати ҳозиргача аниқ маълум эмас. Чиринди тупроқдаги бутун органик модда массасининг 85—90% ни ташкил этади. Унда 3—5% га яқин азот ва 0,27—1,45% фосфор бўлади. Чиринди микроблар таъсирига бирмунча чидамли бўлади ва минералларга аста-секин айланади, холос.

Ҳар хил тупроқлардаги чиринди миқдори жуда ўзгариб туради. Унинг таркиби тупроқ-иқлим шароитига қараб ҳам ўзгари-ради. Ялпи чиринди запаслари ва ундаги азот миқдори И. В. Тюрин (1949) материалларига асосан тузилган жадвалда кўрсатилган (324- бётга қаранг).

Тупроқда чиринди тўпланишини фойдали ҳодиса деб қаравшкерак. Чириндида катта-катта азот запаслари йигилади. Булар кейин аста-секин минералларга айланиб, үсимликларга озиқ бўлади. Чиринди ҳосил бўлмаганда эди, азот минерал бирикмаларининг талайгина қисми тупроқдан ювилиб, йўқлиб кетган булар эди. Маълумки, чиринди, бундан ташқари, тупроқнинг физик хоссаларини ҳам анча яхшилайди.

Умуман кенг маънода «гумус» ёки «чиринди» деганда, умумий тузилиш хусусиятларига эга бўлган бир-бираiga яқин бирикмалар группаси тушунилади. Чиринди моддаларни органик химияда маълум бўлган бирикмалар синфининг биронтасига ҳам киритиб бўлмайди.

Ҳозирги вақтда тупроқ чиринди моддаларини қўйидаги тўрт группага: 1) гумин кислоталар; 2) гуминлар; 3) фульвокислоталар; 4) гиматомелан кислоталарга ажратиш расм бўлган. Генетик жиҳатдан ўзаро яқин бўлган бу моддалар молекулаларининг полимерланиш даражаси, дисперс бўлиши, турли суюқлик-


СССР тупроқларидаги чиринди ва азот запаслари
(га/т ҳисобида)


Тупроқлар группаси	Чиринди		Азот		0—30 см да туп- роқ қорғалынган C ₁ N
	0—100 см ли қаталам- да	0—20 см ли қаталам- да	0—100 см ли қат- ламда	0—30 см ли қат- ламда	
Кучли подзоллашган тупроқлар . . .	101	63	6,6	3,4	10,3
Үртата подзоллашган тупроқлар . . .	94	50	6,1	3,2	9,0
Кам подзоллашган тупроқлар . . .	104	54	7,2	3,1	10,1
Кам подзоллашган күл ранг тупроқлар .	175	—	9,4	5,6	10,7
Кам подзоллашган түк күл ранг тупроқ- лар	296	—	14,0	6,6	10,3
Деградацияланган қора тупроқлар . . .	452	132	25,2	7,0	11,0
Ишкөрсизланган қора тупроқлар . . .	549	192	26,5	9,4	11,8
Қалин қаватлы қора тупроқлар . . .	709	224	35,8	11,3	11,5
Оддий қора тупроқлар	426	137	24,0	7,0	11,3
Жанубий қора тупроқлар	391	93	17,0	6,3	8,6
Түк тусли каштан тупроқлар	229	99	13,2	5,6	11,2
Түк тусли бұз тупроқлар	128	—	11,8	3,8	8,2
Типик буз тупроқлар	83	—	7,5	2,5	8,4
Оч тусли бұз тупроқлар	67	—	6,4	2,3	7,8
Қизил тупроқлар	282	153	10,5	4,7	18,9

ларда ҳар хил әрувчанлиги ва ҳоказолар билан бир-биридан фарқ қиласы.

Гумин кислоталарни чиринди бирикмали тупроқлар учун әнг қарастырылған деб ҳисоблаш мүмкін (М. М. Кононова). Түрли тупроқларда анча ҳар хил гумин кислоталар булады. Подзол тупроқлардан қора тупроқларға үтилген сары улар мураккаблашиб боради. Қизил тупроқлардаги гумин кислоталар фульвокислоталарға бирмунча яқын туради.

Гумин кислоталар юқори молекуляр полимер бирикмалар-дир. Уларнинг молекуляр оғирлигиге таҳминан 30000—50000 га тенг. Гумин кислоталар молекуласининг диаметри 80 билан 100 Å орасыда үзгариб туради. С. С. Драгунов гумин кислота молекуласи асосий ҳалқасининг қуийдаги тузилиш схемасини таклиф этти:





Күриниб турибиди, гумин кислота таркиби фенол группаларига эга бўлган олти аъзоли бензол ҳалқалари булади. Ён занжирлар таркибида углеводларнинг қолдиқлари, гидроксил ва карбоксил группалар, аминлар типидаги азотли бирикмалар ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Гумин кислоталар ишқорларда эрий олади ва кислота қўшилганда чўкмага тушади. Уларда 3—5% азот ва 53% дан 63% гача углерод бор. Кислота билан гидролиз қилинганда аминокислоталар ажратади.

Гуминларни гумин кислоталарнинг тупроқ минерал қисми билан маҳкам боғланган унумлари, деб ҳисоблаш мумкин. Улар ишқорларда эримайди.

Фульвокислоталар гумин кислотага яқин турдиган бирикмаларdir. Лекин буларнинг молекуласи соддоро тузилган бўлади. Уларда 45% га яқин углерод ва 1—5% азот бор. Фульвокислоталар ишқорларда эрийди, бироқ кислоталар гаъсирида чўкмага тушмайди. Улар тупроқларда катионлав билан бирикиб, ҳар хил даражада эрийдиган ва ҳаракат қиласдан комплекс бирикмалар ҳосил қиласди.

Гиматомелан кислоталар фульвокислоталардан кам оддий тузилган бирикмаларdir. Аналитик ўйл билан улар гумин кислоталарнинг спиртда эрийдиган фракцияси тариқасида аниқланади. Гиматомелан кислоталарнинг таркибида 60% га яқин углерод ва 4% азот булади.

Синтез процесларида ҳам, парчаланиш процесларида ҳам бир хил чиринди моддалар иккинчи хил чиринди моддаларга айланиши мумкин, деб ўйлаш керак.

Тупроқдаги чиринди моддаларнинг ҳосил бўлиш процесси ҳали ёритиб берилган эмас. Бу тўғрида ҳар хил тахминлар айтилган. Чунончи, 1914—1916 йилларда ёқ А. Г. Трусов, чиринди таркибида ароматик бирикмалар борлигига асосланаб, лигнин, ароматик аминокислоталар ва ошлови моддаларнинг хинонлар ҳосил қилиб оксидланиши чиринди кислоталар синтезида муҳим роль уйнайди, деган тахминий сикрни айтган эди.


Кейин америкалик олим С. Ваксман, А. Г. Грусов фикрларига асосланаб, лигнин-протеин комплекси тупроқ чириндинининг

ядросидир, деган назарияни таърифлаб берди. Шу назарияга мувофиқ, чиринди ўсимлик қолдиқларидағи лигнин ва микроб ҳужайраларининг оқсилидан пайдо бұлади. Маълумки, лигнинни микроорганизмлар секин парчалайды ва, шунга кура, чириётган ўсимлик қолдиқлари шу модда билан бирмунча боййиди. Тупроқда тупланадиган лигнин нобуд бўлган микроб ҳужайралари оқсили билан бирикади ва шу тариқа мураккаб чиринди бирикмаси комплекси юзага келади, деб ўйлаш мумкин.

С. Ваксман назариясини И. В. Тюрин қаттиқ танқид қилиб чиқди. И. В. Тюриннинг асосий эътирози, ўсимлик тўқималари таркибида биргина лигнин эмас, балки ҳар хил йўл билан ҳосил буладиган полифеноллар типидаги ароматик бирикмалар ҳам булишига боғлиқ эди. Гумин кислоталар ҳосил бўлишида лигнинга боғлиқ бўлмаган ароматик бирикмалар иштирок этиши имконини инкор қилиб бўлмайди. Ўсимлик материалидан смола, ёғ ва мумлар ажратиб олингандан кейин, шунингдек кислоталар билан қайнатилгандан кейин қоладиган эримас қолдиқ амалда лигнин деб аталади. Бу қолдиқда, лигниндан ташқари, бир талай ошловчи бирикмаларга эга бўлган гидролизланмайдиган бошқа моддалар ҳам булади. Шундай қилиб, чиринди бирикмаларининг полифеноллари биргина лигниндан эмас, балки ошловчи моддалар, оқсиллар ва бошқа органик моддалардан ҳам юзага келиши мумкин. Лигнин-протеинатлар билан табиий гумин кислоталар ўртасида катта фарқ бўлишини кўрсатадиган маълумотлар ҳам бор.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, микроб синтез маҳсулотларида ароматик бирикмалар юзага келиши, шунингдек уларнинг ёғлар қаторидаги моддалардан биохимиявий йўл билан ҳосил бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Шундай қилиб, ўсимлик қолдиқларидағи лигнинни чиринди таркибиға кирадиган ароматик бирикмаларнинг бирдан-бир манбай деб ҳисоблаб бўлмайди.

М. М. Кононова томонидан ҳам ривожлантирилган тушунчаларга кўра, ошловчи моддалар чиринди бирикмаларнинг цикличик углерод группачалари учун осон фойдаланиладиган ва муҳим манбаларнинг бири бўлиб хизмат қиласи. Чириндининг таркибида азот бўлган қисми микроблар туфайли юзага келиши мумкин. Уша компонентлар ўртасидаги ўзаро таъсир микроорганизмлар ишлаб чиқарадиган оксидловчи ферментлар иштироки билан амалга ошади. Бу ўзаро таъсирнинг бориши қуйидаги схема билан ифодаланади:



Ҳосил булган конденсат барқарор бўлмайди ва кейинчалик зичлашиб қолади. Бунда, хусусан, ён занжирлар туташиб, циклик тузилишга эга булган баркарор бирикмалар ҳосил булади. Ҳосил бўлган ароматик бирикмалар молекула артигинг кейинги конденсацияси биологик ҳодисаларга қўйладиган физик-химиявий процесслар туфайли кучайиши мумкин. М. М. Кононова фикрига кўра, ҳозиргина тавсиф этилгандар реакцияга үхшаш реакциялар тупроқда чиринди бирикмалар ҳосил бўлишининг асоси ҳисобланади.

Биз ароматик бирикмаларни тупроқ микрофлораси синтез қилиади, деб айтиб ўтган эдик, шунга кўра таомида равшанки, бу бирикмалар чиринди бирикмалар ҳосил бўшида ҳам иштирок эта олади. Микроорганизмлар культураларида кўпинча ўз хоссалари жиҳатдан тупроқнинг чиринди бирикмаларига үхшаб кетадиган тўқ рангли маҳсулотлар йиғилиб қолиши бир қанча микробиологлар (Е. С. Теппер, Е. Н. Мишустин ва О. И. Пушкинская ва бошқалар) нинг илмий асарларида курсатиб берилди. Бу моддалар углеводлардан ва ниҳоятда содда бошқа органик бирикмалардан синтез қилинади. Микроорганизмлар ҳаёт фаолиятининг шундай маҳсулотлари чиринди ҳосил бўлиш процессида муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб тахмин қилишга ҳамма асос бор.

Чиринди ҳосил бўлишида микроорганизмларниң қандай роль ўйнаши тўғрисида бошқа фикрлар ҳам айтилган эди. Чунончи, С. Н. Виноградский целлюлозани парчаловчи бактерия — *Cytophaga Hutchinsonii* нинг шилимшиқсимон моддалар (афтидан, оксицеллюлозалар) ҳосил қилишга диққатини жалб этди, бу моддалар микроб ҳужайраларининг автолизи натижасида юзага келадиган маҳсулотлар билан бирикиб, баркарор комплекс бирикмалар ҳосил қилган. С. Н. Виноградский чиринди синтезида шу хилдаги моддалар ҳам иштирок этиши мумкин, деб ҳисоблади.

К. И. Рудаков, чиринди ҳосил бўлишида «уропротеидлар», яъни полиуронидлар билан протеинларнинг комплекси бирикмалари муҳим аҳамиятга эга, деб тахмин қилган. Ҳиммиклар илдизининг ҳужайралараро моддаси микроблар таъсирида гидролизланганда полиуронидлар ҳосил бўлиши, протеинларни эса микроблар синтез қилиши мумкин. К. И. Рудаков маълумотларига кўра, «уропротеидлар» микроорганизмлар таъсирига чидамли ва кучли даражада цементлаш хосасига эга бўлади.

Шундай қилиб, чиринди ҳосил бўлиш процессининг кўпгина тафсилотлари ноаниклигича қолмоқда. Лекин шак-шубҳа йўқки, тупроқ чириндиси мураккаб полициклик бирикма бўлиб, синтетик реакциялар натижасидагина юзага кела олади. Бу реакцияларнинг амалга ошишида ўсимлик ва микроб маҳсулотлари, шубҳасиз, иштирок этади. Шу билан бирга, ўша реакциялар-

нинг тезлашишида тупроқ микроорганизмларининг ферментлари катта роль уйнайди. Шунинг учун қайси органик моддаларда микробиологик процесслар шиддатли бораётган бўлса, уша моддаларда янгидан чиринди ҳосил бўлиши ажабланарли эмас.

10. МУСТАҲКАМ СТРУКТУРАЛИ ТУПРОҚ ҲОСИЛ БЎЛИШИДА МИКРООРГАНИЗМЛАРИНГ РОЛИ

Тупроқ чириндиси озиқ моддалар тўплашдан ташқари, яна бир жуда муҳим функцияни бажаради, яъни у тупроқ структурасининг мустаҳкамлигини белгилайди.

Тупроққа осон ҳаракатланувчи органик моддалар солингандага, микробиологик процессларнинг тупроқ структурасига кўрсатадиган таъсири айниқса сезиларли бўлиб қолади. Стерилланган шароитда парчаланиш ҳодисасини текшириш шуни кўрсатдики, тупроқни агрегат ҳолга келтиришда бактериялар ҳам, замбуруғ ва актиномицетлар ҳам иштирок этиши мумкин. Кўпгина бактериялар тупроқни цементлай оладиган шилимшиқсимон моддалар ҳосил қиласади. Замбуруғлар билан актиномицетлар эса ўз мицелийси билан тупроқни ўраб олади ва заррачаларининг агрегат ҳолатга келишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, ерга янги органик моддалар солиш тупроқнинг агрегат ҳолатини сезиларли даражада яхшилайди.

Бироқ айтиб ўтилган микроорганизмлар таъсирида юзага келадиган тупроқ структураси узоқ сақланмайди ва анча тез бузилиб кетади. Қўйидаги фактлар шундан далолат беради. Тупроқ структураси бирор соғ микроорганизм кўльтураси таъсирида яхшиланганда, тупроқ бактериялар аралашмасининг ривожланиши учун қулай шароитда яна сақлаб туриладиган бўлса, 30 кундан кейиндоқ ундаги макроагрегатларнинг 60% дан 100% гачаси парчаланиб кетади. Бу усул билан юзага келтирилган структуранинг анча тез парчаланишига сабаб шуки, тупроқ заррачаларини цементлайдиган бактерия шилимшиқлари билан микроорганизмларнинг мицелийси тупроқ микрофлораси таъсирида осонгина минералларга айланади. Агрегатларни сақлаб турадиган цемент йўқолиб кетгандан кейин, тупроқ бўлакчалири уваланиб кетади.

Аниқ сабабларга кўра, тупроқ бўлакчаларига микроорганизмлар таъсирига чидамли чиринди кислоталар таъсир этгандагина, мустаҳкам структуралари тупроқ ҳосил бўлади. Коллоид чиринди моддалар кальций иони таъсирида коагуляцияга учраб, тупроқ бўлакчаларини цементлайди ва уларни сувга чидамли қилиб қўяди. Улар сув таъсирида парчаланмайди. Тупроқ структурасини юзага келтиришда иштирок этадиган чиринди бирикмалар фракцияси агрономияга оид адабиётда «актив чиринди» деб аталади.

Структура ҳосил бўлиш процессига юкори ўсимликлар, ал-

батта, таъсир кўрсатади, улар микроорганизмларни билинг билинг билан таъминлашдан ташқари, илдиз системаси туфайли тупроқни булакчаларга бўлади.

Тупроқда мустаҳкам агрегатлар юзага келадиган процессларда чиринди бирикмалар ҳосил бўлишининг ўзиғина эмас, балки тупроқнинг механик таркиби ҳам муҳим аҳамиятга эга. СССР Фанлар академиясининг Микробиология институтидаги олиб борилган текширишлардан (Е. Н. Мишустин) маълум бўлгандек, бўз тупроқли ерларда кўп йиллик ўтлар ўстирилганда, тупроқда майдо дисперсли фракция нечоғли жўп бўлса, структурага шунчалик кучли таъсир кўрсатган. Бундан ташқари, кальций кам бўлган тупроқли ерларни оҳаклаш структура ҳосил бўлишига анчагина яхши таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, тупроқ структурасининг ҳосил бўлишига ўсиликларнинг кўрсатадиган таъсири бир қанча факторларга боғлиқ, шунинг учун ўт-далали алмашлаб экиш системаси тарафдорларининг кўп йиллик ўтлар ҳамма типдаги тупроқ структурасини яхшилайди, деган қоидасини хато деб ҳисоблаш керак. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, тупроқнинг яхши структурални бўлиши, шак-шубҳасиз, қимматли агрономик кўрсаткичdir. Бироқ структура қарор топмаган тупроқларда миҷедал ўғитлар таъсир кўрсатмаслиги ва бундай ерлардан яхши ҳосил олиб бўлмаслиги аниқланди.

Тупроқда чиринди моддалар ҳосил бўлишида ҳам, уларнинг парчаланишида ҳам тупроқ микроорганизмлари бол иштирок этади. Шунинг учун ташқи муҳитнинг уша микроорганизмларнинг ривожланишини кучайтирадиган ёки чеклар қўядиган ҳар хил факторлари тупроқдаги чиринди миқдорига ҳам бевосита таъсир этади. Масалан, тупроқнинг вақт-вақти билан қуриб ва намланиб туришини (бўнинг натижасида айрим тупроқ микроорганизмлари группасининг активлиги чекланиб қолади) шу факторлар жумласига киритиш мумкин. Баъзи тадқиқотчилар (Е. Н. Мишустин) фикрига кўра, қора тупроқли ерларда тупроқ ёзда қуриган вақтда, яъни тупроқ микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти сусайиб, ферментатив активиги ҳали анча юқори бўлган пайтда, чиринди тўпланиши учун ўти қулай шароит юзага келади. Бошқа тадқиқотчилар (М. М. Кононова) фикрига кўра эса бу процесснинг тезлигини белгайтидиган муҳим фактор тупроқнинг қуриши эмас, балки, ахтинча, етарли даражада намланиб туришидир. Кононова, ўзининг бу фикрини тасдиқлаш учун қўйидаги фактларни келтирди: 1) энг қулай намлик шароитида юзага келган қора тупроқли ерларда (қалин қаватли қора тупроқ ерларда) энг кўп миқдорда чиринди топилади ва 2) актив микробиологик фаолият билан характерланадиган, сугориладиган бўз тупроқли ерларда ҳам кўп йиллик ўтлардан кейин чиринди тез тўпландади. Бу иккала фикрининг маълум асоси бор, чунки чиринди ҳосил бўлишида

микробиологик активликнинг ритмик равишда узгариб туриши, ҳақиқатан ҳам, муҳим аҳамиятга эга.

Тупроқ чириндиси тупроқда усимликлар учун зарур тегишли озиқ моддалар режимини сақлаб туришда ҳам катта аҳамиятга эга. Озиқ моддалар тупроқда уч ҳолатда: 1) органик бирикмалар ҳолида, 2) катионлари тупроқ коллоидларига ютилган тузлар ҳолида, 3) тупроқ коллоидларига ютилмаган ва органик моддалар таркибига кирмайдиган туз эритмалари ҳолида бўлиши мумкин.

Агар озиқ элементлар тунроқда минерал тузлар шаклида бўлса, ҳаддан ташқари ҳаракатчан бўлади ва осонгина ювилиб кета олади. Бу ҳол уларнинг тупроқдан йўқолиб кетишига, модомики шундай экан, усимликлар озиқланиш шароитининг ёмонлашувига ҳам олиб келади. Озиқ моддаларнинг бир қисми органик бирикмалар шаклида бўлса, бирмунча дуруст бўлади. Айни вақтда ювилиш процесслари унча ифодаланмайди. Бироқ яшил ўсимликлар органик бирикмаларни ўзлаштира олмайди. Уларнинг озиқланиши учун органик бирикмалар минерал тузларга айланиши керак. Бу микроорганизмлар ҳаёт фаолияти натижасида амалга ошади.

Тупроқдаги органик модданинг асосий қисми чиринди бирикмалар шаклида бўлади, унинг асосий компонентлари тупроқдаги микробиологик процессларнинг активлигини белгилаб берадиган температура, аэрация ва намлика қараб, ҳар хил тезликда парчаланади. Бу факторлар тупроқда чириндига айланмаган органик бирикмаларнинг минераллашувида ҳам муҳим роль ўйнайди.

Тупроқ органик моддасидаги углерод билан азот ўртасидаги нисбат ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу нисбат нечоғли катта бўлса, тупроқдаги органик модда шунча тез парчаланади. Шунинг учун ерга азотли минерал ўғитлар солиш тупроқ органик моддасининг парчаланиш тезлигига таъсир этади.

11. ТУПРОҚ МИКРООРГАНИЗМЛАРИ ВА УНИНГ БИО-ОРГАНО-МИНЕРАЛ ҚОМПЛЕКСИ

Н. Лазарев ва ҳамкорларининг текширишлари тупроқда инерт ёки реликт қисм билан ҳаракатчан ёки био-органо-минерал комплексни бир-биридан тафовут қилиш кераклигини кўрсатиб берди; био-органо-минерал комплекс деяйилганда, доим ўзаро таъсир қилиб турадиган, тупроқ массасини юзага келтирадиган жами элементлар йигиндиси тушуниллади. Бунга тупроқ микроорганизмларигина эмас, балки органик ва минерал моддалардан ҳосил бўлган коллоид моддалар, шунингдек сувда эриган моддалар, шу ҳисобдан газлар ҳам киради. Тупроқнинг шу қисми жуда реактив бўлади ва тупроқ унумдорлиги биринчи галда ўша қисмга боғлиқ. Шунинг учун тупроқдаги бу био-органо-минерал комплекснинг миқдорини билиш жуда муҳим. Улар тупроқдаги умумий азот миқдорига боғлиқ бўлганлигидан, Н. Лазарев текширишларига мувофиқ, 1N HCl , 1N NaOH билан ишланганда ёки 25% ли H_2SO_4 билан гидролизланганда, эритмага ўтадиган нисбий азот мидорига қараб, ҳар хил тупроқларни уч типга бўлиш мумкин. Биринчи типга кислота функциясига

эга, иккинчи типга аралаш функцияли ва учинчи типга ишқор функциясига эга тупроқлар киради. Кислота функциясига эга тупроқларда ишқорлар таъсири билан ажратиб олинадиган талайгина азотли моддалар (50—60%) ва сульфат кислота билан гидролизланадиган озроқ азотсиз моддалар (23—27%) бўлади. Аралаш функцияли тупроқларда эса ишқорлар билан ажратиб олинадиган фракция 30—40% ни, гидролизланадиган азотли моддалар эса 40—45% ни ташкил этади. Ниҳоят, ишқор функциясига эга тупроқларда ишқорлар билан ажратиб олинадиган азотли моддалар фракцияси 15—16% ни ташкил этса, сульфат кислота билан гидролизланадиган азотли моддалар фракцияси 50—60% ни ташкил этади. Кислота функциясига эга тупроқларга подзол тупроқлар, қизил тупроқлар ва ботқоқ тупроқлар киради. Буларда одатда бактериялар энг кам (1 mg азотга нисбатан ҳисоб қўйинганда 50—150 млн.) бўлади. Аралаш функцияли тупроқларга қора тупроқлар, шуртоб, шўрхок тупроқлар ва чиринди-карбонатли тупроқлар киради. Буларда бактериялар анча кўп (1 mg азотга нисбатан ҳисобланганда, 630—1020 млн.) бўлади. Асос функциясига эга тупроқларга асоссан қўнгир тупроқлар билан соз тупроқлар киради. Бактериялар буларда энг кўп (1 mg азотга нисбатан ҳисобланганда, 1978—2443 млн.) бўлади. Қўйидаги жадвалда юқорида айтиб ўтиган тупроқ типларининг бир қанча хоссалари солишириб кўрсатилган.

Ҳар хил типдаги тупроқ массаларининг характеристикаси (В. Билинкинадан олинган)

Кўрсаткичлар	Кислота функциясига эга тупроқлар	Аралаш функцияли тупроқлар	Асос функциясига эга тупроқлар
Ишқор фракциясининг азоти (%) ҳисобида)	51—61	29—40	15—16
Гидролизат фракциясининг азоти (%) ҳисобида)	23—27	41—44	51—52
Ишқор фракциясининг фосфори (%) ҳисобида)	67—78	42—52	36—37
Гидролизат фракциясининг фосфори (%) ҳисобида)	12—15	26—40	32—33
α-гуматлар	Жуда кўп	Кўп	Кам
β-гуматлар	Йўқ	Жуда кўп	Кам
1 mg азотга нисбатан олинган микроорганизмлар сони (млн. ҳисобида)	50—150	630—1020	200—2300
Плазма азоти (%) ҳисобида)	0,6—1,8	4,5—12	15—28
α-гуматлар минерализатори	50—400	50—10000	22000
β-гуматлар минерализатори	0—500	1000—10000	100000
Азотобактер (1 g тупроқда минг дона ҳисобида)	0	1000	10 000
Нитрификаторлар (1 g тупроқда минг дона ҳисобида)	0—1000	10 000 — —100000	100000— 1000000
Целлюлозани парчалайдиган аэроб бактериялар	10—100	1000	10 000

Био-органо-минерал комплекс ниҳоятда мураккаб гетероген система дар. Бундан, у алоҳида микрозоналардан жой олган бирмунча соддароқ система-лардан иборат, тупроқ заррачалари ўша микрозоналар ўрнини боади, деб тахмин қилиш табийидир. Н. Лазарев органик модданинг минералларга ай-

ланиши ва синтези процессининг стадиялари деб атаган уша оддий системалар шартли равишда қўйидаги асосий типларга бўлинади.

Биринчи система ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларининг оқсилли моддаларига эга бўлган микрозоналардир. Уша бирикмаларниң парчаланишида чиритувчи ёки, бошқача айтганда, зимоген микрофлора иштирок этади.

Иккинчи система парчаланмай қолган ўсимлик қолдиқларига эга бўлиб, азотга нисбатан кенг муносабатда бўладиган углеродли микрозоналардир. Уша қолдиқларинг парчаланишида ҳар, хил кокк ва замбуруглардан иборат аутохтон А микрофлора иштирок этади. Бу зонада талайгина микроорганизмларга, жўмладан аутохтон А микрофлорага ҳам заҳарли таъсир кўрсатдиган гумин кислоталар ҳосил бўлади. Натижада уша флора вакиллари нобуд бўлиб, автолизга учрайди, автолиз маҳсулотлари эса гумин кислоталар билан бирикади ва гумат комплекси (α -гуматлар) ҳосил қиласди. Бундай комплекс подзоль тупроқли ерларда яхши ифодаланган бўлади. Бироқ етарли даражада цементлайдиган хоссаларга эга эмас ва, шунга кўра, яхши структуралри тупроқ ҳосил қиласмайди.

Учинчи система чиринди моддалар ва уларнинг парчаланиш маҳсулотлари аутохтон Б микрофлора таъсирида зўр бериб минералларга айланадиган микрозоналардир. Аутохтон Б микрофлора деганда, Лазарев маҳсус аммонификацияловчи бактерияларни ва бир қанча бошқа микроорганизмларни тушунади (целлюлозани парчалайдиган бактерияларни ҳам шу группага киритиш жуда сунъий бўлиб, яхши асосланган эмас). Бу стадия бўз тупроқли ва қўнғир тупроқли ерларда жуда яхши ифодаланган бўлади.

Тўртинчи система микроорганизмлар таъсирида қийин парчаланадиган барқарор гуматли (β -гуматли) микрозоналардир. Ишқорлар билан ишланганда эритмага ўтадиган α -гуматлар гумат билан оқсилга парчалана оладиган ва шу оқсил кейин аммонификацияловчи бактериялар таъсирида осонгина минералларга айланадиган бўлса, кальций сиқиб чиқарилгандан кейин тупроқдан сув билан ажратиб олинадиган β -гуматлар бундай парчаланишга учрамайди ва, шунга кўра, бу гумат комплекси тупроқда узоқ сақланади.

Учинчи системанинг авж олиши тупроқ унумдорлиги учун энг катта аҳамиятга эга. Бу система ўсимликларни зарур минерал озиқ билан таъминлайдиган тупроқ органик маддасининг зўр бериб минералларга айланishi билан таърифланади. Шунинг учун тупроқнинг куп даражада биоген бўлиши (буни Лазарев умумий азотнинг микроорганизмлар плазмаси азотига бўлган ишбати деб ҳисоблайди) уша тупроқларнинг анча унумдор бўлишини ҳам белгилайди.

Иккинчи ва тўртинчи системалар тупроқда органик моддаларнинг куп миқдорда борлигини таърифлайди ва тупроқ эритмасидаги катионлар режимини бошқарадиган тупроқ буфер хоссаларини белтилаб беради. Тупроқнинг структураси ва бошқа агрономик хоссалари тупроқда био-органо-минерал комплекснинг нечогли ривожланганилигига маълум даражада боғлиқ. Бир қанча тупроқлarda (масалан, ботқоқланган тупроқларда) учинчи система кам ифодаланганлиги учун уларни узлаштиришда оҳак солиш билан бир қаторда уша системанинг ривожланишига ёрдам берадиган маҳсус ўғит препараларини ҳам солиш мақсадда мувофиқдир.

Бундай препарат ўрида АБМ (автохтон Б микрофлора) деган ном билан аталаидиган ўғит ишлатилади. Унинг ишлатилишига асосий сабаб шуки, чиринди моддаларни парчалаб, минерал бирикмалар ҳосил қиласдиган микроорганизмларнинг экологик симбиози кислотали тупроқларда баҳорда унча ривожланмай қолади. Шунинг учун уша микроорганизмларни ерга солиш экинилар ҳосилини ошириши мумкин. Юқорида айтиб ўтилгандек, бу микроорганизмлар симбиозига аммонификацияловчи, дентрификацияловчи бактериялар, целлюлозани парчалайдиган аэроб (миксобактериялар типидаги) бактериялар, нитрификацияловчи бактериялар, тион бактериялари ва бошқа баъзи бактериялар киради.

АБМ препаратини тайёрлаш техникиси мураккаб эмас. Олдин керакли микроорганизмлар унумдор тупроқ қўшилган гуматли муҳитда ўстирилади. Ҳосил бўлган бактерияларга азотобактер қўшиллади ва оҳа синлан нейтраллаб парчаланган боткоқлик торфига солинади. Бактериялар кунгашни учун торф 3 ҳафта давомида 20–30° температурада сақланади. 1 г торфда аэроб микроорганизмлар сони бир неча ўн миллионга етгандан кейин препарат тайёр ҳисобланади.

Бу ўғит кўкламда ерга бир текис сочиш йўли билан газлирига 250 кг дан солинади. Қишлоқ хўжалиги микробиологияси институтининг маълумотларига кура, чимли-подзол ва торфли тупроқли ерларда, фалла экимининг ҳар гектаридан 2–3 ц, картошканинг ҳар гектаридан 10 ц ва бундай ортиқ қўшимча ҳосил олиниади.

XVII б о б

ТУПРОҚДАГИ МИКРОБИОЛОГИК ПРОЦЕССЛАРНИНГ ТЕЗЛИГИ ВА ТУПРОҚ ШАРОИТИ

1. ТУПРОҚНИ ИШЛАШНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ПРОЦЕССЛАР ТЕЗЛИГИГА ТАЪСИРИ

Тупроқнинг физик ҳолати қўпчилик микроорганизмларниң яхши ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Бу шунга боғлиқки, тупроқнинг ҳаво-сув режими яхшиланганда, озиқ моддаларнинг ажralиб чиқишига ёрдам берадиган ва шу тариқа ўсимликларнинг озиқланишини яхшилайдиган аэроб микроорганизмлар кучли ривожланади. Бироқ тупроқни ишлашнинг роли бу билан чекланмайди. Тупроқнинг айрим қатламларидағи микробиологик процесслар қувватига катта аҳамият берилган. Ҳақиқатан ҳам, янги тажриба маълумотлари иносатиб бергандек (Е. Н. Мишустин ва бошқалар), тупроқнинг ҳайдаладиган ҳар хил қатламларда турли микробиологик процесслар бўлиб туради. Шунинг учун тупроқни ишлашни факт меканик таъсир, деб бўлмайди. Тупроқни ишлаш тупроқ микрофлораси фаолиятини кескин суратда ўзgartиради. Тамомиларавшанки, тупроқни турли усуллар билан ишлаш тупроқ биодинамикасига ва ҳайдалма қатламдаги озиқ моддаларнинг ажralиб чиқишига ҳар хил таъсир курсатади. Е. Мишустин ва П. Жуковскаянинг қўлга киритган маълумотлари бунга яхши иссол бўла олади. Бу авторлар Москва атрофидаги ўзлаштирилган подзол тупрокли ерларда текшириш ўтказиб, ерни ишлашни кўйидағи усулларини синаб кўрдилар: 1) ерни 5 см чуқурликда юза юмшатиш; 2) ерни ағдармасдан қатлам-қатлам қилиб юмшатиш (бунда қатламлар 5 см дан қилиб кўчириб олининг бризентга солинган ва аралаштирилиб, яна олдинги тартиби жойлаб чиқилган; 3) ерни ағдариб, қатлам-қатлам қилиб юмшатиш (бу ҳолда ҳам худди олдингидек ишлов берилган, бироқ қатламлар аралаштирилгандан кейин тескари тартибда жойланган); 4) 20 см чуқурликда ҳайдаш.

Ишлов берилгандан кейин ҳар сафар 30 кун оралатиб, тупроқ намуналари микробиологик анализ қилиб борилди. Анализларнинг натижалари ерни юза юмшатиш, микроорганизмлар тупроқнинг энг устки қатламида — 0—5 см ли қисмида зўр бериб ривожланишини кўрсатди (бу қатламда сапрофит бактерияларнинг умумий сони бошқа қатламлардагига қараганда 3—4 баравар кўп бўлади). Ерни ағдармасдан қатлам-қатлам қилиб юмшатиш микрофлорани бирмунча активлаштирган бўлса-да, бироқ айтарли даражага етганий ўйк.

Қатламлар ағдариб юмшатилганда бошқача натижка олинди. Бу ҳолда тупроқнинг юзага чиқиб қоладиган пастки қатламида микроорганизмлар сони деярли уч баравар кўпайди. Шу хилда ишлов берилгандан, ўз ўрнида қоладиган ўрта қатламда ҳам микроорганизмлар сони рўй-рост кўпаяди; улар, афтидан, озиқ моддаларнинг қисман аралашуви натижасида кўпаяди.

Нитрификацияловчи бактерияларнинг ривожланишида ҳам шунга ўхшаш ўзгаришлар кузатилган. Юза қилиб юмшатилган ҳайдаладиган қатламдаги нитрификация қуввати 100% деб қабул қилинса, қатламлар ағдармасдан ишлатилгандан кейин бу қувват 102,4% ни, қатламлар ағдариб юмшатилгандан кейин эса 158,9% ни ташкил этган. Бу маълумотлар, қатлам ағдарилигандан олинадиган ижобий натижка, асосан, тупроқнинг олдин пастда турган қатламида тўплланган органик моддаларнинг зўр бериб минералларга айланишига боғлиқ эканлигини кўрсатади. Шунинг натижасида тупроқда ўсимликлар ўзлаштира оладиган озиқ моддалар кўпаяди ва ҳосил ортади. Тажрибаларда ерга ҳар хил усуlda ишлов берилгандан қўйидагича ҳосил олинган (ҳар гектаридан 4 ҳисобида): ер юза қилиб юмшатилганда 11,9 (гектарга ҳисоблашда 100 м² ли пайкаллар олинган); ер қатламлари ағдарилимасдан юмшатилганда 17,8; ер қатламлари ағдариб юмшатилганда 30,6.

Ерни ишлаш усули тупроқ-иқлим шароитига қараб танлаши керак, уни Совет Иттифоқининг барча зоналари учун унификация қилиб бўлмайди. Масалан, Т. С. Мальцев кўрсатиб бергандек, яхши чиринди қатлами бўладиган қора тупроқли ерларни ағдармасдан чуқур қилиб ҳайдаш ва кейин ерни бороналаб юмшатиш ҳам ўсимликлар учун озиқ моддаларнинг етарли миқдорда бўлишини ва экинлар ҳосилининг кўпайишини таъминлайди. Ер шу тариқа ҳайдалганда бегона ўтлар йўқолиб, нам сақланиб қолади. Шунинг учун ерни ишлашнинг бундай усули мамлакатимизнинг бир қанча районларида хўжалик жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Ерга ишлов беришнинг ҳар қандай усулига баҳо беришда, биринчи галда ўша усулнинг тупроқ қатлами аэрациясига ва тупроқдаги оксидланиш-қайтарилиш потенциалининг даражасига қандай таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш зарур. Ўша потенциал нисбатан паст бўлиб қолаверса ($Eh = +200 mV$ га

яқын), тупроқда қайтарилиш процесслари устуник қила бошлиғи да тупроқтың өсімдіктерінің заһарланиб қолишига сабаб болған оладиган миқдорда иккі белгілі марганец ва темир тузлары пайдо булишига оның келади. Потенциал даражасы бирмунча күтарила-ю, бироқ $h = +300$ м атрофика қолаверса, қайтарилиш процесслари (масалан, нитратларнинг молекуляр азот ҳосил қилиб қайтарилиши) ҳали ҳам давом этаверади ва қимматли озиқ моддаларнинг тупроқдан йүқолишига сабаб болади. Бу нараса тупроқда оксидланыш потенциалини етарли даражада сақлаб туриш зарур эканлигини күрсатади. Бироқ потенциалнинг жуда іюкори булиши ҳам үринсиз; Eh тахминан $+550$, $+650$ мага тенг бўлганда сувда эримайдиган гидроксидлар шаклида өритмадан чўкиб тушадиган темир ва марганец тузлари деярли тамомила оксидланади. Шу сабабдан, өсімдіктарнинг марганец ва темир билан озиқланиш шароити бузилади.

Ўзлаштирилган ерларда асосан аэроб шароит үстүн туради, анаэроб шароит эса, фақат айрим тупроқ бўлакчаларининг ичида, шунда ҳам уларнинг юзасида кислородни зўр бериб ютадиган аэроб микроорганизмлар ривожланган вақтда юзага келади. Щунинг учун ўзлаштирилган ерларда анаэроб бактериялар бирмунча кам болади: уларнинг сони тупроқ бактерияларининг умумий сонидан баъзан 10% ортиқ болади. Улар тупроқнинг ўзлари учун энергия берувчи материал бўлиб хизмат қиласидиган органик моддалар мўл үстки қатламларидагина бирмунча кўп болади.

Ерни ишлаш оксидланиш-қайтарилиш потенциалига катта таъсир кўрсатади. Ер ишланганда аэроб бактериялар, актиномицетлар ва моғор замбуруғларининг ривожланиши ҳамда уларнинг органик моддаларни минералларга айлантириши учун доим қулай шароит туғилади. Натижада тупроқ өритмасида өсімдіклар ўзлаштира оладиган талайгина озиқ моддалар пайдо болади ва ҳосил кўпаяди. Ўти қатлам тагида эса оксидланиш-қайтарилиш потенциали доим паст болади, органик моддаларнинг минералларга айланиси эса сезиларли даражада сусайиб қолади. Щунинг натижасида чиринди тўпланиши кучайди.

Ерни ишлаш нечоғли мухим аҳамиятга эга болис өсімдіклар учун озиқ буладиган моддаларнинг ажралиб чиқишида иштирок этувчи айрим микроорганизм группалари активлигинг бунга қанчалик боғлиқ эканлиги юкорида айтилганлардан кўриниб турибди.

Бироқ ерга вақт-вақти билан органик моддалар солиб турмасдан уни ишлайвериш, тупроқда чириндининг камайиб кетишига сабаб булишини эсда тутиш керак. Чириндининг шу тариқа камайиши турли тупроқларда ҳар хил даражада етади, аммо ҳамма ҳолда ҳам тупроқдаги органик модда запаслари баланси етишмай қолади.

Бир қанча тадқиқотчиларнинг ҳисобига кура, ер шу тариқа ишланганда, биринчи 20 йил мобайнида тупроқдан йуқоладиган азот дастлабки миқдорининг 25% ни ташкил этади; кейин азот нобудгарчилиги бирмунча камаяди (кейинги 20 йилда 10%, кейин 7% бўлади ва ҳоказо).

2. ҮFITLARNING TUPROQ MIKROBIOLOGIK AKTIVLIGIGA TA'ESIRI

Ҳар хил үfitлардан узоқ вақт фойдаланиш тупроқдаги микроорганизмлар активлигига катта таъсир кўрсатади. Масалан, Соликамск тажриба станцияси тупроқларига қараб, шу туғрида фикр юритиш мумкин; бу ерларга органик үfit ўрнида кўп йиллар мобайнида гектарига 30 т дан гўнг солиб келинган (тажриба давомида ҳаммаси бўлиб гектарига 230 т дан гўнг солинган).

Тажриба бошлангандан кейин 10 йил утгач, Е. Мишустин билан В. Прокошев ўша тупроқлардаги бактериялар, замбуруғлар ва актиномицетларнинг умумий сонини аниқладилар (жадвалга қаранг).

**Узоқ вақт гўнг солишининг тупроқ микрофлорасига таъсiri
(микроорганизмлар сони 1 г тупроқда минг дона ҳисобида келтирилган)**

Тажриба вариантлари	Микроор- ганизмлар- нинг уму- мий сони		Бактерия- лар		Актино- мицетлар		Могор зам- буруғлари	
	17.V	10.VIII	17.V	10.VIII	17.V	10.VIII	17.V	10.VIII
Ўfit солинмаганда	1180	538	470	350	700	180	10	8
Гўнг солинганда	2550	1135	830	610	1700	510	20	16
Гўнгга оҳак қўшиб солинганда .	1983	1397	760	530	1200	850	23	17
Гўнгга NPK қўшиб солинганда .	1101	1205	366	540	700	640	35	25

Ерга муентазам равишда гўнг солиб турилса, ундаги микроорганизмлар сони тахминан икки баравар ортади. Бунда бактерияларнинггина эмас, балки актиномицетлар билан могор замбуруғларининг сони ҳам купаяди.

Шу тариқа тупроқ микроорганизмлари ҳамма группасининг ривожланиши учун қулай шароит юзага келади.

Минерал үfitлардан узоқ вақт фойдаланиш ҳам тупроқ микроорганизмларининг ривожланишига яхши таъсир кўрсатади. Агар тупроқда янги ўсимлик қолдиқлари бўлса, минерал үfitлар солиши микроорганизмларнинг ривожланишини тезлаштиради ва парчаланиш процессларини кучайтиради. Лекин тупроқ

роқда осоп парчаланадиган органик бирикмалар бұлмаса, минерал үфитлар солиш, аксинча, ривожлаңаётган микроорганизмларни аста-секин камайтириб құяды. Бу ҳодисаның асосий сабаби тупроқ әритмаси актив реакциясынинг үзгаришидір, деб ҳисоблаш керак.

3. ТУПРОҚҚА ОҲАҚ СОЛИШНИҢ МИКРООРГАНИЗМЛАР РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Ерга химиявий ишлов беришнинг асосий усуллари тупроқдаги актив реакцияны микроорганизмлар билан үсимликларнинг ривожланиши учун қуалай бұлған томонға қараб үзгартышта мүлжалланған. Шу мақсадда кислотали тупроқларга оҳак солинади ва ишқорий тупроқлар сульфикацияланади.

Кислотали тупроқлар ҳар хил сапрофит бактерияларнинг ривожланиши учун жуда ноқулай. Шунинг учун бундай тупроқли ерларга оҳак солиши йўли билан реакцияни нейтрал томонға сурош умумий бактериялар сонига ҳам, уларнинг группа таркибига ҳам кўп даражада таъсир кўрсатади. Айни вақтда бактериялар сони деярли икки баравар кўпаяди. Нитрификацияловчи бактериялар группаси ва бошқа бир қанча группалар ҳам сезиларли даражада кўпаяди.

Кислотали тупроқли ерларга оҳак солиши, азотобактернинг ривожланишига янада яхши таъсир кўрсатади. Бу микроорганизм, юқорида айтилганда, тупроқ әритмаси реакциясиға нисбатан жуда сезгир бўлади ва pH даражаси нейтрал зонага яқинлашадиган тупроқлардагина учрайди.

Кислотали подзол тупроқли ерларга оҳак солиши — уларнинг биогенлигини ошириш ва шу тупроқлардаги микробиологик процесслар активлигини кучайтиришнинг кучли омилидир. Бу тадбир тупроқ әритмасида үсимликлар учун озиқ бўладиган моддалар миқдорини кўпайтиради ва пировард нағижада ҳосилни оширади.

Кучли ишқорий тупроқли ерларни химиявий йўл билан мелиорация қилишнинг муҳим фактори уларни элемент ҳолидаги олтингугурт билан үфитлаб, сульфикациялашдир. Тупроқдаги тион бактериялари таъсирида олтингугурт сульфат кислотага айланади. Бу ҳол кучли ишқорий тупроқли ерлар реакциясини яхшилабгина қолмай, балки тупроқдаги қийин эрийдиган минерал бирикмаларнинг осон эрийдиган бирикмаларга айланышни ҳам енгиллаштиради. Қийин эрийдиган фосфатларнинг ажраби чиқишида бу усул айниқса яхши натижә беради; ерга олтингугурт билан фосфоритни бирга солиш доим сувда эрийдиган фосфат кислота миқдорининг хийла ортишига сабаб бўлади. Бироқ ерни үфитлашнинг бу усули ҳали унча расм бўлмаган. Бунинг сабаби шуки, олтингугурт бирмунча қиммат туради, реакцияни нейтрал томонға анчагина сурош учун эса ҳаддан ташқари кўп миқдорда олтингугурт талаб қилинади.

4. ТУПРОҚНИНГ СУВ БИЛАН ТАЪМИЛANIШ ДАРАЖАСИНинг МИКРОБИОЛОГИК АКТИВЛИККА ТАъСИРИ

Микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти сувли мухитда боради. Шунинг учун намнинг етарли миқдорда бўлиши тупроқда микроорганизмларнинг яхши ривожланиши учун зарур шартдир. Агар тупроқ намлиги максимал гигроскопикликка яқин бўлса, ҳамма бактерияларнинг ҳаёт фаолияти тұхтаб қолади, актиномицетлар билан мөғор замбуруғларининг ҳаёт фаолияти эса давом этиб турғани билан жуда секин боради. Замбуруғлар билан актиномицетлар ҳали бир оз ривожланиб тұра оладиган эң кам нам миқдори тупроқ максимал гигроскопиклигининг тахминан 80—95% га тұғри келади. Тупроқ намлиги ортиб борған сари эса тупроқ бактерияларининг ҳар хил группалари тиҳим ҳолатидан актив ҳолатга ўтиб боради ва зўр беріб ривожлана бошлайды. Намлик тупроқ тұла нам сифимининг 60% гача күпайиб борғанда, микробиологик процессларнинг активлиги ўз ниҳоясига етгунча тобора кучайиб бораверади. Намлик 60% дан юқори бўлгандагина айрим микробиологик процесслар активлиги аста-секин пасая бошлайды, бу — кислород етишмаслиги билан боғлиқ. Тупроқдаги сув билан ҳаво антагонистлардир, шунга кўра, намнинг ортиқча бўлиши доим кислород етишмай қолишига сабаб бўлади. Органик моддаларнинг минералларга айланишига сабаб бўладиган ҳар хил процесслар аэроб шароитда эңг тез амалга ошганидан, тупроқда ортиқча нам бўлиши ёки унинг зичлашиб кетиши ўша процесслар учун ноқулай шароит туғдиди.

Ер суфорилганда микробиологик процессларнинг кучайиши, тупроқ органик моддасининг зўр беріб минералларга айланиши билан бирга давом этади. Қурғоқчилик бўладиган районлардә суфоришнинг шу тариқа таъсир кўрсатиши Е. Н. Мишустиннинг Жанубий Қирғизистондаги қўнғир тупроқли ерлардан олган маълумотларидан кўриниб турибди (қўйидаги жадвалга қаранг).

Ишланадиган ва суфориладиган ерларда бактериялар сони суфорилмайдиган қўриқ ерлардагига қараганда 5—10 баравар кўп бўлади. Шунинг учун тупроқнинг нам билан таъминланглиги ундаги микробиологик активликни белгилаб берадиган эңг мұхим омилдир. Нам бир оз етишмай қолганда ҳам микробиологик процесслар сусаяди. Тупроқ жуда қуриб кетганда, намлиги гигроскопик нам сифимига яқынлашиб қолган вақтда эса тупроқдаги микробиологик процесслар деярли тамомила тұхтаб қолади.

Тупроқ ортиқча нам ёки жуда зичлашиб кетган бўлса, захоб ерларнинг сувини қочириш микробиологик процессларнинг жонланишига яхши таъсир кўрсатади. Суви қочирилган ерлар туп-

**Ишлов бериш ва сугоришнинг тупроқдаги бактериялар сонига
ва чиринди запасларига таъсири**

Тупроқ қатлами	Сугориладиган ва ишланадиган ер		Сугорилмайдиган кўриқ ер	
	чиринди (Кноп усулига кўра, % ҳисобида)	бактериялар сони (1 г органик моддала млн. дона ҳисобида)	чиринди (Кноп усулига кўра, % ҳисобида)	бактериялар сони (1 г органик моддала млн. дона ҳисобида)
A ₁	5,6	150	15,2	9
A ₂	2,8	45	8,8	10
A ₃	2,5	13	6,4	3

роғида микроорганизмларнинг умумий сони жуда кўпаяди, чунки тупроқнинг ҳаво-сув режими унда микроорганизмларнинг ривожланиши учун қулай бўлади.

5. ТУПРОҚДАГИ МИКРОБИОЛОГИК ПРОЦЕССЛАРНИНГ МАВСУМИЙЛИГИ

Тупроқдаги микробиологик процесслар активлигининг йил фасллариغا қараб хийла даражада ўзгариб туриши анча илгари ҳам сезилган. Гунг таркибида ерга солинган 100 қисм азотнинг 10 қисми баҳорда, 3 қисми ёзда, 5 қисми кузда ва 3 қисми қишда нитрат кислотага айланиши ўтган асрнинг охирларидаёқ кўрсатиб берилган. Бундан, тупроқдаги органик моддаларнинг минералларга айланиши баҳор ва кузда жуда кучаяди, деган хулоса чиқарилган. Европа, Африка ва Американинг ҳар хил тупроқларидаги нитрификация процесси тезлигини текширишда ҳам худди шунга ўхшаш натижалар қўлга киритилди. Тупроқ намлиги ёзда оптимал даражада қолаверган ҳолларда ҳам талайгина микробиологик процесслар (аммонификация, нитрификация ва ҳоказолар) активлигининг барibir бирмунча сусайиши кузатилган.

Шунга кўра, тупроқдаги микробиологик процессларнинг фасл сари ўзгариб туришига сабаб нима? деган табиий савол келиб чиқкан. Бунга ҳар хил жавоб берилган. Баъзи тадқиқотчилар бундай мавсумийлик температуранинг ўзгаришига, тупроқ эритмаси актив реакциясининг ўзгариб туришиға ва бошқаларга боғлиқ, деган фикр юритганлар. Бироқ тажриба маълумотлари бу фикрни тасдиқламади. Ўрта кенгликларда тупроқнинг ёзда қизиши оптимумдан ошмайди, бироқ микробиологик процессларнинг активлиги эса жуда пасайиб кетади. Талайгина тупроқларда актив кислоталилик даражаси йил мобайнинда жуда оз миқдорда ўзгарадиган бўлиб чиқди, микробиологик процессларнинг мавсумийлиги эса шу тупроқларда ҳам осонгина аниқланди.

Тупроқни лаборатория шароитида оптимум даражада нам ҳолда сақлаш ҳам ўша мавсумий ўзгаришларни кўрсатди.

Модомики шундай экан, айтиб ўтилган ҳодисаларнинг сабаби юқорида кўрсатилган факторларга боғлиқ, деб бўлмайди. Уларнинг сабаби, биринчи галда, микроорганизмларнинг ҳаёт фоалиятига, хусусан уларнинг ҳар хил заҳарли моддалар ҳосил қилишига боғлиқ, бу аллақачоноқ аниқланган. Пептонли озиқ муҳитига тупроқ экстракти қўшилганда, унинг сусайтирувчи таъсир кўрсатиши аниқланган. Е. В. Дианова ва А. А. Ворошилованинг тажрибаларида айниқса ишонарли далиллар қўлга киритилди.

Улар тупроқ экстрактини озиқ муҳитларига қўшиб, микроорганизмлар туфайли содир бўладиган айрим биохимиявий процесслар активлигини аниқладилар. Анализлар тупроқ экстракти, шунингдек тупроқдан сиқиб олинган эритмалар (экстракт йилнинг қайси фаслида тайёрланганинг қараб) биохимиявий процесслар активлигига ҳар хил таъсир қилишини кўрсатиб берди. Ўша экстрактларнинг таъсирини мунтазам равишда кузатиб бориши натижасида тупроқ март ва сентябрь ойларида олингандагина экстрактлар пептоннинг парчаланишига ёрдам бериши аниқланди. Агар экстракт ёзда олинган тупроқдан тайёрланган бўлса, аксинча, бу процесни сезиларли даражада инактивлайди. Тупроқ экстрактлари глюкозанинг парчаланишига ҳам худди шундай таъсир кўрсатган. Июлда олинган тупроқлар экстракти расмана заҳарли хоссаларга эга бўлиб чиқди, август ва сентябрда олинган тупроқлар экстракти эса муайян процесни кучайтирган.

Ана шуларнинг ҳаммаси тупроқдаги микробиологик процессларнинг мавсумга кўра ўзгариб туришининг сабабларидан бири тупроқда қандайдир заҳарли моддалар тўпланиши эканлигини кўрсатади.

Тупроқ микробиологияси соҳасида ҳозир қўлга киритилган маълумотлар шу фикрнинг тўғрилигини тамомила тасдиқлади. Ҳақиқатан ҳам, микроорганизмлар ҳар хил заҳарли моддалар ишлаб чиқаради. Бу моддалар орасида хилма-хил антибиотиклар муҳим ўрин тутади, улар тўғрисида юқорида батафсил гапириб ўтилган эди. Антибиотикларни доимо микроорганизмлар ишлаб чиқаради ва тупроқка ажратиб туради. Бироқ антибиотиклар тупроқнинг ҳар хил таркибий қисмлари билан ўзаро таъсир қилганидан ўз активлигини аста-секин йўқотиб боради. Шундай ўзаро таъсир бўлмаганда эди, тупроқ аллақачоноқ микроорганизмларнинг ривожланиши учун ноқулай муҳитига айланниб қолган бўлар эди. Лекин ҳозирча бундай бўлгани йўқ, аммо тупроқнинг микробларга қаршилик кўрсатадиган баъзи хоссалари ҳар ҳолда қисман сақланиб келмоқда. Майда эланган тупроқни агарли озиқ муҳитларига экиш ва уларга кейин ҳар хил бактерияларни юқтириш йўли билан буни аниқлаш мумкин.

Тупроқнинг диаметри тахминан 0,125 мм ва бундан майдада заррачаларида шундай хоссалар айниқса намоён бўлади. Олдин

қиздириш тупроқнинг микробларга қарши хоссаларини кескин пасайтириб юборганидан, бу хоссалар биологик ўул билан юзага келган, деб ўйлаш керак.

Тупроқ кукунланиб кетганда микробиологи активликнинг пасайиб кетиши ва майда булакли структура овага келганда қайтадан кучайиши тупроқ заррачаларида микробларга қарши хоссалар борлигига боғлиқ.

Бир қанча патоген ва фитопатоген бактериялар, шунингдек тупроқда яшайдиган типик бактериялар жумласига кирмайдиган бошқа күпгина бактерияларнинг тупроқда тез нобуд бўлишини ҳам, афтидан, тупроқнинг ўша хусусиятларин билан тушунитириш керак.

Микробларга қарши заҳарли моддалар ширхил тупроқларда ва турли иқлим зоналарида бир хил мисрда бўлмайди. Улар бирор хил микроорганизмларнинг нечоғлини ривожланишига қараб, тұпланиши ва йўқолиб кетиши мумкин. Тупроқ микроорганизмлари турларининг таркиби фазат тупроқ таркибига эмас, балки ўстирилаётган ўсимликлар турларининг таркибига ҳам боғлиқ бўлгандан, ўша ўсимликлар тупроқнинг антибиотик хоссаларига катта таъсир кўрсатади. Масалан, Н. А. Красильников маълумотлари шундан далолат беради, у себарга ва ўт аралашмалари ўсан ерларнинг тупроғи жавдар ўсан ёки экин экилмаган ерларнинг тупроғига зараганда стафилококк ва ичак таёқчасининг ривожланиши учун анча заҳарли эканлигини кўрсатиб беришга муваффақ бўлди. Чамаси, ўтлар антагонист микробларнинг ривожланишига одам беради, бу микроблар тупроққа юқорида айтилган бактерияларни сиқиб қўядиган ҳар хил антибиотик моддалар ажратиб чиқаради. Қуйидаги фактлар ана шу фикрнинг тўғрилигини кўрсатади. Тупроқ 100—120° гача қиздирилганда бактерияларга қарши хоссалари йўқолиб кетади, унга қайтадан тупроқ бактериялари юқтирилганда эса ўша хоссалар аста-секин тикиниб боради. Бу хоссалар тупроқда ҳар хил антагонист микроорганизмларнинг ривожланишига боғлиқ, чунки улар стерилланмаган тупроқлардагина юзага чиқади. Тупроқнинг биологик «толиқиши» ҳам унда антибиотик моддалар тўпланишига кўп даражада боғлиқ бўлиши ажаб эмас.

Тупроқдаги микробиологик процессларнинг мавсумийлигига биологик сабаблар билан бир қаторда химиявий ва физик-химиявий сабаблар ҳам маълум аҳамиятга эга. Бирор озиқ модда етишмаслиги туфайли тупроқ микроорганизмларининг ривожланиши учун унча ярамай қолгандек, тупроқда заҳарли моддаларнинг (ҳаракатчан алюминий ва бошқаларнинг) тўпланиши ҳам микроорганизмларнинг ривожланиш кучини пасайтириб қўяди.

Баҳорда осон ўзлаштириш мумкин бўлган органик моддалар (аввалги йилдан қолган парчаланмаган ўсимлик қолдиқлари ва ҳоказолар) тупроқда доим анча кўп бўлши, шунинг учун

микроорганизмларнинг минераллаштирувчи активлиги худди баҳорда кучаяди. Ёзга бориб, уша моддаларнинг аста-секин парчаланиши ва шу билан бирга тупроқда антибиотик моддаларнинг түпланиб бориши ёзда активликнинг пасайиб кетишига сабаб бўлади.

Кузда ерга янги органик моддаларнинг тушиши ва микробларга қарши моддаларнинг ёз мобайнида инактивланиши микробиологик процессларнинг кубда яна кучайишига олиб келади.

Тупроқдаги микроорганизмларнинг ривожланишида бирмунча актив давр билан унча актив бўлмаган давр, чамаси, шу тариқа алмашиниб туради.

6. ТУПРОҚНИ ҚИСМАН СТЕРИЛЛАШНИНГ ТУПРОҚ МИКРООРГАНИЗМЛАРИГА ВА ЭКИНЛАР ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИ

Тупроқни қисман стериллаш тупроқ микроорганизмларига ва тупроқдаги озиқ моддаларнинг ҳаракатчанлигига катта таъсир курсатади. Бунга турли ўйл билан эришилади, бироқ ерга ҳар хил антисептик моддалар солиш усули энг кўп қулланади. Баъзи антисептиклар тупроқни согломлаштирибгина қолмай, экинлар ҳосилини хийла оширади ҳам, қўйидаги жадвал маълумотлари шунни тасдиқлайди.

Хлорпикриннинг ботқоқланган түқ тус тупроқли ерларда үсадиган зигир ҳосилига таъсири

(Берёзова ва Горбуновадан олинган)

Тажриба нормалларни	Ҳосил (ҳар илишга нисбатан г ҳисобида, абсолют куруқ оғирлиги)	
	уруги	пояси
Ўғитланмаган (контрол)	3,13	9,33
Хлорпикрин (1 кг тупроққа 0,2 г ҳисобида)	7,07	20,53
NPK	9,22	30,36
NPK + хлорпикрин (1 кг тупроққа 0,2 г ҳисобида)	10,02	30,48

Зигирчилик институтининг енгил қумоқ тупроқли тажриба майдонида ўтказилган дала тажрибаларидан ҳам худди шундай натижалар олинган. Антисептик билан ишланган ердан қисман стерилланмаган ердагига қараганда икки баравар куп сули ҳосили олинди.

Қисман стериллашнинг ҳосилга шу тариқа таъсир этиши, афтидан, шунга боғлиқи, тупроқ антисептик билан ишлангандан кейин микроорганизмлар сони кескин камайиб кетади, кеинчалик эса нобуд бўлган, спора ҳосил қўлмайдиган бактериялар, сув ўтлари, содда ҳайвонларнинг чириши ва тупроқдаги ор-

ганик модданинг зўр бериб парчаланиши ҳисобига тупроқ микроФлораси зўр бериб ривожлана бошлайди.

Хлорпикрин солингандан кейин ҳар хил тупроқ типларида сувда эрийдиган органик моддалар миқдори кимайади, бу — микроорганизмларнинг кўплаб ривожланиши ва уларнинг органик моддаларни минералларга айлантириб, азотларни минерал бирикмалар ҳосил қилиши учун қулай шароит туғдиради.

Текширишлардан маълум бўлгандек, антисептиклар аввал питратлар тўпланишини сусайтириб, аммиак тўпланишини кучайтиради. Афтидан, тупроқ қисман стерилланганда спора ҳосил қилмайдиган нитрификацияловчи бактериялар тез нобуд бўлади, орасида спора ҳосил қилувчи формалар кўп учрайдиган аммонийификацияловчи бактериялар эса, аксинча, активлигини сезиларли даражада кучайтиради ва қўшимча миқдорда осон парчалана-диган органик моддалар олади. Антисептикларнинг шу тариқа таъсир кўрсатишини Е. Н. Мишустин маълумотлари тасдиқлайди. У тупроқдаги озиқ моддалар ўзлаштириш учун нечоғли қулагилгини кўрсатадиган биологик индикатор ўринида *Aspergillus niger* замбуруғидан фойдаланиб, антисептикларнинг солингандан кейин сувда эрийдиган органик модда миқдори ниҳоятда тез кўпайиб кетишими курсатиб берди.

Баъзи тупроқларда, масалан, қисман стериллашга айниқса тез бериладиган тупроқларда, антисептик солингандан 30 минут кейиноқ сувда эрийдиган органик модда франциясининг кўпайишини пайқаш мумкин бўлган. Албатта, таъсир муддати шунчадавом этганда, озиқ моддалар (асосан азот билан фосфор) микроорганизмлар туфайли чиқиб кетади, деб тайишга ўрин йўқ, чунки уларнинг шу даврдаги ҳаёт фаолияти тупроққа солинган антисептик таъсирида ҳали жуда суст ҳолда тураверади. Шунинг учун айрим антисептиклар тупроқдаги органик моддаларнинг ҳолатида муҳим химиявий ўзгиришлар келтириб чиқаради, хусусан, улар бир қисмининг сувли әритмага ўтишини кучайтиради, бу ҳол уларнинг микроорганизмлар таъсирига яна берилиши учун қулай қилиб қуяди, деб ўйлади керак. Бироқ ҳар хил тупроқлар бунга турлича муносабатда бўлади: уларнинг баъзилари антисептик таъсирига осон берила, бошқалари аксинча қийин берилади. Кейинги ҳолда, чамаси, тупроқнинг органик моддалари тегишли антисептик таъсирига камроқ учрайди. Ҳар хил антисептикларни қуллашга тааллукли маълумотлар ҳам худди шуни курсатади. Химиявий табиати актив бўладиган ва тупроқ органик моддаси билан узаро таъсир қилиб, оксидланиш ёки гидролизланиш процессини таъминлай оладиган антисептиклар (хлор, хлорли оҳак, формальдегид, сульфатли бирикмалар ва ҳоказолар) тупроқдаги органик моддалар билан узаро тез таъсир қила олмайдиган туйинган углеводородлар ва уларга яқин бирималар типидаги химиявий инерт антисептикларга қараганда ҳосилга одатда каттароқ таъсир курсатади. Уларнинг

ҳосилга яхши таъсир кўрсатиши, чамаси, биологик факторларга, хусусан тупроқдаги *Protozoa* га ва бошқа микроорганизмлар группасига ҳалокатли таъсир кўрсатишига кўп дараҷада боғлиқ, бу микроорганизмларнинг ҳужайра моддаси аммонификацияловчи бактерияларнинг ривожланиши учун кейинчалик яхши озиқ булади ва зўр бериб аммиак ҳосил қилишга материал беради.

Қисман стериллашг «толиққан» тупроқли ерлардан олинадиган ҳосилга ҳам яхши таъсир кўрсатади.

Маълумки, бир хил экин бир жойга муттасил экилаверса, тупроқ толиқиб қолади. Айни вақтда тўлиқ ўғит солиш ва тупроқ физик хоссаларини сақлаб қолишга қарамасдан, мазкур экиннинг ҳосили тобора камайиб бораверади, лекин худди ўша ернинг ўзида бошқа экинлар яхши ҳосил беради. Зифир, беда, себарга, қанд лавлаги ва бошқа экинлар муттасил бир жойга экилаверса, кўпинча шундай ҳодиса кузатилади. Баъзи тадқиқотчилар бу ҳодиса тупроқдаги баъзи озиқ моддаларнинг бир томонлама сарфланишига боғлиқ, деб тахмин қилдилар, айни вақтда, одатда ўсимликка оз миқдорда керак бўладиган, аммо унинг нормал ривожланиши учун мутлақо зарур ҳар ҳил микроэлементларни кўрсатдилар. Бошқалари бу ҳодисани тупроқда заҳарли моддалар тўпланишига, учинчилари эса ўсимликларнинг илдиз системасида паразитлик қилиб яшайдиган микроорганизмлар тўпланишига боғлиқ, деб ўйлаганлар.

Тупроқ толиқишининг табиати шу пайтгача тула аниқланмаган, лекин у жуда мураккаб бўлиб, ҳар хил сабабларга кўра келиб чиқкан. Ўзининг ҳаёт фаолияти маҳсулотлари билан ёки ўсимликлар илдиз системасида паразитлик қилиб яшаб, уларнинг ривожланишини сусайтириб қўядиган микроорганизмларнинг тупроқда тўпланиши, чамаси, бу ўринда асосий сабаблардан бири бўлади. Тупроқда жуда кўп паразит замбуруғлар ёки фитопатоген бактериялар тўпланиб қолса, табиийки, ўсимликлар қийин ўсади ёки мутлақо ўсмайди. Тупроқда ҳайвонлар дунёсининг паразит вакиллари тўпланганда ҳам худди шундай натижага келиб чиқади. Чунончи, лавлаги нематодаси — қанд лавлагининг энг хавфли паразити эканлиги қадимданоқ маълум. Унинг личинкалари қанд лавлаги илдизларига жойлашиб олади ва лавлаги ҳосилининг кескин камайиб кетишига сабаб бўлади.

Тупроқнинг толиқиши ундаги микроорганизмлар теварак-атроф муҳитга ажратиб чиқарадиган ҳар хил заҳарли моддалар тўпланишига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Турли иқлим зоналарида ва ҳар хил типдаги тупроқларда ўша моддалар ҳар хил тезлик билан тўпланади. Шунинг учун бирор экинни ҳадеб экавериш туфайли тупроқнинг толиқиб қолиш муддатлари ҳам ҳар хил бўлади.

Тупроқнинг толиқишига қарши курашнинг самарали чораси тупроқни ҳар хил антисептиклар билан қисман стериллашдир. Бу

усул фитопатоген бактериялар ва замбуруғларни тамомила деярли йүқотишига ва шу тариқа тупроқнинг ҳолатини яхшилашга имкон беради-ю, бироқ тупроқнинг толиқиши заҳарли алюминий, марганец ёки темир ионларининг тұпланишига боғлиқ бұлса, күнгилдагидек натижа бермайды. Бу ионлар одатда озиқ элементларининг тупроқдан бир томонлама сарфланиши ва тупроқ әритмасининг сезиларлы даражада кислотали реакция касб этиши туфайли тұпланади. Тупроқнинг толиқишига ундаги сийрак әлементларнинг камайиб кетиши сабаб бұлган ҳолларда ҳам қисман стериллаш кам натижа беради. Бундай ҳолларда тупроқ ҳолатини яхшилаш мақсадида унга махсус үғитлар солинади.

Органик моддаларга бой тупроқни қуритиш ҳам ҳосилнинг анчагина ортишига ёрдам беради. Күпгина текширишлардан маълум бұлғандек, қуриқ ерлардан олинган ва қайта-қайта қуритилган тупроқларда энг яхши натижалар өлинади. Бу ҳолда ҳосил 40% ва ундан ҳам күпроқ ортади. Бунинг сабаби шуки, тупроқда ер намланғандан кейин ривожланадиган микроорганизмлар сони күпайиши натижасида аммиак билан карбонат ангидрид күпроқ ҳосил бұлади.

XVII бөб

РИЗОСФЕРА МИКРООРГАНИЗМЛАРИ ВА ҮСИМЛИКЛАРНИНГ ҮСИШИ

1. РИЗОСФЕРА БАКТЕРИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЮҚОРИ ҮСИМЛИҚЛАР БИЛАН ҰЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Ризосфера микроорганизмлари илдизлар юзасида ва үсимлик илдизларига бевосита тақалиб турадиган тупроқда күплаб ривожланади. Бир қанча тадқиқотчилар ҳар хил тур үсимликларнинг илдиз системаси билан маҳкам алғақада бұладиган микроорганизмларнинг сифат таркиби анча фарқ қилишини ва илдиз яқинидаги ҳужайралар сони эса илдиздан бир оз наридаги ҳужайралар сонидан анча күп бўлишини кўрсатиб беришга муваффақ бўлдилар. Масалан, Н. А. Красильниковнинг текширишлага кура, маккажӯхори, кунгабоқар, соя ва бошқа экинлар ризосферасидаги микроорганизмлар сони контрол ерлардагига қараганда 5—10 баравар күп бўлади.

Үсимликларнинг үсиш даврларига қараб, микроорганизмлар сонининг ўзгариб туришида ҳам муайян қонуният бор. Одатда үсимликларнинг гуллаш даврида ризосферадаги микроорганизмлар сони энг кўп бўлади. Баъзи үсимликларда иккинчи максимум ҳам кузатилади, буғдойда у поя чиқариш даврига, маккажӯхорида эса бачки чиқариш даврига тұғри келади.

Совет ва чет эл тадқиқотчиларининг куп ишларига асосла-ниб, илдиз ёни микрофлорасининг асосий қисми *Pseudomonas* ти-пидаги спора ҳосил құлмайдыган бактериялардан иборат, деб ҳисоблаш керак. Ризосфера бактериялари одатда үсимликлар ривожланишининг дастлабки стадияларида ва гуллаш даврида энг күп топилади. Үсимликларнинг етилиш даврида улар энг кам бұлади. Ҳосил йигиб-териб олингандан кейин, илдизлардаги бак-териялар сони қайтадан жуда құпайиб кетади. Бироқ энди уларнинг асосий қисмини ризосфера бактериялари әмас, бал-ки илдиз қолдиқларини чиритувчи бактериялар ташкил этади.

Ризосфера бактериялари сувли мұхитда үстирилғанда ҳам үсимликларнинг илдизи юзасида жуда құпайиб кетади. Авторлар (М. Фёдоров ва Г. Пантош, 1958) нинт текширишларига күра, сувли мұхитда ва ерда үстирилаёттан бүгдей илдизлари юзасидаги ризосфера бактерияларининг сони де-ярли бир хил бұлади. Сувда үстириш шароитта илдиздан ажralадиган мод-далар уларнинг ривожланиши учун бирдан-бир манба бұлиб хизмат қил-ганидан, илдиз юзасида ривожланадыган бактерияларнинг сифат ва миқдор таркиби үша моддаларга bogliq. Aйни вақтда шуны айтib үтиш мұхимки, сув күльтурасида микрофлораның ҳаммаси деярли илдизлар юзасида бұла-ди, озиқ мұхитидаги бактерияларнинг сони эса илдизлар юзасида ривожла-наёттан бактериялар сонининг мингадан бір улушидан ошмайды, лекин бундай шароитта ҳам уларнинг ривожланиш максимуми бошқаланиш фазасига туғри келади. Мұхитдаги минерал азот дозасини ошириш (Гельригель ара-лашмасидан 0,3 норма үрніга бир норма азот солиши) үсимликлар ҳосилининг анча ортишига ва илдизлар юзасида топиладыган бактериялар сонининг деярли иккі баравар құпайишига сабаб бұлади. Үсимликлар зұр беріб органик модда синтез қылғанда, илдиздан ажralиб чиқадыган моддалар, афти-дан, құпаяды, худди шу моддалар ризосфера бактерияларининг жуда тез ри-вожланишини таъминлаб туради.

Бу маълумотлар бүгдей ризосфераси бактерияларининг таркибидаги миқдор үзгаришлари тупроқ хусусиятларига bogliq бұлмасдан, үсимликтен ривожланиш фазасига ва кучига bogliq эканлигини күрсатади.

Үсимликларнинг үсиш тезлиги билан илдизи юзасида ривожланадыган ри-зосфера бактерияларининг сони ўртасидаги болғаныш түргисида бирмунча тұла тасаввурға әга булиш учун, бүгдей ризосферасидаги бактериялар сонининг миқдор үзгаришларини турли ривожланиш фазаларыда үсимликларнинг ер үсти қисміда қуруқ модда түпланиши билан солишириб күришга қарапат қилинді. Шу мақсадда ривожланишининг турли фазаларыда үсимликлар ер үсти массасининг қуруқ оғырлығи аниқландыра үлдизлар юзасида ривожла-наёттан ризосфера бактериялари сони билан солишириб күрілді. Бу солиши-тириш нағижалары бүгдей ризосфераси бактерияларининг сони муайян ри-вожланиш фазасида ер үсти массаси қуруқ моддасининг нечегли құпайиб боришига яраша үзгаришини күрсатыб берді. Чунонча, турли шароитта үс-тирилаёттан бүгдей ризосфераси бактериялари бошқа тортиш фазасида энг күп бұлади. Үсимлика худди шу даврда қуруқ модда әнг күп түпленади.

Равшанки, үсимлика ҳаёт фаолиятининг ҳамма процесслари, жумла-дан ұжайра моддаси синтез қилиш ҳам жуда шиддат билан борган. Уша процесслар жуда шиддат билан борганда эса, афтидан, илдизлар орқали атрофдаги мұхитта органик моддалар чиқиши учун бирмунча қулай шароит туғилади. Худди шу моддалар ризосфера бактериялари учун озиқ бұлади.

Үсимликтен етилиш даврига келиб, умумий физиологик активлиги ка-майганды (маълум вақт ичіда қуруқ массасын кам түпленгендеги шуны күр-сатады), илдиздан ажralаёттан моддалар миқдори камаяды ва бу өз мазкур үсимлик илдизида ривожланадыган ризосфера бактериялари сонининг кама-йишига сабаб бұлади. Агротехника фонини үзгартырыш (чимли-подзол туп-

ди ерларга минерал ўғитларни бекаму күст қилиб шишиш ёки сув кульрасидаги азот дозасини ошириш) ўсимликнинг муадиби ривожланиш фазаси тұпланадиган органик модда миқдорини ва шундай мувофиқ илдиздан жараладиган моддалар миқдорини ўзгартыради. Бунинг тижасида илдизлар эмас, балки турли биотехника фонида бактериялариниң қоюн ҳам ўзгаради.

Бактерияларниң өзінде ривожланаётган ризосфера бактериялариниң қоюн ҳам ўзгаради.

Мазкур ҳолда гап ўсимлика тұпланадиган умумиеттегі шуруқ модда массасында тұғрицида бормай, ўсимлик ривожланишининг муадиби фазасида, хусусан бир ривожланиш фазасини иккінчисідан ажратып тұғрицида мұддат ичида шуруқ массасында тұпланыш тезлигі тұғрицида бораётгандын таъкидлаб үтиш зарупа, илдиздан ажраладиган моддалар миқдори ҳам да шура, хил бұлады ва шу моддалар ҳисобига маълум миқдор ризосфера бактерияларниң ривожланаётган олады.

Мазкур ҳолда гап ўсимлика тұпланадиган умумиеттегі шуруқ модда массасында тұғрицида бормай, ўсимлик ривожланишининг муадиби фазасида, хусусан бир ривожланиш фазасини иккінчисідан ажратып тұғрицида мұддат ичида шуруқ массасында тұпланыш тезлигі тұғрицида бораётгандын таъкидлаб үтиш зарупа, илдиздан ажраладиган моддалар миқдори ҳам да шура, хил бұлады ва шу моддалар ҳисобига маълум миқдор ризосфера бактерияларниң ривожланаётган олады.

Типик ризосфера бактериялари ўсимликтегі илдизларидан

чиққан моддалардан фойдаланып ривожланаётган олады да гүё ўсимлик ҳисобига яшайды. Бирок бу — уша бактериялардың үз навбатида, ўсимликтегі озиқланиш режимінде таъсир көрсетмейді, деган маънони билдиirmайды. Уларнинг физиологиясында хусусиятларини үрганиш, уша бактериялар орасыда барқарор азотлы органик бирикмаларни ҳам парчалайдын актив амминификаторлар да нитратларни молекуляр азот ҳамда аммиаккача зүр бериб қайтарадиган актив денитрификаторлар да борлигини курсатади. Бу бактериялар ўсимликларнинг озиқланиш режими-да таъсир күрсатиши шак-шубҳа туғдирмайды.

Бирмунча батафсил текширишлар илдизларидан өзасида ривожланадиган бактериялар флораси ўсимликтегі озиқланиш режимига үзүн азотлы органик мөхитте таъсир этишини курсатып берди. Ризосфера бактерияларнинг таъзи формалары мұхитта устирувчи моддалар ажратып чиқарып, ўсимликларнинг үсишини тезлаштырса, башқалари ингибитор түрлерінде моддалар чиқарып, уларнинг үсишини, аксинча, секинлаштыради. Қишлоқ хужалигыда алмашлаб әкиш режалари тузиліп шығынан, шу нарса ҳисобга олиниши керак. Тегишли экинларни тағалма-гал әкиш йулы билан ердан самарали фойдаланишдан ташқари, унинг ҳолатини яхшилаб бориши, тупроқда маълум ўсимликларнинг ривожланишини сусайтирадиган бактериялар тұпланишига йүл қуймаслик ҳам мумкин. Экинлар тұғри алмашып, әкилгандан ва улар кейинги экинларга қандай таъсир күрсатып да ҳисобга олинада, ерга баравар миқдорда ўғит солиши билең ҳосилни анча ошириш мумкин.

Тупроқ микроорганизмлари ўсимликларнинг үсишига нечоғли хилма-хил таъсир күрсатиши ва уша микроорганизмларнинг